

66  
P-18


# Фёдор Раззоқов

---



**Шароф Рашидов:  
ҳаёт ва мамот**

# Фёдор Раззоқов



# Шароф Рашидов: ҳаёт ва мамот

ТОШКЕНТ  
«O'ZBEKISTON»  
2020

УЎК 328.185(575.1)

КБК 66.3(5Ў)3

P 18

### Такризчилар:

Муҳаммад АЛИ – Ўзбекистон халқ ёзувчиси;  
Равшан НАЗАРОВ – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти «Янги ва энг янги тарих» бўлими мудирининг ўринбосари, тарих фанлари номзоди

Рус тилидан Абдуҳамид ПАРДАЕВ таржимаси

### Нашрга тайёрловчи Раҳимжон СУЛТОНОВ

Ушбу китоб Ўзбекистоннинг буюк давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидович Рашидовнинг ҳаёти ҳамда фаолиятига бағишланган. Шароф Рашидов ўз ғояларига садоқат билан хизмат қилган ва уларни бадном қилишга уринишлар бўлганда, жон-жаҳди билан ҳимоя қилган шахсдир. Тарихий воқеалар батафсил солнома сифатида изчил баён қилинган ушбу китоб қизиқарли фактларга бой бўлиб, уларнинг аксарияти биринчи марта эълон қилинаётгани боис ўша давр воқеаларини янгича талқин этади.


Китоб муаллифи ўз асари қаҳрамонининг таржимаи ҳолини шу қадар маҳорат билан акс эттирганки, унинг мансаб пиллапояларидан кўтарилиши ҳақида ҳикоя қиладиган шахс тарғибот андозаларининг мажмуи эканига оид одатий фикрни беихтиёр йўққа чиқарган.

Ушбу китоб қаҳрамонининг тақдири нафақат ўз республикасининг, балки юкса-лиш ва инқирозлардан иборат турли босқичлардан ўтган улкан мамлакатнинг бутун мураккаб тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Воқеалар баёнида олийжаноблик ва тубанлик, жасорат ва сотқинлик, муҳаббат ва нафрат, ютуқлар ва фожеалар ҳам бор.

Китоб мамлакатимизнинг яқин тарихи билан қизиқувчилар ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

*Китоб «Капиталбанк» АТБ молиявий ёрдами билан*

*нашр этилди.*



ISBN 978-9943-25-984-3

© Ф. Раззоков, 2020  
© А. Пардаев (тарж.), 2020  
© «O‘zbekiston» НМИУ, 2020

---

## «ЎЗБЕК ИШИ»ГА АДОЛАТЛИ ЁНДОШИЛГАН ИЛК ХОРИЖИЙ АСАР

*Шароф Рашидов ўзининг ноёб ақл-заковати, бой билим ва тажрибаси, меҳнатсеварлиги ва камтарлиги, юксак инсоний фазилатлари билан нафақат Ўзбекистонда, балки узоқ-яқин ўлкаларда ҳам катта обрў-эътибор қозонган эди. Бу улуг инсон, собиқ мустабид тузум даврида турли тазйиқ ва синовларга бардош бериб, халқимиз ва миллатимизга садоқат билан, ҳалол ва фидокорона хизмат қилди<sup>1</sup>.*

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

**Тарих** – холис ҳакам, у ҳар қандай давлат арбобининг кадр-қимматини, **шарф** олдида кўрсатган хизматларини муносиб равишда жой-жойига **қўлади**. Кимлардир вақт ўтишига қарамай, одамлар хотирасидан ўчмайди **ва халқ** қалбида мангу яшайди. Яна кимларнингдир қисматига эса унутиш **ҳукми** битилгандир.

**Чиндан** ҳам, тарих ҳозирги даврнинг аниқ-тиниқ далилларини англаш **ва баъзан** кўл келса, баъзида бунинг акси бўлади. Зеро, тарихнинг хотири **қисми** барҳаёт. У ўтмишни унутишга йўл қўймайди. Ҳар қандай шахснинг **таърифи** тутган ўзига яраша ўрни ва аҳамиятига баҳо беришда ўша шахс **қилган** муайян давр воқеликларидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш талаб **қилади**. Тарихийлик тамойили ҳам шуни тақозо этади. Бинобарин, «**Инсоннинг** излаган» Диоген бошқа ҳақиқат изловчилардан донороқдир.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Жиззах шаҳрида Шароф Рашидов ҳайкалининг очирилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // «Халқ сўзи» 2017 йил 7 ноябрь.



**Негаки, фақат инсонни топибгина ҳақиқатга эришиш мумкин»,** деган эди дунёга машҳур адиб ва атоқли жамоат арбоби Бернар Дадье<sup>1</sup>.

Шу маънода, XX асрнинг жуда мураккаб ва оғир йилларида республикаимизни бошқариб, юртимиз тараққиёти йўлида фидокорона хизмат қилган, ижтимоий-сиёсий ва бадий-ижодий фаолияти билан миллий адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига катта ҳисса қўшган атоқли давлат арбоби, таниқли ёзувчи Шароф Рашидов улкан қўламдаги тарихий шахсдир. У, ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистоннинг энг янги тарихида ҳам, собиқ Иттифок ўтмишида ҳам муносиб ўрнига эга улуғ сиймодир.

**«Республикаимизни жуда мураккаб ва оғир йилларда бошқариб, юртимиз тараққиёти йўлида фидокорона хизмат қилган, ижтимоий ва иждодий фаолияти билан миллий адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига катта ҳисса қўшган атоқли давлат арбоби, таниқли ёзувчи Шароф Рашидов...»** – Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 27 мартда қабул қилинган «Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Қарорида<sup>2</sup> бу буюк инсонга ана шундай юксак, айна чоғда, жуда муносиб баҳо берилган.

Бинобарин, халқимизнинг ушбу жонкуяр фарзанди мустабид тузумнинг турли тўсиқларига қарамай, бор куч-ғайрати ва билими, салоҳияти ва тажрибасини юртимиз тараққиёти учун сарфлаган. Шароф Рашидов ўта чигал ва таҳликали замонда ҳамиша Ўзбекистоннинг обрў-эътиборини ошириш, унинг мавқеини мустаҳкамлаш ҳаракатида бўлган.

Шукурки, халқимиз оқибатли. Ўтмишга нисбатан ношукурлик, нонкўрлик, беписандлик миллатимизнинг табиатига зид. Эл-юртимиз ўз фаровонлиги йўлида хизмат қилган фарзандларини ҳеч қачон унутмайди. Собиқ тузум даврида «Марказ»нинг айёрона кўрсатмаларига учган ёки ўзимиздан чиққан айрим нопок шахсларнинг Шароф Рашидов номини ёмонотлиқ қилишга уринишларига қарамай, халқимиз содиқ фарзанди хотирасини унутмади.

<sup>1</sup> *Бернар Дадье* (Dadie) – 1916 йили Ғарбий Африканинг Кот-д’Ивуар давлати ҳудудидаги Асини шаҳрида туғилган; француз тилида иждод қилувчи адиб, драматург, фольклоршунос ва жамоат арбоби.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 мартда қабул қилинган «Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Қарори // «Халқ сўзи» газетаси, 2017 йил 28 март.

Улуғ инсоннинг пок номини тиклашда мустақиллигимиз меъмори Ислом Каримовнинг хизматлари катта бўлди. Бу ҳақда сўз борганда, албатта, 1992 йил ноябрь ойида юртимизда Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллиги нишонланганини алоҳида қайд этиш лозим.

Аслида, Шароф Рашидов номини оқлашдек эзгу ишга бундан ҳам олдин, яъни XX асрнинг 90-йиллари бошида киришилганини шахсан биламан. Шароф Рашидов тимсолида бутун халқимиз номини поклашдек улуғ амалнинг узвий қисми бўлган ўша савобли ишларга қайсидир жиҳатдан бевосита гувоҳ бўлганман.

Биринчи Президентимиз 1990 йилдаёқ тарихнинг ҳар қандай бурилиш паллаларида ҳам босиқ-вазминлик, холислик ва масъулият зарурлигини уктириб, хусусан, Шароф Рашидов фаолиятига баҳо беришда худди шу нуқтаи назардан ёндашишга даъват этганди. Шундан сўнг ўн иккинчи чакирик Олий Советнинг 1990 йил 30 июнда бўлиб ўтган иккинчи сессиясида Шароф Рашидовнинг фаолиятига баҳо бериш бўйича парламент комиссияси тузилди. Олий Советнинг 1990 йил 29 октябрь – 1 ноябрь кунлари бўлиб ўтган учинчи сессиясида бу борада Олий Советнинг 1990 йил 29 октябрдаги махсус қарори қабул қилинди<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев ўша даврда Халқ депутати, Олий Совет Мандат комиссиясининг раиси сифатида парламент тизимида фаолият юритиш асносида ана шу жараёнларда бевосита иштирок этган. Шу маънода, давлатимиз раҳбари ташаббуслари асосида:

**биринчидан**, 2016 йил ноябрь ойидан эътиборан Жиззах тумани Шароф Рашидов номи билан аталгани;

**иккинчидан**, 2017 йил 27 мартда Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш ҳақида Президент Қарори қабул қилингани;

**учинчидан**, Жиззах туманида Шароф Рашидов хотирасига Ёдгорлик мажмуаси – бюст барпо этилгани;

**тўртинчидан**, Жиззах шаҳрида Шароф Рашидов мемориал уй-музеи ташкил қилингани ва муаззам ҳайкал ўрнатилгани;

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ўн иккинчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг 1990 йил 29 октябрда бўлиб ўтган III сессияси материаллари. Фонд – Р-2454, Рўйхат – № 6 пр., Сақлаш бирлиги – 7093, – В.7.

*бешинчидан*, атоқли адибнинг сайланма асарлари нашр этилгани<sup>1</sup> – буларнинг барчаси мамлакат миқёсидаги ўша савобли ишларнинг узвий ва мантикий давомидир.

Бугун юртимизда Шароф Рашидов ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ китоблар, мақола ва хотиралар ҳам мунтазам эълон қилинмоқда. Бу ҳақда фикр юритганда, дунё тажрибасида буюк тарихий шахсларнинг ҳаёт йўлини ёритиш борасида турлича ёндашувлар мавжуд эканига эътибор қаратиш даркор.

Шуни ҳам очиқ тан олиш керакки, юртимизда ҳалигача хотиранавислик – мемуаристиканинг на миллий тарихи, на илмий назарияси ва на тадқиқ этиш услубияти (методологияси) ишлаб чиқилган. Аммо Шароф Рашидовнинг «сиёсий портрет»ини яратиш йўналиши нисбатан жадал ривожланмоқда. Бу йўналишда кейинги чорак аср давомида бир қатор китоблар эълон қилинди.

Хусусан, бу муҳим ёдномалар орасида **Гулнора Рашидова** ва **Дониёр Комилов** қаламига мансуб **«Шароф Рашидов: инсон давр кўзгусида ва давр – инсон тақдирида»**<sup>2</sup> номли китоб муҳим ўрин тутади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, асарни ёзишда бу борадаги шарқона тарихий анъана давом эттирилган.

Бинобарин, аждодлар тўғрисида кейинги авлод вакиллари, яъни ота-боболар ҳақида фарзандлар, набиралар томонидан мемуарлар ёзиш тажрибаси Шарқда азалдан мавжуд. **Захириддин Муҳаммад Бобурнинг қизи Гулбаданбегимнинг «Хумоюннома»** асари бунинг яққол тасдиғидир. Бу асар фарзанднинг ўз отаси, акаси ҳамда шонли сулоланинг бошқа намоёндалари ҳақида бирон-бир тарихчи билмаган ноёб тарихий маълумотларга ва ўзга муаллифлар бита олмайдиган теран руҳий-маънавий кечинмаларга бойлиги билан ҳам дунё миқёсида юксак кадрланади.

Шу нуқтаи назардан, Г.Рашидова ва Д.Комиловнинг Шароф Рашидов ҳаёт ва ижод йўли ҳақидаги китоби мисолида ана шу миллий анъанавийлик ривожлантирилган. Айтмоқчимизки, муаллифлардан бири ушбу улуғ зотнинг қизи бўлса, иккинчиси набирасидир. Бундай шажаравий боғлиқлик, ўз навбатида, асар аҳамиятини янада оширган.

<sup>1</sup> Қаранг: Шароф Рашидов. Сайланма. – Т.: «Маънавият», 2017. – 264-бет.

<sup>2</sup> Г.Рашидова, Д.Комилов. Шароф Рашидов: Инсон давр кўзгусида ва давр – инсон тақдирида. – Т.: «Tasvir», 2017. – 376-бет.

Китобнинг ўзига хос маъно-моҳияти ҳақида сўз борганда, авваламбор, бу асар Шароф Рашидовнинг шунчаки биографияси ёки ортиқча таҳсину мактовларга тўла ҳасби ҳоли ҳам эмаслигини таъкидлаш лозим. Асар одатда «таржимаи ҳол» деган тушунча онгу тасаввуримизда уйғотадиган сийқа эрикарли тафсилотлардан мутлақо йироқ. Китобда Шароф Рашидовнинг ҳаёти, раҳбарлик фаолияти ва ижодий ишлари билан боғлиқ рангбаранг лавҳаларни баён этиш орқали асосан куйидаги мақсадлар кўзда тутилган.

**Биринчидан**, Шароф Рашидов яшаган даврга хос ижтимоий-тарихий муҳит бу инсоннинг шахс сифатида шаклланиши ва босқичма-босқич камол топишида нафақат ижобий омил бўлди, балки унинг шундай юксак даражага кўтарилишида улкан роль ўйнади.

**Иккинчидан**, китобда Шароф Рашидов сиймоси нафақат у яшаган тарихий давр нуқтаи назаридан талқин этилган, балки ўша замоннинг унинг шахс сифатида шаклланишига ва ушбу шахснинг ўз даврига кўрсатган таъсири масалалари атрофлича таҳлил этилган.

Бир сўз билан айтганда, Шароф Рашидовнинг ҳаёти ва фаолияти илмий-назарий асосда чуқур тадқиқ этилган алоҳида монографик тадқиқот ҳозирги кунга қадар яратилмагани инобатга олинса, мазкур китоб ўз мазмун-моҳияти бўйича илмий-тарихий монографик асар сифатида шу бўшлиқни тўлдиришга хизмат қилган, десак, янглишмаймиз.

Бу йўналишда битилган яна бир китоб – бухоролик қаламкаш **Вали Қаҳҳор**нинг «Унутилмас сиймолар» хужжатли эссесидир<sup>1</sup>. Унда атоқли давлат ва жамоат арбоби, адиб Шароф Рашидовнинг ўз даврида Бухоро вилояти аҳли билан кечган самимий ҳамда унутилмас учрашувлари ҳақида сўз боради.

Китобдаги ҳаётий хотираларнинг барчаси, бир томондан, Шароф Рашидовнинг табиатан камтар, ҳалол, покиза ва ажойиб инсоний фазилатларга эга раҳбар сифатидаги ибратидан далолат бўлса, иккинчи томондан, ёшларимизга фидойи инсонлар ҳамиша эъзозда эканини ҳар доим эслатиб туриши билан жуда қадрли, деб ўйлайман. Энг муҳими, бу борадаги хайрли ишлар ўтмишини улуғлаган халқнинг келажаги ҳам буюк, деган хикматнинг амалий ифодаси сифатида намоён бўлмоқда.

<sup>1</sup> *Вали Қаҳҳор*. Унутилмас сиймолар: хужжатли эссе. – Бухоро: «Бухоро» нашриёти, 2017. – 130-бет.



С.Ризаевнинг 2017 йилда Тошкентда иккинчи нашри чикқан «Шароф Рашидов: сиёсий портрет»<sup>1</sup>, Ирисмат Абдухолиқовнинг «Шароф Рашидов. Ҳақиқат ва ривоят»<sup>2</sup>, «Мен билган Шароф ака», Шухрат Эргашевнинг «Эрк истар кўнгил»<sup>3</sup> каби асарларни, шунингдек, «Халқимизнинг оташқалб фарзанди»<sup>4</sup> ва «Ёди ҳамиша ёдда»<sup>5</sup> сингари тўпламларни ҳам шундай китоблар сирасига кўшиш мумкин. Айни чоғда, бу ўринда мақсадимиз Шароф Рашидовнинг «сиёсий портрет»ини яратиш йўналишидаги китобларнинг барчасини таҳлил ва талқин этиш эмас, балки кейинги даврда ушбу жанр изчил ривожланаётганига эътибор қаратишдан иборат.

Шу маънода, кадрли ўқувчи, қўлингиздаги китоб – россиялик таникли ёзувчи ва журналист **Фёдор Раззоқовнинг «Политбюродаги коррупция»** асарига мухтасар тўхталмоқчимиз. Мазкур китоб юқорида санаб ўтилган асарлардан кўра илгарирок, яъни 2009 йили Москвада «**Коррупция в Политбюро. Дело «красного узбека»**»<sup>6</sup>, яъни «**Политбюродаги коррупция. Қизил ўзбекнинг иши»** деган ном билан нашр этилганди.

Камина Ф.Раззоқовнинг ушбу машҳур асарини ўшандаёқ рус тилида ўқиб чикқанман. Мана, эндиликда фидойи таржимонимиз Абдухамид Пардаевнинг саъй-ҳаракатлари билан барча ўзбек китобхонлари қатори мен ҳам уни она тилимизда мутолаа қилиш имконига эга бўлдим.

Модомики, мазкур китобга Шароф Рашидовнинг «сиёсий портрет»и нуқтаи назардан ёндашар эканмиз, Фёдор Раззоқов бу сиймони собиқ Иттифокнинг тарқалиб кетиши билан боғлиқ сиёсий найранглар ва «ўзбек иши» деб ном олган бўҳтонни аёвсиз фош этган ҳолда, энг муҳими, адолат ва ҳақиқат, холислик ва тарихийлик тамойиллари асосида тасвирлаганини эътироф этиш ҳар томонлама ўринлидир. Муаллиф таъбири билан айтганда, «**Совет Иттифокини барбод қилишни мақсад қилган кимсалар дастлабки зарбаларни айнан Шароф Рашидов ва ўзбек халқига қаратди. Бу қандай рўй бергани мазкур китобда ҳикоя қилинади.**»

<sup>1</sup> С.Ризаев. Шароф Рашидов: сиёсий портрет. – «Нихол», нашриёти. Тошкент, 2017.

<sup>2</sup> Ирисмат Абдухолиқов. Шароф Рашидов. Ҳақиқат ва ривоят. – Тошкент, 2017.

<sup>3</sup> Шухрат Эргашев. Эрк истар кўнгил. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017.

<sup>4</sup> Халқимизнинг оташқалб фарзанди: атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов ҳаёти ва фаолияти ҳақида хотиралар. – Т.: «Маънавият», 2017. – 448-бет.

<sup>5</sup> Ёди ҳамиша ёдда: бадий-публицистик мақолалар, суҳбатлар, эътирофлар, шеърлар. – Т.: «Маънавият», 2017. – 296-бет.

<sup>6</sup> Ф.Раззоқов. Коррупция в Политбюро. Дело «красного узбека». – М.: «Алгоритм», 2009.

**Китоб муаллифи ҳақида қисқача маълумот: Фёдор Ибодович Раззоқов**  
1962 йил 7 февралда Москвада туғилган. Горохов тор кўчасидаги 325-мак-  
табда ўқиган, 1981–1983 йилларда ҳарбий хизматни ўтагач, Н.Крупская  
даги Москва вилоят педагогика институти тарих факультетининг  
бўлимида таҳсил олган. 1992 йили «Коммерсантъ» газетасида  
қўриқчи, 1996–2000 йилларда «Я телохранитель» газетасида жиний иш-  
лар бўйича журналист сифатида фаолият олиб борган. 2000 йилдан бош-  
лаб Россия телевидениеси каналларида жиний мавзуларга бағишланган  
ҳужжатли ва бадий фильмлар, турли кўрсатувлар тайёрлашда ишти-  
рок этган. 2006 йилдан буён «Советская Россия» газетаси билан ижодий  
ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ф.Раззоқовнинг «Владимир Висоцкийнинг ҳаёти ва ўлими» номли  
илк китоби 1994 йили нашр этилган. Сўнг 1996 – 1998 йилларда 4 жилд-  
дан иборат «Социализм замони бандитлари», «Капитализм замони  
бандитлари», «Ғарб бандитлари» ва «Террор асри» номли китоблари  
чоп этилган. Унинг собиқ Иттифоқнинг машҳур кишилари – театр, кино ва  
эстрада намояндалари, спортчилар, ёзувчи-шоирлар ва телебошловчилар  
таржимаи ҳоли ёритилган 8 жилдлик «Юлдузларга доир ҳужжатлар»  
номли асари 1998–1999 йилларда нашрдан чиққан.

Муаллиф 2004 йилги 2 жилдлик «Ажойиб замондаги ҳаёт» ном-  
ли салмоқли асарида собиқ Иттифоқнинг яхлит ўн йили – 1970-йиллар  
воқеалари солномасини тўлақонли баён этишга интилган. У 2016 йили  
ушбу лойиҳага яна қайтиб, Россиянинг Тизимли-стратегик таҳлил инсти-  
тути (ИСАН) билан ҳамкорликда, А.Фурсов раҳбарлигида XX аср 60-йил-  
ларининг батафсил солномаси нашрига киришади. Эътиборли жиҳати  
шундаки, «Ажойиб замондаги ҳаёт. Олтмишинчи йиллар» деб ном-  
ланган ушбу солноманинг ҳар иккита залворли жилдида ўша ўн йиллик  
даврни бир йиллик воқеалари қамраб олинган.

Ф.Раззоқовнинг «Политбюродаги коррупция. Қизил ўзбекнинг иши»  
китоби Шароф Рашидовнинг таржимаи ҳоли сифатида ёзилган бўлиб,  
2009 йили Москванинг «Алгоритм» нашриётида чоп этилган. Асарнинг  
энг муҳим хусусияти шундаки, унда «Марказ»нинг Ўзбекистонга нисба-  
тан «ўзбеклар иши» бўхтони илк бор хорижлик адиб томонидан мутлақо  
бошқача нуқтаи назардан, таъбир жоиз бўлса, қатъий муросасизлик билан

тахлил қилинган ва ана шу аччиқ воқеликка очиқ ҳамда холис баҳо берилган.

Фёдор Раззоқов ўз асарида Шароф Рашидовни шоҳ ва олим Мирзо Улуғбекка ўхшатади. Мен эса ушбу буюк давлат арбобини султон Хусайн Бойқарога ҳам қиёслаган бўлардим. Зотан, Ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг яқин дўсти бўлган султон Хусайн Мирзо ҳукмронлиги даври ўзбек адабиётининг олтин асри бўлган. Хусайн Бойқаро «Рисолаи Хусайний» асарида шундай деб эътироф этган: **«Мен шунинг учун ҳам бахтлиманки, Жомий ва Навоий даврида яшайман... Менинг давримда Хиротда мингта шоир борлиги билан ҳам фахрланаман»**<sup>1</sup>.

Хусайн Бойқаро сингари Шароф Рашидов ҳам Ўзбекистон халқ хўжалигининг барча соҳаларини юксалтириш билан бирга мамлакатимиз фани ва маданияти, санъати ва адабиёти равнақ топишига улкан ҳисса қўшди. Ўзбекистон Қаҳрамонлари, халқ шоирлари **Эркин Воҳидов**, **Абдулла Орипов** каби буюк ижодкорларга ҳамиша хайрихоҳлик билан муносабатда бўлди, лозим пайтларда моддий ва маънавий ёрдамни аямади. Улар билан бир даврда яшаётганидан фахрланишини ҳам мамнуният билан эътироф этгани ҳамон қайд этилади.

Ўтган асрнинг олтмишинчи йиллари охирида **Эркин Воҳидов «Ўзбегим»** қасидасини эълон қилади. Бу собиқ шўро тузумининг мустабид мафкурасига кўра исёнкорлик руҳи билан йўғрилган асар эди. Бинобарин, ўша пайтдаги Иттифоқнинг Давлат хавфсизлиги қўмитаси (КГБ) томонидан шоирга тазйиқ кўрсатиш бошланади. Вазият қанчалар қалтис эканидан қатъи назар, Шароф Рашидов ҳам республика раҳбари, ҳам чинакам ватанпарвар инсон сифатида кўксини қалқон қилиб, шоир Эркин Воҳидовни КГБ тазйиқидан омон сақлаб қолади.

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг таклифи билан Фёдор Раззоқов 2017 йил ноябрь ойида Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллиги тантаналарида қатнашиб, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Ёзувчилар уюшмасида ташкил этилган анжуманларда сўзга чиқди. Россия делегацияси таркибида Тошкент шаҳрининг Чигатой

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Нўъмон Раҳимжонов*. «Алишер Навоий» драмаси қандай яратилган? // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси. 2018 йил, 20 июль.

қабристондаги Шароф Рашидов қабрини зиёрат қилди. Жиззахда Шароф Рашидов ҳайкалининг тантанали очилиш маросимида иштирок этди. Биз Ф.Раззоқов билан Москвада учрашганмиз, юртимиздаги ана шу тадбирлар асносида кўришиш ва ўзаро мулоқот қилиш имконига эга бўлдик.

Ф.Раззоқовнинг ушбу асари тафсилотларига бафуржа тўхталиб ўтирмасдан, унинг мағзини чақишни китобхоннинг ўзига ҳавола этаман. Энг асосийси, ушбу китоб нафақат тарихий ва солномавий асар сифатида қимматли, балки тарих ва шахс мавзусидан ташқари, китобхоннинг эстетик маданиятини бойитишга қаратилган маълумотларга ғоятда бойлиги билан ҳам диққатни ўзига жалб этади. Айниқса, муаллиф Шароф Рашидов шахсига ҳурмат кўрсатиш билан бир қаторда, ушбу улуғ инсоннинг хотирасига эъзоз-эҳтиромини намोён этиши ҳар қанча таҳсинга лойиқ.

Бундай самимий ҳурмат-эҳтиром юртдошларимизнинг юксак эътирофи билан ўзаро ҳамоҳанг. Зотан, Шароф Рашидов умри давомида амалга оширган барча эзгу амаллар халқимизнинг хизматида бўлиш, Ўзбекистоннинг дунё сахнида обрў-эътиборини мустаҳкамлашга қаратилгани билан намуна бўлишга муносибдир.

Шароф Рашидов шиддат-шижоати ва юксак профессионализми билан ҳамиша ажралиб турган. У киши фавқулодда салоҳият ва хотира соҳиби бўлган. Масъулиятни айниқса чуқур ҳис этган. Энг муҳими, Шароф Рашидов сиёсатда – ҳалол, ахлоқан пок инсон бўлган. Таниқли ҳуқуқшунос ва сиёсатшунос олим Л.Левитин эътироф этганидек, Шароф Рашидов шахсий фазилатларига кўра ўша давр сиёсатчиларининг ёрқин намояндаларидан бири бўлган.

Шароф Рашидовнинг навқирон авлодларимизга намуна бўлгулик яна бир хислати – китоб мутолаасини энг мароқли ҳордиқ деб билганидир. У киши китоб ёзиш билан бирга, китоб ўқишни ҳам яхши кўрган. Ҳамиша бўш вақтларида бадий асарларни мутолаа қилган, рус ва Европа адабларининг асарлари билан қизиққан, тарих, айниқса, Ўзбекистон тарихига доир асарларни мунтазам ўқиб борган.

Шароф Рашидовнинг бой шахсий кутубхонасида адабиёт, тарих ва санъатга доир нодир китоблар кўп бўлган. Бинобарин, у зот китоблар инсон тарбиясида ғоят муҳим ўрин тутишини, ҳар қандай шахснинг соғлом дунёқарашини шакллантиришда кутубхонасида мақбул китоблар жамлашни катта аҳамиятга эга эканини чуқур англаган.



Айни пайтда Шароф Рашидов оилапарвар инсон бўлган. У киши турмуш ўртоғи Хурсандой опа билан беш нафар фарзанд кўришган. Кейинчалик тўққиз невараси, тўққиз эвараси, уч чевараси туғилди. Кези келганда, жасорат, матонат ва меҳр-оқибатда тенгсиз ўзбек аёли – Хурсандой ая вафоли ёр, содиқ дўст, холис ёрдамчи, рўзгорнинг меҳрибон бекаси сифатида қирқ йилдан зиёд Шароф Рашидовнинг ёнида бўлганини эътироф ва эҳтиром ила таъкидлашга бурчлимиз.

Муҳими, эл-юртимизнинг Шароф Рашидов каби атоқли ва ардоқли фарзандларини ёд этиш орқали навқирон авлодларимиз онгу шуурига ватанпарварлик, элпарварлик, одабийлик фазилатларини сингдирамиз. Дунё аҳли улуғларини доимо ардоқлайдиган, чексиз эҳтиром кўрсатадиган халқ эканимизга яна бир қарра амин бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, Шароф Рашидов оламдан ўтган санадан буён юртимизда бир неча авлод алмашди. Шунга қарамай, у зотнинг шахси билан боғлиқ тушунча ва ҳақиқатлар барҳаёт. Ишончимиз комилки, Шароф Рашидовнинг хотираси ахборот асри деб аталган, бир-бирига зид маълумотларга ниҳоятда бой бўлган ва тобора глобаллашаётган XXI юз йилликда, кейинги даврларда ҳам эл-юртимиз ёдида мангу сақланиб қолади.

Ҳурматли китобхон! Ушбу асар Сизга манзур бўлади дея умид қиламан.

**Акмал САИДОВ,**  
*академик*

---

## КИТОБНИНГ ЎЗБЕКЧА НАШРИГА СЎЗБОШИ

Муҳтарам китобхон, камина чорак асрдан зиёд адабий фаолиятим давомида юздан ортиқ асарлар ёздим. Ҳар бир китобнинг ўзига хос тарихи бор. Сиз қўлингизга олган мазкур асар эса ғоят ўзига хос тарзда дунёга келган. Мен, таъбир жоиз бўлса, бу китобни ёзишга ҳайратомуз сир ва синоат ундови билан, тўғрироғи, росмана шоирона илҳом билан киришганман. Бинобарин, айти шундай ҳолатдагина муаллиф сира қийналмасдан, шавку завқ билан қалам тебратади ва бетакрор асар дунёга келади.

Ҳаётимнинг дастлабки қарийб ўттиз йили собиқ совет даврига тўғри келган. Раҳматли отам Ибод Раззоқов асли Бухоро вилоятида туғилган бўлиб, беш кишидан иборат бутун оиламиз аъзоларини деярли ҳар йили ўзи таваллуд топган Шофиркон туманидаги Денов (ҳозирги «Навбахор») қишлоғига олиб борарди. Шахсан ўзим 1962 йил ёзда, беш ойлик чақалоқ пайтимда бобокалонларим юртини биринчи марта зиёрат қилганман. Совет даврида 1979 йили сўнги марта Ўзбекистонда бўлиш бахтига мушарраф бўлганман. Шундан кейин иккинчи ватаним билан бевосита алоқалар муайян сабабларга кўра маълум муддат узилиб қолди. Дастлаб, икки йил ҳарбий хизматда бўлдим, кейин уйландим, қизим туғилди, сўнгра Горбачёв ташаббуси билан қизғин қайта куриш бошланди. Маълумки, қайта куриш наинки ёлғиз мени, балки собиқ улкан совет давлатини ўз гирдобига тортиб кетди.

Оқибатда иккинчи ватаним билан фақат отам ёки почта орқали боғланиб турдим. Кейин эса 90-йиллар бошланди, айтиш мумкинки, бу даврда яшаганимиз йўқ, аксинча, яшаш учун курашдик, холос. Ўзим учун ҳам, ёш оилам учун ҳам нон топиш асосий вазифага айланди. Рўзгор тебратиш учун қўлимга қалам олдим – бадий ижод билан шуғуллана бошладим,

бир йўла турли жойларда ишладим, олдинига кўриқчи ҳам бўлдим, охирида хусусий нашрлардан бирида журналист бўлиб ишладим.

2001 йилда оиламиз бошига мусибат тушди – отам оламдан кўз юмди. Оилада энг каттаси ўзим бўлиб қолдим ва раҳматли отам ўрнига ўзбекистонлик қариндошлару таниш-билишлар билан муомалада бўла бошладим. Телефон ёки почта алоқаси билан кифояланиб қолмасдан, Ўзбекистонга бориб, қариндош-уруғлар билан кўришишни режалаштира бошладим. Ниҳоят, йигирма саккиз йилдан кейин 2007 йил май ойининг бошларида яна Ўзбекистонни зиёрат қилиш nasib этди. Чорак асрдан кўпроқ давр мобайнида унча-мунча одам бегоналашиб кетади. Лекин кутилмаган мўъжиза рўй берди! Шунча вақт ўтгандан кейин келганимга қарамай, ўзимни Ўзбекистонда куни кеча бўлгандек ҳис қилардим. Ҳатто ўзбекча гаплашиш ҳам ёдимдан чиқмаган экан, ҳолбуки анчадан буён бу тилда суҳбатлашмай кўйгандим (фақат отам билан ўзбекча гаплашардик, у вафот этгач, бундай имкониятдан маҳрум бўлгандим).

Таваккал йўлга отланганимга қарамасдан (ҳеч кимга хабар қилмасдан), Худо менга оқ йўл берди. Гўё раҳматли отамнинг руҳи йўл бошлади. Самолётдан тушиб, Ўзбекистонга қадам кўйишим билан мушкуллим осон бўлди. Бир неча йиллардан буён Ўзбекистонга энди келганимдан хабар топган ўзбек такси ҳайдовчиси ўзини ҳазиломуз Анатолий деб таништириб, хизматини таклиф қилди. У русчада жуда яхши гаплашар (бу тилда гаплашишни совет армияси сафида ўзлаштирган) экан, шу боис тез тил топишдик. Отам туғилиб ўсган қишлоқ манзилини диққат билан тинглагач, такси ҳайдовчиси мени ёнига ўтқазди ва биз йўлга тушдик. Олис йўл мобайнида фақат бир марта адашдик – мен бурилишни чалкаштириб юборибман. Ниҳоят, мен учун қадрдон гўшага соғ-омон етиб келдик, қариндош-уруғлар кучоқ очиб, катта ҳаяжон билан кутиб олишди.

Ўшанда Ўзбекистон зиёрати барча жиҳатдан жуда хайрли бўлди. Биринчидан, барча ўзбек қариндош-уруғлар билан яна юзма-юз кўришдим (1979 йилдан кейин туғилгани боис (нисбатан ёш) кўпчилик қариндошларни биринчи марта кўрдим), иккинчидан, кўнглимда Ўзбекистон ҳақида китоб ёзиш фикри туғилди. Бироқ кимни бош қахрамон қилиш (ахир мен таржимаи ҳол тусидаги тарихий асарлар ёзишга ихтисослашганман) борасида биров бош қотиришга тўғри келди. Икки сиймо: Ўзбекистонга кўп йиллар

~~Шароф~~ килган Шароф Рашидов билан машхур хонанда Ботир Зокиров ~~шунга~~ гинчлик бермай кўйди.

Паровард натижада, Шароф Рашидов ҳақида китоб ёзишга аҳд қилдим. ~~Шундан~~ шундаки, Б. Зокиров 1936 йилда туғилган бўлиб, ўз таржимаи холи билан бутун Совет Ўзбекистони тарихини тўла қамрай олмасди (шундан ~~қарамасдан~~ қарамасдан, мазкур китобда унинг фаолиятига ҳам тўхталиб ўтилган). Шароф Рашидов эса 1917 йилда, яъни собиқ Совет Иттифоқи тарихида бутун бир янги даврни бошлаб берган санада туғилганди. Устига-устак 2007 йилда шундай воқеалар рўй бера бошладики, мен уларга эътибор берганга мажбур бўлдим. Россия телевидениеси орқали 1983–1989 йилларда рўй берган «Ўзбеклар иши», «пахта иши» тўғрисидаги хужжатли фильмларни яна намойиш қилиш бошланди. Гўё ўтган асрнинг 80-йилларидаги Москвада нашр қилинган «Огонёк» журнали қайта тиклангандай мазкур ~~китоб~~ эскича услубда талқин қилинарди. Моҳиятан, бу Ўзбекистонга, ўзбек маданиятига қарши навбатдаги хуруж эди. Шундан кейин барча иккиланиш ~~ни~~ йнгиштириб кўйиб, Шароф Рашидов ҳақидаги китобни ёзишга киришдим. Биринчи галда зарур маълумотларга эга бўлиш учун Москвадаги Тарих кутубхонасига йўл олдим. Уйга қайтгач, бўлажак китобнинг икки саккифасини қоғозга туширдим. Таквимга назар ташлаб, ҳайратдан ёқа ушладим – 2007 йилнинг 6 ноябрь куни. Бу Шароф Рашидов туғилганига 90 йил тўлган кун эди. Буни жуда оқилона иш бошлаганимни тасдиқловчи гаройиб ишора сифатида қабул қилдим.

Анчадан буён росмана илҳом билан қалам тебратмагандим. Мазкур асар учун чинакам оқ йўл очилганди. Барча зарур маълумотларга пешма-пеш эга бўлардим, фикрлар куйилиб келар ва равон қоғозга тушарди. Нашр ишлари ҳам муаммо бўлмади. Шароф Рашидов сиймосига қизиқиш Россияда ҳамон катта эканидан мамнун бўлдим. Бу асарни Москвадаги «Алгоритм» нашриёти дастлаб 2009 йилда «Коррупция в Политбюро. Дело «красного узбека»<sup>1</sup> номи билан нашрдан чиқарди, кўп ўтмасдан 2012 йилда «Дело, взорвавшее СССР»<sup>2</sup> номи остида иккинчи нашри дунё юзини кўрди. Унга таниқли сиёсатчилар, тарихчилар, кенг китобхонлар оммаси

<sup>1</sup> «Коррупция в Политбюро. Дело «красного узбека» – «Политбюродаги коррупция. Қизил «Огонёк» иши», «Алгоритм» нашриёти, М., 2009 йил.

<sup>2</sup> «Дело, взорвавшее СССР» – «СССРни ларзага солган жиноий иш». «Алгоритм» нашриёти, М., 2012 йил.



алоҳида муносабат билдирди. Ўзбекистон жамоатчилиги эса бу китобни, айниқса, катта қизиқиш билан кутиб олди.

Ўзбекистонда 2017 йил ноябрда Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллиги кенг нишонланди. Ўзбекистон ҳукуматининг таклифи билан мазкур тантаналарда иштирок этганимдан бахтиёрман. Бу китобни Шароф Рашидов таваллудига 90 йил тўлган санада ёза бошлагандим, орадан роп-па-роса ўн йил ўтиб, унинг юз йиллиги тантаналарида иштирок этишни ҳатто хаёлимга ҳам келтирмагандим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти муҳтарам Шавкат Мирзиёев табрик нутқида Россиядан ташриф буюрган меҳмонлар қаторида менинг исм-шарифимни ҳам тилга олганида бошим осмонга етди. Шароф Рашидовнинг оила аъзолари билан учрашув ҳам жуда хурсанд қилди. Мазкур китоб ота юртим Ўзбекистонда, ўзбек тилида нашр қилинар экан, ундан минглаб ҳамфикр дўстларим баҳраманд бўлишини ўйлаб, яна ҳам мамнун бўлаётирман. Бизнинг самимий ва самарали ҳамкорлигимиз яна давом этишига шубҳа қилмайман!

Жиззах шаҳрининг марказий майдонида 2017 йил 6 ноябрда Шароф Рашидовнинг ҳайкали очилиши, айниқса, жуда тантанали бўлди. Мазкур тантанада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев сермазмун нутқ сўзлади. Ш.Рашидовнинг қатор сафдошлари ўз дил сўзларини изҳор этишди. Уларнинг ҳар бири атоқли сиёсат арбоби, адиб ва оддий инсон ҳақида самимият билан гапиришди. Ҳақиқатдан ҳам Шароф Рашидов раҳбарлиги йилларида Ўзбекистон халқи улкан ютуқларга эришди, ўша даврнинг таъбири билан айтганда, «республика – Марказий Осиё кўзгусига» айланди. Шароф Рашидов кўйган мустаҳкам пойдеворга таянган мустақил Ўзбекистон бугунги кунда янги зафарлар йўлидан дадил одимламоқда.


Фурсатдан фойдаланиб, академик Акмал Саидовга, Ўзбекистондаги маслаҳатчи биродарим Раҳимжон Султоновга, таржимон Абдуҳамид Пардаевларга, шунингдек, «Капиталбанк» акциядорлик тижорат банки, қолаверса, мазкур китобни нашр қилишда ҳисса қўшган барчага самимий миннатдорчилик билдираман.

*Муаллиф*

*Отам хотирасига бағишлайман*

Ўн бешта совет республикаси орасида намуна вазифасини ўтайдиган, барча фахрланадиган ва Иттифоқнинг ёрқин қиёфаси ҳисобланувчи республикалар бор эди. Булар мамлакат ғарбида Болтиқбўйидаги учта республика, Кавказортида эса Грузия ҳисобланарди, Иттифоқнинг бир йўла бешта республикаси жойлашган Осиё қисмида Ўзбекистон шундай тиник кўзгу эди. Ўзбекистонга 24 йил мобайнида Шароф Рашидов раҳбарлик қилди. У ўша пайтдаги раҳбарлар орасида ягона чинакам зиёли бўлиб, наинки республиканинг партиявий раҳбари, шунингдек, таниқли ёзувчиси ҳам эди.

Раҳбарлик лавозимидан кетиши арафасида, совет республикалари раҳбарлари орасида сўнгги фронт қатнашчиси бўлганини ҳам ҳисобга олсак, Шароф Рашидов ноёб шахс бўлган, дея комил ишонч билан айтиш мумкин. Жозибадор савлати, теран тафаккури ва чинакам давлат арбобиغا хос салоҳияти билан Ўзбекистонни кудратли республикага айлантирди, бошқа намунали совет республикаларидан фарқли ўлароқ Ўзбекистонда сўзда эмас, балки амалда ҳақиқий биродарона ҳамжиҳатлик қарор топди. Қолаверса, фақат Рашидов байналмилалчиликни миллатпарварлик билан уйғунлаштира олди, натижада, ўзбеклар ўзларини ўз республикасининг чинакам эгаси ҳисоблар эдилар. Шунинг эвазига улар ўз раҳбарини ҳақли равишда «миллат отаси» дея эъзозларди. Совет Иттифоқини барбод қилишни мақсад қилган кимсалар дастлабки зарбаларни айнан Шароф Рашидов ва ўзбек халқига қаратди. Бу қандай рўй бергани мазкур китобда ҳикоя қилинади.



---

## КИРИШ

КПСС МК Бош котиби Леонид Брежнев 1982 йил, вафотидан ярим йил олдин ўзининг сўнгги икки расмий ташрифини амалга оширди. У икки муслмон республика – Ўзбекистон ва Озарбайжонга ташриф буюрди. Ёшани яшаб, ошини ошаган Бош котиб Москвани кўққисдан тарк этиб, олис республикаларга нима учун отланганига ҳалигача аниқ жавоб йўқ. Бу Брежнев ҳамда тарафдорларининг аввалгидек кавказ-яхудий (глобал миқёсдаги) кучларга эмас, муслмонлар оммасига таяниш истагининг тақозоси эмасмиди? Айнан муслмонлар совет давлати учун муҳим таянч кучларидан бири бўлиши мумкинлигини Бош котиб умри поёнида англаб етганмиди? Ахир бир замонлар Александр Невский: «Ғарбда мудофаани мустаҳкамлаб, Шарқдан дўстларни кидириш керак», деган ҳикматомуз фикрни бежиз айтмагандир. Бунга ҳамоҳанг фикрлар кейин ҳам билдирилган. Жумладан, Туркистон епархиясини бир муддат бошқарган архиепископ Дмитрий (Абашидзе): «Муслмонлар Россия салтанатининг ҳамиша содиқ фуқаролари бўлган», дея таъкидлаган. Афсуски, бу ҳақиқатни совет тузумининг душманлари ҳам жуда яхши биларди. Оқибатда Брежнев вафот этиб, ҳокимиятни Андропов эгаллаши билан ғаразли жинойий ишлар бошлаб юборилди, бу иш кейинчалик «ўзбеклар иши» деб ном олди.

Юрий Андропов 1982 йилда бошлаган ҳамда М.Горбачёв давом эттирган мазкур адолатсиз иш мамлакат тарихшунослик фанида гўё ҳокимиятнинг коррупцияга қарши мурасасиз кураши сифатида талқин қилинмоқда. Ўша даврда содир бўлган воқеаларга бошқача нуқтаи назардан ёндашиш фурсати келди. Умуман, «коррупция» мазкур ишни уюштирганлар учун бир баҳона эди, холос. Аслида «ўзбеклар иши» «Кремль глобалистлари»нинг махфий хатти-ҳаракатларидаги дастлабки босқич

**бўлиб**, улар Иттифокда социализмни йўқ қилишни ва капиталистик тузумни ўрнатишни ният қилганди.

Кремлдаги гумашталарининг буюк давлатни йўқ қилишдаги хизматларини Ғарб глобалистлари муносиб баҳолашди: Михаил Горбачёв билан Эдуард Шеварднадзе «XX асрнинг энг машҳур инсонлари» деб овоза қилинди. Либерал тарихшунослик фанида улар ҳозир ҳам айна шу тарзда улуғланади. Ўзбекистон раҳбари Шароф Рашидов сингари арбобларга эса қатор жиноятлар тиркалган. Бу, ҳеч шубҳасиз, учига чиққан адолатсизлик. Эътиқодига кўра, интернационалист, яъни байналмилаллик нуқтаи назарига содиқ Рашидов советпарвар республикалардан бирининг етакчиси бўлган ва Иттифокнинг завоқ топишига унинг ҳеч қандай дахли йўқ. Унинг фаолиятида нуқсон ва янглишишлар учрайди, лекин юксак ғояга ҳамиша содиқ қолган ҳамда ўзи билан тенгдош ватанига ҳеч қачон хиёнат қилмаган. Чинакам мафия кўрбошилари ўзларини хотиржам сезишлари учун Рашидовга ноҳақ маломат тошлари отилди. Мазкур бўҳтонни фoш этиш мақсадида мазкур китоб дунёга келди.



## *1 қисм*

# **ЎҚИТУВЧИЛИКДАН РАХБАРЛИККАЧА**

## *1-боб*

### **ЖЎШҚИН ОСИЁ**

Шароф Рашидов Октябрь инқилобининг тенгдоши эди. У 1917 йил 6 ноябрда (эски тақвим бўйича 24 октябрда) Жиззах шаҳрида туғилган. Ўша кезларда Мирзачўлга ёндош бу қадимий шаҳар (X асрдан буён маълум) Ўзбекистоннинг йирик масканларидан бўлиб, бир неча минг аҳоли истиқомат қиларди. Рашидов таваллудидан кейин бор-йўғи олтмиш йил ўтиб, шаҳар аҳолисининг сони 75 минг кишига етди ва йирик пахтачилик марказларидан бирига айланди. Қариндош-уруғлари Рашидов туғилганида ғоят йирик тарихий шахс дунёга келганини ҳатто тасаввур ҳам қилмаган, ҳолбуки, бу сиймо наинки ўзининг қадрдон шаҳри равнақ топиши, шунингдек, бутун республика гуллаб-яшнаган кудратли ўлкага айланишига салмоқли ҳисса қўшди. Ўзбекистоннинг бўлажак раҳбари камбағал деҳқон оилада дунёга келди, у туғилган куннинг эртасигаёқ олис Петроградда ҳокимиятни большевиклар эгалламаганда, чакалоқнинг тақдири оламшумул аҳамият касб этмаган бўларди – олдинги тузум шароитида камбағал оиладан чиққанлар давлат бошқарувини қўлга олишини тасаввур ҳам қилиб бўлмасди.

Айтиб ўтилгандай, унинг отаси Рашид Рашидов инқилобгача қашшоқ деҳқон бўлиб, оиласини боқиш мақсадида арзимаган сарик чақа учун эртадан-кечгача бойларнинг хизматини қилган. Лекин инқилобдан кейин милицияга ишга кириб, моддий аҳволини анча ўнглаган. Маош юқори бўлмаса ҳам, милиция ходимларига қўшимча озиқ-овқат берилар, Рашид уларни хотини ва фарзандларига қўшқўллаб тутқазарди. Унинг ҳаёти 1924 йилгача шу асно кечди. Ўша йили Ўзбекистон тўла совет республикасига айланди (октябрда Ўзбекистон ССР ташкил қилинди, бир йилдан кейин эса иттифоқдош республика сифатида Иттифоқ таркибига киритилди) ҳамда ҳокимият органлари қайта ташкил этилди. Натижада Рашид Раши-

лов милиция хизматидан бўшаб, «Қизил карвон» артелига аравакаш (аравада товарларни тарқатувчи) бўлиб ишга жойлашди. 1929 йили Жиззах туманининг «Октябрнинг 10 йиллиги» колхози аъзоси бўлди.

Ўзбекистоннинг Иттифоқ таркибига кириши тўла қонуний тусга эга эди. Совет Социалистик Республикалар Иттифоқини ташкил этиш тўғрисидаги Шартномани РСФСР, Украина, Белоруссия ва Кавказorti Федерацияси (Озарбайжон, Арманистон, Грузия) вакиллари 1922 йил 30 декабрда имзолаганди. Бу давлатлар граждaнлар уруши йилларидаёқ ҳарбий-сиёсий иттифоққа бирлашиб, давлатлараро битимлар тузган. Табиийки, бу республикаларнинг иқтисодий ва сиёсий бирликнинг келажакдаги шакллари ни ахтариш бўйича интилишлари урушдан кейин қизғин тус олди, бинобарин бу: а) уларнинг тарихий аънааларига мос бўлиб тушарди (уларнинг ўртасида асрлар мобайнида яхлит иқтисодиёт шакллaнган; ўзаро маданий ҳамжиҳатлик юзага келган; ташқи душманларнинг ҳужумларини биргалликда қайтаришар ва хоказо) ҳамда; б) мазкур республикалардаги миллий Компартиялар Россия Коммунистлар (большевиклар) партияси таркибига киргани боис сиёсий тузумларнинг ўхшашлигига асосланарди. Буларнинг барчаси пировард натижада Иттифоқ ташкил қилинишига олиб келди, бу эса амалда Россияни бўлиниб кетишдан сақлаб қолиб, келажакда совет империясига асос солди.

Қайд этиш жоизки, РКП(б)<sup>1</sup> раҳбариятида бўлажак Иттифоқнинг давлат тузилишига оид икки хил нуқтаи назар мавжуд эди. Бинобарин, Сталин ва унинг тарафдорлари (В.Молотов, С.Орджоникидзе, Г.Чечерин ва б.) «автономлаштириш» режасининг тарафдори бўлиб, унга кўра совет республикалари автономия ҳуқуқи асосида РСФСР таркибига киришлари керак эди. «Демократик марказлаштириш» қоидасига асосланган бу режа келгусида муайян республика раҳбарлари Марказдан тўла мустақилликни истаб қолган тақдирда кескин чекловлар билан айни республикаларни мушкул аҳволга солиб қўярди. Бирок Ленин партия йўлбошчиси сифатида Иттифоқ хусусида бошқача фикрда эди: у совет республикалари тўла тенг ҳуқуқлилиқ асосида бирлашишларини ёқларди. Шу боис Сталин ва тарафдорларининг нуқтаи назари, яъни режаси (уни Грузиядан бошқа барча республикалар қўллаб-қувватлаганди) устунлик қилаётганидан хабар топгач,

<sup>1</sup> РКП(б) – Россия Коммунист (большевик) лар партияси.

Ленин унга «вето» қўяди. Инқилоб дохийси билан баҳслашишга эса ҳеч ким журъат қила олмайди. Бу воқеалардан анча кейин Ленин ва большевикларнинг ашаддий мафкуравий мухолифи Н.Бердяев Россияни бўлиниб кетишдан сақлаб қолиб, Ленин буюк вазифани уддалади, деб таъкидлаганди. Таниқли файласуф айни шу асно Россия учун ҳам, собиқ унитар империянинг бошқа халқлари учун ҳам федерализм давлат қурилишининг ўша кезларда ягона муқобил шакли бўлганини эътироф этганди.

Иттифоқ ташкил топиши арафасида РСФСРнинг таркибига Ўзбекистоннинг фақат бир қисми кўшиб олинди, ўз навбатида, Ўзбекистон ўша пайтда Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси (бу ҳудудда кўп ўтмай Ўзбекистон, Туркменистон, Қирғизистон ССР ва Қорақалпоғистон автоном вилояти ташкил этилади) таркибида эди. Тошкент – ТАССРнинг пойтахти эди, бу мантиқан тўғри, мазкур шаҳар ўз пайтида Туркистон генерал-губернаторлигининг ҳам маркази ҳисобланарди.

Айни пайтда Ўзбекистон ҳудудида иккита: Бухоро Халқ совет республикаси (пойтахти – Бухоро) ва Хоразм Халқ совет республикаси (пойтахти – Хива) ташкил қилинганди. Бироқ амалда мустақиллик эълон қилинган санадан эътиборан уларнинг мустақиллиги муваққат тусга эга экани шундоқ ҳам аён эди, чунки айни ҳудудда Шарқ (Совет Россияси) ва Ғарб (Антанта давлатлари ва Туркия) манфаатлари ўзаро тўқнаш келарди. Оқибатда 1921 йилдаёқ турк генерали Анвар Пошшо Бухорода советларга қарши исён кўтаради, бироқ бу исён барбод бўлади. Бир йилдан кейин Бухоро ва Хива компартиялари РКП (б) МКнинг Туркистон бюроси фаолиятига бириктирилади ва шундан эътиборан бутун Туркистон ҳудудида яхлит партия ҳокимият вертикали ўрнатилади. Икки йилдан кейин эса Москва Ўрға Осиеда миллий давлатларни ташкил этишга қарор қилади. 1924 йил 27 октябрдаги декретга кўра, БХСР ва ХХСР тугатилиб, уларнинг ҳудуди бекор қилинган Туркистон АССР ҳудуди билан биргаликда Ўзбекистон ва Туркменистон ССРга тақсимлаб берилади.

Бироз вақт ўтиб, 1925 йил февралда Орол денгизига туташ майдонларда Қорақалпоғистон автоном вилояти ташкил қилинади, бу вилоят дастлаб Қозоғистон ССР таркибида, 1936 йил декабрдан эътиборан эса Ўзбекистон ССР таркибига киритилади. Ўзбекистон таркибидаги Тожикистон автоном вилоятига 1929 йилда Тожикистон ССР мақоми берилади. 1939 йил 5 де-

~~Сўра~~ Сталин Конституцияси қабул қилингандан кейин эса Қирғизистон  
~~ва~~ Қозоғистон ССР (бунга қадар улар РСФСР таркибида эди) ташкил эти-  
~~лди.~~

«~~Ма~~ Маҳаллий аҳолининг талай қисми советлаштиришга қаршилик кўр-  
~~са~~ шаши оқибатида бу жараён узоқ ва кескин тусда давом этганига қарамай  
(бу минтақада миллий-озодлик ҳаракати 30-йилларнинг бошларигача да-  
вом этган), большевиклар умуман кўплаб муаммоларни жадал ва самарали  
ҳал қилишди. Машҳур «Саҳронинг оппоқ қуёши» фильмининг қаҳрамони,  
кизил аскар Фёдор Сухов айтгандай: «Шарқ – нозик масала» бўлиб, жид-  
дий ёндашувни талаб қилади. Большевиклар бу ҳақиқатни тез англаб олиш-  
ди ва Ўрта Осиёда маҳаллий шарт-шароитдан келиб чиққан ҳолда сиёсат  
юрита бошладилар. Сиёсий намояндалар доирасини шакллантиришда ҳам  
мазкур минтақада азалдан катта мавқега эга нуфузли табақаларга таянди-  
лар.

Жумладан, Қозоғистонда аксарият етакчи партия раҳбарлари асосан  
икки: Ўрта ва Кичик жуз вакиллари эди. Ўрта жуз Марказий ва Шимоли-  
Шарқий Қозоғистондаги қозоқ (қипчоқлар, арғинлар каби) уруғлари бир-  
лашмаларининг авлодлари бўлиб, улар XVI асрдаёқ бирлашиб, XVIII аср  
ўрталарида Россия таркибига кирганди; Кичик жуз намояндалари Россия  
таркибига XVI асрда кирган Ғарбий Қозоғистондаги қозоқ (жети-ру, олим  
ўғли, бой ўғли каби) уруғларининг авлодлари эди. Совет Қозоғистони  
ҳокимияти тизимида ўз таъсири даражасига кўра, учинчи ўринни Катта  
(Улуғ) жуз ворислари эгаллаганди. Ўз навбатида, Улуғ жуз таркибига Ет-  
тисув ҳудудида (Жанубий ва Жануби-Шарқий Қозоғистонда) яшайдиган  
(кангли, дуғлот каби) уруғлар кирарди.

Совет Қирғизистонида Шимол ва Жанубдаги уруғларнинг авлодлари  
ҳокимиятни ўзаро бўлиб олишди, улар XIX асрнинг биринчи ярмидан  
ўзаро курашиб келарди. Чуй-Кеминск ва Норин (Сари Багиш ва Саяк ав-  
лодлари, бу уруғга мансуб кишилар Чуй вилоятининг Кеминск туманида,  
шунингдек, Норин вилоятининг Қўчқор, Тяньшан ва От-Боши туманла-  
рида истиқомат қиларди), Талас (Қушчи ва Сари уруғлари), Чуй (Солто  
ва Тинай уруғлари), Исикқўл (Буғу уруғи) шимолий гуруҳни ташкил  
қиларди. Жанубий кучлар эса Ичкилик ва Отуз Уул уруғларидан иборат  
эди. Ичкилик уруғига мансуб аҳоли Ўш ва Баткен вилоятлари, қисман Жа-

лолобод вилояти худудида, Отуз Уул уруғи вакиллари эса Жалолобод ва қисман Ўш вилояти худудида истикомат қиларди.

Тожикистонда уч минтақа: «текисликдаги шимол» (ленинободликлар ёки хўжандликлар), «қишлоқ хўжалигига ихтисослашган жануб» (кўлобликлар ва қўрғонтепаликлар) ҳамда «марказ» (душанбеликлар, гарманлар, тавилдорлар) ҳокимиятни ўзаро бўлиб олди. Юқори мартабали мансабдорлар атрофидан эса помирликлар ва бадахшонликлар жой олди.

Туркменистонда республиканинг энг юқори мартабали раҳбари галмагалдан тайинланди, яъни бир уруғ вакилининг ўрнини бошқа бир уруғ вакили эгаллади. Натижада барча йирик туркман уруғлари: ахалтекинлар, алиллар, марилик текинлар, ёвмудлар, эрсарларнинг вакиллари бу юқори мансабда хизмат қилди.

Ниҳоят, Ўзбекистонда тўртта йирик минтақа: Самарқанд (Самарқанд – Бухоро), Фарғона, Тошкент ва Қашқадарё вакиллари ҳокимиятни ўзаро баҳам кўришди. Бундай ўзига хос тизим тахминан XIX аср охири ва XX асрнинг бошларида юзага келган худудий яхлитлик негизида шаклланганди. Ўзбеклар кўшни республикалар аҳолисига нисбатан бирмунча олдин ўтрок турмуш тарзини одат қилгани боис ким қайси уруғдан ёки қабиладан келиб чиққанига оид мулоҳазалар ўзининг аҳамияти ва долзарблигини йўқотганди. Бинобарин, бирон-бир гуруҳга мансублик дейилганда, ўзаро қариндош ёки муайян ўлкада истикомат қиладиган кишилар гуруҳи назарда тутилди. Бу борада бундай гуруҳбозлик жамият манфаатларидан устунлик қилмаганлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Муайян гуруҳга мансуб кишилар ёки гуруҳлар ўртасидаги алоқалар ҳамда низолар ҳокимиятда юқори мансабли, қимматли материаллар ва мол-мулкка эгалик қилувчи маълум бир одамлар тоифасини бевосита қамраб оларди. Аҳолининг қолган барча қисми эса гуруҳлараро муносабатларга заруриятдан келиб чиқиб, у ёки бу даражада жалб этиларди.

Чор Россияси даврида бўлгандек, совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида ҳам Ўзбекистонда Самарқанд – Бухоро минтақасига мансуб вакиллар ҳукуматни бошқардилар. Айни шу боис 1924 йилда Совет Ўзбекистонининг пойтахти этиб Самарқанд эълон қилинади. Бухоро минтақасининг энг ёрқин намояндаси Файзулла Хўжаев бухоролик йирик сармоядор савдогарнинг фарзанди бўлишига қарамай, 12 йил мобайнида

1925–1937) Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети раиси лавозимда ишлади. Тўғри, Ўзбекистон Компартиясининг 1-котиби марказдан раҳбар қилинган В.Иванов бўлиб, бу чекка ўлкаларни бошқаришда раҳбарнинг устунлигини таъминлаш билан боғлиқ Москва сиёсатининг тасдиғи эди.

Иттифок ихтиёрий асосда ташкил қилинганини ҳам қайд этиш жоиз, республикаларнинг раҳбарлари (жумладан, Ўрта Осиё Республикалари етакчилари) ҳам Москва таклиф қилган ўзаро ягона иттифокқа қўшилиш лойиҳасини маъқулладилар. РКП(б) МКнинг раҳбарияти партиянинг XII съездида шундай баёнот берганди: «Бизнинг Республикалар Иттифоқини тузишга оид фикримизга Шарқ республикалари раҳбарлари тажриба майдонидай қараяпти. Биз мазкур Иттифок доирасида миллатлар масалани ёхуд тўғри ҳал қиламиз, натижада бутун Шарқ бизнинг федерациямиз тимсолида халоскорлик байроғига, илғор отрядга эга бўлиб, унга изма-из эргашади ва бу жаҳон империализми таназзулининг бошланиши бўлади. Ёхуд биз бу борада хатога йўл кўямиз, илгари эзилган халқларнинг ишончини йўқотамиз, Шарқнинг нигоҳини айни кунда тортиб турган Республикалар Иттифоқи билан боғлиқ жозибани бой берамиз ва у ҳолда империализм ғалаба қилиб, биз эса ютқазамиз». Ниҳоят, бу баёнот ўз тасдиғини топди.

Мусулмонлар омили Марказ учун жиддий муаммо эди. Ўзбекистонда панисломизм ва пантуркизм хавфи мавжуд бўлиб, боз устига Ўрта Осиё аҳолиси асосан туркий миллатга мансуб кишилардан ташкил топганди. Марказ бу икки оқимни бўлиб юборишга қарор қилди. Қандай қилиб? Бу ҳақда В.Камши шундай ёзади: «Ўз вақтида совет ҳукуматига жиҳод эълон қилган анъанавий ислом диндорлари араб давлатлари ёки Эрон мадрасаларида таҳсил олган, Маккани зиёрат қилиб ҳожи бўлган ҳамда маҳаллий тақводорларга нисбатан араб ва форс уламолари билан жиддий алоқа қилувчи кекса дин намояндаларидан иборат эди. Энди вояга етган ёш муллалар эса бошқача шароитларда шаклланган, улар кекса дин пешволари эгаллаб турган мартаба ва лавозимларни қўлга киритишни мўлжалларди. Ёш дин намояндалари чет элларда бўлмаганди, келиб чиқиши ҳам форс ва араблардан эмасди. Маҳаллий аҳоли эса аксарият Совет ҳокимиятининг сиёсати ислом дини таълимоти билан уйғун деб ҳисоблашга мойил, Сау-

дия Арабистонида илдиз отган кескин кайфиятли кишилардан ўзларини олиб қочарди. Натижада чекист органларининг аралашуви билан дин намояндаларини амалий янгилаш жадал ва муқаррар тус олди...»

Турли миллат ва элатларга нисбатан сиёсат юритишда жиддий хато-лар қилинди, баъзида очиқдан-очиқ шафқатсизликларга қўл урилди, бироқ бундан қатъи назар Москва инсоният тарихида тенгсиз улкан кўпмиллатли давлатни самарали бошқаришни йўлга қўйди. Ахир Иттифок худудида юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилар, қайсидир элатлар санокли бўлса, айримлари ўн миллионлаб кишини ташкил қиларди. Бутун тарих мобайнида Европада ҳам, АҚШда ҳам бундай манзара кўзга ташланмаган. Хусусан, Европада автоном давлат тузилмалари ҳозир ҳам мавжуд экани ажабланарли ҳол эмас, гап шундаки, европаликлар ўз пайтида уларни (басклар, ирландияликлар, корсикаликлар каби миллатлар ва элатларни) йўқ қилишга улгуришмаганди. Мазкур минтақаларда айни шу боис айнан миллий автономия масаласи билан боғлиқ перманент кескинлиги мавжуд бўлиб турибди. Буни тарихчи ва сиёсатшунос С.Кара-Мурза ҳаққоний қайд этади:

«Африка, Тинч океани ороллари, Жанубий Америка, Ҳиндистон ва Хитойда миллионлаб одамлар қириб ташлангани учун айнан «маърифатли» европаликлар ва америкаликлар жавобгар ҳисобланади. Тасмания оролининг бутун аҳолиси мустамлакачилар томонидан ялпи қирғин қилинганидек даҳшатли шафқатсизлик Россия тарихида учрайдими? Йўқ.

Албатта, мана француззабон канадаликлар Квебекда хотиржам ҳаёт кечирмокда, у ерда жабру зулм ҳам, камситишлар ҳам йўқ, дея эътироз билдиришлари мумкин. «Совет» моделидан нимаси ёмон? Бироқ бундай қиёслашлар ҳеч бир қуюшқонга сиғмайди. Сабаби Канадага бориб жойлашган француз ва инглиззабон аҳоли асли Европадан кўчиб борган, улар ягона Европа тамаддунига мансуб, қолаверса, аждодлари Кўҳна қитъада истиқомат қилган даврларда маҳаллий аҳоли билан бир тану бир жон бўлган. Ҳолбуки, руслар ва ёқутлар, туркманлар ва Болтиқбўйи халқлари хусусида бундай деб бўлмади, улар менталитетида осмон билан ерча фарқ бўлишига қарамай, Иттифок кенгликларида бир оила фарзандларидай баҳамжиҳат ҳаёт кечиришди.

Мамлакатдаги «миллий» минтақалар иқтисодий ва маданий жиҳатдан ўзаро уйғун ривожлантирилди. Бунга ақл бовар қилмайди, бироқ Итти-

**фокда** биринчи беш йилликлар даврида йилига ўнлаб шаҳарлар қад ростлади. Шаҳарлар саноат ва маданият ўчоқларига айланди, миллий мактаблар, киностудиялар, Фанлар академияларига асос солинди. Миллий маданият ва сиёсий элита, яъни раҳбарлар доираси жадал суръатлар билан вужудга келди ҳамда ҳар бир одамга миллатидан қатъи назар ҳаёт йўлини танлашда кенг имкониятлар яратилди. Хоҳ Ленинград, хоҳ Урал тоғлари, хоҳ Қозоғистон даштларида вояга етганидан қатъи назар ҳар бир инсон космонавт, йирик корхонанинг раҳбари ёки машҳур адиб бўлиб етишиш борасида тенг имкониятларига эга эди...»

## **2-боб**

### **ОДДИЙ ДЕҲҚОН ФАРЗАНДИ...**

Мазкур китоб қаҳрамонининг тақдири юқорида айтилган сўзларни тўла тасдиқлайди. Шароф Рашидов деҳқон оиласида дунёга келиб, олдинги чор Россияси тузуми даврида совет ҳокимияти яратиб берган юксак мартабага эришиши эҳтимолдан йироқ эди. Бинобарин, Иттифоқнинг ташкил топиши ва унинг доирасида миллатлар масаласининг ҳал қилиниши, энг аввало, аҳолининг паст табақалари орасида маданият ва таълимни юксалтиришга қаратилганди. Кези келганда қайд этиш керакки, агар Россияда саводсизликни тугатиш Чор подшоси давридагидек суръатлар билан давом этганда, саводсизлик руслар орасида тахминан XX асрнинг охирига келиб, Ўрта Осиёда фақат беш асрдан кейин, Сибирь халқлари орасида эса минг йилдан кейингина тугатилган бўларди.

Ўзбекистон айнан Иттифоқ таркибига қўшиб олинishi билан республикада саводсизликка қарши кураш авж олди. Агар Туркистон ўлкасида 1919 йилда ҳаммаси бўлиб 476 та расмий мактаб (29 944 ўқувчи) бўлса, Ўзбекистонда 1925 йилдаёқ 2,5 мингдан ортиқ дастлабки босқич мактаблари (қарийб 200 минг ўқувчи, шу жумладан, 65 % маҳаллий аҳоли вакиллари) бор эди. Бундан ташқари, салкам 100 та иккинчи босқич мактаблари (7 минг ўқувчи) фаолият кўрсатарди. Совет ҳокимияти даврида Ўзбекистонда йилига тахминан 674 та мактаб очиларди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, фақат инқилобдан кейин Ўзбекистонда қизлар учун мактаблар очила бошланди. Дастлабки қизлар мактаби (Ба-



шорат Жалилова мактаби) Тошкентнинг Бешёғоч даҳасидаги «Зевак» маҳалласида 1917 йил декабрда очилган бўлиб, бу мактабда 42 нафар ўзбек қизлари таълим олган. Ўзбекистонда 1920 йилга келиб ўнлаб шундай мактаблар очилди: Тошкентда – 12 та, Андижонда – 2 та ва ҳоказо.

Ўзбекистон Иттифоқ таркибига кўшилгандан кейин шаҳарлар ва олис қишлоқлардаги минглаб болалар тез орада чаласавод (аксарият саводсиз) ота-оналарининг ўрнини эгаллаш мақсадида бошланғич таълим мактабларига қатнай бошлашди. Уларнинг сафида Шароф Рашидов ҳам бор эди. У 1924 йилда Жиззах шаҳридаги етти йиллик мактаб остонасидан ҳатлаб, алифбони биринчи марта қўлига олди. Замондошларининг гувоҳлик беришича, у мактабда фанларни осонлик билан ўзлаштирган, чунки болалигиданок кучли хотираси билан аксарият тенгдошларидан ажралиб турган. Шу боис Шароф билим чўққиларини бошқаларга нисбатан тез эгаллаган. Бу борада тақдирнинг ўзи унга кулиб боқди – кутилмаган бахтсизлик кутилмаган бахт олиб келди.

Гап шундаки, ўтган асрнинг 20-йиллар охирларида Рашидовнинг онаси вафот этади ва отаси барча фарзандларини (улар бир неча эди) ёлғиз ўзи тарбиялай олмагани боис она томонидан буваси билан бувиси Шарофни ўз қарамоғига олишади. Зийрак болакай тарбияси билан янги хонадонда тоғаси Ҳамид Азимов шуғуллана бошлайди. Ўзбекистонда ўша кезлар бу инсон Ҳамид Олимжон тахаллуси билан танилган иқтидорли ёш шоир эди.

1926 йилда, Ҳамид энди ўн еттига тўлганда дастлабки «Баҳор» шеърлар тўплами нашрдан чиқиб, адабий жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинди. Қатор йиллардан кейин атоқли ўзбек адиби Ойбек мазкур шеърини тўплам номи рамзий маънога эга эканини, айни тўплам нашр қилинганда муаллифи ижодининг энди гулга кирган навбахор даври бўлганини таъкидлайди. Бу шеърини тўплам ҳақиқатан ҳам умидворлик, романтик кўтаринкилик билан йўғрилганди. Икки йилдан сўнг Ҳамид Самарқандга йўл олади, дастлабки уринишдаёқ Педагогика академиясига ўқишга қабул қилинади, бу ерда таълим олиш билан бирга, бадиий ижод билан машғул бўлади.

Шароф Рашидов ҳам тоғаси сингари ҳаёт йўлини танлайди. 1931 йилда етти йиллик мактабни тугатгач, Жиззах педагогика техникумига ўқишга киради, мактабда бўлганидек, бу ерда ҳам тенгдошлари ичида пешқадам

**Қўрали:** нафақат намунали хулқли, аълочи ўқувчи касаба уюшма кў-  
**ралининг** раиси этиб сайланади. Рашидов билим олиш билан биргалик-  
**да** бадиий ижодда ўз иқтидорини синаб кўради: шеърлар, насрий асарлар,  
**эссе**дан, очерклар ёзади, уларни техникум деворий газетасида эълон  
**қилади**. Жиззахга келиб турадиган таниқли тоғаси ўз жиянининг адабий  
**ишлари**ни эътибор билан кузатиб, ижод билан мунтазам шуғулланишга  
**рағбат**лантиради.

Ҳамид Олимжон 1931 йилда Педагогика академиясини тугатиб, пой-  
**тахт** Тошкентга (бу шаҳар 1930 йилда пойтахт мақомини олганди) кўчиб  
**ўтади**, бу ерда бадиий ижод билан фаол шуғулланади. Журналист сифати-  
**да** ишлай бошлайди, бўш вақтларини шеърятга бағишлайди. Унинг дўсти  
**ва** ҳамкасби Уйғун кейинчалик шундай хотирлайди: «Ҳамид менинг ор-  
**тимдан** Тошкентга келди... Қаҳатчилик даври эди: қоғоз ҳам топилмасди.  
**Биз** босмахонадан олинган узун энсиз қоғозларда ижод қилардик, шунга  
**карамай**, ижодимиз чакки эмасди; чамаси, шу тарика менда ҳам, Ҳамидда  
**ҳам** энсиз, узун қоғоз парчаларига ўзгача иштиёқ сақланиб қолганди...»

Ҳамид ўзининг тилга тушган дастлабки «Социалистик реализмни эгал-  
**лаш** йўлида» публицистик мақоласини айни шундай қоғозга ёзганди ва  
бу мақола 1933 йилда алоҳида рисола сифатида чоп этилган. Инкилобдан  
кейин бир неча йиллар мобайнида Иттифоқ ижодкорлари, турли ижодий  
йўналиш вакиллари ўртасида қизгин мунозаралар бўлиб, пировард нати-  
жада социалистик реализм услубини тарғиб қилганларнинг қўли устун  
келади. Совет маълумотномаларида ижоднинг мазкур адабиёт ва санъ-  
ат услуби қуйидагича талқин қилинган: «Социалистик идрок қилинган  
олам ва инсон концепциясининг эстетик ифодаланиши, ҳаётни социалис-  
тик ғоялар нуқтаи назаридан ифодаланиши. Халқчиллик, партиявийлик  
ва социалистик гуманизм – социалистик реализм услубининг энг муҳим  
қоидалари ҳисобланади. Социалистик реализмнинг эстетик платформаси  
объектив тафаккурнинг теранлигини (реалистик негиз) ҳам, шунингдек,  
субъектив фаоллик пафосини ҳам (тубдан ўзгартирувчи негиз, романтика)  
камраб олади».

1934 йил март ойида Ўзбекистон Ёзувчиларининг I съезди бўлади, унда  
республика Ёзувчилар уюшмаси таъсис этилиб, унинг таркибига 37 аъзо  
ва 11 номзод қабул қилинади. Ҳамид Олимжон ҳам бунда фаол иштирок

этади. Ўша кезларда унинг шахсий ҳаётида бурилиш рўй беради. Ёзувчилар уюшмасида ўтказиладиган тадбирларидан бирида тошкентлик 19 яшар шоира Зулфия Исроилова эътиборини тортади (Зулфия ўша пайтда Тошкент педагогика институтида таҳсил олар, бир йўла шеърлар ёзар, дастлабки шеърлар тўплами 1932 йилда чоп этилганди). Унинг гўзаллиги Ҳамидни мафтун этади ва у билан яқинроқ танишишга бел боғлайди. Лекин адабий жамоатчилик орасида ҳеч кимга қиё ҳам бокмайдиган мағрур қизнинг кўнглини қай йўсин овлаш мумкин? Ҳамид бу нозик ишнинг чорасини топади. Ёзувчилар уюшмасининг гардероби, яъни кийимхонасида Зулфиянинг пальтосини ўзиники билан битта илгичга илиб, рақамини чўнтагига солиб кўяди. Шу тахлит тадбирдан кейин Зулфия билан яна бир марта учрашади, ҳатто уни уйигача кузатиб қўйиш бахтига муяссар бўлади. Улар шу тариқа танишадилар. Бир йил ўтгач (1935 йилда), ёшлар турмуш қуришади. Кўп ўтмай қизли бўлиб, унга Хулқар деб исм қўйишади.

Шароф Рашидов тоғасининг хотини билан улар турмуш курмасдан олдин, Ҳамид Олимжон ўз яқинларини қайлиғи билан таништириш мақсадида Жиззахга келганда танишади. Рашидов бу пайтда етти йиллик мактабни тугатиб, педагогика соҳасида хизмат қилар – Жиззахдаги мактаблардан бирида ўқувчиларга таълим берарди.

Иттифокда ўша йилларда халқ таълими соҳасида давлат дастурини амалга ошириш давом этарди. Мамлакатда 1930 йил июль ойида 8–10 ёшли болаларга ялпи мажбурий бошланғич таълим бериш йўлга қўйилади. Бундан бир йил олдин Ўзбекистонда барча кўринишдаги 2 720 та мактаб бўлса, 1933 йилга келиб уларнинг сони 6 444 тага (шаҳарларда 509 та ва қишлоқларда 5 935 та) этади. Шу давр ичида ўқувчилар сони 139 800 дан 644 300 нафарга (шаҳарларда 145 000 ва қишлоқларда 499 300 нафар бола таълим оларди) ортади. Ўқитувчилар сони ҳам кўпаяди: 1929 йилда улар 5400 (2100 нафари қишлоқларда хизмат қиларди) нафар бўлса, 1933 йилда 19 300 нафарга (13 800 нафари қишлоқларда таълим берарди) этади. Ўқитувчиларнинг 46 % и маҳаллий миллат вакиллари – ўзбеклар бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистон ССР Советларининг 1935 йил январда бўлган V съезди республика Халқ комиссарлари совети олдига 8 дан 15 ёшгача барча болаларни қамраб олган ҳолда мажбурий етти йиллик таълим бериш режаси-

ни ишлаб чиқиш вазифасини кўяди. Халқ таълими эҳтиёжлари учун жуда катта маблағ – 1162,5 млн сўм ажратилади, бу кўрсаткич биринчи беш йиллик (1929–1934) даврида 395,5 млн сўмни ташкил қилганди. Мазкур дастурнинг амалга оширилиши натижасида Ўзбекистонда иккинчи беш йиллик даврида 35 минг ўринга эга 539 та мактаб барпо этилади.

Иттифоқда ўша йилларда ўқитувчилик энг обрўли касблардан ҳисобланар, бундан Ўзбекистон ҳам истисно эмасди, камбағал деҳқонларга билимли бўлиш ва ҳаётда салмоқли натижаларга эришишда ёрдам бергани учун ўқитувчилар астойдил эъзозланарди. Ўша пайтларда ўқитувчилар ўртача 1500–1700 сўм (20-йилларнинг охирларида бу рақам атиги 700 сўмни ташкил қилган) маош оларди. Қиёслаш учун қуйидаги маълумотни келтирамиз: 30-йилларнинг ўрталарида бир кг гўшт нархи 9 сўм 42 тийин, 1 кг қанд – 4 сўм 500 тийин, 1 кг ёрма – 4 сўм 14 тийин, 1 кг ун – 2 сўм 63 тийин, 1 кг картошка – 92 тийин, 1 кг сабзавот – 58 тийин, эркакларнинг мовут костюми – 75 сўм бўларди.

Рашидов ўқитувчилик қилиш билан бирга адиб сифатида ўзини синаб кўришда давом этди: шеърлар, ҳикоялар, очерклар ёзди. Бадиий ижод намуналарининг бир қисмини маҳаллий (Жиззахдаги), бир қисмини эса марказий (Самарқанддаги) газеталарга юбориб турди. Натижада у тез орада нуфузли сиймолар назарига тушди, улар шубҳасиз бадиий салоҳияти билан биргаликда, таниқли шоир ва жамоат арбоби Ҳамид Олимжоннинг жияни эканига ҳам эътиборни қаратишди. Натижада 1937 йилда унга Самарқанд вилоятининг «Ленин йўли» газетасида масъул котиб лавозини тақлиф қилишди. Рашидов бу тақлифни бажонидил қабул қилди ва айни шу лаҳзадан эътиборан унинг раҳбарлик фаолияти бошланди.

Ўша йилларда Ўзбекистон иқтисодиёти фақат аграр, яъни қишлоқ хўжалик (ўн йил мукаддам республика халқ хўжалигида қишлоқ хўжалигининг солиштира ҳажми 61,6 %, саноат эса – 38,4 % ташкил қиларди) тусига эга бўлмасдан, саноатлаштириш жараёнида мамлакатнинг йирик саноат минтақаларидан бирига айланиб борарди. Кўпгина тарихчилар бу ўта жадал ва ҳатто кескин тусга эга жараён бўлганини таъкидлайди. Жумладан, тарихчи Л.Левитин мазкур жараённи шундай таърифлайди:

«Бу анча кечиккан модернизациялаш, техникавий тараққиётда анча илдамлаб кетган ривожланган капиталистик мамлакатларга етиб олишга қаратилган модернизациялаш бўлганди. Шу боис саноатлаштириш ўта жадал суръатлар билан олиб борилди, натижада улкан ижтимоий йўқотишларга ҳам йўл қўйилди. Совет модернизацияси Ўзбекистонда жуда тез фурсатда техникавий тараққиёт, замонавий ишлаб чиқариш жорий қилинишига олиб келди. Бироқ айти пайтда республика табиий эволюция, ички шарт-шароитлар ва қонуниятларга кўра ривожланиш имкониятидан маҳрум бўлди. Ривожланиш модели, дастурлари ва муддатлари ўзбек жамиятининг асрлар мобайнида шаклланган анъаналари ва табиий тамойилларига зид равишда ташқаридан зўрма-зўраки киритилди. Ўзбекистонда модернизациялаш турли тамаддунлар, уларнинг айрим қисмлари тўқнашуви билан давом этди, бунда гўё ўт билан сув қарама-қарши келди, муайян маданиятга мансуб одамлар бутунлай бошқа маданият вакилларига ўз хошиш-иродаларини сингдиришга уриндилар. Бу қурбонлар талаб қиладиган шафқатсиз қатағон, даҳшатли офатга ҳам ўхшаб кетарди.

Бошқа миллий республикаларда бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам модернизациялаш Москванинг қатъий сиёсий ҳукмронлиги остида амалга оширилди. Москва ўзбек халқининг манфаатларига фақат тузумнинг стратегик манфаатлари, мафкуравий ақидаларидан келиб чиққан ҳолда ёндашарди. Айти пайтда бошқа миллий ўлкалар сингари Ўзбекистонга ҳам шундай меҳнат тақсимооти ва ихтисослаштириш мажбуран тикиштирилдики, оқибатда республика ўнлаб йиллар мобайнида марказга ҳам, бошқа республикаларга ҳам боғланиб қолаверди...»

1918 йил Тошкентда Ғарб махсус хизматларининг фаол иштирокида чор армиясининг собиқ прапоршиги К.Осипов раҳбарлигида аксилинқилобий исён кўтарилди. Бироқ бошқа ғалаёнлар каби бу исён ҳам бостирилган. Башарти, Ғарб давлатларининг омади чоғиб, Ўзбекистонга ўз хошиш-иродасини сингдира олган тақдирда ҳам бу ўлка Иттифоқ давридагидек саноатни ривожлантириб, қолаверса, гарчи кўп жиҳатдан «ўзаро боғлиқ» тусга эга бўлса-да, ўз мустақиллигини сақлай олмаган бўларди. Демак, ўша даврда мазкур ўлка олдида танлаш имконияти бўлмаган, бинобарин, аксарият афзалликни сақлаб қолиш учун озгина ён беришга мажбур бўлган.

Айни пайтда бутун Иттифокдагига нисбатан Ўзбекистонда халқ  
қозғалони халал суръатлар билан ривожланган. Бу большевикларнинг  
қаршилик қилган ҳақиқат ўлкаларнинг иқтисодий қолоқлигини тез тугатиш дастурининг  
қаршилик қилган эди. Албатта, Марказ бунда муайян республиканинг эмас, балки  
қаршилик қилганларини устун қўйган, республика хомашё манбаи бўлишига зўр  
қўйган, ҳозир.

Ўзбекистонни «оқ олтин» етказиб берувчи асосий ўлкага айлантириш  
қаршилик қилганганди, чунки бу республика пахта етиштириш учун қулай та-  
биий шароитга эга. Марказий Осиёнинг барча республикаларида (То-  
жикистон, Туркменистон, Қирғизистон) ва Қозоғистонда ёз узоқ давом  
қилганга қарамадан, бу уч республикада суғориладиган ер майдонлари  
қаршилик қилган эса кўп сув талаб қилади) йўқ эди, натижада Қозоғистон (Украина  
манбаи) қозғалони асосий «ғалла майдони»га айлантирилди. Қолаверса,  
Ўзбекистонда аҳолининг асосий қисми қишлоқларда яшар, бу эса кўп  
қаршилик қилган иссиқлик талаб қиладиган пахта етиштириш учун айна муддао. «Оқ  
олтин» иқтисодиёт учун қандай аҳамиятга эга экани ҳақида Ўзбекистон  
қаршилик қилганларидан бири Нуриддин Муҳитдинов шундай деганди:

«Ўрта Осиё халқлари пахта деб атайдиган «оқ олтин» аслида нима?  
Пахта ўз нави, етиштириладиган ҳудуди ва бошқа ўсиш омилларига боғлиқ  
қаршилик қилган равишда ҳосилининг етилиш даври 100 кундан 200 кунгача давом этади,  
ғўзапояси 50–120 сантиметргача ўсади. Ҳар бир ғўзада 10 тадан 30 тагача  
қўсақ бўлади, учли ва юлдузчали, шарсимон ёки тухумсимон кўринишда  
бўлади.

Ҳар бир чанокдаги пахта – бой табиий захира хазинаси, ҳар бирида пахта  
қаршилик қилган хомашёси деб аталадиган 2–10 грамм универсал восита бўлади.

Ҳар бир чанокдаги пахтадан узунлиги 25–42 мм. ли 20 дан 40 фоизгача  
тола олинади. Чигитдан пахта мойи олиндиб, жуда кенг истеъмолда иш-  
латилади. Пахта чигити, пахта чаноғининг пўчоғи ҳам хомашё, улардан  
кўп нарса олиш мумкин. Жумладан, пахта кунжараси – чорва моллари-  
ни семиртирадиган, маҳсулдорлигини оширадиган, гўшт ва сут сифатини  
яхшилайдиган озуқа бўлса, чигит туки ва момиғидан сунъий тола, кино-  
плёнкалар, пластмасса ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкин; шелухаси  
– иситиш асбобларини тайёрлашда метан ўрнини босадиган, иссиқлик би-

лан ишлов беришга чидамли юкори сифатли полимерлар, турли синтетик материаллар ишлаб чиқариш учун хомашё ҳисобланади; пахта чигитидан юкори ҳароратга чидамли қопламалар, лаклар, бўёқлар ва дори-дармонлар ишлаб чиқаришда қўлланидиган госсипол олинади.

Пахта тозалаш ва ёғ-мой комбинатларининг чиқиндилари целлюлоза, линолеум, картон, тиббиётда, енгил ва мебель саноатида қўлланиладиган пахта, шунингдек, подкладкалар, филтрлар ва бошқа техник воситалар ишлаб чиқариш учун ватин тайёрлашда ишлатилади.

Ўзанинг барги, шохлари, ўзапоя ва ўзагидан «Р» витамини, каротин, оксил ачиткилари, антибиотиклар, крахмал, аркон, қоғоз, картон, турли кислоталар, шу жумладан, 15 номдаги аминокислоталар, қатрон, тузлар, 10 дан ортиқ фенол бирикмалар, 20 га яқин юкори молекуляр углеводлар, спиртлар, мум ва бошқа 100 дан ортиқ кимёвий маҳсулотлар олинади, пахтадан ҳаммаси бўлиб мингдан ортиқ турдаги маҳсулотлар, буюмлар, товарлар, дори-дармонлар олинади.

Ҳар гектар майдондан ўртача 30 центнердан пахта ҳосили олиш мумкин, ундан 1000–1100 килограммгача пахта толаси, 1600–1800 килограмм чигит олинади.

1000 кг толасидан 10 минг метрдан ортиқ мато тўқилади, 1700 кг чигитдан эса – 330 кг пахта ёғи, 700 кг кунжара, 500 кг шелуха, 10 кг гача линт олади...»

Октябрь инқилобидан олдин, чор Россияси давридаёқ Ўзбекистонни асосан пахта хомашёси етказиб берадиган ўлкага айлантиришга асосий эътибор берилган. Чор Россияси даврида Ўзбекистонда тўқимачилик корхоналари бўлмаган ва пахта хомашёси қайта ишлаш учун Россияга олиб кетилган. Большевиклар даврида манзара ўзгача тус олди. Ўзбекистонда 20-йиллардаёқ пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи кичик ва ўрта корхоналар қурилиши бошланди. Қисқа муддатда тўқимачилик ва ипак-йиғириш фабрикалари барпо қилиниб, ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, бу маҳсулотлар қайта ишлаш учун Россия, Украина, Белоруссияга жўнатилди. 1926 йилда Фарғонада тўқимачилик фабрикаси, 1928 йилда Марғилонда ипак йиғириш, 1934 йилда эса Тошкентда тўқимачилик комбинати ва бошқа корхоналар қурилди. Ўша йили Тошкентда қишлоқ хўжалиги машиналари ишлаб чиқарилади-

ан завод курилиб, бу Россия ва Украинанинг қатор корхоналарига боғлиқ бўлиб, кўпгина бутловчи деталлар ўша республикалардан келтирилди.

Мазкур ўзгаришлар натижасида 30-йилларнинг охирига келиб Ўзбекистон бюджетининг даромад қисми 1 миллиард 325,3 миллион сўмни (1937 йил кўрсаткичи) ташкил қилгани ҳолда саноати ривожланган республикалар қаторидан жой олди. Ҳолбуки, ўша даврда Туркияда бюджетнинг даромад қисми 870,7 млн сўмни, Афғонистонда – 195 млн сўмни, Эронда – 170 млн сўмни ташкил қиларди.

Бу пайтга келиб республикада колхоз тузуми қатъий қарор топди. Ўзбекистонда коллективлаштириш жадал суръатлар ва жиддий оғишлар билан амалга оширилди, чунки Марказ дастлабки беш йилликнинг охирида, яъни 1934 йилда Иттифокнинг пахта мустақиллигини таъминлаш вазифасини қўйганди. Шу боис Ўзбекистонда 30-йилларнинг ўрталарида 9 539 та колхоз ташкил қилинди. Бу республикадаги барча деҳқон хўжаликларининг 74,9 % и эди. Мазкур ўн йиллик охирида Ўзбекистон колхозлари пул даромадларига кўра Иттифокда биринчи ўринни эгаллади. Бунинг барчасига республикада «оқ олтин» ҳисобига эришилди – ўша йили пахтадан кўрилган даромад 1 917 млн сўмни ташкил қилди. Натижада 1939 йилда Ўзбекистон Ленин ордени билан тақдирланди ва Иттифок таркибидаги тўртинчи нишондор республикага айланди (1935 йилда Грузия, Озарбайжон ва Белоруссия орден билан тақдирланганди).

30-йилларнинг охирида Сталин «юқоридан инқилоб», яъни кадрларни тозалашга киришди. Халқлар отасининг вафоти ва Н.Хрушчёв партиянинг XX съездида сўзлаган маърузасидан кейин совет тарихшунослигида гўё партиявий номенклатурага қарши репрессиялар тўлкинини келтириб чиқарган мазкур инқилоб асосан Сталиннинг феъл-атворига хос хатарли гумонсираш ва шафқатсизлик билан боғлиқ деган нуқтаи назар қарор топди.

Бутун мамлакатда бўлганидек Ўзбекистонда ҳам репрессиялар давом этади, лекин ўзгача тусда. 1930 йилда республика пойтахти Самарқанддан Тошкентга кўчирилгач, Самарқанд–Бухоро гуруҳининг вакиллари ҳокимиятдан аста-секинлик билан четлаштирилиб, уларнинг ўрнини «тошкентликлар» ва «фарғоналиклар» эгаллайди. Тошкентликлар ҳатто кел-



гинди В.Ивановни ҳам четлаштирадидлар, 1927 йилда унинг Компартияга раҳбарлик лавозимини тошкентлик Акмал Икромов эгаллайди.

1930 йилларнинг охирларида Сталиннинг «юқоридан инқилоб» сиёсати бошланганда, «самарқандликлар» ҳокимиятни етакчиси Усмон Юсупов бўлган «фарғоналиклар»га бой беришади. Усмон Юсупов 1931 йилдан ВЦСПС (касаба уюшмалар) Ўрта Осиё бюросининг раиси лавозимида ишлайди, 1937 йилда эса қатағон қилинган «тошкентлик» А.Икромов ўрнига Ўзбекистон КП (большевиклар) МК 1-котиби бўлади (ҳамиша Марказ томонидан тайинланадиган, Юсуповга нисбатан Москванинг кўзу қулоғи, Марказий Кўмитанинг 2-котиби дастлаб Павел Яковлев бўлади, 1940 йилларда эса Константин Ефимов шу лавозимда ишлайди). Республика Халқ комиссарлари советининг икки раиси: «бухоролик» Файзулла Хўжаев (1925–1937) ҳам, кейинчалик унинг ўрнида ишлаган «тошкентлик» Султон Сегизбоев (1937–1939) ҳам қатағон қилинади. Республика Марказий Ижроия комитетининг раиси «фарғоналик» Йўлдош Охунбобоев (республикада «ўзбек Калинин» номини олган) эса ўз вафоти, яъни 1943 йилгача лавозимида хизмат қилади.

Бу Ўзбекистонда партия сафларини биринчи тозалаш эмасди. Дастлабки тозалаш 30-йилларнинг бошларида қилинган, ўшанда Компартия аъзоларидан қарийб 40 минг киши отилганди, 1937 йилда эса яна мингга яқин раҳбар қатағонга учради. 1938 йилдан Ўзбекистонда Компартия аъзолари яна кўпая бошлади ва уруш арафасида 72 минг кишидан ортиқни ташкил қилди (бу 1937 йил билан қиёслаганда 42 мингдан кўпроқдир). Аксарияти ёшлардан иборат бу амалдорларнинг кўпчилиги бир неча хизмат поғоналарини сакраб ўтиб, партия маҳкамаларида юқори мансабларни эгаллаганди.

Омади юришган ёш мансабдорлар орасида Шароф Рашидов ҳам бор эди. Атиги 20 ёшда бўлишига қарамай ўзини кўрсатиш учун катта имкониятга эга эди. У бу имкониятни қўлдан чиқармади. Санокли йиллар мобайнида (1937–1941) газета масъул котиблигидан бош муҳаррир даражасигача кўтарилади. 1939 йилда ВКБ (большевиклар) партиясига аъзо бўлади.

Рашидовнинг хизмат пиллапояларидан тез кўтарилиши ўша даврга хос хусусият бўлган. 1960–1970 йилларда мамлакатни Рашидов билан

**бошқарган арбобларнинг ҳаммаси, Сиёсий бюронинг деярли барча аъзолари айнан Сталиннинг кадрлар соҳасида «юқоридан инқилоб» қилиш сиёсати йилларида олий ҳокимиятга чиқишни бошлайди. Жумладан, Леонид Брежнев 1938 йилда техникум директори лавозимидан партиявий ишга ўтади (Днепропетровск вилоят партия комитетининг бўлим мудирини бўлади). Юрий Андропов Рибинск Сув транспорти техникумини тугатганидан кейин бир йил ўтиб, 1937 йилда Бутуниттифоқ ёшлар ташкилоти Ярославль вилоят комитетининг котиби бўлади. Алексей Косигин 1938 йилгача Ленинградда ип йигириш-тўқувчилик фабрикасининг директори бўлган, кейин эса ВКП (б) Ленинград вилоят комитетининг бўлим мудирини лавозимига тайинланган. Иқтисодиёт институтини тугатган Андрей Громыко Иттифоқ ФА Иқтисодиёт институтида хизмат қилиб, кейин 1939 йилда дипломатик хизматга чақириб олинган.**

Бу шахсларнинг хизмат пиллапояларидан юксалишини фақат тарихий сабаблар билан боғлаб кўрсатиш адолатсизлик бўлади. Бунда субъектив омил ҳам, яъни мазкур кишиларнинг шахсий фазилатлари ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Жумладан, Рашидов собитқадам, меҳнаткаш, ҳушёр, ақл-идрокли, ва албатта, шуҳратпараст ҳам эди. Агар унда шу хислатлар бўлмаганда, совет тузумида энг юқори мансабга асло эриша олмаган бўларди.

### **3-боб**

## **АМИР ТЕМУР ДАСТПАНЖАСИ**

Рашидов газета бош муҳаррири бўлиб ишлаб юрганда уруш бошланиб қолди. Уруш арафасида журналист сифатида иштирок этган асосий воқеа буюк Амир Темур қабрининг очилиши бўлди. Соҳибқирон Амир Темур 1370 йилдан 1405 йилгача ҳукмронлик қилган. У Самарқанд шахрини пойтахт қилиб, улкан салтанат яратди, Олтин Ўрдани тор-мор этди, Эрон, Кавказорти, Ҳиндистон, Кичик Осиёдаги қатор давлатларни ишғол қилди. У асос солган темурийлар салтанати мазкур минтақада 1507 йилгача ҳукмрон бўлди (Шоҳрух Мирзо (1377–1447 йиллар), Улуғбек Мирзо (1494–1449

йиллар), Бобур Мирзо (1483–1530 йиллар). Бобур Мирзо Ҳиндистонда Буюк Бобурийлар салтанатига асос солди) мазкур сулоланинг энг йирик вакиллари ҳисобланади.

Амир Темур вафотидан кейин Самарқандда Гўри Амир мақбарасига дафн этилади (кейинчалик аксарият темурийлар шу мақбарага кўмилган). Соҳибқирон дафн этилгач, бу мақбарага айрим обрўли шайхлардан ташқари оддий кишиларнинг кириши тақиқлаб қўйилди. Шу боис урушдан олдинги йилларда кўпгина олимларда мазкур мақбарада Амир Темур дафн этилганига шубҳа пайдо бўлади (жумладан, академик Қори-Ниёзий соҳибқирон Афғонистонда дафн этилган деган қатъий фикрда бўлса, бошқа олимлар Шаҳрисабздаги кўҳна қабристонлардан бирига дафн этилган деган фикрда эди).

Бу тахминлар маълум асосларга эга бўлиб, бинобарин Амир Темур Хитойга ҳарбий юриш бошлаганда, Ўтрор шаҳрида вафот этган, унинг жасадини олисдан олиб келишга тўғри келганди. Шу боис совет ҳокимияти даврида Амир Темурнинг қабрини очиб, жасади бор-йўқлигини аниқлаш масаласи бир неча марта кўтарилди. Лекин диндорлар бунга қаттиқ қарши бўлади. Улар мақбарадаги қабр тошларга битилган куйидаги мулоҳазани бунга сабаб қилиб кўрсатардилар: «Ҳаммамиз ўлгувчилардирмиз, вақти келади ва биз кетамиз. Бизгача ҳам буюклар бўлган ва биздан кейин ҳам бўлади. Агар кимда-ким кибрга берилса ва бошқалардан баланд кўтарилса ёки аждодлар хокини безовта қилса, уни энг даҳшатли қарғиш урсин!»

Бу ишга 1941 йил ёзда Сталин шахсан аралашгач, вазият ўзгаради. Миш-мишларга қараганда, халқлар доҳийси Амир Темур сиймосига катта эҳтиром билан қараган, ҳаттоки кейинчалик унинг фамилиясига айланган Сталин номини ҳам афсонавий ўзбек саркардаси шарафига тақлидан танлаган. Айтишларича, 30-йилларнинг ўрталарида доҳийнинг топшириғига биноан янги тарих дарслигида Олтин Ўрдани яқсон қилиб, қадимий Русни жабр-зулмдан қутқарган Амир Темур сиймоси алоҳида тилга олинган.

Соҳибқирон Амир Темур қабрини очиш нафақат илм учун, балки тарғибот мақсадида ҳам зарур эканлигига Сталин Ўзбекистон раҳбариятини ишонтиради. Қолаверса, таникли ҳайкалтарош Михаил Герасимов соҳибқироннинг сақланиб қолган устухонлари асосида Амир Темур-

бу эса ўзбек халқига фақат деворларда сақланиб унинг рамзий тимсолини томоша қилиш билан кифояланмасдан, тимсолдан баҳраманд бўлиш имконини беради. Бу тўғри таклиф экани шубҳаланганидан қатъи назар Ўзбекистоннинг ўша пайтдаги раҳбари Юсуф Юсупов дохийга эътироз билдира олмаган.

Амир Темур қабрини очиш 1941 йил июнь ойининг иккинчи ярмида бошланиб, буни амалга ошириш гуруҳига юқорида эслатиб ўтилган Қори-Ниёзий (раҳбар) ва ҳайкалгарош Герасимов, шарқшунос Саъдов (у қадимий битикларни жуда яхши биларди), ёзувчи Садриддин Айний (соҳибқирон ҳақида роман ёзишни ният қилган), кинооператор Малик Қаюмов (Ўзбекистонда биринчи бўлиб паранжи ташлаган 13 Тоҷихон Шодиевани тасвирга олган, ўзбек қизлари тўғрисида «13 қадирғоч» фильмини ва Ўзбекистон ҳаётига бағишланган бир нечта тараққий воқеаларни суратга олган) киритилади. Тадқиқотчилар гуруҳи ўнга яқин кишилардан иборат эди.

Мақбарага киришни хоҳловчилар сони кўп бўлиб, атрофда талай томошаталаб кишилар ҳам тўпланади. Улар орасида 23 ёшли Шароф Рашидов ҳам бор эди. У қабрларнинг очилиши ҳақида мақола ёзиш ниятида келган. Рашидов ўз ниятини амалга ошириш учун деярли ҳеч қандай имкониятга эга эмасди, бироқ қутилмаганда унга омад кулиб боқади. Оператор Малик Қаюмов билан танишгач, у Амир Темур қабрини очишда Рашидовни ўзига ёрдамчи қилиб олишини айтади.

Дастлаб Амир Темурнинг эмас, бошқа темурийлар қабрларини (мақбарада жами еттига қабр бор) очишга киришилади. Амир Темур қабри 21 июнь кунини очилади. Иш давом эттирилади, ниҳоят, плита остида тобутнинг қора қопқоғи кўринади, лекин шу заҳотиёқ ҳамма чироқлар ўз-ўзидан ўчади. Шу боис танаффус эълон қилиниб, барча ташқарига чиқади.

Ўшанда Қаюмов ғайриоддий ҳодисага дуч келади. Нотаниш бир киши яқин орадаги чойхонада қандайдир қариялар у билан учрашмоқчи эканини айтади. Оператор чойхонага йўл олади. Чойхонада ростдан ҳам бир хил тўн кийиб, салла ўраган уч нафар қария ўтирар, биттасининг қўлида аллақандай китоб. Ўша қария операторга мурожаат қилади: «Ўғлим, мақбарадаги қазилмаларга сен ҳам алоқадормисан?» Қаюмов ўз ичидаги қўрқувни босиш мақсадида ҳазиллашди: «Бу ерда мен энг каттасиман,

менсиз бу олимлар ҳеч нима қила олишмайди», дейди. «Ҳали Темурнинг қабрини очмадингларми?» деб сўрашади қариялар. Малик: «Ҳозирча йўқ», дегач, улар дарҳол: «Темурнинг қабрини очиш мумкин эмас, акс ҳолда, уруш бошланади!» дея огоҳлантиришади. «Қаердан олдингиз бу гапни?» – Малик Қаюмовнинг ҳайрати ортади. «Мана бу китобда ёзилган», дейди чол. Китобда арабчада куйидаги сўзлар ёзилганди: «Буюк соҳибқироннинг хокига тегиш мумкин эмас, аксинча, уруш бошланади». Малик Қаюмов бу ҳазил эмаслигини англаб, ҳамкасблари қошига ошиқади.

Малик Қаюмов хотираларидан: «Ҳамкасбларим менинг устимдан кулишди, лекин бирга чойхонага йўл олишди. Ёзувчи Садриддин Айний қарияларга тожикчалаб дўк ура бошлади: «Ҳассам билан солиб қолмасимдан олдин бу ердан қорангни ўчир ҳамманг!» Катта ёшдаги ҳамкасбларимнинг қўполлигидан хижолатга тушдим, бироқ қўлимдан ҳеч нарса келмади. Кексалар хафа бўлиб, ноилож ўринларидан туришди, икки оғиз «ширин» гап айтиб, жўнаворишди.

Бир неча дақиқа сеҳрлангандай қараб қолдим, ўзимга келиб, қарияларни қадимий китоб билан суратга олиш ниятида уларнинг кетидан югурганим наф бермади – улар сирли равишда ғойиб бўлганди. Яна бир ҳайратланарли томони – қариялар билан бўлган учрашувдан сўнг ҳам ба-рибир қабрни очишга қарор қилинган, чироқлар ўз-ўзидан ишлаб кетди! Муҳим тарихий кашфиётда иштирок этиш учун ҳамма яна қабр ёнига тушди. Антрополог Герасимов тобут ёнига тушди-да, унинг устки ёғочларини эҳтиётлаб олиб, узата бошлади. Шу ондаёқ тобут ичидан чиққан, атиргул хидига монанд аллақандай ёқимли ифор ҳамма ёқни қоплади.

Гарчи мумиёланган бўлса-да, тобутдаги тана яхши сақланмаган, фақат устухонлар қолган эди. У баланд бўйли, боши катта бўлиб, баҳодирлиги шундоққина сезилиб турарди. Олимларнинг энди шубҳаси қолмаганди: уларнинг олдида Темур ётарди! Герасимов унинг бош суягини олиб, атрофдагиларга намойиш қилди, тиззасидан жароҳатланганлигини билдирувчи суягини кўздан кечиришди – соҳибқирон ростдан ҳам оқсоқ бўлганига ишонч ҳосил қилдик. Шунингдек, барча темурийларга хос бўлган ирсий хусусият – умуртқа поғонасидаги еттинчи суякнинг патологияси ҳам скелетда яққол кўриниб турарди. Экспедициянинг бош мақсадига эришил-

**...** биз буюк соҳибқирон Амир Темурни топдик. Барчанинг, айникса, **Сариддин** Айнийнинг қувончи чексиз эди...»

Бироқ гуруҳ аъзоларининг қувончи узоққа чўзилмади. 1941 йил 22 **июнь** эрталаб радио орқали немис-фашист газандалари Совет Иттифоқида **бостириб** киргани, уруш бошлангани эълон қилинади. Қарияларнинг **соголантиришлари** тўла тасдиқланади. Бундан хайратланган тадқиқот-**чи**лар дарҳол Ўзбекистон раҳбари Усмон Юсуповга қўнғироқ қилиб, **қариялар** билан бўлган учрашув ҳақида гапириб беришди. Усмон Юсупов, нима учун дарҳол айтмадинглар, деб уларга дакки берди. Ўзбекистон **раҳбари** шундай дегач: «Менинг бу борада ҳеч қандай айбим йўқ», деб **телефон** гўшагини қўяди.

Ўша кунидек тадқиқот ишлари тўхтатилди. Амир Темур қабри лозим **тартибга** келтирилди, лекин унинг бош суяги Москвага жўнатилди, бу **ерда** Герасимов соҳибқироннинг қиёфасини яратди.

#### 4-боб

### ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ

Бутун мамлакат халқи бир тану бир жон бўлиб, фашист босқинчиларига қарши курашга отланди. Урушнинг дастлабки кунларида совет кўшинлари чекина бошлагани боис ҳукумат раҳбарияти кўплаб sanoat корхона ва муассасаларни мамлакат ичкарасига – Урал ва Ўрта Осиёга зудлик билан кўчириш ҳақида қарор қабул қилди. Москва киностудиялари ходимларининг бир қисми уруш йилларида айнан Тошкентда иш юритди.

Уруш йилларида юз минглаб одамлар Ўзбекистонда жон сақлади. Жумладан, уруш даврида қарийб 200 минг бола Ўзбекистонга келтирилди, муҳими, уларнинг катта қисми ўзбек оилаларига жойлаштирилди. Биргина темирчи Шоаҳмад Шомухамедовнинг оиласи турли миллатга мансуб 14 болани ўз бағрига олди.

Буни ҳамма ҳам билмайди, ҳолбуки, миллионлаб мухлисларнинг севимли актёри Андрей Миронов ҳам бир муддат Тошкентда яшаган, уни 6 ойлик чақалоқ пайтида олиб келишган. Ота-онаси, таниқли эстрада артистлари – Александр Менакер ва Мария Миронова Тошкентда 1942 йилнинг октябрига қадар истиқомат қилган.

Тарихчи Л.Левитин ёзганидек: «Ўзбек халқи тарихида уруш йиллари «юлдузли даврлар» бўлган. Йиллар давомидаги хўрланишлар оқибатида қадди дол бўлган одамлар уруш даврида қандайдир мўъжиза сабаб яна қадларини ростлар, барчанинг қалбида ўзбекона сабру тоқат, бағрикенглик ва меҳр-шафқат тўлиб-тошарди. Мен уруш йилларида Ўзбекистонга эвакуация қилинган кўплаб одамлар билан суҳбатлашганман. Уларнинг барчаси истисносиз Тошкент ва Самарқандни, Андижон ва Фарғонани, ош-нонию бошпанаси ва оилавий фароғатини бирга баҳам кўрганларни миннатдорчилик билан эслашиб, барчаси Анна Ахматованинг (у ҳам уруш йилларида Тошкентда яшаган) қуйидаги фикрларини баралла такрорлаган: «Ким айтди бу ерни бегона юрт деб?»»

1941 йил охиридаёқ Тошкентдаги барча саноат корхоналарининг деярли ярми тўла ёки қисман ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. Бундан ташқари, мамлакатнинг бошқа жойларидан эвакуация қилинган юздан ортиқ корхоналар шаҳарга жойлаштирилди. Кейинги йилнинг бошида Тошкентда 137 корхона фаолият юритиб, уларнинг салкам ярми (64 таси) ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқарарди. Шаҳарда 20 дан ортиқ госпитал (умумий сони – 7 650 ўринли), 23 та илмий тадқиқот муассасаси фаолият олиб борган. Тошкентда россиялик кино усталаридан ташқари юзлаб бошқа соҳа мутахассислари ҳам яшаб, фаолият юритган: жумладан, Тошкентдаги фақат Иттифоқ Фанлар академиясининг йирик олим ва илмий ходимлари 375 нафарни ташкил қиларди (дарвоқе, 1943 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси ҳам ташкил қилинган).

Шароф Рашидов 1941 йилнинг ёзидаёқ (августда) Қизил Армия сафига чақирилади. Уни Қирғизистон пойтахти Фрунзе шаҳрида жойлашган пиёдалар ҳарбий билим юртига жўнатишади. Курсантлар дастлабки кунлардан жанговар ҳаракатларга тайёргарлик кўра бошлашади: улар ҳар кун иш тоғлар бўйлаб узоқ масофага югуришар, ўқ отиш, окоп қазиб олиш, кўникмалар ҳосил қилишарди. Ўқиш тўрт ойга мўлжалланган бўлса-да, бу муддат қисқариб кетади. Фронтдаги вазият оғир бўлгани боис октябрь охиридаёқ Фрунзе пиёдалар билим юрти курсантларининг учта батальони ва бутун сержантлар таркиби поезд эшелонларида ҳаракатдаги армияга жўнатилади.

Душман бу пайтда Москва ва Ленинград остоналарида шиддатли жанг олиб борарди. Жумладан, душманнинг «Марказ» армияси гуруҳлари ўн

авот қўшилмалари Брянск қўшинларига қарши 30 сентябрда пойтахт сари кенг қўламли хужум бошлайди. 2 октябрь тонгида «Марказ» гуруҳи Ғарбий ва Захира fronti қўшинларига зарба беради. Уруш бошланишида бўлганидек, бу гал ҳам авиация мададга келади. Москвага олиб борувчи асосий йўллар бўйлаб жойлашган фронтнинг заиф қисмларига танк дивизиялари қаттиқ хужум бошлайди.

Ленинград остоналарида ҳам вазият оғирлашади. Немис-фашист қўшинлари 10 июлда Великая дарёсидан шимолий пойтахт томон хужумга ташланади. Душман икки ой ичида шаҳар мудофаасини бартараф қилиб, тез кунда уни тўла қўлга киритишни мўлжаллаганди. Бироқ бу режа барбод бўлади – Ленинград душманга матонат билан қаршилиқ кўрсатади. Шунга қарамай, «Мга» станцияси орқали ёриб ўтган душман 8 сентябрда Шлиссельбургни (Петрокрепостни) қўлга киритади ва Ленинградни қуруқликдан узиб қўйиб, уни қамал қилади. Октябрь ойида душман фин қўшинлари билан бирлашиб, шаҳарни тўла қамалга олиш мақсадида Свирь дарёсига ёриб ўтиш учун янги хужум бошлайди. Совет қўшинлари қанчалик қаршилиқ кўрсатмасин, фашистлар 8 ноябрда Тихвин шаҳрини босиб олиб, шаҳарга юк олиб кирадиган темир йўлни узиб қўяди. Оқибатда вазият кескинлашади. Айни шу кезде Олий Бош қўмондонлик Ставкаси янги кучлар – Узоқ Шарқ ва Ўрта Осиёдан қўшилмаларни Москва ва Ленинград йўналишига ташлашга қарор қилади.

Қайд этиш керакки, совет-герман frontiда, уруш йилларида 330 мингдан ортиқ ўзбеклар жанг қилган. Ўзбеклар бу кўрсаткич бўйича Иттифоқнинг бошқа миллат ва элатлари ўртасида 7-ўринни эгаллаган (1-ўринда руслар – 19 миллион 650 минг; 2-ўринда украинлар – 5 миллион 320 минг; 3-ўринда белоруслар – 964 минг; 4-ўринда татарлар – 511 минг; 5-ўринда яҳудийлар – 434 минг; 6-ўринда қозоқлар – 341 минг чақирилувчи).

Сталин июль ойида совет фуқароларига мурожаат қилиб, фашистлар Германияси билан урушни икки армия ўртасида оддий уруш эмас, балки «бутун совет халқининг уруши», «умумхалқ ватан уруши», «она Ватан озодлиги учун уруш» деб таърифлайди. У урушнинг миллий жиҳатларига ҳам эътиборни жалб қилади. Руслар, украинлар, белоруслар, ўзбеклар, грузинлар, арманлар, озарбайжонлар, молдаванлар, татарлар, литваликлар, латишлар ва Иттифоқнинг бошқа миллат ва элатларининг миллий



кадриятлари, миллий давлатчилиги барбод бўлиши хавфи остида эканини, немислаштирилиши, немис князу баронларининг кулига айланиши эҳтимоли катталигига ҳам урғу беради.

Тарихчи А.Вдовин бу борада шундай ёзади: «Бутун уруш йилларида Иттифоқ халқларининг ватанпарварлиги ва миллатлараро жипслигини мустаҳкамлашга қаратилган мафкуравий сиёсат олиб борилди. Совет Армияси сафларига барча миллат ва элатлар вакиллари чақирилди, улар фронтда ягона Ватан учун жанг қилдилар. Урушнинг энг оғир даврида, яъни урушга қадар мавжуд армия деярли батамом баргараф қилинган, Украина ва Белоруссия босиб олинган паллада Иттифоқдаги славян бўлмаган халқларнинг куч-қудратидан фойдаланишга тўғри келди. Урушга чақирувчилар рус тилини яхши билмагани боис миллий ҳарбий кўшилмалар ташкил қилинди. Шарқдаги миллий республикалар эвакуация қилинган корхоналарни қабул қилиб олди, маҳаллий аҳоли уларда ишлашга жалб этилди, барча умумий курашга қўлидан келганча ҳисса кўшди. Совет халқларининг қардошларча дўстлигини мустаҳкамлаш ўша давр тарғиботининг асосий йўналиши бўлиб, у ўз самарасини берди. Уруш йилларида турли миллатларнинг вакиллари томонидан хиёнаткорлик ва сотқинлик содир этилгани, қатор миллат ва элатларга ишончсизлик пайдо бўлганига қарамай, халқлар дўстлиги умуман оғир синовга дош берди».

Большевиклар салкам чорак аср мобайнида овоза қилган ва ёзган халқлар дўстлиги айнан уруш йилларида синовдан ўтди. Бунга қадар уларнинг мазкур мавзудаги барча баёнотлари фақат назарий тусда эди, 1941 йилда эса уни чинакам амалда намоён этиш даври келди. Бу давр дунёда дастлабки кўп миллатли давлатнинг чинакам куч-қудратини жаҳон афкор оммасига бор бўй-басти билан кўрсатди. Ҳолбуки, чор Россияси Марказ ва миллий чет ўлкаларнинг рисоладагидек иттифоқини юзага келтира олмаганди. Кўплаб тарихий воқеалар, жумладан, чоризм тугатилишидан бир йил олдин, 1916 йилда Ўрта Осиёда рўй берган қўзғолон ҳам шундан далолат беради.

Мазкур ўлка аҳолиси (ўзбек, қозоқ, қирғиз ва туркманлар)нинг Биринчи жаҳон урушига сафарбар қилиниши қўзғолонга сабабчи бўлганди.

Сафарбар қилинадиганлардан урушнинг олдинги марраларида аскар сифатида эмас (чор ҳокимияти уларнинг қўлига қурол беришдан хавфсирарди), балки фронт ортида қора ишчи, мардикор сифатида ишлатиш

окоп, блиндаж каби иншоотларни куришда фойдаланган)ни  
Оқибатда 32 ёшли қозоқ Абилий Жонгилдин ўз байроғи  
20 мингдан ортиқ аскарни тўплаб, қўзғолон бошлади.  
қўзғолон кўтарганларга қуроллар етишмас, шу боис улар пичоқ, найза  
борганкалар учун порох тайёрлар, ҳатто милтиқ ўқлари ҳам қуярди.  
нинг бир қисмини ҳукумат қурол-яроғ омборларига хужум қилиб  
сиратишади. Чор ҳокимияти бу қўзғолонни бостиришга қанча урин-  
уддасидан чиқа олмайди. Бу бежиз эмасди, чунки бу чинакам мил-  
созлик қўзғолони бўлиб, бутун Ўрта Осиё бир тану бир жонга айлан-  
аҳолининг камбағал тоифалари ҳам, бой-бадавлатлар ҳам елкама-елка  
туриб жанг қилишган.

Орадан икки йил ўтмасдан айнан ўша Жонгилдин ўз аскарлари би-  
лан Қизил Армия таркибида дастлабки қозоқ қисмларини ташкил этиб,  
большевиклар тарафида жанг қилади. Қизил Армия эса бу пайтда атаман  
Дутовнинг қўшинлари, оқ чехлар ва Колчак тарафдорлари билан шиддат-  
ли жанглар олиб борарди. Абилий Жонгилдин жасорати учун Ленин ва  
«Жанговар Қизил байроқ» орденлари билан тақдирланади. 1941–1945  
йиллардаги урушда А.Жонгилдин бевосита иштирок этмайди, бироқ  
Қозоғистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари си-  
фатида ҳарбий бўлинмаларни фронтга жўнатиш учун шакллантиришда,  
шунингдек, Қозоғистонга эвакуация қилинган саноат корхоналарининг  
ишини йўлга қўйишда иштирок этади.

Ўзбекларда бундай одам Йўлдош Охунбобоев, асли қашқардан кўчиб  
келган бадавлат оиладан бўлган бу шахс инқилобдан кейин Ўзбекистонда  
совет ҳокимиятини ўрнатишда иштирок этади, узоқ йиллар давомида дав-  
лат раҳбарлик лавозимида ишлайди: Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия  
комитети (1925–1938 йиллар) ва Олий Совет Президиумига (1938–1943  
йиллар) раислик қилади.

Иттифоқ халқлари оғир паллада фашизм билан урушга отланиши-  
га Кремлдаги раҳбарият дастлаб шубҳа билан қараганини дангал ай-  
тиш жоиз. 1941 йил сентябрь охирида Америка Ленд-лиз дастурининг  
йўналтирувчиси У.А.Гарриман билан Москвада учрашганда Сталиннинг  
оғзидан беихтиёр қуйидаги сўзлар чиқиб кетади: «Халқ жаҳон инқилоби  
учун жанг қилишни хоҳламаслигини биламиз; халқ совет ҳокимияти учун  
ҳам жон койитмайди. Лекин Россия учун жанг қилса, ажаб эмас...»

Бу сўзларни айтар экан, дохий биринчи ўринда Иттифоқда кўпчиликни ташкил қилган русларни назарда тутганди. Лекин моҳиятан мамлакатда яшовчи, Марказга нисбатан жиддий эътирозларга эга бошқа миллат ва элатлар ҳам назарда тутилганди. Бироқ кейинги воқеалар чекка ўлкаларнинг аҳолисига совет ҳокимияти етказган барча жабр-зулмлар бир томонга сурилиб, уларнинг барчаси совет ҳукумати ҳам, ўзларининг миллий манфаатларини ҳам мудофаа қилиш учун яқдил жангга отланганини Москвага, бутун дунёга яққол намойиш қилди. Шу муносабат билан муҳим ҳужжат – 1-Белоруссия fronti қўшинлари таркибида жанг қилган ўзбек аскарларининг ўша пайтдаги матбуотда эълон қилинган мактубини келтириб ўтиш жоиз. Ундан фақат бир парча келтираман:

«Мукаддасларнинг мукаддаси – Ватан ҳақидаги тушунчамизни уруш ниҳоятда кенгайтирди. Биз улуғ ватанимиз – Советлар Иттифоқини ўзимизнинг серкуёш Ўзбекистонсиз тасаввур қила олмаймиз. Лекин эндиликда Ватанимиз Ўзбекистонга нисбатан ниҳоятда улкан ва бепоён эканини чин юракдан ҳис қилаётирмиз. Биз Иттифоқ таркибидаги қардош халқларнинг яхлит иттифоқисиз ўз ватанимизни тасаввур қила олмаймиз! Мусаффо Москва осмонисиз ҳам бизга Ватан ва ҳаёт йўқ! Қонимиз дарё бўлиб оққан Волга соҳиллари ҳам, Украина даштлари ҳам, Беларуссия ўрмонлари ҳам бизнинг Ватанимиз».

Айни пайтда ёлғиз коммунистик мафкура билан ёвни енгиб бўлмаслигига кўзи етган мамлакат раҳбарияти дин омилига ҳам таянади. Натижада 1941 йилнинг кузига келиб бу борада силжишлар бошланади. Жумладан, кинохроникага илгари ҳатто хаёлга ҳам келтириб бўлмайдиган тасвирларни киритиш бошланди: Москва черковларидаги кўнғироқларнинг жангур-жунгур овозлари; диний либосларга бурканган православ руҳонийлари хочларни юқори кўтариб, диндорларни ўзларига эргаштириб бораётгани; диндорларнинг эҳсонлари эвазига ишлаб чиқарилган танкларнинг руҳонийлар томонидан чўқинтирилиши каби маросимларни оммага ялли намойиш қилиш йўлга қўйилди. Кейинчалик бу ишлар кенг кўлам касб этди.

1942 йилда ҳокимият православларнинг Пасха байрами нишонланишига биринчи марта кўмаклашди. Кейинги йил октябрда эса Иттифоқ Халқ Комиссарлари Совети хузурида Рус Православ Черкови ишлари бўйича Кенгаш ташкил этилди. Ниҳоят, бошқа диний ташкилотларга ҳам навбат

...ни. Бошқирдистондаги (Уфа шаҳрида) мусулмонлар диний идорасига  
...имча равишда яна учта: Ўрта Осиё (Тошкентда), Кавказорти (Боку-  
... ҳамда Шимолий Кавказ (Буйнакск шаҳрида) мустақил диний идора-  
... ташкил қилинди. Мазкур идоралар мусулмонлар орасида ватанпар-  
...рлик тарғиботи, фронтдагиларнинг оилаларига ва жанговар техника  
...оситаларини ишлаб чиқаришга маблағлар тўплаш, диндорларни режа-  
...топшириқларини ошириб адо этишга даъват этиш каби ишлар билан  
шуғулланарди.

Урушга сафарбар этилган ўзбек жангчиларининг жасоратига қуйидаги далиллар яққол мисол бўлади. Жумладан, ўзбекистонлик жангчиларнинг 120 мингдан ортиғи кўрсатган жасорати ва қаҳрамонлиги учун орден-медаллар билан тақдирланиб, 282 нафар ўзбек жангчилари «Совет Иттифоқи Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлган. Булар орасида бухоролик Азим Раҳимов, фарғоналик Тўхтасин Аҳмедов, хоразмлик Сатим Нурматов, тошкентлик Солиҳ Умаров ва бошқалар бор.

Шароф Рашидов ҳам жасоратли йигитлардан эди. У урушга янги сафарбар қилинганига карамай, Шимоли-Ғарбий фронт (қўмондон – генерал-лейтенант П.А. Курочкин) қўшинлари таркибида Москва остоналарида шиддатли жангларда иштирок этади. Мазкур фронт қўшинлари Ильмень кўлидан (Кўхна Рус яқинидаги) Селигер кўлигача (Осташкова яқинида) бўлган катта майдонга жойлашганди. Бунинг устига, асли иссиқ юртдан келган Рашидовга Москва остоналарида 40 даражали совуқ шароитда (Ўзбекистонда бу қадар каттик қаҳратон бўлмайди) жанг қилиш янада катта қийинчиликлар туғдирарди. Бироқ Рашидов бошқа юртдошлари катори Иттифокдаги барча халқлар вакиллари билан елкама-елка туриб, душмanning шиддатли хужумларини қаҳрамонларча қайтара олдилар, чунки улар Москванинг қўлдан кетиши урушга сафарбар этилган мамлакат халқига қандай даҳшатли зарба бўлишини яхши билишарди. «Правда» газетасида босилган бош мақолада шундай сатрлар бор эди: «Можайск, Малоярославецк, Волоколамск ва Калининск йўналишларида жанг қилаётган барча аскарларимиз, Москва остоналарини ҳимоя қилаётган барча жангчиларимиз олдида ҳозир улкан тарихий вазифа – гитлерчи босқинчиларнинг бу янги ҳамласига ҳам мардонавор туриб бериш, бу хужумни ҳам темирдай матонат, жасорат, фидокорлик билан қарши олиш вазифаси турибди. Биз

фашистлар армиясини ҳолдан тойдиришимиз, тинкасини қуритишимиз қонга ботиришимиз, янги немис дивизияларини Москва бўсағасид худудларда ер билан яксон қилишимиз керак. Жонажон Москвани мар навор мудофаа қилиб, урушнинг бошқа фронтларида жанг қилаётган б ча қўшинларимизга ғалаба сари йўлни кўрсатайлик. Айни кунларда даи этаётган ва олдинда турган жангу жадалларнинг буюк моҳияти мана ш дан иборат».

Турли миллат ва элатлардан ташкил топган Қизил Армия жангчилар нинг ғайрат-шижоати ажойиб натижа берди. Фашистлар Москва остона дан улоқтириб ташланди. 5–6 декабрь кунлари бошланган қарши хужум Калининск, Ғарбий, Жануби-Ғарбий (18 декабрдан Брянск) ва Шимол Ғарбий фронтлари ўнг қанот қўшинлари иштирок этди. Шимоли-Ғарб фронт тўртта армиянинг (27, 34, 3 ва 4-зарбдор армиялар) кучлари бил Кичик Ельно, Холм, Торопец, Нелидово шаҳарлари йўналишлари бўйла қакшатқич зарбалар берди. Бундан ташқари, Шимоли-Ғарбий фронтни ўнг қаноти душманнинг «Шимол» армияси гуруҳларини Волхов дарёс дан нарига улоқтириб ташлаш мақсадида Ленинград йўналишидаги қарс хужумда иштирок этди.

1941 йил 16 декабрда Калинин шаҳри озод қилинди. «Ватан ур ши тарихи» кўп жилдли қомусда қайд этилганидек: «Қизил Арм қўшинларининг Калинин шаҳрига кириши шаҳар аҳолиси учун унути мас шодиёнага айланди. Аёллар, қариялар, болалар кўчаларга чиқдила Улар жангчи ва командирларни бағрига босиб, фашистлар зулмидан х лос қилганликлари учун миннатдорчилик билдиришар, гитлерчилар К лининда содир этган ваҳшийлик ва вайронгарчиликлар ҳақида кўзларида ёш билан ҳикоя қилардилар. Шаҳарни ишғол қилиб турган қисқа ваи мобайнида немис босқинчилари шаҳар транспортини, сув тизимини алоқа воситаларини ишдан чикардилар. Фашистлар шаҳар театри, меи наткашлар депутатлари вилоят кенгаши, вилоят клиник шифохонаси, му зей биноларига ўт кўйишди. Минглаб одамлар очликка гирифтор қилинди

Фашистларга бу қилмишлари қимматга тушди. Калинин шаҳри учу бўлган жангларда совет қўшинлари олтига немис дивизиясига, яъни душ маннинг 9-армиясига қакшатқич шикаст етказди. Душман фақат ўлганла ҳисобида 100 мингдан ортиқ аскар ва офицерни йўқотди. Бизнинг

фашистларимиз 31 танк, 9 та самолёт, қарийб 1900 та турли калибрли зам-  
барастар, бир мингга яқин автомашина, 160 та миномёт, 303 та пулемёт,  
500 дона милтик, 21 минг дона снаряд, 500 минг дона ўқ-дорини ўлжа  
лади.

Москва яқинида фашистларнинг тор-мор қилиниши ва Ленинград  
шароитининг матонат билан қаршилик кўрсатиши гитлерчилар Германия-  
си устидан Иттифок халқларининг келгусида ғалаба қозонишидан хайрли  
бажорат бўлди. Ўшандаёқ жуда кўпчиликка (шу жумладан, Учинчи рейх  
руҳбариятига ҳам) аён бўлдики, аҳолиси ҳар бир қарич ер учун жон-жаҳди  
билан олишаётган мамлакатни енгиб бўлмайди (ҳолбуки, Франция уруш  
эълон қилингандан кейин 44 кун ичида таслим бўлганди). Ленинград бун-  
га яққол мисол бўла олади. Душман қамал қилган, қаҳратон киш ва оч-  
лик исканжасидаги шаҳар бутун дунёга жасорат ва матонат намунасини  
намоиш қиларди. Бутун дунё бу шаҳарда ҳаёт батамом тўхтаб қолган  
деган хаёлга бориб турган бир пайтда ўзбек халқининг буюк фарзанди  
Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллиги айнан Ленинградда нишон-  
ланди. Шу сана муносабати билан Эрмитажда тантанали кеча ўтказилди,  
унда машҳур олимлар, ёзувчилар, давлат ва партия арбоблари ишти-  
рок этди. Кечага академик И.А.Орабели раислик қилди. Всеволод Рож-  
дественский кечадан олган таассуротларини шундай ёзганди: «Айни шу  
паллада (И.Орабели кириш нутқини сўзлаётганда – *муаллиф*) жуда қаттиқ,  
бўғиқ портлаш овози янгради, кулоқларимиз қоматга келди ва яна ик-  
кинчи портлаш рўй берди, Нева дарёси узра ҳамма томонга сувлару муз  
парчаларини улоқтирганча баланд фаввора пайдо бўлди. Фашистлар Нева  
дарёсидаги кўприкни тўшлардан ўкка тута бошлади.

– Ўртоқлар, тинчланинглар! – деди деярли овозини кўтармасдан Ора-  
бели, – мажлис давом этади.

Ҳеч ким ўз жойидан жилмади. Тантанали кеча давом этди. Навоийнинг  
инсон кўнглига сурур бахш этадиган муҳаббат, бахтли ва фаровон ҳаёт  
тараннум этилган гўзал ғазаллари ўқилди. Бу Ҳаёт ва Бахт-саодатга аба-  
дий даъват ёввойиларча ваҳшийлик ҳамда зўравонликка чексиз нафрат  
каби жарангларди. Беш юз йил муқаддам яратилган шоҳона асарлар гўё  
хозиргина, фашизмдай ёвузлик билан Эзгулик ва Ҳақиқатнинг шиддатли  
ва бешафқат кураши кетаётган айни паллада яратилгандек таассурот пай-  
до бўларди. Навоий даҳоси яратган эзгулик машъаласи машаққатли синов-

ларнинг фожиали зулматида нафақат Муҳаббат ва Мунавварлик тимсоли, балки ўта аччиқ изтироблар ва хавотирлар даврида зулумот салтанати устидан ғалаба рамзи ҳам бўлди».

Ўша кезларда, 1942 йил январида Шимоли-Ғарбий фронт қўшинлари Калинин фронтининг (қўмондони – генерал-лейтенант И.Конев) ўнг қаноти билан биргаликда Торопецк-Холмск операциясини амалга оширди, натижада фашистларнинг «Шимол» армиялар гуруҳидаги 16-армиянинг мудофааси ёриб ўтилди ҳамда Ржев-Вязьмани ғарб томонидан айланиб ўтилди, 250 километр олдинга қараб кетилиб, душманнинг Демяндаги гуруҳи қўшинлари жануб томонидан кенг кўламда қуршаб олинди.

Шароф Рашидов бу паллада 38-гвардиячи дивизиянинг батальони Ёшлар ташкилоти бюроси котиблигига сайланади. Иттифок Мудофаа вазирлигининг архив ҳужжатларида сиёсий раҳбар Ш.Рашидовнинг жангларида кўрсатган шахсий жасорати ҳақида маълумотлар сақланиб қолган. У жасорати учун 1942 йил бошларида «Қизил Юлдуз» ордени билан тақдирланган. Шароф Рашидов яна ҳам кўпроқ мукофотлар олиши мумкин эди, бироқ жангларнинг бирида снаряд парчаси тегиб яралангани бунга имкон бермади.

### *5-боб*

## **ЖУРНАЛИСТ ВА АДИБ**

Шароф Рашидов фронтдан олисда – Свердловск вилоятининг Ревда шаҳрида даволанди. Бир неча ой даволангандан кейин тиббиёт ходимлари жароҳат юрагида жиддий асорат қолдиргани учун у ҳарбий хизматни давом эттира олмайди, деган хулосага келади. Натижада уни ҳарбий хизматга яроқсизга чиқаришди ва нисбатан осойишта меҳнат фаолияти билан шуғулланишни тавсия қилиб, ўз ватани Жиззахга жўнатдилар. Бироқ хотиржам ишлайдиган давр эмасди. Рашидов бир пайтлар ўзи таълим олган мактабда директор бўлиб ишлай бошлади. Ўша кезларда Ўзбекистонда ўқитувчилар етишмаётганлиги сабабли (уларнинг жуда кўпчилиги урушга сафарбар қилинганди), Рашидов директор бўлиш билан бирга, дарс ҳам берарди. Оғир давр: дарсликлар, ёзув ашёлари етишмас, ўқитувчилар йўқлиги учун кўплаб мактаблар бирлаштирилди: биргина 1942 йилда 110

мактаб бирлаштирилди. Муаллимлар етишмаслиги масаласини ҳал қилиш учун республикада ўқитувчиларни тайёрлаш курслари ташкил қилинди. 1943 йилда 16 минг ўқитувчи бу курсларни битириб чиқди.

Одамларнинг хотирлашича, Рашидов зиммасидаги вазифани уddaбуронлик билан бажарган. Ўқитувчилар етишмагани учун бир йўла адабиёт ва она тили, тарих, рус тили фанларидан дарс берган. Жуда кучли хотирага эга бўлгани учун ўқувчиларни маҳорат билан ўқитган. Ёшлигида ўқиган турли мавзулардаги китоблардаги қизиқарли воқеа-ҳодисалар хотира-сида муҳрланиб қолгани бу борада жуда қўл келган. Жумладан, ўз юрти ва собиқ Иттифоқ халқлари тарихига оид кўплаб афсона ва ривоятларни яхши билган.

Ўзбекистон бу пайтда душман устидан умумий ғалабага ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшишда давом этарди. Республика саноатининг ялпи маҳсулоти 1940 йилда 2 миллиард 189,9 миллион сўмни ташкил қилган бўлса, 1943 йилда бу рақам 3 миллиард 185,1 миллион сўмга етди. Сармоянинг асосий қисмини курул-яроғлар ва ўқ-дориларнинг қиймати ташкил қиларди. Қолаверса, Ўзбекистон мамлакатга «оқ олтин», шунингдек, «қора олтин» етказиб берарди. Агар республика 1940 йилда 3,4 минг тонна кўмир етказиб берган бўлса, 1943 йилда бу рақам 72,5 минг тоннани ташкил қилди. Кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш 7,5 баравар, нефть қазиб олиш эса уч баравардан зиёдга ошди. Иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистонда ҳаммаси бўлиб 280 янги саноат корхоналари ишга туширилди. Республика хўжаликларида урушдан олдинги сўнгги йилдагига нисбатан салкам 8,5 миллион тонна пуд кўп ғалла етказиб берилди. Шунингдек, аҳоли шахсий захирасидаги қарийб 2 миллион пуд ғаллани давлатга сотди.

Пахта етказиб бериш борасида аҳвол кўнгилдагидек эмас эди. Республика 1940 йилда 1,5 миллион тонна пахта етказиб берган бўлса, 1943 йилда пахта етиштириш суръати пасайди (яъни пахта етиштириш 1 миллион тоннага камайиб кетди). Пахта далаларида ишлайдиган одамларнинг, техника воситалари ва ўғитларнинг етишмаслиги бунга сабаб бўлганди. Оқибатда Усмон Юсуповни 1944 йилнинг бошида Москвага, Ташкилий бюронинг мажлисига чақиришди. Бу ерда Сиёсий бюро аъзоси Александр Шчербаков ҳали остонадан ҳатлаб улгурмаган Усмон Юсуповга: «Ўртоқ Юсупов, мамлакат учун шундай оғир шароитда армия ва халқни кийим-



кечаксиз қолдирмоқчимисиз!» дея ўшқира кетди. Юқори мансабдорнинг хонасида Ўзбекистон раҳбарига қаттиқ ҳайфсан берилди, бунинг оқибати эса ёмон тугаши ҳеч гап эмасди.

Адолатсиз жазо олганидан ранжиган Юсупов ўша кечаси, меҳмонхонадан Лаврентий Берияга қўнғироқ қилади. Берия унинг эътирозларига фақат бир оғиз гап билан жавоб қайтаради: «Тезда менинг олдимга етиб кел». Юсупов етиб боргач, Берия уни Сталиннинг дала ҳовлисига бошлаб боради. Бу ерда эса кутилмаган воқеа рўй беради – Сталин Юсуповни ранжитишларига йўл қўймайди. Қолаверса, унга совға бериб, хурсанд қилади.

Учрашув натижасида Юсуповга эълон қилинган қаттиқ ҳайфсан бекор қилиниб, иттифоқ вазирликларига Ўзбекистонга пахта етиштириш ва йиғим-теримида ёрдам кўрсатиш фармойиши берилади. Натижада 1944 йил кузидаёқ республика давлатга пахта топшириш режасини бажаради: 820 минг тонна пахта етказиб берилади, бу олдинги йилдаги кўрсаткичдан 325 тонна кўп эди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон иттифоққа ҳаммаси бўлиб 4 миллион 800 минг тонна «оқ лтин» етказиб берган.

Ўзбекистон меҳнаткашлари уруш йилларида ўзларининг шахсий жамғармаларидан 650 миллион сўмни мудофаа жамғармасига ўтказишди, бундан ташқари республика аҳолиси томонидан харид қилинган давлат қимматли қоғозларидан 4226 миллион сўм маблағ мазкур фондга келиб тушди. Ушбу маблағлар ҳисобига «Совет Ўзбекистони», «Ўзбекистоннинг 20 йиллиги», «Ўзбекистон колхозчиси», «Ўзбекистон комсомоли» сингари танк колонналари ва авиаэскадрилиялар яратилди ва улар Иккинчи жаҳон уруши жангларида иштирок этди.

Шароф Рашидов мактаб директори лавозимида бир йил ҳам ишламади. Унинг урушдан олдинги журналистика соҳасидаги тажрибасини инobatга олиб, олдинги ишига қайтаришди – Самарқанд вилоятининг «Ленин йўли» газетаси муҳаррири этиб тайинлашди. Бир йилдан кейин – 1944 йил июлда мансаб пиллапоясига навбатдаги қадамни қўйди: партиявий ишга ўтди. Бу табиий эди. Биринчидан, «Ленин йўли» газетасида муҳаррир бўлиб ишлаганда, одамларни яхши биладиган ва улар билан ишлай оладиган раҳбарлик салоҳиятини намоён қилди, иккинчидан – ўша йилларда

мамлакат партия ташкилотларида тажрибали кадрлар тақчил эди, Рашидов сингари ёш, ғайратли, ғурурли, бунинг устига уруш синовидан ўтган мамояндлар партияга сув ва ҳаводай зарур эди. Шу боис Шароф Рашидов Самарқанд вилоят партия комитетининг котиби этиб тайинланди, боз устига, унинг зиммасига кадрларни танлашдек масъулиятли вазифа ҳам юкланди. Бу бежиз эмасди, чунки бевосита Рашидовнинг шахсий фазилатларидан келиб чиқилганди: у ҳақиқатан ҳам одамларни яхши ажрата билар, улар билан лозим тартибда муомала қилиш малакасига эга эди.

Рашидовнинг бу лавозимда хизмат қилиши келгусида мансаб пиллавожларидан кўтарилишида ҳал этувчи аҳамият касб этади: у партиявий раҳбарлик ишларида муайян тажрибага эга бўлади ҳамда шундай одамлар билан танишадики, улар тез орада энг юқори мансабни эгаллашида унга ёрдам беради.

Айни шу паллада унинг оиласи бошига кулфат тушади: 1944 йил 3 июлда Ҳамид Олимжон вафот этади. Ўша кезларда Ҳамид Олимжон бутун мамлакатга танилган машҳур шоир даражасига эришган, 1939 йилдан Республика Ёзувчилар уюшмасига раҳбарлик қилиб келарди (1943 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси этиб сайланади). Унинг «Ойгул ва Бахтиёр» (1938), «Семурғ ёки Паризод ва Бунёд», «Ўлка» (1939), «Бахт» (1940) сингари асарлари чоп этилганди. Ҳамид Олимжон уруш йилларида ҳам қизғин ижод қилди: «Кўлингга қурол ол!» (1942) шеърлар тўплами чоп этилди, «Муқанна» тарихий драмасини (1943), «Роксананинг кўз ёшлари» (1944) поэмасини ёзди.

Ҳамид Олимжон автоҳалокат туфайли вафот этди. У ўша куни юк машинасида вилоятдан Тошкентга қайтиб келаётганди. Машина кузовида ўн тўртта қаламкаш дўстлари ҳам бўлган. Ҳайдовчи йўлдаги бурилишлардан бирида машинани бошқара олмайди ва ағдарилиб кетади. Машинадаги кишиларнинг ҳаммаси шикастланади. Улардан фақат Ҳамид Олимжон ҳаётдан кўз юмади. Шоир энди 34 ёшга тўлганди.

Ҳамид Олимжоннинг турмуш ўртоғи шоира Зулфия эрининг хотирасига содиқ қолиб, бошқа турмуш курмайди. Ҳамид Олимжон хотирасига бағишланган «Баҳор келди сени сўроқлаб» шеърида шундай деб ёзганди:

*Ҳижронинг қалбимда, созинг қўлимда,  
Ҳаётни куйлайман, чекинар алам.  
Тунлар тушимдасан, кундуз ёнимда,  
Мен ҳаёт эканман, ҳаётсан сен ҳам!*

Ҳамид Олимжоннинг дафн маросимида у бундан буён ҳам ўзи, ҳам турмуш ўртоғи учун шеърлар ёзишга аҳд қилади. Шоир бахт ва баҳор куйчиси эди, Зулфия айна шу боис ҳар баҳор унга бағишлаб шеър ёзишни одатга айлантиради.

Ҳамид Олимжоннинг вафоти Шароф Рашидов учун ҳам катта йўқотиш бўлди. Чунки машҳур шоир тоға сифатида уни тарбиялашга алоҳида ҳисса қўшган, ижодкор бўлишга илҳомлантирган эди. Шу боис Рашидов Ўзбекистон раҳбари бўлгандан кейин шоир хотирасини абадийлаштиришга йўналтирилган қатор ишларни амалга оширди.

Ҳозирча эса XX асрнинг 40-йилларига қайтамиз.

Шароф Рашидовнинг партиявий соҳада фаолият юритиши ижодига тўсқинлик қила олмади. Ўша кезларда насрда ҳам, назмда ҳам қалам тебратди. Уруш даҳшатларини бошдан кечиргани учун асосан уруш мавзусида асарлар битди. 1945 йилда фашистлар Германияси устидан қозонилган ғалабага бағишланган «Менинг қаҳрим» шеърлар тўплами нашр этилди. Унинг шеърлари расмий совет шеърляти доирасида яратилган асарлар сирасига кирарди. Лекин тўпламдаги шеърларнинг қиммати шундан иборат эдики, инсоният тарихидаги энг даҳшатли урушни ўз кўзи билан кўрган инсоннинг мулоҳаза ва кечинмалари ҳар бир шеър асосини ташкил қиларди. Шеърини тўплам муаллифи адабий жамоатчилик эътиборига тушиб, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди.

Қайд этиш керакки, уруш йилларида собиқ Иттифокнинг барча халқлари катта йўқотиш қилди. Ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар орасида миллий мансублигига кўра руслар – 5,7 миллион (барча ҳалок бўлганларнинг 66,4 %), украинлар – 1,4 миллион (15,9 %), белоруслар – 253 минг (2,9 %), татарлар – 188 минг (2,2 %), яҳудийлар – 142 минг (1,6 %), козоқлар – 125 минг (1,5 %), ўзбеклар – 118 минг кишини (1,4 %), собиқ Иттифокдаги бошқа миллат ва элат вакиллари эса – 8,1 % ни ташкил қилган. Уруш ҳаммаси бўлиб 27 миллиондан ортиқ кишининг ёстиғини қуритди. Бундан ташқари, мамлакатнинг марказий минтақаларида бутун саноат деярли

қилинганди. Бироқ ана шундай оғир шароитда ҳам одамлар вайрон иқтисодиётни оёққа тургазиш учун ўзларида куч топа олди. На- 1948 йилдаёқ карточка тизими бекор қилинди (урушда қатнашган атлар ичида биринчи бўлиб собиқ Иттифоқда шунга эришилди) ва ишлаб чиқариш урушдан олдинги даражадан ўтиб кетди.

Бу жараёндан Ўзбекистон ҳам ортда қолмади. Пахтачилик – республика хўжалигининг етакчи соҳаси ҳисобланарди. Бу том маънода соҳа бўлиб, усиз Иттифоқ миқёсида наинки енгил ва озиқ-овқат етиштириш, ҳатто оғир саноатнинг автомобилсозлик, авиасозлик, электротехника, кимё, мудофаа сингари соҳалари ҳам ривожлана олмасди. Қисқаси, Иттифоқда иқтисодиётидаги аҳамиятига кўра, пахта етакчи ўринда турарди. Ўзбекистон пахтасига талаб катта эди. Иттифоқ саноати учун зарур маҳсулотнинг 60 фоизини Ўзбекистон етказиб берарди. Натижада, дейлик, олтининг асосий қисми мамлакат енгил саноат корхоналарида асосан Ўзбекистондан етказиб берилган пахта негизида ишлаб чиқарилган кимё-кечак билан таъминланарди.

Бу борада ҳам айрим оғишларга, шубҳасиз, йўл қўйилди. Жумладан, пахта етиштиришни муттасил кўпайтиришга зўр берилиши пахтазорларни мавжуд суғориладиган ерлар ҳисобига кенгайтиришни талаб қилди. Оқибатда сабзавот, полиз экинлари, ем-хашак етиштириладиган, суғориладиган ерлар майдони қисқариб кетди. Ўзбекистонда ғаллазор ва бедазорлар қисқариши оқибатида ғалла, дон ва ем-хашак (шу каби бошқа маҳсулотлар ҳам) кўшни республикалардан олиб келинадиган бўлди.

Урушдан кейинги дастлабки йиллар Ўзбекистон иқтисодиёти тарихида «олтин давр» деб ҳам таърифланади. Агар урушгача Ўзбекистондаги саноатлаштиришнинг асосий йўналиши Россиянинг (Москва, Ленинград, Ғарбий Сибирдаги) корхоналари учун хомашё етказиб берадиган ўлкага айлантиришга қаратилган бўлса, урушдан кейин бу ҳолат тубдан ўзгарди. Чунки уруш даврида Марказдан саноат корхоналарининг аксарият қисми айнан Ўрта Осиёга эвакуация қилинганди. Фақат Ўзбекистонга 48 та машинасозлик, металлга ишлов бериш, кимёвий ва бошқа оғир саноат корхоналари, 45 та енгил саноат корхоналари ва бошқалар кўчириб келтирилди, бу Ўзбекистон иқтисодиёти юксалишига катта туртки бўлди. Натижада республикада ривожланиб келаётган саноат эҳтиёжларини таъминлаш учун кўмир-металлургия негизи яратилди.

1947 йилда аксига олиб Ўзбекистонда пахта етиштириш режаси бажарилмади: давлатга 1 миллион 500 минг тонна пахта топширилди, яъни олдинги йилдагига нисбатан 365 минг тонна пахта кам етиштирилди. Оғир об-ҳаво шароити бунга сабаб бўлди: апрель ойи совуқ келди, кейин ёгингарчиликлар бошланиб, июннинг ўрталаригача давом этди. Кўпгина туманларда икки-уч марталаб қайтадан чигит экишга тўғри келди, паст ҳаво ҳароратида тупроқ исимагани учун ерга қадалган уруғ униб чиқиш ўрнига чирий бошлади. Устига-устак бензин ва керосин етишмас, оқибатда кишлоқ хўжалиги техникасидан унумли фойдаланиб бўлмасди. Бирок Москва бу сабаблар билан ҳисоблашишни истамасди – Марказ ҳар қандай шароитда ҳам пахта режасини бажаришни талаб қилар, бинобарин республика раҳбариятининг ваз-қарсонлари унинг кўнглини юмшата олмасди. Усмон Юсуповни вазиятни таҳлил қилиш учун пойтахтга чақиришди. Марказда нималар рўй бергани ҳақида унинг таржимаи ҳолини ёзган Б.Ресков билан Г.Седов шундай ҳикоя қилади:

«Усмон Юсупов Сиёсий бюро чақириғига биноан Москвага кетиб бораркан, пахта режаси бажарилмаганидан қатъи назар, Ўзбекистонда уруш йилларида амалга оширилган жуда катта кўламдаги ишлар ҳисобга олинса, ажаб эмас, деб ўзига таскин берарди. Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабадан кейин ҳам Ўзбекистон ўз муаммоларини ҳал қилиш билан чеклангани йўқ. Украина, Краснодар ва Ставрополь ўлкаларидаги вайрон бўлган жамоа хўжаликларига икки минг трактор ва автомобиль, юзлаб паровоз, бир неча минг таъмирланган вагон, саккиз минг от, 170 минг туёқ қўй-эчкилар етказиб берилди. Юзлаб кўнгиллилар эса Сталинград, Донбасс сингари шаҳарларни тиклашда иштирок этди...»

– Пахта етиштиришни ташлаб қўйишга ким сизга ҳуқуқ берди? Мамлакатга пахта ҳаводай зарур, – дея яна унга дағдаға қилишди.

Унинг бошидан маломат тошларини ёмғирдай ёғдиришди. Бошимни силашади, деб сира умид қилмаганди, танқидга чидашим керак, деган фикрда эди, бироқ ярим тунга қадар давом этган мажлисдан жиққа терга ботиб қайтди. Москвада ўша кеча 25 даража совуқ бўлганига қарамай, Усмон Юсупов хижолат бўлганидан қора терга тушиб кетганди.

Унга ҳам, республика Халқ комиссарлари советининг раиси Абдураҳмоновга ҳам ҳайфсан эълон қилинди. Бироқ ҳайфсанни ҳам кўнглига

**Якин** олмади. У ҳамон нима учун пахта режаси бажарилмагани ҳақида **ўйларди**; йўл қўйилган камчиликлар учун дакки эшитадиган ҳар қандай **олам** сингари важ-карсонларни рўкач қилиши мумкин эди, бироқ ўзига **ҳам**, бошқаларга ҳам (ёрдамчилари Попов, Кудрин буни яхши билишар, **шу** боис у билан ҳамдард бўлган ҳолда сукут сақлашарди) бундай қилиш **имконини** бермасди.

«Партия бизни яхши ишлашимиз учун танқид қилади». Бу ибора Юсупов учун теран мазмунга эга ўзига хос шиор ҳисобланарди. У, шубҳасиз, тушқунликка тушган, ғамга ботганди, ўзини эмас, республикани ўйлаб оғир ўйларга ҳам толганди; бу борада ҳеч қандай шубҳага ўрин йўқ эди. Ўзбекистонда мулоҳазакор одам, агрономлар, миришкорлар, омилкор етакчилар истаганча топилади. Пахта етиштириш режасини бажаришнинг уддасидан чиқишади. Қолаверса, Ўзбекистонда баҳор ҳар йил ҳам оғир келавермайди, одатда, ҳар йили ҳам совуқ келиб, узоқ давом этавермайди. Булардан қатъи назар Юсупов ўзининг заифликлари, иккиланишлари ҳақида ҳеч кимга оғиз очмаган. Фақат шуниси маълумки, эртасига уни Марказий Кўмитанинг чорбоғига таклиф қилишади ва у ерда Сталин шарафига қадах кўтаради:

– Сенинг ишингни жиддий муҳокама қилишди, лекин сен иктидорли раҳбарсан, матонатлисан, ўз халқинг учун жонингни ҳам аямайсан. Биз сенга ишонамиз, – дейди Сталин.

Келаси йил мислсиз куч-ғайратлар билан Ўзбекистон халқи 1 миллион 519 миллион тонна пахта етиштирди, бу олдинги йилдагидан 19 минг тонна кўп эди (1940 йилдаги кўрсаткичдан эса 136 минг тонна ортиқ). Шу йилнинг ўзида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 40-йилдагига нисбатан 40 % дан зиёд ошди, ишлаб чиқариш самарадорлиги эса 62 % ўсди.

Бироқ Ўзбекистондаги вазият Москвани тобора хавотирга соларди. Марказ республика раҳбарияти ўз зиммасидаги вазифани уддалай олмайди, деб ҳисобларди. Шунга қарамай, Сталин Юсуповни ишдан олишга шошилмас, хатога йўл қўйишдан ҳадиксирар эди. Шу боис 40-йилларнинг охирларида ВКП МК (б)нинг Ўзбекистон бўйича Мухтор вакиллиги ташкил қилинди (эслатиб ўтамыз, Москва ҳар бир республикада 2-котиб тимсолида ўз «кўзи ва қулоғига» эга эди, Ўзбекистонда бу шахс 40-йиллар бошидан Константин Ефимов эди). МК Марказий аппаратининг хо-

дими Семён Игнатъев ҳамда яна асосий хўжалик тармоқлари ва маданият бўйича ўнлаб мутахассислар Тошкентга юборилди. Бу гуруҳ аъзолари республикадаги вазият билан шу ернинг ўзида танишиб, ўз хулосаларини Москвага тақдим этиши керак эди.

Бу пайтда Шароф Рашидов ҳамон Самарқанд вилоят партия комитетининг котиби вазифасида ишларди. У хизмат хонасида кам бўлар, Ўзбекистон бўйлаб тез-тез сафарга чиқар, йирик қурилишларда, жумладан, Марказий Фарғона ерларини ўзлаштириш, Фарҳод ГЭСни (бу қурилиш 1943 йилда бошланган бўлиб, Рашидов кейинги йилиёқ ёнига ўн кишини олиб у ерга етиб борганди) барпо этишда иштирок этарди. Унинг бу борадаги қизғин фаолияти Тошкентда марказий партия аппаратида жойлашиб олган самарқандик ҳамюртлари эътиборини тортди. Натижада улар Рашидов республика пойтахтига ишга ўтиши учун кўлидан келган ҳамма чораларни ишга солди. Ниҳоят, 1947 йилда Рашидов республиканинг марказий «Қизил Ўзбекистон» газетаси масъул котиби этиб тайинланди. Ўшандаёқ у ВКП МК (б) қошидаги Олий партия мактабига (сиртки бўлимга) ўқишга кирди, бу унинг келгусида партиявий мансаб пиллапоёларидан юқорилаш нияти борлигини яққол кўрсатди.

Бу пайтга келиб унинг оилавий ҳаёти ҳам изга тушади: уйланган, хотини Хурсандой доимо ёнида, ўғли Илҳом ва кизи Сайёра вояга етарди (сал кейин яна икки қизи дунёга келди).

«Қизил Ўзбекистон» газетасидаги фаолият Рашидовга жуда кўл келди: айни шу даврда дастлабки йирик насрий асари – «Ғолиблар» романини ёза бошлади. Бу асарда ўзбек халқининг чўлларни ўзлаштириш билан боғлиқ қураши ҳикоя қилинади. Ўша кезларда бу жуда муҳим масала бўлиб, серғайрат ёшлар республикада ерларни суғориш тизимини ўзгартириш бўйича дадил чора-тадбирларни ёқлаб чиққан бўлсалар, эскича усул тарафдорлари буни хомхаёл ҳисоблаб, ҳаммаси азалий ҳолатда қолиши керак, деб даъво қилишарди.

Ўзбекистондаги жамоа ва давлат хўжаликларида 40-йилларнинг охирилари 50-йилларнинг бошларида янгича суғориш тизимига ўтила бошланганди, унга кўра кичик суғориш ариқлари билан 1,5 – 10 гектарли чоғроқ ер майдонларига нисбатан 10 – 20 гектарли ва ундан ортиқ ер майдонларини суғориш назарда тутилди. Бу усул замонавий суғориш техникасини

қўлаш, машина ва механизмлардан янада самарали фойдаланиш, беҳуда сув сарфига барҳам бериш, меҳнат самарадорлигини ошириш имконини яратарди. Натижада уруш даврида қисқарган экин майдонларини тиклаш имконияти пайдо бўларди. Жумладан, Ўзбекистонда 1945 йилда барча экинзорлар 2 478,8 минг гектарни ташкил этган бўлса, янгича суғориш тизими туфайли бу рақам урушдан олдинги кўрсаткичга яқинлашиб, 2 898,5 минг гектаргача етди.

Рашидов республика қишлоқ хўжалигидаги вазиятни жуда яхши биларди, шу боис дастлабки романини шу мавзуга бағишлади. «Ғолиблар» романининг бош қаҳрамонлари – Олтинсой қишлоғи кенгашининг ёш раиси Ойқиз Умрзокова ва у кўнгил кўйган, ёшлар етакчиси (кейинчалик урушдан қайтиб келгач, партия ташкилотининг котиби бўлади) Олимжон чинакам янгилик тарафдорларидай иш тутади: улар Олтинсой дарёсига тўғон солиб, сув омбори барпо этишни, натижада асрлар давомида қақраб ётган Мирзачўлни обод қилишни режалаштирадилар. Хўжалик раиси эскича фикрлайдиган Қодиров эса бу режага қарши чиқади.

«Эскича ва янгича қарашлар» ўртасидаги зиддият ўша кезларда совет адабиётидаги асосий йўналиш ҳисобланарди. Лекин ўзбек адабиётида айнан Шароф Рашидов «Ғолиблар» романи билан шу йўналишнинг тамал тошини қўйди. Унинг бу асари 1951 йилда чоп этилди (етти йилдан кейин романнинг давоми «Бўрондан кучли» яратилди) ва шу йўналишдаги Иброҳим Раҳимнинг «Ҳилол», Ҳамид Ғуломнинг «Мирзачўл», Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак» сингари асарлари кетма-кет дунёга келди.

Шароф Рашидов публицист сифатида ҳам қалам тебратди: республика, иттифоқ ҳаётига оид мавзуларда долзарб мақолалар ёзди. Бу борада Москва зиёлиларининг назарига тушди. Жумладан, у атоқли ёзувчи Александр Фадеев билан дўстона алоқаларни йўлга қўйди. Фадеев ўша кезларда собиқ Иттифоқ Ёзувчилар уюшмасининг бош котиби ҳамда Бутуниттифоқ тинчлик кенгашининг вице-президенти (бу икки лавозимга 1946 йилда тайинланган) эди.

Ўша йилларда халқаро миқёсда «совуқ уруш» хатарли тус олганди, Иккинчи жаҳон урушидан кейин Иттифоқ ҳамда унинг иттифоқчиларига қарши Ғарб айна шундай уруш очганди. Буюк Британия Бош вазири У.Черчиллнинг 1946 йил март ойида қилган маърузаси мазкур жаҳон зид-



диятини бошлаб берган, деб ҳисобланади. Умуман, воқеаларнинг бундай тус олиши Сталин учун қутилмаган ҳол бўлмаган – у ақлли ва узоқни кўра биладиган сиёсатчи эди, шу боис уруш йилларида шаклланган Гитлерга қарши иттифоқнинг умри қисқа эканини, Иттифоқнинг Иккинчи фронт бўйича ҳамкорлари ҳеч қанча вақт ўтмай йўлни тесқари томонга солишларини яхши биларди. 1946 йилга келиб улар шундай қилдилар. Сталин эса ҳокимият поғоналари ва мафқурани ҳар томонлама мустаҳкамлаб, бунга олдиндан тайёргарлик кўрди.

Совет раҳбари Ғарб мафқурасининг таъсирига тушган совет зиёлиларига қарши шафқатсиз кураш бошлайди. Бу компания «космополитизм билан кураш» деган ном остида олиб борилади. Совет мафқурасининг деярли барча йирик ходимлари, шу жумладан, Александр Фадеев (Москвада) ва Шароф Рашидов (Ўзбекистонда) космополитизмда айбланади.

Мазкур ҳаракат 1948 йил ноябрда бошланган. Ўшанда ижодкорларнинг Москвада бўлган анжуманида бир гуруҳ театр танқидчилари Фадеев, Софронов, Суворов каби қатор давлатпараст-ижодкорларни (уларнинг аксарияти руслардан иборат эди) қаттиқ танқид қилади. Бу ҳужум асосан Фадеевга қарши қаратилган бўлиб, душманлари уни мамлакат раҳбарияти олдида обрўсизлантиришни ҳамда шу йўсин Иттифоқ Ёзувчилар уюшмасининг декабрда бўладиган пленумида ёзувчилар ташкилотининг раҳбари лавозимидан бўшатилишини мақсад қилишганди. Бироқ Сталин Фадеевни ўз химояси остига олди.

Совет раҳбарининг кўрсатмаси билан 1949 йил 28 январда Москвада чиқадиган «Правда» газетасида «Театр танқидчиларининг ватанпарварликка қарши бир гуруҳи тўғрисида» мақола эълон қилинди. Бу мақола зудлик билан барча республикаларнинг, жумладан, Ўзбекистоннинг етакчи матбуот нашрларида эълон қилинди. Мақолада театр танқидчиларининг бутун бошли гуруҳи (А.Гурвич, И.Юзовский, А.Боршаговский, Я.Варшавский, А.Малюгин, Г.Бояджиев, Е.Холодов) «ўз халқи олдидаги масъулиятини унутганликда», «совет халқи учун ниҳоятда жирканч, зарарли бўлган бетайин космополитизм тарғиботчилари»га айланганликда айбланди.

Москвада бошланган бу ҳаракат бевосита республикаларда ҳам авж олдирилди. Бу табиий ҳол эди, чунки Марказ барча чекка ўлкаларнинг жи-

ловини маҳкам тортиб қўйишни истар, зотан, фашизм устидан биргаликда қозонилган ғалабада ҳиссаси бўлган республикаларнинг пешқадам зиёлилари Марказ хоҳлагандан ҳам кенгроқ мустақилликни хоҳлаб қолишлари ҳеч гап эмасди. Бинобарин, кўпгина республикаларда нафақат космополитларга, шунингдек, миллатпарварларга қарши ҳам кураш олиб борилди. Жумладан, Ўзбекистонда адабиёт ва санъат арбобларининг уч гуруҳи мавжуд бўлиб, улар хилма-хил мафкура тарафдорлари эди.

Биринчи гуруҳ вакиллари («космополитлар») Ўзбекистонда нафақат совет даврида, балки асрлар мобайнида қилинган барча ишларни танқидий баҳолар, ҳатто миллий мусиқа, қўшиқчилик, шеърят, миллий чолғу асбоблари ва яна бошқа кўплаб буюқ кадриятларни эскирганга чиқариб, янги, замонавий услубларга ўтишни, республикада «балет, опера, симфония сингари янги санъат йўналишлари»ни жорий қилишни зўр бериб тарғиб қиларди. Улар фақат шу аснода ўзбек маданиятининг бойиши ва жаҳон даражасига чиқиши мумкин, деб даъво қиларди.

Иккинчи гуруҳ вакиллари («миллатпарварлар») ўзбек санъатининг ўзига хослигини ёқлар, айна миллий қўшиқчилиги, мусиқаси билан жаҳон маданиятини бойитиши ва ундан муносиб жой олишини исботлашга зўр берарди.

Ниҳоят, учинчи гуруҳ («марказпараст-давлат тарафдорлари») ўзбек адабиёти ва санъати рус маданияти билан яқин ҳамкорликда ривожланишини ёқлар, турли санъат йўналишларининг уйғун раванқ топишини, муҳими, Ғарбга хос хусусиятларга зўр бермаган ҳолда балет, опера, симфония ва бошқа оммавий жанрларнинг ҳар томонлама раванқ топиши ва кенг қулоқ ёйишини маъқуллаш эди.

Қайд этиш керакки, Ўзбекистонда ҳам миллатчиликка қарши кураш совет ҳокимияти йилларида узлуксиз олиб борилган: жадаллиги ва кўлами турли даврларда турлича бўлган: гоҳ кучайган, гоҳ анча пасайган. Бу курашга урушдан кейинги даврда ҳам зўр берилган. 1946 йил август ойида бўлган Ўзбекистон КП МКнинг XIV Пленумида: «қатор илмий ва бадий асарларда миллатчилик руҳидаги хатоларга йўл қўйилган. Айрим тадқиқотчи ва тарихчиларнинг асарларида феодал ўтмишни ошқора идеаллаштиришга уринишлар, ўтмишга болаларча гўллик билан маҳлиёлик ҳоллари кузатилди», дея қайд этилганди.

Марказ «космополитизм»га қарши кураш эълон қилганда, яъни 40-йилларнинг охирида бу кураш хатарли тус олди. Айни ўша кезларда Ўзбекистонда ишга киришган «Игнатъев гуруҳи»га ўзбек адабиёти ва санъатининг космополит ва миллатчиликка берилган намояндалари рўйхатини тузиш топшириғи ҳам берилганди. Оқибатда шундай рўйхат тузилди – рўйхатдан 60 га яқин адабиёт-санъат намояндалари жой олди.

Ўша даврдаги Ўзбекистон раҳбарияти Москванинг кўрсатмаларига кўр-кўрона амал қилмагани алоҳида эътирофга лойиқ. Н.Муҳитдиновнинг (ўша кезларда республиканинг бош мафкурачиси бўлган) эсдаликларида шундай ҳикояга дуч келиш мумкинки, унда Ўзбекистон КП МК бюросидаги сафдошлари билан биргаликда қайд этилган рўйхатда кўрсатилган адибу санъаткорлар жазоланишига қаршилиқ кўрсатгани таъкидланади. Натижада мўлжалланганидан камроқ одамлар жазога тортилади.

Юқорида айтилгандек, Шароф Рашидов ҳам бу курашдан четда тура олмасди. Устига-устак, унга икки томондан: ёзувчилар томонидан ҳам (Александр Фадеев билан дўст бўлгани учун), партия аппарати томонидан ҳам (яқин келажакда мансаб пиллапоаяларидан кўтарилиши эҳтимоли кучли бўлгани учун) ҳамла қилинади. Оқибатда 1949 йилнинг март ойи бошидаёқ бўлган Ўзбекистон КПнинг X съездида унинг муҳолифлари уни марказий газетанинг муҳаррири лавозимидан олиб ташлаш тўғрисидаги масалани кўтаришга қарор қилди.

Партия анжуманида бир йўла икки нотик Рашидовни қаттиқ танқид қилади, уни мафкуравий хатога йўл қўйганликда очикдан-очик айблайди. Шамол қайси томондан эсаётганини, бу хуружларнинг бошланиши эканини англаган Рашидов мажлислар оралиғидаги танаффусда Ўзбекистон КП МКнинг Биринчи котиби Усмон Юсуповга мурожаат қилди. Усмон Юсупов уни ҳурмат қиларди. Рашидов ўз шубҳаларини баён қилиб, тинчгина истеъфога чиқиб қўя қолайми, деб маслаҳат сўрайди. У.Юсуповнинг ўзи ҳам танг аҳволда эди («Игнатъев гуруҳи» Тошкентга келганидан кейин унинг ҳам раҳбар сифатидаги тақдири қил устида турарди), шунга қарамай у Рашидовга ёрдам беришни ваъда қилди. Натижада танаффусдан кейин Юсупов дарҳол унга сўз берди ҳамда Рашидов нутқ сўзлар экан, вақти-вақти билан унинг сўзини бўлиб, қўллаб-қувватлаб турди. Бу эса Раши-

**Д**авра қарши кампания ташаббускорларини чекинишга мажбур қилди (Салим улар ҳали тамомила таслим бўлмаганди).

Рашидов барчасидан қатъи назар, муҳаррирлик лавозимини тарк этди: **Б**ош вазир оғир ойида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига раҳбар этиб тайинланди. **Б**у Москванинг, аниқроғи, Александр Фадеевнинг аралашуви билан амалга **о**шган бўлиши эҳтимолдан холи эмас, чунки у «космополитизмга қарши **к**ураш» кампанияси даврида Рашидовнинг тутган йўлини унутмаганди. **Ш**у боис Тинчлик тарафдорларининг Биринчи Бутуниттифоқ конференциясида иштирок этиш учун пойтахтга келганида айнан Фадеев: «Таниқли **п**артия ходими, иқтидорли адиб, туғишгандай биродарим Рашидов билан **ф**ахрланаман», дея Ўзбекистон делегациясининг раҳбари шарафига қадаҳ **к**ўтарди.

Ўша оқшом Фадеев ҳамда унинг Иттифоқ Ёзувчилар уюшмасидаги ўринбосари Константин Симонов Рашидовни кўргани меҳмонхонага келди ва эрталабгача у билан суҳбатлашди. Фадеев ўшанда некбинлик билан Рашидовга шундай дейди: «Сени олдинда катта партиявий масъулият, юқори давлат мансаби кутиб турганини биламан, лекин ўз укамдай маслаҳат бермоқчиман – ҳар қандай вазиятда ҳам ижод қилишни ташлаб кўймагин».

Михаил Горбачёв бошлаб берган қайта қуриш йилларида айнан космополитизм иллатига чалинганлар ҳокимият сари интилди ва матбуот саҳифаларида Рашидов шаънига ноҳақ маломат тошлари отилди. Хусусан, А.Фадеев билан дўст бўлгани, «космополитизмга қарши кураш» кампанияси даврида тутган мавқе тилга олинди. 80-йилларнинг ўрталарида «Огонёк» журналида (бу журнал ўша кезларда либерал-қайта қурувчиларнинг асосий минбарига айланганди) ёзувчи Темур Пўлатов шундай ёзганди:

«Қиркинчи йилларнинг охирларида «Қизил Ўзбекистон» газетасида Рашидов билан бирга ишлаган ёзувчи М.Исмоилийнинг хотирлашича, республиканинг бўлажак раҳбари Сталин шахсини қанчалар ҳурмат қилишини, унинг «халқ душманлари»ни фош этиш борасидаги саъй-ҳаракатларидан ҳайратга тушганини шавқ билан гапирган». Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси лавозимида бир муддат ишлаган Рашидов ёзувчилар орасида «космополитизмга қарши кураш» ва «миллатчиларга қарши кураш» сингари галма-гал давом этган кампанияларда фаол қатнашган».

## ПРЕЗИДЕНТ

Рашидов Ўзбекистон Ёзувчиларининг етакчиси лавозимида жуда оз – бир йилдан кўпроқ ишлайди, холос. 1950 йил ёзида Ўзбекистон юқори партия ташкилотларида навбатдаги ўзгаришлар рўй берди ва Рашидовнинг ҳам мақоми ўзгарди. Бу Ўзбекистондагиларнинг эмас, балки Москванинг ташаббуси бўлиб, Марказ ниҳоят республика раҳбариятини ўзгартириш борасида яқуний қарорга келганди.

Эслатиб ўтиш жоизки, Усмон Юсупов даврида, узок йиллар мобайнида (у республикага 13 йил раҳбарлик қилди) Ўзбекистон ҳамиша Марказни мамнун этиб келди. Республика, айниқса, уруш йилларида мамлакатнинг асосий саноат минтақасига айланиб, ғалабага муносиб ҳисса қўшди. Сталин Юсуповнинг бу хизматини унутмаганди, шу боис 1946 йилда Ўрта Осиё Республикалари (Қозоғистон ва Тожикистон) раҳбарларини ўзгартиришга қарор қилганда, Ўзбекистон раҳбарини четлаб ўтди. Бирок тўрт йил ўтгач, халқлар отасининг Усмон Юсуповдан ниҳоят кўнгли қолди, чунки Юсупов республикада космополитизм ва миллатчиликка қарши етарли даражада кураша олмаётганди. Оқибатда 1950 йил августда Юсупов ўз лавозимидан олинди.

Ўша пайтда Қирғизистон раҳбари ҳам ишдан олинди – бу ерда ҳам мафкуравий ишлардан Москванинг норозилиги ҳаммасига сабаб бўлди. Тарихчи Л.Левитин бу хусусда шундай ёзади: «Қирғиз халқининг «Манас» достони билан кураш у кезларда ўзига хос аҳамият касб этади. Қирғизлар, шу жумладан, сиёсий раҳбарият ҳам Москва сира кутмаганда ўзининг буюк маданий меросини мардона ва очик ҳимоя қилиб чиқди. «Манас» ҳимоясига бағишланган мақола Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг нашри, қирғиз тилида чиқадиغان «Қизил Қирғизистон» газетасида босилгани, айниқса, ўтакетган ҳаддан ошиш бўлди.

Москвадагилар хавотирга тушиб қолишди. Марказ бошчилигида Қирғизистон пойтахтида нуфузли илмий конференция ташкил қилинди, унда таниқли россиялик олимлар ва бошқа республикаларнинг вакиллари қатнашди. Бирок конференцияда бир неча кун давом этган баҳслар ва бир-бирига зид мулоҳазалар ҳам қутилган натижани бермади. Томонлар

Ўз фикрида қолди. «Манас» химоячилари Москва олдида бош эгмайди. Табиийки, шундан кейин сиёсий, яъни юқори мансабли раҳбарларни ишдан олиш бошланди, мазкур ташвишли ҳолатнинг ҳал қилувчи кучлари — маҳаллий раҳбарлар ўз мансабидан айрилди».

Исҳоқ Раззоқов Қирғизистон раҳбари бўлди, у республиканинг жануб гуруҳига мансуб бўлса-да, муросагўй ҳисобланарди. Тошкентда туғилиб, узоқ вақт Қирғизистонда яшаган бу шахс республикадаги шимол ва жануб гуруҳларини қаноатлантирувчи муқобил номзод сифатида раҳбар этиб тайинланди.

Ўзбекистонда эса нафақат Усмон Юсупов билан бирга, Марказий Кўмитанинг иккинчи котиби Константин Ефимов (Юсупов Иттифок пахтачилик вазири, иккинчиси эса унинг ёрдамчиси этиб тайинланди), балки қатор юқори мансабдорлар ишдан олинди. Айти пайтда ВКП (б) МКнинг Ўзбекистон бўйича вакиллиги ҳам тугатилдики, Москва бундан буён бундай вакилга ҳожат йўқ деган қарорга келди. Мазкур вакиллик раҳбари С.Игнатъев (уни дастлаб МКнинг партия, касаба уюшмалари ва комсомол ташкилотлари бўлимининг мудирини этиб тайинлашди, бир йилдан кейин эса иттифок ДХК раиси бўлади) Москвага чакириб олинди, лекин вакилликнинг кўплаб бошқа ходимлари Ўзбекистонда қолиб, партия ва давлат ташкилотларидаги масъул лавозимларга тайинланди.

Усмон Юсупов лавозимини Амин Ниёзов эгаллади, у 1947–1950 йилларда республика Олий Совети Президиумининг Раиси бўлган. Москва-нинг Ўзбекистондаги «кўз ва қулоғи» Роман Мельников бўлди. Министрлар Советининг Раиси этиб тошкентлик Абдураззоқ Мавлонов тайинланди (у мазкур лавозимда 1938 йилда хизмат қилган Абдужаббор Абдурахмоновнинг ўрнини эгаллайди), Ўзбекистон Олий Совети Президиуми Раиси лавозимига Шароф Рашидовни қўйишди.

Шароф Рашидов номзодини Усмон Юсупов кўрсатди, у бундан олдин ҳам уни бир неча марта қўллаб-қувватлаганди. 1950 йил апрелда Юсупов Ўзбекистон КП МК Пленумида Рашидовни МК бюроси аъзолигига сайлаш таклифини киритди, кейин уни Ўзбекистон Олий Совети Президиуми Раиси (амалда республика Президенти) лавозимига сайлашни таклиф қилди. Августда бўлган сессия Рашидовни мазкур лавозимга тайинланишини тасдиқлади.

Конституцияга кўра Олий Совет (парламент) совет давлат тизимида бош мақомга эга эканига (қонунлар қабул қилиш) қарамасдан, амалда барча қонунларни партия ҳокимияти (КПСС МКнинг Сиёсий бюроси) қабул қилар, Олий Совет депутатлари эса фақат уларни тасдиқларди (муҳр босарди). Бинобарин, Олий Советнинг юқори мансабдорлари раҳбарлик пиллапоясида пастроқ мақомда турарди. Иттифоқ Олий Совети Президиумининг ходимларидан бири Ю.Королёв буни шундай таърифлайди:

«1939 йили Марказий Ижроия Комитети билан Халқ Комиссарлар совети (янги Олий Совет ва Халқ Комиссарлари советига) ажралганда, уларга, таъбир жоиз бўлса, моддий негиз ҳам тақсимлаб берилди. Давлатда бу икки ташкилотдан қайси бири бирламчи, қайси бири иккиламчи даражага эга экани шу тақсимотда ҳам яққол кўзга ташланади. Барча моддий қадриятлар асосан Халқ Комиссарлари совети, яъни ҳукумат ихтиёрига ўтди, ҳолбуки, бу ташкилот парламент (Иттифоқда Олий Совет) томонидан шакллантирилар ва унга ҳисобот берарди. Дам олиш уйлари, ошхоналар, махсус базалар, ёпиқ ательелар, оддий фуқаро учун ёпиқ шифохона ва клиникалар ҳам ҳукумат тасарруфига ўтказилди. Олий Советнинг фақат олий раҳбарлари (санокли кишилар) имтиёзли хизмат ҳуқуқига эга бўлди. Ҳукумат ходимлари эса (нафақат олий мартабали раҳбарлар, ҳатто оддийлари ҳам) барча имтиёзларга эга бўлишди.

Бу гапларни ҳасад қилганимдан ёзаётганим йўқ, ҳукумат аппаратининг ходимлари даражасида бўлмаса-да, мен ҳам имтиёзлардан фойдаланганман, бундай имтиёзлар оддий совет кишиларининг етти ухлаб тушига ҳам кирмасди. Бу гапларни фақат ва фақат мамлакат парламентининг, бинобарин унинг раҳбарларининг ҳам мавқеи қасдан пасайтирилганига урғу бериш мақсадида айтаётирман. Президиумда маош ҳам уч баравар оз эди, ошхоналар ҳам унчалик даражада бўлмаган (гарчи яна такрорлайман, умумий овқатланиш шохобчаларидан бир неча баравар яхши эди), қолаверса, ҳукумат аппарати ходимларига нисбатан камтарона дам олиш уйлари ва санаторийларга йўлланмалар бериларди. Буларнинг барчаси совет қонунчилари ўз ўрниларини яхши билишлари, тумшуклари кўтарилиб кетмаслиги учун атайлаб қилинганди. Улардан камтарлик талаб қилинарди.

Дастлабки кезларда «Бутун ҳокимият советларга!» шиорини кўтариб чиққан большевиклар пировард натижада Советларни бошқариш тизи-

буларнинг қўйи поғонасига тушириб қўйдилар. Жойлардаги кишлоқ со-  
ветлари ҳокимиятнинг партиявий (вилоят партия котиблари) ва хўжалик  
комитетлари (жамоа хўжаликларининг раислари), шунингдек, ҳуқуқни  
қўллаш тизими томонидан сиқиб қўйилганди. Айти шу боис Олий  
мажлиснинг қўйи поғонасидан жой олган ҳолда со-  
вет демократиясининг аслида кўзбўямачиликдан бошқа нарса эмаслигини  
қўйиб қўйдилар. Тўғри, ҳокимият тизимидаги бундай антиқа ҳолат Иттифокда  
қўйи поғона кучли ва барқарор ҳокимият маҳкамаси бўлишига монелик  
қўйиб қўйдилар (хатто бунга ёрдам берган), бу ҳокимият наинки давр синови-  
дан, хатто даҳшатли уруш синовидан (Иккинчи жаҳон уруши гирдобидан)  
ҳам муваффақиятли ўтишини таъминлаган. Шу боис совет демократияси  
сунъий тусда бўлган деган ёрликни бошқа демократик давлатларга ҳам  
бемалол ёпиштирса бўлади – улардаги вазият ҳам мақтайдиган даража-  
да бўлмаган. Зотан, агар Иттифокда мавжуд ҳокимият халқни мажбурлаш  
ва ишонтириш воситасида идора қилган бўлса, ғарб демократияларида –  
аҳоли онгига таъсир кўрсатиш ва маҳлиё қилишни уйғунлаштириш эвази-  
га ҳукмронлик қилинган. «Россия лойиҳаси» тадқиқотчилик қўлланмасида  
бунга анча ойдинлик киритилган:

«Бирорта ҳам мамлакатда рисоладагидек демократия йўқ. Бошқарув-  
нинг мазкур усулини жорий қилиш учун бир неча асрлардан буён уриниб  
келаётган барча Европа мамлакатлари демократиянинг камчиликлардан  
холи эмаслигини аллақачон англаб етган. Бироқ бошқа чора топа олма-  
ганлари учун демократия атамасига ёпишиб олишган. АҚШ икки асрдан  
буён шунинг учун ҳам давлат сифатида яшаб келаётирки, бу мамлакат-  
да ҳақиқий демократия ҳеч қачон бўлмаган. Уларда ҳар доим мунтазам  
ҳокимият бўлган. Айсбергнинг энг юқори бир парча қисми ўзгарган, хо-  
лос. Сув остидаги асосий қисми эса азалий шаклда ўзгармай қолаверган.  
Иттифок эса айнан сунъий демократия ҳисобига 70 йил умр кўрди. Бу  
амалда мунтазам ҳокимият, яъни КПСС диктатураси бўлганди. Советлар  
сайловлар ўтказишни йўлга қўйганида борми, Совет Иттифоқи 1930 йил-  
ларга келибоқ барҳам топган бўларди».

Тарихчи С.Кара-Мурза эса бу борада шундай фикр билдиради:

«Демократия нима? Ғаразгўй кимсаларнинг фикрига кўра: ҳақиқий  
демократия Ғарб мамлакатларида мавжуд. Иттифокда қарама-қарши



гурухларга эга парламент, кўп партияли тизим, эркин матбуот, шармандали сайлов кампаниялари бўлмагани боис – Иттифоқ демократик давлат бўлмаган дея хулоса қилинади. Бу хулосани осонгина рад қилса бўлади: бу мантқан хато мулоҳаза – Иттифоқда демократия бўлмагани, фақат Ғарб бўлгани – айнан Ғарб демократия намунаси қилиб олингани билан исботланади. Яъни аслида исботталаб мулоҳаза далил-исбот негизи сифатида олинмоқда. Яна ҳам зийрак оппонент шундай дейди: демократия – халқни ҳокимият негизи деб тан олувчи, тенг ҳуқуқлилиқ ва эркинлик принципларига таянувчи давлат шакли ҳисобланади. Бевосита демократия шароитида асосий қарорлар овоз бериш ҳуқуқига эга барча фуқаролар томонидан қабул қилинади, вакиллик демократияси шароитида эса қарорлар сайланма муассасалар томонидан қабул қилинади. Айни шу нуқтаи назардан Иттифоқ ҳам демократик давлат бўлган, фақат унда Ғарбдаги каби (парламент, партиялар ва бошқа омиллар) вакиллик демократиясининг жиҳатлари эмас, балки бевосита демократия омиллари (турли даражалардаги депутатларнинг советлари) мавжуд бўлган. Тўғри, ақллилик балосига чалинганлар Иттифоқда Советлар тизими амалда партиявий маҳкамалар томонидан сиқиб қўйилганини пеш қилишдан тоймайди. Аслида эса бу борадаги вазият жуда мураккаб бўлган.

Чинакам демократия нодемократиядан бошқа жиҳати – юқори ижтимоий сафарбарлик билан фарқ қилади. Яъни демократия фаол, ташаббускор одамларга ижтимоий қуйи поғонадан юқори поғонага чиқиш имконини беради. Одамнинг ижтимоий мақоми унинг келиб чиқиши билан белгиланадиган сулолавий, асилзодапараст жамият эса демократияга ҳамиша қарши. Бундай шароитда деҳқон бўлиб туғилган одамнинг ўзи ҳам, фарзандлари ҳам деҳқон бўлиб қолаверади, айрим ҳолатлар бундан истисно. Шу нуқтаи назардан айнан Иттифоқ демократик давлат ва жамият бўлган. Эсга олайлик, Иттифоқнинг барча партиявий раҳбарияти деҳқон ва ишчилар табақасидан келиб чиққан (оддий комбайнчидан МК бош котиби лавозимига юксалтирган кимса эса Иттифоқнинг бошига етди), ҳар бир одам бепул таълим, шу жумладан, олий маълумот олиш, илм-фан, маъмуриятчилик, хўжалик фаолияти каби ишлар билан бемалол шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган. Ғарбда эса одамдан бу борада мол-мулк ва давлат орттириш қобилияти талаб этилади, бинобарин Ғарб демократиясини плу-

«...крат демократия деб таърифлаш жоиз, Иттифоқда эса одам ғояга, жа-  
моага, умумий халқ ишига, ўз Ватани ва давлатига садоқатига кўра ижти-  
моий поғона бўйлаб кўтарилиб борган, бинобарин совет демократиясини  
«демократик демократия деб таърифлаш керак».

Шароф Рашидовга қайтамиз.

Номзодини Усмон Юсупов таклиф қилгани ЎзССР Олий Совети Президиумининг янги раиси душманлари тезда унга қарши уруш эълон қилишларига монелик қилмади. Рашидовнинг ғанимларига яна шу нар-  
са ҳам қўл келдики, Усмон Юсупов Иттифоқ пахтачилик вазири этиб тайинлангач, Ўзбекистондан Москвага кетишга мажбур бўлди. Афти-  
дан, Рашидовнинг ғанимлари жиддий хавотирга тушгани боис ҳам унга қарши уруш бошлашган, чунки Рашидов мана шу аҳамиятсиз лавозимда нафақат Ўзбекистон халқининг, балки Москванинг (республикалар Олий Совети Президиумининг раислари тўғридан-тўғри Иттифоқ Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари ҳисобланарди) ҳамда чет давлатларнинг (юқорида айтилгандек, «президент» ўз ваколатларига кўра хорижий давлатларга сафар қилиши, республиканинг ўзида чет эл делегациялари билан учрашиш ва уларга ҳамроҳлик қилиш ваколатига эга эди) ҳурмат-эҳтиромини қозониши ҳеч гап эмасди. Шу боис Рашидов мазкур лавозимга сайлангандан кейин ярим йил ўтгач (1951 йил бошларида), уни «президент»лик лавозимидан олиб ташлашга уриндилар. Бу иш жуда ҳам айёрлик билан амалга оширилди.

Ўзбекистон КП МК бюросининг навбатдаги мажлисида республикада мафкуравий ишларни кучайтириш масаласи кўтарилди. МКнинг мазкур йўналишга масъул котиби ишдан олинди ва унинг ўрнига Шароф Рашидов тайинланди. Унинг ўрнига эса ўша кезде ЎзССР Фанлар академиясининг президенти (1946 йилдан) бўлган 35 ёшли таниқли математик-академик Тошмуҳаммад Саримсоқовнинг номзоди тавсия қилинди. Рашидовнинг ғанимлари тантана қилишлари мумкиндай эди. Бирок...

Уни янги ишга тайинлаш тўғрисидаги қарор МК бюроси (яъни республика ҳокимиятининг олий органи) мажлисида қабул қилинганига ва орадан икки ой ўтгандан кейин Пленумда тасдиқланганига қарамай, Рашидов Олий Советдаги лавозимини тарк этишга шошилмайди, чунки унинг ортида қандай обрўли одамлар турганини яхши биларди. Охир-

оқибат қарийб ярим йиллик зиддиятдан кейин Ўзбекистон КП МК бюроси Рашидовга оид қарорини бекор қилишга мажбур бўлди ва у ЎзССР Олий Совети Президиуми Раиси лавозимида ишлашни давом эттирди. Бу нафақат Ўзбекистон, балки бутун мамлакат сиёсати тарихидаги росмана антиқа ва мислсиз воқеа эди.

Рашидовнинг бу ғалабаси Ўрта Осиё Республикаларида 1951 йилда бошлаб юборилган миллатчиликка қарши кураш бўйича янги кампания билан бир даврга тўғри келди. Ўшанда, жумладан, бир неча машхур ўзбек адиблари (Шукрулло Юсупов, Шухрат, Ҳамид Сулаймон, Мирзакалон Исмоилий – 80-йилларнинг охирларида Рашидовни гўё фош қилган айрим қайта куриш тарафдорлари айти мана шу адибнинг мулоҳазалари билан иш кўрдилар) ҳам репрессияга учрайди. Шунингдек, туркий халқларнинг «Алпомиш» ва «Манас» сингари қаҳрамонлик дostonлари «миллатчиликни тарғиб қилади» деган баҳона билан қаттиқ танқид остига олинди.

1953 йилда И.Сталин вафот этди. Унинг сафдошлари ҳокимият тепасига келди: Никита Хрушчёв – КПСС МКнинг 1-котиби, Георгий Маленков – Иттифоқ Министрлар Советининг Раиси, Вячеслав Молотов – Иттифоқ Министрлар Совети Раисининг 1-ўринбосари, Иттифоқ Ташқи ишлар министри, Климентий Ворошилов – Иттифоқ Олий Совети Президиуми Раиси, Лаврентий Берия – Иттифоқ Министрлар Совети Раисининг 1-ўринбосари ва Ички ишлар министри бўлди.

Сталиннинг сафдошлари сиртдан қараганда яқдилдай кўрингани билан, аслида, уларнинг ҳар бири пировард-натижада ягона ҳукмдор бўлишга уринарди. Бунга Берия зўр берди ва Маленков билан тил бириктириб, ўз одами: Озарбайжон КП МКнинг 1-котиби Мир-Жафар Багировни КПСС МК Президиуми аъзолигига номзодлар таркибига киритди. Бу партия олий идораси таркибидаги мусулмон миллатига мансуб дастлабки киши эди. Тўғри, у аслида кавказлик бўлиб, бир пайтлар Сталин ҳам амал қилган – ҳокимиятнинг олий органларига фақат асли кавказ миллатига мансуб кишиларни (грузин, арман, озарбайжонларни) киритиш сиёсатидан келиб чиқарди. Ўрта Осиё раҳбарлари эса бундай олий органлар таркибига киритилмасди.

Берия бундан ташқари бир қатор ислоҳотлар ўтказди, бу ислоҳотлар мамлакат ичкарасида, хорижда ҳам унинг шахсига мойиллик уйғотишга

анди. Жумладан, «врачлар иши» ёпилди ва унга кўра қамалган раҳбуслар озод қилинди, мамлакатда амнистия эълон қилиниши да минглаб одамлар (ҳатто жиноятчилар ҳам) қамокхоналардан қилинди. 1953 йил апрель ойи охирида Берия яна бир ислоҳот ўтказишни тирди: бошқа иттифокдош республикаларга миллий кадрлар ўзлари туғилиб ўсган ерда фаолият юритишига доир таклифини

Бу таклиф Ўзбекистонда муҳокама қилинганда ўша пайтда республика Министрлар Совети Раиси Нуриддин Муҳитдинов унга қарши чиқади. Бериянинг бу ердаги гумашталари дарҳол буни унга етказди. Берия эса Ўзбекистон раҳбариятига Муҳитдиновни лавозимидан олиб ташлашни тирди. 1937–1950 йилларда Ўзбекистон КП МКнинг 1-котиби бўлиб ишлаган, кейин пахтачилик вазири бўлгач, Москвага кетган Усмон Юсупов лавозимга тайинланади. Сталин вафотидан кейин бу вазирлик туғатилиб, У.Юсупов Тошкентга қайтиб келади ва республика Министрлар Совети Раиси бўлади. Муҳитдинов эса Ташқи ишлар вазири лавозимига ўтказилади. Айти пайтда республика Ички ишлар вазири ҳам ўзгаради: Москвадан бу лавозимга беш йил мобайнида Қозоғистон ДХКсига раҳбарлик қилган (1946–1951 йиллар), кейинги икки йил мобайнида эса Иттифок ДХКсининг 1-бошқармаси (ташқи контрразведка) бошлиғи лавозимида ишлаган, 32 йиллик чекист Алексей Бизов юборилади. Қайд этиш керакки, бир йилдан кейин Бизов Ўзбекистон КГБси раисига айланади, Ички ишлар вазири лавозимини эса КГБнинг Фарғона вилояти бошқармаси бошлиғи Йўлдош Бобожонов эгаллайди.

Айти пайтда Бериянинг ташаббусларини КПСС МК Президиумидаги ҳамма ҳам маъқулламади. Жумладан, Хрушчёв, Молотов, Косигин ва Булганин Муҳитдиновнинг ишдан олинишига қарши чиқади, улар Берия айти шу йўл билан ўз мавқеини мустаҳкамлаётганини, Москвада ҳақиқий хўжайин ким экани борасида республикаларнинг бошлиқларига шама қилаётганини яхши англари эди. Ўша пайтда ҳақиқатан ҳам Бериянинг қўли баланд, кўп сонли мухолифларининг қаршилигини осонлик билан енгиб, ўз қарорларини амалга оширарди. Бироқ унинг бу устунлиги кўпга бормади.

1953 йил 26 июнда Хрушчёв, унинг Президиумдаги тарафдорлари ҳарбийлар (Г.Жуков)нинг мададига таяниб, Берияни Кремлда мажлис пай-

тида қамоққа олишди ва у ярим йил ўтгач (23 декабрда) отиб ташланди (Багиров ҳам ўшанда ҳибсга олинди, бироқ у уч йилдан кейин отиб ташланди). Айни шу палладан бошлаб Президиумда асосий устунлик Хрушчёвнинг қўлига ўтди. У қўлига раҳбарлик «супургиси»ни олиб, республикаларда тартиб ўрнатишга киришди, чунки Сталин тайинлаган кадрлар билан 1-котиб мансабида узоқ қола олмаслигини жуда яхши биларди.

Жанубий минтақада у биринчи галда Сталиннинг эркатойи Қозоғистонга амалда 15 йил раҳбарлик (1939 йилдан 1946 йилгача 2-котиб, 1946 йилдан 1954 йилгача 1-котиб) қилган Жумабай Шаяхметовдан қутилди. Москва ташаббускори бўлган кўриқ ерларни ўзлаштиришга қаршилиқ қилди, деган айблов билан Шаяхметовни 1954 йилда истеъфога чиқаришди. Шундан кейин Қозоғистон раҳбариятини Марказдан келган – Пантелеймон Пономоренко (1-котиб) ҳамда Леонид Брежнев (2-котиб, у бир йилдан кейин Пономоренконинг ўрнига 1-котиб бўлади) эгаллайди.

Хрушчёв 1956 йилда Тожикистон раҳбариятини алмаштирди: Ленинобод гуруҳининг бошлиғи Бобожон Ғафуров ишдан олинди, у ўн йил республика партия ташкилотига раҳбарлик қилганди. Тўғри, маҳаллий мансабдорлар унинг ўрнига яна бир ленинободликни – Турсун Ўлжабоевни қўйишди.

1958 йилда Туркменистонга навбат келади. Бу республикада турли тўдаларнинг вакиллари галма-галдан раҳбарлик қилиб келарди. Натижада Сухан Бобоев (1951 йилда тайинланган алилиялик) ўрнини Жума Дурди Қораев (Марий шаҳридан, текин туркман уруғидан) эгаллайди.

1950 йилларда фақат Қирғизистонда биринчи раҳбар ўзгармайди. Бу республикада 1950 йилда Исҳоқ Раззоқов республика етакчиси этиб тайинланганди. У жанубий тўдага мансуб бўлишига қарамасдан, муросагўй бўлгани учун икки гуруҳ – шимолий ва жанубий гуруҳ вакилларини баравар қаноатлантирарди.

Ўзбекистонда Сталин вафотидан кейин ўтган беш йил мобайнида бу борада энг кўп ўзгаришлар рўй берди. Биринчи бўлиб Усмон Юсупов ишдан олинди, маълумки, у Москванинг қароридан кейин Ўзбекистонга қайтганди. Юсуповнинг ўтмиши ҳам, қолаверса, Ўзбекистон иқтисодий ривожлантиришга оид мулоҳазалари билан ҳам Хрушчёвга ёқмасди. То-

Тошкентда чигитни квадрат-уялаб экиш жорий этилгани ва ғўза қатор  
қилишига икки томонидан ишлов берилётгани Хрущёвни ҳайратга со-  
лётганди. Юсупов эса унинг фикрини маъқулламади. Оқибатда Хрущёв  
ушунга алмаштиришга қарор қилди. Устига-устак, Сталин даврида респуб-  
лика раҳбари сифатида кўнглига келган ишни қилгани учун Ўзбекистон  
қўриқларидаги кўпчилик ундан қасд олишни кўнглига туғиб юарди.

У.Юсупов 1954 йил декабрда ишдан олинди. Уни кўролмайдиганлар  
расманга майна қилиш даражасигача бориб етишди: уни Ўзбекистондаги,  
Мирзачўлда жойлашган энг қоқоқ «Боёвут – 4» давлат хўжалигига дирек-  
тор қилиб юборишди.

Усмон Юсупов ўрнини тошкентлик Нуриддин Муҳитдинов эгаллади,  
ҳолбуки, 1953 йилда Юсуповни унинг ўрнига тайинлашганди. Хрущёвга  
Муҳитдинов маъқул келиб қолгани учун у бир йилдан кейин, 1955 йил  
декабрда республика Министрлар Совети Раиси лавозимидан Ўзбекистон  
КП МКнинг 1-котиби лавозимига кўтарилди. Бу лавозимда кейинги беш  
йил мобайнида фарғоналик Амин Ниёзов ишлаб келаётганди. Муҳитдинов  
ўз эсдаликларида қайд этгандек, бу лавозимни эгаллаш унинг хаёлига ҳам  
келмаган, бироқ Москва шунга қарор қилган экан, албатта, рад этмайди.  
Орадан кўп йиллар ўтгандан кейин у ўз хотираларида шундай деб ёзганди:

«Ўша декабрь кунларида шамоллаб қолганим боис шифохонада даво-  
ланаётгандим. У ердан Ҳиндистон делегациясини кутиб олиш учун аэро-  
портга бордим, митингда иштирок этдим, меҳмонлар билан меҳмонхонага  
бирга келдим ва эртага маъруза қилиш учун тайёрланишим керак, деб узр  
сўраб, кечки овқатга қолмадим. 20 декабрда Республика кенгашидан кейин  
яна шифохонага келдим. 21 декабрда меҳмонларни Москвага кузатиб, яна  
шифохонага кетмоқчи бўлиб тургандим, бир муддат МКда тўпланишни  
илтимос қилишди.

Бюро аъзолари ҳаммаси йиғилгандан кейин МКнинг 2-котиби Р.Е  
Мельников дафъатан менга юзланиб деди: «Куни кеча, сиз шифохонада  
эканингизда мажлис ўтказилди ва унда бюро ҳамда Котибиятдаги аҳвол  
муҳокама қилиниб, уларнинг ишлари қониқарсиз деб топилди. А.Ниёзов  
томонидан йўл қўйилган жиддий хато-камчиликлар ҳақида очиқ гапи-  
рилди. У ўз ишини удалай олмаётганига оид хулосага келинди.

Батафсил суҳбатдан кейин А.Ниёзов бундай йирик партия ташкило-  
тига (ўша пайтларда Ўзбекистон коммунистлар партиясининг қарийб

135 минг аъзоси бор эди) муносиб раҳбарлик қила олмаслигини, шу боис уни бу лавозимдан озод қилишлари ҳамда уддалай оладиган, таълим соҳасидан тажрибасига мос иш беришларини илтимос қилди. Бинобарин, сиздан Ўзбекистон Компартияси МК ишига раҳбарлик қилишни илтимос қиламиз. Пленумни эртага эрталаб соат ўнда ўтказишга қарор қилдик».

Бу хусусда илгари менга ҳеч ким ҳеч нарса демаганди. Мазкур аҳволни ҳар томонлама муҳокама қила бошладик, мен айна паллада мақсадга мувофиқ эмаслигини айтдим. Менга шундай жавоб беришди: «КПСС МК раҳбарияти билан дастлабки суҳбатда, Марказ ўртоқ Ниёзовни МКнинг биринчи котиби лавозимидан озод қилиб, ўрнига сизни тайинланишингизга қарши эмас. Мажлис қисқа бўлди. Келишдик, эртага ўртоқ Абдураззоқов ўртоқ Ниёзов ариза берганини маълум қилади, сизнинг номзодингизни эса бюро номидан Рашидов таклиф қилади».

Ҳаммамиз тарқалдик, мен шифохонага йўл олдим. Кечқурун ўша ерга Амин Эрматович Ниёзов кўнғироқ қилди ва учрашмоқчи эканини айтди. Мен ҳозир етиб бораман, дегандим, сиз овора бўлманг, мен ўзим бораман, деб айтди.

Келганидан кейин очикчасига узоқ гаплашдик. У бюро мажлиси қандай ўтганини, қандай айблар қўйишганини, қайсилари тўғрию, қайсиларига қўшилмаслигини айтди. Вазиятга ва ўз ишига шахсан баҳо берди. Суҳбат охирида шундай деди: «Мен бюро аъзолигидан аллақачон чиқишим керак эди, Котибиятдаги ишлар ҳам кўнгилдагидек эмас, лекин асосий, жиддий масалалар борасида, ўзингиз биласиз, ҳамиша яқдил фикр билдирилади. Шу боис мазкур мажлисда мени лавозимидан озод қилиш масаласини расман кун тартибига қўйдим. Биргаликда ишлаганингиз учун сизга раҳмат, сизнинг номзодингизни чин дилдан қўллаб-қувватладим. Пленумда ҳам шу гапларни айтаман».

Очиғи ноқулай аҳволда қолдим. Амин Эрматовични аризангизни қайтариб олинг, деб кўндириш ноқулай ва имконсиз эди, чунки бу масала бюрода ҳал бўлганди. Бюрода муҳокама қилинган мавзу ҳақида фикр билдириш ҳам яхши эмас. Таскин ҳам беролмайман, тинчлантиришнинг ҳам имкони йўқ – ёши ҳам, мансаби ҳам мендан катта, қолаверса, иш жараёнида жуда кўп нарсаларни ундан ўрганганман. Албатта, баҳслашган пайтларимиз ҳам, хилма-хил ёндашувлар ҳам бўлган, лекин уларнинг ҳаммаси иш билан боғлиқ эди. Хуллас, шу асно хайрлашдик.

Кейинги куни 22 декабрда Пленум бўлди, унинг ишига МК аъзолари, аъзоликка номзодлар, Тафтиш комиссияси аъзоларидан ташқари барча раҳбарлар таклиф қилинди. Пленумни Роман Ефимович Мельников очди, кун тартибидан – МК раҳбарияти тўғрисидаги битта масала жой олганини айтди.

Бюро таклифларини ўқиб эшиттириш учун М.Абдураззоқовга сўз берди. Малик Абдураззоқов қарорни ўқиб эшиттирди ва бюронинг мазкур таклифи сабабларига аниқлик киритди. У А.Ниёзовни қаттиқ танқид қилди. Бир неча киши ҳам сўзга чиқиб, айтишди, айтишди, кейин А.Ниёзовга сўз берилди. У танқидни тан олди, ўз ишидан ўзи ҳам қониқмаётганини айтиб, ишдан бўшатишларини илтимос қилди. Мазкур масала овозга кўйилди ва бир овоздан қабул қилинди.

Кейин Шароф Рашидович Рашидов минбарга чиқиб, республиканинг биринчи сиёсий раҳбари қандай фазилатларга эга бўлиши кераклиги ҳақида анча гапирди. Жумладан шундай деди:

«Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи котиби қандай бўлиши керак? Республика Марказий Комитетининг биринчи котиби бизнинг партия ташкилотимизни энг маданиятли одами бўлиши керак. У бизнинг орамиздаги энг холис одам бўлиши зарур. Айтишди, айтишди у самимий ён берадиган, лекин ҳеч бир масалада ўз нуқтаи назаридан воз кечмайдиган, ниҳоятда софдил, деярли барча айблардан холи инсон бўлиши лозим.

Марказий Комитетнинг биринчи котиби сафдошлари, хизматдошлари, ён-атрофдаги барча билан муроа қила билиши керак. У барча масалаларда, айтишди, оддий турмушда жуда ҳам камтар бўлиши даркор. Шу билан бирга, ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчан бўлиши ҳам керак.

Республика партия ташкилотининг аъзолари, бизларга нисбатан бошқаларнинг мулоҳазалари, танқидга у сабр-тоқат билан муносабатда бўлиши керак. Одамлар билан муносабатда ҳатто заррача ҳам қўполлик қилишга ҳаққи йўқ. Феъл-атворида мана шу фазилатларнинг уйғунлиги унинг ўзига хослигини таъминлаши зарур!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби ишлаб чиқариш воситалари умумхалқ мулки сифатида қаралаётган шароитда, яъни ниҳоятда кенг қўламли ишлаб чиқариш, хўжалик, иқтисодиёт



юқори мақомдаги Марказ, республика ва турли даражадаги маҳаллий маъмурий бошқарув органлари – вилоятлар, туманлардан бошқарилаётган шароитда яна бир фазилатга эга бўлиши лозим. Бизнинг республика раҳбари республиканинг ишлаб чиқариш, хўжалик ва иқтисодий ҳаётини оқилона ташкил қила оладиган, республика миқёсидаги масалаларни тўғри ҳал қилиш учун мулоҳазаларни уйғунлаштиришга аниқ масалалар юзасидан одамларнинг, мутахассисларнинг, тажрибали инсонларнинг фикрларини тинглай оладиган шахс бўлиши даркор. У пахтачиликни янада ривожлантириш масалаларини муттасил ўрганиб бориши, республика бутун аҳолиси ва деҳқонларининг фаровонлиги йўлида олимлар ва нуфузли кишилар куч-ғайратларини сафарбар қила билиши лозим.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби маданияти қолоқ бўлган, назарий тушунишда маълум чегаралар доирасида қолиб кетган ўзидан олдинги айрим раҳбарлар йўл қўйган хато ва камчиликларни ҳамиша диққат-марказида сақлаши зарур.

Доно партиямиз белгилаб берган вазифаларни бажариши, юксак лавозим елкасига юклайдиган масъулиятли вазифаларни адо этиши, сиз билан бизнинг, яъни МК аъзолари ва аъзоликка номзодларнинг, бутун ўзбек халқининг ишончи ва умидини оқлаши учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби одамлар, омма, фаоллар билан ишлашдек ўта мураккаб санъатни юксак даражада уддалай билиши зарур! Маълумки, бу барча даражадаги, айни ҳолатда эса республика даражасидаги малакали партия раҳбарининг ҳал қилувчи ва энг муҳим фазилати ҳисобланади. Шунингдек, бунинг энг зарур, бошланғич ва якуний шарти ҳам партия аъзоларининг, бутун халқнинг ишончини қозона билиши, аниқроқ айтганда, республика коммунистлари ва бутун халқи партия ташкилоти раҳбарига ишонч билдириши керак!»

Шароф Рашидов биринчи рақамли партия раҳбарининг фазилатларини эҳтирос билан шу тариқа санаб ўтар экан, мажлис қатнашчиларининг қалбига ғалаён солди ва яна шундай деди: «Биз, МК бюросининг аъзолари ўртоқ Нуриддин Акромович Муҳитдиновнинг номзодини яқдил маъқуллаган ҳолда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби лавозимига сайлаш таклифини сизнинг муҳокамангизга ҳавола қиламиз». Мажлисга раислик қилувчининг «Бу таклифни муҳокама

қиламизми?» деган саволига рад жавоби берилди. Менинг номзодимни овозга қўйишди. Кейин менга сўз беришди.

Ўзимни яхши ҳис қилмаётгандим, Пленумга ҳароратим баланд аҳволда келгандим. Шу боис минбарга чиқишга ҳам ҳолим келмай, турган жойимда ўртоқларга миннатдорчилик билдириб, уларнинг ишончини оқлашга сўз бердим, шунингдек, жамоа шаънига қатор истакларимни изҳор этдим. Амин Эрматович Ниёзов ҳақида илиқ гапларни айтдим.

Министрлар Советининг Раиси лавозимига Марказий Комитетнинг қишлоқ хўжалик масалалари бўйича котиби бўлиб ишлаётган Собир Камолов номзодини таклиф қилишди. Пленум иши шу билан якунланди».

Орадан атиги икки ой ўтиб, 1956 йил февралида Муҳитдинов раҳбарлик мақомини юксалтириш борасида яна бир муҳим қадам ташлайди: уни КПСС МК Президиуми аъзолигига номзод этиб сайлашади. 1957 йил декабрида эса Хрушчёв Муҳитдиновни КПСС МК Президиуми аъзолигига киритади: ҳолбуки, бунгача Ўрта Осиёдан бирорта ҳам раҳбар (масалан, Кавказорти раҳбарларидан фарқли равишда) бундай шарафга муносиб кўрилмаганди. Ўзбекистонлик сиёсат арбобининг бу қадар юксак парвози ички, ҳам ташқи хусусиятларга эга эди.

## 7-боб

### ЎЗБЕКИСТОНДА ЮКСАЛИШ

Хрушчёв ҳокимият тепасига келгандан кейин мамлакат ва жаҳон афкор оммасини ҳайратга солишга аҳд қилади (айни шу йўл билан ҳокимиятни ўз қўлида маҳкам ушлаб туришни мўлжаллаган). Бу борада Ўзбекистон давлатга етказиб берилаётган «оқ олтин» (Иттифокда етиштирилаётган умумий пахта ҳажмининг 70 %га қадар), пилла (умумий кўрсаткичнинг 50 % га қадар), қорақўл тери (умумий кўрсаткичнинг 35 % га қадар) ҳажмини ошириши, кўмир қазиб олишни (икки баравар), цемент ишлаб чиқаришни (икки баравар) кўпайтириши каби ишлар талаб қилинарди.

Ўзбекистон ўша кезларда иктисодий кўрсаткичларига кўра, Иттифокнинг (15 та республикаси ичида) бешта пешқадам республикалари қаторидан жой олганди. Бунда Ўзбекистон бутун мамлакатда нафақат пахтачиликда (кейинги ўринда: Тожикистон, ўша кезларда умумий пахта хирмони

450 минг тонна пахта, Туркманистон – 350 минг, Озарбайжон – 300 минг, ниҳоят Қирғизистон ва Қозоғистон – 40 минг тонна пахта), айна пайтда мамлакат саноати юқори ривожланган ўлкаларидан бири бўлиб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича (РСФСР, Украина ва Қозоғистондан кейин) тўртинчи ўринни эгаллаган ва маҳсулотларнинг ярми оғир саноат тармоқларида ишлаб чиқарилган. Ўзбекистон ўз маҳсулотларини (қишлоқ хўжалик машиналари, кимёгарлик ускуналари, компрессор қурилмалари ва ҳ.к.) жаҳонни 44 та мамлакатига экспорт қилган.

Ҳамма ишлар яхши кетаётгандек кўрингани билан жиддий камчиликлар ҳам йўқ эмасди. Жумладан, давлатга пахта етказиб бериш масаласида оқсаш кузатиларди. Ўзбекистон сурункасига беш йил мобайнида пахта етказиб бериш режасини уддалай олмагани сабабли 1955 йилда Москва республика раҳбарини алмаштиришга мажбур бўлди. Қолбуки, бошқа мамлакатларга нисбатан ҳар гектардан юқори пахта ҳосили етиштирилган. Хусусан, АҚШга нисбатан ҳар гектар ердан олинадиган ҳосил 1,9, Миср ва Мексикага нисбатан – 2,2, Покистонга нисбатан эса 4,5 центнер юқори бўлган.

Республика бу борада яна ҳам юқори натижаларни қўлга киритиши учун Москва пешвоз чиқиб, етиштирилган пахта нархини оширди, натижада пахтадан Ўзбекистон йилига 3 миллиард сўм соф фойда кўра бошлайди. Пахта йиғим-терими даврида деҳқонларнинг меҳнат шижоатини ошириш мақсадида 1956 йил августдан «Пахта байрами» таъсис этилиб, шундан эътиборан бу сана ҳар йили август ойининг сўнгги якшанба ва душанба кунлари байрам қилинадиган бўлди.

Ўзбекистон халқ хўжалигини асосан пахта етиштиришга йўналтирган тарзда, Москва бошқа соҳалар, жумладан, кўмир саноати ривожланишига тўсқинлик қилди. Хусусан, 1956 йилда Ўзбекистонда электр энергия қувватларининг тақчиллиги 250 минг кВт.ни ташкил қилиб, шундай ҳолатда республика сув-энергетика захиралари 40–45 млн кВт қилиб белгиланади. Ўзбекистонда кўмир захираси (2 миллиард тоннадан зиёд) жуда катта эканини инobatга олганда, республика ўзининг кўмир саноатини ривожлантириш эвазига энергетика қувватларини тартибга келтириши мумкин эди. Бироқ Москва Ўзбекистонга кўмирни бошқа республикалардан (Украинадан) келтиришни лозим деб билди, бунинг устига, етарли даражада кўмир етказиб берилмайди (1956 йилда 2 млн тонна кўмир келти-

қилиб, холос), оқибатда электр энергияси қувватлари тақчиллиги келиб чиқди.

Шу йилнинг ўзида Мирзачўлни ўзлаштириш ҳақида қарор қабул қилиниб, бунинг учун қарийб 4,5 миллиард сўм давлат маблағларини сарфлаш кўзда тутилди. Айни шу маблағ ҳисобига пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари экиш учун 300 минг гектар ерни ўзлаштириш, 34 та давлат хўжалиги ва 34 та пахта тозалаш заводлари ташкил қилиш назарда тутилганди. Буларнинг барчаси шуни кўрсатардики, Марказ Ўзбекистонни бундан буён ҳам нафақат асосий хомашё базасига айлантиришни, балки пахта хомашёсига ўзида ишлов берувчи ва ундан ип-калава, матолар ва бошқа маҳсулотлар оладиган ўлка бўлиб қолишини, яъни бундан кейин аграр-саноат йўналишида ривожланиш йўлидан боришини истарди.

Албатта, бу муайян даражада чегараланган хатти-ҳаракат эди. Бинобарин, Ўзбекистон раҳбарияти бироз кейин (Рашидов даврида) марказий Фарғона ерларида янги Қизилтепа туманини ташкил этиб, давлат хўжаликлари ривожланишини тезлаштириш, маҳаллий шифобахш сувлар негизига республика аҳамиятига молик курорт очмоқчи бўлганда, Москва бу таклифни рад этди. Афтидан, Марказ Ўзбекистонга молиявий даромад орттиришнинг муқобил манбаларига эга бўлиш имкониятини беришни хоҳламаган.

Шуни ҳам айтиш керакки, Сталин вафотидан кейин Иттифоқ республикаларининг ўзаро бир-бирига боғлиқлиги яна ҳам кенгайтирилди. Жумладан, Ўзбекистон иқтисодиёт соҳасида мамлакатнинг барча ўлкаларига пахта (пахта экспортининг 80 %) етказиб берар, айни пайтда дон, гўшт, кўмир каби маҳсулотларни бошқа республикалардан келтиришга мажбур эди. Буларнинг барчаси Марказнинг муайян мақсадга қаратилган сиёсати натижаси бўлиб, оқибатда барча республикаларни, наинки, ўзининг азму қарорига (бу жараёнларнинг барчаси Москвадан бошқариларди), балки бир-бирига маҳкам боғлаб қўйганди.

Ўзбекистонга айни пайтда Иттифоқнинг ташқи сиёсати, хусусан, Марказий Осиё йўналишидаги сиёсатида етакчи ўрин ажратилади. Ўша йилларда дунёда колониал, яъни мустамлака тизими барҳам топа бошлади, бинобарин, «учинчи дунё» деб аталадиган аксарият ривожланаётган мамлакатлар Шарқ (Иттифоқ ва социалистик лагерга мансуб давлатлар) билан

Ғарб (АҚШ ва унинг Англия, Франция, Италия, ГФР каби иттифоқчилари) ўртасида бошланган «совуқ уруш»га нисбатан ўз муносабатларини аниқлаб олишлари талаб қилинарди. Ниҳоят, «учинчи дунё» мамлакатлари қўшилмаслик, яъни ҳар икки томонга нисбатан бетараф мавқени танлади. 1947 йили Дехлида бўлган Осиё мамлакатлари ўртасидаги муносабатлар масаласига оид Конференцияда Ҳиндистон бош вазири Жавоҳарлал Неру қўшилмаслик йўлини эълон қилади. Тарихчи П.Кальвакоресси бу хусусда шундай ёзганди:

«АҚШ билан Совет Иттифоқи ҳал қилувчи мавқега эга, қолган мамлакатлар эса шу икки давлат мавқеидан бирини танлаш лозим бўлган дунёни икки лагерга ажратиш таклифини «учинчи дунё» мамлакатлари рад этди. Улкан давлатларнинг ядро қуроли туфайли тобора ортиб бораётган кучу қудратидан «учинчи дунё» мамлакатлари ҳадиксирар эди. Бу мамлакатлар гегемон давлатларнинг ниятларига ишонмасди, беҳисоб бойликларига (айниқса, АҚШга) ҳавас билан қарарди. Айни қудратли давлатлар – бири демократик капитализм, иккинчиси эса коммунизм шароитида чинакам инсоний жамият ярата олгани, бошқа мамлакатлар ундан андоза олишлари кераклигига оид эътирофни «учинчи дунё» мамлакатлари рад этди. Мазкур мамлакатларнинг раҳбарлари гарчи мавжуд сабабларга кўра Европага қарши кайфиятда бўлсалар ҳам, уларни ўз ҳолига қўйган хўжайинлари сингари прагматизм асосида фикрлар эдилар. Москванинг коммунистик ақидаси ва Вашингтоннинг бешафқат коммунизмга қарши сиёсати уларни ғазаблантирарди. Улар Европа ҳукмронлигидан озод бўлганликлари учун Америка Қўшма Штатларига ҳам, Совет Иттифоқига ҳам қарздор эмасмиз, деб ҳисоблашарди. Ҳолбуки, мазкур мамлакатлар ниҳоятда тез ва осонлик билан мустамлака зулмидан халос бўлганди».

Бироқ қудратли давлатлар «учинчи дунё» мамлакатларини осонгина ўз ҳолига ташлаб қўйишни истамасди, чунки улар билан яқин ҳамкорликдан жуда-жуда манфаатдор эди. Жумладан, Иттифоққа бу ҳам иқтисодий (экспорт ва импорт бозори), ҳам сиёсий жиҳатдан (бу мамлакатларда Ғарбий Европа ва Америка саноатининг хомашё манбалари жойлашгани боис, мазкур ўлкаларни ўз таъсири остига олиши баробарида Иттифоқ Ғарбни ўз шартларини қабул қилишга мажбурлаши мумкин эди) яхши истиқболларни ваъда қиларди. Бинобарин, қудратли давлатларга «учин-

«Дунё» мамлакатлари учун кураш олиб бориш ядровий ракеталар билан қуролланишда мусобақа қилишдан кўра муҳим аҳамият касб этади. Мазкур кураш натижасида 50-йилларнинг ўрталарида қатор Осиё мамлакатлари ўзларининг иқтисодий ва стратегик манфаатларини қўшилмаслик сўбасидан устун қўйган ҳолда АҚШ ёки Иттифоқ билан савдо-сотик ва ҳатто мудофаа шартномаларини имзолайди. Хусусан, Ҳиндистон Совет Иттифоқи билан савдо-сотик, Хитой билан тинчлик соҳасида шартнома имзолади, Афғонистон эса Совет Иттифоқидан ёрдам олган дастлабки но-социалистик давлат бўлди. Айни пайтда Покистон, Тайланд ва Филиппин АҚШ билан ҳарбий шартнома тузди (СЕАТО ҳарбий иттифоқи ташкил қилиниб, унга Англия, Франция, Австралия ва Янги Зеландия ҳам аъзо бўлади).

Кудратли давлатлар бу борада Ҳиндистонни ўз томонига оғдириб олиш ниятида ўзаро курашади. Америкалик таниқли ҳуқуқшунос О. Дуглас «Лук» журнали саҳифаларида 1951 йилда ошкора тан олиб ёзади: «Ҳиндистон эндиликда Осиёга асосий йўлни очиб беради. Ҳиндистон бой берилса – бутун Осиё кўлдан кетади». АҚШ давлат котиби Жорж Макги ҳам унинг фикрини маъқуллайди, хусусан, вакиллар палатасининг хорижий ишлар комиссияси мажлисида шундай дейди: «Ҳиндистон аҳолисининг кўплиги, ер ости бойликлари беҳисоб экани жиҳатидан ҳам Ғарб учун муҳим мамлакат ҳисобланади».

Бироқ Ҳиндистоннинг асосий муҳолифи Покистон АҚШ билан тил бириктиргани, АҚШ эса ўз иттифоқчилари билан дунё иқтисодиётида аграр хомашё нуқтаи назаридан ўзгаришлар бўлишига йўл қўймаслик мақсадида Ҳиндистонда оғир саноат ривожланишига қарши чиққани боис ўзининг мустақил хўжалиги бўлиши йўлида жон-жаҳди билан интилаётган Ҳиндистон айнан Иттифоққа умид нигоҳини қадайдди. Иттифоқ бу борада Ҳиндистонга ёрдам кўрсатишга бажонидил рози бўлади. Қолаверса, у мазкур мамлакатга бошқа масалаларни ҳал қилишда илгари ҳам ёрдам кўрсатган. Жумладан, 1951 йилда аҳолиси очарчиликдан азият чекаётган мамлакатга 100 тонна ғалла етказиб берган.

Ҳиндистон билан алоқаларни мустаҳкамлашда Ўзбекистон зиммасига алоҳида масъулият юклатилади. Чунки айнан Ўзбекистон Иттифоқ таркибидаги катта таъсир кучига эга республика ҳисобланиб, 40-йиллардаёқ

Марказий Осиё, Африка ва Яқин Шарқдаги қатор мамлакатлар билан яхши муносабатлар йўлга қўйилишига салмоқли ҳисса қўшганди. Лекин унинг Ҳиндистон билан жуда ҳам яқин алоқада бўлиб, бу дўстлик илдизлари олис тарихга бориб тақалади. Бу фикрни Ҳиндистон бош вазири Жавахарлал Нерунинг куйидаги мулоҳазалари яққол исботлайди:

«Айрим одамлар Ўзбекистон билан дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари Ҳиндистон мустақиллиги эълон қилингандан кейин, хусусан, 1947–1950 йилларда йўлга қўйилди, деб эътироф қилади. Аслида Ҳиндистон ва Ўрта Осиё халқлари ўртасидаги яхши қўшничилик, дўстлик ва биродарлик борасида тарихда улкан тажриба тўпланган. Буни билмаслик ёки устига-устак инкор этиш – дўстлигимиз илдизига болта уриш ва буюк аждодларимизнинг хайрли фаолиятини унутиш билан баробардир.

Мен келиб чиқишим жиҳатидан асли кашмирлик бўламан. Биласизларми, бундан 4300 йил муқаддам Кашмирга кўчиб келган Ўрта Осиёлик одамлар ерларни ўзлаштирган, хўжаликлар яратган, суғориш ишларини йўлга қўйган, ўзлари билан маданият ва юксак цивилизация дурдоналарини келтирган. Олимлар бу хусусда теран тадқиқотлар олиб бориб, батафсил илмий ишлар яратган. Яна, 2300 йил муқаддам Искандар Зулқарнайн Ҳиндистоннинг бир неча вилоятларини босиб олганда Ашока раҳбарлигида халқ кўзғолон кўтаради ва Искандарни чекинишга, кейинчалик ўз қўшинлари билан Ҳиндистонни тарк этишга мажбур қилади. Искандар шу асно Бобилни забт этиш сари йўл олади. Хулласи калом, ўшанда ҳам, кейинчалик ҳам ҳиндистонликлар Ўрта Осиё халқлари ва бу минтақадаги йирик давлатлардан ёрдам олиб келган. Бу борада Амударё соҳилларига тутшиб кетган буюк Кушонлар давлатини эслашнинг ўзи кифоя.

Ўрта Осиёдан етишиб чиққан Заҳириддин Муҳаммад Бобурни ҳам шу муносабат билан алоҳида тилга олиш зарур. Амир Темурнинг набираси Мирзо Бобур Ҳиндистонда «бобурийлар салтанати»га асос солган. У навқирон ёшида ватанидан бош олиб чиқиб кетишга мажбур бўлади. Икки юз чоғли навқарлари билан Амударёни кечиб ўтиб, Афғонистонни қўлга киритади ва бу ерда қарийб йигирма йил ҳукмронлик қилади. Кейин Ҳиндистонга ҳарбий юриш қилиб, ўз давлатини барпо этиб, ўзини шоҳ дея эълон қилади. Унинг давлати, қўшинлари мусулмон ҳисобланган. Шун-

Биз уни юксак даражада кадрлаймиз, халқ унинг хотирасини  
эъзозлайди. Мен уни донишманд, узоқни кўра биладиган, теран  
хукмдор дея таърифлаганман. Мирзо Бобур Ҳиндистоннинг бир  
босиб олиб, ўз давлатини барпо этаркан, муҳими бу ўлкани Ўрта  
Осиёга кўшиб олмасдан, кейинчалик ҳинд халқининг ўзига қолдирган.

Ҳиндистонда хукмронлик қилган бобурийларнинг олти авлоди орасида  
Мирзо Бобурнинг набираси Акбаршоҳ алоҳида ҳурмат-эҳтиром қозонган.  
Бобоси ва отаси Ҳумоюндан фарқли равишда 63 йиллик умрининг 50 йили  
байнида тожу тахт соҳиби бўлган. Акбаршоҳ барча вилоятларни бир-  
лаштириб, тинч йўл билан қудратли давлат барпо этган. Бизнинг ва сиз-  
нинг мамлакатингиз каби йирик давлатларда икки омил – аҳолининг диний  
ва миллий ҳис-туйғулари ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ҳиндистонда ўзгача  
шароитда сўзлашадиган кўплаб миллат ва элатлар, кам сонли этник гуруҳлар  
истиқомат қилади. Акбаршоҳ йирик мамлакатдаги барча миллату элатлар-  
ни яқинлаштириш мақсадида уларнинг диний ва миллий эътиқодларини  
қўллаб-қувватлаётган эди.

Мирзо Бобур расман беш марта уйланган – дастлаб Тошкентда, тўрт  
марта Афғонистонда, ўн саккиз нафар фарзандидан 16 нафари Афғонис-  
тонда туғилган ва барчаси мусулмон бўлган. Акбаршоҳнинг эса уч хотини  
бўлиб, Султон Таги – мусулмон, Джо Дова – ҳиндийлик динига эътиқод  
қилувчи ҳинд аёли, Мария – насроний. Ҳиндистонда ҳиндийлик, ислом  
ва насронийлик асосий дин бўлгани учун Акбаршоҳ айни мазкур уч дин-  
га эътиқод қилувчи қизларга уйланиб, деярли бутун аҳоли билан қон-  
қариндошлик ришталарини боғлайди. Албатта, Ҳиндистонда бутпараст-  
лик, брахманлик, жайнийлик каби қудратли диний эътиқодлар ҳам бор.  
Лекин бу ўринда мен Акбаршоҳнинг донишмандлиги, узоқни кўра би-  
лишини назарда тутаётirman.

Башарти янги ва энг янги тарихни назарда тутадиган бўлсак, халқла-  
римиз ўртасидаги яқин қўшничилик, ўзаро ҳамкорликка оид кўплаб мисол-  
ларни келтириш мумкин. Англия хукмронлик қилган йилларда кўшнилари  
ва дўст мамлакатлар билан ҳинд халқининг алоқаларини имкон қадар  
чеклашга уринган, бироқ шундай оғир шароитда ҳам олимлар, савдогар-  
лар, зиёлилар каби турли касбу хунар эгалари дўстона алоқаларни давом  
эттириш учун имконият топа олган».



Машхур ҳинд сиёсатчиси ва донишмандининг мазкур сўзлари бежиз эмас. Иттифоқ билан Ҳиндистон ўртасида 50-йилларнинг ўрталарида фаол иқтисодий ва маданий алоқа бошланганда, айнан Ўзбекистон мазкур жа- раённинг энг олдинги сафида борган.

Иттифоқ билан Ҳиндистон ўртасида 1950 йил декабрда 5 йил муддат- га мўлжалланган дастлабки савдо-сотик шартномаси имзоланиб, 1955 йил февралда янги кўшма ҳужжат дунёга келди: Ҳиндистоннинг Бхилайи шаҳрида дастлабки металлургия заводи қуришга оид шартномага эри- шилди. Мазкур иншоот барпо этилишида Ўзбекистон жуда фаол ишти- рок этиб, республиканинг 30 дан ортиқ корхоналари 500 минг тоннадан ортиқ турли асбоб-ускуналарни етказиб бериш орқали мамлакатдаги йи- рик корхонанинг барпо этилишига салмоқли ҳисса қўшди. Шу билан бир- га тўқимачилик, кўсак чувиш машиналари, экскаваторлар, «Ўзбекистон» пахта териш машиналарини етказиб беришни йўлга қўйди.

Қолаверса, Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида маданият соҳасидаги алоқалар фаол тус олди. Ҳинд кино усталари 1951 йилда биринчи мар- та Иттифоққа ташриф буюриб, Москва, шунингдек, Тошкент шаҳрида бўлдилар. Орадан уч йил ўтиб ҳинд кино санъати усталаридан иборат гуруҳ яна ташриф буюриб, Хожа Аҳмад Аббос раҳбарлигидаги мазкур вакиллар таркибида Раж Капур, Наргис, Балраж Сахни, Нирупа Рой, Дев Ананд каби таниқли кино арбоблари бор эди.

1954 йил куз фаслида Тошкентда биринчи марта ҳинд киноси фести- вали ўтказилди. Фестиваль доирасида «Дайди», «Заминнинг икки бигха- си», «Тўфон», «Байжу Бавра», «Ганга» каби фильмлар намойиш қилинди. Ҳиндистонлик кино усталари таркибида Раж Капур (раҳбар), Наргис, Бал- раж Сахни, Димп Кумар каби таниқли актёрлар келди. Раж Капур ташри- фи давомида берган интервьюларидан бирида шундай деганди:

«Тошкент ажойиб бағрикенглиги ва меҳмондўстлиги билан ҳамиша мени ром қилиб келади. Ўзбекистон пойтахти бизлар учун ўзига хос қадамжога айланди, десам ҳам бўлади. Бу ердаги жуда кўп нарсалар ўз юртимни эслатади – энг аввало, сизларнинг одамларингиз менинг аза- лий дўстларим ва яқин танишларим ҳисобланади. Улар ҳамиша юзлари- да табассум билан дўстона кутиб оладилар. «Ўрток Дайди!» дея мурожаат қилишлари, айниқса, менга хуш ёқади».

... **Капурнинг** «Дайди» фильми 1954 йилда совет экранларига чиққан **...** хинд киноси эди. Ўша кезларда бу фильмни 63 миллион 700 **...** томоша қилиб, ўзига хос рекорд ўрнатилган (бу совет киноси **...**даги учинчи кўрсаткич бўлгани билан эътиборга молик). Мазкур **...**табинларнинг аксарият қисмини албатта Ўрта Осиёлик кино мухлиси **...** ташкил қилади ва ўша йилларда маҳаллий аҳоли хинд киноларини **...**аҳолида иштиёқ билан томоша қилган.

«Дайди» фильми Шароф Рашидовнинг ҳам севимли фильмларидан бўлган. У хизмат тақозосига кўра Ўзбекистон–Ҳиндистон алоқаларида бевосита фаол иштирок этиб, бир неча марта Ҳиндистонга борди ва Ҳиндистон вакилларини Тошкентда кутиб олди. Унинг фаол иштирокида 1955 йил охирида машҳур адиб Абдулла Қаҳҳор раҳбарлигидаги Ўзбекистон санъат ва маданият арбобларининг нуфузли вакиллари Ҳиндистонга йўл олади. Ўзбек санъаткорлари 19 декабрда Деҳлидаги Миллий стадионда 5 минг томошабин учун дастлабки концертни намойиш қилди. Концертга Ҳиндистон бош вазири Жавахарлал Неру ҳам ташриф буюрди. Ўзбек санъаткорлари шундан кейин Бомбей, Калькутта, Мадрас ва бошқа йирик шаҳарларда бўлишди (жами 45 марта концерт намойиш қилишган).

Шароф Рашидов ижодидан хинд мавзуи алоҳида ўрин эгаллайди: 1956 йилда унинг «Кашмир кўшиғи» асари эълон қилиниб, унда хинд халқининг ўз озодлиги йўлидаги кураши тараннум этилган.

Ўша йилларда Ҳиндистондан ташқари Ўзбекистон бошқа хорижий давлатлар билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйиб, қатор давлатларнинг вакиллари бу республикага кетма-кет ташриф буюради. Жумладан, Хитой, Сурия, Индонезия, Миср, Норвегия, Голландия, Америка, Англия, Уругвай, Аргентина, ГДР, Чехословакия каби давлатларнинг юқори мартабали вакиллари бир ярим йил ичида (1955–1956 йилнинг биринчи ярмида) кетма-кет Ўзбекистонга ташриф буюришган. Шунингдек, Швеция, Эрон, ГДР, Дания, Покистон, Норвегия, КХДРнинг парламент вакиллари ҳам Ўзбекистонда бўлган.

Яна Рашидовга қайтамыз.

Рашидовнинг сиёсат ва жамоат арбоби сифатида фаоллиги ортгани сайин ғанимларининг сони кўпайиб борди. Унинг обрў-эътибори энг олий лавозим – МКнинг 1-котиби мансабига даъвогар экани, яъни 30-йиллар-

нинг бошларида бой берилган лавозимни самарқандликлар гуруҳи яна қайтариб олишлари мумкинлигидан далолат эди.

Бу хавфсирашлар бежиз эмас эди, бинобарин, республика раҳбарлари орасида Рашидов алоҳида кўзга ташланар, теран билими билан ажралиб турарди. Республика раҳбариятида фаолият юритган кўплаб сафдошлари партиявий ҳужжатлардан бўлак ҳеч вақони ўқимаган бир пайтда Рашидов хилма-хил бадий ва тарихий адабиётларни мунтазам ўқир, Алишер Навоий, Умар Хайёмдан тортиб Пушкингача бўлган мумтоз ва замонавий ижодкорларнинг шеърларини ёд биларди. Қайд этилгандек, хотираси кучли бўлиб, рўй берган ҳодисаларни ёдда сақлаш учун хотирасини мунтазам машқ қилдиришдан чарчамасди.

Яна бир бор такрорлаймиз: Рашидовнинг яна бир фавкулудда фазилати одамлар билан жуда яхши чиқишар, дунёқарашининг кенглиги ва исталган мавзуда суҳбат қила олиши қўл келар, қолаверса, ҳамсуҳбатига ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўла олар ва исталган даврада ўзини эркин ҳис қиларди. У оддий деҳқону завод директоридан халқ артисти ва машҳур спортчилар олдида нутқ сўзлашига тўғри келарди. Айни шу боис Москвада бўлган ўзбек санъати ва маданияти арбобларининг дастлабки ўн кунлигини тайёрлаш комиссиясининг раиси айнан Шароф Рашидов эди, шунингдек, Ўзбекистоннинг машҳур «Пахтакор» футбол жамоасини ташкил қилиш ташаббускорларидан бўлган.

Унинг фаолияти Амир Темурнинг набираси, Самарқандда 1409–1449 йилларда ҳукмронлик қилган Мирзо Улуғбек даврини эсга соларди. Мирзо Улуғбек нафақат йирик давлат арбоби, балки буюк олим ва маърифатпарвар сифатида ҳам тарихда қолган. Жумладан, Мирзо Улуғбек Самарқанд яқинида Ўрта асрлардаги энг йирик иншоот – Расадхонани барпо қилдирган. Унинг қаламига мансуб «Зижи Кўрагоний» асарида 1018 юлдузнинг жойлашув ўрни юксак аниқлик билан кўрсатилган.

Афсуски, Мирзо Улуғбекнинг қисмати фожиали яқун топди: у тожу тахт сабабли эс-ҳушини йўқотган ўғли Абдуллатифнинг фармони билан қатл этилиб, расадхона салкам вайронага айлантирилган (унинг қолдиқларини археолог В. Вяткин 1908 йилда топди.). Мирзо Улуғбек қисмати Шароф Рашидов тақдирида гўё такрорланади: Рашидовнинг ҳаёти ҳам таҳликали кечди, умри мобайнида кўп йиллар боши тухмат маломатлардан

Айни пайтда Мирзо Улуғбек каби Рашидовга нисбатан тарих йўли йўл тутди: республикага раҳбарлик қилган йилларда амалга оширилган хайрли ишлари муносиб равишда эътироф этилди.

Қайд этганимиздек, Шароф Рашидовнинг маърифатпарварлик фаолияти кўп қиррали бўлган. У адиб сифатида Осиё ва Африка ёзувчилари билан халқаро конференцияси Тошкентда ўтказилишининг ташаббускори бўлди.

Хар бир республика ўзининг ютуқларини тарғиб қилишда анъанага эришади. Бу, хусусан, матбуот, радио ва телевидение, кино санъати, бадиий адабиёт орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон асосан кино, кўшиқчилик ва адабиёт соҳасидаги машҳур ишлари билан бутун совет халқининг хурмат-эътиромини қозонганди. Улардан бири Алишер Навоий номидаги давлат опера ва балет театрининг опера хонандаси Ҳалима Носирова ўзининг бетакрор истеъдоди учун Иттифок халқ артисти унвонига сазовор бўлган (1937 йилда), кейин эса 1951 йилда Сталин мукофоти билан тақдирланган (1942 ва 1951 йилларда).

Ўзбек кино актёрлари орасида 1940–1950 йилларда Раззоқ Ҳамроев кўпроқ шухрат қозонган. У «Тоҳир ва Зухра» (1945), «Насриддиннинг саргузаштлари» (1947) ва «Алишер Навоий» (1948) фильмларида бетакрор ролларни ижро этди.

Ўзбекистонлик ижодкорлар орасида Ғафур Ғулом (1946 йилда Сталин мукофоти) ҳамда Абдулла Қаҳҳор (1952 йилда Сталин мукофоти) иттифок микёсида ҳам машҳур ҳисобланарди. 1950 йилларда уларнинг сафидан Шароф Рашидов номи ҳам жой олди, қисса ва романлари қатор совет республикалари, жумладан РСФСРда нашр қилина бошлади.

Иттифокда, шунингдек, қатор чет элларда катта шухрат қозонган раққоса ва хонанда Тамарахоним алоҳида ўрин тутди. Тамарахоним Фарғонада (1906 йил) туғилган. У 13 ёшидан рақс туша бошлаган. Бирок саҳнада юзини очиб рақс тушгани боис ёшлигида нобуд бўлишига бир баҳя қолган. Уни мутаассиб тўдалар тошбўрон қилган, бахтига бир хайрихоҳ киши уни қутқариб қолган.

Тамара 1921 йилда Тошкентдаги балет труппасига ўқишга киргандан кўп ўтмай Қори Ёқубов ансамбли таркибида республика бўйлаб ижодий сафарга чиқади. Уч йилдан кейин Москвага бориб, Театр техникумининг

хореография бўлимига ўқишга киради. Аини ўша даврда ўзига Тамарахоним тахаллусини олади ва шу тахаллуси билан машҳур бўлиб кетади.

1920 йилнинг иккинчи ярмидаёқ Тамарахоним Ўзбекистондан ўзга жойларда ҳам шуҳрат қозона бошлади. Унинг маҳорати ҳатто машҳур Айседора Дунканни ҳайратга солгани бежиз эмас. Айседора Дункан унинг рақсини кўриб, умуртқа поғонасининг бўйин қисми суяклари, бармоқ бўғимларини пайпаслаб кўрган. Тамарахоним Парижда концерт берганида шу воқеа содир бўлган. Бу сафар таассуротлари ҳақида санъаткорнинг ўзи шундай ёзганди: «Одамлар катта қизиқиш билдиргани учун кўчаларда юриб бўлмасди. Мен Қори Ёқубовнинг қўлидан маҳкам ушлаб олардим. Париж кўчаларидаги манзарани кўриб, олдинга ўзбекча либосларда юришга иймандим. Қори Ёқубовдан европача кийим-кечак олиб беришни илтимос қилдим. Дўконда ҳам одамлар мени ўраб олишди. Европача кўйлақларни дарров ҳозир қилишди ва ўзбекча миллий кийимларимни сотишимни илтимос қилишди. Эгнимдаги аёллар камзули, зардўзи пойабзалим, хонатлас кўйлагим ва, айниқса, миллий тақинчоқлар уларни маҳлиё қилганди. Ўзбекча камзулимни кийиб кўришларига рухсат бердим ва дарҳол аёллар навбатга туришди. Шундан кейин харид қилинган европача кийимларни жомадонимга жойлаб, яна миллий либосларимни кийиб олдим».

Тамарахоним Ўзбекистоннинг бошқа юртлардаги росмана ишончли вакилига айланганди. Зотан, санъатни англаш, унга ром бўлиш учун муайян кўникмалар талаб этилмайди. Бинобарин, Тамарахонимнинг бир вақтнинг ўзида дилбар қўшиқлар куйлаб рақсга тушиши ер шарининг исталган жойидаги ҳар бир мухлисни ром қила оларди. Шу боис Англияда, ҳатто Австралияда ҳам Ўзбекистон номи тилга олиниши билан кишилар беихтиёр «Тамарахоним» номини эслашарди.

Ўзбек этнография ансамблига оддий раққоса сифатида қўшилган Тамарахоним орадан ўн йиллар ўтиб Давлат мусиқали драма театрининг ташкилотчиси ва раҳбарига айланди. Унинг маҳорати мухлисларни чинакам ҳайратга соларди: «Фарҳод ва Ширин»да Ширин, «Лайли ва Мажнун»да Лайли, «Ҳалима» драмасида Ҳалима образларини маҳорат билан яратиб, бетакрор қўшиқлар айтар, «Ференжи» балетида рақс тушар, Н.Гоголнинг «Уйланаш» комедиясида роль ижро этар, шунингдек, ўзи сахна либос-

Тамарахоним тайдирлаб, хоразмча концерт дастурларида сахнани ўзи безар ва Сталиннинг ҳукумат концертлари унинг иштирокисиз ўтмасди – Тамарахоним санъатини Сталин ҳам ёқтирарди. Ўзбек (бинобарин, совет) санъатини тарғиб қилишдаги ютуқлари учун Тамарахоним 1941 йилда Сталиннинг «Совет Армияси» билан тақдирланган.

Тамарахоним уруш йилларида чет элларда жуда кўплаб концертларни намойиш қилиб, улардан тушган маблағларни Мудофаа фондига ўтказди. Жанггоҳларда ҳам концертлар берди ва айна шу боис уруш охирида у Совет Армияси капитани ҳарбий унвони билан тақдирланган.

50-йилларда унинг шуҳрати янада ортиб, Ўзбекистоннинг энг ёрқин йолдузига айланди. 1956 йилда у Иттифоқ халқ артисти олий унвонига сазовор бўлди.

Шароф Рашидов журналистлик фаолиятида, 40-йилларда Тамарахоним билан танишди. Республика раҳбари бўлгач, санъаткорга ҳомийлик кўрсатди.

Ўзбек миллий кўшиқчилик санъатини намойиш қилиш борасида 50-йилларнинг иккинчи ярмида ҳам янги истеъдодлар майдонга чиқиб, улар кейинги ўн йилликларда Ўзбекистоннинг фахрига айланади. Улардан бири Ботир Зокиров, Ўзбекистонда замонавий кўшиқчилик жанрининг асосчиси қалдирғочларидан. Муסיқашунос И.Волков бу ҳақда шундай ёзади:

«Ботир Зокировнинг хонанда бўлмаслиги мумкин эмас. Бирорта одамнинг санъатга қутилмаганда, бахтли тасодиф туфайли кириб келган ҳоллари ҳам бўлади. Агар Луи Лепле қашшоқ кизнинг кўнғирокдай овозини кўчада тасодифан эшитиб қолмаганида, биз Эдит Пиафни ҳеч қачон танимаган бўлардик. Ботир Зокиров масаласида эса ҳаммаси олдиндан аён эди. Катта сахнага қачон чиққанини ҳатто унинг ўзи ҳам эслай олмайди, таъбир жоиз бўлса, ҳали гўдаклигидаёқ бу маррани забт этганди: отаси, Ўзбекистон халқ артисти, хонанда Карим Зокиров Алишер Навоий номидаги давлат опера ва балет театрида «Гулсара» операсида қатнашаётганда чақалокни сахнага олиб чиқиши керак бўлади ва беихтиёр ўзининг йўрғадаги боласи – Ботир билан сахнага чиқади. Бинобарин, сахна ва сахна орти ҳаёти Ботир Зокировга гўдаклигидан (1936 йил апрелда туғилган) яхши таниш бўлган. Онаси Шоиста Саидова эса Муқимий номидаги муסיқали драма ва комедия театрининг таниқли актёри ва хонандаси бўлган. Уларнинг

хонадони ҳамиша меҳмонлар билан гавжум бўлиб, Тамарахоним, Мукарама Турғунбоева, Муҳиддин Қори Ёқубов, Ҳалима Носирова, Мухтор Ашрафий каби машҳур санъаткорларнинг қадами сира узилмаган. Шу боис Ботир, синглиси Луиза, укалари Фаррух, Жамшид ва Науфал болалигидан санъат, мусиқа, шеърят, тасвирий санъат, актёрлик каби ижодий муҳитдан баҳра олиб вояга етган. Тошкентда шу тарика санъаткор Зокировлар сулоласи шаклланган...»

1951 йилда саккиз йиллик мактабни тугатган Ботир Тошкент консерваториясининг тайёргарлик бўлимига ўқишга кирди. Уни тугатиб, вокал синфи бўйича консерватория талабасига айланади. Хрушчёв бошлаган хайрли ишлар натижасида 50-йилларнинг ўрталарида совет санъатида ҳам янги шакл ва усуллар излаш бошланди, эстрада санъати ривожланиши учун қулай замин яратилди. Бу ҳаракат Ўзбекистонга ҳам етиб келди, Ботир Зокиров республикада дастлабки «Ёшлик» эстрада ансамблини ташкил қилган. И.Волков бу ҳақда шундай ёзади:

«Ўзбекистонда шу пайтгача том маънодаги эстрада бўлмаган. Бинобарин, эстрада кўшиқларини ижро этиш анъанаси ҳам, сахнада ўзини тутиш маҳоратлари ҳам, репертуар ҳам, эстрада учун кўшиқлар ёзиб берадиган шоирлару уларга мусиқа басталайдиган бастакорлар ҳам йўқ эди. Буларнинг барчасини яратиш, ўйлаб топиш, йўқ жойдан бино қилиш керак эди.

Тўғри, мустақкам замин – ёрқин, гўзал шеърят, ранг-баранг оҳангларга эга ўзбек миллий кўшиқчилик санъати, ўзига хос рақс санъати бор эди. Лекин халқ кўшиқлари, халқона ашула анъаналарини эстрада йўсинига ўтказиш машаққатли меҳнат талаб этадиган мураккаб жараён бўлиб, шубҳасиз ижрочидан ва аранжировқачидан ўта зукколикни талаб қиларди. Бу кўникмалар аста-секинлик билан қўлга киритилади. Ботир дастлабки кезларда синглиси Луиза билан ҳинд кинофильмларидаги машҳур кўшиқларни ижро этди.

Бу ўзига хос мактаб бўлди. Ҳиндча кўшиқлар вокал нуқтаи назардан – оҳангнинг ранг-баранглиги, артикуляциянинг оғирлиги, фальцетга ўтишлари билан жуда мураккаб ҳисобланади. Бундан ташқари, аллақачон машҳур бўлиб улгурган кўшиқни ижро этиш томошабинлар кўнглини яна топа билиш ва миллий руҳни яратиш, қолаверса, стилизатор маҳоратини талаб этади. Айни пайтда машҳур кўшиқнинг ҳеч кимга қизиғи бўлмаган

~~Бундан~~ шакли бўлмаслиги, яъни хонандалар эътироф этгандек, «артист ~~бундан~~ни қалбан ўзиники қила билиши», унга ўз фикр-ўйлари, ҳис-туғиулари, дунёқарабини сингдира билиши зарур».

«Ёшлик» ансамбли тошкентлик ёшлар орасида тез машҳур бўлиб кетди. Бироқ бу тор доирадаги машҳурлик эди. Москвада 1957 йилда бўлиб ўтган Ёшлар ва талабаларнинг жаҳон фестивалида «Ёшлик» ансамбли ҳам иштирок этди. Ботир бу ерда бир неча кўшиқларни ижро этди, лекин Иттифоқда ҳинд кинолари ўша кезларда машҳур бўлганига қарамасдан, у ижро этган ҳиндча кўшиқлар эмас, балки мумтоз араб шоири Дариз ал-Алгаш ғазали билан айтиладиган арабча ашула томошабинлар олқишига сазовор бўлади. Ашула «Арабча танго» деб номланган. Шу қадар ўзига хос ва гўзал кўшиқни Бутуниттифоқ радиоси ёзиб олиб, бутун мамлакатга қайта-қайта эшиттира бошлайди, натижада Ботир Зокиров Иттифоқ микёсида машҳур бўлиб кетади. Марказ телевидениеси ҳам Ботир Зокировни айна шу кўшиғи билан биринчи марта намойиш қилади.

Ўзбекистон 50-йилларда спорт соҳасида ҳам илдамлаб кетди. Бу борада Шароф Рашидов алоҳида ҳисса қўшган. У ашаддий футбол ишқибози бўлгани учун Ўзбекистоннинг футбол жамоаси мамлакат олий лигасида иштирок этишини таъминлаш ҳақида ўйлаб юрарди.

Ўзбек футболни совет ҳокимияти ўрнатилишидан олдин, аниқроғи, 1912 йилда ташкил топган. Ўшанда Фарғонада «Скобель футболчилари жамияти» номи билан футбол жамоаси расман юзага келган. Тез орада Тошкент, Самарқанд, Кўкон ва Андижонда ҳам футбол жамоалари тузилди.

Совет ҳокимияти ўрнатилгач, республикада футбол янада ривожланди. 1922 йилга келиб бир неча футбол жамоалари ташкил қилинди. Инқилобгача асосан маҳаллий бўлмаган аҳоли вакиллари футбол ўйнаган бўлса, совет ҳокимияти даврида ўзбек, тожик, умуман маҳаллий аҳоли вакиллари футбол жамоалари таркибида тўп сура бошлайди. 20-йилларнинг ўрталарида Ўзбекистонда айрим шаҳарларда, 1927 йилдан республика билимчиликни кўчирилган чемпионати йўлга қўйилди. Бир йилдан кейин Ўзбекистон футбол жамоаси Москвада Бутуниттифоқ спартакиадасида иштирок этиб, 23 ўринда орасида 7-ўринни қўлга киритди.

Иттифоқда 1936 йилдан футбол бўйича мамлакат чемпионати мунтазам ўтказилган, кейинги йили Тошкентнинг «Динамо» жамоаси иккинчи



лиганинг «Г» гуруҳида иштирок этиб, 8-ўринни эгаллади. Шундан кейин 1946 йилгача ўзбек футбол жамоалари мамлакат чемпионатларида катнашмайди.

Урушдан кейин мамлакат чемпионати тикланиб, Ўзбекистоннинг бир йўла учта – Тошкентдан «Динамо», «Спартак» ва «Округ офицерлар уйи» футбол жамоалари «Б» тоифа (иккинчи гуруҳ, Ўрта Осиё худуди) га киритилди. Бу худуд таркибида тўққизта жамоа бўлиб, таркибига яна Олма-Ота шаҳрининг «Динамо» ва «Спартак» (Қозоғистон), Ашхободнинг «Локомотив» (Туркменистон), Сталинободнинг «Динамо» (Тожикистон), Фрунзе (Бишкек) шаҳрининг «Динамо» ва «Спартак» (Қирғизистон) жамоалари кирарди. Ўзбекистон жамоалари бу гуруҳда яхши катнашди. Жумладан, 1946 йилда «ООУ» жамоаси иккинчи, 1947 йилда «Динамо» учинчи, 1948 йилда «ООУ» биринчи ўринни (юқори гуруҳга йўлланма билан) қўлга киритди.

1948 йилда мамлакат футболининг раҳбарлари Ўрта Осиё футбол жамоаларини олий лигага қўшишни мўлжаллайди, бироқ охириги лаҳзада бу иш барбод бўлди. Мазкур жамоалар икки йилдан кейин «Б» тоифасига қўшиб олинди ва Ўзбекистон футбол жамоаси ўша йили 5-ўринни (1951 йилда 13, 1952 йилда – 16-ўрин) қўлга киритди.

1950-йилларнинг иккинчи ярмидан мамлакатда футбол оммалаша бошлайди. Олий лига ўйинларини телевидение орқали намойиш қилиш йўлга қўйилади, матбуотда эса футбол соҳасининг барча жиҳатларини мунтазам ёритиб борадиган «Советский спорт» газетасидан ташқари, 1955 йилдан янги «Спортивные игры» журналы чиқа бошлайди. Ўрта Осиё Республикалари ўз футбол жамоалари олий лигада иштирок этиши учун ҳаракатга тушади, чунки бу нафақат спорт соҳасида, балки давлат сиёсати нуқтаи назаридан ҳам мазкур республикалар обрўйини оширарди. Республика футбол жамоаларини мамлакат олий лигаси таркибига қўшишни Москвага таклиф қилинди. Натижада Москва бу ишни яқин йиллар ичида амалга оширишни ваъда берди.

Айнан ўшанда (1956 йил баҳорда) Ўзбекистонда «Пахтакор» дастлабки миллий футбол жамоаси ташкил этилди, бу республиканинг етакчи жамоаси бўлиши керак эди. Бош мураббийликка Москвадан тажрибали динамочи Валентин Бехтенов таклиф қилинади, у турли футбол жамоаларида

~~Уш~~ган тошкентлик футболчилардан «Пахтакор» жамоасини тузади. ~~Дастлабки~~ икки йил мобайнида бу жамоа айтарли натижаларни кўлга киритиб олмайди: «Пахтакор» 1956 йилги мавсумда «Б» тоифадаги иккинчи гуруҳ жамоалари таркибида қатнашиб, атиги 13-натижани кўрсатди, кейинги йили эса 10-ўринда қолиб кетди. Лекин жамоа тез ўзини ўнглаб, ~~иккинчи~~ йил мобайнида (1958–1959 йиллар) 4-ўринни кўлга киритди.

\* Шароф Рашидов «Пахтакор» фаолиятини диққат билан кузатар, имкон барча кўллаб-қувватларди. Республиканинг ўша пайтдаги раҳбарлари ~~Рашиднинг~~ 1-котиби Н. Муҳитдинов ва бош вазир С. Камолов) ҳам жамоани ~~кўрсатган~~ кўрсатган, бироқ Шароф Рашидов янги ташкил этилган жамоага ~~кўрсатган~~ хайрихоҳ эди. Унинг бевосита кўрсатмаси билан барча воситалар, шу жумладан, пул маблағлари ажратиларди. 1956 йилда жамоа Тошкентда республика аҳамиятига молик 60 минг ўринли «Пахтакор» стадионига эга бўлди.

Айни шу 1956 йилда Иттифоқда биринчи марта Иттифоқ халқларининг I-спартакиадаси ўтказилди, унда Ўзбекистон терма жамоаси учта: битта ~~кўрсатган~~ кўрсатган ва иккита бронза медали билан 15-ўринни эгаллади. Лекин уч йилдан кейин 2-спартакиадада 8-ўринга кўтарилди.

8-боб

## НАЙРАНГЛАР ИСКАНЖАСИДА

Шароф Рашидовнинг республика ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этганига оид мазкур далилларнинг барчаси унинг обрў-эътиборини оширар, лекин айни вақтда, ҳасад билан қаровчилар сонини кўпайтирар эдики, улар Рашидовни нафақат Олий Совет Президиумининг раислигидан олиб ташлашни, балки бутунлай нариги дунёга равона қилишни кўнгилларига тугиб кўйгандилар. Маълумки, Рашидовнинг саломатлиги кўнгилдагидек эмаслигини барча биларди, шунинг учун рақиблари уни асабийлаштириш юрагига ҳалокатли таъсир кўрсатади, деб хомтама бўлардилар.

1956 йил бошларида Хрушчёв партиянинг XX съездида «Сталин шахсига сиғиниш» тўғрисида маъруза қилганидан кейин қатор республикалар-

да Сталин даврида юқори мансабга кўтарилган арбобларни таъкиб қилиш бошланди. Шароф Рашидов ҳам шундай мансабдорлар жумласига кирар, чунки халқлар отаси ҳаётининг охириги йилларида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига раҳбарлик қилган, кейин мазкур лавозимдан Республика Олий Совети Президиумининг Раислигига кўтарилганди. Устига-устак, ўша йили ёзда Москвада ҳаммаслаги Александр Фадеев ўз жонига қасд қилди.

Бу воқеаларнинг барчаси унинг ғанимларига қўл келар, бироқ уларнинг барча уринишлари беҳуда кетди: ўша йили кузда республика давлатга энг кўп – 85 % биринчи навли 2 миллион 857,8 минг тонна пахта етказиб берди, Москва Ўзбекистонни иккинчи марта Ленин ордени билан тақдирлади. Қарийб 16 минг деҳқон, механизатор ва партия ходимлари орден-медаллар билан тақдирланишди, 202 кишига «Социалистик Меҳнат Қаҳрамони» унвони, 2955 киши – «Меҳнат Қизил Байроқ», 4881 киши – «Хурмат белгиси» ордени билан тақдирланди. Бу республика тарихида ўзбекистонлик меҳнат пешқадамлари энг кўп мукофотланган йил бўлди: 1939 йилда илғор меҳнаткашларнинг фақат бир гуруҳи тақдирланган бўлса, 1959 йилда 15 минг 714 киши давлат мукофотларига сазовор бўлишди.

Айни ўша даврда мамлакат тарихида дастлабки уч марта «Қаҳрамон» пайдо бўлди – «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалигининг раиси Ҳамроқул Турсунқулов шундай юксак шарафга лойиқ топилди. Ўзбекистон раҳбарияти бошқа номзодлар каби Ҳ. Турсунқулов номзодини ҳам мукофотлаш мақсадида Москвага тақдим этди: Москва эса уч марта Қаҳрамон унвонини олганлар саҳифасини бошлашга ҳали эрта дея, рад жавоб берди. Бироқ республика байроғига Ленин орденини ўз қўли билан қандаш учун Хрушчёв Тошкентга келганда, унга Марказдан рад жавоби берилганини айтишди, шунда Хрушчёв Турсунқуловни учинчи қаҳрамонлик юлдузи билан тақдирлаш ҳақида буйруқ берди. Бу ҳақда унинг ўзи залда маълум қилганида мажлис иштирокчилари бу хушхабарни гулдурос қарсақлар билан кутиб олишди.

Шароф Рашидовни кўролмайдиганлар айни пайтда уни раҳбарлик лавозимидан олиб ташлаш йўлидаги ниятларидан воз кечмайди. 1957 йил августда Муҳитдиновнинг мансаби кўтарилиши, яъни Москвага, бевоқифа Хрушчёвнинг қаноти остига жўнаб кетиши мумкинлиги тўғрисида гап-сўзлар пайдо бўлганда, Рашидовга қаттиқ зарба берилди. Хрушчёв

**Жамбул**-Шарқий Осиё, шунингдек, араб мамлакатлари билан ҳамкорликни ~~қилди~~ кенгайтиришга аҳд қилди, шу боис раҳбариятда мусулмон миллатига мансуб мансабдор унга сув ва ҳаводай зарур бўлади. Осиёдаги совет республикалари раҳбарлари орасида Муҳитдиновга ихлоси катта бўлгани учун унинг номзодини танлаши ҳеч гап эмасди. Бундан хабар топган рақиблар Рашидовни республикадаги энг юқори мансабга даъвогарликдан маҳрум этиш учун ҳаракатга тушдилар.

Ворошилов Рашидовни билимдон ва зиёли раҳбар сифатида кадрларди. Климент Ефимович Сиёсий бюро аъзоси ва халқ орасида машҳур арбоб сифатида унинг фикри ҳал қилувчи аҳамиятга эга эди. Климент Ефимович ўз тасарруфидаги масалаларга бошқаларнинг бурунларини тикишини ёқтирмас, бинобарин, у юқори мансабда экан, Рашидовни ишдан олиш амримаҳол экани кундай равшан эди. Бироқ 1957 йилда «халқ Маршал»ининг тагига сув кетиб, раҳбарият таркибида қолиши қил устида тургандек эди. Маълумки, Ворошиловни «аксилпартиявий гуруҳда» иштирок этганини Хрушчёв кечиради, лекин 1957 йил ёзида кўп нарса жумбоқ эди. Шу боис Рашидовнинг рақибларига унга зарба бериш учун жуда қулай фурсат бўлиб кўринди.

Хуллас, Ўзбекистон КП МК бюросининг август ойида бўлган мажлисининг кун тартибидан – «Ўртоқ Рашидов Шароф Рашидович тўғрисида»ги масала жой олди. «Рашидовга хос нотўғри хатти-ҳаракатлар» мажлисида алоҳида таъкидлаганига қарамай, бюро аъзолари бу борада турлича фикрлар билдирадилар.

Жумладан, Республика Министрлар Советининг Раиси М. Мирза-аҳмедов шундай дейди: «Мен Рашидовни Самарқанд обкоми котиби лавозимида чинакам партия ходими, матонатли ва собитқадам инсон сифатида ишлаганини яхши биламан. Уни мазкур лавозимга муносиб равишда тайинлашган, зотан Рашидов республикамиздаги машҳур партия ходимларидан бири саналади. Уни барчамиз ҳурмат қиламиз. Назаримда, ўзига ва билимига ортиқча бино қўйгани боис айрим камчиликларга йўл қўймоқда. Рашидов КПСС МК раҳбарлари, ҳукумат аъзолари ҳамда К.Е. Ворошилов билан бевосита мулоқотда бўлади. Бу табиий бўлиб, лавозими шуни тақозо қилади. Бундай даражадаги одам жуда масъулиятли бўлиши керак, у эса ўз ишида хатоликларга йўл қўя бошлади».

Фарғона вилояти биринчи котиби Г.Габриельянц аввалига Рашидовни республиканинг ғоят обрўли кишиларидан бири деб баҳолайди, лекин баъзида ўйламасдан гапириш одати борлигини қистириб ўтади. МК котиби А.Лучинский «Рашидов такаббурлик ва манманлик билан айрим масалаларни ўзи ҳал қилганини» қайд этади. Ўзбекистон ДХК раиси А.Бизов шундай деган: «Қатор бошқа ўртоқларга қараганда ҳам юқори талаб қўйиш керак. Унинг ўзи ёзувчи, зиёли, ўта нозик дидли одам сифатида бошқалардан ҳам ўзига фавқулудда назокат билан муносабатда бўлишни талаб қилади».

Мунозаралар натижасида бюро аъзолари ҳозирча Рашидовни огоҳлантириш билан чекланиб, махсус қарор қабул қилишади. Қарорнинг тўлиқ матни қуйидагича:

«Ўртоқ Муҳитдиновнинг Шароф Рашидов йўл қўйган айрим хатолар тўғрисидаги маълумоти, бюро аъзолари Камолов, Мельников, Раҳимбобоева, Мирзааҳмедов, Габриельянц, Бизов, Лучинский МК бюроси аъзолигига номзод Нуритдинов ўртоқларнинг фикрларини, шунингдек, Рашидовнинг тушунтиришини тинглаб, Ўзбекистон Компартияси МК бюроси ўртоқ Рашидов кейинги пайтда ўз фаолиятида қатор камчиликларга йўл қўйганини қайд этади. У республиканинг айрим раҳбарлари ишига панжа ортидан қараган, ҳолбуки, улар (Қўчқоров, Мағрупов ўртоқлар) жиддий камчиликлари ва хатолари учун Ўзбекистон Компартияси МК бюросида жиддий танқид қилинганди. МК бюросининг айрим ходимларини тақдирлашга оид қарорини айна ўша ўртоқлар иштирокида қайта кўриб чиқишни ҳам Рашидов нотўғри талаб қилган.

Рашидовнинг жиддий хатоси шундаки, у МК бюроси 1957 йил 7 январдаги «Алиев, Беглов, Азизхонов ва Бобохонов ўртоқларнинг партиёга хилоф хулқ-атворига оид» қарори лойиҳасининг айрим жумлаларини ўчириб ташлаган, оқибатда масаланинг кескинлиги юмшаб, мазкур ҳужжатнинг мазмуни ўзгарган. Ўртоқ Рашидов айрим ҳолатларда масаланинг моҳиятини чуқур таҳлил қилмасдан МК маҳкамаси ходимларини (Б.Я. Моисеевни мукофотлашни пайсалга солиш, Мағруповга оид бандлар муносабати билан МК бўлими ходимларини айблаш) асоссиз айблаган.

Рашидов Марказий Фарғонани ўзлаштириш колхозлараро кенгашининг раиси, шунингдек, Москвада Ўзбекистон санъати ва адабиёти декадасини

га тайёргарлик кўриш комиссиясининг раиси сифатида Ўзбекистон Компартияси МКнинг топшириқларини қониқарсиз бажармоқда.

МК бюроси айрим аъзолари томонидан билдирилган эътирозларни Рашидов аламзадалик билан қабул қилгани ҳамда улардан тегишли хулосалар чиқармагани, айрим масалалар ва бюронинг айрим аъзолари бивоситаман муносабатда бўлганини МК бюроси мутлақо нотўғри деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Компартияси МК бюроси Рашидов хорижий давлатларга қилган ташрифларига оид ахборот ва суҳбатларида айрим масалаларнинг сиёсий аҳамиятини тушунмасликка ва ноаниқликларга йўл қўйган деб ҳисоблайди.

МК бюроси фикрига кўра, Рашидов сўнгги вақтларда ўзига ва қилган ишларининг, айниқса, мафкуравий соҳадаги ишларининг натижаларига эътиборсиз баҳо бергани мана шундай хатоларга йўл қўйишига олиб келди.

Ўзбекистон Компартияси МК бюроси қарор қилади:

1. Рашидов келгусида ўз амалий фаолиятида бундай ҳолатлар такрорланмаслигига йўл қўймаслик учун диққат-эътиборини қаратсин.
2. Рашидов ўз хатоларини чуқур эътироф этгани ва келгусида уларни такрорламамасликка сўз бергани маълумот учун қабул қилинсин».

Шароф Рашидов кейинчалик бу давр ҳақида эслаб, «1956–1957 йиллар ўрнатилган энг оғир дамлар бўлган. Ўша даврдаги воқеаларни эсласам, бештиёр кўзимга ёш келади», деган. Гап фақат сиёсий фаолиятига яқин ясалган деб турганида эмас, бу можаролар соғлиғига ёмон таъсир кўрсатганлигида эди. Оқибатда у 1958 йили узоқ даволанишга мажбур бўлди, хатто жарроҳлик операциясини бошдан кечирди. Нафақат Ўзбекистонда, шунингдек, раҳбариятга бирмунча юқори даражада хизмат кўрсатиладиган ҳукумат шифохонасида даволанди. Унинг ғанимлари ҳеч шубҳасиз айни шу мақсадни кўзда тутган – Рашидов саломатлиги ёмонлашиши оқибатида истеъфога чиқишга мажбур бўлади, деб ўйлашган. Бироқ уларнинг нияти амалга ошмади. Рашидов 41 ёшидаёқ истеъфога чиқишни хаёлига ҳам келтирмайди, агар шундай қилган тақдирда ҳам ишсиз қолмаган бўларди – Олий Совет Президиумининг Раиси бўлиб турган кезларда ҳам ижодий фаолият билан шуғулланарди.

Шароф Рашидов масаласи кўрилган бюро мажлисидан (1957 йил декабрнинг охирида) кейин тўрт ой ўтиб Муҳитдинов ҳақиқатан ҳам

Москвага ишга ўтказилди: у КПСС МК Президиуми таркибига киритилиб, КПСС МК котиби этиб тайинланди ва нафақат мамлакатнинг, айти пайтда дунё миқёсида Осиё мамлакатлари билан боғлиқ ишлар билан шуғуллана бошлайди. Шу асно Ўзбекистонда кейинги етти йил мобайнида олий партия раҳбарияти уч марта ўзгарди – бу камдан-кам кузатиладиган ҳол эди.

Мамлакат олий партия раҳбарияти таркибига мусулмон миллатига мансуб кишиларнинг киритилиши деярли барча республика олий раҳбарияти орасида кўролмасликни келтириб чиқарди. Улар орасида ҳатто Ўзбекистонни атайлаб олдинги сафга тортишаётир, унинг пойтахти Тошкент мамлакатнинг иккинчи пойтахти (!) мақомига кўтарилаётир, каби миш-мишлар тарқалди.

Н.Муҳитдинов Москвага ишга ўтгандан кейин Ўзбекистон Компартияси МК бюроси олдида унинг ўрнига кимни тайинлаш масаласи кўндаланг бўлди. Бу борада бюро аъзолари икки хил фикр билдирди: бировлар Ўзбекистон Министрлар Советининг Раиси, асли тошкентлик Собир Камолов, бошқалар Шароф Рашидов номзодини кўрсатди. Муҳокамалар натижасида бу лавозимга С.Камолов сайланди. Аммо кўпчилик, ҳатто С.Камоловнинг ўзи ҳам бу танловнинг тўғрилигига шубҳа қилар – у бутун республикага раҳбарлик қилишга тажрибам етарли эмас, деб ҳисобларди. Бироқ дўстлари айнан унинг номзодини ёқлаган, чунки улар республикадаги олий раҳбарлик лавозими бошқалар кўлига ўтишини хоҳламасди.

Камоловни Москва ҳам маъқуллайди. Рашидовнинг «шахсий иши» республика МК бюроси мажлисида кўрилганини бу ердагилар ҳам унутишмаган (бюро мажлисидан кўзланган мақсад амалга ошганди). Бу республика раҳбариятидаги охириги ўзгариш эмаслиги, С.Камолов кўп ўтмай ўз ишини уддалай олмаган раҳбар сифатида ишдан олиниши ўшанда ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаганди. Бу бир оз кейин содир бўлади, ҳозирча Марказ Ўзбекистоннинг янги раҳбариятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Бинобарин, 1958 йил 18–19 февралда Москвада Бутуниттифок пахтакорлар кенгаши ўтказилди, унда Ўзбекистондан бир ярим мингга яқин меҳнат илғорлари ва деярли бутун республика раҳбарияти иштирок этди.

Марказ ўша пайтгача Ўзбекистонга нисбатан бундай хайрихоҳлик қилмаганди. Фақат Сталин даврида, 1935 йилда Ўзбекистоннинг таниқли кишилари Кремлга таклиф қилинган, лекин уларнинг сони 20 нафардан

Ушанда ҳам меҳмонларга юқори давлат нишонлари, совғалар қилинганди. Хрущёв эса бу борада жуда катта бағрикенглик қилди – Ўзбекистонлик бир йўла бир ярим минг кишини Кремлга таклиф этди. Бу тагида ўзига хос режа яширинган – мамлакат ўзбекистонликларга жуда катта миқдорда пахта етказиб бериш мажбуриятини қўйганди.

Уша пайтда қутилмаган воқеа юз берди. Ўзбекистонлик вакиллар билан ошпазларни олиб келишди, улар палов тайёрлаб, мамлакат раҳбарлари ва нуфузли анжуман қатнашчиларини ҳайратга солишни ният қилганди. Шу мақсадда Москвага бир неча катта дошқозонлар олиб келинди. Бироқ улар жуда катта бўлгани учун Кремль ошхоналари эшигини очмайди. Ошпазлар ўйлаб ўтирмай қозонлар учун Кремль ҳовлисида ўз казишга киришади. Буни кўрган соқчилар ваҳимага тушиб, юқори раҳбарлига ўзбекистонлик Нуриддин Муҳитдиновга мурожаат қилишади. У шунда палов тайёрлаш учун қулай ошхонани топиб берди ва қозонларни олиб ярни ўрнатилди. Дарвоқе, ўзбек ошпазлари пиширган палов бутун Кремль раҳбариятини ўзига хос таъми билан ҳайратга солади.

Ўзбекистон 50-йилларнинг ўрталаридан эътиборан нафақат қишлоқ ҳуқуқлиги, балки бошқа соҳаларда ҳам раванқ топди. Жумладан, фақат қишлоқ аҳолисининг жамғарма банкларидаги маблағлари мазкур ўн йиллик бошидагига нисбатан 4 марта ортиб, 244 миллион сўмни ташкил қилади.

Ўзбекистонда ўша пайтда 31 та олий (88 минг талаба) ва 85 та ўрта махсус ўқув юртлари фаолият юритарди. Республиканинг ҳар 10 минг аҳолисига 108 нафар талаба тўғри келарди (бу кўрсаткич АҚШда – 92, Японияда – 58, Францияда – 39, Италияда – 31 кишини ташкил қиларди). Ўзбекистонда ҳар тўрттадан бир киши қайсидир ўқув юртида таълим олар, олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар сони 190 мингга яқин бўлиб, бу 1913 йили бутун чор Россиясидаги шундай мутахассислар сонидан анча кўп эди<sup>1</sup>. Яъни Ўзбекистон 45 йилда Шарқнинг энг ўқимишли ўлкаларидан бирига айланди. Дарвоқе, бошқа иттифоқдош республикаларда ҳам шундай кўрсаткичлар қўлга киритилганди. Шу муносабат билан қуйидаги далилни келтириб ўтиш ўринлидир. Жон Кеннеди 1960 йил-

<sup>1</sup> Қаранг: Очерки истории Коммунистической партии Узбекистана. Ташкент, издательство «Узбекистан», 1974. С. 557.



да АҚШ президенти этиб сайлангач, биринчи галда шундай иш қилади: МРБга – Марказий Разведка Бошқармасига Иттифоқнинг таълим тизимидан нусха олиш юзасидан чора-тадбирлар кўришга оид кўрсатма беради. Яқин ўтмишда аҳолиси асосан саводсиз мамлакат қисқа муддатда ақл бовар қилмас иқтисодий юксалишга эришгани, Иккинчи жаҳон урушида ғалаба қозонгани ва жаҳоннинг қудратли давлатига айлангани Кеннедини ҳайратга солганди.

Ўзбекистонга қайтамиз.

Республика аҳолисидаги радиоприёмниклар сони 50-йилларнинг охирларига келиб 706 минг донага етди, радиоэшиттиришлар берадиган нуқталар 750 мингтани ташкил қилди. Шаҳар ва қишлоқлардаги кинотеатр томошабинларининг йиллик сони 75 миллионга (ҳар бир киши йилига 9 марта кинотеатрларда бўлган) етди.

Тошкентда фаолият юритаётган грампластинкалар корхонаси 1945 йилда дастлабки маҳсулотини чиқара бошлади. Ўн тўрт йилдан кейин мазкур корхона бир йилда 12 миллион дона грампластинка ишлаб чиқариб, маҳсулот бутун мамлакатга етказиб берилади.

Республикада телекўрсатувлар ривожлана бошлади. Ўзбекистонда дастлабки телемарказ Тошкентда 1956 йилда (иккинчиси Урганчда, Рашидов даврида бошқалари эса сал кейин) очилди. Фақат 1959 йилда аҳолига 39,9 минг дона телевизор сотилди.

Иқбол Олимжонова ҳамда Юнона Столярова Ўзбекистон телевидениесининг биринчи дикторлари бўлган. Телевидение ташкил қилинганидан буён 60 йил мобайнида эликдан ортиқ одам диктор бўлиб ишлаган. «Тошкент ҳақида мактублар» сайтида шу муносабат билан қуйидагича қайд этилганди:

«Телевидение ташкил топган дастлабки йиллардан диктор бўлиб ишлаган Ўктам Мамажонович Жобировни биринчи галда ҳурмат билан эсга олишимиз керак. Ўктам Мамажонович Фарғона вилоятининг «Аввал» қишлоғида 1932 йилда таваллуд топган. Ўрта мактабни тугатиб, Ўрта Осиев Давлат университетига кириш учун Тошкентга келди. Филология факультетининг талабаси, адабиёт ва шеърят ихлосманди Ўктам ака радио дикторлиги учун танлов бўлаётганидан танишлари орқали хабар топади ва ўзи учун муҳим қарорни қабул қилади. У мазкур танловда ғолиб бўлади ва Ўзбекистон радиосига диктор сифатида ишга қабул қилинади.

Ўтмасдан телестудия очилади, ҳамда энг яхши номзод бўлгани боис Мамажонович телевидениега диктор сифатида ўтказилади.

Унинг бутун умри мана шу даргоҳда ўтади. Ўзбекистон халқ артисти Кодир Махсумов ва Гуйғуной Юнусхўжаева шогирди сифатида бошлаган Жобиров уларнинг тажрибасига таянган ҳолда шунингдек, муаллимлик салоҳиятига эга бўлгани учун ёш кадрларга таълим беради, уларга устозлик қилади. Ёшлар унинг раҳбарлиги остида сўз таълим, нутқ, дикция ва овозни бошқаришни ўрганади. Булар диктор сифатида ўзининг тажрибаси ва билимини оширишда ҳам қўл келади. У телевидениенинг бош диктори сифатида ўттиз йилдан ортиқ вақт мобайнида салокат билан фаолият юритди. Ўзбекистон телевидениесининг турли каналларида ҳозир ишлаётган кўплаб дикторлар ва бошловчилар Ўктам Мамажонович билан бирга ишламаган бўлсалар ҳам ўзларини «Жобиров мактаби» шогирди деб билади. У шу асно телевидение «диктори» мактабига яратди. Ўктам Жобиров «Ахборот» дастурини, кундалик жуда оддий дастурларни ҳам олиб борарди. Байрам концертлари ва репортажларда ҳам қатнашарди. Ўзбекистонда республика миқёсида, Москвада эса Штифок миқёсидаги кўплаб тантаналарда бошловчилик қилган.

1973 йилда нашр қилинган Ўзбекистон Энциклопедиясининг 4-жилдида куйидагича ёзилган: «Қ.Махсумов, Т.Юнусхўжаева, Ў.Жобиров, Н.Иброҳимова, Г.Мельникова кабилар дикторлик касбини санъат даражасига олиб чиқди». Бу – дастлабки авлод дикторлари ижодининг эътирофи ҳисобланади».

Ўзбекистонда русийзабон дикторлар мактабининг асосчиси – Галина Мельниковани алоҳида тилга олиш жоиз. У телевидениеда 1956 йил 26 декабрдан ишлаб бошлаган. Телевидениенинг «Ахборот» информацион дастурини олиб борган ва турли давлат тантаналарида бошловчилик қилган. Г.Мельникова Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, қатор мукофотлар, жумладан, «Буюк хизматлари учун», «Дўстлик» орденлари, Россиянинг «Дружба» ордени, «Пушкин» медали билан тақдирланган. Ўзбекистон телевидениесидаги фаолиятини унинг ўзи шундай эслайди:

«У пайтларда ҳаммаси бошқача эди. Доим тўғридан-тўғри, жонли эфирга чиқардик. Ўшанда Ўзбекистонда фақат битта канал бўлган, кейинчалик иккинчи канал очилган. Кўп йиллар мобайнида асосан мана шу иккита канал фаолият юритган. Мен ҳар икки каналда ҳам ишлаган».

ман. Яхши эслайман, таникли ва машхур одамлар билан кўп учрашувлар бўларди. Қаерларда бўлганим, қандай кўрсатувлар олиб борганимни айтиб тамом қила олмайман.

Ўзим олган дастлабки интервьюни ҳам жуда яхши эслайман. Дастлаб машхур балет раққосаси Майя Плисецкаядан интервью олганман. М.Плисецкая бу пайтда жуда ҳам машхур, жуда савлатли бўлиб, ёшгина бўлганим учун менга осмондан тушган фариштадай туюлган. Бу кўрсатув эфирга жонли берилганди, кучли ҳаяжонланганим учун бўлса керак, қиёфам жуда-жуда ишонарсиз бўлган...

Мен космонавтлардан интервью олганман, Шостакович, Плисецкая, Вишневская, Мухтор Ашрафий, Тамарахоним, Ўзбекистоннинг ёзувчи ва шоирлари билан телевидениеда суҳбатлар ташкил қилганман. Москвада ўтказилган Ўзбекистон маданияти ва адабиёти кунларини намойиш қилишда фаол қатнашганман. Кремлдаги Съездлар саройида, Иттифок уйининг колонна залида ҳамда Космонавтлар шаҳарчасида бўлган концертларини бошловчи сифатида олиб борганман...»

Шу йиллари Ўзбекистонда катта қурилиш, чўл ва бўз ерларни ўзлаштириш ишлари давом эттирилди. 1956 йили Мирзачўлни ўзлаштириш бўйича қабул қилинган қарор муваффақиятли давом этарди. 1958 йил июнда КПСС Марказий Комитети ва Министрлар Советининг «Ўзбекистон, Қозоғистон ва Тожикистонда Мирзачўлни суғориш ва ўзлаштириш бўйича ишларни янада кенгайтириш ва жадаллаштириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. 1966 йилга келиб Мирзачўлда ўзлаштирилган ерлар кўламини 430 минг гектарга етказиш вазифаси юклатилди. Бу топшириқни бевосита амалга ошириш учун «Мирзачўлқурилиш бош бошқармаси» («Главгоподностепстрой») ташкил қилиниб, унга Ўзбекистонда танилган қурувчи ва тажрибали ирригатор ва ташкилотчи, Чирчиқ ва Фарход ГЭСлари қурилишларига бошчилик қилган А.Саркисов раҳбар этиб тайинланди.

Айни пайтда Ўзбекистонга С.Камоловнинг раҳбарлик қилиши узокқа бормади, у лавозимида бир йилу уч ой фаолият юритди. Унинг ишдан олинишига бевосита сабаб Кремль ҳамиша ўта хавотир ва хушёрлик билан қараган миллий ва диний масала бўлди.

Совет ҳокимияти диннинг давлатдан ажралганлигини эълон қилганига, атеизмни давлат сиёсати даражасига кўтарганига қарамасдан, дин совет

нинг ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлиб қолаверди. Айниқса, **Осиёда** азалий илдизларга эга ислом динига оид тушунча ва тамо-  
р кучли эди. Тарихчи А.Вдовин қайд этгандек:

ислом дини шунчаки эътиқод бўлиб қолмасдан, аҳолининг ҳаёт тарзи,  
раши, ахлоқий ва эстетик меъёрлари тизими ҳам эди. Совет давлати-  
нга қарши сиёсати исломни мафкура ва сиёсатдан сиқиб чиқарди,  
у онлавий ҳаётда, маиший соҳада ўз мавқеини сақлаб қолди. Айни  
оғалар қаршисида советларга хос коммунистик дунёқараш ожизлик  
Шу боис Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг туб аҳолиси анъанавий  
кадриятларни: кўп фарзандли оила, ижтимоий тузилмаларнинг  
қисми ва жамоавий кўринишини кўп жиҳатдан сақлаб қолди.

Хрущёв бошлаб берган «илиқлик» туфайли Марказ республика-  
р устидан ҳукмронлигини бир мунча сусайтиришга мажбур бўлди.  
сала, республикалар судларнинг тузилишига оид ўз қонунчилик  
ларни жорий этиш, вилоят маъмурий-худудий таркиблари маса-  
ларни мустақил ҳал қилиш имкониятига эга бўлди, айни пайтда рес-  
публкаларнинг бюджет билан боғлиқ ҳуқуқлари кенгайди. Шунингдек,  
нингдан ортиқ корхона иттифоқ тасарруфидан республикалар ихти-  
рга ўтказилди, 1957 йил май ойида эса яна бир муҳим қадам ташлан-  
тармоқ бошқарув тизими худудий бошқарув тизими билан алмашти-  
ди. Республикаларнинг Олий Советлари 107 иқтисодий туманларни  
(70 таси РСФСРида) ташкил қилди ва уларда жамоавий бошқарув орган-  
лари таъсис этилди. 141 та иттифоқ ва республика вазирликлари туга-  
тилди. 107 та тармоқ ва функционал бўлимларга эга шўъба бошқармалар  
пайдо бўлди. Уларнинг устидан Министрлар Советлари билан ёнма-ён  
республикаларнинг жамоавий бошқарув органлари фаолият юритиши  
бўлга қўйилди.

Бу янгиликлар марказлаштиришнинг кескин сусайишига ва бутун  
бошқарув тизимининг тақсимланишига олиб келиб, натижада миллий рес-  
публикаларда Марказ таъсири камайди. Жумладан, С.Камолов даврида  
Ўзбекистонда раҳбар кадрларни маҳаллийлаштириш яъни, бошқа мил-  
лат ва элат вакилларининг ҳуқуқларини паймол қилмаган ҳолда мансабга  
кўпроқ ўзбекларни тайинлаш ҳаракатлари бошланди. Албатта, аҳоли буни  
қобий қабул қилди ва мусулмончилик урф-одатларига оммавий ва ош-

кора амал қилиш: масжидларга қатнаш, ўғил болаларни суннат қилдириш, никоҳ ўқитиш ва марҳумларни ота-боболар каби диний талабларга мувофиқ дафн этиш кенг қулоч ёйди.

Совет давлати қирқ йиллик тарихга эга эканига, давлат микёсида атеистик сиёсат юритилаётганига қарамасдан, республикаларда оддий кишиларнинг динга муносабати турлича тусга эга эди. Агар асосан славян миллатига мансуб аҳоли яшайдиган минтақаларда динга юзаки муносабат кузатилса, Ўрта Осиё ва Кавказда, аксинча, аксарият одамлар, жумладан, ёшлар учун ҳам дин катта аҳамиятга молик эди. Марказ республикаларда дин билан боғлиқ вазиятни жуда яхши биларди, бироқ жойлардаги коммунистлар тимсолида ишонарли таянчга эга бўлмагани учун бирон-бир чора кўришдан ожиз эди: жойлардаги коммунистлар Марказнинг барча йўл-йўриқларидан қатъи назар у ёки бу даражада диндор эдилар. Бу, айниқса, Ўрта Осиёда, хусусан, Ўзбекистон мисолида яққол кўзга ташланарди. Бу борада тарихчи Л.Левитин шундай ёзади:

«50-йиллар охирида расман мавжуд масжид ва қадамжолар билан бир қаторда республика ҳудудида 270 та масжид ва 160 та қадамжолар норасмий фаолият юритиб, уларда норасмий муллалар хизмат кўрсатарди, талаба ва ўқувчи ёшлар ўртасида диний кайфиятларнинг ўсгани қайд этилади. Рўза ҳайити ва Қурбон ҳайитида фақат рўйхатдан ўтган масжидларга 1955 йил 164 минг, 1958 йили эса 288 минг киши ташриф буюрган. Самарқанддаги Ҳадиса Зумрад масжидида 1956 йил 19 июлда Қурбон ҳайити номозида 12 минг киши қатнашган, уларнинг ярмини 25 ёшдан кичик ёшлар ташкил этган. Тошкент шаҳар партия комитетининг маълумотига кўра, 1959–1960 йиллари турмуш қурган ёшларнинг 90 фоизи диний никоҳдан ўтган».<sup>1</sup>

Асосан республика партия раҳбариятининг розилиги билан Ўзбекистонда диний тамойилларга биноан хайрия мақсадларида эҳсон йиғиш бошланади, бу маблағларни диний тадбирларга сарфлаш мўлжалланганди. Кўплаб «қизил чойхона»лар дафъатан ислом асосларини тарғиб қилиш, диний маросимлар ўтказиладиган масканларга айлантирилди. Иш шу даражага бориб етдики, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг

---

<sup>1</sup> Л.Левитин. Узбекистан на историческом повороте. С. 202.

мамлакатларнинг бўлими мудирлари юқори партия органларига кирилл алифбоси асосидаги ўзбек ёзувини араб алифбосига алмаштиришга оид таклиф киритди. Буни араб мамлакатларида ишлаш учун арабшунос мутахассислар тайёрлаш эҳтиёжи билан асослашга уринишди.

Ушбу ташаббус Москванинг сабр косасини тўлдириб юборди. Марказ жиддий хавотирга тушди, чунки бундай сиёсат эрта-кечми республикалар раҳбарлари томонидан ҳаддан ташқари кенг мустақилликка эга бўлишга олиб келиши, бу эса охир-оқибат Москва учун, ҳатто айрим республикаларнинг Иттифоқ таркибидан ажралиб чиқиши хавфини келтириб чиқариши мумкин эди. Миллий масалалар борасида нўноқ бўлишига, кўпинча ўзбекларни тожиклар билан, қозоқларни қирғизлар билан чалкаштириб юборишга қарамасдан, Хрушчëв ҳам буни англаб етади. Шу муносабат билан қуйидаги воқеа эътиборга молик: Хрушчëв 1955 йил охирида Ҳиндистон сафаридан қайтишда Ўзбекистонда тўхтаб ўтади. Бу – КПСС МК раҳбарининг бутун совет давлати тарихи мобайнида Ўзбекистонга биринчи ташрифи бўлган.

Тошкент марказий майдонида Хрушчëв ўз нутқини кутилмаган мурожаат билан бошлайди: «Муҳтарам тожик дўстлар...» Кейинги гаплари бундан-да ошиб тушади: «Сиз, тожикларни ҳар қанча мақтасак ҳам оз. Мана ўзбеклар астойдил тер тўкиб ишламаётир – давлатга пахта топшириш режасини барбод қилишаётир». Хрушчëв билан минбарда ёнма-ён турган Ўзбекистон раҳбарлари саросимага тушиб қолади. Тошкент марказига тўпланган шаҳар вакиллари ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Ниҳоят, ёнида турганлардан бири янглишганини Хрушчëвга тушунтиради ва бош котиб, барчадан узр сўраб, ўзбекларга бошқа тожиклар дея мурожаат қилмайди.

Айни пайтда Марказий Комитетда Хрушчëвдан фарқли равишда миллий муаммоларни яхши биладиган мутахассислар хизмат қиларди. Уларнинг аксарияти Сталин даврида бу ерга ишга келган, Сталиннинг ўзи ҳам миллий масалани пухта билар ва бу қалтис муаммо билан теран билимга эга кишилар шуғулланишига алоҳида эътибор берганди. Хрушчëв ҳокимият тепасига келгач, МКдаги шундай одамларнинг бир қисмини ишдан бўшатади, бироқ қолган ходимларнинг ўзи ҳам унга муаммони

бартараф этишда катта ёрдам беради. Натижада, 50-йилларнинг охирлари ва 60-йилларнинг бошларида деярли барча Ўрта Осиё Республикаларида раҳбар кадрларни кенг кўламли тозалаш иши амалга оширилади, яъни бош кўтара бошлаган миллатпарварларни жиловлаш тадбирлари кўрилади. Бу йўналишда дастлаб Туркменистон раҳбари алмаштирилади (1958 йили), бир йилдан кейин навбат Ўзбекистонга келади ва Шароф Рашидов Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари лавозимини эгаллайди.

## *II қисм*

### **АРОСАТ ДАВР**

#### *9-боб*

#### **УЧ КУН ВА ИККИ КЕЧА**

Никита Хрущёвнинг Шароф Рашидовни Ўзбекистоннинг раҳбари этиб тайинлашини унинг айрим яқинлари тушуна олмадилар, чунки улар Рашидовни миллатпарвар ва ислом дини анъаналарига садоқатли деб билишарди. КПСС МК Президиумининг аъзоси Анастас Микоян бошчилигидаги ҳукумат вакиллар таркибида Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон ва Бирмага ташрифидан кейин 1956 йилда Рашидовнинг қилган ишини улар яхши билишарди. Бинобарин, Рашидов ўшанда Ўзбекистон КП МК бюроси мажлисида республикада мусулмонларга ҳурматсизлик билан муносабатда бўлинаётганига оид масалани кўтарганди. Шу муносабат билан ўша пайтдаги Ўзбекистон КП МК 1-котиби Н.Мухитдинов номига Рашидов йўллаган мурожаатнинг тўла матнини келтираман:

«Ўртоқ Микоян билан Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон ва Бирмага ташрифимиз чоғида Англия ва Америка империалистлари томонидан айни мамлакатларда мусулмон уламолари воситасида советларга қарши кўпдан-кўп тарғиботларнинг гувоҳи бўлдим.

Мен томондан КПСС МКга йўлланган ёзувнинг нусхасидан кўриниб турибдики, Совет Иттифоқидаги мусулмонлар «ўта оғир аҳволда яшаётир», ўзбеклар, тожиклар ва бошқа мусулмон халқларининг ҳақ-ҳуқуқларини коммунистлар поймол қилаётир, диний амалларни бажаришларини тақиқлаб қўйишган каби миш-мишларни Америка – Англия империалистлари радио, матбуот ва ўзларининг жосуслари томонидан тарқатмоқда.

«Исламик ревью» (Лондон), «Мидул ист джорнэл» (США) журналлари ва қатор газеталарда кейинги пайтда бўҳтондан иборат туркум мақолалар эълон қилинган. Уларда Ўзбекистонда нафақат диний эркинлик, шунингдек, бутун ўзбек халқи ва унинг миллий маданияти йўқ қилинаётгани овоза қилинган.



Шу боис Шарқ мамлакатларида дўстларимиз ва ғанимларимиз томонидан эълон қилинаётган Совет Ўзбекистони тўғрисидаги барча материаллар ҳақида МК бюросига мунтазам равишда ахборот бериб туришни Тошкентдаги барча шарқшунослик ташкилотлари зиммасига юклаш лозим. Англия ва Америка матбуоти ва газеталаридаги, уларнинг Шарқ мамлакатларидаги жосусларининг советларга қарши бўхтон ёғдиришларини биз жавобсиз қолдира олмаймиз.

Назаримда, бизнинг вазифамиз Англия – Американинг советларга қарши тарғиботига қарши тарғибот олиб боришимиз, Коммунистлар партияси ва Совет давлатининг миллий сиёсатини, Ўзбекистон ва Ўрта Осиёдаги бошқа республикалар халқларининг халқ хўжалиги ва маданий таракқиёт соҳасида эришган ютуқларини хорижий Шарқ мамлакатларида тарғиб қилишимиз керак.

Шу мақсадда мамлакатимиз мусулмонлари диний амалларни эркин адо этаётганларини, қолаверса, масжидлар, диний билим юртлари ва диний обидаларни хорижий давлатлардан келган вакилларга ошқора кўрсатишимиз зарур.

Бу масалани ўрганиш шуни кўрсатдики, Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон ва Бирмада тарғибот фаолиятимиз жуда чекланган кўламларда ва сусткашлик билан олиб борилаётир.

Ўзбекистон радио-ахборот комитетининг хорижий Шарқ мамлакатларига радиоэшиттиришларида Иттифокда шахс эркинлиги ва диний эркинлик масалалари жуда кам ёритилмоқда. Бу масалалар юзасидан деярли адабиётлар йўқ.

Ўзбекистон ва бошқа Ўрта Осиё Республикаларида диний эркинлик йўқлигига оид бўхтонлар ва ахборотларни рад этиш мақсадида Ўрта Осиё ва Қозоғистон диний бошқармаси вакилларининг бизнинг радиода, шунингдек, хорижий матбуотда чиқишларини ташкил қилиш керак.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси журналининг чиқарилиши 1948 йилда тўхтатиб қўйилганини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Ўзбекистондаги кўплаб масжидлар, мазорлар ва диний ёргорликлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган ёки бошқа мақсадларда фойдаланилмоқда. Жумладан, ҳозир таъмирланаётган Бароқхон мадрасасининг чап томонида Тошкент саноат моллари савдо ташкилотининг керосин сотиш дўкони

жойлашган. Ҳолбуки, бу мадрасада Тошкент ислом билим юртини очиш  
шўжжалланмоқда.

Тошкентнинг марказий Тилла Шайх масжиди ёнида жойлашган Диний  
бошқармага тегишли иморат эса 23-мактабнинг спорт зали қилиб олинган,  
бу иморатнинг деразалари айна масжид томонга қараган.

Мадраса ва марказий жоме масжидининг яқинида, эски шаҳар бозори-  
нинг минорасига жуда кучли репродуктор ўрнатилган бўлиб, бу орқали  
айни намоз пайтида жуда баланд овозда эшиттириш берилади ва намоз-  
хонларга халақит берилади.

Имом Қафқол Шоший мақбараси олдидаги масжид автомактаб  
ўқувчиларига ётоқхона қилиб берилган: мазкур масжид гумбазига, диний  
ярим ой белгиси устига қизил байроқ илиб қўйилган.

Шайх Зайниддин жоме масжиди олдидаги қабристон Архитектура  
бошқармаси ихтиёрига берилган бўлиб, кулфлаб қўйилган, оқибатда ди-  
ний намояндалар мазкур қадимий ва муқаддас қабристонни чет эллардан  
келган вакилларига кўпинча кўрсата олмайди. Жумладан, Албания вакил-  
лари Тошкентга келганда мазкур қабристонни зиёрат қилишни режалаш-  
тирганди, бироқ дарвоза калитини ўзи билан олиб юрадиган қоровулни  
топа олишмаган.

Тошкент вилояти Янгийўл туманида жойлашган Занги Ота масжиди  
ва қабристониди Кўрлар жамиятининг арқон эшиш корхонаси жойлаш-  
тирилган.

Эслатиб ўтилган масжид ва қабристонлар бебаҳо меъморий ёдгор-  
ликлар бўлиши билан бирга Шарқдаги мусулмон мамлакатларида  
муқаддас қадамжолар сифатида маълум ва машҳурдир. Ўзбекистонга хо-  
риждан, айниқса, мусулмон давлатларидан келаётган юқори мартабали  
вакиллар мазкур муқаддас қадамжоларга катта хурмат билан қараб, зиё-  
рат қиладилар.

Мазкур масжид ва мазорларнинг хароб аҳволга тушиб қолгани, бошқа  
мақсадларда фойдаланилаётгани ислом намояндalари, мусулмонлар норо-  
зилигига сабаб бўлаётди, шунингдек, хорижий меҳмонларда ёмон таассу-  
рот қолдириб, чет элларда салбий фикрлар билдирилишига олиб келаётди.  
Буларнинг барчаси Америка – Англия империалистларига қўл келмоқда  
ҳамда совет тузумига қарши фитнакорона мақсадларда бўхтонлар ёғди-  
ришига замин яратмоқда.

Ўзбекистон КП МК бюроси мазкур масалага аралашиши талаб қилинади, деб ҳисоблайман.

Шунга доир қарор лойиҳасини тақдим қилаётирман.

Ш.Рашидов».

Шароф Рашидовнинг бу мурожаатига дарҳол муносабат билдирилди. Ўзбекистон КП МК бюроси уни кўриб чиқиб, қатор қарорлар қабул қилади. Рашидов таклифлари инобатга олинган қарорларда қуйидагилар кўрсатилганди:

1) Ўзбекистон мусулмонлари ҳаёти тўғрисида очерклар тўплами ва республикадаги диний обидаларга оид бир неча (ўзбек, араб, форс ва урду) тилда суратли альбом-йўлқўрсаткич нашр қилиш;

2) Иттифокда диний эркинликни тарғиб қилиш мақсадида хорижий Шарқ мамлакатлари учун радиоэшиттиришлар сифатини яхшилаш;

3) Ўрта Осиё Республикаларидаги аҳволга оид хорижий матбуот материалларини ўрганиш ва республика раҳбариятини мазкур материаллар билан хабардор қилиб боришни Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти ва Ўрта Осиё Давлат университети шарқшунослик факультетига топшириш;

4) Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси раҳбарларининг Ўзбекистонда диний эркинлик йўқлиги тўғрисидаги бўҳтонларни фош этишга қаратилган мактуб ва мақолаларини хорижий мусулмон мамлакатлари журналларига юборишни таъминлаш Ўзбекистон Маданият вазирлигига топширилсин;

5) Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг нашр органи – расмий журнали хорижда тарқатиш учун асосий адади ҳисобга олинган ҳолда қайта нашр этиш йўлга қўйилсин;

6) Диний бошқармага Тошкентда 1956 йилда 30 ўқувчи қабул қилинадиган ислом билим юрти очишга рухсат берилсин, Бухородаги «Мир Араб» мадрасасига ўқувчилар қабул қилиш шунга мос равишда қисқартирилсин;

7) Диний бошқармага чет эллик мусулмон арбобларидан иборат нуфузли вакилларни қабул қилиш учун Тошкентда дала ҳовли кўринишидаги меҳмонхона қуришга рухсат берилсин;

8) Архитектура бошқармаси тасарруфидаги айрим масжид ва қабристонлар Диний бошқармаси ихтиёрига берилишига рухсат берилсин.

**Шароф Рашидовнинг** бундай мурожаатини Москвадаги муайян доиралар «мусулмонларнинг диний кечинмалари билан муросагўйлик ва уларга хайрихоҳлик» ҳам «ашаддий миллатчилик» сифатида талқин қилишди, бу эса ўтакетган атеист бўлган Хрущёв томонидан жиноят сифатида қабул қилиниши мумкин эди. Агар шундай бўлганда, Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари лавозими Рашидовнинг етти ухлаб ҳам тушига кирмасди. Бироқ КПСС МКида (Партиявий-ташкилий ишлар бўлимида), махсус комитетлари республикаларнинг раҳбарларини мунтазам кузатиб борадиган (интернат республикаларда ДХК раҳбари лавозимига атайлаб Москванинг комитетлари тайинланар, хусусан, Ўзбекистонда бу лавозимда Алексей Бизов билан олиб борарди) ДХКида ҳам жуда хушёр мансабдорлар фаолият юритар, улар Собир Камолов ва унинг тарафдорларига нисбатан Рашидовнинг бундай миллатпарварлиги ўлса ўлиги ортиқ эканини яхши билишарди. Бу ҳақиқат эди. Камолов билан унинг тарафдорлари Марказ республикаларни бошқариш жилловини кўлдан чиқараётганини пайқаб, муаммони бир ҳамла билан ҳал қилишга аҳд қилган бир паллада чуқур билимга эга ва эҳтиёткор Рашидов республикани мўътадил исломлаштиришни ёқлаб чиққанди. Оқибатда Камолов ва унинг тарафдорларига танлаган йўллари қимматга тушди.

Кейинги 20 йил мобайнида айнан икки воҳа – Фарғона ва Тошкент намояндалари республикадаги олий партия ташкилотига раҳбарлик қилди (1938–1950 ва 1950–1955 йилларда фарғоналиклар Усмон Юсупов ва Амин Ниёзов; 1955–1957 ва 1957–1959 йилларда «тошкентликлар» Нуриддин Муҳитдинов ва Собир Камолов). Бу бежиз эмасди, чунки Ўзбекистонда Тошкент ва Фарғона вилоятлари барча кўрсаткичлар, жумладан, ялпи саноат маҳсулотлари ҳажмига кўра республикада илғор ҳисобланарди. Бироқ 50-йилларнинг иккинчи ярмида Москва, афтидан, узил-кесил шундай хулосага келдики, бу вилоятларнинг вакиллари ишончни йўқотмоқда, миллий масалада асл ниятларини фош қилиб кўймоқда. Марказ ниҳоят, Фарғона водийсининг аҳолиси Ўзбекистонда ўта динпараст эканига эътиборни қаратади. Буларнинг барчаси Ўзбекистон раҳбариятидаги самарқандлик мансабдорларга жуда кўл келди, уларнинг ёрқин намояндаси айнан Шароф Рашидов эди.

Юқорида қайд этилганидек, Ўрта Осиё Республикаларининг раҳбарларини алмаштиришни Москва Туркменистондан бошлади: 1958 йил де-

кабрда Жума Караев айни республика раҳбари этиб тайинланди. Навбатда Ўзбекистон турар, унинг раҳбари уч ойдан кейин – 1959 йил март ойида алмаштирилиши кўзда тутилган эди. Республика раҳбарияти бундан албатта хабардор, бироқ айнан ким Ўзбекистон раҳбари бўлиши мавҳум бўлиб қолаётганди. Айни пайтда мазкур лавозимга номзодлар санокли эди.

Икки киши: Ўзбекистон Олий Совети Президиуми Раиси Шароф Рашидов (самарқандликлар вакили), биламизки, унинг номзоди бир ярим йил муқаддам ҳам мазкур лавозимга кўрсатилган, бироқ Собир Камоловга имкониятни бой берганди ҳамда Самарқанд вилоят партия комитетининг раҳбари Ориф Алимов (тошкентлик) асосий даъвогар эди. Ориф Алимов тошкентлик бўлгани ва тошкентликлар Москванинг ҳафсаласини пир қилганини ҳисобга олганда, бу сафар Шароф Рашидов устун мавқега эга бўлганини тахмин қилиш мумкин. Тўғри, Москвада тошкентликларнинг ўз одами Н.Муҳитдинов фаолият юритар ва у Хрушчёвга таъсир кўрсатиши эҳтимолдан холи эмасди. Лекин у тавсия қилган одам Марказнинг ишончини оқлай олмаганини ҳам унутмаслик керак (кейинчалик, 60-йилларнинг бошларида Муҳитдинов ўз ўрнига қўлидан иш келмайдиган одамни раҳбар қилиб қолдирганини Москва унга писанда қилганди).

1959 йил февраль ойининг иккинчи ярмида Рашидов Москвага боради. Бу унинг Ўзбекистон Олий Совети Президиуми Раиси сифатида Москвага охириги бориши бўлади. Бу ташриф хизмат тақозоси эди. Биринчидан, у Ўзбекистон Адабиёти ва санъати Учинчи декадаси очилишида иштирок этади. Мазкур тантанада Н.Хрушчёв, шунингдек, Иттифоқ Министрлар Совети Раисининг 1-ўринбосари А.Микоян ва КПСС МК котиблари А.Аристов ҳамда Е.Фурцева қатнашади. Декада Мухтор Ашрафийнинг «Дилором» операси билан очилиб, мазкур опера Катта театр саҳнасида намойиш қилинади. Иккинчидан, Рашидов 23 февралда Иттифоқ Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари сифатида Хрушчёвнинг Буюк Британия Бош вазири Гарольд Макмиллан билан учрашувида иштирок этади.

Декада 24 февралгача давом этади: шу куни Катта театрда якуний концерт берилиб, унда яна Хрушчёв ва Рашидов ҳозир бўлишади. Концертда «Баҳор» рақс ансамбли, хонанда Баҳром Мавлонов ва бошқа ўзбек санъаткорлари қатнашади. Концерт тугагач, машҳур сўз устаси – 90 ёшли Юсуфжон қизиқ Шакаржонов бир гуруҳ ўзбекистонликлар билан ҳукумат

...га кўтарилиб, Хрушчёвга В.И. Ленин тасвири туширилган Бухоро  
... ва бошқа совға-саломларни тақдим этади. Декада тугаши билан  
... ватанига қайтиб келади, уч ҳафтадан кейин эса Ўзбекистон КП  
...нинг 1-котиби лавозимига сайланади.

Кремль мансабдорлари Рашидовни обрўсизлантиришга куч бера бош-  
... Горбачёвнинг қайта куриш йилларида гўё Рашидов кутилмаганда  
Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари бўлганди, деган миш-мишга зўр бер-  
... Никки ўзбек адиби – Комил Икромов (Сталин ҳукмронлиги йилларида  
Ўзбекистон раҳбари бўлган ва 37-йилда қатағон қилинган Акмал Икромов-  
... ўғли) ҳамда Темур Пўлатов айна шундай миш-мишни тарқатишади.  
Комил Икромов бир пайтлар республика адабий ҳаётига ўзгача муноса-  
... бўлиб, Рашидов билан келишолмай қолади, бироқ бир неча йиллар-  
... кейин ўз фикрларини ўзгартириб, 1979 йил октябрда Рашидовга узун-  
... узун мактуб йўллайди. Мактубда жумладан, шундай эътироф бор эди:

«Менинг отам бошлаган ўта масъулиятли ишни бағрикенглик билан  
... давор давом эттираётганингизни ўйлаганимда қалбим фахру ғурурга  
... тўлади. Отамнинг ва сизнинг фаолиятингиз ўзаро уйғун экани теран  
... қаматга эга!..»

Орадан ўн йил ўтмасдан К.Икромов Рашидовни ҳатто ҳақорат қила  
... бошлайди. Хусусан, 1987 йил июнь ойида «Литературная газета»да мақола  
... қилиб, Ўзбекистон КП МКнинг 1-котиби лавозимига тасодифан  
... сайланганига оид миш-мишни тарқатади.

Икромов ҳам, Пўлатов ҳам айна мулоҳазани билдирар экан, Ўзбекистон  
КП МК бюросининг собиқ аъзоси Расул Ғуломовнинг фикрига таянади-  
... лар, бироқ бу ҳам уларнинг мулоҳазаси ҳаққоний бўлишини таъминлай  
... олмайди.

К.Икромов «Литературная газета»нинг 1987 йил июнь ойи сонидан жум-  
... ладан шундай ёзади:

«Расул Ғуломов 1959 йилда Ўзбекистон КП МК бюросининг аъзоси си-  
... фатида Рашидовнинг биринчи котиб лавозимига сайланишига қарши овоз  
... беради ва унинг фикрига бюро аъзоларининг тенг ярми қўшилади.

Мажлис жуда узоқ давом этади. Москва билан маслаҳатлашилади,  
... гаркаладилар, яна мажлис бошланади ва тортишувлар давом этади. Раши-  
... довнинг номзодига катта шубҳа билан қарашса ҳам охир-оқибат уни сай-

лашади. Унинг фойдасига фақат битта кўп овоз берилади. Бу айнан Рашидовнинг ўз овози эди».

Энди эса Т.Пўлатовнинг мулоҳазаларига кулоқ тутайлик. Унинг мақоласи бир йилдан кейин – 1988 йил июлда – қайта қуриш даврининг бошқа бир либерал наشري – «Огонёк» журналида босилади. Мақоладан парча:

«Республика Компартияси МК биринчи котиби лавозимини муносиб шахс эмас, балки Рашидов эгаллагани тасодифий бир ҳол бўлган. Ўша пайтдаги воқеаларда бевосита иштирок этган, кекса большевик Р.Ғуломовнинг менга айтишича, МК бюроси мажлисида биринчи котиб лавозимига ким сайланиши масаласи кўрилганда, Рашидовни ёқлаб ва унга қарши овозлар оз ҳам, кўп ҳам эмас – баравар бўлиб қолади. МК Пленуми санаси эълон қилинган, бюро аъзолари эса ҳамон баҳслашарди. Ўшанда, миш-мишларга (ўша пайтдаги воқеаларнинг бевосита иштирокчиси Р.Ғуломов мулоҳазаларига таянган адибнинг «миш-миш» сўзини ишлатгани мантиққа зид) қараганда, Тошкентга келган КПСС МК вакиллари Хрушчёвга телефон қилиб: «Ўзбекистонлик ўртоқлар сира келиша олмаяптилар» деб маълум қилишади. Н.С. Хрушчёв эса «номзодлар рўйхатида кимлар бор?» деб сўрайди. Рўйхатни ўқиб беришади. Хрушчёв эса: «Мен фақат Рашидовни танийман. Ҳиндистон сафарига менга ҳамроҳлик қилган», деб жавоб беради. Хрушчёвнинг айтиши шу фикрига асосан бюро аъзолари Рашидовни 1-котиб лавозимига сайлайдилар».

Ўша воқеаларда иштирок этган Р.Ғуломовнинг фикри ҳам бу масалага ойдинлик киритмаган, аксинча, яна чалкаштирган. Икромовнинг фикрига кўра, 1-котиб лавозимига сайланишида Рашидовнинг ўзи алоҳида роль ўйнаган (овоз беришда айнан унинг овози масалани ҳал қилган), Пўлатовнинг мулоҳазасига кўра эса, Хрушчёвнинг бир оғиз гапи билан ҳаммаси ҳал бўлган. Ўз-ўзидан савол туғилади: овоз бериш бўлганми-бўлмаганми? Овоз бериш ўтказилган бўлса, Москвага кўнғироқ қилишнинг нима ҳожати бор эди? Ахир айнан Москвадан вакиллар келган, улар мазкур лавозимга кимни сайлашга оид махсус кўрсатма билан келган бўлишлари керак эди. Бинобарин, КПСС МКнинг партиявий органлар бўлими мудирининг 1-ўринбосари Пётр Пигалев ва КПСС МК sanoat товарлари бўлимининг мудирини Леонид Лубенников Марказдан вакил бўлиб Тошкентга келганди.

буларни осон ҳал қилса бўларди: Ўзбекистон КП МК бюроси-  
1-котиб тақдири ҳал қилинган ўша мажлис материаллари  
бюросига танишилса бас эди. Лекин атайлаб шундай қилинмаган.  
шундай қилинганда, К.Икромов билан Т.Пўлатов каби кишилар  
маънафат бўйлаб тарқатган миш-мишлар совун пуфагидай ёри-  
стон экани маълум бўлиб қоларди. Бундай бўлишини Москвадаги,  
стондаги юқори мансабдор шахслар хоҳламасди. Оқибатда бунга  
бир неча йиллардан кейин, Иттифоқ тарқаб кетгач, 90-йиллар-  
ларидида ойдинлашди. Ўшанда Ўзбекистонда С.Ризаевнинг Ша-  
дов тўғрисидаги китоби чоп этилиб, унда ўша тарихий мажлис-  
стенографияси эълон қилинади. Мажлисда сўзга чиққанлар орасида  
овнинг (К.Икромов ва Т.Пўлатов қайд этган) исм-шарифи қайд  
лади. Лекин у миш-миш тарқатган ёзувчиларнинг фикрига тамомила  
фикрни билдиргани аён бўлади.

Ўзбекистон КПнинг янги раҳбарини сайлашга бағишланган мажлис  
хам уч кунга чўзилади – 1959 йил 12 – 14 март кунларида бўлиб  
Лекин бюро аъзолари дастлабки икки кун мобайнида олдинги  
котиб Собир Камоловнинг фаолиятини муҳокама қилишади ва  
мажлиснинг учинчи куни республика КП раҳбарини сайлаш масала-  
бағишланади. Мажлиснинг учинчи куни янги биринчи котиб номзоди  
ча деярли баҳслар бўлмайди. Аксинча, бу борада яқдил қарор қабул  
линади.

Фикрларим асосли бўлиши учун стенограммадан айрим парчалар кел-  
тираман.

Р.Мельников (Ўзбекистон КП МКнинг 2-котиби): «Биз МК биринчи  
котибинини сайлашимиз керак. Номзодлар муҳокамасига киришамиз. Ким  
сўзга чиқади?»

З.Раҳимбобоева (Ўзбекистон КП МК котиби): «Бизга, ўртоқлар, катта  
гайёргарликка эга, хурмат-эътиборли, билимдон, МК бюросини ўз атро-  
фида жипслаштира оладиган биринчи котиб керак. Бу одам МК бюросида  
жипслаштиришни, дўстлаштиришни қарор топтириш эвазига МК бюроси аъзола-  
рига талабчанликни ҳам ошириши керак, шунингдек, халқ билан бир тану  
бир жон, юқори даражада серғайрат, зиёлилар билан яқин алоқадаги инсон  
ҳам бўлиши керак.



Ўйлашимча, биринчи котиб лавозимига Шароф Рашидович Рашидов номзодини кўрсатишимиз керак. Ҳаммамиз уни биламиз. Ҳар биримиз ўз фаолиятимиз билан унга ёрдам берсак, куч-ғайратларимизни бирлаштирсак ва ўз ишимизни яхшиласак, ўзаро ҳурмату ҳамжиҳатлик муҳити қарор топса, аҳволни тез ўзгартира оламиз.

Биринчи котиб учун зарур бу фазилатларга, афсуски, МКнинг олдинги котиби эга эмасди. Мен МК биринчи котиби лавозимига ўртоқ Рашидов номзодини кўрсатишни таклиф қиламан».

М.Абдуразоқов (Ўзбекистон КП МК котиби): «Бу таклифни қўллаб-қувватлайман».

Г.Габриельянц (Ўзбекистон Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари): «Бу таклифни мен ҳам қўллаб-қувватлайман».

С.Нуриддинов (Тошкент вилоят партия комитетининг биринчи котиби): «Шароф Рашидович жуда муносиб номзод деб биламан ва уни кўпчилик қўллаб-қувватлайди, деб ўйлайман.

Биринчидан: ибратли фазилатлари, ақлу заковати жуда теран. Ҳозирги лавозими ўзига хос жиҳатларга эга эканидан қатъи назар партия ташкилотининг ҳаётида МК бюросининг исталган аъзосидан оз ҳажмда иштирок этмаётир. Рашидов жуда принципал, кадрларга, одамларга жуда яхши муносабатда бўлади. У кадрларни бошини бирлаштира олади ва республика ҳаёти билан боғлиқ масалаларни кўтариб чиқиб, КПСС XX съездининг жуда кенг қўламли вазифаларини ҳал қилиш йўлида республика партия ташкилотига ҳам раҳбарлик қила олади, деган фикрга тўла қўшиламан. Мен ҳам бу ғоят муносиб номзод деб ҳисоблайман ва унинг номзодини тўла қўллаб-қувватлайман».

М.Мирзааҳмедов (Ўзбекистон Министрлар Совети Раиси): «Раҳим-бобоева ва Нуриддинов ўртоқларнинг таклифига қўшиламан. Ўзбекистон КП МК биринчи котиби лавозимига Рашидовни муносиб ҳисоблайман. Бир йил муқаддам ҳам унинг номзоди кўрсатилганди. Орадан бир йил ўтди, биз ҳамон Рашидов 1-котиб бўлиши керак, деган фикрдамиз. У бюро ишини, республика фаолларини бошини бириктира олади. Рашидов жуда меҳнаткаш. Ўзбекистон Олий Совети Президиуми Раиси лавозимида ишлар экан қишлоқ хўжалиги, қолаверса, халқ хўжалигининг бошқа соҳаларини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшди. Республикамиз ада-

санъати ва киноси, қолаверса, бошқа соҳалар юксалиши йўлида астойдил тер тўқди. Ўйлайманки, бу ерда, Пленумда ҳам бу борада фикр билдирилади».

М.Муҳаммаджонов (Ўзбекистон Министрлар Совети Раиси ўринбосари) «Ҳақиқатан ҳам жиддий ёндошмоғимиз керак. Бир йил олдин Собировни сайлагандик. Шундай йўл тутишимиз керакки, янги биринчи раунд билан ҳамкорликда узоқ йиллар меҳнат қилайлик. Зухра Раҳимовна гапирди, унинг шундай фазилатлари бор. Рашидовнинг номзодига шундай эътирозим йўқ. Ростдан ҳам муносиб сафдошимиз.

Лекин битта муаммо бор, буни Рашидовнинг ўзи ҳал қилсин. Бу лавозимни кунни тунга улаб ишлаш керак. Унинг саломатлиги яхши эмаслигини ҳаммамиз биламиз ва унга албатта мустаҳкам соғлиқ тилаймиз. Кечин кундуз тинмай хизматда бўлиш унга оғирлик қилмасмикин? Шу боис унинг номзодини қўллай олмайман, республика учун, бу масъулиятли лавозим учун бошқа ўртоқни танлашимиз керак. Виждонан айтганда Алимов номзодини таклиф қиламан.

Нима учун? Биринчидан, Алимов партиявий ва хўжалик фаолиятининг барқарор поғоналаридан ўтган. У барча лавозимларда муносиб фаолият юритган. Билими ҳам яхши, халқ хўжалигидан яхши хабардор, тажрибаси етарли, пахтачилик, партия ва советлар ишини пухта ўзлаштирган.

Астойдил киришса, партия ва советлар фаолларини ўз атрофида барқарорлаштира олади. Унинг камчиликлари ҳам бор, лекин ўртоқларча мустаҳкамлашимизни аямасак, вақтида огоҳлантирсак, уларни бартараф қила олади. Саломатлиги яхши, кечаю кундуз ишлайди, қолаверса, ҳали ёш, узоқ йиллар бу лавозимда фаолият юритиши мумкин.

Назаримда унинг номзодини партия-совет фаоллари, Пленум қўллаб-қувватлайди.

Яна айтаман, Рашидов номзодига қарши эмасман. Ўзи айтсин. Лекин бу шундай лавозимки, бунда мустаҳкам соғлиқ керак, Алимов эса барча жиҳатдан шу лавозимга муносиб. Мен Алимов номзодини таклиф қиламан».

Р.Мельников: «Ўртоқлар, яна ким гапирди?»

Р.Ғуломов (Ўзбекистон Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари). К.Икромов ва Т.Пўлатов ўз мулоҳазаларида айнан шу

одамнинг фикрини келтирганди): «Жим ўтирганимиз гапиришни хохламаётганимиздан эмас, гап шундаки, муносиб одамни бу сафар ҳам танлай олмасак, уят бўлади. Балки Собир Камолович бундай бўлишини хохламагандир, бироқ унинг баъзи хислатлари борки, шундай ноқулай аҳволга тушди.

МК биринчи котиби Зоя Раҳимовна (Зухра Раҳимбобоевани ўрисча шундай аташган) айтган фазилатларга эга бўлиши керак. Биз сайлайдиган одамда ҳам ўшандай хислатлар бўлиши керак. Шароф Рашидовни сиздан ортиқ билсам биламанки, кам билмайман. У Самарқандда обкомнинг кадрлар масаласи бўйича котиби бўлган, мен МКнинг кадрлар бўлимида ишлаганман. Бир-биримизни кўпдан биламиз. Рашидов ишонса бўладиган сафдошимиз, камтар хизматчи, бутун мамлакатда катта ҳурмат ва эҳтиромга эга. Партия тарғиботини мамлакатда, халқаро миқёсда муносиб олиб бормоқда. Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг конференцияси бунга ёрқин мисол. Тошкент иккинчи Бандунгга айланди. Бунда Рашидовнинг хизмати катта, мен ҳам у билан бирга ишладим, Зоя Раҳимовна билан ишни ташкил қилишда ёрдам бердик. Бу қанчалар масъулиятли иш бўлганини яхши биламан. Компартия биринчи котиби лавозимига ҳамisha Рашидов муносиб деб билганман.

Рашидов катта ёзувчи, ҳали кўплаб бадиий асарлар яратиши ҳам керак ўтган декадада 300 та асар олиб боргандик, уларнинг фақат икки-учтаси йирик асар бўлиб, шу асарлар орасида Рашидовнинг «Бўрондан кучли» романи ҳам бор эди.

Айтадиган гапим шу. Мен Рашидов номзоди тарафдориман. Лекин соғлиги ёмон эканини ўзи ҳам айтаётир. Агар бу борада хотиржам бўлсан яхши бўларди, ҳаммамиз унга ёрдам берамиз, лекин ростданам кечаю кундуз ишлаши керак бўлади. Агар ҳамма ишни ёлғиз ўзига ташлаб қўймасак саломатлиги ёмонлашишини олдини олсак, Шароф Рашидов – Ўзбекистон КП МК биринчи котиби лавозимига ҳар жиҳатдан муносиб. Алимов ҳам яхши номзод.

Вазиятдан чиқиш учун балки Рашидовнинг ўзи ёрдам берар. Камтар ликни йиғиштириб қўйиб холис фикр билдирсин. Умумий ишга у ҳам жонини беради, партия ташкилотимиз тақдирига бефарқ эмас. Шу боис партия ташкилоти манфаатларидан, ўзининг имкониятларидан келиб чиқиб

Бу вазифани уддалайман деб очигини айтса, масалани осон ҳал қўя қоламиз».

**А.Бизов** (Ўзбекистон Министрлар Совети қошидаги ДХК раиси): «Бу ҳозир барчамизни жиддий ташвишлантirmoқда. МКнинг бошқа котиби каби мен ҳам тун бўйи ухлай олмадим. Оғир вазифа. Агар бир кун кейин биринчи котибни яна алмаштирсак, бутун мамлакат олдида шувит бўлади.

**Шароф Рашидов**ни мен ҳам яхши биламан, биргаликда кўп ишлашган тўғри келган. Айниқса, мафкура масалаларида у менга ҳамиша ташланган. Мафкурадан бошқа масалаларда ҳам пухта билим ва малака эга. У биринчи котиб бўлишини истайман. Лекин унинг саломатлиги мен ҳам хавотирдаман. У тез-тез бетоб бўлади, хасталиги жиддий, биринчи котиб зиммасига эса катта масъулият юкланади.

**Алимов**нинг номзоди ахлоқий, ишчанлик ва саломатлик жиҳатидан талоқиб деб ўйлайман».

**Ш.Рашидов** (Ўзбекистон Олий Совети Президиуми Раиси): «Бу ерда чикқан МК бюроси аъзолари узоқ вақтдан буён ўйлаб юрган фикрларни билдиришди. Биз республикаимиз, халқимиз ютуқларини кафолатлашди ва барчани партия Марказий Комитети атрофида бирлаштира оладиган инсонни Марказий Комитет биринчи котиби лавозимига сайлашди манфаатдормиз.

Шу боис бу ерда гапирганлар ўз эътиқоди ва билимларидан келиб чиқиб, имкон борича энг тўғри йўлни топишга ҳаракат қилишди. Ҳар кимнинг ўзига хос фикри бўлгани яхши, албатта. Алимов масаласида. Меҳнаткашлиги, бошқа хислатлари бошқалардан устун. Мен ўртоқ Алимов номзодига овоз берган бўлардим. Алимов ҳар жиҳатдан тайёр, ҳамма фазилатлари талабга жавоб беради.

Бу гапларни олдин ҳам айтганман, ҳозир яна бир бор такрорлайман. У пухта тайёргарликка эга сафдош дўстимиз. Нафақат айримларга нисбатан, балки барчамизга нисбатан у устун фазилатларга эга эканини яна такрорлайман.

Бу ерда кўп ўртоқлар мен ҳақимда гапирди. Бир йил олдин ҳам менга бу лавозимни таклиф қилишганди. Саломатлигим туфайли, бундай қилманглар, деб чин дилдан сўрагандим. Ўртоқ Мухаммаджонов жуда тўғри гапирди.

1958 йилда саломатлигим жуда ёмонлашди. Камолов билади. Ҳозир саломатлигим тикланди, МК бюросининг бошқа аъзолари билан тенгма-тенг ишладим, менга топширилган ишларни ҳаммасини бажардим. Мамлакат делегациясига бош бўлиб, Қоҳирада бўлган халқаро конференцияга бориб келдим. Кейин ўртоқлар ёрдамида Осиё ва Африка ёзувчиларининг конференциясини ўтказдик. Ишларимиз яхши баҳоланди. Сўнгра Непал подшосига бир ой ҳамроҳлик қилдим. Айтмоқчиманки, ўтган йил давомида астойдил ишладим, ҳозир ҳам ишляпман. Саломатлигим ҳақида нима десам экан? Жарроҳлик операциясидан кейин жиддий асорат қолганини ўртоқлар билади. Трусковецкда бир марта даволандим, саломатлигим тикланди, ўзимни кун сайин бардам сезаяпман.

Ишимда камчилик борлигидан кўз юмайман. Бу мураккаб масала. Муаммо бюро аъзоларига аён. Бу ҳақда Ғуломов, Зоя Раҳимовна, Бизов ва бошқалар гапиришди. Алимовга муносабатим ва унга оид фикрларимни айтдим. Келгуси ишлар масаласида, рисоладагидек ишлашга саломатлигимни ҳам аямайман».

Г.Габриельянц: «Ўртоқлар, ҳақиқатан ҳам бу жиддий масала. Бундан буён бизга ким раҳбарлик қилишини бюро ҳал этиши керак. Ҳар икки номзод – Рашидов ва Алимовдан бирини танлашимиз керак.

Алимовни республика миқёсидаги ишларидан яхши биламиз, у билан бирга ишлаганман. Ишни ташкил қилиш, ғайратлилик борасида тенги йўқ хизматчи. Наманганда икки-уч кунлаб дам олмасдан ишлаган пайтларимиз бўлган. Бу жиҳатдан унинг номзодига эътироз йўқ. Лекин сиёсий жиҳатдан жамоамизни бир тану бир жон қилиши зарур. Камоловнинг саломатлиги жуда яхши эди. Уни сайладик, ёрдам беришга интилдик, ёрдам бердик ҳам.

Лекин МК бюросида айtilган ва Пленумда айtilадиган ишларни истисно қилганда, Камолов яхлит партия жамоасини ярата олмади, партия ташкилотимизни муносиб бошқара билмади. Яқинда кўрсатган номзодимизни бир йил ўтмасдан алмаштираётганимиз учун ўз партия ташкилотимиз ва КПСС МК олдида барчамиз хижолатдамиз.

Шароф Рашидовни биламиз, номзодини олдин ҳам кўрсатганмиз. Бетоб бўлганидан хабардормиз, даволанди, ҳозир бинойидек ишляпти. Саломатлиги анча яхшиланди. Лекин партия ташкилотимизни ҳақиқатан

...тира оладими, яъни бутун ташкилотнинг ишончини қозона ола-  
...**Ўттайманки**, бу унинг қўлидан келади. Шу боис унинг номзодини  
...**Шароф Рашидов** билан **Ориф Алимовичдан** ўзга номзод йўқ.  
...**Ўз кўймаслик**, нўноқлигимизни фош қилмаслик учун бошқа ном-  
...**кўрсатмайлик**».

**А. Гумоков:** «Ўтган йили бюрода ўртоқ Камоловнинг номзоди муҳокама  
...**масала**, мен Рашидов ҳақида гапирдим, кейин Мирза Валиевич масала  
...**деб** қўя қолди. Ҳозир икки номзод бор, иккиси ҳам республикага  
...**раҳбар** бўла олади. Булар – Шароф Рашидович билан Ориф Али-  
...**Муҳокама** шуни кўрсатди, москвалик вакиллар ҳам (Ўзбекистон  
...**МК бюроси** мажлисида қатнашиш учун Москвадан келган КПСС МК  
...**– муаллиф**) тўғри хулоса қилишлари мумкин. Назаримда, Раши-  
...**раҳбар** бўлиб, барчамизнинг бошимизни бириктиради, биз эса  
...**юз** ўгирмаймиз, ҳақиқатни бир-биримизга очик айтаемиз ва ишлари-  
...**иришиб** кетади».

**М. Абдураззоқов:** «Бюро мажлисининг дастлабки кунидан МК бюро-  
...**ре** республикани бошқаришни кимга топшириш ҳақида ўйладим, бу  
...**таган** ҳам жуда масъулиятли лавозим. Мазкур масалага яна қайтмас-  
...**к** учун бугун янглишмаслигимиз керак.

**Гайк Аветисович** тўғри айтди, Шароф Рашидович билан Ориф Али-  
...**ич** – муносиб номзодлар. Ориф Алимович Тошкент обкоми бирин-  
...**чи** котиби бўлганида бирга ишлаганман. МК котиби айнан шундай одам  
...**бўлиши** керак. У ўзини Самарқандда ҳам кўрсатган.

**Шароф Рашидовни** кўпдан биламан. Олий Совет Президиуми Раиси,  
...**Ўзбекистон КП МК бюроси** аъзоси сифатида кам ишлагани йўқ. Биз билан  
...**баравар** хизмат сафарларида бўлади, бу эса катта жисмоний куч-қувват  
...**таваб** қилади. Шароф Рашидов салкам ярим дунёни кезиб чиққан. Само-  
...**ҳётларда** учиб учун ҳам одам соғлом бўлиши керак. Мана шундай ша-  
...**роитларда** МК бюроси топшириқларини, Олий Совет Президиуми Раиси  
...**вазифаларини** бажариб келаётир.

Марказий Фарғонадаги ишни – жуда оғир ишни унинг зиммасига юкла-  
...**дик**. Бунинг устига, ҳаммамиз ухлаган бир пайтда у кечаси ҳам ишлайди.  
...**Бадий** асарлар ёзади. Асарлари жуда яхши эканини ҳаммамиз биламиз. Ра-  
...**шидовнинг** бадий асарлари билан нафақат биз, бутун халқ фахрланади.

Зоя Раҳимовнанинг Рашидовни МК биринчи котиби лавозимига тавсия этиш таклифини қўллаб-қувватлайман».

Т.Қамбаров (Фарғона обкомининг биринчи котиби): «МК бюроси аъзолари жуда тўғри фикр билдираётирлар, МК биринчи котибини сайлаш биз учун жуда масъулиятли вазифа ҳисобланади. Мен Шароф Рашидовни 1944 йилдан буён танийман, Самарқанд обкомининг ёшлар ишлари котиби лавозимида ишларди. Бундан олдин вилоят газетасининг бош муҳаррири бўлди. Агар МКнинг муносиб биринчи котибини сайлашни истасак, икки номзод бор – Рашидов ва Алимов. Алимовни Самарқанд обком партияси котиби бўлиб ишлаган пайтдан биламан.

Бу ерда ўртоқлар тўғри айтди, ўтган йили Рашидовнинг саломатлигидан хавотирланган эдик. 1958 йилда даволанди, унинг яхши фазилатлари бор. Жуда камтар ва кўнгилчан, муҳими, холис инсон. Ўртоқлар айтгандек хушмуомала. Ёзувчи, мафкуравий билимдон, ташкилотни яхши бошқара олади. Айни шу хислатлари туфайли МК биринчи котиби лавозимига жуда муносиб.

Унинг ўзи соғлигим яхши бўлиб қолди, деб айтди. Биз фақат оёқ билан эмас, бош билан ишлашимиз керак. Бўзчининг моксидай чопқилиб юришимиз шарт эмас, балки биринчи раҳбар ўз ўрнида муқим ўтирган ҳолда ҳар бир ишни пухта ўйлаши, етилган масалаларни ҳал қилиш йўлларини топа олиши, бизларга тўғри йўналиш бера билиши керак. Бу борада етти ўлчаб бир кесиш даркор. Одам кечаю кундуз беҳуда ҳовлиқиб югураверганидан нима фойда? Раҳбар дегани ўз ўрнида ўтириб чуқур мулоҳаза қилиши, ўзини ҳам, бошқаларни ҳам ишлашга мажбур қилиши, бошқаларнинг ишини жиддий назорат қилиб бориши керак.

Ўртоқ Рашидовни яхши биламан. «Фарғонасувқурилиш» ташкилотига келгани эсимда. Шароит жуда оғир эди. Марказий Фарғона ерларини ўзлаштириш жуда машаққатли кечган. Айни ишларни Рашидов бошқарган. У Олий Совет Президиуми Раиси этиб сайланган, ўн йилдан буён шу лавозимда ишлаётир. Шу ўн йил мобайнида ўз шаънига ҳеч қандай доғ туширмади. Хуллас, иккинчи номзод ҳам жуда муносиб, айни шу сабабли улардан бирини танлаш осон эмас.

Мирза Валиевич тўғри баҳо берди: Алимов принципал, айни пайтда самимий, Наманган, Самарқанд, Андижон, Қорақалпоғистон партия

Шоҳназорликда ишлаган, қишлоқ хўжалик соҳасида хизмат қилган. Бизнингча, у ростдан ҳам ҳар жиҳатдан тайёргарликка, халқ хўжалигига ўз ҳиссасини қўшган ва обрў-эътиборга эга. Алимов ҳақида ҳеч қандай ёмон фикр билдира олмайман. У билан кўп баҳслашганмиз, лекин тўғрисиўз, ақли очик, бу эса яхши хислат.

Лекин ўйлашимча, МК бюросининг аксарият аъзолари МК биринчи котиби лавозимига Шароф Рашидович Рашидов номзодини тавсия этиш тавлифини киритди. У ёзувчи, дунёқараши кенг. МК котиби бўлса, яна ҳам яхши асарлар ёзиши шубҳасиз. Шу боис унинг номзодини маъқуллашимиз ва МК Пленуми муҳокамасига киритишимиз керак.

Ишончим комилки, икки номзод – Рашидовни ҳам, Алимовни ҳам Пленум маъқуллайди. Лекин Рашидовни биз бир овоздан тавсия қилишимиз керак. Биз сайлашда кўзига тик қараймиз-да, сайлагандан кейин – ўз вақтида огоҳлантиришни билмаймиз, гапирган одамларнинг фикрига мансабдор биродаримиз кулоқ солмайди, оқибатда бир-икки йилдаёқ ишдан олинади.

МК биринчи котибининг иши МК бюроси аъзоларига боғлиқ. Ишонмананки, буни Рашидовнинг ўзи ҳам айтди, у амалий фаолиятида Камолов йўл қўйган хатоларни ҳисобга олиб иш юритади. Бу унинг зиммасига маълум масъулият юклайди. Биринчи котибнинг 2–3 йилда алмаштирилиши бизга ярашмайди. Мен Ўзбекистон КП МК бюросининг аъзоларидан бири сифатида МК яхши фаолият юритиши учун бутун куч-ғайратимни сарфлайман, амалий фаолиятимда Шароф Рашидовични ҳар томонлама қўллаб-қувватлайман».

О.Алимов (Самарқанд вилоят партия комитетининг биринчи котиби): «Мен ҳам ўйлаб кўрдим, ҳақиқатан ҳам, республикамиздаги сиёсий ва хўжалик ютуқлари кадрларни танлашимиз, ўз жойига қўйишимизга боғлиқ, кўриб турибмизки, айнан бизнинг айбимиз билан партия ташкилотимиз Марказий Комитет олдида уятли аҳволга тушди.

Нима учун? Сабаби, очик гапирмадик, танлашда тарафкашликка йўл қўйдик, кимлардир ўз манфаатини кўзлади. Бу нима деган гап ахир? Бирор одамни тайинлаймиз-да, икки-уч йил ўтмай бюронинг ёпиқ мажлисида аччиқ-аччиқ гаплар билан ишдан олиб ташлаймиз. Сизларни ишонтириб айтаманки, агар Ниёзов ўз жойида ўтирганида эди, ишини хотиржам адо



этган бўларди, биз эса уни МК котиби қилиб қўйдик ва у хунар кўрсатди (Амин Ниёзов 1950–1955 йилларда Ўзбекистон КП МКнинг биринчи котиби бўлган – *муаллиф*). Агар Собир Камолов Министрлар Советидаги ишида бўлганида, ишлайверган бўларди (Собир Камолов 1957–1959 йилларда Ўзбекистон КП МК биринчи котиби бўлиб ишлашидан олдин Ўзбекистон Министрлар Совети Раиси лавозимида ишлаган – *муаллиф*). Уни қўллаб-қувватладикми? Ҳеч ким бундай дея олмайди. Энди эса сиёсат, маиший турмуш, хуллас, республика ҳаётидаги ҳамма камчиликлар унга тўнкаляпти.

Эсимда бор, Мавлонов бўларди. МКда қишлоқ хўжалиги котиби лавозимида кўп ишларни амалга оширди, ҳаммамиз уни ҳурмат қилардик. Кейин уни Министрлар Советига кўтардик. Айрим ўртоқлар бундан шахсан манфаатдор эди. Оқибатда, Мавлонов инфаркт бўлди. Энди у узумчилик хўжалигида директорлик қиляпти.

Нега буларни айтяпман? Биз яхши ўйлаб иш тутишимиз керак, токи бир йилдан кейин ҳам танлаган ўртоқ ўз лавозимида ишлаётган бўлсин. Бошқаларга нисбатан ноқулай вазиятга тушиб қолдим – Шароф Рашидов билан бирга менинг ҳам номзодим муҳокама қилиняпти. Ишончингиз учун раҳмат, мени тўғри тушунасизлар деб ўйлайман.

Илгариги шундай баҳслашувда мен ҳам қатнашганман. Шу боис кадрларни танлашда кетма-кет йўл қўйилган хатолардан хижолатдаман. Ўтган йили шу масала кун тартибидан жой олганда Шароф Рашидов номзодини кўрсатгандим. Бюро аъзолари орасида фақат у республика хўжалигини удадалай олади. Ўшанда бетоб эди, шу боис розилик бермади.

Рашидов росмана ҳалол одам, у билан дўст ва кадрдонмиз, яхши-ёмон кунларда доим биргамиз. Бизнинг вилоятдан депутатликка сайланган.

Шароф Рашидович ҳам гапирди. Кейинги пайтда соғлиғи яхшиланганини айтди. Агар ўзи айтгандек, соғлиғи яхши бўлса, мен унинг номзодини қўллаб-қувватлайман. Бу лавозимда сидқидилдан ишлашини сезиб турибман. Шу боис унинг номзодини танлайлик. Битта қалтис жиҳатга эътиборингизни қаратмоқчиман. Номзодини кўрсатсак, унинг ҳаётида бурилиш ясаймиз. Иш ҳам яхши кетади, саломатлиги тикланади, агар панд берсак, ҳаммаси яна барбод бўлади.

Ўйлашимча, ҳар ким ўз лавозимида тер тўкади, меҳнат қилади, жавоб беради. Лекин ҳаммасини битта одамга ташлаб қўймайлик. Жамоа бўлиб

Килинаркан, жамоа бўлиб жавоб беришни ҳам билайлик. Ким-  
номзодини кўрсатар эканмиз, софдил, камтар, самимий деймиз-да,  
олишда қанчадан-қанча ёрликларни ёпиштирамиз, ҳатто турли-  
блар тақамиз. Бундай қиладиган бўлсак, адолат юзасидан бюрони  
ҳам тарқатиб юбориш керак.

Шароф Рашидовичнинг бу фикрларга қўшилишини тушунаман, лекин  
лавозими ҳам чакки эмас, анча хотиржам – у Иттифоқ Олий Совети  
Президиуми Раисининг ўринбосари. Чет элларга ташрифлар билан бора-  
ди, барча халқаро комиссияларда қатнашади. Биринчи раҳбар лавозимига  
сўланса, шу ернинг ўзидаги ишлар билан шуғулланади. Ҳамма нарсани  
англайдиган одам, рўй бераётган воқеаларга биздан ҳам кўпроқ эзилади,  
республика ҳаётини яхшилашни ўйлайди, бунинг учун оғир масъулиятни  
зиммасига олади. Шундай экан, келинглар, уни қўллаб-қувватлайлик.

Мен бюро аъзоси сифатида қайси лавозимни ишониб топширишларидан қатъи назар, тўғри ва сидқидилдан меҳнат қиламан. Иккинчидан, агар Шароф Рашидович менинг фикрларимга амал қилса, республикамиз равнақ топиши йўлида қўлимдан келганча ёрдам бераман».

С.Камолов (ҳозирча Ўзбекистон КП МК биринчи котиби): «Ўйлашим-ча, икки киши: Шароф Рашидович ва Ориф Алимович номзоди тўғри кўрсатилган. Айтишим керакки, Ориф Алимович билан кўпдан буён бирга ишлайман, уни яхши биламан. Яхши ташкилотчи ва ақлли одам, хўжаликни эплай олади.

Шароф Рашидовични ҳам кўпдан биламан, у жуда маданиятли, билимдон, салоҳиятли. Саломатлигига иккиланиб тургандим. Қамбаров тўғри айтди, биринчи раҳбар зиммасига катта юк тушади. Пахта шундай экинки, унга бутун куч-қувватни бахш этиш керак, ишларнинг аҳволи билан жойларга чиқиб танишиш зарур. Аксинча, ўтган йили Тошкент вилоятида содир бўлган воқеа такрорланади – озгина эътибор берилмагани оқибатида пахта ҳосилини зарарқунанда ҳашоратлар йўқ қилиб ташлади. Агар ўз вақтида эътибор берилганда, бу ҳол юз бермасди.

Ориф Алимовичнинг фикрига тўла қўшиламан. Агар ўртоқлар менга ёрдам бергандай унга ҳам ёрдам беришса, биринчи раҳбар сифатида кийналмайди. Ўртоқлар тўғри таъкидлашди: Министрлар Совети Раиси лавозимида бинойидек ишлаб тургандим. Айримлар уддалай олмаслигимни айтишган бўлса ҳам, биринчи раҳбар этиб тайинлашди.

МК котиби лавозими – тезкорликни, ташкилотчиликни талаб қилади, қолаверса, у билимдон ва маърифатли бўлиши керак. Пленумда ҳам бу гапларни такрорлашга тайёрман. Менинг айбим шундаки, бутун эътиборни пахтага қаратдим, бир томонлама иш юритиб, хато қилдим. Шароф Рашидович бундай қилмайди деб ўйлайман, чунки дунёқараши кенг, билими ҳам бор. Лекин ёрдам берилмаса, камчиликлари ўз вақтида айтилмаса, исталган раҳбар янглишиши ҳеч гап эмас. Ориф Алимович таъкидлагандек, МК бюроси, МК котиблари, МКнинг ҳар бир аъзоси унга ёрдам бериши зарур, ўшанда у ишни уддалайди, ҳамма ишлар изига тушиб кетади...»

Р.Мельников: Мунозарани яқунлаймизми, ўртоқлар?.. Яқунлаймиз. Биринчи котиб ҳақида айтилган гапларнинг ҳаммаси жуда жиддий бўлди. Ҳаммаси тўғри ва холис фикрлар. Биринчи котиб ким бўлиши керак деганда, кўз олдимизга икки киши – Шароф Рашидович ва Ориф Алимович келади. Бу масалада яна хатога йўл қўймаслигимиз керак. Биринчи котибнинг тез-тез алмаштирилиши партия ташкилотимизга ярашмайди. Ўзбекистон мамлакатда муҳим ўринга эга республика. Орадан йил ўтиб биринчи котибни ўзгартиш ўзимиз учун ҳам қўнгилсиз бир иш.

Собир Камолович номзодини муҳокама қилганимизда бу ишга партиявий нуқтаи назардан масъулият билан ёндашиб, уни Министрлар Совети Раиси лавозимида қолдирганимизда, уни ҳам ноқулай аҳволга солиб қўймаган, ўзимиз ҳам бутунги вазиятга тушмаган бўлардик. Биз эса унинг заиф томонларини билган ҳолда биринчи котиб этиб сайладик. Бу МК бюроси аъзоларининг айби. Ҳозир биринчи котиб лавозимига номзодни муҳокама қиляпмиз. Шароф Рашидович республикада ўз ҳурматига эга, ҳатто машҳур. Буни Пленум аъзоларига, албатта, айтиш керак. Лекин биз, бюро аъзолари унинг ишчанлигини, саломатлигини жиддий ўйлаб, бир қарорга келайлик.

Шароф Рашидовичнинг ўтган йили саломатлиги ёмонлашди. У билан бирга ўтган йили Сочида дам олганмиз. Унда жиддий юрак хуружи рўй берди. Шифокорлар кўриқдан ўтказиб, бу одамни авайланглар, мамлакатимиз учун жуда керакли инсон. Кўп хайрли ишларни қилган. Сизлар эса унга эътиборсизлик қиляпсизлар, бундай муносабатга бундан буён чек қўйинглар, деб огоҳлантиришди.

Шундан кейин Шароф Рашидович Трусковецкка борди. У ерда ростдан ~~я~~ яхши даволанди. Бу йил ўзини анча яхши ҳис қиляпти, кўп ишлаётир, ~~а~~рили касал бўлмапти.

Тўғриси айтиш керак, Декадани ўтказишда жонбозлик қилди, ~~и~~нчалар ташкилотчи эканини намоиш эта олди.

Ориф Алимович – Ўзбекистонда катта мактабни ўтаган, кўплаб вилоятларда ишлаган, ўз фаолияти билан синовдан ўтган. Холис бўлиш керак. Самарқандда биринчи марта ишлай бошлаганидан буён биламан. Уни Пахтачилик вазирлигига ишга олишти. Республикада 1950 йилда пахта режаси ошириб уддаланди. Бухорода иш барбод бўлди, уни ўша ерга юборишди, у ердаги ишларни ўнглади, сўнгра яна Тошкентга олиб келишти. 1955 йилни олайлик, кўрсаткичлар жуда юқори бўлганди. Ҳозир қарорларни қабул қилиш асносида ўша рақамларни негадир эсга олмаяпмиз. У ҳозир Самарқандда ишляпти. Ўтган йилни Самарқанд ёмон яқунламади. Ишчилик ва сиёсий фазилатларига келсак, ташкилотчи, ишнинг кўзини билди – бу фикрлар тўғри. Камчиликлари ҳам бор, буни ўзи ҳам билади.

Буларни ҳаммасини ҳисобга олиб, МК бюроси аъзолари тўғри гапиришди барчанинг бошини бириктира оладиган, катта обрў-эътибор, ишончга эга Шароф Рашидович ҳисобланади. Келинлар, пленум олдидан битта фикрга келайлик, унинг номзодини кўрсатайлик ва қўллаб-қувватлайлик. Ушайманки, бутун партия ташкилотимиз буни яхши кутиб олади.

Бу ҳаммамизга катта масъулият юклайди. Шароф Рашидовичга кўпгина ишларда ёрдам беришимизга тўғри келади. Биринчи галда хўжалик, саноат, қурилиш, айниқса, қишлоқ хўжалигида унга ёрдам бериш лозим. Бу борада бюро аъзолари ўзларига юклатилган ишни виждонан бажаришлари зарур. Қишлоқ хўжалигида ҳар йили бирон-бир оғир вазият юзага келиши, шубҳасиз. Ҳар биримиз ўз ишимизни сидқидилдан қилмасак, биринчи раҳбарни мушкул вазиятга тушириб қўйишимиз ҳеч гап эмас.

Агар режани бажарсак, мамлакатни пахта, пилла ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминласак, муносабат шунга яраша яхши бўлади.

Хуллас, ўртоқлар, овозга қўямизми-йўқми?

Жойлардан жавоб: «Овозга қўймаймиз».

Р.Мельников: Унда келишдик. «Шароф Рашидович номзодини биринчи котиб лавозимига тавсия қилиш таклифи бир овоздан қабул қилинади».

Шундай қилиб, мажлис стенограммаси очик кўрсатяптики, Ўзбекистон КП МК бюроси мажлисида 1-котиб номзоди юзасидан ҳеч қандай жиддий тортишувлар бўлмаган. Хрущёвнинг телефонда айтган гапларига ҳатто бирон-бир шама ҳам йўқ. Буларнинг барчаси шуни кўрсатяптики, бюронинг барча аъзолари, чамаси, республика юқори ташкилотидаги кучлар жойлашувини яхши тасаввур қилганлари боис мажлис олдидан асосий номзод масаласида бир фикрга келиб бўлинган. Уларга Москванинг фикри ҳам маълум, Москва Шароф Рашидов бу лавозимга тайинланиши тарафдори бўлган. Ўзбекистонлик юқори мансабдорлар бу лавозимга унинг номзодини бежиз муносиб деб билишмаган: Шароф Рашидович Ўзбекистон Олий Совети Президиуми Раиси сифатида Москвада ҳам танилгани боис биринчи котиб бўлиши Ўзбекистон учун катта имкониятлар эшигини очиб беради, деб умид қилинарди.

Комил ишонч билан айтиш мумкинки, унинг энг содиқ тарафдорлари ҳам уни республикадаги энг юқори лавозимга сайлар эканлар, раҳбар сифатида салкам чорак аср (аниқ айтганда – 24 йилу 7,5 ой) фаолият юритишини ҳатто хаёлига ҳам келтиришмаган. Аслида, Шароф Рашидов раҳбарлик қилиш бобида Амир Темур йўлини такрорлайди, соҳибкирон ҳам самарқандликлар гуруҳига мансуб бўлиб, нисбатан кўпроқ – 35 йил ҳукмронлик қилган. Шароф Рашидов унга қараганда камроқ раҳбарлик қилганидан қатъи назар, у ҳам Амир Темур каби самарқандликлар гуруҳи вакилини олий раҳбарлик мансабига олиб чиқди, шу асно 30-йилларнинг охирларида бой берилган мавқени яна тиклади.

Унга сайловда бой берган О.Алимов ҳам қуруқ қолмади: уни Тошкентга ишга ўтказишди ва Ўзбекистон Министрлар Совети Раиси этиб тайинлашди. 39 ёшли Ёдгора Насриддинова эса Рашидовнинг ўрнига Республика Олий Совети Президиуми Раиси бўлди. Бу Иттифокка хос хусусият бўлиб, кейинги йилларда хотин-қизларнинг фаоллиги тобора ошиб бораётганди. Жумладан, 1957 йилда КПСС МК Президиуми (собик Сиёсий бюро) таркибига биринчи марта 47 ёшли Екатерина Фурцева аъзо бўлди. Хотин-қизлар Ўзбекистонда ҳам олдинги сафда борарди: 1958 йилда Ўзбекистон хотин-қизларининг 1-съезди бўлди. Бу пайтга келиб қирққа яқин аёллар вилоят ва шаҳар партия комитетлари котиблари бўлиб ишлар (60-йилларнинг ўрталарига келиб улар қарийб 80 тага ета-

18 800 хотин-қиз бошланғич партия ташкилотлари котиблари (60-йилларнинг ўрталарида – 2 400 та), қарийб 75 нафар аёл саноат корхоналарини бошқарар (60-йилларнинг ўрталарида – 116 нафар), 20 га яқин хотин-қиз (60-йилларнинг ўрталарида 30 дан ортиқ) эса жамоа хўжаликларига етакчилик қиларди. Қарийб 50 нафари (60-йилларнинг ўрталарида 75 нафар) «Қахрамон»лик унвонига сазовор бўлган.

Ёдгора Насриддинованинг олий давлат мансабига кўтарилиши Иттифокда йўлга қўйилган тартибга кўра содир бўлганди, хусусан, қуйи қатламдан чиққан оддий халқ вакиллари энг юқори лавозимларга сайланиш имкониятига эга эдилар. Ёдгора 1920 йилда оддий оилада таваллуд топган ва деярли етимликда ўсганди (одатда, етим болаларга Ёдгора деб исм қўйиларди). Унинг отаси Қўқонда юкчи бўлиб ишлар, бир сафар ишдан жуда чарчаб келиб, ерда ухлаб қолади ва ўпкасини шамоллатиб кўяди. Кўп ўтмасдан вафот этади. Орадан бир неча ой ўтиб, унинг 13 яшар беваси қизалоқ туғади. Ё.Насриддинова ўз ҳаёти ҳақида шундай ҳикоя қилади:

«Бобомнинг бир неча хотини бўлиб, барчасидан фарзандлари бор эди. Онам уй юмушларига кўмаклашган кезларда керак бўлган. Мен туғилгач, оилада кераксиз бўлиб қолган. Бобом бир куни онам иккимизни аравага ўтказиб, Қўқондан 50 километр нарига олиб бориб, онамни иккинчи марта эрга берди. Ўғай отам мени кўргани кўзи йўқ эди. У нашаванд, ҳеч иш қилмасди. 6 яшар бўлганимда мендан қутулишга аҳд қилиб, катта йўл бўйида қолдириб кетди. Йиғлаб турганимни кўрган бир одам уйига олиб кетди. 11 ёшгача турли кишиларнинг уйларида яшадим. 1931 йилда Ўзбекистонда биринчи етимхонага жойлаштиришди. Кейин ҳунар билим юртида, Тошкент Темирйўллар институтининг ишчилар факультетида таҳсил олдим...»

Ё.Насриддинованинг партиявий фаолияти 1942 йилда бошланган, ўша йили Тошкент Темирйўллар институтини тугатиб, Ўзбекистон Ёшлар ташкилотининг котиби бўлади. 1946 йилда Тошкент обкомининг биринчи котиби этиб сайланади. Кейин Республика Ёшлар ташкилотининг 2-котиби, Қурилиш саноати материаллари вазири бўлади, 1955 – 1959 йилларда Ўзбекистон Министрлар Совети Раисининг ўринбосари лавозимида хизмат қилади.

У метин иродали аёл бўлиб, бирга ишлайдиган эркаклар ҳам ундан ҳайқишарди. Ё.Насриддинова фарғоналиклар гуруҳига мансуб эди. Бу фарғоналикларнинг вакили Амин Ниёзов олий мансабдан олиниб, айна гуруҳга катта зарба берилганига қарамай, улар республика юқори ташкилотида ҳамон катта мавқега эга эканини кўрсатарди. Шароф Рашидов Республика Олий Совети Президиуми Раиси лавозимига бошқа одамни тайинланишини хоҳлаган, бироқ фарғоналиклар отни олдинроқ қамчилаб, Насриддинованинг номзодини Хрушчёвга тавсия этишган. Совет раҳбарига бу фикр маъқул келган, чунки миллий республикалардан бирида аёл кишининг юқори мансабга тайинланиши жаҳон афкор оммаси нигоҳида Иттифоқ обрўйининг юксалишига хизмат қилган.

### *10-боб*

## **ПОЙГА**

### **ёки «Америкага етиб олайлик ва ўзиб кетайлик»**

Ўрта Осиёда 50-йилларнинг охирида Қозоғистонда биринчи раҳбар ўзгартирилди. У ерда 1954 йилдан эътиборан (сталинчи Жумабой Шаяхметов алмаштирилгач) олти йил мобайнида фақат славян миллатига мансуб (рус ёки украин) кишилар раҳбарлик лавозимида фаолият юритади, чунки Хрушчёв қозоқларга ишонмасди. Қозоғистонда 1954–1955 йилларда П.Пономаренко, 1955–1956 йиллар Л.Брежнев, 1956–1960 йилларда И. Беляев раҳбарлик қилган. Ниҳоят, 1960 йил январда Хрушчёв қозоқларга олий раҳбарлик лавозимига ўз кишиларини қўйиш ҳуқуқини беришга қарор қилади ва 49 яшар Динмуҳаммад Кунаевни Республика биринчи раҳбари бўлишига рухсат беради. Д.Кунаев бунга қадар Қозоғистон Министрлар Совети Раиси бўлиб беш йил ишлаган. Унинг номзодини Л.Брежнев тавсия қилади. Брежнев Қозоғистонда ишлаб юрган пайтларида у билан яқин дўст бўлиб қолганди. Бироқ Хрушчёв Брежневнинг гапига кириб, Кунаевни раҳбар этиб тайинлаганига кўп ўтмай пушаймон бўлади.

Орадан бир йил ўтибоқ Кунаев катта раҳбарнинг ҳафсаласини пир қилгач, у Қозоғистон пойтахтини Олма-Ота шаҳридан Оқмулла шаҳрига кўчириб, шаҳар номини Целиноград деб ўзгартиришни режалаштиради.

бу икки қарорга кескин қаршилиқ кўрсатади. Боз устига, ўзининг республикадаги аксарият сафдошларини ишонтиради. Оқибатда Окмулла шахри номинигина ўзгартиришга эришади, холос, пойтахт қилиш мақомига эришолмайди. Лекин унинг ташаббуси Қозоғистонда учта – Целинний, Жанубий Қозоғистон ва Ғарбий Қозоғистон ўлкалари юзага келади.

Бундай қайсарлик Хрушчёвнинг асабига тегиб, Кунаевни алмаштириш кулай пайт пойлайди. 1962 йилда Бош котиб учун шундай имконият пайдо бўлади. Ўша йили Кунаев Қозоғистоннинг икки рақобатчиси: Туркменистон ва Турманистонга бир неча туманларни беришга (жумладан, вилоятининг бир неча пахтакор туманлари Ўзбекистонга олиб берилган мўлжалланади) қатъий қаршилиқ кўрсатади. Натижада, Хрушчёв қароридан олиб ташлаб, ўрнига шу пайтгача Жанубий Қозоғистон котиби ва МКнинг тармоқ котиби бўлиб ишлаган 48 ёшли Исмоил Юсупов тайинлайди. Юсупов уйғур бўлгани учун қозоқлар аввалбошдан унга қарши чиқишлари керак эди. Лекин бу Хрушчёвнинг парвойига ҳам келмади, чунки у Иттифокда тез фурсатда коммунизм куришни ва мамлакатда миллат ва элатлар номини бутунлай йўқотишни режалаштирган. И.Юсуповнинг ўзи бу ҳақда шундай эслайди:

«КПСС МКга чақиришди, МК иккинчи котиби Фрол Козлов КПСС МК Сиёсий бюросининг қарори билан мени Қозоғистон МК котиблигига тасвир қилишганини айтди. Мен бундай қила олмаслигимни айтдим. Чунки рус миллатига мансуб киши биринчи котиб этиб тайинланса, қозоқлар ўрганиб қолгани учун эътибор беришмайди, бироқ мен каби уйғур бу лавозимга тайинланса, одамлар буни қабул қила олмайди. Наҳотки биринчи котибликка қозоқлар ичидан биронта муносиб одам бўлмаса, деган қарши фикрлар пайдо бўлади. Козлов, ундай бўлса, Хрушчёвга кириб, ўзингиз қарамасини тушунтиринг, деди. Хрушчёвнинг олдига кириб, Козловга айтган гапларимни унга ҳам айтгандим, Хрушчёв столга муштлаганча дағдаға қила кетди: «Мен сени илмли одам деб юрибман. Коммунизм ғоясини яхши англайсан дебман-а: биз миллат деган номни бутунлай йўқотиш сари боряпмиз. Иттифокда келажакда барча ягона тилда сўзлашади. Республикалар ўртасидаги чегаралар ҳам яқин ўртада олиб ташланади. Республикага қайси миллат вакили раҳбар бўлишининг аҳамияти йўқ, боргин-да, ишлайвер!» Ноилож Қозоғистонга йўл олдим».



Қозоғистондан кейин Қирғизистонга навбат келади. Эсингизда бўлса, 1950 йилдан буён Қирғизистон раҳбари лавозимида республика жанубининг вакили Исҳоқ Раззоқов фаолият юритарди. Унинг ўрнини 1961 йилда шимолий Қирғизистон вакили Турдикул Усубалиев эгаллайди. Т.Усубалиев бунга қадар Қирғизистон КП Френзе шаҳар партия ташкилотининг 1-котиби лавозимида ишлаган.

1961 йилда Тожикистон раҳбари ҳам алмашди. Бу жанжалга айланиб, бутун дунёда шов-шувга сабаб бўлди. Бунга республика раҳбариятининг (бу ерда 1956 йилдан Турсун Ўлжабоев раҳбарлик қиларди) давлатга пахта топшириш борасида гўё кўзбўямачилик қилгани сабаб бўлади. Республика раҳбарияти пахта толасининг сифатини юқори кўрсатганликда айбланади. Яъни асли паст сифатли, лекин юқори сифатга ўхшайдиган пахта жўнатилади. Бунинг учун республикадаги, шунингдек, сирни фош қилмаслик шарти билан Москвадаги қатор одамларга пора берилади.

Ўлжабоевга рақиб бўлган қарама-қарши гуруҳ вакиллари Москвадан чақирган йўриқчиларга бу сирни фош қилади. Оқибатда бу машмаша 1961 йилда КПСС МК Пленумида кўрилиб, Т.Ўлжабоев билан Тожикистон Министрлар Советининг Раиси Н.Додхудоев «ҳисобот ҳужжатларини сурункали сохталаштирилиши»га бош қўшгани ва давлатга пахта сотиш режаси амалда бажарилмаган бўлса-да, бажарилди, деб ҳисобот берганликда айбланиб, иккаласи ҳам ишдан олинади (Ўлжабоев партиядан ўчирилади ва қоқоқ давлат хўжалигига директор этиб тайинланади).

Кўриниб турибдики, Тожикистон раҳбарлари қўшиб ёзиш учун жазоланади – аслида ҳам шундай бўлган бўлса керак. Лекин бунинг учун Хрущёвнинг ўзини ҳам истеъфога чиқаришса, адолатли иш бўларди. Чунки мазкур қўшиб ёзишларга айнан унинг ўзи сабабчи бўлган эди. Буларнинг барчаси унинг 1959 йил КПССнинг XXI съездида қилган маърузасидан кейин бошланган. Ўшанда у аҳоли жон бошига саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича қисқа муддатда етакчи капиталистик мамлакатлар, шу жумладан, АҚШни қувиб етиш ва ўзиб кетиш вазифасини қўяди. Бу хомхаёл эди. У эса ўша пайтда мамлакатда ҳукм сурган ялпи кўтаринкиликдан маст бўлган ва ҳаётий воқеликдан тамомила узилиб қолганди.

Ўша даврда мамлакатда ҳукм сурган «илиқлик» шабадалари миллионлаб совет кишиларига жуда катта куч-қувват бахш этиб, улар ўзларини

...га, ҳатто Иттифокда тез фурсатда коммунизм қуришга қодир  
... Тўғри, бу тарихий воқеа қачон содир бўлишини ҳеч ким аниқ  
... дескин «илиқлик» даврида яшаган аксарият совет кишилари ком-  
... мунарлар ғалаба қозонишига ишонарди. Буни машҳур актёр Грегори  
... нинг қуйидаги фикрлари тасдиқлайди. Ўша кезларда у Уралда,  
... яшар, ҳали актёр бўлиш нияти йўқ эди. Аксинча, ёзувчи бўлишни  
... ларди. Хуллас, келгусида ғалаба қозонадиган коммунизм ҳақида  
... роман ёзишни режалаштирган. 1954 йил ўз кундалигига (ўшанда  
... эди) шундай деб ёзганди:

«Балки романлар, пьесалар, ҳикоялар, қиссалар, мақолалар, фелъе-  
... ёзарман. Айримлари умумий қаҳрамонлар, муштарақ мавзулар ва  
... билан ўзаро боғлиқ бўлиши мумкин. Бошқаларини алоҳида-алоҳида  
... зуларга бағишларман. Эпопеянинг асосий мавзусини – Иттифокда ком-  
... мунизм қурилиши йўлида қилинган ишлар ташкил қилади. Мен бу эпопея-  
... шартли равишда «Янги оламнинг юзага келиши» деб атадим. Роман-  
... дан бири «Инсон қандай шаклланди» деб номланади. Бу ишчи одам,  
... ишчилар синфининг онги қандай ўсгани тўғрисидаги, ишчилар ҳаётдаги  
... ўз ўрни, тарихдаги аҳамиятини қандай англаб етгани тўғрисидаги роман  
... бўлади. Майда ҳой-ҳаваслари, бемаъни турмуш ташвишларидан тамомила  
... юз ўгирган айти жароёнда қад ростлайди, унинг улуғвор ва олижаноб сий-  
... мосига қарар экансиз, ҳаяжондан энтикиб кетасиз...»

Афтидан, «илиқлик» давридаги кўтаринки кайфият Хрущёв ҳамда  
бошқа совет раҳбарларининг ҳам кўзини кўр қилиб қўйган кўринади. Би-  
нобарин, раҳбарият коммунизм тез орада, ҳозирги авлод тириклигидаёқ  
қарор топади, деган тарғиботни одамларнинг онгига зўр бериб сингди-  
ра бошлади. 20–25 йилдан кейин мамлакатда қашшоқлик, жиноятчилик,  
одамларнинг миллатига кўра фарқланиши ва ҳоказо, советларга ёт иллат-  
лар бўлмади, дея совет матбуоти жар сола бошлади. Натижада, Иттифок  
ўзининг дунёдаги асосий рақобатчилари – етакчи капиталистик мамлакат-  
дан ўзиб кетади. Ўшанда Хрущёвнинг «Америкага етиб олайлик ва ўзиб  
кетайлик» деган машҳур шиори пайдо бўлди.

Эндиликда яхши биламизки, бу шиор хомхаёл бўлган. Бу шиор гарчи  
совет жамияти иқтисодий тартибни дафъатан юксалтириши учун кучли туртки  
берган бўлса-да (космосга дастлабки парвоз айти шиор туфайли тезлаш-

ганди), амалда жамиятнинг пойдеворига путур етказадиган қақшатқич зарба учун замин бўлди. Тарихчи С.Костриков шундай эътироф этади:

«Иттифоқ давлатимизнинг емрилишига олиб келган сабаблар ичида, назаримда, биттаси асосий ҳисобланади. Хрушчёв майда буржуазияга хос тасаввурлари, билимининг саёзлиги оқибатида стратегик жиҳатдан бемаъни «Американи қувиб ўтамыз» шиорини ўртага ташлади. Бизнинг ўзига хос турмуш тарзимиз, амалда қўлга киритилган социализм ютуқлари, айти ютуқлар билан оқилона қаноатланиш эмас, аксинча, бизларнинг аллақандай нотўқислигимиз ва нотўғри йўлдан кетишимиз бу шиор учун асос қилиб олинганди. «Илғор мамлакатларга етиб олиш ҳақида» Ленин албатта гапирган. Лекин Ленин бу борада фан-техника, маданият, саноатни ривожлантириш, бошқарув ва ишлаб чиқаришни оқилона ташкил этишни ва шу асосда тамомила янги жамият равнақ топишини назарда тутганди. У урушлар ва интервенция оқибатида маданий ва техникавий жиҳатдан қоқоқ бўлиб қолган, ўзи мамлакатни бошқарган айти 20-йиллардаги сиёсатдан келиб чиқиб мулоҳаза юритганди. Хрушчёв эса иқтисодиёт, фан, маданиятда улкан ютуқларни қўлга киритган, социализм ғалабалари эвазига даҳшатли урушда ғалабага эришган бошқа бир қудратли давлатга раҳбарлик қилаётганди. Ва у буржуа Ғарби ортидан югурмасдан мамлакатни оқилона ривожлантиришга диалектик нуқтаи назардан қараши керак эди.

Бирок у диалектикани номигагина биларди. Хрушчёвнинг «Американи қувиб ўтамыз» шиори маҳаллий ўта тор хусусиятга эга бўлиб, ривожланиш ва унинг мақсадларига майда буржуача нуқтаи назардан таянарди. Амалда мамлакатдаги ҳаёт ҳисобга олинмасдан, асосан, бемаъни истеъмолчилик тўғрисидагина гап борарди. Аниқроқ айтганда, биз душманни ўз майдонида ва унинг қоидалари билан енгитимиз талаб қилинарди. Хрушчёв халқларимизнинг аъналарни, иқтисодий мақсадга мувофиқлик, давлатнинг имкониятлари ва эҳтимолий ижтимоий-руҳий, мафкуравий, сиёсий оқибатларни ҳисобга олмасдан, аҳолини руҳан истеъмолчилик жамияти томон йўналтириб юборди.

Исталган одамга бир маромда, оқилона ва ижодий камол топиш учун имконият яратадиган социализмнинг шубҳасиз афзалликлари, истеъмолчилик идеаллари ва инстинктлари билан хаспўшланди ва алмаштирилди.

исракли ва кераксиз маҳсулот дўконлари пештахталарида тиқилиб  
мамакатга, яъни халқни йўлдан урадиган бахтлар ўлкасига айлан-  
Ялтироқ консерва банкини кўзини қамаштирган ва сариқ чақага  
ашиқол-дашқоллар учун энг қимматли нарсасини кўшқўллаб  
ашиқолдан ёввойи кимса сингари Хрушчёв даврининг алданган киши-  
алистлик давлатларнинг сақичларию кока-коласи учун социа-  
абаларини қурбон қилишга тайёр бўлиб қолди ва, афсуски, охир-  
шундай бўлди».

Хрушчёв шундай шиорни ўртага ташлагач, барча иттифокдош рес-  
публикалар энг юқори иқтисодий кўрсаткичларни қўлга киритишга зўр  
боришди. Уларнинг ҳаммаси шундоқ ҳам зўриқиб ривожланиб бора-  
диларди. Марказнинг янги талаблари вазиятдан чиқиш учун исталган  
ресурсчиликни қилишга мажбур этди. Оқибатда, юқоридан берилган ре-  
сурсни бажара олмайди ва «Етиб ол ва қувиб ўт» деб номланган кам-  
бўлиш ортда қолиб, Марказнинг қаҳрига учрашдан қўрққан раҳбарлар  
қўшиб ёзиш айна мударра бўлганди. Чунки бу борада ношудларча  
қилган раҳбарларни лавозимдан олиниши, маошларнинг камай-  
иши, мукофотлардан маҳрум этиш каби хилма-хил жазо чоралари  
қўшиб турарди.

Мамакат раҳбарлари бу ташаббус салбий ҳолатлар келтириб чиқари-  
ш мумкинлигини билмасди, деб айтиб бўлмайди. Лекин, чамаси, улар  
мамачилик хатти-ҳаракатлари шу даражада кенг тус олиб, ҳатто айрим  
республикалар раҳбарларини ўз домига тортиб кетиши мумкинлигини  
қўшмаганди. Бундай кўнгилсизлик фож бўлгач, Кремль томонидан  
қилин қадам ташланди: 1961 йил 24 майда Иттифок Олий Совети Пре-  
зиумининг «Режалар бажарилганига оид қўшиб ёзишлар ва бошқа  
ҳисоботларни бузиб кўрсатганлик учун жиноий жавобгарлик тўғрисида»ги  
Фармони чикди. Фармонда, жумладан, шундай дейилганди: «Давлат ҳисо-  
ботларидаги қўшиб ёзишлар ҳамда режалар бажарилгани тўғрисидаги ҳи-  
сobot маълумотларини бошқа шаклда қасддан бузиб кўрсатилиши Итти-  
фок халқ хўжалигига путур етказадиган давлатга қарши хатти-ҳаракат  
ҳисобланади ҳамда айбдор деб топилган шахслар уч йилгача озодликдан  
маҳрум қилиш ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишларига жалб қилиш ёки  
уч юз сўмгача жарима солинган ҳолда муайян лавозимларни эгаллаш ёки  
муайян фаолият билан шуғулланишдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

Тожикистон мисолида биламизки, қўшиб ёзишда айбдорлар қамоққа ташланмади, балки нисбатан енгил жазо билан қутулиб қолишди: лавозимларидан олиниб, фахрли сургунга – қолоқ хўжаликларга раҳбарликка юборилдилар. Гап бу ерда уларнинг қилмишлари ўша Фармондан кейин фoш бўлганида эмас. Тарихдан маълумки, Хрушчëв қонун-қоидалар билан ҳисоблашиб ўтирмай, хоҳлаган раҳбарни исталган тарзда жазолаши ҳеч гап эмасди. Шунчаки, Сталин вафотидан кейин партия, давлат ва хўжалик раҳбарларига нисбатан қатағонларни амалда йўқ қилиш йўлига амал қила бошлади, жамиятда олий ҳокимиятнинг обрў-эътиборига путур етказмаслик учун фақат фавқулодда ҳолатларда раҳбарларга нисбатан қаттиқ чоралар кўриларди.

Бундан қатъи назар, қинғир ишлар ёлғиз Тожикистон билан чекланиб қолмади. «Ларионов иши» ундан ҳам ошиб тушди. Гап Рязань вилоят партия комитетининг 1-котиби Алексей Ларионов ҳақида бормоқда, у мамлакатда энг машҳур ва тажрибали раҳбарлардан бири ҳисобланарди (1949 йилдан вилоят раҳбари бўлиб ишларди – ҳолбуки, Хрушчëв 50-йилларнинг охирларига келиб Сталин томонидан кўйилган барча раҳбарларни алмаштириб бўлганди). Рязань вилояти 1958 йилда сут соғиб олиш бўйича мамлакатда биринчи ўринни кўлга киритганда, Хрушчëв «Етиб ол ва қувиб ўт» ҳаракатининг «машъал»и бўлиш вазифасини айнан Ларионовга ишониб топширишга аҳд қилади. Пешқадам «машъал»лар асли кимлар эканига қисқача изох:

30-йилларда қисқа муддатларда саноат негизини яратиш зарурияти пайдо бўлганда, шундай пешқадам «машъал»лар юзага келди. Хусусан, зарбдор меҳнатга бел боғлаган миллионлаб кишилар орасида пайдо бўлган ишлаб чиқариш илғорлари ёлғиз ўзлари ёки жамоа таркибида қутилмаган натижаларни кўрсата бошлашди. Ҳокимият ОАВларининг ёрдамида айни шундай кишиларнинг зиммасига бутун жамият учун «машъал» вазифасини бажариш масъулиятини юклади. Жумладан, ўша 30-йилларда тракторчи Прасковья Ангелина (1933 йилда дастлабки аёл тракторчилар бригадасининг ташкилотчиси), кoнчи Алексей Стаханов (1935 йилда кўмир қазиб олишда рекорд натижа ўрнатган) ва бошқалар шундай машъалга айландилар.

Бу ўзига хос айёрликдан холи бўлмаган ташаббус эди, чунки кўпгина «машъал» кишиларга рекорд ўрнатишлари учун бошқаларга нисбатан

**қудай** шарт-шароит яратиларди. Жумладан, «машъал» сифатида танланган сут соғувчига фермадаги қолган барча сут соғувчилар ўз меҳнат натижаларини бериб холис ёрдамлашар, унга энг сутдор сигирлар ажратилар, **сигирларга** эса кўшимча ем-хашақлар бериларди ва ҳоказо. Ўзбекистонда эса битта илғор бригадир учун бутун хўжалик жонбозлик кўрсатарди. **Натижада** ўзига хос жараён юзага келарди: сут соғувчи ёки пахтакор бригадир «Қаҳрамон» унвонини олса, у билан биргаликда вилоят ёки туман котиблари, хўжалик раислари, яъни «машъал»га рекордни кўлга киритишда ёрдам кўрсатганларнинг барчаси тегишли орден-медалъ ёки мукофотларни кўлга киритарди.

Бундай қинғирликларни оммадан, албатта, яшириб бўлмасди. Бироқ «машъалпарастлик» жамиятни кўтаринки кайфиятда меҳнат қилишга даъват қилишга қаратилгани боис омма уни тушуниб қабул қиларди. **Натижада** миллионлаб меҳнаткашлар «машъал» бўлишни кўзламаган ҳолда сидқидилдан меҳнат қилиш билан бирга, «юқоридан» ўзига хос қўллаб-қувватлаш бўлмаса, меҳнат ютуқларини кўлга киритишга қодир эмасликларини намоиш этишарди. Айни пайтда миллионлаб холис ва виждонли меҳнаткашлар орасида ном қозониш учун ҳар қандай тубанликдан қайтмайдиган қаллоблар ҳам учраб турарди. Улар у ёки бу бошлиқ билан тил бириктириб, кўшиб ёзишлар каби турли кўзбўямачиликларга зўр беришарди. Бундай салбий ҳолатлар совет жамиятида тобора кўп учрай бошлади. Хрушчёв Американи қувиб ўтиш шиорини ўртага ташлаган 50-йилларнинг охирларида бу, айниқса, кучайди. Бундай шароитда ҳокимиятга бошқаларни ўз ортидан эргаштира оладиган янги «машъал»лар сув ва ҳаводай зарур бўлиб қолди. Бироқ дунёни ҳайрон қолдириш йўлида мисли кўрилмаган рекордлар ортидан югурар экан, ҳукуматдагиларнинг тамомила ердан оёғи узилди. Алексей Ларионов қисмати бунга яққол мисолдир.

КПСС XXI съезди иши пайтида (1959 йил 27 январь – 5 февраль кунлари) Хрушчёв Ларионовни ҳузурига чақириб, давлатга йилига гўшт топширишни уч баравар ошириш мажбуриятини зиммасига олишни талаб қилди. Ларионов бу талабни рад эта олмади. Гувохларнинг айтишларича, у Хрушчёвнинг ҳузуридан ранги ўчган ҳолда чиққан. Бу ваъдани кўшиб ёзишларсиз уддалай олмаслигини, чамаси, Ларионов жуда яхши билган. Бироқ унинг бундан бошқа чораси ҳам йўқ эди.

Рязань вилояти 1959 йил октябрь бошида давлатга 102 минг тонна гўшт, яъни икки йиллик режага тенг миқдорда маҳсулот сотади. 16 декабрда вилоят раҳбарлари зиммаларига олган мажбуриятни 100 % бажаргани, яъни олдинги йилдагига нисбатан уч баравар кўп – 150 минг тонна гўштни давлатга топширганлари ҳақида ҳисобот беради. Вилоят айти пайтда келгуси йили давлатга 180 минг тонна гўшт сотиш мажбуриятини олади! Хрущёвга бу ҳақда маълумот беришганда, Ларионовни «Қаҳрамон» унвони билан мукофотлаш ҳақида кўрсатма беради. Бу мукофот Ларионовга янги йил арафасида топширилади.

Бу тажрибага минглаб эргашувчилар пайдо бўлиб, улар ҳам шон-шухратга эришиш учун зўр бера бошлайди. Мазкур ташаббусга қўшилишни истамаганлар жазосиз қолдирилмайди. Кротовкадаги Куйбишев номидаги туман партия комитети 1-котиби Александр Глазунов бошига шундай савдо тушади. «Ларионов тажрибаси» бутун мамлакат бўйлаб қулоч ёзиб, вилоятлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш борасида бир-бирлари билан пойга ўйнаётган бир пайтда Глазунов бу ташаббусда иштирок этмаслигини виждонан очиқ айтади. У «режани нафақат 2,5 баравар, ҳатто 1,5 баравар ҳам ошириб уддалаб бўлмайди, чунки амалда бунинг имкони йўқ», дея бутун мамлакатга ошқора маълум қилади. Юқори мансабдорлар қанча дўқ-пўписа қилсалар ҳам, Глазунов ўз фикридан воз кечмайди. Оқибатда, 1959 йил январда уни 1-котибликдан олишиб, «Первомайбурнет» трести бошқарувчисининг ўринбосари лавозимига тайинлашади.

Айти пайтда «Ларионов тажрибаси» ўз ҳалокати сари тобора яқинлашиб боради. Тарихчи Н.Шундук ёзади:

«Дастлабки кезларда бу тажриба иш бергандай кўринди. Чўчка болалари, қуёнлар кўпайди, кўлларда ўрдақлар, ғозлар ортди. Ғалаба рапортлари кетма-кет янгради, газеталарда Рязань тажрибаси олқишланди. Бироқ синчиклаб назар солган одам фожиа яқинлашиб келаётганини пайқар эди. Далалар ва фермаларда аҳвол оғирлаша бошлади. Чўчкалар ростдан ҳам кўпайди, бироқ уларни озиқлантириш учун емиш йўқ эди. Чорва моллари ва паррандаларга озуқа топилмасди.

Рязань чеккасида шошилишч ютуқлар кўрғазмаси барпо этилади. Бу жуда гўзал кўрғазма, аслида, ҳаёт ҳақиқатига зид эди. Унинг ёнидаги мухташам қаср эса оддий деҳқоннинг уйи вазифасини ўташи керак. Бироқ

шлюкларнинг ўзи ҳамон хароб аҳволда бўлиб, кулбалар бири-бирдан  
тор, ёрдамчи иморатларнинг аҳволига қараб бўлмасди.

Хуллас, кутилган мўъжиза содир бўлмади...»

Кутилган мўъжиза ўрнига фожиа рўй берди. Рязань вилояти гўшт ре-  
васини бажарди-ю, халқ хўжалигига ўнглаб бўлмайдиган зарба берди.  
Хрушчёвга берган ваъдасини адо этиш учун Ларионов жамики буқаларни,  
верса, сут берадиган ва кўпаядиган сигирларни ҳам сўйиш ҳақида  
ўрсатма беради, ҳатто кишиларнинг чорва молларини ҳам тилхат билан  
ортиб олади. Лекин режани бажариш учун бу ҳам камлик қиларди. Нати-  
жада, машиналар харид қилиш, мактаблар, шифохоналар каби масканлар-  
ни қуриш учун мўлжалланган жамоат жамғармалари маблағлари ҳисобига  
қўшни вилоятлардан ҳам чорва моллари сотиб олинади. «Гўшт солиғи»  
вилоятнинг нафақат барча жамоа ва давлат хўжаликларига, балки бар-  
ча шаҳар муассасаларига ҳам қақшатқич зарба беради: давлатга (рамзий  
шарҳларда) топшириладиган гўшт пештахталардан ғойиб бўлади.

Оқибатда вилоятда чорва моллари сони 1958 йилга нисбатан 65 %  
камийиб, чорва моллари тилхат билан тортиб олинган деҳқонлар далада  
меҳнат қилишдан бош тортгани учун ғалла етиштириш 50 % қисқаради.  
Хўжаликлар гўшт сотиш ҳисобига 33,5 миллион сўм зиён кўради. Хруш-  
чёв сийлашга дарҳол чек қўйиб, вилоят раҳбарларини жазолашга, Ла-  
рионовни Қахрамон унвонидан маҳрум этишга аҳд қилади. Бу масалага  
бағишланган Пленум 1960 йил 30 сентябрга мўлжалланган эди. Бироқ  
Пленум бўлишидан 8 кун олдин Ларионов ўз жонига қасд қилади.

Бу худкушликдан кейин ҳокимият биринчи марта қандай ишни бошлаб  
қўйганини англаб етади. Тожикистонда қўшиб ёзишлар фош бўлгандан  
кейин эса кескин чоралар кўришга киришилади. Дастлаб қўшиб ёзишларга  
оид Фармон чиқади, кейин қатағонлар кучайтирилади: Сталин тажрибаси-  
ни тиклашга мажбур бўлган Хрушчёв хўжалик билан боғлиқ жиноятлар-  
ни давлатга хиёнат қилиш жазосига тенглаштириб қўяди ва бунинг учун  
одамларни ҳатто отишга ҳукм этишни йўлга қўяди. Тўғри, бунда юқори  
лавозимли шахсларни эмас, иккинчи даражали – деярли айбсиз одам-  
ларни шафқатсиз жазолаш бошланади. Фақат шундан кейин қўшиб ёзиш  
ҳолатлари кескин камая бошлайди.



## 11-боб

### ИККИ ЎТ ОРАСИДА

1959 йил КПСС XX съездида «Иттифоқ халқ хўжалигини 1959–1965 йилларда ривожлантиришнинг назорат рақамлари тўғрисида» қарор қабул қилинади. Ушбу ҳужжатда Ўзбекистон олдига пахта етиштиришни 3,4 дан 3,7 миллион тоннага ёки мамлакатда етиштирилаётган пахтанинг 60 % ини етказиб бериш вазифаси кўйилади. Республика 1959 йилда давлатга 3 миллион 163 минг тонна пахта топширганини ҳисобга олганда, бу бемалол уудаласа бўладиган вазифа эди. Бироқ Марказ табиат инжикликлари каби ҳолатларни ҳисобга олмаганди. Оқибатда, келгуси йилиёқ республика режани бажара олмай, атиги 2 миллион 830 минг тонна пахта етиштиради. Фақат Самарқанд вилоятида (345 минг тонна) ва Хоразм вилоятида (265 минг тонна) режа бажарилади, холос.

1961 йилда об-ҳаво шароити оғир келганига қарамай, режа бажарилди ва 3 миллион 600 минг тонна пахта топширилди. Бунинг учун қаттиқ меҳнат қилинди ва ҳатто мактаб ўқувчилари ҳам пахта теримига жалб этилди. Марказнинг «Етиб ол ва қувиб ўт» ташаббуси айна шундай жонбозликни талаб қилар, ҳеч бир республика унга қарши чиқа олмас, аксинча, раҳбарларни ишдан олишлар бошланиб кетарди. Шароф Рашидов бу ташаббусга қарши чикса, тақдири дарҳол ҳал қилинган бўларди. Зотан, Хрущёв қайсарлик қилгани учун Қозоғистон раҳбари Д.Кунаевни юқори лавозимга тайинланганидан икки йил ўтиб, 1960 йилда ишдан олинганди. Қолаверса, Шароф Рашидов ишдан олинса, Ўзбекистонга марказдан бирор киши раҳбарликка юборилиши ҳеч гап эмасди. Ўзбекистонлик мансабдорлар айна шундай бўлишидан кўрқарди. Шу боис Шароф Рашидов икки ўт орасида қолган: у республикадаги мансабдорлар манфаатини ҳисобга олиши, Хрущёвнинг қаҳрига учрамаслик учун аксарият кўрсатмаларни ҳам бажаришга мажбур эди.

Аксарият республикаларнинг етакчилари каби Шароф Рашидов ҳам Марказга деярли қарши чиқмаган. Юқорида айтилганидек, у ўзбекистонлик ва москвалик мансабдорлар кўнглини қолдирмасликка уринарди. Қай бир томонга манзур бўлиш унинг учун оғир бўлганини ҳозир аниқ айтиш қийин. Чунки уни биринчи раҳбар этиб кўтарган, ўзбекистонлик мансаб-

Кадрларнинг энг катта кучи бўлган гуруҳлар Москвани хотиржам қилишни ҳукуматдаги ўз мавқеларини мустаҳкамлашни ундан талаб қилишарди. Юқори мансабда қатор йиллар ишлаб тажриба орттирган Шароф Рашидов буни жуда яхши англади. Республика Олий Совети Президиуми Раиси сифатида барча билан тил топишиб, хамирдан қил суғургандек осон фаолият юритган бўлса, эндиликда биринчи раҳбар сифатида айрим кимса ва гуруҳлар билан зиддиятга боришга мажбур эканини ҳам биларди. Бинобарин, раҳбарлигининг дастлабки бир ярим-икки йили мобайнида кадрлар масаласида жуда эҳтиёткорлик билан фаолият юритган бўлса, кейинчалик ўз мавқеини, уни қўллаб-қувватлаган гуруҳлар вакилларни мустаҳкамлаш учун фаол иш олиб боришига тўғри келди. Дарвоқе, бу ишларни эҳтиёткорлик ва Москва билан маълум маънода ҳисоблашган тарзда амалга оширарди.

Гап шундаки, республикаларнинг раҳбарлари кадрлар масаласида Москвадан рухсат сўраши талаб қилинган. Бу борада қуйи ва ўрта бўғин раҳбарлари эмас, балки олий – МК раҳбарлари ҳақида сўз бормоқда. Москва МКнинг 2-котиби, ДХК раҳбари каби муҳим лавозимларга ҳаммиша Марказдан одам юборарди. Жумладан, 1959–1960 йилларда Рашидовнинг ёнида янги шахслар пайдо бўлади: МКнинг янги 2-котиби (Роман Мельников ўрнига Иваново обкомининг 1-котиби бўлиб ишлаган Фёдор Титов тайинланади) ҳамда Ўзбекистон ДХК янги раиси Георгий Наймушин иш бошлайди. Москванинг кўз-қулоғи бўлган бу кишилар Москва манфаатларидан республика манфаатларини устун қўймаслиги учун жиддий кузатувчи вазифасини бажарарди. Шу боис Рашидов ўз кишиларини юқори мансабга тайинлашга уринганида Москва бунга рўйхушлик бермаган: Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари ўзини муҳолифлардан тўла холи ҳис қилишини Марказ хоҳламасди, чунки айти шундай паллада Рашидовнинг жиловидан тортиш осон бўларди.

Буни ҳамма ҳам билмайди: КПСС МК таркибида партиявий жосуслик маҳкамаси бўлиб, бутун партия апаратини, жумладан, республикалардаги партия ходимларини кузатиб борарди. Мазкур маҳкама раҳбарларнинг фаолиятига оид ошкора ва хуфёна маълумотларни тўплаб, махсус жилдларда сақларди. Хуфёна маълумотларни фақат КПСС МКнинг 1 ва 2-котиби, ДХК раиси ҳамда яна бир неча киши, жумладан, КПСС МКнинг Ички ишлар ва Қуролли Кучлар каби куч ишлатиш тизимлари билан

шуғулланадиган маъмурий бўлим мудир кўздан кечириши мумкин эди, холос. 50-йилларнинг охирларида КПСС МКнинг айна шу бўлим мудир Аверкий Аристов эди. Миш-мишларга қараганда, Брежневга яхши кўриниш мақсадида хуфёна маълумотларни унинг ўзига кўрсатган ва ёқиб ташлашни таклиф этган. Брежнев рози бўлган, чунки бу пайтда катта мавқега эга бўлиб, МКнинг котиби лавозимида хизмат қиларди. Рашидовга нисбатан бирон-бир одам бундай бағрикенглик қила олмасди, аксинча, боши балодан чикмаган бўларди. Айна шу боис ҳам Шароф Рашидов партия аъзоси сифатида шаънига ўчмас доғ бўлиб тушадиган бирон ножўя иш қилиб қўймаслик учун ҳамиша эҳтиёткорлик билан иш олиб боришга мажбур эди.

Ҳарбийлар идораси ҳам республикаларда Москванинг ишонган ташкилоти ҳисобланарди. Ўзбекистонда Туркистон ҳарбий округининг қўмондони, уруш қатнашчиси Иван Фадюнинский фаолият юритган, республика ДХКнинг раиси каби у ҳам Ўзбекистон КП МК бюросининг аъзоси эди.

Москва учун республика Ички ишлар вазирлиги нисбатан аҳамиятсиз, бироқ бу идорада ҳам вазирларнинг ўринбосарлари марказдан махсус тайинланган. Ўзбекистонда, юқорида айтилгандек, Ички ишлар вазири 1954 йилдан Йўлдош Бобожонов (Фарғона вилояти ДХК бошқармасининг собиқ раҳбари) бўлган, 1959 йилда Рашидов унинг ўрнига Ички ишлар 3-тоифали генерали Т. Жалиловни тайинлайди.

Дарвоқе, Хрущёв жиноятчиликка қарши курашда ҳам қовун туширади. 50-йилларнинг охирларида мамлакатда йигирма йилдан кейин жиноятчиликка бутунлай чек қўйилади, дея овоза қилган раҳбар ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасида туб ислохотлар ўтказди. Хусусан, 1956 йилда Адлия вазирлигини тарқатиб юбориб, шунингдек, ДХК ва ИИВда кадрлар орасида тозалаш ўтказди. Бу икки маҳкама раҳбарлигига малакали мутахассисларни эмас, партиявий амалдорларни тайинлайди: ДХК раиси ВЛКСМ МКнинг собиқ биринчи котиби Александр Шелепин (1958 йилдан ДХК раиси), КПСС МК Қурилиш бўлими собиқ мудир Николай Дудоров эса (1956 йилдан) ИИМ раҳбари этиб тайинланади. Янги раҳбарлар бошчилигида мазкур маҳкамаларда кадрларни қисқартириш бошланади: Дудоров вазир этиб тайинлангач, бир неча ойдан кейин Ички ишлар органларидан қарийб 7 минг киши қисқартирилгани маълум қилинади. Икки йилдан кейин ИИМдан икки ҳисса кўп – 14 331 киши қисқартирилади,

1959 йилга келиб яна 1 300 киши ишдан бўшатилади. Бу давлатга 163 мил-  
лион рублни тежаш имконини беради, бироқ катта зиён ҳам етказилади.  
Дарусан, жойларда милиция ходимлари етишмаслиги сабабли 1959 йил-  
дан иккинчи ярмидагига нисбатан 1960 йилнинг биринчи ярмида мамла-  
ката ўта хавфли жиноятлар сони 22,6 % ортади.

Умумий жиноятчилик кўрсаткичлари Иттифоқда ўша йилларда  
кўпайдагича бўлган. Агар 1958 йилда 880 322 та жиноят қайд этилган бўлса,  
1959 йилдан кейин бу рақам 614 552 тани, 1960 йилда эса 651 260 тани  
ишқил қилади. Лекин 1961 йилда жиноятлар сони ортиб, 877 549 тага  
етди. Тўғри, бу борадаги рақамларни Иттифоқнинг ўша даврдаги асосий  
рақобатчиси АҚШдаги кўрсаткичлар билан қиёслаб бўлмасди. Иттифоқ  
бу борада АҚШдан жуда орқада эди. Дарвоқе совет раҳбарияти жиноят-  
чилик соҳасида Америкадан ўзиб кетишни сира ҳам режалаштирмаган.  
Иттифоқ Олий Судининг 1957 йилги ахборотномасида қуйидагилар баён  
қилинганди:

«Иттифоқ жиноятчилигининг ўсиши бўйича исталган капиталистик  
давлатдан, биринчи галда АҚШдан тубдан фарқ қилади. АҚШ Федерал  
тергов бюроси эълон қилган расмий маълумотлардан аёнки, Америкада  
жиноятчилик йил сайин ортиб бормокда, боз устига ўсиш ўта хатарли жи-  
ноятлар ҳисобига рўй бермокда. Жумладан, Қўшма Штатларда 1956 йилда  
қарийб 11,5 млн киши, яъни АҚШнинг 15 та фуқаросидан биттаси жид-  
дий жиноят содир этганлиги учун ҳибсга олинган. АҚШда бир кеча-кун-  
дузда ўртача 7094 та жиддий жиноят содир этилади. Жиноятларнинг ўзига  
хос хусусияти балоғатга етмаганлар содир этган жиноятларнинг салмоғи  
катталигидадир. 1955 йилда 2 262 450 та жиддий жиноятлар содир этилган  
бўлиб, уларнинг 42 % ини 15 ёшдан кичик ўсмирларга тўғри келган. 10 дан  
17 ёшгача бўлганлардан иборат жиноятчилар гуруҳининг сони сўнгги тўрт  
йилда 10 % ортган, шу ёшдагиларни ҳибсга олиш икки баравар кўпайган».

Ўрта Осиё Республикалари орасида содир этилган жиноятлар сони  
бўйича Ўзбекистон биринчи ўринда турар ва бунинг объектив сабабла-  
ри бор эди: аҳоли сони кўп, бунинг устига шаҳарлар аҳолиси маҳаллий  
бўлмаган, бошқа республикалардан келганлар ҳисобига ортиб борарди.  
Иттифоқда содир этилаётган (ўта оғир жиноятлар) рўйхатида Ўзбекистон  
деярли охирги поғоналардан жой олган. Ҳолбуки, 20-йилларнинг охирла-  
рида шаҳарларда содир этилган жиноятлар сони бўйича иттифоқда етак-

чилик (таниқли изкувар М.Гернет маълумотларига кўра) қиларди. Лекин орадан 30 йил ўтиб, аҳоли нисбатан кўп эканига қарамай Ўзбекистон мамлакатда тинч республикалардан бирига айланди.

1960 йил январда Иттифок ИИВлиги бекор қилингандан кейин республикаларнинг худди шу маҳкамалари олдингига нисбатан кенгроқ мустақилликни қўлга киритди, бироқ Москванинг бу борадаги ҳукмронлиги бироз сусайганди, холос. Москвада жиноятчиликка қарши бошланган ишларнинг барчаси эндиликда республикаларга кўчирилди. Жумладан, 60-йилларнинг бошидаёқ Хрущёв томонидан валютафурушлар, чайқовчилар, давлат мулкани талон-торож қилувчилар каби жиноятчиларга қарши курашни кучайтирганди. Республикаларнинг ИИВ ва ДХКлари бу ташаббусни илиб олиб, кенг қўламли курашни бошлаб юбордилар.

Марказий, шунингдек, республикалар матбуотида эълон қилинган мақолаларни ўқиган омма мазкур кураш қандай олиб борилаётганидан хабар топарди. Ўзбекистонда бундай мақолалар «Правда Востока» ва «Ташкентская правда» газеталарида чоп этиларди. Ўқувчиларга тушунарли бўлиши учун «Правда Востока» газетасининг 1961 йил июлдан-августгача чиққан сонларини кўздан кечирамиз. Бу даврда Москвада Я.Рокотов ва В.Файбишенко бошчилигидаги валютафурушлар устидан шов-шувли суд бўлиб ўтган, улар дастлаб 15 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган, кейин Хрущёвнинг шахсий кўрсатмаси билан отувга ҳукм этилган.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда рус тилида чиқадиغان марказий газетанинг 15 июль ва 8 августдаги сонларида тошкентлик яширин миллионерлар ҳақида иккита мақола чоп этилади. Булар ака-ука Шамаловлар, шунингдек, М.Қандов, А.Тамаров ва Д.Фузайлов деган кимсалар эди. Мақолада қайд этилгандек, «Бу одамлар ҳалол меҳнат қилиш ўрнига валютафурушлик ва бошқа қимматли нарсаларни олиб-сотиш билан шуғулланиб, зараркунандалар каби ҳаёт кечирган». Уларнинг асосий айби нима эди?

Ш.Шамалов валюта ҳамда инқилобдан олдинги ва чет элнинг олтин тангаларини, давлат заёмлари облигацияларини сотиб олиб, уларни чайқов бозорида пуллаган. Унинг уйдан, хонтахта оёғига яширилган 100 та олтин танга топилган. Уйдаги бошқа бир жойдан америкалик сайёҳлардан сотиб олинган Америка долларлари топилган. Бундан ташқари, Ш.Шамалов, А.Тамаров 1957 йилда чиқарилган, уч фоизли қиймати 200 минг сўмликдан ортиқ заёмларни яшириб қўйганлар.

Шамаловнинг ҳибсга олинганидан хабар топган укаси Б.Шамалов  
Д.Фузайлов терговчига валютафурушни озод қилиши учун янги  
(1961 йилда Иттифоқда пул алмаштирилган – муаллиф) 10 минг  
тақлиф қилишади. Улар шу мақсадда Самарқанддан Тошкентга  
қўлга олинадилар.

Ҳибсга олинган яна бир кимса – М.Қандов ноқонуний автомобиль сав-  
до билан шуғулланган: улар билан хуфёна олиб сотарлик қилган. Ҳибсга  
олинган олдин бир неча ойнинг ўзида иккита «Победа», «Москвич» ва  
автомобилларини сотган.

1961 йилда бўлган суд Ш.Шамаловни мол-мулки мусодара этилган  
7 йил қамоқ жазосига ҳукм қилади, М.Қандов 5 йилга қамалади. Бу  
қарорлар гуруҳнинг бошқа аъзоларига ҳам турли муддатга қамоқ жазоси  
қўйилади.

Бир ой ҳам ўтмасдан шу газетада жиноятчилик мавзуида яна бир –  
«Бектебегамлар ва фирибгарлар» сарлавҳали мақола чиқади. Мақолада  
Тошкентда давлат мулкани ўмариш, товламачилик билан шуғулланган  
ўзга якин кишидан иборат жиноятчи гуруҳнинг қилмиши фош этилади.  
Бу жиноятчилар гуруҳига 153-қурилиш трестининг 3-бошқармасида эск-  
ришчи бўлиб ишлаган Михаил Риц бошчилик қилган. Бошқармадан  
қўшагандан кейин у эпчиллик қилиб қимматли материалларни олиш учун  
кўчма штамп ва муҳр қўйилган тоза идора варақаларини ўзи билан олиб  
кетди. Оқибатда хуфёна ўғирлик авж олиб кетади.

Фирибгар пора эвазига ўзи йўлдан урган бир неча юқори мансабдор  
шахслар (Халқ хўжалиги Советининг машинасозлик саноати бошқармаси  
таъминот бўлимининг бошлиғи Н.Спирин, электр таъмирлаш заводи таъ-  
минот бўлимининг бошлиғи Л.Фрадкин ва шу завод директори Авети-  
сов) ёрдамида қурилиш бошқармасига темир маҳсулотлари беришга оид  
сохта хатни тақдим этиб, 35 тонна, шу жумладан, электр таъмирлаш заво-  
дидан 20 тонна ҳамда «Ўзбекпахтамашина» заводидан 13 тонна фонд ва  
темир листларни олишга оид ёзма рухсатнома олади. Риц қўлга киритган  
бу маҳсулотларнинг барчасини сотиб, юз минглаб пул ишлайди. Лекин  
бу билан ҳам нафси қонмасдан ўз гумашталарига нисбатан товламачилик  
қила бошлайди.

Риц тўрт кишидан иборат товламачилар гуруҳини сохта прокурату-  
ра ходими хужжати билан таъминлаб, темир олишда ўзига ёрдам бер-

ган порахўрлар ҳузурига юбориб, улардан «жиной ишни ёпиш» эвазига пора талаб қила бошлайди. Оқибатда бу мансабдорларнинг биридан 480 сўмлик уч фоизли заём – қимматли қоғозларни, бошқасидан 5 минг сўм нақд пул, учинчисидан 10 минг сўм ундирилади. Бироқ жиноятчилар бу пуллардан фойдалана олмайди – уларни тез орада қўлга олишади. Суд Рицни мол-мулки мусодара этилган ҳолатда 12 йилга, гумашталарини эса 10 йилдан қамоқ жазосига ҳукм қилади.

Бу далилларнинг барчаси шуни кўрсатадики, мамлакатда жиноятчиликка қарши мурасасиз кураш олиб борилган ва турли соҳаларда ишлайдиган ҳар хил мансабдагилар жазога тортилган. Бинобарин, мансабдорлардан бирортасининг фирибгарлик ёки товламачилик қилгани фош бўлган тақдирда партиядан ўчиришган ёки мансабидан олинган, ёки паст лавозимга ишга ўтказилган. Шу боис Шароф Рашидов МКнинг бирорта аъзосини «ҳибсга олиш»ни хоҳлаган тақдирда ҳам Москвадан рухсат олиши, кўрсатмага биноан иш тутиши керак бўларди.

Ўзбекистоннинг олдинги раҳбари ўз фаолиятида жиддий хатоларга йўл қўйгани боис Марказ Рашидовни мазкур лавозимга тайинлаган. Шу боис Москва дастлабки кезларда қуйи ва ўрта бўғин раҳбарларини, кейинчалик юқори мансабдорларни ҳам алмаштириш учун Рашидовга имтиёзлар беради.

1961 йил 4 апрелда бўлган Республика фаоллари йиғилишида Рашидов кескин танқидий маъруза қилади. Бухоро вилояти жамоа ва давлат хўжаликларида ўтган йили 1953 йилга нисбатан 26 минг тонна пахта кам етиштирилгани ҳамда айни ўша йилдагига нисбатан ҳар гектардан олиннадиган ҳосил 3,1 центнерга камайиб кетганини танқид қилади. Фарғона вилоятида эса кейинги етти йил мобайнида ҳар гектардан олиннадиган ҳосилдорлик атиги 0,8 центнерга ортганини қониқарсиз ҳол деб баҳолайди. У ўз маърузасида айрим раҳбарларни ҳам танқид қилади:

«Кўнғирот туманида фош этилган қонунга хилоф ишлар ва давлатни алдашга уринишлар ҳақида ғазабланмасдан сўзлаб бўлмайди. Туман партия ташкилотининг котиби Шарипов ҳамда туман ижроия қўмитасининг собиқ раиси Абдуллаевнинг кўрсатмаси билан ёғ харид илиш учун сохта қвитанциялар ёзиб берилган. Аслида эса ёғ ишлаб чиқарилмаган.

Хуллас, кимки ўз мансабини сунистеъмом қилиб, давлатни алдашга уринар экан, улар мансабидан бўшатилиб, партия ҳамда давлат томонидан

~~Шароф~~ жазога тортилади. Мансабпараст ва товламачиларга – партия сафи-  
~~ни ўрин~~ йўқ!»

Шароф Рашидов республика раҳбари бўлиб турган дастлабки икки йил  
~~мобайнида~~ туман партия қўмиталари ва ижроия қўмиталарининг бир неча  
~~раҳбарларини~~ алмаштиради, айримлари партиядан ўчирилиб, айримлари  
~~турган~~ жиноятлари учун жавобгарликка тортилади. 1961 йил сентябрида  
Ўзбекистон КПнинг XVI съездида) Рашидов қуйидаги далилларни кел-  
~~тиради~~: сўнгги бир неча йил ичида оддий фуқаролардан МК маҳкамасига  
22 824 та хат, шикоят ва аризалар келиб тушган. Улар асосида 1960 ва  
1961 йилнинг 8 ойи мобайнида КПССга аъзолик ва аъзоликка номзодлик-  
~~дан~~ ўчиришга оид қарорларга тегишли 631 та апелляция кўриб чиқилган.  
Улардан 119 киши партия аъзолигига тикланган ва 400 киши партиядан  
ўчирилгани тасдиқланган (эслатма: 1961 йилда Ўзбекистон Компартияси  
сафида 211 559 аъзо ва 25 519 аъзоликка номзод бўлган).

Айни шу съездда Рашидов республиканинг олий мартабали раҳбар-  
~~лари~~ – Ўзбекистон КП МК бюроси аъзоларини ҳам алмаштиради. Хусу-  
~~сан~~, қуйидагилар бюро аъзолигидан чиқарилади: О.Алимов (Ўзбекистон  
Министрлар Советининг Раиси, унинг ўрнини Р.Қурбонов эгаллайди),  
Р.Ғуломов (Ўзбекистон Олий Советининг Раиси). Уларнинг ўрнига  
фақат бир киши М. Мусахонов бюро аъзоси бўлади. М.Мусахонов  
М.Абдураззоқов ўрнига МК котиби этиб тайинланади.

Биринчи котиб лавозимида сайланишида Шароф Рашидов номзоди-  
ни қўллаб-қувватлаган икки мансабдорнинг (Ғуломов ва Абдураззоқов)  
ишдан олиниши ғалати кўриниши мумкин. Гап шундаки, 1959 йил март  
ойида бўлган бюро мажлисида айрим мансабдорлар мажбуран Рашидов  
номзодини ёқлаб овоз берганди. Улар расмиятчилик учун нутқ сўзлаган ва  
катта тажрибага эга бўлгани учун жуда эҳтиёткорлик билан овоз беришда  
катнашганди. Бироқ Рашидов республика раҳбари сифатида иш бошлага-  
нидан кейин мухолифлари билан қарашлардаги фарқ юзага чиқиб қолиши  
оқибатида уларни мансабидан бўшатишга мажбур бўлади.

Ўзбекистон КПнинг XVI съездида республика МКнинг раҳбар ор-  
гани шакллантирилди. Бюро таркибига қуйидаги кишилар киритилди:  
Ш.Рашидов (1-котиб), Ф.Титов (2-котиб), Р.Қурбонов (Ўзбекистон Ми-  
нистрлар Советининг Раиси), М.Абдураззоқов (Тошкент обкоми 1-ко-



тиби), М.Мусахонов (МК котиби), З.Раҳимбобоева (МКнинг мафкура котиби), Г.Наймушин (ДХК раиси), И.Федюнинский (Туркистон Ҳарбий Округи кўмондони), Ё.Насриддинова (Ўзбекистон Олий Совети Президиумининг Раиси), Г.Габриельянц (МКнинг қишлоқ хўжалиги бўйича котиби); бюро аъзолигига номзодлар: И.Бурмистров, Н.Мартинов, К.Муртазоев.

Бюро аъзолигидан О.Алимов (уни Москвага, КПСС МК ҳузурига ишга чақириб олишди) ва А. Рудин чиқарилди.

МКнинг бўлимлари раҳбарлари (мудирлари): И.Бурмистров (партиявий органлар бўлими), М.Раҳмонқулов (тарғибот ва ташвиқот), А.Султонхўжаев (саноат), Т.Зинин (қишлоқ хўжалиги), А.Қобулов (молия-режа органлари), Я.Зокиров (маъмурий орган; куч ишлатиш маҳкамаларини назорат қилиш бўлими), А.Шахов (қурилиш ва қурилиш материаллари), Т.Ҳасанов (транспорт ва алоқа), А.Қаюмов (фан, таълим), А.Хўжаев (Ўзбекистон КП МК ҳузуригадаги партия комиссияси раиси).

Бу даврга келиб Шароф Рашидов билан Н.Хрущёв ўртасидаги муносабатлар яхшиланди. Жумладан, 1960 йили Марказ Мирзачўлни ўзлаштириш ишини тўхтатишга қарор қилганда, Ш.Рашидов бунга кескин қарши чиқади. Лекин Москвада, КПСС МКдагилар унинг фикри билан ҳисоблашмайди, қарор қабул қилинди, эътирозга ўрин йўқ дегандай қилишади. Шунда Рашидов билан Ўзбекистоннинг бир неча раҳбарлари Н.Хрущёвнинг ҳузурига киришга муваффақ бўладилар.

Хрущёв олдиниға ўз сафдошларининг фикрини маъқуллайди. Мирзачўлни ўзлаштириш жуда катта маблағ – тўрт миллиард рублдан кўпроқ сарф-харажатни талаб қиларди. Ҳолбуки, бу маблағни бошқа ишларга (хусусан, Хрущёв ҳукмронлигининг охириги йилларида тобора ортиб бораётган иқтисодиётдаги етишмовчиликларга) сарфлаш анча наф келтирган бўларди. Бироқ Рашидов ва унинг сафдошлари Мирзачўлнинг ўзлаштирилиши Иттифокда пахта етиштиришни кескин кўпайтиришга имконият яратади, бу молиявий даромадни янада оширади, натижада, барча сарф-харажатлар ортиғи билан қопланади, деб катта раҳбарни ишонтирадилар. Натижада, Хрущёв Мирзачўлни ўзлаштириш ишлари давом эттирилишига рози бўлади.

Ўша йили Рашидовнинг шахсан аралашуви «Бойкўнғир» космодроми каби бутун мамлакат учун ҳарбий-стратегик ва хўжалик иншоотини

Ўзбекистон ҳудудида) қурилишида катта аҳамият касб этади. Ҳарбий  
Д.Галицкий шундай хотирлайди:

«Бойкўнғир» космодромини қуришда асосий материаллар (шағал, қум)  
Ўзбекистондан етказиб берилган. Тошкентдан ғишт, кабел ва лак-бўёқлар  
етказилган. Дастлабки кезларда бу маҳсулотларнинг барчаси буюрт-  
ма ва жадвалга биноан ўз вақтида мунтазам етказиб берилган. Кейин эса  
Ўзбекистоннинг ўзида ишлатиш учун йирик тошларни етказиб бериш тўхтаб  
қолган. Шунингдек, кунига атиги 1–2 та вагон ғишт кела бошлади. Ўрта  
Осиё темир йўллар бошқармаси ва қурилиш саноати материаллари вазир-  
лигига кўпроқ материаллар юбориш тўғрисидаги қилган мурожаатлари-  
нинг жавобсиз қолди. Космодром қурилишининг бошлиғи генерал-майор  
Ш.Г. Шубниковнинг топшириғи билан мен Тошкентга йўл олдим.

Тошкентда дастлаб Ўрта Осиё темир йўллар бошқармасига мурожаат  
қилдим, бироқ натижа бўлмади. Ўзбекистон Қурилиш саноати материал-  
лари вазирлигида ҳам ҳеч нарсани ҳал қила олмадим. Ўшанда Шубников  
менга тўғридан-тўғри Шароф Рашидовга мурожаат қилишимга рухсат  
берди. МКГа келиб нима мақсадда қаердан келганимни, шахсан Рашидов  
қабул қилиши кераклигини айтдим. Дарҳол рухсатнома беришди ва Раши-  
дов мени шу заҳоти қабул қилди.

Рашидовга нима учун келганимни, материаллар етказиб беришда узи-  
лишлар бўлаётганини, бунинг оқибатида иш тўхтаб қолиши мумкинлиги-  
ни айтдим. Рашидов сейфдан харитани олиб, «афсуски, бу бошқа респуб-  
ликанинг ҳудудида экан», деди. Кейин котибни чақириб, Ўрта Осиё темир  
йўллар бошқармаси бошлиғи, Қурилиш саноати материаллари вазири,  
кабель ва лак-бўёқ заводи директорларини дарҳол таклиф қилишни бу-  
юрди. Ярим соат ичида ҳаммаси етиб келишди. Ш.Рашидов уларга мени  
кўрсатиб, жаҳоншумул аҳамиятга молик қурилишдан келганимни, Тош-  
кентдан зарур материаллар ўз вақтида етказиб берилмаётганидан шикоят  
қилаётганимни айтди. Кейин эса ҳар кун камидан битта эшалон йирик  
тошлар, камидан 10 вагон ғишт, кабель ва лак-бўёқ заводи директорларига  
барча материалларни жадвалга кўра юклаб жўнатиш топшириғини берди.

Шароф Рашидовичга миннатдорчилик билдириб, космодромга қайт-  
дим. Икки кун ўтмасдан станция диспетчери харсанг тошлар ва ғишт  
юкланган вагонлар келганини хабар қилди. Қурилишдаги ишлар яна жон-

ланиб кетди ва шу иншоотдан 1961 йилда Юрий Гагарин биринчи марта самога парвоз қилди. Бу тарихий воқеада Шароф Рашидовнинг ёрдами қатта аҳамиятга эга бўлди».

Шароф Рашидовнинг етакчи раҳбар сифатидаги фаол ва самарали фаолиятини Хрушчёв муносиб баҳолайди. 1961 йил октябрдаги КПССнинг XXII съездида Ш.Рашидов иттифоқдош республикалар раҳбарлари орасида биринчилардан бўлиб КПСС Марказий Комитети таркибига (1956 йилдан аъзоликка номзод эди) киритилди ва совет раҳбарлик тизимининг энг олий органи – КПСС Марказий Комитети Президиуми (Сиёсий бюро) аъзолигига номзод этиб сайланди. Буларнинг барчаси Москвадаги доираларда унинг обрў-эътибори ортганини тасдиқларди. Ўшанда у билан бирга яна иккита республика раҳбари – Белоруссия раҳбари Кирилл Мазуров ҳамда Грузия раҳбари Василий Мжаванадзе Президиум аъзолигига номзодликка сайланганди. Рус бўлмаган яна бир раҳбар – Владимир Шчербицкий ҳам бор эди, лекин у раҳбар эмас, балки Украина КП МКнинг котиби эди, холос.

Шароф Рашидовнинг Марказда обрўси ортиши баробарида Москвада, мамлакат олий раҳбарияти таркибидаги яна бир мусулмонлар вакили – Нуриддин Муҳитдиновнинг бошига қора қўланка соя сола бошлади. Ўша съезддан кейин уни КПСС МК Президиуми аъзолигидан чиқариб юборишади ва котиблик лавозимидан ҳам маҳрум қилиб, Иттифоқ Марказий бошқаруви раисининг ўринбосари этиб тайинлашади. Бир пайтлар Хрушчёвнинг ўзи «МК Президиуми таркибидаги энг ёш ва келажаги порлок» деб алқаган Муҳитдинов қайси айби учун дафъатан четга суриб қўйилганди?

Бунга Сталин билан боғлиқ масала сабаб бўлади. Гап шундаки, Хрушчёв ўша съездда «халқлар отаси»ни танқид қилиб қолмасдан, унинг жасадини Мавзолейдан олиб чиқиб, Новодевичьев қабристонига дафн этишга аҳд қилади. Бу борада барча бир ёқадан бош чиқариши учун йирик республикаларнинг раҳбарлари зиммасига съездда бу таклифни маъқуллаб нутқ сўзлашни юклайди. Муҳитдинов бу рўйхатда биринчи кўрсатилган, у барча Ўрта Осиё раҳбарлари номидан нутқ сўзлаши керак эди. Н.Муҳитдинов бу воқеалар қандай кечганини шундай хотирлайди:

«Съезднинг навбатдаги мажлиси тугагач, кечки пайт Хрушчёв хузурига киришим кераклигини айтишди. Кириб борсам у ерда Подгорний, Мико-

**Суслов**, Шелепин ва яна кимдир ўтирганини кўрдим. Никита Сергеев шундай деди:

– Сталинни Мавзолейдан олиб чиқиб, Новодевичьев қабристонига – Сталинни ва қариндошлари ёнига дафн қиламиз.

**Хамма** сукутда. Мен журъат қилиб биринчи бўлиб гапирдим:

– Никита Сергеевич, уни МК, Олий Совет Президиуми ва Министрлар Советининг қарорига биноан Мавзолейга қўйишган.

**Козлов** менинг оғзимга урди:

– Буни айтмасанг ҳам ҳамма билади!

Лекин мен фикримни давом эттирдим:

– Биз мархумнинг жасадига бундай муносабатда бўлсак, халқ ёмон бўл қилиши мумкин. Бизда, Шарқда мархумларни безовта қилиш катта гуноҳ саналади.

**Микоян** гапимни бўлиб қўйди:

– Съездда ўзингни мусулмонча урф-одатларингни тикиштирма.

Шунга қарамай яна дедим:

– Нима учун Новодевичьев қабристонига дафн қилинганини исботлаш қийин бўлади. Унинг сафдошлари – Дзержинский, Свердлов, Фрунзе, Калинин, қолаверса, у билан бирга ишлаган қатор раҳбарлар Кремль девори ёнига дафн қилинган. Балки Сталинни ҳам уларнинг қаторига дафн қилармиз!

Бир оз сукунатдан кейин Шелепин гап бошлади:

– Сталиннинг жасадини Новодевичьев қабристонига дафн қилиш хатарли. Кимлардир уни ўғирлаб кетиши ҳеч гап эмас. Бунинг олдини олиш ҳам қийин. Бу эса съезд иши жуда яхши бораётган бир пайтда қутилмаган кўнгилсизликлар келтириб чиқариши мумкин.

**Хрушчëв** бир оз ўйланиб турди-да, шундай деди:

– Хуллас, уни Мавзолейдан чиқариб таплашни съездга таклиф қиламиз. У Ленин билан ёнма-ён ётишга муносиб эмас. Балки уни ҳам бошқа машҳур арбоблар қаторига, Мавзолей ортига дафн қилиб қўя қолармиз?

Барча бу фикрни маъқуллади. Никита Сергеевич давом этди:

– Сен, Николай Викторович (Подгорний), маъруза қилиб қарор лойиҳасини тақдим этасан. Анастас (Микоян) жасадни қайта дафн этиш билан шуғулланади. Суслов эса қарор лойиҳасини тайёрлайди, Козлов

съездда нутқ сўзлайдиганлар рўйхатини тузади. Истардимки, йирик республика ва ўлкаларнинг раҳбарлари бу қарорни маъқуллаб нутқ сўзласалар яхши бўларди.

Шундан кейин ҳаммамиз тарқалдик.

Кейинги куни, кечки мажлисдан кейин хонамга Козлов қўнғироқ қилиб, ишларингни тугатдингми, деб сўради. Ҳозир тугатаман, дедим.

– Менинг машинамда бирга кетамиз. Йўлакка чиқиб тур, – деди. Сўнг йўл-йўлакай чарчаганидан шикоят қилиб, бизникига кира қолайлик, деб таклиф қилди: – Оз-оздан оламиз, бекамиз бирон егулик пишириб беради.

Мен уни таклиф қилдим:

– Бизникига борамиз. Ичимлик ҳам бор, хотиним сен яхши кўрадиган ош дамлайди.

Лекин у қатъий туриб олгани учун унинг уйига бордик. Тамадди қилиб ўтирганимизда, Козлов гап бошлади:

– Сталин масаласини айрим ўртоқлар иштирокида муҳокама қилиб, бу масалани 30 октябрь эрталабки мажлис пайтида кўтаришга қарор қилдик. Шверник раислик қилади, кун тартибига киритмасликка келишдик. Устав лойиҳасини муҳокама қилишда дастлаб Ленинград обкомининг биринчи котиби Спиридонов нутқ сўзлайди. У ҳокимият суиистеъмом қилингани, қонунга хилоф ишлар, оммавий қама-қамалардан кўплаб ленинградликлар ҳам азият чекканини таъкидлаб, Мавзолейдан Сталин жасадини олиб чиқиб, бошқа жойга дафн этишни таклиф қилади. Келишиб олганимизга кўра, Кавказорти республикалари номидан Грузия раҳбари Мжаванадзе нутқ сўзлайди, сен Ўрта Осиё, ўз ватанинг Ўзбекистондаги қатағонлар ҳақида гапирасан. Москва ташкилоти номидан Демичев нутқ сўзлайди, кейин бошқа республикалар ва Украина вакиллари номидан Подгорний қарор лойиҳасини таклиф қилади. Унинг гапларини тинглаб, шундай дедим:

– Чамаси, ҳаммасини чуқур ўйлаб кўрибсизлар, лекин битта нарсани тушунмаяпман.

– Нимани?

– Барча Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон номидан сўзлашим тўғри бўлармикан? Қолаверса, аллақачон съезд минбаридан ярим соат нутқ сўзлаганман. Бунинг устига Ўзбекистонда эмас, анчадан буён сизлар

**Сен** Москвада хизмат қилаётирман. Съездда барча республикаларнинг **Сен** котиблари иштирок этаётир. Улар тўпланиб, бу ўлка номидан **Кунаев**, Рашидов ёки бошқа бир одам нутқ сўзлашини келишиб олишса **Бўларди**.

Козлов эътироз билдирди:

– Келишувни бузма. Сенга нутқ сўзлаш топширилган.

– Ким зиммамга юклади? Боз устига КПСС МК котибларидан ҳеч ким **нутқ** сўзламас экан.

Шунда у писанда қилди:

– Эсингдан чиқмасин – хўжайин қаттиқ хафа бўлади. Сен билан **сухбатимиз** ҳақида унга ҳозир ҳисоб беришим керак.

– Яхши, менинг фикримни унга айтавер.

Шу пайт хонага Козловнинг хотини кирди. Мен кечки таом учун мин-**ватдорчилик** билдириб хайрлашдим-да, чиқиб кетдим».

Муҳитдиновнинг бу жасоратига тан бериш керак: Сталинни кўпгина **жиноятларни** содир этганликда айблаганига қарамасдан (Муҳитдинов МК Президиумида кўчирилган чеченлар, ингушлар, қрим-татарларни оқлаш масалалари билан ҳам шуғулланарди), Хрушчёвнинг ташаббусига қарши чиқишдан қўрқмаган. Чунки аксарият совет кишилари Сталин жасадининг қайта дафн этилишига салбий фикр билдирган бўларди. Бинобарин, Хрушчёвнинг телбаларча хатти-ҳаракатини нутқ сўзлаб оқлаш масъулиятини зиммасига олмайди. Бу борада у ёлғиз эмасди. Грузия раҳбари Мжаванадзе ҳам нутқ сўзлашдан бош тортади, лекин у айёрона йўл тутарди: томоғим оғрияпти, деб баҳона қилади (хатто съезд мажлисига бўйинини боғлаб келади). Оқибатда унинг ўрнига ҳамюрти Г.Д. Жавахишвили нутқ сўзлашга мажбур бўлади.

Ўрта Осиё Республикалари ва Қозоғистондан ҳеч ким Хрушчёвнинг таклифини қўллаб-қувватламайди. Уларга шундай таклиф билан мурожаат қилингани борасида бирон гап айтиш қийин. Мурожаат қилингани эҳтимолдан холи эмас, бироқ улар бунга рози бўлишмаган, бинобарин, Муҳитдинов айтганидек, мусулмон одатларига кўра марҳумнинг жасадини безовта қилиш катта гуноҳ ҳисобланади. Айниқса, Сталин руҳини безовта қилишга ҳар ким ҳам журъат қила олмас, ҳокимиятни суиистеъмол қилганига қарамасдан аксарият совет кишилари ҳамон Сталинни қаттиқ

хурмат қиларди. Бунда яна бир жиҳат ҳам бор эди: Хрушчëв давлат раҳбари сифатида ташқи кўринишдан, ўз фаолиятига кўра Сталинга нисбатан жуда бачкана кўринарди.

Муҳитдинов ўз хотираларида қайд этганидек, раҳбарлар назаридан четда қолиб, юқори лавозимлардан маҳрум бўлишига съезддаги тутган йўли билангина эмас, Президиумдаги сафдошлари – партиянинг бош мафкурачиси Михаил Суслов, МК 2-котиби Фрол Козлов билан бирга ўз юртошлари, асосан, Шароф Рашидовнинг панд беришлари ҳам сабаб бўлган. Унинг бу фикрини ҳам ҳақиқатга хилоф деб бўлмайти. Бироқ Суслов ва Козлов билан Рашидов нима учун тил бириктириб, ўзига қарши иш тутганига айнан нима сабаб бўлганига Муҳитдинов ойдинлик киритмайди. Ҳолбуки, Муҳитдинов мамлакат олий раҳбариятида Ўзбекистон манфаатларини ҳимоя қиладиган ягона одам бўлган. Рашидов раҳбарлик ишларида жуда тажрибали ва уддабурронлиги боис шундай йўл тутиши учун етарли асослар бўлган, деб ҳисоблаш мумкин.

Муҳитдинов Москвада муайян лавозимга тайинлангач, унинг Ўзбекистон билан алоқалари бирмунча заифлашади, чунки Хрушчëв уни энг аввало ёлғиз Ўзбекистоннинг эмас, бошқа республикалар манфаатларини ҳам ҳимоя қиладиган мансабдор сифатида Президиум таркибига киритади. Муҳитдинов ўз хотираларида шу муносабат билан Хрушчëвнинг қуйидаги сўзларини келтиради: «Кўпгина республикаларга нисбатан Ўзбекистон иқтисодиёти ва бутун халқ хўжалиги жадал ривожланмоқда. Ҳатто қўшни республикалар ҳам бунга ҳасад билан қараётир. Биз буларнинг барчасига холис қарашимиз, барчага баравар муносабатда бўлиб, барча республикаларнинг баравар ривожланишини таъминлашимиз керак. Сиз, мана шу ерда, МКда фаолият юритиш асносида бу жараённи бир маромга солиш билан шуғулланасиз».

Муҳитдинов шу тариқа ўзига билдирилган ишончни оқлаш, бошқа республикалар ҳақ-ҳуқуқлари поймол бўлмаслиги учун баъзида ўз республикасининг зиёнига қарорлар қабул қилишга ҳам мажбур бўлган. Унинг бундай йўл тутиши Хрушчëвга албатта ёққан. Рашидов Ўзбекистон раҳбари сифатида энг аввало, ўз юртининг манфаатларини ҳимоя қилган. Шу асно Рашидов ва Муҳитдинов ўртасида ихтилофлар юзага келган бўлиши мумкин.

Шароф Рашидов республика раҳбари бўлгани ҳамано икки ўт орасида  
яна бир бор эслатаман. Келажакни олдиндан кўра биладиган,  
ўз тарафдорлари, мухолифлари манфаатларини ҳам ҳисобга ол-  
ган ҳолда сиёсат юритадиган раҳбаргина бундай шароитда ҳокимиятни ўз  
қўлига сақлаб қолиши мумкин эди. Келгусида улукни илиб кетиш учун  
қўлдан одамлар ўз манфаатини қурбон қилиб, мухолифлар билан тил би-  
риктиради ва шу тариқа бир қадам ортга юриш ҳисобига келгусида икки  
қўлга илгарилаб кетадилар. Рашидов аксарият ҳолатларда айнан шундай  
қўл тутди. Ўзбекистон Олий Совети Президиуми Раиси лавозимида иш-  
лаган даврида турли гуруҳ ва тоифалар манфаатларини уйғунлаштириш  
қўлмасини ҳосил қилган ва бу кейинчалик Ўзбекистонга салкам 25 йил  
раҳбарлик қилишда ҳам жуда кўл келганди.

М.Горбачёвнинг қайта қуриш йилларида, яъни совет ОАВ Рашидовни  
қўлдан ор-номуссиз ва виждонсиз амалпараст сифатида кўрсатишга зўр  
бериб уринган даврда, унинг нафақат ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш,  
балки республика фаровонлиги йўлида олиб борган барча эҳтиёткорона  
ишлари ахлоқсизлик, ҳатто жиноий ишлар сифатида қораланди. Бу асос-  
сиз айбловларнинг барчасини кўпгина одамлар лақмаларча ҳаққоний деб  
қобул ҳам қилди, чунки оломон «яхши ёки ёмон» деб осонгина хулоса  
чиқаришга кўниккан эди. Бинобарин, пихини ёрган сиёсатчилар ўз даври  
таалабларидан келиб чиқиб, тарихий далилларга ўзгача тус берган ҳолда  
қўллаган сиёсат арбобини исталган қиёфада кўрсата олади.

Шароф Рашидов чорак асрлик раҳбарлиги давомида нотўғри қарор  
қобул қилмаган деб бўлмайди, албатта. Жаҳон тарихида бундай сиёсатчи  
ҳеч қачон бўлмаган. Бунинг аксини эътироф этадиган одам эса жамоатчи-  
ликни беихтиёр боши берк кўчага киритиб қўяди, холос.

Шароф Рашидовнинг турли маънога эга барча хатти-ҳаракатлари не-  
гизини нафақат ҳокимиятни ўз қўлида сақлаб қолиш, балки мамлакатнинг  
йирик республикаларидан бири бўлган, ишониб топширилган Ўзбекистон  
ҳақида қайғуриш ҳам ташкил этади. Энг яхши ҳакам вақтнинг ўзи ҳам  
Рашидов ҳамиша тўғри йўл танлаганини исботлайди: айти у яратган  
мустаҳкам замин эвазига бугунги кунда Ўзбекистон собиқ совет рес-  
публикалари орасида энг кучли ва жадал ривожланаётган ўлкалардан бири  
бўлиб қолмоқда.



Қайта қуриш даврининг сиёсатчилари Рашидовга қарши бўҳтонларни қандай тўқиб-бичганлари тушунарли бўлиши учун мазкур китобнинг шу бўлимида ҳикоя қилинаётган давр – Рашидов раҳбарлигининг дастлабки беш йиллигида бўлган воқеани мисол қилиб келтираман.

Аниқроқ айтганда, бу воқеа Рашидов республика раҳбари этиб сайлангач, атиги икки ойдан кейин, 1959 йил май ойида рўй берган. У ўша пайтда пахта хомашёсига харид нархларни камайтириш масаласини Москвада кўтаради. Республика манфаатлари нуқтаи назаридан бу албатта орқага тисарилиш эди, чунки 50-йилларнинг ўрталарида бунга тегишли қарор қабул қилиниши Ўзбекистонда катта фойда келтирганди (ўшанда Марказнинг пахта хомашёси нархини ошириши натижасида Ўзбекистон 3 млрд сўм кўшимча даромад олганди). Рашидов бу билан ҳам кифояланмасдан деҳқонларни топширган пахта эвазига оладиган пулига кўшимча бериладиган буғдой, ун, қурилиш материаллари каби мукофотлардан ҳам маҳрум қилишни таклиф қилди. Ўзбекистонлик кўпчилик сиёсатдонлар, масалан, Н.Мухитдинов, Г. Габриельянц, Н.Тожиев, С.Зиёдуллаев бу таклифга қарши чиқади. Уларнинг барчаси мазкур таклифнинг республика учун салбий оқибатлар келтириб чиқаришини билгани ҳолда, наҳотки Рашидов буни билмаган бўлса? Табиийки, у ҳаммасини жуда яхши тушунган. Бироқ нима учундир Москвага мана шундай хуш ёқадиган таклиф билан чиқади, бу Марказга миллионлаб сўм маблағни тежаш имкониятини берар, Ўзбекистонга эса зиёндан бошқа нарса келтирмасди. Рашидов нима учун Марказга мана шундай тайёр лўқмани таклиф қилганди?

Рашидов узоқни кўзлаб шундай қилганди. Аслида бу таклиф билан Рашидов Москванинг кўзини камаштириб, ўзига оғдириб олган, Ўзбекистон раҳбари сифатида эмин-эркин фаолият юрита олиши учун мустаҳкам замин яратганди. Бундан фойдаланган Рашидов бир йил ўтиб (1960 йилда) Хрущёвни Марказ ҳисобидан Мирзачўлни ўзлаштириш учун 4,5 млрд сўм маблағ ажратишга кўндиради (бундай маблағ сарфлашдан келгусида Марказ ҳам катта фойда кўриши, Мирзачўлда етиштирилган пахтани сотиш ҳисобига Марказ ғазнасига ҳам миллиардлаб сўм фойда, шу жумладан, валюта тушишини кўшимча қиламиз). Натижада Ўзбекистон пахта хомашёси нархидан бой берган арзимаган миллионлар эвазига миллиардлаб маблағни қўлга киритади.

\_\_\_\_\_ гашқари, у КПСС МК Президиуми таркибидан Н. Муҳитди-  
\_\_\_\_\_ сикиб чиқариб, амалда ўзи унинг ўрнини эгаллайди ва мусулмон  
\_\_\_\_\_га мансуб обрўли раҳбарлардан бири бўлиб олади. Содда ман-  
\_\_\_\_\_раст буни худбинлик, маккорлик ва кўролмаслик деб қоралайди,  
\_\_\_\_\_ни яхши тушунадиган одам эса давлат арбобининг ўта маҳорат би-  
\_\_\_\_\_узоқни кўзлаб қилган уддабуронлиги деб таърифлайди. Бинобарин,  
\_\_\_\_\_барча республикаларнинг раҳбарлари айна шундай йўл тутганди,  
\_\_\_\_\_фақат Рашидов КПСС МК Президиуми (кейинчалик Сиёсий бюро)  
\_\_\_\_\_бига (ҳатто аъзоликка номзод сифатида бўлса ҳам) кира олиш насиб  
\_\_\_\_\_ди. Биламизки, Шароф Рашидов 1961 йилнинг октябридаёқ мазкур  
\_\_\_\_\_маҳкама аъзолигига номзод сифатида қабул қилинганди.

## 12-боб

### «КАРИБ ДЕНГИЗИ ИНҚИРОЗИ»

XX съезддан кейин Хрушчёв Ўрта Осиё бўйлаб ташрифини бошла-  
ди. Ҳолбуки, Президиумдаги сафдошлари ундан буни кутмаганди, чунки  
унинг Москвада қиладиган ишлари жуда кўп эди: съезддан кейин Президи-  
ум ва Котибиятнинг янги таркибига янги вазифалар тақсимланди. Хо-  
ражий мамлакатлар вакиллари билан учрашиш каби қатор ишлар шулар  
жумласидандир. Шундай тифиз вазиятда у ўз ўрнини дафъатан ташлаб,  
Ўрта Осиёга йўл олди. Нима учун?

Афтидан, у бежиз бундай йўл тутмаган, хусусан, Сталин жасадини  
кайта дафн этиш (бу иш 31 октябрда, кундузи эмас, ярим кечадан кейин  
хуфёна амалга оширилади) борасидаги ташаббусидан кейин съездда рўй  
берган воқеалар шунга мажбур қилганди. Ўрта Осиё Республикалари  
раҳбарлари ташаббусни ошкора қўллаб-қувватлашдан бош тортганидан  
хафсаласи пир бўлган Хрушчёв бу республика раҳбарларининг кайфия-  
тини шахсан билиш, керак бўлса, уларнинг эсини киритиб қўйишга аҳд  
қилади.

Ўрта Осиё Республикаларида ҳам олий мартабали меҳмоннинг ке-  
лишини кутишмаганди. Мазкур республикаларда бусиз ҳам ташвиш етар-  
ли, пахта йиғим-терими қизғин паллага кирган ва бутун раҳбарият мазкур  
муҳим масала билан банд эди. Бироқ Хрушчёв, чамаси, ўзини қўйгани жой  
тополмас, камситилган нафсониятини ҳимоя қилишга ошиқарди.

У 10 ноябрда Тошкентга келгач, аэропортда уни нафақат Шароф Рашидов бошчилигидаги Ўзбекистон раҳбарлари, шунингдек, барча Ўрта Осиё Республикалари раҳбарлари, бир неча иттифоқ вазирлари, Тошкент аҳли жамоатчилиги вакиллари кутиб олади. Юқори мартабали меҳмон ҳукуматнинг Дўрмондаги қароргоҳида ҳордиқ чиқариб, эртаси куни поездда Самарқандга боради. Қадимий шаҳарнинг тарихий обидаларини кўздан кечиргач, вилоят партия ва совет органлари ходимлари билан учрашиб, деҳқон ва ишчиларнинг пахта тайёрлаш йиллик режаси бажарилганига оид ҳисоботларини тинглайди. Кейин эса Жиззахга ўтади. Кечки пайт «Мирзачўлқурилиш» бошқармаси ходимлари, чўлдаги қатор хўжаликлар раҳбарлари билан йиғилиш ўтказиб, янги ерларни ўзлаштиришнинг дастлабки натижаларини муҳокама қилади.

Навбатдаги икки кун мобайнида Хрущёв янги йирик пахтачилик туманининг Қозоғистон қисмидаги «Пахтаорол» жамоа хўжалигидаги ишлар билан танишиб, яна Тошкентга қайтади. Бу ерда пойтахтдан 20 километр нарида жойлашган Юқори Чирчиқ туманидаги, 1925 йилда ташкил этилган «Политотдел» жамоа хўжалигида бўлади. Сўнгра Янгийўл туманидаги 24 ёшли донгдор механизатор аёл Турсуной Охунова билан учрашади. Хрущёв 14 ноябрь куни Тошкент яқинида жойлашган Пахтачилик институти фаолияти билан танишади.

Ниҳоят, 15–16 ноябрь кунлари Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида қишлоқ хўжалиги масалаларига бағишланган худудий кенгаш ўтказилади. Кун тартибидан «Ўрта Осиё Республикалари, Озарбайжон ва Қозоғистоннинг жанубий вилоятларида пахта, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш чоратадбирларига оид» фақат битта масала жой олганди. Шунингдек, мазкур кенгашда Тошкент ва Самарқанд вилоятларига, Қорақалпоғистонга 1959 йилда пахтачиликни ривожлантиришда эришилган ютуқлар учун Ленин орденини тақдим этади.

Бу ташир Марказ Ўрта Осиё Республикаларига ҳамон алоҳида эътибор бериб келаётганининг ёрқин мисоли бўлди. Бу минтақанинг энг обрўли раҳбари айнан Шароф Рашидов эди. Хрущёв Ўзбекистонга келар экан, Муҳитдиновнинг ўрнига Рашидовни раҳбар этиб тайинлаб тўғри иш қилганига қатъий ишонч ҳосил қилишни ҳам кўнглига тугиб қўйганди.

айтиш керакки, Ўзбекистон КП МК бюроси таркибидаги  
абдорлар (Ё. Насриддинова, М. Абдураззоқов ва бошқалар)  
Мухитдиновга нисбатан қатъий чора кўриш (уни КПСС МК  
чиқариш мўлжалланаётгани) фикридан қайтаришга уринди-  
шу мақсадда уни ёқлаб ёзилган ва икки райком котиби ҳамда  
раиси имзолаган мактубни унга топширадilar. Бу Хруш-  
чёвни ўтказди: у ўз ёрдамчисига Фрол Козловга кўнғироқ  
Мухитдиновни МК таркибидан чиқармаслик кераклигини етказиш-  
Рашидовнинг муносабати Хрушчёвни хотиржам қилган кў-  
у «Шароф Рашидовичга ишонса бўлади», деган фикр билан  
стондан жўнаб кетади. Бинобарин, у 1962 йилда АҚШнинг попу-  
сайтириб қўйиш мақсадида унинг ёнидаги Кубада совет стратегик  
ларини жойлаштиришни мўлжаллайди. Шу мақсадда махфий «Ана-  
операцияси ишлаб чиқилиб, Рашидов асосий иштирокчилардан бири  
сифатида бунга жалб этилади.

Гап шундаки, Озодлик оролига АҚШнинг хужум қилишига Иттифоқ  
риббариятининг ишончи комил бўлиб, Лотин Америкасидаги инқилобий  
харакатнинг мазкур ўчоғини қўлдан чиқаришни истамасди. Кубани оддий  
курол-яроғлар билан муҳофаза қилиб бўлмагани боис бу мамлакатга раке-  
таларни жойлаштиришга қарор қилинади. Ракеталарни у ерга яширинча ет-  
казиш талаб этиларди. Бу борада Рашидовга ҳал қилувчи роль берилиб, аме-  
рикаликларнинг ҳушёрлигига панд бериш талаб қилинарди. Қандай қилиб?

Мазкур операцияни ишлаб чиққанларнинг фикрига кўра, Кубага раке-  
талар (ҳарбий хизматчилар ҳам) гўё кемаларда ерларни ўзлаштириш учун  
қишлоқ хўжалиги техникалари ва саёҳатчилар олиб борилмоқда, деган  
баҳона билан яширинча етказилиши керак эди. Бундай техника воситала-  
ри Ўзбекистонда ишлаб чиқарилгани учун Рашидов ўзига хос ниқоб ва-  
зифасини ўташи керак бўлади. Рашидов 1962 йил март ойининг иккинчи  
ярмида Москвага келади ва 22 санада 1 соату 15 дақиқа мобайнида Хруш-  
чёвнинг Кремлдаги хонасида бўлади. Кўпчилик одамлар учун бу учрашув  
мелиорация масалаларига бағишланган амалий кенгаш сифатида ўтади,  
аслида эса мазкур масаладан ташқари америкаликларни чалғитиш режаси  
ҳам муҳокама қилинади.

23 март куни Рашидов яна Хрущёв хузурида бўлади. Бу гал суҳбатда яна бир неча киши: Иттифок Давлат иқтисодиёт кенгаши раиси А.Засядько, мамлакат Қишлоқ хўжалиги академияси бўлимининг академик-котиби А.Аскоченский ва бошқа шахслар ҳам иштирок этади. Бу учрашув икки соатдан кўпроқ давом этади. Учрашувда Ўзбекистонда мелиорация масалалари муҳокама қилингани ошкор этилади. Аслида совет матбуотини синчиклаб кузатиб борадиган Америка махсус хизматини чалғитиш учун асосий масала ошкор қилинмайди.

Бир ойдан кейин (24 апрелда) Хрущёв бир гуруҳ юқори мартабали ҳарбийларни: мудофаа вазири Р.Малиновский, стратегик ракета кўшинлари бош кўмондони С.Бирюзов, ҳарбий ҳаво ҳужумидан мудофаа кўшинлари кўмондони В.Судец, олис масофалар авиацияси бош кўмондони Ф.Агальцовни қабул қилади. Бу учрашувда ҳам ракеталарни Кубага хуфёна етказиш масаласи муҳокама қилингани, шубҳасиз.

Бир ой ўтиб (23 майда) Хрущёв мелиораторлар – ерларни суғориш ва пахта етиштириш бўйича қишлоқ хўжалиги мутахассислари билан учрашади. Лекин бу учрашувда ҳам мазкур соҳа вакилларидан ташқари, Иттифок Ташқи ишлар вазирлиги вакили, Ташқи иқтисодий алоқалар бўйича Иттифок Министрлар Совети Давлат комитетининг аъзоси ва «Сельская жизнь» газетаси бош муҳаррири П.Алексеев иштирок этади. Эртаси куни айни шу газетада мазкур учрашув ҳақида мақола босилиб, унда қардош Кубага моддий ёрдам кўрсатиш масаласи муҳокамаси тўғрисида хабар босилади.

Бу пайтда Шароф Рашидов аллақачон Москвада эди. Дастлаб у Президиум аъзолигига номзод сифатида мажлисда қатнашиб, унда мамлакат раҳбарияти Кубага ракеталарни жойлаштириш масаласи юзасидан якуний қарорни тасдиқлайди. Армия генерали А.Грибков (у мазкур операцияга жалб қилинган санокли ҳарбийлардан бири эди) шундай эслайди:

«Хрущёв Сиёсий ва дипломатик тадбирлар кутилган натижани бермаса, дўст Кубага қарши қуролли тажовуз олдини қандай олиш мумкин, деган саволни қўйди. У Кубага мудофаасини кучайтириш учун маълум миқдордаги ракеталарни олиб бориш кераклигини таклиф қилиб, бу АҚШнинг муқаррар кескин муносабатини келтириб чиқаришини эътироф этди. Лекин уни асосан бунинг оқибатида АҚШ ядро урушини бошлаб юбормайдими, деган муаммо ташвишлантирарди!

Воқеалар бундай тус олиши эҳтимоли юқори бўлгани учун баҳс узок вақтда этди. Аксарият мажлис қатнашчилари Хрушчёв таклифини қўллаб-қувватлади: ҳарбий кучни фақат ҳарбий куч билан енгиш мумкин. Қарор қилинди: Иттифоқ Министрлар Совети, Мудофаа вазирлиги ва Денгиз флотининг вазирлигига – Кубага қуролли кучлар аскарлари ва ракеталарни юборишнинг шартлари етказиш ташкил қилинсин. Бу қарор мажлис баёнига киритилди. Барча Президиум аъзолари ҳужжатни имзолади. Президиумнинг айрим котиблари, ваколатимиз йўқ, деган баҳона билан имзоламади. Хрушчёв билан суҳбатдан кейин барибир улар ҳам имзо чекди».

25 майда Шароф Рашидов яна Хрушчёв ҳузурида бўлиб, якуний кенгашида «ракеталар» операциясининг барча жиҳатлари келишиб олинади. Мажлисида Рашидовдан ташқари Ф.Козлов (КПСС МК котиби), А.Громыко (Ташқи ишлар вазири), С.Бирюзов (ракета қўшинлари бош қўмондони), Ю.Андропов (МКнинг халқаро муносабатлар бўйича котиби), А.Алексеев (Иттифоқнинг Кубадаги элчиси), О.Трояновский (Иттифоқ Министрлар Совети раисининг ёрдамчиси) иштирок этади. Кубага борадиган вакиллар таркибига, шунингдек, С.Бирюзов (муҳандис Петров лақаби билан), А.Алексеев ва бошқа бир неча киши ҳам киритилади.

Шароф Рашидовга Фидель Кастро билан Кубага қишлоқ хўжалик машиналари ва суғориш техникаларини етказиб беришга оид музокаралар баҳонасида совет ҳукуматининг Кубага АҚШ тажовузидан ҳимоя қилиш учун ракеталар етказиб бериш ва жойлаштириш тўғрисидаги таклифини ҳам етказиш топшириғи берилади. Ракеталарни жойлаштиришнинг барча техникавий жиҳатларини Кастро билан муҳокама қилиш Бирюзовга, Алексеев зиммасига алоқачи бўлиш вазифаси юклатилади.

Совет вакиллари Кубада икки ҳафта бўлиб, 10 июнда ватанга қайтиб келади. Эртасигаёқ унинг барча аъзолари Хрушчёв ҳузурида тўпланиб, совет ҳукуматининг ракеталарни жойлаштириш таклифига Куба раҳбарияти розилик билдирганини маълум қилишади. Операция июль ойидаёқ бошланиши керак эди: жуда катта ҳарбий техникани Кубага етказиш талаб қилинарди, ядровий ракеталарнинг ўзи Р-12 (24 та отиш қурилмаси) учта полқдан иборат. 51 минг ҳарбий хизматчини Кубада жойлаштириш талаб қилинар, пировард натижада, фақат 42 минг ҳарбий аскарни Кубага жойлаштиришга (Америкаликлар Кубада ракеталар учун жойлар

ҳозирланаётганини пайқаб қолиб, мазкур махфий операциядан огоҳ бўлади ва бошқа ҳарбий аскарларнинг келтирилишига йўл қўймайди) муваффақ бўлинади.

Шароф Рашидов эса кейинги кунларда ҳам «Анадир» операциясида иштирок этишни давом эттиради. Жумладан, 13 июлда Кремлда Фидель Кастро билан учрашади. Мазкур учрашувда совет томонидан икки вазир: Р.Малиновский (мудофаа) ва А.Громыко (ташқи ишлар) ҳам қатнашади.

Юқорида айтилгандек, ракеталар Кубага гўё қишлоқ хўжалиги машиналари ниқоби остида, шунингдек, ҳарбий машқлар баҳонасида етказиб берилади, ҳарбий хизматчилар эса сайёҳ сифатида жўнатилади. Яна армия генерали А.Грибков фикрларига кулоқ тутамиз:

«Қалбаки ахборотлар ва ниқоблаш режаси бутун операция жараёни учун ишлаб чиқилганди. Мазкур операция Иттифоқ Куролли Кучлари барча турларининг стратегик ҳарбий машқлари деган баҳона билан айна мақсадда темир йўл ва денгиз транспорти билан Иттифоқнинг турли минтақаларига жўнатилаётир деган сохта даъво билан амалга оширилди. У ёки бу эшелон, кема, у ёки бу ҳарбий қисм тегишли манзилга қаердан, қачон ва қанча вақт ичида етиб бориши керак экани ҳаракатланиш жадвалида аниқ кўрсатилганди. Бунда ўта эҳтиёткорлик билан ниқобланишга алоҳида эътибор берилди. Транспорт воситаларининг бир жойда тўпланиб қолиши қатъиян тақиқланди. Ҳамма-ҳаммаси аниқ ҳисоблаб чиқилди. Бунинг учун жуда катта куч сарфланди, чунки фақат океанда сузадиган йирик кемаларнинг ўзидан қарийб 85 таси сафарбар қилинди. Уларнинг 180 та қатнови амалга оширилди.

Денгиздаги тегишли чегара чизиқларидан ўтишда биронта ҳам хорижий лоцман бизнинг кемаларга чиқиб, кўздан кечиришига йўл қўйилмади. Бунда олдиндан пухта тайёргарлик кўрилгани ва ўзига хос қувлик ўз самарасини берди. Хусусан, катерда яқинлашган чет эллик лоцманга денгизчиларимиз керагича ичимлик ва егуликларни тортиқ қилишарди. Лоцманлардан ҳеч бири бундай ҳадядан бош тортмади ва сифатидан шикоят қилмади. Яна бир мисол: «Заря Востока» газетасида «Адмирал Нахимов» теплоходида кўп сонли совет саёҳатчилари биринчи марта Кубага саёҳат қилиш учун бораётгани ҳақида мақола босилди, аслида эса мазкур кемада мингга яқин совет ҳарбийлари кетаётганди. Ҳарбийларнинг ҳаммаси оддий одамлардай кийиниб олган, бунинг устига улар «Анадир» операция-

«Катак кўйлак» дея ҳазиломуз ном ҳам кўйиб олишди, қолаверса, пальтолар, валенкилар, чангилар ҳам юкланганди».

Америкаликлар «ракета» операциясидан хабар топиши (14 октябрда) «Кариб кризиси»ни келтириб чиқарди. 27 октябрдан 28 октябрда ўтар кечаси бутун дунё ядро уруши ёқасига келиб қолганди: ўшанда АҚШ президенти Жон Кеннеди Кубага хужум қилиш тўғрисида буйруқ беришга, агар шундай бўлса Хрушчёв ҳам АҚШга жавоб зарбаси беришга тайёр ҳолатда эди. Яхши ҳам даҳшатли ҳолат рўй беришига йўл қўйилмади. Бироқ айтилишига асос бўлади, Хрушчёв Кубага нисбатан ўта ҳақоратомуз йўл тутди. Дарвоқе, бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди, чунки Иттифоқ Кубага ўзига қарашли янги иттифоқдош республика сингари муносабатда бўлар, иттифоқдош республикалар билан эса аксарият ҳисоблашиб ўтирилмасди. Хўш, нима бўлганди?

Америкаликлар Кубадаги ракеталар жойлаштирилган майдонларни бомбардимон қилмоқчи эканини Кеннедидан эшитган Хрушчёв Америка президенти билан савдолаша бошлайди. Ниҳоят, икки давлат раҳбарлари ўзаро тил топишади: Хрушчёв Кубадан барча совет ракеталарини олиб чиқиб кетишга рози бўлади, Кеннеди эса, ўз навбатида, Куба ярим оролинни бомбардимон қилмасликка ваъда беради. Бироқ совет давлати бошлиғи ўз қарорини Куба раҳбарияти билан келишмасдан қабул қилганди. Оқибатда эртаси куни мазкур ахборот Москва радиоси орқали бутун дунёга тарқатилганда Куба томони чинакамига дарғазаб бўлади. Вазиятни яна шу ҳам кескинлаштирадигани, Куба раҳбари Фидель Кастро АҚШдан Кубага қарши ғаразли хуружларни дарҳол тўхтатишни талаб қилганда, америкаликлар сурбетлик билан бу масалани фақат Иттифоқ раҳбарияти билан муҳокама этилишини маълум қилади. Бундай жавоб беришдан мақсад Кастронинг кадр-қимматини ерга уриш ва уни Иттифоқ билан алоқани узишга мажбурлашга қаратилганди. Кастро ҳатто шундай йўл тутишга тайёр эди, бироқ Хрушчёв дарҳол эс-ҳушини йиғиб, можарони устумонлик билан ҳал қиладиган Анастас Микоянни Кубага жўнатади. Микоян вазифани маҳорат билан уддалайди ва келишмовчилик барҳам топади. Бироз вақтдан кейин Кастро шундай баёнот беради: «Хрушчёв бизга нисбатан хатога йўл қўйиб кўнглимизни қолдирди, бироқ бу унга нисбатан миннатдорона хурмат-эҳтиромимизга соя сола олмайди, буткул юз ўгиришимизга йўл ҳам қўймайди».



## МУАММОЛАР ГИРДОБИДА

Шароф Рашидовнинг «Анадир» операциясидаги иштироки олий раҳ бариятнинг халқаро йўналишда олиб бораётган ишларида фаол иштирокининг ягона мисоли эмасди. Бошқа йўналиш – Совет – Ҳиндистон муносабатларида ҳам Шароф Рашидов ҳал қилувчи шахс вазифасини давом эттиради.

Юқорида айтилгандек, Иттифоқ билан Ҳиндистоннинг фаол муносабатлари 50-йиллар биринчи ярмидаёқ бошланганди. Ўрта Осиёнинг етакчи республикаси сифатида Ўзбекистон бу алоқаларнинг мустаҳкамланишига катта ҳисса қўшиб келарди. 1956 йилдан 1961 йилгача бўлган даврда Ҳиндистонда иккинчи беш йиллик режаси доирасида, оғир саноат соҳасида Иттифоқ ёрдамида ҳаммаси бўлиб 16 та лойиҳадан 8 та иншоот барпо қилиниб, бу лойиҳалар амалга оширилишида Ўзбекистон ҳам қатнашди. 50-йилларнинг иккинчи ярмида Ҳиндистонга жами 681 миллион долларлик иқтисодий ёрдам кўрсатади, бу Иттифоқ Осиё давлатларига кўрсатаётган барча ёрдамнинг 27 % ни ташкил қиларди.

Айни пайтда 50-йиллар охирида Совет – Ҳиндистон муносабатлари жиддий синовдан ўтди. Гап шундаки, Хитой Хрущёвнинг Сталинни қоралаш сиёсатини маъқулламасдан Иттифоқдан тобора узоқлаша бошлайди. Хитой билан Ҳиндистон ўртасида 1959 йилда қуролли зиддият келиб чиққанда Иттифоқ Ҳиндистоннинг тарафини олгандан кейин Хитой раҳбарияти бундан ҳам тегишли хулоса чиқариб олади. Ниҳоят, Хитой ва Ҳиндистон ўртасида 1962 йил октябрида яна келишмовчилик рўй берганда, совет раҳбарияти яна олдингидек йўл тутганди, Пекин Москвани халқаро коммунистик ҳаракатга хиёнат қилганликда айблайди.

Иттифоқ айни ўшанда Ҳиндистонга ўз қурол-яроғларини, аниқроғи, МиГ-21 ҳарбий самолётларини етказиб бера бошлаганди. Бундан ташқари, Иттифоқ Ҳиндистонда мазкур қирувчи самолётларни ишлаб чиқариш заводини қуришни бошлайди. Совет – Ҳиндистон муносабатларида Ўзбекистон ҳамон муҳим омил бўлаётгани боис Шароф Рашидовнинг обрў-эътибори фақат ортиб борарди.

Шароф Рашидов ҳамиша давлат ишлари билан банд бўлган дейиш ҳам ҳақиқатга тўғри келмайди. У бошқа ишларга ҳам ҳамиша вақт топа олган. Жумладан, тунда ижод қилишни давом эттирар, «Анадир» операцияси келтирилган бир пайтда столи устида «Қудратли тўлқин» романининг деярли шундан қўлғамаси ётарди. Мазкур роман «Фарҳод ГЭС»и қурилишига бағишланган бўлиб, 1944 йилда «ўн минглаб кишилар» қатори Рашидов ҳам бу иншоотнинг барпо этилишида иштирок этиб, роман воқеаларини ўз кўзи билан кўрганди.

У дастлабки «Ғолиблар» ва «Бўрондан кучли» асарларида бўлганидек, бу романда ҳам бир-бирига меҳр қўйган Пўлат ва Баҳор тақдирини қаламга олганди. Ўша даврда совет адабиётига хос анъанага амал қилган ҳолда туман партия комитетининг биринчи котиби Жўраев (замонавий ижобий қаҳрамон) ҳамда туман кенгашидаги мансабдор Султонов (эскилик тарафдори, салбий қаҳрамон) ўртасидаги зиддиятни тасвирлайди. Рашидов бу борада кейинчалик шундай фикр билдирганди:

«Менинг романларимдаги бош қаҳрамонлар ҳақида гапирар экан, танқидчилар уларнинг феъл-атворида Корчагинга (Н. Островскийнинг «Пўлат қандай товланди?») романи бош қаҳрамони) хос хусусиятлар устувор эканини таъкидлашганди. Хусусан, «Бўрондан кучли» романи қаҳрамони Пўлатни Корчагинга ўхшатишади. Мен бу эътирофни рад этмайман. Корчагинга хос мардонаворлик совет кишиларининг бир неча авлодидаги хусусият. Бунинг илдизлари бизнинг инқилобимиз, ишчилар синфи курашининг шонли анъаналари тарихига бориб тақалади. Бундай хусусият ёшлар тарбияси ҳамиша алоҳида эътибор берган ва эътибор бериб келаётган Коммунистик партия томонидан тарбияланади. Корчагинга хос мардлик, жасорат бугунги кунда космонавтлар жасоратида ҳам, пахтакорлар, чўлқуварларнинг жонбозлигида ҳам яққол намоён бўлаётир. Буюк коммунизм ишига садоқат, юксак ахлоқийлик, янги жамият қурувчиларининг чексиз азму қарори айни Корчагинга хос феълу атворда ўзгача жўшқинлик билан юзага чиқмоқда».

Бундан ташқари, Рашидов республиканинг спорт ишлари билан боғлиқ муаммоларига алоҳида эътибор қаратади. Жумладан, Тошкентнинг «Пахтакор» футбол жамоаси ютуқларини диққат билан кузатиб боради.

1960 йилда мамлакат миқёсидаги футбол раҳбарлари ниҳоят, аксарият республика жамоаларини ҳам олий лигага қўшиш ҳақида қарор қабул қилади, «Пахтакор» ўша йили камтарона 14-ўринни олади. Кейинги йили натижа яхшиланади – 10-ўринга кўтарилади. 1962 йилга келиб эса «Пахтакор» жамоаси кутилмаган муваффақиятга эришиб, аксарият мутахассисларни ҳайратга солади. Хусусан, олий лига таркиби сари шахдам қадам ташлаб, Москванинг «Спартак», «Динамо» ва «Торпедо», Тбилисининг «Динамо» клуби каби совет футболининг пешқадам жамоалари билан битта гуруҳда тўп суради. Тошкентликлар «Спартак» ва Тбилиси жамоасига имкониятни бой беради, «Динамо» ва «Торпедо» билан эса дурангга эришади. Бошқа кўпгина жамоаларни эса енгади. Натижада, «Пахтакор» 23 очко тўплаб, 5-ўринни қўлга киритади.

«Пахтакор» футбол жамоаси мураббий Александр Келлернинг ғайрати билан қатор ютуқларга эришади. А.Келлер жамоа ўйинларига ўзига хос янгилик киритади: биринчилардан бўлиб ўйинчилардан бирини (Олег Моторинни) ҳамиша ҳимояда ушлайди, икки марказий ҳужумчини (Геннадий Красницкий ва Сергей Стадник) шиддат билан олдинга, ҳужумга ташлайди. У мудрофаани ҳам унутмаган ҳолда марказий ҳужумчилар муваффақиятли ўйнашлари учун замин яратади, яъни малакали ва мохир футболчи (Идгай Тазетдинов) уларга ҳамиша ёрдамга келади. Яна бир муҳим жиҳати «Пахтакор» жамоаси мамлакатнинг турли чеккаларидан футболчиларни жалб қилишга зўр бермасдан, асосан, маҳаллий ёшларни ўз сафига қўшиб олади.

«Пахтакор» тўп сурадиган «Б» гуруҳида ўйинлар апрелдан-сентябргача, пешқадам – олий лигада эса 25 сентябрдан 18 ноябргача ўйинлар ўтказиларди. Бутун Ўзбекистон аҳли каби (ўша мавсумда «Пахтакор» иштирокидаги ҳар бир ўйинни республикада ўртacha ҳисобда 52 минг киши томоша қилган) Рашидов ҳам ўзи ишқибоз бўлган жамоанинг ўйинларини нафақат телевизор орқали, балки имкон борича ҳар ўйинни майдонда кўришга ҳаракат қилган. Бинобарин, у каби мамлакатнинг бошқа таниқли раҳбарлари ҳам айни шундай йўл тутган. Чунки Иттифокда футболга жуда қизиқиш катта, аксарият аҳоли учун энг кўнгилочар ўйин ҳисобланар, сиёсатчилар сиёсат майдонида ўз рақибларидан устунлигини исботлаш учун футболдан ўзига хос восита сифатида фойдаланарди. Шу боис мамлакатнинг ҳар бир етакчи футбол клубининг аниқ спорт жамятлари бевосита

бошқаргани ҳолда уларга юқори мартабали партия ва давлат арбоблари ҳам азбаройи мухлислик қиларди. 30-йилларда бошланган бу анъана орадан ўттиз йиллар ўтгандан кейин ҳам барқарор бўлган.

Жумладан, ЦСКА футбол жамоасига Иттифоқ Мудофаа вазири (Малиновский), пойтахтнинг «Динамо»сига – ИИМ вазири (Круглов), Киевнинг «Динамо»сига – Украина Олий Совети Президиумининг раиси (Шчербицкий), Боқунинг «Нефтчи»сига – республика 1-котиби (Ахундов), Тбилисининг «Динамо»сига – республика 1-котиби (Мжаванадзе) ва бошқалар раҳбарлик қилган. Хрушчëв футболни ёқтирмаган, бироқ мамлакатнинг ўша пайтдаги Иттифоқ Олий Совети Президиумининг раиси Леонид Брежнев ашаддий футбол шайдоси бўлиб, бир йўла иккита – пойтахтнинг ЦСКА ва Днепропетровскнинг (Брежнев шу ўлкада туғилган) «Днепр» футбол жамоаларига мухлислик қилган.

Шароф Рашидовнинг нафақат Ўзбекистонда, шунингдек, Москвада ҳам кўролмайдиганлар бўлгани боис (Хрушчëв атрофидаги қатор юқори мартабали мансабдорлар Ўзбекистон раҳбари 1961 йил кузида Президиум аъзолигига номзод бўлгач, қолаверса, «Анадир» операцияси ва Совет – Ҳиндистон муносабатларда фаол иштирок этгани боис яқин вақт ичида партия олий органининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиб, Хрушчëвга таъсири ҳаддан ошиб кетишидан чўчишар эди) улар бу борада Рашидов йўлига имкон борича ғов бўлишга уринарди. Бироқ бу жуда оғир вазифа эди, чунки 1962 йилда Ўзбекистон раҳбарининг барча йўналишлар: сиёсатда ҳам, иқтисодиётда ҳам ишлари ҳамирдан қил суғургандек силлик борарди. Ўзбекистон 1962 йилда олдинги йилдагига нисбатан 12 минг тонна кўп пўлат, қарийб 500 тоннадан кўпроқ кўмир, салкам 50 тоннадан ортиқ нефть, 1 020 млн кубометрдан зиёд газ ишлаб чиқарган.

Айни пайтда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги муаммолар Рашидовни МК бюроси таркибида мазкур соҳа билан шуғулланадиган раҳбар Г.Габриельянцни алмаштиришга мажбур қилади. Унинг ўрнига бюро таркибига 1962 йилда А.Ҳайдаров киритилади (Г. Габриельянц Ўзбекистон Министрлар Совети раисининг ўринбосари этиб тайинланади).

Шароф Рашидовнинг ёнида Москванинг «янги кўзу кулоғи» Фёдор Титов ўрнига 48 ёшли 2-котиб Владимир Карлов (олдин Калинин вилоят партия комитетининг 1-котиби бўлиб ишлаган) пайдо бўлади.

Футбол мавзусига қайтадиган бўлсак, сиёсатчиларнинг бу эрмаги рақиблари билан ажойиб беллашиш воситасига айланади. Бу ўйинда Рашидов ҳам фаол иштирок этар, хусусан, 1962 йилда «Пахтакор» жамоаси мамлакат биринчилигида юқори ўринлардан бирини қўлга киритишини истарди, рақиблари эса, табиийки, бунга имкон борича қаршилиқ кўрсатишга ҳаракат қиларди. У Тошкентнинг мазкур футбол жамоаси таркибидаги Геннадий Красницкийнинг ашаддий мухлиси эди. Бу иқтидорли футболчининг республикада ҳам, бутун мамлакатда ҳам ишқибозлари етарлича топиларди.

Красницкий футболдаги фаолиятини 1954 йилда, Тошкентнинг «Озуқачи» жамоаси таркибида бошлаган. Тўрт йилдан кейин унга «Пахтакор» мураббийлари қизиқиб қолади ва жамоага таклиф қилишади. Красницкий дастлабки ўйинданок ўзини кўрсата бошлайди. Юқори тезлиги, жуда бақувват бўлгани ва кучли зарбаси билан энг яхши хужумчига айланади. Унинг кучли зарбалари ҳатто афсонага айланганди. «Динамо» клубларининг терма иштирокчилари таркибида Лимада ўйнаганда фавқулодда ҳолат рўй беради. Ўшанда москваликлар «Спортинг Кристалл» жамоасига қарши ўйнаган. Красницкий ўйин пайтида тўпни шу қадар катта куч билан тепадикки, оқибатда тўп дарвоза тўрини тешиб ўтиб, томошабинлар қўлига бориб тушади. Эртаси куни газеталарда агар дарвозабон тўпнинг йўлига тўғанок бўлишга уринганда, ногирон бўлиб қолиши ҳеч гап эмасди, деган мазмунда мақола чоп этилади.

Красницкий Иттифоқ чемпионатида чиройли ўйинлар кўрсатиб, «Пахтакор»нинг етакчи тўпурарига айланади (жумладан, 1960 йилги мавсумда 19 та гол уриб, мамлакатнинг энг яхши тўпурарларидан бири бўлади). Уни 1961 йилда Иттифоқ терма жамоаси таркибида ўйнашга таклиф қилишади. Асосан, унинг чиройли ўйинлари эвазига «Пахтакор» 1962 йилги чемпионатда яхши иштирок этади. «Пахтакор» билан турнир жадвалида етакчилик борасида рақобатлашаётган жамоалар бошлиқлари ва юқори мартабали ҳомийлари айна шу боис Красницкийни йўқотиш пайига тушадилар. Ўша кезларда унинг «юлдузлик касалига» чалингани уларга жуда қўл келади.

1962 йил сентябрь бошларида «Пахтакор» 2-кичик гуруҳда етакчи Тбилисининг «Динамо»сидан тўрт очко, яна уч рақиб – пойтахтнинг «Спар-

так», «Динамо» ва «Торпедо» жамоаларидан атиги бир-икки очко ортда қолиб, 5-ўринни қўлга киритади. Айни шу даврда гўё қасддан қилингандай Красницкий билан қутилмаган воқеа содир бўлади. Мазкур воқеани мамлакат спорт жамоатчилиги узоқ муҳокама қилган. Бу машмашаларни «Комсомольская правда» газетасининг 7 сентябрь сонида босилган «Тавба қилган футбол юлдузи» мақоласи бошлаб беради. Мақолани «Комсомолец Узбекистана» газетасининг спорт бўлими мудири В. Емельянец ва журналист Н. Дадабоев ёзганди:

«Тошкентнинг «Пахтакор» жамоасини Тбилиси, Харьков ва Боку шаҳарларида жиддий ўйинлар қутиб турганди. Улар жўнаб кетиши арафасида жамоа капитани Геннадий Красниций: «Бу ўйинлардан албатта очколар олиб қайтамиз», деб ваъда берганди.

Бироқ жамоа бу ўйинларга капитансиз жўнаб кетди. Красниций дам олишни узайтиришни хоҳлаб қолди ва фақат икки кундан кейин Тбилисига қадам ранжида қилди. Оқибатда жуда ёмон ўйин кўрсатди («Пахтакор» ўша ўйинда 0:4 ҳисобида ютқзади). Капитан Харьковга ҳам мана шундай «аразлаган» кайфиятда келади ва «Авангард» билан бутун ўйин мобайнида сира жонини қойитмайди (тошкентликлар ўйинни 2:1 ҳисобида бой беради). Лекин ўйиндан кейин бутун «махорати»ни ишга солади...

Воқеа ярим тунда бўлди. Марказий ҳужумчи навбатчи маъмурлардан иборат ҳимоя чизигини осонлик билан ёриб ўтиб, меҳмонхонага киради. Меҳмонхонанинг бутун қаватлари бўйлаб қўпол сўқинишлар янграйди. Жамоа бошлиғи Ў.Бектемиров қуюшқондан чиқиб кетган ҳужумчини инсофга чақиришга уринади, бироқ айтган гапига пушаймон бўлади. Фақат асосий ва дублёр таркибдаги футболчиларнинг ёрдами билан Красницкийни жиловлашади. Эрталаб самолётга чипта сотиб олиб, уни Тошкентга жўнатишади. Бечора Ўқтам Сулеймонович Бектемиров эса «бу ёғи неча пулдан тушади энди!» дея бошини чангаллаганча қолаверади.

Жамоа бошлиғи хавотирга тушгани бежиз эмас. Ўтган мавсумда Москванинг «Спартак» жамоаси билан ўйин арафасида тошкентлик ҳужумчи маст ҳолатда Лужники стадионида навбатчини ҳақорат қилганди. Кечқурун эса тўйгунча ичиб олиб, меҳмонхона маъмурларига «Мен машҳур Красницкий бўламан» дея дағдаға қилган. Оқибатда жанжал келиб чиққан.

Қаттиқ чоралар кўрилмаса ҳам безорининг ўпкасини дўстона босиб қўйишган. Лекин дўстона муносабат ҳам «машҳур юлдуз»ни ранжитган.

– Чипта сотиб олиб беринглар. Футбол ўйнамайман. Тошкентга кетман, – танноз каби ноз қилади Красницкий.

Жамоанинг бутун умиди Красницкийдан бўлгани учун унинг қолишини илтимос қилишган. Одатда қўлга киритилган очколар ҳисобига енгилтаклигини кечиришган. Красницкий самолётга кечикишни, ўртоқларини ҳақоратлаш, мураббийга қўполлик қилишни одат қилиб олган. Институтдаги машғулотларга қатнашмаган, битта курсда уч йиллаб «таълим олган». Ўнг оёғи билан дарвозаларни аниқ нишонга олгани учун барча айбларини кечириб юборишган. Чап оёғи билан ҳам гол ура бошлагач, уни Иттифок терма жамоаси таркибига қўшиб, бемаъни қилиқларига янада кенг имконият яратиб беришган. Жумладан, у Тошкентдаги «Зарафшон» ресторанида кўнгилхушлик қилгиси келиб қолган. Олдинига бокалларни синдира бошлаган, кейин инкассаторни тунамоқчи бўлган. Залда ўқ овозлари янграганда жуфтаси ростлаган. Уни албатта таниб қолишган, лекин ҳар галгидек «эркатой»лигини ҳисобга олиб кечиришган.

Навбатдаги безорилик Республика спорт жамиятлари уюшмаси кенгашига Г. Красницкийни Иттифок спорт устаси унвонига тавсия қилиш учун монелик қилмади. Унга бу унвон ҳам берилди, «Пахтакор» жамоаси капитани ҳам бўлди. Бироқ безорилик қилишни ташламади.

Пойтахтнинг «Спартак» жамоаси устидан қозонилган ғалабани (3:2 ҳисобида) Красницкий ўзига хос нишонлади – меҳмонхонага маст бўлиб келди. Уни ўйиндан четлаштириб, уйига жўнатишса, «машҳур юлдуз» хафа бўлади. Оқибатда уни эркалатадиганлар Футбол федерацияси, Республика спорт жамиятлари уюшмаси кенгаши ҳамда унинг раиси В.С. Митрофанов олдида жавоб беришга тўғри келади. Ниҳоят жамоа бошлиғи Ў.Бектемиров Тошкентга телефон қилишга журъат этади:

– Шовқин қилманглар. Москвада яна овоза бўлиб кетмасин. Ҳаммасини шу ерда ҳал қиламиз, – деб жавоб беришади Тошкентдан.

Жамоа Тошкентга қайтиб келгач, олдин бир неча марта бўлганидек ҳеч ким оғиз очмади – ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолаверди.

Ўзбекистон спортининг раҳбарлари Красницкийга спорт соҳасида дастлабки қадамларни ташлаётган ёш йигит эмас, балки фақат рақиблар дарвозасига гол урадиган футболчи сифатида қарарди. Улар капитаннинг соясига салом берар, кўкларга кўтарарди. Ҳатто бу борада масхарабозлик

~~Уни~~ килинган. Фарғонада ўртоқлик учрашуви олдидан шаҳар кўчаларида: «Пахтакор» жамоаси ўйнайди. Жамоа шарафини Красницкий ва бошқа футболчилар ҳимоя қилади», деган ёзувлар пайдо бўлди.

Бу реклама ўз самарасини берди – Красницкийни кўриш учун кўзи учиб турган томошабинлар стадионни тўлдириб юборди. Ҳолбуки, ичкилик оқибатида ҳолдан тойган машҳур футболчи яхши ўйин кўрсата олмади. Бир пайтлар машҳур бўлган тўпурақ ҳисобида ўша пайтда атиги тўртта гол, бироқ ўнлаб безориликлар бор эди.

Унинг қилмишлари шундан кейин ҳам жиддий муҳокама килинмади. Республика спорт жамиятлари уюшмаси кенгаши Президиуми ёпиқ мажлис ўтказди. Айтишларича, Красницкий бу мажлисда тавба қилган ва ортиқ безорилик қилмайман, деб ваъда бериб қутилган.

«Комсомольская правда» газетаси битта мақола билан кифояланмайди. 16 сентябрда газетхонларнинг «Тавба қилган футбол юлдузи» мақоласи юзасидан йўллаган мактубларини эълон қилади. Бу хатларда ҳатто «Футбол майдонида унга жой йўқ!» каби ўта бемаъни чақириқлар ҳам бор эди.

«Пахтакор»нинг тошкентлик ишқибози Ғ.Пўлатов шундай ёзади: «Красницкий тўғрисидаги кескин мақолани ўқиб, ундаги фикрларни маъқулламаслигимнинг имкони йўқ. Шу пайтгача бундай гапларни турли давраларда эшитардик. Эндиликда унинг хатти-ҳаракатлари қанчалар шармандали ва бемаъни эканига гувоҳ бўлдик.

Мен «Пахтакор»нинг барча ўйинларини кузатиб бораман. Жамоада яхши футболчилар бор. Жамоа ўз «машҳур юлдузи» қатнашмаган кўпгина ўйинларда ҳам ёмон ўйнамаган, кўп ғалаба қилган. Красницкий майдонда бўлганда шундай таассурот пайдо бўладики, бошқа жамоадошларига имкон бермайди, барча ёлғиз уни қўллаб-қувватлашини талаб қилади. Шерикларидан бирортаси унга ўз вақтида тўп узатмаса, балога қолади. Ғазабини яшириб ўтирмай, уларни ҳақорат қилишдан ҳам тоймайди.

Красницкийнинг хатти-ҳаракатлари бутун жамоани обрўсини тўкаёттир. Бу безори ва жанжалкашни жамоада нимага ушлаб туришибди? Уни «А» тоифасида футбол ўйнашдан маҳрум қилган маъқул эмасмикан?»

А. Дружинин, бу ҳам тошкентлик газетхон: «Тавба қилган футбол юлдузи» мақоласини ўқиб таажжубландим. Наҳотки жамиятимиздаги қонун-қоидалар ва меъёрларнинг «юлдузлик касали»га чалинган Крас-



ницкийга алоқаси бўлмаса? Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон спортининг бошлиқлари, «Пахтакор» жамоаси мутасаддилари уни беназир футболчи деб ҳисоблашларининг оқибати. Энг алам қиладигани шундаки, улар «Комсомольская правда» газетасида шу мақола босилганидан кейин ҳам ўзларининг ўта нотўғри фикрларини ўзгартирганлари йўқ. Аксинча, Красницкийнинг Ленинградда маҳаллий «Динамо» («Пахтакор» 1:0 ҳисобда ютган) ва Кутаисининг «Торпедо» жамоаси билан ўйинда (Тошкентликлар 1:2 ҳисобда ўйинни бой берган) қандай ҳолатда майдонга тушганини қандай изоҳлаш мумкин? «Пахтакор» жамоаси мураббийларининг бу ишларини сира тушуниб бўлмайди.

Бундай бош оғриқ футболчиларга бизнинг майдонларимизда жой йўқ. Уларни бегона ўт каби юлиб ташлаш, ҳомийлари, тарафдорлари билан бирга қўшиб қувиб солиш керак».

Мазкур фикрларга «Комсомольская правда» газетаси таҳририяти томонидан қуйидагича яқун ясалганди:

«Ўзбекистон Спорт жамиятлари уюшмаси кенгашининг ёпиқ мажлисида нималар рўй бергани ҳамда безори ва мақтанчоқ футболчига нисбатан қандай чора кўрилгани ҳалигача маълум эмас. Ўзбекистон спорти раҳбарлари оғзига талқон солиб олгандай. Тошкентлик спорт ихлосмандларининг хабарларига кўра, улар бу ҳолатга панжа орқасидан қарашни давом эттирмоқда.

Иттифоқ Футбол федерацияси ва Спорт жамиятлари уюшмасининг марказий кенгаши бу масалага ойдинлик киритиб, безори футболчига, унинг хайрихоҳларига нисбатан ҳам тегишли чора кўради, деб умид қиламиз».

«Комсомольская правда» газетаси бу мавзуга 30 сентябрда яна қайтади. Ўшанда «Пахтакор» чемпионат финалчиларининг гуруҳига чиқиб улгурган ва медаллар учун кураш бошлаганди. Бу пайтда Ўзбекистон Спорт жамиятлари ва ташкилотлари уюшма кенгашининг раиси В.Митрофановнинг жавоби эълон қилинганди:

«Красницкийнинг хулқ-атвори Ўзбекистон Спорт жамиятлари ва ташкилотлари уюшма кенгашининг Президиуми мажлисида, Футбол федерацияси, «Пахтакор» жамоаси раҳбарияти, мураббийлари иштирокида муҳокама қилинди. Муҳокама очиқ ва кескин тусда ўтди ҳамда мажлис қатнашчиларининг барчаси Красницкийнинг хулқини қоралади ва унга

жазо беришни талаб қилди. Айни пайтда жамоа комсорги ва бошқа раҳбарлари «Пахтакор» жамоаси қарорини инобатга олиш ҳамда Қрасницкийни жамоада олиб қолиш, уни қайта тарбиялашни жамоа зиммасига олиш Президиумдан илтимос қилишди. Ўзбекистон Футбол федерацияси Президиуми аъзолари ҳам шуни илтимос қилишди.

Қрасницкий икки марта сўз олди. У ўз хатоларини тўла тан олиб, жамоат раҳбарларини илтимос қилиб, хулқимни яхшиламан, деб ваъда қилди.

Спорт жамоалари уюшмаси кенгашининг Президиуми юқоридагиларни ҳисобга олиб, қуйидагича қарор қилди:

1. Тартибни узлуксиз бузгани, номуносиб хулқ-атвори ва манманлиги учун Қрасницкий спорт устаси унвонидан маҳрум қилинсин.
2. Г.Қрасницкий бир йилга шартли малакаси туширилсин ва жамоа раҳбарлигидан четлатилсин.

3. «Пахтакор» жамоасини талабчанлик ва тарбиявий ишларни сусайтириш учун ўрток Ў.Бектемировга қаттиқ ҳайфсан эълон қилинсин. Жамоа катта мураббийси А.А. Келлерга ҳайфсан эълон қилинсин».

Шу асно «Пахтакор»нинг асосий рақобатчилари жамоани асосий рақобатчилардан маҳрум қилиш ниятига ета олмадилар. Бундан норози бўлган «Комсомольская правда» газетаси ўз ғарзини очик баён қилади:

«Ўрток Митрофановнинг жавоби, дастлаб қараганда, диққатга сазовордай туюлади. Қрасницкий ҳар бир спортчи учун қимматли ва фахрли бўлган спорт устаси унвонидан маҳрум қилинган, жамоа раҳбарларига ҳайфсан эълон қилинган. Лекин қарор иккинчи бандининг мазмуни беихтиёр норозилик кайфиятини уйғотади. Бу банддаги чора Қрасницкий хайрихоҳларининг фикри билан ҳамроҳанг: одам ва унинг хулқ-атвори эмас, балки ўнг ва чап оёғи билан гол ура олиш қобилияти муҳим. Хуллас, жамоа навбатдаги очколарни қўлга киритиши учун Қрасницкийни жамоада сақлаб қолишга зўр берилган. Ҳолбуки, икки йил муқаддам ҳам Қрасницкий шартли равишда бутун бир мавсумда малакаси туширилган эди. У эса ўша бағрикенгликка ҳам бемаъни қилиқлари билан жавоб берганди.

Жуда ҳаддидан ошиб кетган «футбол юлдузи»ни ҳунарларидан норози бўлган газетхонлардан газетамизга ҳамон мактублар келаётир. Бундай мактублар «Пахтакор» жамоасининг ютуқлари ва мағлубиятларига

бефарқ бўлмаган тошкентлик ўқувчилардан ҳам келмоқда. Барча футбол ишқибозлари Красницкийни вақтинча бутунлай футболдан четлаштиришни бир овоздан талаб қилаётир. Қиш бўйи ресторанларда ичкиликка зўр бермасдан спорт залларида машғулотлар ўтказсин, қарабсизки, янги футбол мавсуми бошланганда жамоатчилик республика спорт шарафини химоя қилишни яна унга ишониб топширади.

Айни мана шундай қарор қабул қилиниши керак эди, лекин ўрток Митрофанов нима учундир бунга журъат қила олмаган».

Бу мақолалар катта шов-шувга сабаб бўлганига қарамай, «Пахтакор» раҳбарияти Красницкийни жамоада сақлаб қолади. Чунки гарчи у айбдор бўлса ҳам, унинг ўйинлардан четлаштирилиши оқибатида «Пахтакор»нинг очколарни қўлга киритиш эҳтимоли жуда пасайиб кетишини улар яхши биларди. Лекин биринчиликнинг охириги ўйинларида Красницкий ростдан ҳам қатнаша олмайди, бундан ўзбекистонлик футбол ишқибозлари тегишли хулоса чиқариб, ҳафсаласи пир бўлади.

18 ноябрда Иттифокнинг футбол бўйича биринчилиги муваффақиятли яқунланади. Москванинг «Спартак» жамоаси олтин медални қўлга киритади. «Пахтакор» ҳам яхши натижа кўрсатади – олтинчи ўринни эгаллайди. Бу пойтахт ва Тбилисининг «Динамо» жамоалари, ЦСКА ва Киевнинг «Динамо» жамоаси каби кучли пешқадамлардан кейинги фахрли ўрин эди. Бу натижа ўзбек футбол тарихига олтин ҳарфлар билан ёзиб қўйилади («Пахтакор» бундай юқори натижага фақат йигирма йилдан кейин – 1982 йилда эришади).

## *14-боб*

### **ХРУШЧЁВ БИЛАН ЗИДДИЯТ**

Айни пайтда Хрушчёв бутун мамлакат, шу жумладан, Ўрта Осиё Республикаларида ҳам иқтисодий ислохотларни давом эттиришни режалаштиради. Бу борада Ўзбекистонга ва шахсан Шароф Рашидовга катта умид билан қарагани боис саноат, қишлоқ хўжалиги ва республика олимлари билан яқиндан танишиш мақсадида 1962 йил октябрь бошларида Тошкентга йўл олади.



рахбари Александр Шелепинни (ўта қатъиятли ва қаттиққўл бўлган учун партиявий доираларда унга «Темиртан Шурик» деб лақаб қўйишганди) ПДНКга раҳбар этиб тайинлайди.

Ўзбекистонда 50 ёшли Мирзамахмуд Мусахонов ПДНК раҳбарлигига тайинланади. У Москва Тўқимачилик институтида таҳсил олиб, юртига қайтгач, енгил саноат соҳасида ўн бир йил ишлайди: шу соҳада дастлаб вазир ўринбосари, кейин эса вазир бўлади. 1955 йилда Тошкент партия комитетининг котиби этиб тайинланади. 1956 – 1958 йилларда Давлат Режа комитетини бошқаради, кейин Касаба уюшмалари кенгашининг раиси, ВЦСПС котиби лавозимларида хизмат қилади. Ниҳоят, 1961 йилда Ўзбекистон КП МК Президиуми таркибига киритилиб, МК котиблигига тайинланади. 1961 йил охирларида ПДНК раиси этиб тайинланиши Мусахоновни шубҳасиз республикадаги обрўли сиёсатчилардан бирига айлантиради.

Ўзбекистон КП МК Президиуми тўла таркиби қуйидагича бўлган: Ш.Рашидов (1-котиб), В.Карлов (2-котиб), Р.Қурбонов (Министрлар Советининг Раиси), М.Мусахонов (ПДНКнинг раиси), Ё.Насриддинова (Олий Совет Президиуми Раиси), З.Раҳимбобоева (мафкуравий ишлар котибаси), И.Федюнинский (Туркистон ҳарбий округи қўмондони), Н.Мартинов, Н.Худойбердиев. Номзодлар: К.Муртазоев, Н.Нажесткин (Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари), Г.Наймушин (ДХК раиси).

Бироқ ярим йилдан кейин Президиум таркибига яна ўзгартириш киритилади. 1963 йил баҳорида Хрушчёв мафкуравий ишлар билан жиддий шуғулланиб, Шароф Рашидов июлда республиканинг бош мафкурачисини алмаштиради. Бу соҳа билан қатор йиллардан буён шуғулланиб келаётган Зухра Раҳимбобоева (у Ижтимоий фанлар академиясини тугатган, тарих фанлари номзоди эди) Президиум таркибидан чиқарилади ва Маданият вазири этиб тайинланади, унинг ўрнига Рафик Нишонов тайинланади.

Ўзбекистон ёшлар ташкилоти раҳбарлигига 1963 йил февралда М.Иброҳимов ўрнига Р.Абдуллаева тайинланади.

1962 йил декабрида Ўзбекистон Олий суди раислигига Мамажон Мақсумов тайинланади. Бу ҳам давр тақозоси эди: Москва республикалардан жиноятчилик билан курашни сусайтирмасликни, аксинча, янада қаттиққўллик билан олиб боришни талаб қиларди. Ўша йилларда хўжалик

**Б**илан боғлиқ жиноятлари учун отишга ҳукм қилиш урфга айлангани, **Д**авлат мол-мулкани йирик миқдорда талон-тороғ қилган юлғичлар билан **Д**авлат пачакилашиб ўтирмасди.

Давлатнинг жиноятчиликка қарши изчил кураши ОАВларда мунтазам **Б**ригадирлар борилар, хусусан, «Ташкентская правда» газетасида 1962 йил ок-**Т**брдан-декабргача куйидаги мақолалар босилган:

Газетанинг 19 октябрь сонида «Порахўрлар» мақоласи чиқади. Унда «Тошшаҳар ижроия комитети»нинг саноат бошқармасида бошқарма бошлиғининг ўринбосарлари А.Ортиқов ва В.Попов, катта муҳандислар Р.Сигал ва А.Оксенгендлер, таъминот ва маҳсулот сотиш бўлими бош-**Л**иғи И.Шилиндан иборат жиноий гуруҳ қилмишлари ҳикоя қилинади. Бу **К**имсалар жамғарма ва ножамағарма хомашёсининг ҳар бир килограмми, **Х**ар бир дастгоҳ ва режадаги ҳар бир рақам учун пора олган. «Қизил юл-**Д**уз» фабрикаси, галантерия-тўқимачилик, 1-тикувчилик фабрикаси каби **К**орхоналарда «товарсиз операциялар», ўғринча моллар, чайковчилик эва-**З**ига текин даромад топадиган олғирлар билан улар қонунга хилоф иш **О**либ борган. Шаҳар ижроия комитетидаги бу порахўрлар мазкур қинғир **Ф**аолият билан қатор йиллар мобайнида шуғулланиб келган: жумладан, **С**игал билан Ортиқов бундай «хурмача қилик»ни 1957 йилдаёқ бошлаган (Ортиқов ўша пайтда масъул лавозимда – Тошкент вилоят саноат совети-**Н**инг раиси бўлиб ишлаган).

Суд порахўрларнинг ҳар бирини қилмишига яраша жазолаган: Сигал мол-мулки мусодара қилиниб 15 йилга, Ортиқов – 10 йилга, уларнинг ҳамтовоқлари мол-мулклари мусодара қилинган тарзда 8 йилга қамоқ **Ж**азосига ҳукм қилинган.

Иттифоқда умуман порахўрлик ўша йилларда (60-йиллар бошларида) анча кенг тарқалган иллат бўлган, ҳолбуки, ҳозирги пайтда бу бутун Рос-**С**ияни ўргимчак тўридай чирмаб олган. Мамлакат жиноятчилик тарихи-**Д**а порахўрлик билан боғлиқ ишлар 1958 йилга келиб 1000 тадан ошади: **Ў**шанда бундай ишлардан 1 241 таси судларда кўриб чиқилган. Кейинги **Й**иллар мобайнида бу рақам ортиб, даҳшатли тарзда бўлмаса ҳам йилига **100 – 150** тага кўпаяди.

Россияда порахўрлик илдизи XVI асрга бориб тақалади, ўшанда «қилинган хизматдан бевосита манфаат кўриш» қонидаси жорий этилиб, бу

билан амалдорларнинг шахсий бойлик орттиришларига қонуний тус берилади. Кейинчалик XVIII асрда давлат бошқаруви тизимига ўзгартириш киритилганига қарамай, «бевосита манфаат кўриш» анъанасига барҳам бериб бўлмайди, бошқарув маҳкамасининг кенгайиб бориши эса порахўрлик ялпи хусусият касб этади. Фақат Октябрь инқилобидан кейин порахўрликни сал бўлса-да, жиловлаш имконияти пайдо бўлади, лекин унга бутунлай барҳам бериб бўлмайди. Ҳатто Сталин қаттиққўллик билан ҳукмронлик қилган йилларда ҳам порахўрлик билан боғлиқ йирик ишлар фош қилиниб, бутун жамиятни ларзага соларди.

Жумладан, 40-йиллар охирида Москвада спиртли ичимликлар билан савдо қиладиган ташкилот доирасида порахўрлик фош қилинади. Мазкур ташкилотнинг Москва шаҳрида пиво ва ароқ қуйиб сотиладиган савдо шохобчалари бўлган. Бу савдо шохобчаларидаги иш шу даражада даромадли бўлганки, уларга ишга жойлашиш учун тегишли бошлиқларга 15 минг сўм «қўл ҳақи» бериш одат тусини олган. Бу сумма ўша кезларда Москва Давлат университетида ўқийдиган талабанинг олтмиш ойлик ўқиш пули миқдори билан баробар эди. Савдо шохобчаси бошлиғи лавозимига эга бўлиш учун ундан икки барабар ортиқ пора бериш керак бўлган. Лекин бу амални ва ишга киритган кишилар бир ойнинг ичидаёқ берган пулларини ундириб олишган. Шу боис барчанинг кўнгли тўқ бўлган. Сотувчи, инспекторлар, ҳатто туман милиция бўлими ҳам бундан ўз улушига, яъни даромаднинг маълум фоизига эга бўлган.

40-йиллар охирида мазкур савдо ташкилотининг директори Федунов хибсга олинади. Бундан эгри йўлга кирган москваликлар ваҳимага тушиб қолади. Лекин Иттифоқ Олий Совети Президиуми котибиятидаги алоқаларидан унумли фойдаланган Федунов авф этилади ва озодликка чиқади.

Порахўрлик билан боғлиқ навбатдаги катта иш 1950 йилда кўрилади. РСФСР Олий судининг бир неча суд аъзолари ва маслаҳатчилари порахўрлик қилгани фош этилади. Ҳарбий коллегия котиби аллақандай Буканов муайян пул эвазига ўзининг маълум лавозимини ўрнатган ҳолда жиноятчилар учун турли тавсияномалар ёзиб берган ва улар айна хужжатларни пеш қилиб, ўз қилмишларини давом эттирган.

Шу каби қатор ишларга қарамасдан Сталин раҳбарлик қилган йилларда порахўрлик ялпи хусусиятга эга бўлмаган ва жуда секинлик билан

олган. Барча ташкилотлар қаттиқ маъмурий назорат қилинган тузум шароитида порахўрлик ёмғирдан кейин потраб чиққан кўзиқорин каби қилма ёқни босиб кетишига имкон бермаган. Ҳокимият порахўрликдай шарт борлигини билган ҳолда мустаҳкамланиши ва кучайишига имкон бермаган, ҳаддидан ошган порахўрлар ва текинтомоқларни тугатиш мақсадида вақти-вақти билан тегишли ишлар амалга оширилган.

Собиқ совет партия ходими В.Казначев шундай ёзади:

«Сталин мансабдорлар порахўрликка ружу қўйишлари мумкинлигини билар, шу боис унга имкон борича йўл қўймаслик мақсадида юқори мансабли амалдорлар учун турли шарт-шароитларни яратиб берарди. Катта мансабга эришдингми, марҳамат, маошга қўшимча равишда бепул дала ховли, озик-овқат, хизмат машинаси, ошпаз, энг яхши санаторийларга бепул йўлланма каби имтиёзларга эгалик қил, жаннатдагидай ҳаёт кечир, фақат ўғирлик қилма ва турли эгри йўллар билан пул тўплама. Партия уставига барча даромадлардан солиқ тўланади, деган банд киритилади. Ҳатто ўта оз миқдордаги даромад манбаини кўрсатмаслик ҳам партия аъзоси шаънига зид бўлган. Бу қоидага амал қилмаганлар қандай хизмат кўрсатганидан қатъи назар шафқатсиз жазоланган. Жумладан, 40-йиллар охирида эндигина қирк ёшдан ошганига қарамай Россия Министрлар Советининг Раиси нафақага чиқарилади. Бу арбобнинг хотини эридан яширинча озик-овқат олиш учун қўшимча яна битта ҳужжатни қўлга киритади. Оқибатда келажаги бор юқори мансабдор фаолиятига дафъатан нуқта қўйилади.

Сталин асарлари учун тўланган муаллифлик қалам ҳақларининг барчаси партия хазинасига ўтказиларди. ВКП (б) МК Сиёсий бюросининг аъзоси Н.А. Вознесенский Иккинчи жаҳон уруши йиллари давридаги мамлакат иқтисодиёти тўғрисидаги китоби учун биринчи даражали Сталин мукофоти – юз минг сўм пул олади, ўша давр учун бу жуда катта миқдордаги маблағ ҳисобланган. У барча пулни болалар уйига эҳсон қилади. Партия ва давлат арбоблари матбуотдаги мақолалари, чоп этилган асарларига ўз фаолиятларининг таркибий қисми, яъни ўз хизмат бурчи сифатида қараган ва қалам ҳақидан воз кечган...»

Сталин даврида ҳам порахўрлик бўлган, улар мамлакат иқтисодиётига маълум зиён етказган. Лекин бу рақамларни бугунги Россиядаги пора-



хўрлик ва коррупция кўрсаткичлари билан қиёслаб бўлмайди, коррупция бугунги кунда давлат билан бирлашиб кетди (уни мохиятан норасмий ҳокимият дейиш мумкин). Иттифок даврида уюшган жинойтчилик бўйича мутахассис Александр Гуров 1946 йилдан 1959 йилгача Москвада иш олиб борган 40 та босқинчи гуруҳ ва товламачилар тўдаси ишларини ўрганиб, уларнинг «жасоратлари» ҳозирги босқинчиларнинг «қахрамонликлари»дан анча камтарона бўлган, деган хулосага келади. Ўша кезларда талон-тороғ билан шуғулланган ўғрилар жами қиймати 3 минг сўмлик зарар етказган бўлиб, бу ҳозирги Россия пулида атиги 300 рублни ташкил қилади. Бироқ мана шу арзимаган моддий зарар учун ҳам совет жинойтчилари қаттиқ жазоланган – 8 – 15 йилгача қамоққа ҳукм қилинган.

Сталин вафотидан кейин Олий совет мансабдорлари ўзларига нисбатан одил судлов жазосини имкон қадар юмшатиш мақсадида барча имкониятларни ишга солишди. Жазодан тамомила кутулиш учун эмас, балки уни фақат юмшатишга эътибор қаратишди. Бироқ бу кўп ўтмасдан мамлакат раҳбариятининг айнишига олиб келди, пировард натижада Иттифок тарқаб кетишига сабабчи бўлди.

Иттифокнинг чекка ўлкаларида порахўрлик кенг қулоч ёйишига аксарият Москвадаги мансабдорлар туртки берган. КПСС МК ва вазирликларда турли лавозимларда ишловчи юқори мартабали мансабдорлар айнан шундай режа ва лойиҳаларни илгари сурардики, натижада республикалардаги керакли одамлардан муайян миқдорда катта пул – порани қўлга киритиш имконияти пайдо бўларди. Устига-устак қурилиш материаллари турли фонд материалларидан тортиб ғаллаю гўшт каби, ҳаттоки Давлат кино қўмитаси орқали етказиб бериладиган кинофильмлар ҳам республикаларга мўмай пора эвазига етказиларди. Ўзбекистон туман партия ташкилотининг 1-котибларидан бири шу муносабат билан қуйидаги воқеани эслайди:

«1961 йил январда Кремлда КПСС МК Пленуми бўлди. Унинг кун тартиби эсимда йўқ, лекин қишлоқ хўжалиги ва чорвачиликни ривожлантириш масалалари кўрилгани эсимда. Мен КПСС МКнинг аъзоси, аъзоликка номзод ҳам эмасдим, лекин пешқадам туманнинг илғор 1-котиби сифатида Пленумга таклиф қилингандим. Москвага жўнаб кетиш арафасида вилоят партия комитети котибларидан бири кўнғироқ қилиб, «Москвада меҳмон

шуда кўп бўлиши, шу боис катта миқдорда пул асқотиши мумкинлигини унутма», деди. Бинобарин, ўзим билан 800 сўм пул олдим. Пленум ишининг иккинчи куни, танаффус пайтида ўша обком бўш хоналардан бирига чиқирди, хонага кирганимдан кейин эшикни беркитиб, мендан «Пул олиб қолдингми?» деб сўради. «Ҳа», дегандим, «менга бер», деди. Унинг кўлига 500 сўм тутқаздим».

Хукукни муҳофаза қилиш органларида ҳақиқатан ҳам олий доирадаги коррупцияга қарши курашиш имконияти йўқ эди: бирор мансабдор бирон-бир жиноий ишда гумон қилингани ҳамоно унинг номи дарҳол бу ишдан чиқарилар ёки тегишли маълумотлар юқори ҳокимият органи – КПСС МКга юбориларди. Бу ерда қандай йўл тутиш кераклиги ҳал этиларди. Уйдаги гапни кўчага олиб чиқмаслик учун кўпинча ёпиғлик қозон ёпиғлигича қоларди. Юқори мартабали совет раҳбарлари қандай қилиб сувдан курук чиққанини 60-йиллар бошидаги қуйидаги жиноий иш ёрқин кўрсатиб беради.

Ўша йилларда Москвада энг йирик «Москва» универмагида иш юритган бир гуруҳ талончилар фош қилинади. Бу ишда универмаг директори Мария Коршилова тўдабоши бўлган. Бундай обрўли ва йирик савдо дўконида, бунинг устига директор лавозимида ишлаши натижасида қатор юқори мансабдорлар билан танишлар орттиради (у КПСС МКнинг котиби Екатерина Фурцева билан дугона эди), натижада тез орада КПССнинг шаҳар кўмитаси аъзоси бўлиб олади. Коршилова «Москва» универмаги директори бўлиб турган бир пайтда Савдо вазирлиги орқали универмаг қошида тикувчилик цехи очишга рухсат олади. Таниши Александр Хейфецни мазкур цех бошлиғи этиб тайинлайди. Цех иш бошлагач, кўп ўтмасдан шу ерда тикилган майкалар, аёллар ва болаларнинг ички кийимлари универмаг пештахталарида пайдо бўлади. Бу маҳсулотлар харидор-гир бўлгани учун Коршилова катта даромадга эга бўлиб, цехда ишлаётган тикувчиларга совет корхоналарига нисбатан кўпроқ маош бера бошлайди. Оқибатда цех фаолият юритган 5 йил мобайнида 2,5 миллион сўм давлат маблағи ўмарилади.

Бу фирибгарлик иши фош этилганда, барча иштирокчилар қўлга олинади. Мария Коршилова эса жазодан қутилиб қолади ва судда фақат гувоҳ сифатида қатнашади. Цех бошлиғи Александр Хейфец ва бу лавозим-

да ундан кейин ишлаган Юрий Евгеньев отувга ҳукм этилади. Коршилова пинагини ҳам бузмайди ва кўп ўтмай яна Москвадаги йирик савдо дўконларидан бирига бошлиқ бўлиб олади.

Юқори мартабали шахсларга оид жиноий ишларнинг бир қисми ДХК ва Партия назорати кўмитаси архивларида сақланар, кейинчалик зарур пайтда КПСС МКдаги, шунингдек, республикалардаги мансабдорларга қарши ишлатилади. Шароф Рашидовнинг суяги сиёсатда қотган эмасми, Марказнинг жойларда юритадиган маккорона сиёсатини яхши биларди. У, шунингдек, коррупция бутун республикани ўргимчакдай ўраб олаётганидан ҳам хабари бор эди. Бироқ у бунга ўз ўзича барҳам беролмасди. Дарҳақиқат, у партиявий-хўжалик маҳкамаларининг фақат куйи бўғинларида тозалаш ҳуқуқига эга бўлиб, республика Компартияси МК доирасидаги мансабдорларга фақат Москванинг рухсати билан чора кўра оларди. Яна бир бор такрорлаймиз: Марказ унга фақат ИИВни (яъни асосан жиноий жавобгарликни) назорат қилиш ҳуқуқини берган, ДХК эса унга расман бўйсунарди. Рашидовнинг бу идорада ҳам ўз одамлари бўлишига қарамасдан, Ўзбекистон ДХКнинг раҳбари асосан Москвадан тайинланар ва фақат унга ҳисоб берарди. Бинобарин, республика раҳбарияти фаолиятига доир ДХК томонидан тўпланган салбий маълумотлар республика раҳбарига эмас, Иттифоқ марказига юбориларди. Бу маълумотларнинг барчаси Рашидовнинг оёғига гўё бир тош каби осилиб турарди (барча республикаларнинг бошлиқлари ҳам шундай аҳволда эди), башарти Марказнинг иродасига қарши чиқадиган бўлса, бу оғир тош уни сувга ғарк қиларди.

«Ташкентская правда» газетасининг 1962 йил сонларига қайтадиган бўлсак, ундаги мақолаларда ўзбек жамиятининг куйи ва ўрта поғоналаридаги жиноятчилик билан кураш акс этган. Газетанинг 3 ноябрь сониди «Бўри сўкмоғининг якуни» мақоласи чоп этилиб, Бўри лақабли ўта хавфли жиноятчи ҳақида ҳикоя қилинади. Бу кимсанинг маънавий тубанлашуви уруш йилларида бошланган, фашист босқинчиларига асир тушгач, улар билан ҳамкорлик қила бошлаган. Урушдан кейин шахсни тасдиқловчи ҳар хил қалбаки ҳужжатлар билан мамлакатнинг турли шаҳарларида яшган. 60-йилларда Қозоғистон пойтахти Олма-Ота шаҳрига келиб қолган. Бу ерда жиноий тўда ташкил қилиб, 1962 йил ёзда сохта ҳужжатлар би-

зан Целиноргад шахридаги базадан 250 яшик ароқ ва қарийб бир тонна гўшти ўмариб, маҳсулотларни Қозоғистонда пуллагач, Ўзбекистонга келиб жойлашади. Тошкентлик кишилардан бирининг хушёрлиги эвазига кўлга олинади.

Тошкентлик киши қўшни кампирнинг уйида ғалати ижарачи пайдо бўлганига эътиборини қаратиб, бу ҳақда Кўнгилли халқ дружинаси штабига хабар беради ва дружиначилар дарҳол бу ерга етиб келишади. Натижада Бўри кўлга олинади, унинг жомадонидан турли кимсалар номига расмийлаштирилган ўнлаб паспорт ва ҳарбий билетлар, турли ташкилотларнинг идора қоғоз ва муҳрлари топилади. Бўри олий жазога – отувга ҳукм этилади.

Газетанинг 9 ноябрь сониди яна бир – «Тилла бузоқчанинг олтинлари» мақоласи босилади. Мақолада бойлик орттиришга муккасидан кетган навбатдаги хуфиёна миллионерлар фош этилади. Унда беш киши – Ҳошимов, Маъруфов, Насимов, Еникеев ҳамда Садрисламовлар қилмишлари тилга олинади. Улар асосан қонунга хилоф равишда олтин ва валютани арзон-гаров сотиб олиб қимматроқ пуллаш билан шуғулланган. Шу асно ўша давр мезонларига кўра катта бойлик орттиришиб, хонадонларида яширинча сақлашган. Хусусан, Ҳошимовнинг уйида тинтув ўтказилганда урушдан олдин зарб қилинган 115 дона тилла танга, 2 килограммдан ортик кумуш тангалар, тилла ва кумуш тақинчоқлар, 27 минг сўмдан ортик пул, 200 метр атлас ва бошқа қимматбаҳо ашёлар мусодара этилади. Бошқа бир хуфиёна бойвачча Маъруповнинг уйидан 188 та тилла танга, инглиз фунт-стерлинглари, 20 минг сўмдан кўпроқ совет пуллари ва ҳоказолар олиб кетилади. Суд Ҳошимов ва Насимовни мол-мулки мусодара қилинган ҳолда 25 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилади, тўданинг бошқа аъзолари эса мол-мулки мусодара этилиб, ҳар бири 10 йил муддатга қамалади.

«Ташкентская правда»нинг 18 декабрь сониди гиёҳвандликка қарши мавзуида «Ашёвий далиллар билан кўлга олинди» сарлавҳали мақола босилган. Мамлакатнинг бошқа жойларига нисбатан Ўрта Осиёда (Кавказорти республикаларида ҳам) гиёҳвандлик ҳамиша долзарб бўлган. Бироқ унинг кўламларини ҳозирги гиёҳвандлик кўлами билан қиёслаб бўлмайди, жаҳон микёсида гиёҳванд моддалар билан ноқонуний савдо қилиш бугунги кунда тавассур қилиб бўлмас даражада ривожланган, у пайтларда эса бундай ишлар айрим кишиларнинг эрмаги бўлган, холос.

Мақолада Гулистон шаҳрида яшайдиган этикдўз Иосиф Коенов бир неча йил мобайнида яширинча қорадори савдоси билан шуғулланиб келган. Маоши атиги 50 сўм бўлган этикдўз гиёҳванд моддалари савдосидан ақлбовар қилмас бойлик жамғаради. Тошкент ва Гулистондан икита данғиллама ҳовли сотиб олиб, уларни қимматбаҳо мебеллар билан жиҳозлайди, поли ва деворларини гиламлар билан безайди. Милиционерлар унинг Гулистондаги қошонасидан 11 килограмм қорадори, жами 23 минг сўмлик 11 та жамғарма дафтарчаси ҳамда бошқа қимматбаҳо ашёларни топади. Суд гиёҳванд моддалар билан савдо қилувчига нисбатан енгил жазо – 4 йил муддатга қамокқа ҳукм қилади ва барча мол-мулки давлат ҳисобига мусодара этилади.

Шароф Рашидов мавзусига қайтадиган бўлсак, 1963 йили Хрушчёв билан муносабатлари ёмонлашади. Бунинг сабаби – Кремлдаги хўжайиннинг ислохотлар ўтказиш сиёсати тобора ўзбошимча тус олиб борар, оқибатда нафақат барча республикалар раҳбарлари, олий мартабали сафдошлари ҳам Хрушчёвдан ҳафсаласи пир бўла бошлайди.

Ҳатто кўплаб оддий фуқаролар ҳам Хрушчёв фаолиятдан норози эди. Беш-олти йил муқаддам аксарият аҳоли уни ҳурмат билан Никита Сергеевич деб эъзозлаган бўлса, 1963 йилга келиб бу каби хайрихоҳликдан номнишон қолмади, уни ошқора «Никита-маккаҳўжори» деб атай бошлашди (одамлар буғдой нон ўрнига маккажўхори унидан тайёрланган зоғора есин деган мақсадда Хрушчёв бутун мамлакат бўйлаб маккажўхори экишга зўр бергани боис унга шундай лақаб қўйилганди).

Н.Хрушчёв партияга раҳбарлик қилгани сайин ҳаддидан ошиб борарди. Охир-оқибат 60-йиллар бошларига келиб ўтакетган ўзбошимчага айланди ва унга қарши бирон-бир эътироз билдириш имкони бўлмай қолди. Ўзини буюк раҳбар ҳисоблар, ҳар қандай танқидга тиш-тирноғи билан қаршилик кўрсатар, ҳолбуки у бошлаган кўпгина ишлар мамлакат учун чинакам фожеалар келтириб чиқарарди.

Жумладан, у 50-йиллар ўртасида бошлаган кўриқ ерларни ўзлаштириш ташаббуси талай ер майдонларида тупроқнинг емирилишига, яйловларнинг кескин қисқариши ва чорва молларининг сони камайишига олиб келди. 1956 йилда ва ундан кейин Сталиннинг холис танқиддан холи ва асосиз фoш қилиниши мамлакат ичкарисида, хорижда ҳам мафкуравий соҳада жиддий муаммоларга сабаб бўлди. Дехқон ёрдамчи хўжаликкла-

рени тугатиш тўғрисидаги қарори оқибатида озиқ-овқат маҳсулотлари  
ескин камайиб, Новочеркаскада (1962 йил) ғалаён кўтарилишига сабаб  
бўлди ва у ғалаённи қурол кучи билан бостириш тўғрисида буйруқ берди.

Озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш учун у бутун мамлакатда маккажў-  
вори экишга оид зўрма-зўраки қарор қабул қилди, бу халқнинг асосий  
суглиги – нон танқислигини келтириб чиқарди. Чор Россиясида 1913 йил-  
да аҳоли жон бошига ғалла ҳосили 540 кгни ташкил қилгани ҳолда, 1963  
йилда бу кўрсаткич 483 кгга тушиб қолди. Натижада Иттифоқ страте-  
гик жиҳатдан асосий рақиби АҚШдан мажбуран ғалла сотиб ола бошла-  
ди. Ҳатто Москвада ҳам (ҳолбуки, пойтахтда ҳаминиша барча маҳсулотлар  
муҳайё бўларди) нон дўконлари олдида узундан-узун навбатлар пайдо  
бўлди, бунинг устига ҳар битга одамга фақат биттадан бўлка нон бериш  
тартиби йўлга қўйилди.

Хрущёв даврида бутун мамлакатда динга қарши мислсиз ялпи кураш  
олиб борилди. Беш йил ичида (1960 – 1964 йиллар) Иттифоқда черков-  
лар, ибодатхоналар ва масжидлар сони қарийб 5,5 минггага қисқарди.  
1964 йил 1 январга келиб илгари фаолият юритган 8 та диний семинария-  
лардан фақат учтаси қолди. Агар 1959 йил 1 январь ҳолатига кўра фақат  
Рус Православ черкови Иттифоқ ҳудудида 63 та ибодатхонага эга бўлган  
бўлса, 60-йиллар ўртасига келиб улардан фақат 18 таси қолди. Жумла-  
дан, Россиянинг қадимий Киев-Печорск-Лавра ибодатхонаси ҳам ёпилди.  
Ўзбекистонда ҳам динга қарши кураш эълон қилинди. Бироқ жойлардаги  
раҳбарлар бунга имкон борица қаршилик кўрсатар, оқибатда қўшиб ёзиш-  
ларга мажбур бўлишарди. Москвага шунча масжид ёпилди деб ҳисобот  
берилар, аслида эса улар фаолият юритарди (Ўзбекистонда 1959 йилда  
расман мавжуд масжид ва қадамжолар билан бирга 270 масжид ва 160 та  
қадамжо руҳсатсиз ишлаб турарди). Муҳими Ўзбекистонда ҳеч ким бу  
масжиду қадамжоларни бузишга чоғланмаган, Россиянинг марказий ви-  
лоятларида эса қатор черковлар бузиб ташланди, бошқаларидан хўжалик  
ишларида фойдаланилди. Хрущёвнинг Россияда бу масалада айнан шун-  
дай йўл тутганини қисман оқласа бўлади. Гап шундаки, Иттифоқда, хусу-  
сан, Россияда диндорлар сони 60-йиллар бошида кўп бўлмаган, оқибатда  
анча черковларга деярли ҳеч ким қатнамас ва улар вайронага айланиб бо-  
рарди. Шу боис уларни хўжаликлар ихтиёрига бериш ҳисобига ҳокимият  
бу осори-атикаларни саклаб қолишга эришди.

Хрущёв 1957 йилда кутилмаган соҳавий бошқарувни ҳудудий бошқарув билан алмаштиради. Бу ислоҳот ҳам кенг маънода ижобий натижа бермай, фақат ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини пасайтирди. Шунга қарамай, беш йилдан кейин бу аҳмоқона иш яна давом эттирилди – саноат ва қишлоқ, яъни иккитадан Меҳнаткашлар депутатлари советларини ташкил қилишга киришилди. Бу Советларнинг асосий қондаси, уларнинг яхлит тизими бузилишига олиб келди. Бир вақтнинг ўзида КПСС тизимида ҳам ислоҳотлар қилинди – «шаҳар» ва «қишлоқ» вилоят партия қўмиталари пайдо бўлди. Бунга тарихчи С.Кара-Мурза шундай таъриф берган: «Бу нафақат партия ва ҳокимият шаклини инкор этиш, шунингдек, совет давлатининг табиатини тушунмаслик, давлатни ўзбошимчалик билан ўзгартириш мумкин бўлган «машина» деб тасаввур қилиш оқибати эди».

Мазкур ислоҳотлар Ўзбекистонни ҳам ўз домига тортди. Жумладан, 115 та тумандан фақат 61 таси қолдирилди. Оқибатда кўплаб аҳоли яшайдиган жойлар туманлар марказидан 300 км масофага узилиб қолди. Туман марказга етиб бориш даргумон бўлгани учун оддий халқ ўз муаммоларини ечишлари янада мураккаблашди. Табиийки Тошкентга, айнан Шароф Рашидов номига кўплаб ариза ва шикоятлар ёғила бошлади. Айрим кунлари Ўзбекистон КП МКга бир неча минглаб шундай шикоятлар келар, буларнинг барчаси раҳбариятнинг обрў-эътиборига путур етказар, оддий аҳоли билан муносабатларни кескинлаштирарди.

Юзага келган аксарият муаммоларни республика раҳбарияти шу ернинг ўзида ҳал қила олмас, яъни бунинг учун Москванинг рухсатини олиш талаб қилинарди. Ўзбекистон КП МК ва Министрлар Совети фақат 1962 йилнинг ўзида маҳаллий муаммоларни ҳал қилиш юзасидан тегишли чоралар кўришга рухсат бериш илтимоси билан Москвага 1081 та тавсиянома жўнатади. Москва эса шундай жавоб қайтаради: 910 та тавсиянома ижобий қондирилиб, 113 тасига салбий муносабат билдирилади ва 38 таси «тайинсиз» деб ҳатто муҳокама ҳам қилинмайди.

Ўзбекистонда имкон борича кўпроқ майдонларга маккажўхори экилади. Хусусан, ҳукуматга 600 минг гектар ерга шу экинни экиш топшириғи берилади. Шароф Рашидов бунча майдонга маккажўхори экиш имкони йўқлигини, аксинча, суғориладиган ерлардан ажратишга тўғри келишини

айтгач, Хрущёв талаб қилишда давом этади, лекин Рашидов кўрсатмага амал қилмайди. Оқибатда қатта бошлиқ ислохотларни амалга оширишда Рашидовни ишониб бўлмайдиган кишилар сирасига киритади. Хрущёв хукмронлигининг сўнгги йилларида деярли барча республикалар раҳбарлари билан алоқалари ёмонлашади.

Халқ орасида шармандали равишда обрўсизланганига қарамай, совет матбуоти Хрущёв шахсини кўкларга кўтаришда давом этарди. Ташқаридан қараганда бу ғирт бемаънилик эди. Совет адибларидан бири айтгандай: «Шахсга сиғиниш бор, лекин бунга арзийдиган шахснинг ўзи анқонинг уруғи эди». Совет оммавий ахборот воситаларида васф этилган сиймога Хрущёвнинг шахсияти сира ҳам муносиб эмасди. Марказий Комитет Президиуми аъзоси Фрол Козлов, Леонид Брежнев ёки Александр Шелепин каби савлатли ва кўркам сафдошлари билан қиёслаганда, бу тасаввур яққол кўзга ташланарди. Хрущёв атрофида юзага келтирилган шахсга сиғиниш ҳолатини ўғли Сергей шундай эслайди:

«Отамнинг фаолияти зўр бериб мақталарди: Москва ва бошқа шаҳарларнинг кўчаларида унинг йирик суратлари тобора кўпайиб борар, нутқларидан кўплаб парчалар келтирилар, турли баҳоналар билан гапларини кистириб ўтишарди. Ёзувчи Василий Захарченконинг сценарийси асосида «Бизнинг Никита Сергеевич» хужжатли фильми экранларга чиқарилди. Бу фильм яқин ўтмишдаги «энг яхши» анъаналарга асосан: ўта баландпарвоз мақтовлару олқишлар билан тўлиб-тошганди. Уни отамга кўрсатишади. У фильмни лом-лим демай томоша қилади, мақтамайди, рад ҳам қилмайди.

Сукут аломати ризо қабилида фикрлаган ялтоқилар эса лаганбардорликни давом эттиришади: «Шонли ўн йиллик» (Хрущёв 1953 йилда КПСС МКнинг Биринчи котиби бўлганди) деб номланган фильм устида ишлашни бошлаб юборишади. Бу фильмни суратга олиш ишларига Алексей Аджубей (Хрущёвнинг куёви ва марказий «Известия» газетасининг бош муҳаррири) раҳбарлик қилади...»

Биринчи котибнинг шахсини улуғлаш билан партия органларидаги олий мансабдорлар уни кўпроқ ўзларининг иродасига бўйсундириш, ўзларини чеклайдиган ислохотларни амалга оширмасликка мажбурлашни кўзлагани, шубҳасиз. Улар бежиз хавфсирамаган, чунки бундай фикрлар Хрущёвнинг кўнглидан тез-тез ўтарди. Ҳолбуки, бунга қадар унинг феъ-



**э**ввозимли арбобларга ёқмаслиги табиий эди, чунки улар Сталин вафотидан кейин ўтган «шонли ўн йилда» хотиржам ҳаёт кечирिशга кўникиб улгурган эди. Хрушчёв эса ўзининг қутилмаган хатти-ҳаракатлари билан буларнинг барчасига чек қўйиши ҳеч гап эмасди. Бу эса унинг яқин орада истеъфога чиқарилиши учун муҳим сабаблардан бири бўлди.

У истеъфога чиқарилишидан бир йил олдин Шароф Рашидов билан ҳам муносабатлари бузилди. Ўзбекистон раҳбари мамлакатда кечаётган воқеаларга ўзига хос нуқтаи назардан ёндашаётгани Кремль хўжайинига сира ҳам ёқмасди. Бироқ республикада ишлар ҳамирдан қил суғургандек силлиқ кетаётгани боис Хрушчёв Шароф Рашидовни ишдан олиш учун жиддий баҳона тополмасди. Жумладан, Ўзбекистон 1963 йилда катта зафар кучди – олдинги йилдагидан 681 тонна кўп – 3 миллион 688 минг тонна пахта етиштирилди. Республика Олий Совети Президиуми шу йил декабрь ойида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор фахрий унвонини таъсис этади.

Бундан ташқари, республикада: 343 минг тонна (олдинги йилга нисбатан 18 минг тоннага кўп) пўлат, 1 миллион 792 минг тонна (38 минг тоннага кўп) нефть, 2 миллион 989 минг кубометр (956 минг кубометрга кўп) газ, 1 миллион 419 тонна (қарийб 200 минг тоннага кўп) минерал ўғит, 2 миллион 26 минг тонна (348 минг тоннага кўп) цемент ва бошқалар ишлаб чиқарилди. Шу йили 29 та янги саноат корхонаси, мавжуд завод ва фабрикаларда 55 та йирик цех ишга туширилди. «Тошкенткабель» заводида Иттифоқда биринчи марта полиэтилен қобиқ билан ҳимояланган блокловчи-телеграф кабелининг сими (жила)ни узлуксиз ишлаб чиқарувчи автоматлаштирилган линия ишга туширилди.

Тошкент шаҳрида Ўрта Осиёда биринчи Педагогика институти ва планетарий очилди. Планетарийни бунёд қилар экан, Рашидов Мирзо Улуғбек изидан борди, чунки Мирзо Улуғбек даврида ҳам шундай иншоот очилган, кейинчалик душманлари уни деярли йўқ қилган. Шу вақтларда «Ўзбекфильм» киностудиясида «Улуғбек юлдузи» бадий фильми суратга олиниши ҳам тасодифий эмас (режиссёр Латиф Файзиев).

Республиканинг дадил одимлаши Шароф Рашидовга Хрушчёв билан осон бўлмаган муносабатларида қўшимча куч бағишларди. Бошқа ҳолатларда у Кремль хўжайинига салкам тўғридан-тўғри қарши чиқар,

машхур ёзувчи Валентин Овечкин билан бўлган ҳодиса бунга яққол мисолдир. В.Овечкин ҳам Хрушчёв ғазабига дучор бўлган эди. Қайд этиш керакки, ғазабга учраган В. Овечкин Рашидов «паноҳига олган» биринчи ёзувчи эмасди. Биринчиси 1959 йилда Москвадан қувғин қилинган Константин Симонов эди. У Рашидов ёрдами билан Тошкентдан бошпана топди. Шу йили «Звезда Востока» журнали Симоновнинг энг яхши асари «Тириклар ва ўликлар» романини боса бошлади. Мазкур романинг Иттифоқда босилган биринчи нусхаси эди.

Валентин Овечкин билан ҳам худди шундай воқеа юз берган. Модомики К.Симоновга нисбатан у китобхонлар орасида яхши танилмаган экан, қисқача уни таржимаи ҳоли билан таништиришни зарур деб биламан. Овечкин ёзувчилик фаолиятини 20-йиллар ўртасида бошлаган ва асосан қишлоқ муаммолари ҳақида ёзган. Биринчи ҳикоялар тўплами «Колхоз ҳикоялари» 1935 йилда босмадан чиққан. 1947 – 1949 йилларда – урушдан кейинги Украина қишлоқлари ҳаётидан ҳикоя қилувчи «Аёллар ёзи», «Настя Колосова» пьесаларини ёзди. Лекин унга Бутуниттифоқ шуҳратини, мавзуси ва унда иштирок этувчи шахслар бир бутун бўлган, бешта очеркдан иборат, 1952 – 1956 йилларда ёзилган «Туманнинг иш кунлари» тўплами келтирди (тўпламга «Туманнинг иш кунлари», «Олдинги сафда», «Мана шу туманда», «Ўз қўлларимиз билан» ва «Қийин баҳор» асарлари киритилган). Бу ҳақда «Адабиёт энциклопедияси»да қуйидагича ёзилган:

«Бу ҳаётини ҳодиса (баъзан ҳаёлий қаҳрамон ва сюжетлардан иборат) далилларга асосланган «ишчанлик» прозаси; биринчи марта ватаннинг замонавий адабиётида иқтисодий, ижтимоий ва ички сиёсий мавзунини теран эстетик кечинмаларга айлантирди, «катта» адабиётни руҳий долзарб ва экзистенциал муаммоларни англашга ёрдам берди».

Ваҳоланки, Хрушчёвнинг қишлоқларда амалга ошираётган кескин ислохотлари татбиқ этилиш жараёнида Овечкинда кўпроқ салбий муносабат уйғотмоқда эди. Айниқса, бу 60-йиллар бошида яққол намоён бўлди. Натижада Хрушчёв аппаратидан кимдир, қачонки Овечкинга Хрушчёвнинг она қишлоғи Калиновка (қишлоқ Биринчи котибнинг саъй-ҳаракати натижасида етакчига айланган ва унинг номи совет ОАВларида тез-тез учраб турарди) ҳақида ғоятда завқли очерк ёзиш таклифини берганда, Овечкин аппарат вакили таклифини рад этганди. Шундан сўнг фожиа юз берди.

Овечкин 1960 йилнинг кузида Омск вилоятига, «Хрущёв кўрсатмасига Сноан» янги ерларни ўзлаштиришни ўз кўзи билан кўриш учун келади. Кўрган нарсалари ёзувчи қалбининг энг тубигача ларзага келтиради. У, тани Курскка қайтгач, партконференцияда сўзга чиқиб, янги ерларни ўзлаштириш кўзбўямачилик ва хўжакўрсинга бўлаётганини очик айтади. Хрущёв буни билгандан кейин ғазабга келиб, Овечкинга партия амалдорлари орқали очикчасига босим ўтказа бошлади. Босимга дош беролмаган ёзувчи ўз жонига қасд қилмоқчи – ўзини отмоқчи бўлди. Лекин энг охири сонияда кўли қалтираб кетди ва оғир ярадор бўлди – ўк кўзини косасидан чиқарган эди. Шифокорлар мўъжиза туфайли унинг ҳаётини сақлаб қолишди.

Ногирон бўлгандан сўнг ёзувчи бир қанча вақт узлатга чекинди. Кўпчилик ижодкор сафдош ва дўстлари ундан юз ўгирди, чунки улар ҳам Хрущёвнинг ғазабига учрашдан кўрқишди. Овечкинда рухий сиқилиш ҳолати – депрессия бошланди. Агарда унинг Тошкентда яшаган катта ўғли Валентин унга бирга яшаш учун кўчиб келишни таклиф қилмаганда, ким билсин, бу нима билан тугар эди. Ёзувчи рози бўлди.

Ўзбекистон пойтахтига келгандан кейин (1963 йилнинг баҳори) Овечкин рафиқаси Валентина билан ўғлининг уйига жойлашди. Унинг ўғлининг ҳам оиласи бор эди, тураржой эса кичик бўлиб, табиий равишда, улар қийин шароитда яшашди. Шу сабабли бир оз вақтдан кейин, ёзувчи ўзбек ҳукуматидан ўзи учун алоҳида тураржой олишга ҳаракат қилиб, Рашидов номига хат ёзди.

Бу танишув 50-йиллар бошида, умумий ижодий фаолият майдони бир вақтда – ёзувчилик даврида бўлган, улар Москвада Ёзувчилар уюшмасида учрашган эди. Аммо, уларнинг яқинроқ учрашуви 50-йиллар ўртасида, Шароф Рашидов Ўзбекистон Олий Совети Президиумининг Раиси лавозида ишлаган вақтда, яъни Овечкин ва совет ёзувчилари вакилларининг бошқа аъзолари билан Хитойга расмий ташриф билан борганда юз берган. Қайд этиш керакки, Овечкин Шароф Рашидов китобларини ўқиган ва улар ҳақида яхши фикр билдирган. 1955 йилда, ёзувчиларнинг Бутуниттифок йиғилишида Овечкин Рашидов асарларини қишлоқ мавзусида ижод қилувчи Залигин, Терянов, Вишни ва бошқа машҳур ёзувчилар асарлари каторида эслаб ўтган.

Хуллас, Овечкин Шароф Рашидовга нисбатан яхши муносабатда бўлган. Лекин янги шароитда Ўзбекистон раҳбари унинг илтимосига нисбатан қандай муносабат билдиришини билмас эди. Чунки у, ёзувчиликда ташқари, йирик партия арбоби, Иттифоқдаги йирик республикаларда бирининг раҳбари эди. Бундан ташқари, номзод сифатида давлатнинг энг юқори органи бўлган – КПСС МКнинг Президиуми таркибига кирарди. Шуларнинг барчасини эътиборга олиб, Рашидов, Хрушчёвни Овечкинга бўлган муносабатини билган ҳолда Кремль хўжайинига қарши бора олмаслигини тахмин қилиш мумкин. Эҳтимолга кўра, унинг даражасидаги кўпгина раҳбарлар шундай қилиши мумкин эди, бунинг сабаби – ҳеч ким бир оддий ёзувчи туфайли Хрушчёв билан алоқасини бузишни истамасди. Аммо Рашидов бу фикрга тескари ҳаракат қилди.

Кунларнинг бирида Овечкиннинг катта ўғлини Тошкент шаҳар ижроия комитетига таклиф қилишди ва танлаш учун бир нечта шинам уйларни кўрсатишди. Ёзувчининг ўғли Ново-Московский кўча, 24-манзилда жойлашган эски уйнинг биринчи қаватида жойлашган тўрт хонали уйни танлади. Шубҳасиз, буларнинг барчаси Рашидовнинг тўғридан-тўғри кўрсатмаси асосида амалга оширилган эди. Бундан ташқари, Овечкиннинг ишлари юришиб кетгандан кейин (у Совет Иттифоқи ёзувчилар уюшмаси аъзолигидан чиқиб, газетага мухбир сифатида ишга кирди) Рашидов уни ўз фаолиятига жалб этди: ёзувчи-мухбирни республика бўйлаб олиб юра бошлади. Овечкин 1963 йилнинг ёзида Фарғона, Самарқанд, Сурхондарё ва Бухоро вилоятларида, Мирзачўлда бўлди.

Шароф Рашидов бир неча бор Овечкиннинг уйида бўлган, унда улар ҳар хил мавзуларда, жумладан, Хрушчёв ислохотлари борасида суҳбат қуришган. Овечкинни муросасиз феълени эътиборга олган ҳолда, у ўз меҳмонидан Кремль хўжайинининг ислохотчилик фаолияти борасидаги кескин танқидий фикрларини яширмаганлигини тахмин қилиш мумкин. Лекин шу вақтга келиб Рашидов ҳам Хрушчёвга нисбатан яхши муносабатда эмас эди.

Овечкин билан бўлаётган мазкур ҳодисаларни Москва эътиборидан беркитиш мумкин эмас эди. Айниқса, Шароф Рашидовнинг ўзи ҳам буларни яширмас, аксинча, ошқора ҳаракатларни амалга оширар, бинобарин, 1964 йилнинг июнида Овечкин 60 ёшга тўлганда, Рашидов уни Ленин

унга тавсия этди. Қайд этиш керакки, юбиляр буни амалга ошишига  
масдан Шароф Рашидовни бундан қайтаришга уринади. Лекин Ра-  
шов унга кулоқ солмайди. Кескин вазият юзага келиб, Москва бироз  
нима қилишни билмай саросимада қолади. Натижада муроса йўли  
анади. Овечкин мукофотланди, лекин унга Ленин ордени эмас,  
«Халқат Қизил байроқ» ордени берилиб, Шароф Рашидовга эса рес-  
ублика газеталарида буни ёритмаслик мажбурияти юклатилади.

Шароф Рашидов охирги буйруққа кўнишга мажбур бўлди, бироқ шу  
қаттам ҳам Москвага қарши чиқиш йўлини топди: юбиляр шарафига тан-  
танали йиғилиш ўтказди. Таъкидлаш лозимки, юбиляр йиғилишга ўзига  
салтик бўлган ва жасур йигирмага яқин одам келишига ишонган, аммо зал-  
лат тумонат одам йиғилади. Буларнинг барчаси, Рашидов ва ўзбекистонлик  
давлат арбобларию зиёлилар ҳам Хрушчёвни ҳурмат қилмасликларига ва  
унинг тийилмаган феъл-хўйидан кўрқмасликларига гувоҳлик берар эди.

### 15-боб

## ХРУШЧЁВГА ҚАРШИ ФИТНА

1964 йил бошида Н.Хрушчёвни раҳбарлик лавозимидан озод этиш ва  
нафақага чиқариб юбориш учун фитна уюштирилади. Фитначилар тар-  
кибида бир неча Марказий Комитет Президиумининг аъзолари: Михаил  
Суслов (КПССнинг бош мафкурачиси), Леонид Брежнев (МК котиби ва  
Иттифоқ Олий Совети Президиуми Раиси), Николай Подгорний (КПСС  
МК котиби) ва бошқа юқори қатлам раҳбарияти намояндалари бор эди.

Уларнинг Хрушчёвга қарши чиқишига, биринчи навбатда, ўз эгаллаб  
турган лавозимларидан ажралиб қолиш кўркуви мажбур этди. Мисол  
учун, Сусловни Леонид Ильич сиқиб чиқараётганди. Брежневнинг ўрнига  
Анастас Микоян ўтириши керак эди, Подгорний эса Хрушчёвдан, унинг  
фикрлари билан камроқ қизиқаётгани ва ўзбошимчалик билан унинг тани-  
ши Владимир Шербаков (Украина Министрлар Совети раиси)ни МК Пре-  
зидиуми аъзолигига номзодликдан чиқариб ташлагани учун ранжиган эди.

Бундан ташқари, Хрушчёвнинг давлат раҳбари лавозимида қолиши ке-  
лажакда жамият учун жиддий муаммолар туғдириши мумкинлигини фит-  
начилар яхши билишарди. Мамлакатда ўтказилаётган ислохотларга нис-

батан халқ норозилигининг кучайганлиги ҳам буни очик кўрсатиб турарди. Ўсиб бораётган норозиликларнинг аниқ белгиси оддий фуқаролардан барча республика партия МКлари ва бевосита Москвадаги КПСС МКга хатлар оқиб кела бошлагани бўлди. Гап нима тўғрисида кетаётганлигини англаш учун, Москвадаги бир қатор марказий газеталар (жумладан. «Правда», «Литературная газета», «Комсомольская правда», «Труд» газеталарига) таҳририятига ўша вақтда ёзилган хатлардан парчалар келтираман.

Москвалик яширин муаллиф (аноним): «Социализм нуқтаи назари – ким ишламаса тишламайди. Аммо бизда кўпчилик одамлар ўғирлик билан шуғулланади ва ҳалол меҳнат қилаётганларга нисбатан яхши яшашади. Демак, бу нуқтаи назар фақат қоғозда. Иш шу даражага бориб етдики, социализм қураётган мамлакат пойтахтида ҳам тунда ва кеч окшомда кўчага чиқиш хавfli бўлиб қолди, биз эса Америкага ишора қиламиз. Савол туғилади. Агар бу муаммони юқоридагилар ҳал эта олмаса пастдагилар ҳал этади, ўз-ўзини ҳимоя этиш гуруҳларини ташкил этиш орқали. Яшаш учун халақит бераётган барча нарсаларни биз ўзимиз йўқ қиламиз. Шунинг учун биз ишчилар етакчи синфмиз. Етар энди, яқинда совет давлати 50 ёшга тўлади. «Олтин ёшларга» тарбия бериш вақти келди, улардан гандалар етишиб чиқаётир».

Новосибирск вилоятида яшовчи В.Бабин: «Биз бу ерда жамоамиз билан биргаликда партиямиз сиёсатини ўйлаймиз, муҳокама қиламиз. Меффикрларимни ёзиш масъулиятини зиммамга олдим. Агарда раҳбарларнинг меҳнати учун маоши ишчиларникига нисбатан кўпроқ бўлса қоғозбозлик амалпарастлик бўлиши муқаррар. Ахлоқий бузилиш, дунёқарашнинг ўзгариши, фоҳишалар ва тасарруф этиш каби. Жумладан, барча раҳбарларнинг, юқори ва қуйи бўғин амалдор шахсларнинг иш ҳақлари ишчиларнинг ойлик иш ҳақидан кўп бўлиши керак эмас.

Ҳозирги пайтда партия МКнинг халқ ҳаётини яхшилаш бўйича ғамхўрлиги қуйидаги йўлдан бормоқда: директорларга ойига ойлик иш ҳақи 300 дан 600 рублгача оширилади, оддий деҳқонга ойига 30 рублдан 40 рублга оширилади. Халқимизда ҳозирги кунда коммунистча кўтаринкилик йўқ. Халқимизда ҳозирда ҳақиқий социализм соғинчи бор. Ҳа, партия XX съезидан кейин янги шабада эсмади. Ҳали демократия йўқ. Ҳокимиятимизнинг катта маош олувчи раҳбарлари – моҳиятан, фақатгина

**Буржуазияни катта маош тўланадиган тоифаси вакиллари, барча халқнинг эмас. Ва ўз синфи – буржуазия манфаатларини кўзлаб қарор қабул қилади.**

Ҳозирги партия МК қанча хатоларга йўл қўйди. Ва буларнинг барчаси **илмий** томондан асослаб берилди. Хатолар кўп, лекин бунинг жавобгарлиги йўқ. Ҳамма бало шундаки, партия МКда инсоф йўқ, халқ буни кўриб турибди. Инсофсиз буржуйча сиёсатни асраш, оқлаш учун билимдонлик қилиш керак эмас. Бутун сиёсатни ўзгартириш керак. Ҳозир бизга кўриниб турибдики, Марказий Комитетда ҳеч қандай муқаддас, коммунистча нарсаси йўқ. Биз ўйлар эдикки, Марказий Комитет аъзолари – булар энг сара коммунистлар, энг муқаддас инсонлар, кейин билсак улар мамлакатнинг энг бой кишилари экан. Халқ фикрига кўра, коммунист ниҳоятда ҳалол, камтарин, инсонларни яхши кўрувчи, уларга бахт олиб келувчи, халққа яқин, туғишгандек инсон бўлиши керак. Биринчи раҳбар, коммунист қандай бўлиши керак? Худди Лениндек, Дзержинскийдек. Қачон ёлғон ва катағонлар йўқ бўлади, қачонки социалистик мешчанлик йўқ бўлса, бойлар ва камбағаллар, олийлар ва қуйилар йўқ бўлса».

Днепропетровсклик В.Приходько: «Ҳозирги вақтда коммунистик, ишчи ва озодлик ҳаракатларида Ленин номи билан турлича найранглар қилишмоқда ва ўзларини ҳақ деб билишмоқда. Ишчи, оддий совет ишчиси (партия аъзоси ёки аъзоси эмаслиги роль ўйнамайди) қандай фикр юритади? Ишчи дейди: «Турмушни онг аниқлайди». Менга, ҳаёт учун энг керакли нарсани беринг ва менга шундай шароит яратингки, менинг хаёлим эртанги кун ташвишлари билан банд бўлмасин, бизнинг оналаримиз ва рафиқаларимиз ўзларининг кўп «бўш» вақтларини дўконлар ўртасида елиб-югуриб ўтказмасинлар. Шу вақтда ва айнан фақат шу вақтда менинг онгим шу даражага кўтариладики, мен, дунёни бир четида очликдан болалар ўлаётган бўлсаю сариёғ суртилган бир бурда оқ нонни ейишим тўғрими, деб ўйлай бошлайман. Ишчи жумладан шундай дейди. Ва у биз жуда ҳам «кўнгилчан» эканлигимиздан мамнун эмас. Биз «дўстларимиз» ҳақида шу даражада қайғурамызки, ўзимиз ҳақимизда унутиб қўямиз. Биз бошқа давлатларда юзлаб корхоналар курамыз, жуда қулай кредитлар берамиз, бизга таклиф қилинаётган барча савдо шартномаларини имзолаймиз. Ва шу билан бир пайтда, Англия банки таклиф этган кредитлардан воз кечмаймиз ва қайсидир жиҳатдан капиталист учун хизмат қилгандай

бўламиз. Бизнинг давлатимиздаги ҳаёт даражаси бошқа давлатлардагига нисбатан юқори эмас ва шу жиҳатдан фақат бомба ва ракеталарга ишора қилиш керак эмас.

...Бизнинг совет кишилари ўз зиммаларига қандай масъулиятли вазифа юкланганлигини билишга қодир. Агарда Иттифоқнинг оддий фуқароси шундай улкан маънавий маълумотларга эга бўлиши керак бўлса, бизнинг устимиздан ҳукмронлик қилиш ҳуқуқига эга инсонлардан талаб қанчали юқори бўлади».

Киевлик Н. Киселева: «Мени ваҳима босади, нима деб жавоб бераман агарда болаларим мендан сўраб қолишса: қани менга жавоб бер: сен коммунистмисан деб? Уларга нима деб жавоб берай? Киев шаҳрида 30-грамвайга ўтиринг ва «Копиленко» бекатигачага боринг. У ерда «Гастроном» кўрасиз. Йўқ у оддий «Гастроном» эмас. «Оддий инсонлар» – нима учундир бизда, одатда, айтилишича уни «сарқитлар» дейишади. У ерга партияходимларидан қолган, сотилмаган маҳсулотлар чиқарилади. Уларни МК ходимларига бошқа нархларда, сариқ чақага сотишади. Ва бизда ёпиқ касалхона ва дорихоналар, ҳаттоки меҳмонхоналар бор. Бу даҳшат!»

Москвалик Громов: «Бизнинг ҳар хил аломатлар кўринишидаги турмушимиз ва имтиёзга эга ҳолатимиз – ижтимоий, партиявий ва бошқалар – ҳақиқатда жамиятимизни бўлинишига олиб келди. Жумладан, 47 йил давомида ҳаттоки Москвада халқни ертўлалардан олиб чиқа олишмади, «раҳбар арбоблар» шундай дориламон квартираларда яшашадикки, бу билан ўртача тураржой меъёрларини ғоят ўсишига, тахминан бир киши учун 10 кв метр бўлишига олиб келди. Шу вақтда, «халқ»қа кооперативларга киришни таклиф этиб, «раҳбар арбоблар» серҳашам уйлардан текин квартиралар олишмоқда. Халқ Медведевко-Мазиловодан ўз биқини ва кўли билан шаҳар транспортида ўз иш жойларига йўл очиб келаётган ўша вақтда «раҳбар арбоблар» давлат автомобилларида марказ кўчасинини биридан иккинчисига ўтади. Халқнинг 95 фоизи даволанишсиз ёввойи йўсинда дам олишга мажбур бўлган ўша вақтда «раҳбар арбоблар» текинга йўлланма олишади ва бўм-бўш пляжларда, уларни у ерга лифт чиқариб қўяди, чўзилиб ётишади (Юқори ва Қуйи Ореанда, «Украина» санаторияси ва бошқалар)».

Бу хатларда ҳиссиёт идрокдан устунлиги эътиборга олинса-да, чинакал далиллар баъзан ҳолис фикрларга алмаштирилган, бироқ бу ёзишмалай



Н. Хрущёв идора қилган «шонли ўн йилликлар»да юритилганга қарши халқ норозилигини кўрсатарди. Ахир Хрущёв дав- «раҳбар арбоблар» ёки «қизил буржуазия», совет кишиларининг бини келтираётди, ошна-оғайничилик асосида тил бириктириш- ва талтайиб кетишга эришган эди. Олдинги ҳукмдор – «барча халқлар раҳийси» Сталин даврида – вазият бошқача эди: у вақтда жуда ҳам қадидан ошиб кетмаслиги учун «қизил буржуазия»ни тиканли қўлқопда ушлаб туришар, вақти-вақти билан ундан қон чиқариб туришарди. Биз биламизки, Хрущёв, кенг маънода бу амалиётни тўхтатди. Ва бу фао- лият натижаси узокқа чўзилмади.

Қачонки 60-йиллар бошида Куба инқилоби раҳбарларидан бири Че Гевара Москвага келганда, совет раҳбарларига берилган имтиёзлардан қалбининг энг тўригача нафратланган эди. Натижада, ватанига қайтиб бор- гандан кейин, совет раҳбарларини – фақат чўнтагида партия билети бор оддий буржуйлар деб эълон қилди. «Че команданте» Кубада бошқача ҳаёт тарзини жорий қилар эди: вазирлик даврида, ўзига ва бошқа лавозимдаги раҳбарларга, ишдан кейин плантацияларга чиқиб, шакарқамиш йиғувчилар билан елкама-елка бирор соат ишлаш мажбуриятини юклаганди.

Бошқа мисол: Хитой. 60-йиллар ўртасида у ерда амалга оширилган «ма- даний революция», семириб кетган «қизил буржуазия»га қарши курашдан бошқа нарса эмас эди. Бу ҳаракат давомида юз минг партия арбоблари ва зиёлилар вакиллари «қайта ишлаш учун» ичкарироққа (кишлоққа) ва ишлаб чиқаришга юборилди. Бу «қайта ишлаш»га ҳатто Хитой КП МК Бош қотиби – бридж қарга ўйини ва буржуазиянинг бошқа дабдабалари- ни севувчи Дэн Сяопин ҳам учраган, уни трактор заводига ишлаш учун жўнатишган. Тарихчи В. Шапиновнинг ёзишича: «Ҳукумат буфетида тансиқ таомларни еяётган вақтда, қандай қилиб сиёсий капитални молия- вий капиталга айлантиришни ўйлай бошлаган, вазир даражасида бўлиб бутунлай ўзгарган амалдорни, инқилоб оммаси хотиржамлик билан кўчага олиб чиқиб, бошига қалпоқ кийгизган, инқилобга қарши бўлган мақсадлардан тавба қилдириб, сўнгра оддий деҳқонлар орасида марксизм- ленинизмни ўрганиш учун кишлоқ жойларига жўнатиб юборган».

Табиийки, советларнинг юқори табақаси «маданий революция»га кўрқинч билан қарар, оддий халққа ўзи тўғрисидаги ҳақиқат етиб бормас-

лиги учун кўлидан келган барча ҳаракатни қиларди. Бинобарин, Хитой раҳбариятининг 1964 йил 14 июлдаги «Хрушчёвнинг сохта коммунизм ва унинг халқаро-тарихий сабоғи» ҳақидаги баёноти совет ОАВларида эълон қилинмади.

Унда куйидагилар айтилган эди: «Совет жамиятида, буржуазия зиёллари, давлат ва партия идоралари, корхона ва ташкилотларнинг янги раҳбарларидан ташкил топган имтиёзга эга бўлган қатлам юзага келди. Бу қатлам совет ишчилари, зиёллари, колхозчи ва кекса ишчиларининг кенг оммасига қарши туради.

Бу имтиёзли қатлам совет ишчиларининг меҳнат маҳсулини ўзиники қилиб олиб, оддий совет ишчи-деҳқонлари даромадидан ўн ва ҳаттоки, юз баробар кўп фойда олади. Бу қатлам намояндалари иш ҳақи, йирик мукофотлар, улкан гонорар ва ҳар турли кўшимчалар кўринишида ғоят улкан фойда олишади. Бундан ташқари, улар ўзининг имтиёзли ҳолатидан фойдаланган ҳолда ҳар турли суиистеъмолчиликлар, коррупция, порахўрлик ва ўғриликлар билан шуғулланишади».

Сталин ўлимидан кейин Иттифоқ раҳбарияти пролетариат диктатурасини «қизил буржуазия»га ўзгартириш сиёсати йўлини танлади. Ва Хрушчёв ўтказган иқтисодиётдаги бундай ислохотлар мамлакатдаги ўзгаришлар ўзанига аниқ тўғри келарди. Ислохотлар бошига фойдани иқтисодиётнинг асосий бошқарув дастагига айлантириш маддоҳи харьковлик Евсей Либерман сингари иқтисодчилар кўйилиши тасодиф эмасди. Германиялик В. Диккут ёзган эди:

«Либерманнинг таклифлари очик капиталистик шаклда берилмаган эди, лекин унинг асосий ўрни шунда эдики, у Иттифоқда биринчи бўлиб даромадни иқтисодиётнинг асосий бошқариш дастаги деган фикрни илгари сурган тезиси, очикдан-очик ёхуд яширинча, ревизионистларнинг барча «тажрибалари» ва «режалари»дан қизил ип сингари ўтади. Хрушчёвнинг ҳимояси остида Либерман кўп иш қилди, иқтисодий мунозара ўзининг вазифасини тўлиқ бажариши учун, чунончи, иқтисодчиларнинг фикрини айнан фойдага жамлади ва фақатгина фойда олишга йўналтирилган иқтисодий тузилмаларни киритишни ҳақ деб топди».

В. Диккут совет раҳбариятини бошқа масалаларда ҳам: Иттифоқда коммунизм қурилиши тез эмас, балки жадаллик билан қурилишини эълон

учун кескин танқид қилди. Аслида эса... Келинг, Диккутни ўзидан  
тамиз:

«Совет Иттифоқи раҳбарлари даъво қилишадикки, коммунизмнинг иккинчи даврига ўтиш бошланган. Натижада, улар келажакда коммунистик таксимот «ҳар кимга эҳтиёжига яраша» принципига ўтиши лозим. Лекин, улар кўраётган чоралар, тескари йўналишда бормоқда ва социалистик таксимот принципларини ҳам йўқ қилиб юбормоқда. Социализмнинг ривожланиши фақат ҳокимиятни қўлига олган ва пролетариат диктатурасини бутунлай бузиб жорий қилган бюрократия сабаб узилиб қолмаган. Мантикий равишда, ҳодисалар жараёнида бюрократия бутунлай социализм асосларини тугатди ва ўзининг янги шаклдаги капитализмини киритди. Ўзининг шахсий манфаатларини қондириш мақсадида даромад олишга интилиб ва шунга боғлиқ молиявий рағбатланишдан фойдаланган ҳолда, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида, у Иттифоқда капитализмни ҳар томонлама ривожланишига йўл берди. Умумжамият ақлидрокни ва социалистик онгни кўтариш ўрнига янги буржуазия даромад олиш ва моддий рағбатлантирувчи омиллар олишга рағбатлантирди, шу билан эгоизмни уйғотиб, омма онгидан социалистик ҳиссиётни иккинчи даражага тушириб қўйди.

Капиталистик қонунлар ҳаракатга келган вақтдан бошлаб улар автоматик равишда ишлайди. Моддий рағбатлантириш, капитализм давридаги каби даромадни ошириш учун ишчи кучидан жадал фойдаланишни ошириш воситаси сифатида хизмат қилиб, қайсики энг асосийси имтиёзлар билан таъминлаш ва уларни кенгайтириш, яъни янги буржуазияни бойитиш учун фойдаланилади. Ишчиларга даромаднинг арзимаган увоғи тегиб қолади ва худди шундай ғарбнинг хусусий капиталистлари капиталистик тузумга қарши чикмасликлари учун ишчиларига маошни оширади ёки бошқа ислохотлар орқали маошнинг бир неча фоизидан кечади».

Шундай қилиб, Хрушчёвнинг олдиндан билиб бўлмас характери маълум бир вақтдан бошлаб издошларига «хитой инкилоби» каби ваҳима сола бошлади. Юқори совет давлати намояндаларининг кўпчилик қисми Хрушчёв ўз вазифасини бажариб – «қизил буржуазия» синфини шаклланиши учун пойдевор қўйиб бўлди, энди эса жойини анча адекват сиёсатчига бўшатиб бериши кераклигига ишонч ҳосил қила бошлади. Хрушчёвга қарши фитна шундай пайдо бўлди.

Гувоҳларнинг эслашига кўра, фитна тахминан 1964 йилнинг февралидан етилиб кела бошлади. Ҳаттоки фитначилар Хрушчёвни жисмонан йўқ қилиш вариантини ҳам инкор этишмаган. Мисол учун, Брежнев Иттифок Давлат Хавфсизлик Хизмати Комитети раиси Владимир Семичастний билан бўлган суҳбатда (июнь ойида) ундан Биринчи котибни заҳарлаш ёки унга автофалокат уюштириш бўйича ўсмоқчилаб сўраб кўрган. ДХК раиси эса Брежневни бу ишлардан қайтарган. Лекин бунақа суҳбатлардан ажабланишнинг ҳожати йўқ, чунки сиёсат – жуда катта қалтис найранг ва хунрезликлар майдони.

Ёдга олсак, Хрушчёвнинг ўзи ҳам ҳокимият тепасига худди шундай қотиллик билан келган (Сиёсий бюро бўйича сафдоши Лаврентий Берия ҳибсга олинган ва қатл қилинган), орадан бир неча йиллар ўтгандан кейин у худди шунақа фитна билан Сталин даври Сиёсий бюросидан қолган издошларини ҳукуматдан йўқ қилди (аммо тирик қолдирди): Молотов, Маленков, Каганович, Булганинни. Айни пайтда бошқа машҳур арбоб – Совет Иттифоқи Маршали Георгий Константинович Жуков – обрўсизлантирилган ва истеъфога чиқарилган. Қисқаси, Иттифокнинг юқори сиёсатчилар доирасида доимо шекспирона эҳтирос ҳукмрон бўлган, рост, аҳолининг кўпчилик қатлами бу нарсалардан хабарсиз эди: ОАВларга саҳна ортидаги бундай икир-чикирлар тафсилоти етиб бормас эди.

1964 йилнинг май ойига келиб Хрушчёвни мансабдан тушириш мақсадидаги фитнага ўнлаб одамлар, хусусан, баъзи республикалар раҳбарлари жалб этилди – фитначилар орасида Арманистон ва Грузия КП МКнинг 1-котиблари Заробян ва Мжаванадзе ҳам бор эди. Лекин улар Иттифок КП МК Президиуми аъзолари ва номзодлари ҳам бўлишмаган, ҳолбуки, шу вақтда Шароф Рашидов аъзо бўлган. Шу сабабли катта эҳтимол билан фараз қилиш мумкинки, Рашидов бу фитнадан огоҳлантирилган, инчунин, биз биламизки, у охириги вақтларда Хрушчёв билан сал бўлмаса очиқчасига ихтилофга борган. Тахмин қилиш мумкинки, Рашидовни фитнадан Брежнев огоҳ қилган, унинг Рашидов билан алоқаси узок йиллардан – 50-йилларнинг иккинчи ярмидан бошланган, Леонид Ильич Қозоғистон МКнинг котиби эди, амалда бу лавозимда республикалар ва вилоятлар раҳбарлари билан ишлаш уйғунлашиб кетарди, бу табиий равишда, республика етакчилари билан ишлашни осонлаштирган.

Москвада Хрущёвга қарши фитна етилиб келаётган вақтда, Ўзбекистонда бир қатор кадрлар алмашинуви бўлди. 1963 йилнинг декабрида Москва Ўзбекистон Министрлар Совети қошидаги ДХК комитети раиси Г. Наймушин ўрнига Тошкентга С. Киселевни юборди. Қайд этамизки, Наймушин Ўзбекистон КП МК бюросига номзод бўлган бўлса, Киселевга бундай шараф кўрсатилмаган, бунинг боиси Хрущёв давлат хафсизлигини партия идораларидан олисроқда ушлаб турарди.

1964 йил март ойининг ўрталарида бошқа кучли идорада – Ички ишлар вазирлиги таркибида кадрлар алмашинуви юз берди. Шароф Рашидов у ерда Ички ишлар вазири, мазкур соҳа вакили Т. Жалиловни ДХКда ишлаган Ҳайдар Яҳёевга алмаштирди. Қайд этиш лозимки, Яҳёев Жалиловдан ўн ёш кичик ва унинг юртдоши – самарқандлик эди. 1945 йилда Рашидов Самарқанд обкомининг кадрлар бўйича котиби бўлиб ишлаган даврда, қисқа вақт Самарқанд ижроия кўмитасида умумий бўлим мудири лавозимида ишлаган. Уни у ердан Давлат хафсизлик хизмати идорасига ишга ўтказишди. Бир оз вақтдан кейин Яҳёев Самарқанд Давлат университети филология факультетини сиртдан тугатди. Яҳёев 1961 йилда Сурхондарё вилояти ДХК бошқармасини бошқарган, орадан уч йил ўтиб Шароф Рашидов уни Ички ишлар вазири этиб тайинлади.

Августда Ўзбекистон КП МК Пленумида Ўзбекистон КП МК бюросида кадрлар ўзгариши бўлди: унда янги мансабдор – И. Анисимкин пайдо бўлди.

Шу орада Хрущёвга нисбатан тайёрланаётган фитна ошкор бўлиб қолди. Бу тўғрисида Иттифоқ ДХК 9-бошқарма (юқори лавозимдаги раҳбарларни кўриқлаш) ходими Василий Голуков билиб қолди ва Хрущёвни бу тўғрида огоҳлантирмоқчи бўлди. Лекин у бунга иншонмади. Москвага қайтиб келиб фитначиларни бартараф қилиш ўрнига Қримда дам олишни давом эттирди. Оқибатда, Марказдагилар хуфиёна иш тутиб, КПСС МК Пленумини чақирди ва Хрущёвни Москвага чақириб олишди.

Шароф Рашидов Пленум арафасида Ўзбекистонда эди. 29 сентябрь куни Тошкентда Халқаро ёшлар анжумани муносабати билан қабул ўтказди, 6 октябрь куни Норвегия Компартияси раҳбар ходимлари билан учрашиб, 10 октябрда Москвага учиб кетди. 13 октябрда КПСС МК Президиуми йиғилишида қатнашди, у ерда барча йиғилиш иштирокчилари Хрущёвга

нисбатан ишончсизлик билдиришди. Айтишларича, йиғилишда Президиум аъзоси, РСФСР Министрлар Совети раиси Геннадий Воронов ўзини шафқатсиз равишда тутиб, Хрушчёвни «Ҳаммамиз бу ерда дўстмиз-ку» деган лукмасига, «Бу ерда сизнинг дўстларингиз йўк!» деб жавоб қайтарди. Г.Воронов ҳақ эди, аслида сиёсатда дўстлар бўлмади – фақат сафдошлар бўлади.

Мазкур йиғилишда барча қатнашчилар ўз фикрларини баён қилди, шу жумладан, Рашидов ҳам. Афсуски, йиғилиш стенограммасида унинг нутқи тезислар кўринишида берилган. Шунинг учун баъзи бир бандларини келтираман: «Сизнинг характерингизда – нутқингиздаги карама-қаршиликлар – бир томон, амалда эса – бошқа нарса», «Сизнинг қайта ташкил этишларингиз, ислохотларингиз жонга тегди», «Ўртоқларингизни камситасиз», «Ҳамма нарсани сизнинг номингиз билан боғлашади». Нутқ охирида Рашидов ҳам кўпчиликни фикрига қўшилди – Хрушчёвни истеъфога чиқариб юбориш керак. Кейинги куни КПСС МК Пленуми бўлиб, унда мазкур қарор тасдиқланди. Хрушчёв бир вақтнинг ўзида КПСС МКнинг Биринчи котиби (Биринчи котиб Леонид Брежнев бўлди) ва Иттифоқ Министрлар Советининг Раиси (бу лавозимга Алексей Косигин тайинланди) лавозимларидан озод этилиб, иттифоқ микёсидаги нафақачига айланди.

Қайд этиш лозимки, мамлакат раҳбарининг ўзгариши аҳолининг кўпчилик қисми томонидан ҳайрон қоларли даражада осойишталик билан қабул қилинди. Буни ажабланарли жойи йўқ эди, чунки шу вақтга келиб Хрушчёв обрўси халқ ичида жуда тушиб кетган ва у моҳиятан оммавий ахборот воситалари туфайли сунъий равишда тутиб турилган. Шунинг учун Хрушчёвнинг сиёсий саҳнадан кетиши кўпчилик одамларда бирон-бир ачиниш аломатини ҳам юзага келтирмади.

## *16-боб*

### **РАШИДОВГА ЗАРБА**

Ўзбекистонга қайтиб келгандан кейин Шароф Рашидов дарҳол ишга киришиб кетди. 19 октябрда Оққўрғонда партия фаоллари йиғилишида қатнашди, маҳаллий раҳбарларни ва аҳолини пахта тайёрлаш режасини бажаргани билан табриклади. Қолаверса, бутун республика бўйича бу

106,4 фоизга бажарилди: 3 миллион 670,7 минг тонна пахта териб  
Кайд этиш керакки, пахтачилик тарихида биринчи марта пахта  
режаси республиканинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон  
Автоном Республикаси, деярли барча туман ва пахта етиштирувчи  
мулкликлар томонидан ортиғи билан бажарилган эди. Бу пахтакорлар-  
нинг ноябрда 40 йиллиги нишонланган Ўзбекистон учун ўзига хос совғаси  
бўлди. Шу боис 20 ноябрда Тошкентда – Санъат саройида Ўзбекистон КП  
МК ва Ўзбекистон Олий Советининг тантанали йиғилиши бўлди, унда  
партиянинг янги раҳбари Леонид Брежнев йиғилиш қатнашчиларига бай-  
рам нутқи билан мурожаат қилди. Унинг Тошкентга келиши Ўзбекистон  
Москванинг алоҳида диққат марказида туриши, Шароф Рашидовга эса  
шахсан Л.Брежнев жуда хайрихоҳ эканига яққол ишора эди.

Москвалик юқори мартабали меҳмон ўз нутқида мамлакатни сиёсий,  
иқтисодий ва маданий ҳаётида Ўзбекистон қай асно фаол иштирок этаёт-  
гани тўғрисида далиллар келтирди. Мисол учун, Брежнев Ўзбекистонда  
юздан ортиқ саноат тармоқлари борлигини, республика ўз маҳсулотини  
58 та чет давлатга экспорт қилишини айтиб ўтди. Ўзбекистон заводлари  
Якин ва Ўрта Шарқ давлатларини кўшиб ҳисоблагандан кўпроқ қишлоқ  
хўжалик машиналари ишлаб чиқаради.

Кўшимча қилиш жоизки, Ўзбекистондан Иттифоқ республикаларига ва  
чет элларга металл, пўлат, чўян трубалар, кимё, радио ҳамда электротех-  
ник ускуналари, тўқимачилик машиналари, трактор, юк кўтариш кранлари,  
экскаваторлар, пахта териш машиналари ва бошқалар етказиб берилган.  
Ўзбекистон Урал, Москва, Украина, Арманистон, Қозоғистон заводларига  
вольфрам, молибден, кобальт, мис, кўрғошин каби рангли металлларни ҳам  
етказиб берувчи ҳисобланган. Ўша 1964 йилнинг бошида энг йирик Бу-  
хоро-Урал газ ўтказиш тармоғи орқали Магнитгорск, Челябинск, Орск  
ва Уралнинг бошқа корхоналарининг пўлат эритувчи мартен ва дом-  
на печларига дастлабки юз миллион кубометр юқори даражали ёқилғи  
етказиб берилди.

Бундан ташқари, Самарқанд «Кинап» заводининг киноаппаратлари  
Иттифоқнинг барча республикаларига етказилган, «Таштекстилмаш» ма-  
шиналари эса 350 та совет фабрикаларида ишлаган. Чирчиқнинг «Элек-  
тротромаш» заводи мураккаб энергетик қурилмалари билан ўндан ортиқ ишга

тушириладиган муҳим объектлари таъминланган. Ўзбекистонга ғалла (РСФСР ва Қозоғистондан), тахта-ёғоч (Сибирдан), кўмир (Қарағанда ва Кузбасдан), нефть маҳсулотлари (Туркменистон ва Кавказортидан) келтирилди.

Шу вақтлари Ўзбекистонда иккита университет, 29 та олий ўқув юрти бўлган. 21 та театр, шу жумладан, иккита опера ва балет, еттита драматик, Ёш томошабинлар, Кўғирчоқ, учта мусикий-драматик, еттита мусикий драма ва комедия театрлари фаолият кўрсатган. Бундан ташқари, Давлат цирки, «Баҳор» халқ рақс ансамбли, Қорақалпоғистон ашула ва рақс ансамбли ҳам бўлган.

Республикада 3112 та турғун ва кўчма кино ускуналари бўлиб, шуларнинг 2169 таси давлатга қарашли эди. 1964 йилда киносеансларга тушган аҳоли сони 120 миллионга етган. Қайд этилганидек, Ўзбекистонда энг яхши даромад келтирувчи фильмлар ҳинд мусикий драмалари бўлиб, бошқа жанрдаги фильмлардан ҳам яхшигина даромад тушган. Жумладан, 1964 йилнинг кузида республика кинотеатрларига чиқарилган фильмлардан «Зумрад» ҳинд мусикий драмаси ва «Ажойиб еттилик» Америка вестерни бўлган. Республикада ҳар йили жами 30 та хорижий киностудияда ишланган 90 га яқин чет эл фильмлари намойиш этилган, ўзбек фильмлари қирққа яқин мамлакатларда кўрсатилган.

Ўзбекистон телевидениеси жуда тез суръатлар билан ривожланиб борарди. Ўша вақтда республикада учта телемарказ бўлган (Тошкентда, Урганчда ва Андижонда) ва эшиттиришлар иккита дастурда олиб борилган, гарчи яқингача битта дастур фаолият кўрсатган.

23 ноябрда Ўзбекистон КП МКнинг Пленуми ўтказилди, унда КПСС МКнинг ноябрдаги Пленумида тасдиқланган Москва кўрсатмаларига биноан Хрущёв бошлаган ташаббуслар тугатилди: ўлка, вилоят, саноат ва қишлоқ хўжалиги партия ташкилотлари янгидан бирлаштирилди. Республикада яхлит вилоят партия ташкилотлари тузилди, ишлаб чиқарувчи жамоа ва давлат хўжаликлар бошқармаларининг партия кўмиталари тугатилиб, туман партия кўмиталарига айлантилди. Саноат ишлаб чиқариш (минтақавий) партия кўмиталари ҳам бекор қилиниб, Ўзбекистон КП МК раҳбариятида иккита бюро: саноат ва қурилиш бўйича, қишлоқ хўжалик бўйича раҳбарлик қисқартирилди. Шунингдек, МК бюроси таркибидан иккита раҳбар чиқарилган: Н.Мартинов ва Н.Худойбердиев.



Шу даврда, Ўзбекистонга МК янги раҳбарининг келиши ҳам Шароф Рашидовни жиддий синовдан қутқариб қола олмади, айнан ўша пайтда у ўтирган курси ҳам тебраниб кетди. Бу амалда дарҳол ноябрь тантаналаридан ва Брежнев Москвага жўнаб кетгандан кейин юз берди. Бу жуда табиий эди. Анча вақтдан кейин ўша пайтдаги совет раҳбарияти арбобларининг кўпгина хотираларидан маълум бўладики, Брежневни Иттифоқ МКнинг 1-котиби этиб сайланиши Кремлдаги ҳар хил раҳбар гуруҳларининг ўзаро келишув битими эди. Брежневнинг раҳбарлик қилиши вақтинчалик экани жуда кўпчилик партия арбобларига маълум эди, шу боис Брежнев Кремлнинг юқори доираларида тўла ҳокимиятга эга эмасди. Оқибатда, унинг Ўзбекистонга келиши, республика раҳбарини қўллаб-қувватлашини ошқор этиши Рашидов душманларини уни лавозимдан кетказиш режаларини бир четга суриб қўйишларига сабаб бўлмади.

Ҳамма нарса кўрсатиб турибдики, мухолифчилар Хрушчёвнинг қулаши натижасида республикалардаги кўпгина раҳбарларнинг ўз-ўзидан алмашинишига умид қилган эди. Бу ерда ишдан четлатилган Биринчи котиб билан уларни қандай муносабатлар боғлаб турганлигига эътибор берилмаган. Рақибларнинг бундай фикр юритишларига сабаб бор эди: Хрушчёв четлатилгандан бир ой ўтгач, қўшни Қозоғистонда раҳбарият ўзгарди: Исмоил Юсупов ўрнини Динмуҳаммад Кунаев эгаллади. Москвада ўзбек мухолифатининг нуфузли тарафдори (ёки тарафдорлари) бўлганми, буни айтиш қийин. Шароф Рашидовнинг КПСС МКда, юқори партия раҳбарлари орасида ҳам рақиблари борлигини эътиборга олиб, бу фикрни инкор қилмаслик керак. Бошқа томондан унинг рақиблари, чамаси, Москва шу вақтда Кремлдаги мансабларни тақсимлаш билан овора бўлгани боис Ўзбекистонда раҳбар алмашиниши жараёнига аралашмаслигига умид қилишган.

Шароф Рашидовга зарба бериш декабрь ойида, Тошкент вилояти кўшма партия конференциясини ўтказиш вақтида бошланди, бу ўзига хос рамзий маънога эга: 50-йиллар охирида ҳокимиятни ўз қўлидан чиқарган мухолиф гуруҳ вакиллари бир сония бўлса тинч туришмаган. Мухолифат раиси сифатида Тошкент вилоят партия кўмитаси партиявий-ташқилий ишлар бўлими мудирининг ўринбосари Вали Усмонов сўзга чиқди. Қайд этамиз, у минбарга Шароф Рашидов залда бўлмаган пайтда кўтарилди.

Рашидов ўшанда Хрушчёв даврида ташкил этилган бир қатор Ўрта Осиё бўлинмаларини тугатиш масаласи бўйича КПСС МКнинг вакиллари билан йиғилишда иштирок этиш учун бошқа хонага чиққанди.

В.Усмоновнинг нутқи тахминан 25 дақиқа давом этди, Рашидовнинг партия-хўжалик фаолиятига эмас, балки бутунлай унинг инсоний сифатларига ҳам бағишланди. Шу вақтда нотик тўғри йўналишни танлаганди: энг бошидан Шароф Рашидов номини амалдан туширилган ва бир четга суриб қўйилган Хрушчёв номи билан боғлади, бу борада иккисини баравар айбдор ҳисоблади. Аслида эса бу қуйидагича бўлган: «...Агарда шу йўсинда гапирсак, у (Рашидов) унга (Хрушчёвга) Худога сиғингандай сиғинарди. Гапимиз куруқ бўлмаслиги учун, котиблик вақтида Рашидовни оммавий ахборот воситаларида босилган нутқларини эсга олишга рухсат берасизлар. Уларда у Хрушчёв олдида кўнгил айнаш даражасигача лаганбардорлик ва хушомадгўйлик қилган, усиз советлар ўлкасида ҳаёт бўлмайдиган кишидек кўкларга кўтарган. Энг ажабланарлиси, Ўзбекистонни гуллаб-яшнаши Хрушчёв номи билан боғлиқ эмиш. Бу, ўртоқлар, Октябрь инқилобидан кейин мамлакат олдида турган барча мураккаб масалаларни социализм ва коммунизм манфаатлари йўлида ҳал қилган ва ҳал этиб келаётган бизнинг буюк партиямизга ва Совет ҳукуматимизга тухматдир!..

Бизнинг партиямизнинг XXI съездида Рашидов Хрушчёвга теран ҳаёт жараёнларини яхши биладиган, донолик, жасурлик ва собитқадамлик каби хусусиятлар хос деб айтди. Жумладан, у деди: «Ўзбекистон халқлари бутун қалбдан, чин юракдан Никита Сергеевични ўзларининг энг яқин дўсти, кадрдон ва севиқли устози деб биледи». Менимча, Рашидовнинг бу сўзларига ҳеч қанақа изоҳ зарур эмас. У шуни яхши билиб олсин: буюк Ленин ва у яратган коммунистлар партияси биз коммунистлар учун кадрли ва севиқли устоз ҳисобланади ва то абад шундай бўлиб қолади...

Айтишим керакки, айти Рашидовнинг қилмишлари туфайли сизларнинг юзингизга қарай олмаяпман. Унга катта ишонч билдирилди, лекин у партиямиз ҳақида, унинг буюк ташкилотчилик ва сафарбарлик кучи мамлакатимиздаги коммунизм қурилишида совет халқининг етакчи кучи ҳақида гапириш ўрнига партия родини камситди, барча нарсада Хрушчёвга нисбат берди. Комил ишонч билан айтаманки: Иттифоқнинг барча оддий ва раҳбар ходимлари, коммунистларнинг ичида Хрушчёвни васф этиш борасида Шароф Рашидов биринчи ўринни эгаллайди...»

Шу ерда нотик сўзини тўхтатамиз ва озроқ изоҳ берамиз. В.Усмонов айтиб ўтган, Хрушчёвни Рашидов томонидан мадҳ этилишининг таъна қилиниши – бор гап. Нотик «биринчи» – номига бўлган мақтовларни жуда кам қисмини келтириб ўтган, аслида мақтовлар жуда давомли эди. Мисол учун, Рашидов ўша нутқида айтиб ўтган: Никита Сергеевич Ўзбекистонга бор-йўғи тўрт марта келди ва ҳар доим унинг келиши бизнинг кадрлар учун катта мактаб бўлди. Совет пахтачилигидаги туб ислохотлар халқ хўжалигининг барча тармоқларидаги ислохотлар каби Хрушчёвнинг номи билан боғлиқдир. Никита Сергеевичнинг донолиги, жасурлиги ва собитқадамлиги, пахтакорлар меҳнатини енгиллаштириш доирасида доимий ғамхўрлиги туфайли ҳозирда пахтачилик пухта техник тараққиёт негизида ривожланаётганлиги учун миннатдормиз. Мана шу сабабли бизнинг республикамиз ўтган беш йил ичида давлатга олдинги беш йилликка нисбатан 2 млн 200 минг тонна кўп пахта топширди. Ўзбекистон халқи чин қалбдан Никита Сергеевични ўзларининг энг яқин дўсти, қимматли ва севикли устози деб билади».

Лекин Хрушчёвни мақтади-мақтади, амалдан олишгач, шундай ғайрат билан уни танқид қила бошлади, деб Рашидов номига таъна тошлари отишга шошилманг. Чунки барча айтилган сўзлар шунчаки одатий сўзлар эди, бу нарса Сталин раҳбарлиги давридан бошланади. Бу фақат оддий фуқароларга қаратилган бўлиб, бу билан давлатнинг юқори органи ўз сафларида сокинлик эканлигига ва ҳеч қандай ички низолар йўқлигига ишонтиришга интиларди. Ҳокимият эгалари бир-бирларининг номларига мақтов ёғдиришни одат қилишган ва буларнинг барчаси – одатий ҳол эканини билишган. Башарти, В.Усмонов Рашидов ўрнида бўлганда, Хрушчёв шаънига айнан шундай сўзларни ёки бундан-да ортиқроқ сўзларни айтган бўларди.

Жумладан, ёдга олинган «XXI» съездда Рашидов ўз нутқида таҳсин ўқиган ҳолда Хрушчёв номини тўққиз марта тилга олган. Худди шу тахлитда кўпчилик бошқа нотиклар ҳам нутқ сўзлаган. Рашидовдан олдинроқ ёки ундан кейинроқ нутқ сўзлаган нотикларни мисол келтирамиз: Қозоғистон КП МКнинг 1-котиби Динмуҳаммад Кунаев ўз нутқида Хрушчёв номини саккиз марта, Белоруссия КП МКнинг 1-котиби Кирилл Мазуров – етти марта, Украина раҳбари Николай Подгорний эса энг юқори натижани

кўрсатди – унинг нутқида Хрушчёв номига мақтов ўн тўрт марта айтилган. Бинобарин, Рашидовни «Хрушчёвга худди маъбуд каби сиғинар эди» ва «биринчи маддоҳ мадҳиячи» деб айблаш ҳийладан бошқа нарса эмас. Бу худди «ўзимизники – бошқаники» деган тест синови каби одатий тусга эга бўлган. Ким бу ўйинда ўйнамаган бўлса, дарҳол партаппаратда шубҳа туғдирган, шундан сўнг унда танлаш учун иккита йўл бўлган: ҳамма қатори бўлиш ёки юқори номенклатура доирасидан чиқиб кетиш.

Қайд этамиз, Хрушчёв шахсига сиғиниш 50-йилларнинг охиридан (аниқроғи – 1959 йилнинг кузидан, АҚШга бориб келгандан кейин) анъанага айлана бошлади. Бунинг ташаббусчиси КПСС МКнинг Мафкура бўлими, республикалардаги мафкурачилар эса буни кучайтира бошлади. Бунда, асосий раҳнамонинг улуғворлигига соя солмаслик учун мамлакатнинг биринчи раҳбарини мақтаган ҳолда, республикаларга ўзларининг раҳбарлари атрофида «сажда қилиш»ни одатга айлантириш тақиқланган эди.

Яна В.Усмонов нутқига қайтамиз, у ўз нутқини давом эттирди: «Келинг, унинг (Рашидовнинг – *муаллиф*) амалий ҳаракатларига қарайлик, уларда у жуда кўримсиз кўринади. Сўзимиз қуруқ бўлиб қолмаслиги учун уларни баъзи бирларини ёдга олайлик. Ўзбекистон Компартиясининг биринчи котиби бўла туриб, у ёзувчи сифатида, бир неча маротаба расмий равишда ўзига «Бўрондан кучли» романи учун Ленин мукофоти берилишига ҳаракат қилган. Лекин унинг бу уриниши рад этилган. Бу масаланингни айнан унинг ўзи томонидан кўтарилиши камтарликка кирмайди, бошқа томондан – унга мукофот берилмаганлиги – унга ёзувчи сифатида берилган холис баҳо.

Уни Хрушчёвни мақташдан бирдан-бир мақсади бор эди. Унинг бундай разил мақсадини қуйидаги мисол тасдиқлайди. Ҳаммага маълумки, Рашидов Алимовга нисбатан қандай йўл тутган эди, уни айнан Ўзбекистон Компартиясининг XV съезди (1961 йил сентябрда) олдидан яшириб қўйди, унга съезд ишида иштирок этишга имкон бермади. Ахир у Ўзбекистон Компартияси МКи бюроси аъзоси, республика Министрлар Советининг Раиси, съезд делегати эди. Бу – партия амалиётида бўлмаган ҳодиса.

Шароф Рашидов қасд олишни хуш кўради, танқидларни бўғувчи, партия интизомини бузувчи ва хоинларнинг ҳимоячиси. Рашидов кадрларни саралаб жой-жойига қўйишда ленинча тамойилларга асосан эмас.

риндош-уруғчилик, элатдошлик принципларига амал қилиб, ноҳолиликка йўл қўяди. Мисол учун ўртоқ С.Азимов – Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, Н.Д.Худойбердиев – Ўзбекистон Компартияси МКнинг 1-котиби, С.Рашидова – КП МКи ва ЎзССР Министрлар Советининг партиязавлат назорати Комитети ташкилий бўлим мудирининг ўз атрофини Тошкент шаҳар партиянинг биринчи котиби – Муртазоев сингари хушомадгўй, лаганбардор ва хоинлар билан ошна-оғайниларча ўраб олган.

Шароф Рашидов Хрущёв даврида манманликка берилиб, партия конунлари билан ҳисоблашмай қўйди. Манманликка берилган инсон ҳолатига В.И. Ленин «деярли аҳмоқона, уятли ва кулгили» дея ҳаққоний таъриф берган. Ленин бизларга хато қилдингми – тан ол, уни тузатиш чорасини кўр, деган. Модомики, Рашидов Ильич васиятларини эсдан чиқардим, мен уни самимиятдан йироқ одам деб аташга барча асосларим бор. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, фикримча, келажакда унга Ўзбекистон Компартияси МКнинг 1-котиби лавозимини ишониш мумкин эмас.

Ўртоқ делегатлар! Мен сизларга танаффусда нима бўлганлигини хабар қилишим керак. Бугун биринчи бўлиб сўзга чиқиш учун хат бердим, танаффус вақтида мени Рашидов ва бошқа ўртоқлар чақириб олишиб, сўзга чиқмасликка кўндирмоқчи бўлишди, обком номидан Абдураззоқов сўзга чиқади деб айтишди. Улар очикдан-очик айтишди: «Сизнинг сўзга чиқишингизга зарурият йўқ. Сиз бизга нутқингиз матнини беринг, кўриб чиқамиз». Бу ҳол нимани билдиради, Рашидов эскирди, партия қурилишида ўзини саводсизлигини кўрсатди. Бу танқидни бўғиш дейилади.

Қатъий ишонч билдиришга руҳсат берасизлар, бизнинг пойтахт партия ташкилотимиз КПСС ва Ўзбекистон Компартиясининг жанговар бўлинмаси сифатида, ўзининг жанговарлик қобилиятини янада юқори кўтариб, бундан буён танқидни ва ўз-ўзини танқид қилишни ривожлантириш асосида 1964 йилги ютуқларни янада кўпайтиради.

Қайд этиш лозимки, В. Усмоновнинг нутқи вақти-вақти билан гулдурас карсақлар билан бўлиниб турди, бу мажлислар залида унинг етарли даражада тарафдорлари борлигидан дарак берарди.

Залда Усмонов тарафдорлари кўпчилик эканлигига қарамасдан, муҳолифчилар ўз ниятига етолмади – Рашидов ишдан олинмади. Чунки

унинг тарафдорлари қўл ковуштириб туришмади. Қ. Муртазоев сўз олиб. В. Усмоновга қарши ҳужум бошлади. Хусусан, унга берилган тавсифнома ўқиб берилди. Унда ёзилишича, 60-йилнинг октябрида шаҳар партия комитети туман партия конференциясида кадрларни танлаш ва тарбиялаш масалалари ҳамда В. Усмоновни Киров туманининг биринчи котиби лавозимидаги фаолиятини муҳокама этиб, унинг қайтадан тайинланишига тавсия бермаган. Нима учун? Муртазоевнинг тушунтириши бўйича: «Мазкур лавозимда Усмонов 1958 йилдан бери ишлаган ва шу давр мобайнидаги фаолиятида ташкилий-партиявий, мафкуравий ишларга чуқур тушуниб етмаган, туман партия ташкилотига юзаки раҳбарлик қилган, райком пленумларини ўтказиш, уларга тайёргарлик кўриш, партактив ўтказиш ва бошқа сиёсий-партиявий тадбирларни ўтказиш ишларида кўпинча масъулиятсизлик қилган. Кадрларни танлаш масалаларида у қатъиятсизлик кўрсатиб, одамлар билан мулоқотда андишасизлигу кўполликка йўл қўйган, танқидларга кўпол муносабатда бўлган. Шаҳар партия комитети Усмоновни келажакда бошқа ишда ишлашини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди».

Белгилаб кўямиз, салбий тавсифномага қарамасдан, кейинчалик Усмонов Тошкент обкомининг ташкилий бўлим мудирининг ўринбосари лавозимига эришди, бу унинг обрўли ҳомийлари борлигини билдирарди. Уларнинг борлиги ажабланарли ҳол эмасди – бу одатий, фақат Ўзбекистондаги ҳокимият тузилишига тегишли бўлмай, умуман ҳар қандай ҳокимиятга, доим «ўзиникиларга» суянишга интилганлар учун ҳам одатий ҳол эди. Шунинг учун Усмонов томонидан Рашидовга отилган таъна тошлари ҳам муғамбирлик: сиёсатда ҳеч ким учун сир эмаски, содиқ одамларга суяниш кўпчиликка раҳбарлик лавозимида узоқ ўтиришга имкон беради. Бинобарин, Хрущёв яқин сафдошлар билан яхши муомала қилмади – оқибатда уни кулатишди. Брежнев бунга йўл қўймади – «днепропетровск жамоаси»ни энг юқори мансабларга кўтариб, узоқ йиллар хотиржам раҳбарлик қилишида таянч бўлади.

Залда ўтирганларга ҳам сир эмасдики, Усмонов ўз-ўзидан сўзга чиққани йўқ, бу муҳолифчиларнинг Рашидовни республикани бошқаришдан четлатиш бўйича узоқ мақсадни кўзлаган режасининг бир қисми эди, шунинг учун тарафдорлар ҳам бефарқ қараб турмай, сўзга чиқишди. Жумладан, Ўзбекистон Олий Совети Президиуми аъзоси А. Қодиров шундай деди:

«Мен ўн йилдан ортиқроқ республика Олий Совети Президиумининг аъзосиман, Рашидов билан ишлаганман ва уни яхши биламан. Уни камтар, раҳмдил, меҳнатсевар ва ҳалол десам, эҳтимол, орангиздан кўпчилигингиз, деярли ҳаммангиз, бу фикримга қўшилсангиз керак».

Ўтирганлар уни қўллашди: «Тўғри, ва ҳамма вақт иш учун юракдан кайғуради!»

Шундан сўнг Қодиров давом этди: «Олий Совет Президиумида ишлаш давомида Рашидов билан жуда кўп масалалар бўйича ишларни кўриб чиқишга тўғри келган, лекин Рашидов бирон-бир масалага худди Усмонов уни бу ерда тавсифлагани каби ёндашганлигини кўрганим йўқ ва бирор ходисани билмайман.

Шундан кейин Рашидов Ўзбекистон Компартиясининг биринчи котиби бўлди. Одатга кўра инсон ҳақида, унинг ишлари натижага қараб баҳо берилади, республика ҳозир қандай аҳволда? Режалар қандай бажарила-япти? Сизларга бу нарсаларни тушунтиришни ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Усмонов мутлақо бир ёқлама нутқ сўзлади. Эҳтимол у нимадандир ранжиган, материаллар йиққан, Рашидовнинг акаси ҳақида, уни Ленин мукофотига тавсия этиш ва бошқалар ҳақида. Агарда таҳлил қилсак, Рашидовнинг Марказий Комитетнинг биринчи котиби бўла олмайди, деган савол қўйилишига сабаб бўладиган ҳеч қандай айби йўқ.

Усмоновнинг нутқи шуни кўрсатадики, атайин шу ерда сўзга чиқиш ва Рашидов ҳақида фикр ҳосил қилиш учун у анча вақтдан бери тайёрланган».

Яна жойлардан овозлар эшитилди: «Тўғри! Бу танқид эмас, тажовуз!»

А. Қодиров: «Шубҳасиз, сиз Усмоновга тавсиф берасиз. Мен ўз фикримни айтаяпман, ҳар эҳтимолга қарши сизга қўшиламан, Усмонов томонидан бу нарса соғлом танқид эмас, балки тажовуз.

Ўртоқлар, бошқа томондан Шароф Рашидовни Хрушчёвни мақтаганликда айблашмоқда. Хрушчёв ўзи ким эди? У бизнинг партиямизнинг МКни Биринчи котиби эди ва ўшанда ким Хрушчёвни мақтамаган? КПСС МКни назарда тутиб биз ҳаммамиз Хрушчёвни мақтаганмиз.

Жойлардан овозлар: «Тўғри!»

А. Қодиров: «Агар шунинг учун Рашидовни айбласак, барча партия аъзоларини айблашимиз керак. Мен ҳам матбуотда, радиода ва йиғи-

лишларда, айниқса, темир йўлчилар кунда... ҳамма вақт гапни Хрушчёвни макташдан бошлардим (залда кулги ва қарсақлар).

Бугун «Қаҳрамон» ролида Усмонов чиқаяпти, нима учун у ўша вақтда жим турган?!

Мен ўйлайманки, Рашидов ўз лавозимида ўзини оқлаяпти, ленинча сиёсатга амал қилган ҳолда партиямизга садоқат билан хизмат қилмоқда.

Бошқа нотик – А. Саркисов – Рашидов ҳимояси учун қуйидагича нутк сўзлади: «Мен беш йил давомида «Бошмирзачўлқурилиш»да раҳбар бўлдим ва раҳбарлик давримда марҳум Засядько Мирзачўлга ажратилган пуллар кимё соҳасига йўналтирилсин, деган расмий хат берди, бу Хрушчёв томондан қўллаб-қувватланди. Расмий хат «Бошмирзачўлқурилиш»га чиқарилганда Рашидовни ўтмишдошига қўнғироқ қилдим (С. Камолов кўзда тутилмоқда – *муаллиф*), у менга: «Тортишманг, деди». Биз бу масалада кейинчалик Рашидовнинг кўмагини сездик.

Засядьконинг расмий хати бўйича қарор қабул қилинган. Бу Мирзачўл учун фожиа – суғориш ишлари учун зарар эди. МКнинг қарори бор ва уни бажариш керак. Рашидов шу масала ечимини ҳал этиш учун Хрушчёвнинг олдига уч марта киришга мажбур бўлди. Мен мана шу нарсаларни гувоҳи бўлдим.

Хрушчёв айтган, Ўзбекистонда 700 минг гектар майдонга шоли экилиши керак. Рашидов эса 700 минг гектар майдонга эмас, балки 312 минг гектар майдонга шоли экилиш кераклигини маълум қилган. Хрушчёвнинг ёрдамчиси бу кам-ку, ундай бўлса Хрушчёв шоли билан шуғулланмайди, ўзбекларни ўзи бу нарса билан шуғуллансин, деган. Ўртоқ Рашидов бунда ҳам ортга чекинмади.

Февралдаги пленумда Алексеевский Мирзачўлда икки ва уч қаватли уйлар қурилаяпти, деганда, Хрушчёв лукма ташлади: «Нима учун икки қаватли қуришмаяпти, мен беш қаватли қурилсин деганман». Мен сўзга чиққан вақтимда Хрушчёв йўқ эди, у стенограммани ўқиган. Мен унга эътироз билдирдим: «Беш қаватли уйларни қуриш учун кондиционерлар ва лифтлар керак». Яқунловчи сўзда Хрушчёв лукма ташлади: Ўзбекистон чўлқуварлари энди кондиционерлар, лифтлар сўраяпти, деб.

Бизга Мирзачўлда беш қаватли уйлар қуришни таклиф этишмаяпти, деб Рашидовга қўнғироқ қилдим. Рашидов бу мумкин эмас, икки қаватли уй-



**Б**улар керак, деди. Буларнинг барчаси Рашидовга ижобий таъриф берди.  
**Б**улар Усмоновнинг чиқиши билан ҳеч қандай муштаракликка эга

**М**ен Рашидовни 1944 йилдан, у фронтда кўлидан ярадор бўлиб, Фарҳод **ГЭС** курилишига келганидан биламан. Уни камтар, жиддий, ғоятда оддий **ва** ҳалол инсон сифатида танийман. Шундай инсонга бундай разиллик **би-**  
**лан** муносабатда бўлишни қандай изоҳлаш мумкин?! Бу танкид эмас!»

Тошкент обкомининг раҳбари М. Абдураззоқов ҳам жиддий нутқ **сўз**лаб, Рашидовни қўллаб-қувватлайди ва Усмоновнинг нутқини сафсата **деб** атайди, ва шу билан бирга йиғилганларга англатадики, С. Азимовни **М**инистрлар Советининг Раиси ўринбосарлигига (Ўзбекистон ташқи иш-**лар** вазирлигига) тасдиқлаш таклифини ўша вақтда (1959 йилда) Рашидов **эм**ас, балки О. Алимов – Министрлар Советининг собиқ раиси кўрсатган (шу вақтда залда Р. Ғуломовнинг лўқмаси янграйди: «Бу номзодни мен **кў**рсатганман. А. Алимов уни қўллаган!»)

«Худойбердиевнинг Рашидов билан ҳеч қанақа қариндошлик муноса-  
батлари йўқ, – давом этади Абдураззоқов. – Мен Худойбердиевни узок  
йиллар давомида биламан. У обком котиби, МК котиби бўлган. У яхши  
инсон...

Ва у Муртазоевда ҳам етарлича камчиликлар бор, лекин у лаганбар-  
дор, мен кўшилмайман. Шунақа «лаганбардорлар»дан кўпроқ бўлсайди,  
Қаюм Муртазоев каби!» Охирги жумлани қатнашчилар қарсақлар билан  
олқишлади, уларнинг кўпчилиги Муртазоевни тўғри ва принципиал раҳ-  
бар сифатида билишарди.

Мазкур мунозарага сўнгги нуқтани Рашидовни ўзи кўйиб, 20 дақиқалик  
нутқ сўзлади ва бунда унга кўйилган айбловларга жавоб беришга ҳаракат  
қилди.

В. Усмонов томонидан илгари сурилган айбловларга Рашидов ку-  
йидагича жавоб берди:

«Ўртоқлар, мен КПСС аъзоси Климовнинг хатини олдим, у ёзган: «Ра-  
шидовни конференциядан чиқиб кетганлиги сабабини тушунтириб бе-  
ринг. Илтимос, у албатта сўзга чиқиши шарт».

Илтимосни бажараман. Мен нима учун кетиб қолдим? Кечадан ол-  
динги кун МК Президиуми йиғилиши бўлди. Биз унинг Ўрта Осиёдаги

бир қатор ташкилотларни тугатиш тўғрисидаги қарорини эълон қилдик. Бизга Москвадан вакиллар келишди, барча қардош республикалардан ҳозир улар шу ерда мажлис ўтказишмоқда. Менинг биринчи котиблик бурчим, йиғилишда иштирок этиш, ўртоқларга масалаларни ҳал этишда ёрдам беришдан иборат. Ҳозир қиш, минглаб одамларнинг турмуши йўлга қўйилмаган. Шунинг учун бу ердан кетдим ва улар олдидаги ўз бурчимни бажардим (қарсақлар).

Ўртоқлар, Тошкент вилояти партия конференцияси муҳим аҳамиятга эга. Совет халқи 1964 йилда мардона меҳнат қилди, тўғрисини айтиш керак, биз яхши натижалар билан бу йилни яқунламоқдамиз. Сиз Иттифок Олий Совети сессияси ҳужжатларини, ўртоқ Косигиннинг маърузасини ўқиган бўлсангиз керак, унда совет халқининг фикрлари, ҳис-туйғулари, орзу-истаклари баён этилган. У ҳужжатларда сизни тўлқинлантираётган саволларга жавоб топишингиз мумкин.

Бизда ҳозиргина Ўзбекистон Олий Советининг сессияси бўлиб ўтди. Сессия 1965 йил учун халқ хўжалиги режасини ва республика бюджетини тасдиқлади. Чуқур мулоҳаза қилсангиз, Ўзбекистоннинг иқтисоди ва маданияти қанчалик суръатлар билан ривожланаётганига гувоҳ бўласиз. Бир неча йил олдин республиканинг ишлаб чиқариш қувватлари бундай тез ривожланиш имкониятига эга эмас эди.

Қисқа вақт ичида аҳоли сони 1,5 миллион кишигача кўпайди (Ўзбекистон аҳолиси 1964 йилда қарийб 10 миллион киши бўлиб, РСФСР ва Украинадан кейин Иттифокда 3-ўринни эгалларди – *муаллиф*). Саноат, капитал курилиш, қишлоқ хўжалиги, фан, маданият мислсиз суръатлар билан ривожланмоқда. Бу йил – ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар – барчамиз аъло даражада меҳнат қилдик.

Ўртоқ Хрушчёв Краснодарда бизнинг республикани жуда қаттиқ танқид қилди, йиғилишда сўзлаган нутқининг 50 фоизи Ўзбекистонга бағишланди. Бу ўринсиз танқид эди. Бизга 600 минг гектар ерга маккажўхори экиш топшириғи берилган. Биз бунча майдондаги ерга маккажўхори эка олмасдик. Бизни айблашди, 400 минг гектар шартли-суғориладиган ерлардан фойдаланишмаяпти, деб. Бу Ўзбекистонга нисбатан тажовуз эди, чунки биз бунақанги ерларга эга эмасмиз.

1964 йилда ғалла етиштиришни кўпайтириш имкониятларидан фойдаланилди. Қишлоқ меҳнаткашлари ватанга нон кераклигини чуқур тушуниб

ишди. Ўзининг мардонавор меҳнатлари билан бир йил ичида давлатга 5 млн пуд ғалла ўрнига 40 млн пуд топширишди. Бизда 100 млн пуд дон етиштирилди, бу Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашларини боқишга етарли. Ўтган қирқ етти йиллик Совет ҳокимияти даврида республика ҳали бунча дон етиштирмаган.

23 декабрда Ўзбекистон саноати йиллик режани муддатидан олдин бажарди, бу йил биз давлатга 100 млн рубллик режадан ортиқ маҳсулот топшираемиз.

Капитал қурилиш ҳам бизда тез ривожланмоқда. Лоақал мана шу ўзимиз ўтирган залга қаранг. Қолаверса, Тошкент, Самарқанд, Нукус, Андижон, Бухорода қанча ажойиб бинолар қурилди, бизда янги шаҳарлар жадал суръатлар билан кўпаймоқда! Буларнинг барчасига партия ғамхўрлиги, қурувчиларимизнинг фидокорона меҳнатлари туфайли эришдик. Биз улардан чин дилдан миннатдоримиз.

Энди пахтачилик ҳақида. Бу йил – юқори ҳосил етиштириш учун мислига кийинчиликларни енгиб ўтишга тўғри келди. Бу йил 17 мамлакатдан кишлоқ хўжалиги зараркунандаларни йўқ қилиш учун кимёвий дорилар олдик. Уста деҳқонларимиз ҳеч қачон бу қадар кўп кишлоқ хўжалиги зараркунандаларини кўрмаганмиз дейишмоқда, пахтага ишлов бериш даврида ҳар куни 450 самолёт сафарбар қилингани ҳам катта аҳамиятга эга бўлди.

Диққат-эътибор жуда кучайди. Ўзбекистон далаларида табиий офат юз берганда ҳеч бир обком котиби, ҳеч бир партком, ҳеч бир давлат хўжалиги директори ёки хўжалик раиси – ҳеч ким меҳнат таътилига чиқмади, қийинчиликлардан чекиниб, ишдан қочмади. Мана натижа. Ўзбекистоннинг барча вилоятлари биринчи маротаба шон-шараф билан пахта тайёрлаш режасини бажарди ва режадан зиёд – 240 минг тоннага яқин пахта топширди, давлат жами 3 миллион 670 минг тонна «оқ олтин» қабул қилиб олди (қарсақлар).

Бу – ўзбек халқининг мисли кўрилмаган ғалабаси. Халқ хўжалигида эришилган муваффақиятлар учун республика меҳнаткашлари шу йили уч марта КПСС МК ва Иттифоқ Министрлар Советининг табригига сазовор бўлди. Кунни кеча халқ хўжалигини ривожлантиришдаги ютуқлари учун 12 мингга яқин киши орден ва медаллари билан тақдирлаш ҳақида КПСС

МК Президиуми қарори қабул қилинди. Бу барчамиз учун олий ҳурмат (қарсақлар).

Бизда камчиликлар анча. Қаерда иш кўп бўлса, ўша ерда камчилик бўлади. Ўртоқлар, қишлоқ хўжалигида, капитал, маданий қурилишда ҳам камчиликлар бор. Бизнинг вазифамиз – мана шу камчиликларни бартараф этиш. Мен, Ўзбекистон КП МКнинг биринчи котиби, биринчи навбатда мана шулар учун жавобгарман ва келгусида ҳам жавоб бераман.

Бу ерда менга қарата кескин танқидлар бўлди. Бу танқидларга жавоб беришни ўзимнинг бурчим деб биламан. Азиз Мавлонович Қодиров бир канча саволларга жавоб берди. Шунинг учун мен қисқа қиламан.

Ҳақиқатдан ҳам, 1959 йил декабрида КПСС МКнинг Пленумида сўзга чиқдим. Мана стенограмма – менда. Биз ўша йили пахта тайёрлаш режасини бажардик. Самарқанд вилояти, Қорақалпоғистон Автоном Республикаси, Тошкент вилояти Ленин ордени билан тақдирланди. Мен ўртоқ Хрушчёвни мақтадим. У ўша вақтда қишлоқ хўжалик масалаларига кўрқмасдан ёрдам берди. Ўша вақтда Мирзачўлни ўзлаштириш ишларини тўхтатиб қўймоқчи эдилар. Биз КПСС МКга бордик ва бу нотўғри, Мирзачўл – совет Иттифоқида пахта ишлаб чиқаришни кўпайтириш манбаи эканлигини, уни ўзлаштиришни давом эттириш кераклигини айтдик.

КПСС МКни декабрдаги Пленумида, партиянинг XX съездида Хрушчёвни мақтадим. Ким уни мақтамаган? Менга қарата айтилган танқидлар тўғри. У ўша вақтларда жуда кўп ишлар эди, Иттифок Министрлар Кенгаши раиси, КПСС МКни биринчи котиби эди. Хрушчёвни эмас, КПСС МКнинг маърузасини мақтадим. Мен коммунист сифатида, партия ишига, партия кўрсатмаларига ҳам содиқман. Агарда КПСС Марказий Комитети ва совет Иттифоқи ҳукуматининг кўрсатмаларига биноан ўзбек халқининг ютуқларига қай даражада ҳисса қўша олсам, сизлар билан бахтлиман (қарсақлар).

Ўзбек халқи – меҳри дарё халқ, ва албатта, биз ўз муҳаббатимизни завқ-шавқ билан ифода этамиз. Ўртоқ Хрушчёв орқали КПСС МКга содиқлигимизни билдирганмиз. Ўша вақтда у анча-мунча ишларни қилди, кейинчалик эса ўз ишида жуда кўп хатоликларга йўл қўйди.

Сизлар Марказий Комитетининг қарорини ўқиб кўринглар. У ерда Хрушчёвнинг хизматлари ва нималарга эга бўлганлиги ҳақида ёзилган.

табки кезларда у яхши ишлаган, унинг юз фоиз хизматлари ўчириб  
ланмаган. У ҳозир ҳам КПСС МК аъзоси, Иттифоқ Олий Совети де-  
путати. Иттифоқнинг барча тарғиботчилари уни мақташган, «Правда»  
жасаси, радио, айни пайтда ўртоқ Усмонов билан биргаликда мен ҳам  
мактаганман, КПСС МК ва Хрушчёв номига хатларни мамнуният билан  
бул қилганман (қарсақлар).

Усмоновнинг бу ерда айтишича, Хрушчёвни танқид қилишларини мен  
чин дилдан маъқулламас эмишман. Бу – ёлғон. Биринчидан, КПСС МК  
Президиумида Хрушчёвни танқид қилиб нутқ сўзлаганман. У ерда Президи-  
ум аъзолари ўтиришган эди ва улар мени сўзга чиққанимни билишарди.

Ўртоқлар, бу Ўзбекистоннинг обрўси, Хрушчёвнинг камчиликларини  
кўркмасдан очиб ташлаганмиз, мен ҳам КПСС МК Президиумида сўзга  
чиқдим ва Хрушчёвнинг ишдан олиншини талаб қилдим.

КПСС МКнинг ноябрь Пленуми якунлари ҳақида Ўзбекистон КП МК  
Президиумининг топшириғига биноан Тошкентда вилоят партия активида,  
Ўзбекистон КП МК Президиумининг топшириғига биноан ТуркҲО партия  
активида маъруза қилдим, Иван Иванович (И.И. Федюнинский – ТуркҲО  
кўмондони – *муаллиф*) шу ерда ўтирибди, у ҳам қатнашган. Мен бу масала  
юзасидан вилоятларда йиғилишларда сўзга чиқдим: Нукусда, аппаратда ва  
МК Президиумида. Шунинг учун, Усмонов даъво қилгандек, индамасдан  
ўтирмадим, балки барча саволларга жавоб берганман. Менинг виждоним  
тоза.

Никита Хрушчёв билан орамизда келишмовчиликлар бўлган. Улар  
ҳақида гапириб бермоқчиман. Республика МК Президиуми аъзолари буни  
билишади: икки йил олдин Янгиер шаҳрига Ленин номини бериш тўғрисида  
таклиф берганмиз. Ильич 1918 йилда Мирзачўлни ўзлаштириш, бу мақсад  
учун 50 млн рубл бериш тўғрисидаги декретга имзо чеккан. Хрушчёв эса  
Ленин Мирзачўлда бўлмаган деб, бу масалада бизнинг таклифимизни  
қўлламади, бу – нотўғри. Бизда ишлаб чиқариш бошқармаси ташкил этилди  
ва унга Ильичевск номини бермоқчи бўлдик. Хрушчёв бу масалада ҳам биз-  
га дакки берди. Шунга қарамасдан туманни Ильичевск деб атадик.

Жуда кўп шаҳарларда шаҳар партия комитетлари тугатилди, лекин  
биз Тошкент шаҳар комитетини тугатиш мумкин эмас, деб ҳисобладик.  
Бу пойтахт партия ташкилоти, бу ерда жуда кўп чет элликлар келишади,

шаҳарда жуда йирик саноат мавжуд. Биз унинг олдига бир марта бордик. Уришиб берди, иккинчи марта уришиб берди, учинчи марта олдига кирсак, олдида топшириқ ётибди – шаҳар комитетларини тугатиш тўғрисида. Учинчи мартасида: «Билганларингни қилинлар» деб айтди. Ҳаммага маълумки, бизнинг шаҳар комитети қолди.

Мана вилоят саноат партия комитетларини ташкил этиш тўғрисида бизда маъруза бор. Икки ой ўтди, биздан таклиф киритишни талаб этишди. Ўзбекистонда вилоят саноат партия ва ижроия комитетларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас, деб ёзиб бердик. Хатни КПСС МКга юбордик. Иштирок этаётган Президиум аъзолари билишади. Хрущёвга қарши бориш учун – бақувват юракка эга бўлиш керак, у бизни ўлдирмас эди, уришар эди.

Тўққиз ой ўтди, таклиф киритдик – Самарқанд саноат вилоят комитетини тугатиш ҳақида, бу юқори лавозимли раҳбарга қарши боришни билдирар эди.

Хрущёв, вилоят комитетлари бўлиши ташаббускори эди. Биз бу масалани уч марта кўтардик, сўзга чиқдим, Ўзбекистон КП МК Президиуми номидан сўрадим, КПСС МК Самарқандда ягона вилоят партия комитети ташкил этиш бўйича қарор қабул қилди.

Ўзбекистонда 115 та туман бор, Хрущёвни қатъий талаби бўйича қайта ташкил этишдан кейин, 61 та туманни қолдирдик. Кўплаб аҳоли пунктлари туман марказларидан 300 чақирим олисда қолиб кетди. Одамларга туман ташкилотларида ўз эҳтиёжларини, талабларини ҳал этиш қийин бўлиб қолди. Бир қатор туманларни бўлиб юбориш, янги 10 та туман ташкил этиш бўйича рухсат олишга муваффақ бўлдик. Энди Хрущёвнинг хатолари тузатилмоқда. КПСС МК бизга янги 12 та туман ташкил этиш учун рухсат берди.

Ўтган йили пахтакорларимиз мардонавор меҳнат қилишди. Илғорларни тақдирлаш ҳақида КПСС МК қарор қабул қилди. Рўйхат туздик, тақдим этдик. Хрущёв: «Мукофотламаймиз!» деди. Иккинчи, учинчи мартаба бу масалани кўтардик, натижа йўқ. КПСС МК Президиумининг қабул қилинган қарорига қарамасдан охириги кунгача Хрущёв Ўзбекистон меҳнаткашларини мукофотлашни тақиқлаб келди. У шунинг учун бу ишни қилдики, унинг вилоят саноат партия комитетларини ташкил этиш, Тош-

■ент шаҳар партия комитетини тугатиш масалаларига кулоқ солмадик.  
■уда кўп майда масалалар ҳам бор, улар ҳақида гапиришни истамайман.  
■унинг учун энди хулосани ўзларинг қилингллар.

Алимовни ҳеч ким яширгани йўқ. У КПСС МК номенклатурасига ки-  
■ради. МК чақирилган, уни бошқа ишга юбориш мақсадга мувофиқ деб то-  
■илган, ҳозиргача ўша ерда бўлиб турибди. Уни ҳеч ким яширгани йўқ.

Қариндошлар – Худойбердиев ва Азимов ҳақида.

Мен бир нарсани айтаман. Уларни КПСС МК тасдиқлаган, Ўзбекистон  
■П МК Президиуми тавсия қилган, мен эмас. Иккинчидан, уларни фақат  
■у ерда яқиндан билдим. Худойбердиев Муҳитдиновнинг ёрдамчиси,  
■ейинчалик Ўзбекистон КП МКнинг қишлоқ хўжалик бўлимида мудир  
■ўлиб ишлаган. Биз барча масалаларни бир жамоа бўлиб, бир ёқадан бош  
■чиқариб ҳал этардик. Ўзингиз ўйлаб кўринг. Биз бугун уларга улкан та-  
■лаблар қўёлмаймиз.

Менинг укам бор (сўз унинг кичик укаси Саҳоб ҳақида бормоқда – му-  
■аллиф). Беш йил Совет Армиясида хизмат қилди, 17 йил туманда ишлади.  
■МКа ишга келишимиздан олдин республика прокурори ўринбосари лаво-  
■зимига тавсия этилган. Ҳаммаси мана шу. У 1957 йилда уй қурди, МКни  
■уйлар қуриш тўғрисидаги қарори чиққандан кейин, уйни текинга маҳаллий  
■Кенгашга берди.

Бу ерда айтишдики, Хрушчёв ҳақида китоб ёзган эмишман. Бутун  
■масъулиятни зиммамга олиб айтаманки: Хрушчёв тўғрисида китоб ёзиш  
■у ёқда турсин, мақола ҳам ёзмаганман. Менга республиканинг 40 йил-  
■лиги муносабати билан «Правда» газетасига мақола ёзиш тўғрисида  
■топшириқ берилган эди. Мақола ёзиб МК топшириғини бажардим. Хруш-  
■чёв тўғрисида ҳеч қанақа китоб ҳам, мақола ҳам ёзган эмасман ва ёзиш  
■хаёлимга келмаган.

«Бўрондан кучли» романимни розилигимсиз, рухсатимсиз Ленин му-  
■кофотига Ёзувчилар уюшмаси, журналлар таҳририяти томонидан тавсия  
■этилган. Мен китоблар ёзаман. Ўйлайманки, икки-уч йиллардан кейин  
■Мирзачўлни ўзлаштирганлар ҳақида роман ёзсам керак.

■уда кўп саволларга Ёдгора Содиковна (Ё.С.Насриддинова – Ўз-  
■бекистон Олий Совети Президиумининг Раиси) жавоб берди. Агарда  
■кўшимча саволлар бўлса, жавоб беришга тайёрман. Албатта, менинг феъ-

лимда кўп қусурлар, ишимизда камчиликлар бор. Бу камчиликларни бар-  
тараф этишга ҳаракат қиламан.

Мен қандай қилиб МКни биринчи котиби бўлганим ҳақида тўғриси-  
айтаман. Асли бемор одамман, кўп операцияларни бошимдан кечирдим.  
Саломатлигим ёмон бўлишига қарамай шу лавозимда ишлаш таклиф этил-  
ганда, розилик бердим ва ҳамон ишламоқдаман. Кучим етганча ўзимни  
аямасдан ишламоқдаман. Бизнинг ишимизда жуда кўп камчиликлар бор,  
лекин бир нарсани айтиб ўтмоқчиман: мен сизларнинг кўзларингизга тик  
қарашдан уялмайман. (Қарсақлар). Мендан қаерда фойдаланиш бу Прези-  
диумнинг иши, бу партиянинг иши. Ҳар қандай қарорни сўзсиз бажарила-  
диган буйруқдек қабул қиламан.

Келажакда бизни қандай улкан ва жозибали истиқбол кутаётгани  
ҳақида қисқача айтиб ўтмоқчиман. Катта режалар ҳақида айтмоқчиман,  
чунки улар – бизнинг қувончимиз, бахтимиз. Бу режалар КПСС Марказий  
Комитети томонидан маъқулланган.

Саноатни ривожлантириш учун ҳозир жуда улкан ишларни амалга  
оширмоқдамиз. Ақл бовар қилмайди – наҳотки, икки-уч йилда шулар-  
ни амалга ошириш мумкин: йирик рангли металлургияни ташкил этиш,  
қора металлургияни ривожлантириш, машинасозлик ва бошқалар. Мана,  
кеча биз Кадишев ва шу ерга келган КПСС МКдаги ўртоқлар билан бирга  
бўлиб, гаплашиб олдик, қисқа вақт ичида мамлакатнинг 45 фоиз мисини  
етказиб берамиз. Сиз биласизми, мис нима эканлигини!

Бахтимизга республикада жуда катта газ конлари очилган, энди  
Ўзбекистондан Москвага магистрал газ қузури қурилади. Бизда жуда ул-  
кан олтин конлари топилган. Энди биз олтин захиралари бўйича дунёда  
салкам олдинги ўринлардан бирини эгаллаймиз, икки-уч йил орасида са-  
ноатимиз олтин қазиб олиш бўйича етакчи ўринларга чиқади. Бошқа фой-  
дали қазилмалар ҳақида гапирмаяпман, дарҳақиқат, бизда жуда катта ер  
ости бойликлари бор.

Қишлоқ хўжалиги ҳақида. Биласизки, партия Марказий Комите-  
ти ва Иттифоқ Министрлар Совети раҳбарлигида Мирзачўлни, Қарши  
чўлини, қуйи Амударё ерларини, Шеробод чўлини, Марказий Фарғонани  
муваффақиятли ўзлаштирмоқдамиз. Ҳали қанча сув омборларини ва ка-  
налларни қурамиз! Халқнинг бахти – мана шу канал ва сув омборлари-



«Қаерда сув тугаса, ўша жойда ер тугайди» деган халқ мақоли асрлар домида яшаб келмоқда. Мана бу ерда дўстимиз ўтирибди, Павел Фёдорович, у кунни кеча Бухорода насос станцияси қурилишини тугаллади. Ростки, насос билан суғоришнинг улкан аҳамияти бор. Ҳақиқатан ҳам, одамни энтиктириб юборадиган улкан ишлар!

Ўртоқ Муртазоев, уни ноҳақ лаганбардор деб аташди, республика пойтахтида қурилиш ва ободонлаштириш бўйича қанча ишлар амалга оширилганлиги ҳақида гапириб ўтди. Биз Тошкентни қуриш ва ободонлаштириш юзасидан КПСС МКга ва Иттифоқ Министрлар Кенгашига таклиф киритганмиз. Кеча КПСС МК Президиуми бўлди. Қурбоновнинг хабарига кўра, таклифларимиз асосан маъқулланибди. Шаҳарни реконструкция қилиш уч-беш йил ичида тугалланади. Агарда ўтган йил давомида 300 минг квадрат метрдан ортиқроқ тураржой бинолари топширилган бўлса, энди ҳар йили 600 – 700 минг квадрат метр топшириш тўғрисида масала кўйилапти.

Кейинги масала – шаҳарда аҳолига транспорт хизматини кўрсатиш. Сиз биласизки, бизда транспорт масаласи жуда қийин. Бу муаммони ўрганиб чиқиш учун Москвадан жуда кўп мутахассис келди. Трамвай парки янгиланади, Тошкентда метро қурилади. (Қарсақлар).

Учинчи масала – коммунал хизматини яхшилаш – газлаштириш, электрлаштириш, ичимлик суви тармоғини кенгайтириш, канализация ва телефон тармоғи ва бошқалар. Бу барча таклифлар, қўллаб-қувватланган, эҳтимол, Тошкентни тубдан қайта қуриш учун қўшимча бир неча ўн миллион рубль маблағ ажратилар.

Ўртоқлар! Мен ўз иш фаолиятимда камчиликларга, албатта, хатоларга ҳам йўл қўйганман ва ҳозир уларни тугатиш чораларини кўраяпман. Ўзбекистон меҳнаткашлари ва коммунистлари, Компартия МК Президиумидаги бошқа аъзолар билан биргаликда топшириқларни шон-шараф билан бажариш ва партиямиз ишончини оқлаш учун кучимни, соғлиғимни ва билимимни аямайман. Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашлари ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан республикамиз нуфузини оширомоқда ва коммунизм қурилишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. (Қарсақлар)».

Шароф Рашидов нутқидан кейин Тошкент обкомининг янги таркибига номзодлар муҳокамаси бошланди. Бир нечта одам бу рўйхатга В. Усмонов номзоди киритилмасин, деб таклиф киритди. «Рашидовга тухмат» қилганлиги учун Усмоновни мандатидан маҳрум қилиб, залдан чиқариб юбориш тўғрисида ҳам таклифлар бўлди. Лекин бу таклифларга Рашидов қарши чиқиб, Усмоновни махфий овоз бериш рўйхатида қолдириш таклифини берди. Ва шундай қилишди.

Овоз бериш тугалланиб, хулосаси ўқиб эшиттирилгандан кейин маълум бўлдики, 832 делегатдан 744 киши Усмоновни ёқлаб овоз берган, 88 киши қарши чиққан. Яширин овоз бериш, залда йиғилганларнинг кўпчилиги, Усмоновни амалдаги мағлубиятига қарамасдан, ўзларининг нуқтаи назарларини унинг маърузасида тилга олинган хулосаларга нисбатан ўзгартирмаганлигини кўрсатди. Рашидов эса яқин давр мобайнида мана шу одамлар билан тил топишиши лозим эди.

Шуни қайд этиш керакки, бошидан Рашидов мухолифларининг ғалабага бўлган имкониятлари оз эди. Бу ерда гап Кремль уни алмаштиришни истамаганлигида эмас. Бундай йўл Ўзбекистон раҳбар доиралари намояндаларини кўшиб ҳисоблаганда республика аҳолисининг кўпчилигини қониқтирмас эди. Шу вақтга келиб Рашидов ҳокимият тепасида 15 йилдан ортиқ вақтдан буён фаолият юритар ва одамлар орасида етарлича обрў қозонган эди. Аслини олганда, 60-йиллар ўртасига келиб унинг обрўси Усмон Юсупов обрўси билан тенглашганди. У.Юсуповни узоқ йиллар давомида бутун Ўзбекистон каттиқ ҳурмат қилган, қолаверса, Рашидов ҳам унга яхши муносабатда бўлган.

Саломатлиги заифлигига қарамасдан, Шароф Рашидов йилига икки мартаба республика вилоятлари бўйлаб сафарга чиқишни одат қилган, бу уни ҳар қандай теле ва радио чиқишлардан кўра халққа яқинроқ қиларди. Бунга қўшимча равишда ўзбеклар 50-йиллардаги лавозимга тайинланишлардаги беқарорликни унутмаганди, ўшанда биринчи раҳбарлар худди кўлқопдек алмаштирилган ҳамда Хрушчёвнинг волонтаризм руҳидаги тажрибаларидан руҳий стресс ҳолатида эди. Одамлар бундай кўргиликлардан кейин одатий барқарорликни исташар ва Ўзбекистонда Шароф Рашидов каби халқнинг умид-орзуларини ифода этувчи раҳбарни топиш амри маҳол эди.

## ХУФИЁНА МИЛЛИОНЕРЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

Хрущёв ҳукумат тепасидан кетгандан кейин ҳам мамлакатда жиноатчиликка қарши кураш тўхтамади, жумладан, бу кураш хўжалик соҳасида ҳам давом этиб келарди. Шунга кўра кураш фақат иқтисодга эмас, сиёсатга ҳам боғлиқ бўлиб, юқори лавозимли раҳбарларга сиёсат майдонида ўзларига ёқмайдиган одамлардан «тозалашда» ёрдам берарди. Мисол учун «Граф Монте-Кристо иши»ни олсак, бу иш Ўзбекистонга кўшни Қозоғистондан келган. Бу иш туфайли ўнлаб одамларни ўз ичига қамраб олган йирик синдикат тор-мор қилинди. Мазкур синдикат гўшт консервлалаш заводида фаолият юритган ва унга колбаса цехи бошлиғи Мулявко (шериклари айнан унга «Граф Монте-Кристо» лақабини беришган, у беҳисоб бойликларга эга бўлгани учун) бош бўлган. Бу тўданинг таркиби ва фаолиятини Б. Самсонов қуйидагича таърифлайди:

«Тизим маркази Мулявко бошчилигида, барча туманларда савдо тармоқлари мавжуд «чапга» чиқарилган маҳсулотларни сотиш учун, агентлар – директорлар, таъминотчилар, дўкон мудирлари, сотувчилар бўлган. Барча ваколатли шахслар жинойий тўда бошлиғининг «қармоғига» қараган. Мулявко уларнинг барчасига обрўсизлантирувчи ҳужжатлар тўпламини юритган, унга қайси куни ва ҳаттоки қайси соатда шахсан кимдан маҳсулот қабул қилиб олганлиги, қанча миқдорда, қанча қийматга ва кимга тегишли эканлиги, миждознинг фамилияси, кимга қимматбаҳо ва турли-туман «хизмат» кўрсатиш лозимлиги кўрсатилган. «Маҳсус тўплам» ичи кенг картон қутилаларга жойланиб, график бўйича тарқатилиб, миждозларга эпчиллик билан ва яширинча топширилган.

Бу ҳаракатларни Мулявко тегишли «Гроссбук»ларда қайд этган, уларда совғалар топширилган партия, совет, хўжалик мансабдорларининг фамилиялари қайд этилган. Кейинчалик Мулявкода узун «хизмат кўрсатилганлар» рўйхати топилган, унда одамларга таниш бўлган таниқли раҳбар арбоб ҳам бор эди, халқ билганида эди, уларни ким бошқараётганини, ким уларга ҳар хил минбарлардан сиёсат ва ахлоқни ўргатаётганлигидан хабар топган бўларди. Олдиндан айтиб қўяй, Кунаев бу рўйхатни ёддан биларди...»

Динмуҳаммад Кунаев 1960–1962 йилларда Қозоғистон КП МКнинг 1-котиби бўлган, Хрушчëв билан бўз ерларни ривожлантириш бўйича ихтилофдан кейин лавозимидан четлатилиб, Қозоғистон Министрлар Советининг раиси лавозимига ўтказилган. Аммо Хрушчëв лавозимидан четлатилиши биланоқ, Кунаевнинг яқин дўсти Леонид Брежнев уни 1-котиб лавозимига қайтарган. Москвадан ваколат олган Кунаев ўз фаолиятини «Мулявко иши»дан бошлашга жазм этди, ўзига содиқ бўлмаган тўдаларнинг нуфузли порахўрларига зарба беришга киришди. Б. Самсонов ёзади:

«Номенклатуранинг кўзга кўринарли нуфузли кишилари, хўжалик корчалонлари пора ва совға-саломлар билан сотиб олиниб, жинойи фаолиятга жалб этилган. Совғаларни улар кўпинча илтифот ва миннатдорчилик юзасидан қачондир кўрсатилган хизматларига шама қилиб олишган. Ялтоқлик, тилёғламалик, маддоҳлик, текинтомоқлик, текин бойлик орттириш афтидан, кичкина эътиборсиз кишилар учун ёпиқ кабинетлар эшигини очиб берган. Қонун ҳимоячилари, идоралари, давлат назорати «Мулявко ва К»нинг алоҳида назоратида эди, хавфли миждозларни сотиб олиш йўли ўзига хос бўлган: ёпиқ кўринишда ташкил этилган махсус дўконга фақат қонун ҳимоячилари ва мартабали назоратчилар ташриф буюришган.

Жами ўғрилиқ тизимини энг пастки бўғиндан юқоригача текшириш ва қўлга олиш – осон эмас. Ҳақиқатни ковлаштириб тагига етмоқ ўта қийин: «чапга чиққан маҳсулот» нима ҳисобидан ёпилган? Айниқса, комбинатда маҳсулот етказиб бериш режаси бажарилиши ва ҳисоботлар доимо жой-жойида бўлган. Гап қаерда эканлигини исбот қилиш учун чорва молларини комбинатга топшириш ва қабул қилиш бирламчи ҳужжатларни титкилашга, қайта ишлаш технологиясини ўрганишга тўғри келган. Чорва моллари топширувчиларни лўттибозлар – табиий равишда уларнинг вазни озаяди, деб алдашган ҳамда амалдаги оғирлигини сезиларли даражада камайтириб кўрсатишган. Ҳақиқатда камайиш бўлган, лекин улар далолатномаларда кўрсатганчалик даражада эмас. Ишонувчан, гапга кирувчи топширувчиларни тап тортмай алдашган, шубҳаланган, ишонқирамаганларни пора билан сотиб олишган. Мулявкони қўлга олиш унчалик осон бўлмаган, пора ва совға-саломлар билан сотиб олинган амалдорлар унинг учун ишончли қалқон бўлишди».

Аслида, олдинги республика партия раҳбарияти даврида Мулявкога яқинлашиш қийин бўлган – у ғоят нуфузли «паноҳга» эга эди. Кунаев кели-

билан колбаса цехи бошлиғини сиқувга олиш қонун ҳимоячиларининг  
услуги бўлди. Айниқса, бу ишга «розилик» Москва томонидан берил-  
ганди. Шунинг учун Кунаев одамлари бу ишдан имкон даражада  
фойда олишга тиришган. Жиноий жавобгарликка ўттиз киши жалб этил-  
ди, улардан йигирма бештаси ҳибсга олинди. Уларга, давлатга жуда кат-  
та миқдорда – 10 миллион рубль зарар етказилди деган айблов қўйилди,  
шундан бир миллион икки юз минги номенклатурадаги амалдорлар учун  
«совга»га ишлатилган. «Граф Монте-Кристо»нинг ўзидан тинтув вақтида  
бир миллион рублдан ортиқроқ маблағ мусодара қилинган, бу пул-  
ларни у итининг уясида сақлаган.

Кайд этамиз, қасос ойболтаси ҳаммани ҳам жароҳатламади. Мисол  
учун, Кунаев гўшт комбинати директорига тегинмасликка буйруқ бер-  
ган. унинг фикрича, у тўданинг жиноятларидан беҳабар бўлган, тергов  
бошланган вақтда эса улар билан фаол ҳамкорлик қилган. Кейинчалик бу  
шахсни Кунаев Олма-Ота шаҳар партия комитетининг 1-котиби этиб та-  
ъинлайди, 70-йилларда у Москвада, КПСС МКда ишлайди.

«Граф Монте-Кристо иши» жами республика ташкилотларида жуда  
кўп акс-садо берди, чунки Москва ўз одамларига сиёсатга оид майдон-  
да рақиблардан «тозалашга» ёрдам беришини яққол кўрсатди. Аммо 1965  
йилда бу шарафга фақат Кунаев сазовор бўлди. Бошқа республикаларда  
шукори номенклатурага тегилмасин, деган олдинги қонун амал қиларди.  
Бунини ўрнига ҳукумат жамоатчилик ҳукмига бошқа қурбонларни – мисол  
учун, ҳар турли яширин фирибгарларни олиб чиқиш ҳаракатида бўлди.

Ўзбекистонда маҳаллий ОАВлар аҳолини мунтазам равишда қонун  
ҳимоячиларини жиноятчиликка қарши курашдаги навбатдаги ғалабалари  
тўғрисида хабардор қилиб турарди. Жумладан, 1965 йилнинг 6 январидан  
республиканинг бош партия нашри – «Правда Востока» газетасида  
«Мукаддас ва дахлсиз» (бунда давлат мулки кўзда тутилган) мақоласи эъ-  
зон қилинди. Унда яқинда республикада бир гуруҳ хуфиёна миллионер-  
ларга нисбатан (Львовский, Лемешев, Кренцеля, Столин ва Муратов иши)  
отиш ҳукми ижро этилганлиги хабари берилганди.

Бундан ташқари, яқин кунларда Самарқанд озик-овқат комбинатининг  
қуруқ мевалар омбори мудирини Исамутдиновнинг жиноят иши жараё-  
ни тугатилганлиги хабар қилинган, у бир неча йиллар давомида жино-

ий ишлар билан шуғулланган: ўзининг ҳамтовоқлари билан юқори наваларни, ёки умуман чикитларни аралаштирган. Жиноятчилар комбинатнинг давлат маҳсулотларини «чапга» пуллашган. Терговчилар Исамутдиннинг ерости махфий жойларидан 526 минг рубль ва шунча қийматда турли қимматбаҳо тақинчоқлар топишган. Суд уни отишга ҳукм қилади.

Бошқа жинорий ишлар орасида қуйидагилар бўлган: Гулистон туманидаги Навоий номидаги жамоа хўжалиги раиси ва яна бир қатор шахслар фош қилинган, улар давлат маблағларини талон-торож қилинганлигини бекитиш мақсадида деҳқонларга пахта терими учун пул тўланди, деб ёлғон далолатномалар тузишган.

Яна битта жинорий гуруҳ «Тошплоовошторг»да фош қилинган. Улар узок йиллар давомида бирлашма маҳсулотларини «чапга» сотишган, у ерда катта қўламда инвентаризация ўтказилишини билиб қолгандан сўнг, ҳосил бўлган «туйнук»ларни бошқа инвентаризация ўтказилмайдиган дўкон маҳсулотлари билан бекитишган.

Жинорий фирибгарлик илова қилинган яна битта жой Тошкент шаҳридаги 1-дорихона бўлди. Дорихона ишчилари бир неча йиллар давомида давлат мулкани талон-торож қилишган. Жами камомад миқдори 150 минг рублни ташкил этган.

Яна битта ҳодиса. Самарқанд трестининг Ғаллаорол қабул бўлими мудури Петросов 1700 рублни талон-торож қилади, лекин ўз раҳбарияти томонидан кечирилган ва ўша лавозимида ишда қолдирилган. Бир қанча вақт ўтиб Петросов жинорий гуруҳ тузиб, гуруҳ ўғирлик кўринишида давлатга умумий миқдори 77 минг рубллик зиён етказган.

Бир ой ўтганда сўнг (февралнинг бошида) «Правда Востока»да «Олеха иши» деган мақола босилди. Одамнинг исми шунақа эди, иккита шериги – Белинский ва Мирҳамидов билан – ўзларини Савдо вазирлигининг ревизори қилиб кўрсатишган (Олехада шу вазирлик ревизорининг ҳақиқий «хужжати» бўлган) ва турли савдо ташкилотларининг ишчиларидан пора талаб қилишган. Одатда бундай турдаги жиноятни фирибгарлар кинода кўришган. Совет прокатида 1963 йилда Польшанинг «Боскинчилар ва савдатпешалар» фильми намойиш этилган, унда фильм қаҳрамонларидан бири – пан Ковальский – ўзини савдо инспектори қилиб кўрсатиб ресторан

■чисидан пора олади. Олеха гуруҳини ҳам айнан умумий овқатланиш  
■уктасида – вокзал олдидаги буфетда фош қилишади.

Гап кино тўғрисида бораётган экан, ўқувчига ўша пайтларда Тошкент  
■инотеатрларида қандай фильмлар намоиш этилаётганини билиш қизик  
■уюлса керак. Москвада ва Вильнюсда нима намоиш қилинса, Тошкентда  
■ам шулар кўрсатилар эди, чунки прокат умумиттифоқ тусга эга бўлган.  
■умладан, 1965 йилнинг январида Тошкентда: «Хуш келибсиз ёки бего-  
■алар кириши тақиқланади» комедияси (Режиссёр Элим Климов, «Мос-  
■фильм»), «Давлат жиноятчиси» ДХК фаолияти ҳақида детектив (Николай  
■Розанцев, «Ленфильм»), «Трясогузка армияси» фуқаролар уруши даврида  
■Кизил Армияга ёрдам берган жасур ўспирин болалар ҳақида саргузашт  
■фильм (Александр Лейманис, Рига киностудияси), «Азим руда» – ишчи-  
■лар синфи ҳақида замонавий драма (Василий Ординский, «Мосфильм»),  
■«Ўқотилган вақт ҳақида эртақ» комедия (Михаил Чиаурели, «Грузия-  
■фильм»), «Жаноб–420» мелодрама (Раж Капур, Ҳиндистон) каби янги  
■фильмлар намоиш этилган.

Умунан, шу йили Ўзбекистонда кинотеатрларга тушган томошабин-  
■ларнинг сони 122 миллион кишини ташкил этди, ҳолбуки, бундан беш  
■йил олдин томошабинлар 83 миллион киши бўлган. Агар 1960 йилда  
■2100 та, 1965 йилда эса 3462 та киноқурилма бўлганлигини ҳисобга олсак,  
■ажабланишга ҳожат қолмайди.

Шароф Рашидов шу йилнинг бошида сафарларда бўлган. 4 январда  
■Москвадан ҳукумат делегациясининг раҳбари сифатида Малига бориб, 17  
■январда қайтиб келди, лекин бир ҳафта ўтиб Варшава Шартномасига аъзо  
■давлатлар Сиёсий маслаҳатлашув комитети арбоблари билан бўладиган  
■учрашувда иштирок этиш учун яна Москвага кетди.

1965 йилнинг 3 мартда Ўзбекистон КП МКнинг XVI пленуми бўлди,  
■у КП МК республика бюроси таркибига навбатдаги ўзгартиришларни ки-  
■ритди. Жумладан, Москванинг «кўзи ва қулоғи» (МК 2-котиби) Владимир  
■Карлов ўрнига Владимир Ломоносов тайинланди. Афтидан, бу номзодни  
■унинг ўзи маъқуллаган бўлса керак, чунки уни 1963–1964 йилларда КПСС  
■МК Ўрта Осиё бюросини бошқарган пайтларидан яхши биларди.

Брежнев бу тайинланишга қаршилик билдирмади, чунки Тошкентда  
■кучли мухолифларга эга Рашидов ёнида исталган вақтда суянадиган киши

пайдо бўлганди. Дарвоқе, Ломоносов Ўзбекистон КП МКсининг 2-котиб лавозимида 11 йил ишлаб ўзига хос рекорд қўяди. Ҳақиқатда, унинг бу лавозимда бўлишининг охирида Рашидов билан муносабатлари бузилади.

Бундан ташқари, бюро таркибига Н. Матчонов киритилди.

Кейинчалик Москва куч ишлатиш идораларида – Туркистон ҳарбий округида ҳам алмашувлар ўтказди. 65 ёшли Иван Федюнинский ўрнига кўмондонлик мансабига 55 ёшли Николай Ляшенко ўтиради.

### *18-боб*

## **РАШИДОВГА НАВБАТДАГИ ЗАРБА**

1965 йил Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, айниқса, пахтачилик учун етарлича оғир келди. Суғориш манбаларида сувнинг камлиги туфайли катта қийинчиликлар юзага келди. Республика «оқ олтин» топшириш режасини барбод қилмаслик учун ўзида мавжуд барча кучларга зўр берди. Сув ости сувларини тортиб чиқариш ва оқава сувларни тўплаш учун 16 мингга яқин насослар ўрнатилди. Кўрилган чоралар Ўзбекистонга янги натижа ўрнатишга имкон берди – давлатга 3 миллион 903 минг тонна пахта топширилди. Шу орада ҳукуматдаги Шароф Рашидов душманлари қўл қовуштириб ўтиришмади. Жумладан, Расул Ғуломов (Ўзбекистон КП МКи бюросининг собиқ аъзоси, Ўзбекистон Давлат киноси раиси) 1965 йил 31 июлда унга кескин хат билан мурожаат қилиб, жуда шафқатсиз, мунозарали айбловлар қўяди. Мазкур мактубдан айрим парчаларни келтираман:

«Шароф Рашидович!

Яқинда «Ўзбекфильм» киностудияси сендан хат олди, унда сен «Икки қалб достони» сценарийсидан ўз муаллифлигингни олиб ташлашни илтимос қилибсан. Бу хат фақатгина ёзувчи сифатида эмас, балки коммунист ва раҳбар сифатида сенинг башарангни ҳозиргача беркитиб турган ниқобни баъзи бир томонларини очиб ташлади.

Нима юз берди! Сен 1958 йилдан бошлаб «Икки қалб достони» фильми яратилиши учун зўр бераяпсан. Ўша вақтда эълон қилинган бу фильмнинг муаллифлари – сен ва В. Виткович. Ҳинд кинофирмаларидан бири билан биргаликда фильмни суратга олиш учун сен ҳаракат қилдинг, Ҳиндистонга



«Бекфильм» киностудиясининг вакиллари бир неча марта бориб келиш-  
ди. Ҳиндистондан эса бизга келиб кетишди. Бунга катта миқдорда давлат  
благлари сарфланди. Ниҳоят, ҳинд томони бу борада ҳамкорликдан бош  
лангандан кейин, фильм устида ишлаш тўхтатиб қўйилди.

Кейин сен фильмни турли юбилей саналарига бағишлаб чиқаришни  
ўзга тута бошладинг, лекин ҳар доим сценарийни янги вариантларини  
санаш билан чегараланиб қолдинг.

Энди эса кутилмаганда муаллифликдан ҳам воз кечяпсан. Бу ерда гап,  
Шароф Рашидович, сенинг бандлигингда эмас. Вазларинг фақатгина  
сизнинг сувдан курук чиқиш, бу хунук воқеа оқибатларини гум қилиш  
кўнглигини кўрсатмоқда. Сценарий яратилишида иштирок этмаганли-  
гини, фақатгина ўзингни фамилиянгни В.Витковичга ва бошқаларга  
асарага бериб, ёзувчи сифатида ном қозониш эканлигига партия аъзоси  
сифатида иқрор бўлишга сенда мардлик етишмадими?

...Ўзингни кинодраматургия соҳасида шуҳратингни оламга ёйиш учун  
сизга сценарий билан кифояланмадинг. Ўзингни ҳаммуаллифларинг би-  
лан киностудияга «Янги ер» сценарийсини топширдинг, унинг учун 7800  
рубль (янги пулда) тўланди. У мутлақо яроқсиз деб топилди. Бошқа мисол,  
сизга суянган ҳолда Тошкентда хуфиёна адабиёт фирмаси ташкил этилган,  
у давлат ҳисобидан фаолият юритгани билан давлатга ҳеч қандай фойда  
келтирмайди.

Нафақат киностудияни, балки республика нашриётларини ҳам ўзинг-  
нинг отамерос мулкнингга айлантириб олгансан. Асарларинг неча мар-  
та ва қанча нусхада чоп этилганини ҳисоблаб кўр. Фақатгина «Кашмир  
кўшиғи» 7 марта алоҳида китоб қилиб босилган. Булар ҳам камлик қилиб,  
ўша асаринг асосида балет яратилди.

Тошкентдаги нашрлар ҳаммуаллифларингнинг асарларини адабиёт-  
га кизиқиш билан тушунтиради. Нима учун Тошкентда фақат сен билан  
боғлиқ бўлган москвалик ёзувчилар китоблари нашр қилинади».

Шу ўринда хат муаллифига тўхталамиз ва ҳиссиётларни четга суриб,  
айбловларни ақл билан кўриб чиқамиз. Р.Ғуломов Рашидовни нимада айб-  
лапти? Бехосдан «Икки дил достони» сценарийси ҳаммуаллифлигидан  
воз кечиб, уни В.Витковичга бергани учунми? Жумладан, бундан шун-  
дай хулоса келиб чиқадики, Шароф Рашидовни бу асарга ҳеч қандай

алоқаси йўқ, у шу пайтгача одамларни алдаб келган. Лекин хат муаллиф хулосаларининг тўғрилигига далил келтирмайди. Мисол учун, у хатни бошиданок Шароф Рашидов ўз хатида айтиб ўтган: давлат ишлари билан банд эканлиги каби сабабларни қалаштириб ташлайди. Аммо аслида республиканинг раҳбари ҳар куни юзлаб масалаларни ҳал қилиши лозим эди, бу ерда эса эътиборини экранга чиқарилиши етти йилдан (!) (1958 йилдан) бери чўзилиб келаётган сценарийга қаратиши керак. Балки бу ҳолат Рашидовнинг жонига теккандир ва унинг ечимини ҳаммуаллифига ишониб топширгандир?

«Янги ер» сценарийсига оид айбловлар ҳам ғалати. Фуломов Рашидовни пул олганликда айблайди (агар муаллифлар сонини эътиборга оласак, – хатда муаллифлар ҳақида гап кўпликда боради, – Рашидовнинг қалам ҳаққи тахминан 2600 рублни ташкил этади – Тошкентдаги ва Москвадаги сценарийлар учун одатий тўлов), аммо фильм суратга олинмади. Рашидовнинг айби нимада? Айби ўзининг меҳнати учун пул олганлигида – сценарий ёзилишида иштирок этганлигидами? Ёки фильм суратга олинмаганлигидами? Суратга олинмаганлиги учун унга айблов қўйиш эмас, аксинча, миннатдорлик билдириш керак: республика раҳбари бўла туриб ўз асарини суратга олиш учун «йўл очиш»га турли воситаларни ишга солгани йўқ! Фуломовнинг сўзларига кўра: «Сценарий мутлақо яроқсиз деб топилган». Яъни сценарийни мутлақо яроқсиз деб топган одамлар Шароф Рашидовнинг ғазабидан қўрқишмаган – бу Ўзбекистонда демократия борлигини кўрсатмайдими?!

«Кашмир қўшиғи»га доир айблов тўғрисида (эмишки, 7 марта нашр этилган), бу ташаббус Рашидовнинг ўзидан чиқиши шарт эмасди. Бинобарин, 1964 йилнинг декабрида Шароф Рашидовга «Бўрондан кучли» романи учун, у ўзи учун Ленин мукофотига «йўл очмоқда» деб айб қўйишди, унга Рашидов бу менинг ташаббусим эмас, деб жавоб берди. Ахир хушомадгўйлар ҳар қанақа ҳокимиятда доимо етарли ва уларни шижоатини ҳар қандай раҳбар тутиб тура олмайди. Қайд этиб кўямиз, Шароф Рашидов вафотидан анча вақтлар ўтгандан кейин, душманлари унга қарши обрўсини туширувчи вазлар излай бошлашди, шу жумладан, адабиётдаги ҳийла-найрангларни ҳам, лекин ҳеч нима топиша олмайди. Маълум бўладики, Рашидов ўзининг қалам ҳақларини имтиёзларсиз олган. Бунини

хатига пулларини бир қисмини болалар уйига ва ҳар хил жамғармаларга  
ўтказган.

Ғуломовнинг хатига қайтамиз. У ёзади: «1959 йилнинг бошида,  
Ўзбекистон КП МК бюросида сенинг номзодинг МК биринчи котиби  
лавозимига кўриб чиқиладиган вақтда, овозлар бўлинди. Министрлар Со-  
вети Раисининг ўринбосари академик М.Муҳаммаджонов номзодинг-  
га қарши чиқди. У сенда туман, шаҳар ва вилоят партия ташкилотлари  
раҳбарлиги лавозимларида ишлаш тажрибанг етишмаслигини, республика  
иқтисодиётини, айниқса, қишлоқ хўжалигини билмаслигингни кўрсатиб  
ўтди. Бошқалар М.Муҳаммаджоновни қўллашди, шу жумладан мен ҳам.

Номзодингга «қарши» ва «ёқловчи» овозлар тенг бўлинганлиги са-  
бабли, бу масала бўйича ўз фикрингни баён қилишингни сўрашди. Сен  
ўзингни «ёқлаб» овоз берганларга қўшилдинг ва МКнинг биринчи котиби  
бўлдинг».

Ўша йиғилишнинг стенограммаси (гарчи тўлиқ бўлмаса ҳам) мазкур  
китобни биринчи бўлимида келтирилди. Унга кўра бюрода муҳокамалар  
кизгин бўлмаган ва фикрлар кескин фарқ қилмаган. Аксинча, иштирок  
этанларнинг кўпчилиги Рашидовни ёқлаб фикр билдиришди, М. Му-  
хаммаджонов Рашидовнинг соғлиғи заиф эканига урғу берган, холос.  
Р. Ғуломовнинг ўзи Рашидов ҳақида илиқ гапирган.

Нима учун Ғуломовга ҳамма нарсани оёғини осмондан қилиш зарур  
бўлганлиги тушунарли эмас. Лекин битта тахминий фикрни билдириш  
мумкин. Афтидан, кейинчалик Рашидовнинг ўзига нисбатан муомаласи-  
ни кечира олмаган бўлса керак, яъни республика раҳбари этиб тайинлан-  
гандан икки йил ўтгач, уни бюродан чиқарган (бу вақтда Ғуломов Ми-  
нистрлар Советига ишга юборилган). Бу ўзгартириш ҳақида Ғуломов ўз  
хатида ёзган:

«Бюрода номзодингга қарши овоз берганлар холи нима кечди? Уч йил  
ўтмасдан бюро таркибида улардан ҳеч ким қолмади, уларни йўқ қилдинг.  
МКнинг иккинчи котиби Р.Мельников, академик М.Муҳаммаджонов,  
республика Министрлар Советининг Раиси О.Алимов, мени, МК бюроси  
аъзоси А.Бизов ва яна бошқа ўртоқларни йўқотдинг».

Яна бир маротаба қайд этиб ўтамиз! Шароф Рашидовни 1-котиб этиб  
сайланишига мазкур одамларнинг ҳеч қайсиси жиддий эътироз билдир-

маган. Иккинчидан, 2-котибнинг (Р. Мельников) ва ДХК раиси (А. Бизон) аламаштирилиши Рашидовнинг истаги билан содир бўлиши мумкин эмас эди – бу Москванинг алоҳида ҳукуқи. Рашидов Марказдан фақатгина шуни илтимос қилиши мумкин эди.

Р. Ғуломов яна ёзади: «Бу сен бошлаган республика раҳбариятида кадрлар алмаштирилишини фақатгина бошланиши эди. Сен тепада бўлган вақтингда тўртта иккинчи, бешта қишлоқ хўжалик бўйича, тўртта саноат бўйича, иккита мафкура бўйича котиблар ўзгартирилди. Қуйи поғонадаги, колхоз ва совхоз раҳбарлари ҳақида гапирмаса ҳам бўлади».

«Кадрлар алмашинуви» Шароф Рашидов томонидан республикада янги ўша Москва ва шахсан Хрушчёв кистови билан қилинган. Хусусан, 1961 йилнинг кузида Ўзбекистоннинг собиқ раҳбари Н.Муҳитдинов КПСС МК Президиумидан чиқарилган пайтда, у ўзидан кейин «қобилиятсиз раҳбарият» қолдирди деган айблов қўйилган. Айнан мана шу меросдан воз кечиш, республика ичидаги ва ташқарисидаги вазифаларни (Марказ билан алоқани) осонлаштириш учун Рашидов кўпгина раҳбарларни алмаштирди. Республикада 60-йиллар ўртасида вужудга келган иқтисодиётдаги дуруст кўрсаткичлар Рашидов томонидан амалга оширилган «кадрлар алмаштирилиши»ни оқлади.

Р. Ғуломов хатининг давомида ёзади: «Сен МК биринчи котиби бўлгунга қадар, маҳаллийчилик ва миллий чекловларга асосан барҳам берилганди. Сенинг келишинг билан бу нарсалар яна авж ола бошлади...»

Бу даъво ҳам изоҳталаб. Биринчидан, Ғуломов Рашидов келгунига қадар республикада маҳаллийчилик ва миллий чекловлар бартараф этилганди, дея ноҳақ даъво қилганди. Рашидовнинг ўтмишдоши С.Камоловни Москва айнан мана шу сабаб билан ишдан олган, Рашидов мана шу хатони тузатиши керак эди. Лекин у жуда устумонлик билан ҳаракат қилди: асосан, сўзда бажарди, амалда эса «миллий чекловларга» турли йўл билан эрк берди, қайсики, миллатнинг азалий анъана ва урф-одатларини ҳимоя қилишда қалқон бўлди.

Хрушчёв бошлаб берган «илиқлик даври» тўлқинлари улоқтириб ташлаган либерал фикрловчи арбоблар, бошқа республикалар, айниқса, славян республикаларида бундай муносабатларда ғоятда тажриба орттирган эдилар, шу сабабли Брежнев «рус клублари»ни очишига тўғри келди, улар либераллар сиқувини камайтириши лозим эди. Лекин, келажак кўрсатдики,

русларни бу нарса «вестернизация»дан кутқариб қола олмади ва Ғарбга қарам қилиб қўйди. Буларнинг барчасини яхши кўриб турган Рашидов ўзининг республикасида либерал ғояларнинг кенг ёйилишига йўл бермади. Табиийки, бу ҳолатда унда ҳаддан ошишлар юз берди, лекин бу умуман ижобий жараён эди, натижада, бу нарса Ўзбекистонни Иттифоқнинг парчаланиши даврида юзага келган ёмон оқибатлардан асраб қолди. Гап нима ҳақида кетаётганлиги ўқувчига тушунарли бўлиши учун, 1960 йилнинг иккинчи ярмидан бир мисол келтираман.

Айтиб ўтилганидек, Ўзбекистонда ўша 20-йилларда «хужум» – хотин-қизлар тенглиги учун кураш бўлиб ўтган эди. Натижада, қирқ йил ўтгандан сўнг ўзбек хотин-қизлари эркаклар билан тенг ҳуқуқлилик масаласида кўп нарсаларга эришди. Мисол учун, Ёдгора Насриддинова Ўзбекистон Олий Совети Президиумининг Раиси бўлди, ёшлар иттифоқига Р.Абдуллаева бошчилик қилди. Лекин ҳамма жойда ҳам бу нарса амалга ошди, деб бўлмасди. Қишлоқ жойларида эски одатлар сақланиб қолиб, аёллар тақдирига эркакларга итоат этиш битилган эди. Либерал жамият бунини ҳар томонлама маломат қиларди, ҳолбуки, кўп жиҳатдан айна шу боис Ўзбекистонда оилалар ажралиши бўйича охириги ўринлардан бирини эгалламаган бўларди, қолаверса, республика янги туғилганлар (деярли йилига 400 минг чақалоқдан) сони бўйича етакчи эди.

1965 йилда «Ўзбекфильм»да янги фильм суратга олинди, унда ўзбек аёлларининг тенг ҳуқуқлилик муаммоси айнан либералча нуқтаи назардан талқин қилинган. Сўз режиссёр Али Ҳамроевнинг Одилшо Агишевнинг сценарийси асосида суратга олган «Оқ, оппоқ турналар» фильми ҳақида бормоқда. Бу фильмда сўз бир қишлоқда ёш йигит, ота-оналари унга келин топиб қўйганига қарамасдан, турмушга чиққан бир қизни яхши кўриб қолиши, қишлоқ аҳолиси эса, бунини қадимий урф-одатларга қарши чиқиш деб, бу муҳаббатга ҳар томонлама қаршилик кўрсатиши ҳақида боради. Бу ерда, қишлоқ аҳолисини жоҳил ва аввалдан ёвуз ниятли бўлган дейиш мумкин эмас. Масалан, фильмда бу одамлар қандай қилиб биргаликда ўзларининг, қайтиб келаётган ўғли ва келинини кутаётган, камхарж қишлоқдошлари учун уй қуриб берганликлари кўрсатилган. Куёв болани қаллиғи рус қизи бўлишига қарамасдан улар барчалари бир бўлиб жуда катта тўй ўтказишади. Лекин уларнинг куёвнинг ота-онаси амрига қарши борган воқеада бу одамлар қатъиятли бўладилар – бунга йўл қўймайдилар.

Белгилаб кўямизки, фильм яратилиши айнан Хрущёв «иликклиги» ту- гаши даврига, суратга олиш ишларининг якунланиши бошқа даврга тўғри келган. Ҳокимиятга келган Брежнев, қисман, либерализмни жиловлаш учун секинлик билан «гайкаларни бурай» бошлади. Айниқса, 1968 йилнинг август ойидан, совет ҳукумати Чехословакиядаги «бахмал кўзғолони»ни бостирганидан кейин сезилади. Лекин «Оқ, оппоқ турналар»га бир қадар омад кулиб боқди – уни 1967 йилнинг январь ойида Бутуниттифоқ экран- ларига чиқаришди. Бироқ унда ўзбекнинг миллий кадр-қиммати ҳақорат қилинган, деб ўз ватанида фильм намоёйиши тақиқланди. Кимдир бу қарорни нотўғри дейиши мумкин. Лекин ўз миллатининг ахлоқий саломатлиги учун жон кўйдираётган, ҳукумат нуқтаи назаридан бу ибратли таъқиқ эди.

Яна Р.Ғуломовнинг хатига қайтамыз. Мисол учун, у ёзади:

«Раҳбарлар орасида рўй бераётган ўз жонига қасд қилиш сабаблари нимада? Нима учун Республика Олий Суди раисининг ўринбосари Усмо- нов, Қўқон шаҳар партия комитетининг котиби Қориев, Ўзбекистон Ми- нистрлар Совети Раисининг ўринбосари Эргашев ва бошқалар ўз жонла- рига қасд қилишди? Нима учун жамоат тартибини сақлаш вазири Жали- лов ўз лавозимидан четлатилди ва унинг ўрнига Яхёев тайинланди? Яхёев фақат сен каби Самарқанддан бўлгани учунми?..»

Ғуломов хатида қайд этилган ўз жонига қасд қилишларнинг асл са- бабларини билмасдан, бунинг учун жавобгарликни Рашидов зиммасига юклаш ҳуқуқига эга эмас эди. Буларнинг барчасига ўша вақтда мамлакат- да юзага келган аҳвол сабабчи. Ёдимизда бор, 60-йиллар бошида Хрущёв ташаббуси билан жиноятчиликка, шу жумладан, «тўралар»га ҳам қарши кураш бошланди. Эсга оламиз, ўша социалистик мулкни талон-торож қилганлар Хрущёвнинг охириги тўрт йиллик ҳукмронлик даврида отувга ҳукм қилинган. Мана шу жараёнлар Ўзбекистонда ҳам рўй берган, тахмин қилиш мумкинки, айнан ўша ўз жонига қасд қилишлар кўп жиҳатдан шу- ларнинг оқибати бўлиши мумкин. Бу фақатгина Ўзбекистонда бўлмаган: ҳаттоки Москвада ўша йилларда ҳуқуқ-тартибот тизими хизматчилари, партия ва давлат органларининг бир қанча етакчи арбоблари ўз жонларига қасд қилишган.

Самарқандлик Яхёевни Ички ишлар вазири этиб тайинланиши хусуси- да фақат бир нарсани айтиш мумкин: Яхёев ўз касбининг устаси бўлган,

қарийб ўн беш йил мобайнида ДХК тизимида ишлаган, оддий қамоқхона назоратчисидан вилоят ДХХБ бошлиғигача бўлган йўлни босиб ўтган. Шунинг учун бу айбловни ҳам навбатдаги куруқ маломат деб аташ мумкин. Р. Ғуломов ўз хатида келтирилган бошқа айбловлар ҳам асоссиз:

«Сенинг мунофиқлигинг таърифга сиғмайди. Н.С. Хрушчёвга хушомадгўйлигинг ва лаганбардорларча ялтоқланишинг чегара билмас эди. Сен айтгансан: «Совет пахтачилигидаги туб ўзгаришлар, халқ хўжалигининг барча соҳаларида бўлгани каби, Хрушчёв номи билан боғлиқ. Никита Сергеевичдан донишмандлиги, жасурлиги ва принципиаллиги, пахтакорлар меҳнатини енгиллаштиришга қаратилган доимий ғамхўрлиги оқибатида, пахтачилик техник тараққиётнинг мустаҳкам негизида ривожланаётганидан миннатдормиз.

Ўзбекистон халқлари бутун қалбдан, бутун юракдан Никита Сергеевични ўзларининг энг яқин дўсти, қимматли ва севимли мураббийи дейди».

Ғуломовнинг ўзи ҳам бу борада қолишмайди. Ўша 1959 йилнинг март ойидаги Ўзбекистон КП МКнинг унутилмас бюросида куйидагиларни гапирган: «У йирик ёзувчи, кўплаб асарлар ёзиши керак. Мана шу декадада (гап Ўзбекистон адабиёти ва санъатини Москвадаги декадаси ҳақида бормоқда – *муаллиф*) биз гапириб ўтдик, 300 китоб олиб келинди деб, уларнинг орасидан икки-учта йирик асар ажралиб турибди, булар ичида энг асосийси – Шароф Рашидовнинг «Бўрондан кучли» асари».

Бу нима? Хушомадгўйликми ёки Рашидовнинг ёзувчилик истеъдодига ҳалол муносабатми?

Шу билан бирга Ғуломов хатни фақат Рашидовга жўнатмасдан, нусхасини Москвага – Брежневга юборган. Лекин бош котиб унга жавоб бермаган, чунки у бундан ҳам мушкулроқ воқеаларга аралашган, буларни республика «тепасидагилар» ҳам жиддий кузатиб туришган. Бу воқеаларнинг сабабчиси Украина КП МК 1-котиби, КПСС МК Президиуми аъзоси (1964 йил ноябрдан) Пётр Шелест бўлган, ёз ойида у мамлакатнинг олий раҳбариятига Украинага ташқи бозорда мустақил равишда ҳаракат қилишга рухсат сўраб хат жўнатган.

Тўғриси айтиш керак, бу мисли кўрилмаган илтимос, агарда у муваффақиятли амалга ошганда Марказ якка ҳокимлигига чек қўйилар

ва бошқа республикаларга ўз мустақилликларини кенгайтиришни даъво қилишга имконият яратарди. Бунгача қатъий марказлашган тизим мавжуд эди, унга мувофиқ Москва республикалардан етарли даражадаги паст нархларда маҳсулотларни олар, сўнгра уларни чет давлатларга юқори нархларда сотар, фойданинг катта қисмини ўзида олиб қоларди. Табиий равишда, бу сингари ҳолат республикаларда норозилик келтириб чиқармаслиги мумкин эмасди ва улар вақти-вақти билан Москва олдига чет эл давлатлари билан мустақил равишда савдо-сотик масаласини кўтариб туришарди. Ҳақиқатда, бу илтимослар қатъий талаб этилмас, модомики, республикалардан ҳеч бири Марказ билан муносабати ёмонлашувини истамасди. Шелест билан эса бу иш бошқачароқ вазиятда бўлган.

Масала шундаки, Хрушчёв мамлакат раҳбари бўлган вақтда ва фаол қўллаб-қувватлаши натижасида, мамлакатнинг юқори раҳбариятида «украинлар» гуруҳи тушунчаси пайдо бўлган, улар Украина манфаатларини мамлакатнинг ички ҳамда ташқи сиёсатида етарли даражада фаол ҳимоя қила бошлаган. Айнан мана шу республикадан чиққанларга КПСС МК аппаратидаги ва ҳукуматнинг бошқа юқори органларидаги юқори лавозимларга кўтарилишга «йўл очик» эди. Украинанинг ўзида украинлар бошқа миллат вакилларини, жумладан, русларни аста-секинлик билан сиқиб чиқара бошлаган. Бу жараён Хрушчёв лавозимидан кетганидан кейин ҳам тўхтамади, чунки «украинлар» гуруҳи ўз лавозимларида қолишганди. Бу арбоблар орасида: КПСС МКнинг 2-котиби Николай Подгорний, Шелестнинг ўзи ҳамда КПСС МК Президиуми аъзолигига номзод, Украина Министрлар Советининг Раиси Владимир Шчербицкий бор эди. Агарда Леонид Брежневнинг келиб чиқиши украиналик эканини эътиборга оласак, мамлакат олий раҳбариятида бу гуруҳ ҳукмронлик мавқеини сақлаб қолишга имкониятлари бўлган, деб қўрқмасдан айтишимиз мумкин.

Худди мана шу нарсадан, бундай тақсимот фойда бермайдиган, Президиумнинг бошқа аъзолари хавфсирашган. Шунинг учун Шелестнинг хати КПСС МК Президиумида қизгин мунозараларни юзага келтирди. Кўпчилик аъзолар аҳиллик билан унга қарши чикди, айниқса, «рус давлатпарастлари» (М. Суслов, К. Мазуров, А. Шелепин, Д. Полянский) кескин қаршилик кўрсатишди, улар республикаларнинг шунга ўхшаш кўпгина ташаббусларида миллатчилик кайфиятларини кўришган. Бу қарама-



қаршиликда ҳодисалар қандай ривожланиб борганлигини Л.Млечин қуйидагича изоҳлайди:

«1965 йил 2 сентябрдаги МК Президиуми йиғилишида Брежнев Пётр Ефимович Шелестни Ташқи ишлар вазирлигининг иши ҳақидаги хатини муҳокама қилишимиз керак деб айтди. Леонид Ильич хат борлигини билмаслигини қўшимча қилди (хат МК Президиумига жўнатилган вақтда у Қримда дам олишда бўлган). Бу биринчи котиб украинларни қўлламаслигига ишора эди. Ҳамма Украинага чет эл билан савдо қилиш ҳуқуқи берилишига кескин қаршилик билдирди. Микоян бундан қирқ йил аввал ташқи савдо монополияси масаласи ҳал этилганлиги ва уни қайта қўриб чиқиш мумкин эмаслигини гапирди.

Шелестнинг хати сиёсий айбловлар учун баҳона бўлди. Президиум аъзолари Шелест ташқи савдо монополиясининг принципларига зарар етказиб қолмасдан, ташқи сиёсатни ҳам бузиб кўрсатмоқда, дейишди. Украинада буржуача миллатчиликка қарши кураш суғулган олиб борилаётганлиги, республика раҳбарияти алоҳида мавқени даъво қилаётганлиги, маҳаллийчилик намоян қилаётганлиги, давлат ва режавий интизомни бузётганлиги ҳақида гапирилди.

Дўконлардаги лавҳа ва кўчаларнинг номлари украин тилида ёзилганлиги учун Шелестга айб қўйилди. Севастополь – рус шон-шарафи шаҳри, ёзувлар эса украин тилида. Бу мавзуда Суслов ва Косигин ўз фикрларини баён қилишди.

Бунақанги муносабатни кутмаган Шелест, ўзининг хатини хато эканлигини тушуниб етганлиги ва уни қайтариб олишга тайёрлиги ҳақида гапирди. Лекин МК Президиумидаги ўртоқлар унга бундай имкониятини беришмади.

Микоян қўшимча қилди:

– Шелест, сизнинг вазифангиз – Киевга борганингиздан сўнг, Украина Компартияси МК Президиуми аъзоларига ҳамма нарсани етказиш, мана шу сиёсий хато туфайли ўз-ўзини танқид қилишни астойдил йўлга қўйиш, хусусида керакли хулосалар чиқаришдир.

Мафкура, фан ва маданият масалалари бўйича котиб Демичев Украинада ва Украина МҚида миллатчилик авж олаётгани ва Киевда МК аппаратида рус миллатига мансуб кишилар қолмаганлиги тўғрисида сўз юритди.

Шелепин янада кескинроқ гапирди, Шелестни сиёсий хатоси учун унинг ўзи эмас, Подгорний ҳам жавобгар бўлади, чунки ўзи партидаги иккинчи одам мавқеидан фойдаланиб, Украина ишига аралашишга ҳеч кимга рухсат бермайди.

Шелепин ғазаб билан гапирди:

– Иш шу даражага бориб етдики, Севастополда Қора денгиз – русларнинг шавкатли флотига мукофот топширилаётган вақтда барча нутқлар украин тилида бўлди. Қримда руслар кўпроқ, лекин радиода, телевидениеда эшиттиришлар украин тилида олиб борилади. Ва украин тили рус тилига зиён етказиш учун жорий қилинмоқда. Шундай қилиб миллатчилик йўли фақатгина ташқи савдода эмас, сиёсатда ҳам, мафкурада ҳам кўринмоқда.

Шелепин Украина Компартияси МК Пленуми ўтказилишини ва республикада ҳақиқатда нималар бўлаётганлигини тушуниб етишни талаб қилди.

Шелест барча айбловларни рад этди. Шелепинга ғазабланиб жавоб берди:

– Ташкилий хулосаларга келганда, Украинада нима бўлаётганлигига тушуниб етмайсиз. Агарда сиз Пленум чақираётган бўлсангиз, чақиринг ва сизга нималар дейишларига қулоқ солинг!

Подгорний ҳам айбловларга шу даражада кескин жавоб берди.

Анастас Микоян украиналик раҳбарларга нисбатан бу тажовузда буюк давлатчилик шовинизми намоён бўлаётганлигини кўрди. Бу кураш орқасида, бошида Брежнев суянган, нуфузли Украина гуруҳи мавқеини кўпоришга уриниш борлиги кўринди.

Подгорний хатога йўл қўйганига иқроп бўлди:

– Мен бу хатни тарқатмаслигим, аввал Президиумда муҳокамага қўйишим керак эди.

Брежнев ишни ёпди. Муроса йўлини тутиб, пленум ўтказишга шубҳаланаётганлигини, Президиум аъзоларининг фикр алмашганлиги етарли эканлигини, Шелест барча танбехларни ҳисобга олишини айтди.

Леонид Ильич, бир томондан, Шелепин томонидан кескин тажовуз бўлганлиги учун ташвишга тушди, бошқа томондан, Подгорнийнинг мавқеи заифлашганига хурсанд бўлди. Бу унга катта йўл очиб берарди. Ўзининг ёнида тўла ҳуқуқли иккинчи котиб Подгорний бўлишини ис-

Тасди ва унга Олий Совет Президиуми Раиси лавозимини топширди (Подгорний бу лавозимга 1965 йил ноябрь ойида тасдиқланади).

Қайд этамиз, Брежнев «рус давлатпарастлар» чиқишидан кейин хулоса чиқариб олади ва шу йили уларга «руслар клубини» ташкил этиш учун рухсат беради. Биринчи шундай ташкилот маданият ва тарихий Ёдгорликларни ҳимоя қилиш Умумроссия жамияти (ВООПИК) бўлди. Бундан ташқари, юқори раҳбариятга яна бир славян халқи вакилларини киритга бошлайди – белорусларни: Кирилл Мазуров Иттифоқ Министрлар Совети Раисининг 1-ўринбосари, Василий Шуро – КПСС МК Маданият бўлимининг мудирини этиб тайинланади, 1966 йилининг баҳорида яна бир белорус – Белоруссия КП МКнинг 1-котиби Пётр Машерев – КПСС МК Снёсий бюроси аъзолигига номзод бўлади.

Айтганча, Мазуров (Қозоғистондаги Исмаил Юсупов ҳам) Хрущёв амалидан кетган заҳотиёқ ўз лавозимларидан озод этилган республика раҳбарлари эди. 1966 йилда уларга яна битта арбоб қўшилди – Яков Заробян, уни Антон Кочинян (Кочинян 14 йил Арманистон ҳукуматини бошқарган) алмаштиради. Москвага ҳозирча тегинмасликка қарор қилади. Натижада, республикалар раҳбарияти қуйидаги кўринишда бўлади (рўйхат лавозимга ўтирган санадан бошлаб берилган): Литва – Антанас Снечук (республика раҳбарлари ичида энг узоқ раҳбар бўлган – у 1940 йилдан бери бошқаради), Эстония – Иван Кэбин (1950 йилдан), Грузия – Василий Мжаванадзе (1953 йилдан), Ўзбекистон – Шароф Рашидов (1959 йилдан), Озарбайжон – Вели Ахундов (1959 йилдан), Латвия – Арвид Пельше (1959 йилдан), Туркменистон – Балиш Аvezов (1960 йилдан), Молдавия – Иван Бодюл (1961 йилдан), Тожикистон – Жаббор Расулов (1961 йилдан), Қирғизистон – Турдикул Усубалиев (1961 йилдан), Украина – Пётр Шелест (1963 йилдан), Қозоғистон – Динмуҳаммад Кунаев (1964 йилдан).

Юқорида айтиб ўтилгандек, кўпчилик республикалардаги 2-котибларнинг келиб чиқиши славян миллатига мансуб эди. Жумладан, Тожикистонда Иван Коваль (1961 йилдан), Озарбайжонда – Пётр Елистратов (1961 йилдан), Литвада – Борис Попов (1961 йилдан), Латвияда – Николай Белуха (1963 йилдан), Туркменистонда – Василий Риков (1963 йилдан), Ўзбекистонда – Владимир Ломоносов (1965 йилдан), Қозоғистонда – Виталий Титов (1965 йилдан), Молдавияда – Николай Шелоков (1965 йилдан) ва бошқалар эди.

Албатта, истиснолар ҳам бўлган. Мисол учун, Арманистонда «иккинчилар» фақат арманлар бўлган: Жумладан, Яков Заробянни (1958 – 1961) Оганес Багдасарян алмаштирди, уни 1966 йилда Георг Тер-Газарянц алмаштирди. Украинада ҳам шундай ҳолат: Николай Соболни (1963 йилдан) шу 1966 йилда Александр Ляшко алмаштирди. Эстонияда «иккинчи» маҳаллий кадр Артур Вадер бўлган (1964 – 1970).

Шундай қилиб, Брежнев кўпчилик республика раҳбарларини лавозимида қолдирди, шу жумладан, Рашидовни ҳам. Шунинг билан у Р. Ғуломовнинг хатини эътиборсиз қолдирди, хат унинг номига 1965 йилнинг июль ойида келган, ҳолбуки, у Ўзбекистонга оид кўпроқ маълумотга эга эди, унга барча маълумотларни шу ердаги «кўз ва кулоқлари» етказарди: МК 2-котиби, ДХК раиси ва Ўзбекистон бошқаруви тепасидаги бошқа манбалар. Улар Рашидов республикани қандай бошқараётганини Р. Ғуломовдан фарқли равишда батафсил тасвирлаб беришарди.

Ваҳоланки, Р. Ғуломов Брежневга 5 декабрда навбатдаги хатни юборди, унда қуйидагиларни маълум қилган:

«Тахминан тўрт ойлар муқаддам хат билан Ш.Р. Рашидовга, унинг фаолиятига тааллуқли масалалар билан мурожаат қилдим. Менинг партиявий виждоним Рашидовга ўз мулоҳазаларимни билдиришга, унинг фаолиятидаги мавжуд ахлоқсизликни авж олишидан огоҳлантиришга ундаган ягона куч бўлди. Мен керакли хулосалар чиқариб олиш учун унда партиявий онг етарлилик қилади, деб умид қилгандим. Бундай бўлмади. Менинг хатимни «мазмунини текшириш» йўлини танлади.

Шу мақсадда бевосита Ш.Р. Рашидовга бўйсунадиган кишилардан иборат Ўзбекистон КП МК комиссияси тузилди. Мен билан суҳбатда улардан бири, партия органлари бўлими мудир Г.М. Орлов ҳақоратга йўл қўйди, айтдики, хафа эмишман, фактларни бузиб кўрсатган эмишман, жавобгарликка тортилишим керак эмиш.

Сезиб турибман, иш Рашидовни оклашга, мени эса жавобгар қилишга қараб боряпти. Менимча, олдинлари бўлгани каби, Рашидовнинг бениҳоя чексиз ҳукмронлиги устун келади.

Мени суҳбатлашиш учун КПСС МКга чақиришни ёки КПСС МК комиссиясини юборишни илтимос қилишга мажбурман, мазкур комиссия хатимни одилонга кўриб чиқарди. Бу илтимос кўрқишдан юзага келмаган. Мен партия ҳақиқатига ҳамиша ишонаман».

Аммо Р.Ғуломовга ҳам тан бериш керак – Брежнев унинг навбатдаги хатини ҳам эътиборсиз қолдиришини била туриб, ўзининг Рашидовга қарши қаратилган хат шаклидаги тажовузларини бас қилмади. Рашидовнинг республикадаги фаол муҳолифига айланиб бўлганди. Лекин шуни қайд этиб ўтамизки, Ғуломовнинг бошидан бир тола сочи ҳам тушмайди ва кўп ўтмай, М.Горбачёвнинг қайта куриш йилларида, қахрамон сифатида минбарга кўтарилиш учун Рашидовдан кўпроқ яшайди.

*19-боб*

## ТОШКЕНТ – ДЎСТЛИК ШАҲРИ

1966 йилнинг биринчи ярми Шароф Рашидов учун жуда долзарб келди. Ҳаммаси январнинг дастлабки кунларидан, айнан Иттифок Министрлар Советининг Раиси Алексей Косигинни Ҳиндистон бош вазири Лаъл Баҳодур Шастри ва Покистон президенти Муҳаммад Айюб Хон билан Тошкентдаги муҳим учрашувидан кейин бошланди. Бу учрашувда Ҳиндистон билан Покистонни яраштириб қўйиш вазифаси қўйилганди, улар анчадан бери худудий даъво (Кашмир тумани) сабабли низолашиб, икки ўртада қуролли ихтилоф келиб чиққанди. Бу агар Иттифок аралашмаса йирик қуролли тўқнашувга айланиши мумкин эди. Нима учун айнан Иттифок аралашини керак?

Биринчидан, юқорида айтилгандек, Иттифок 50-йилларнинг бошида Ҳиндистон билан, 60-йиллар ўртасида Покистон билан дўстона алоқаларни ўрнатган.

Иккинчидан, Иттифок ўша пайтгача мазкур минтақадаги муаммоларга ҳарбий-сиёсий нуқтаи назардан жиддий аралашмаган. Шунинг учун бир-бирига душман икки давлат ўзлари ўртасидаги мунозарани бартараф этиш учун манфаатдор бўлмаган ҳакам сифатида Иттифокни танлашди. Музокаралар жойи этиб Осиёдаги энг нуфузли республика пойтахти Тошкент танланди.

Тошкентдаги музокаралар Декларацияга имзо чекиш билан якунланди, унга кўра Ҳиндистон ва Покистон мунозарали масалаларини тинч йўл билан ҳал этишга ва ўзаро ҳамкорликни бир-бирларининг ички ишларига

аралашмаслик асосида ташкил этишга келишиб олдилар. Аммо бу келишувлар якуни кўнгилсизлик билан тугади.

Тинчлик шартномасига кўл кўйиб бўлгач, Ҳиндистон бош вазири Шастри бехосдан юрак хуружи билан йиқилди. Совет шифокорлари уни кутқариб қолиш учун кўлидан келган барча амалларни қилишди, лекин барча уринишлар зое кетди – 10 январь куни Шастри вафот этди. Бу Москвада ҳақиқий қарахт ҳолатини юзага келтирди ва бўлган воқеани текшириш учун Тошкентга комиссия жўнатилди. Комиссия Шастрини тантанали тушлик дастурхонини тайёрлаган ошпазлар заҳарлаган, деб ҳам ҳисоблашди.

Мазкур нохуш ҳодисани текширишда москваликларга Шароф Рашидов ҳам кўлидан келган ёрдамини кўрсатди. Шастрининг ўлими бу инсон учун ҳам томдан тараша тушгандай бўлганди. Натижада, комиссия масалага аниқлик киритди, бу ерда заҳарланиш бўлмаган ва Шастри ҳаётдан юрак хуружи сабабли кўз юмган.

Шу орада 1966 йил 3 – 5 март кунлари Тошкентда Ўзбекистон КПнинг XVII съезди бўлиб ўтди, унда Шароф Рашидов ҳукуматда ўз мавқеини янада мустаҳкамлаб олди. МКнинг таркибини ўз одамлари билан янгиллади ва бир қатор обком котибларини ўзгартирди. МК бюросини дахлсиз қолдириб, кўпгина мудирлар алмаштирилди, МК бўлимлари раҳбарлари янгиланди. Жумладан, ташкилий-партиявий масалалар бўлимига – Г. Орлов; маданият бўлимига – С. Шермухамедов; илмий ва таълим муассасалари бўлимига – Б. Абдураззоқов; оғир саноат ва машинасозлик бўлимига – М. Рамазонов; қурилиш ва шаҳар хўжалиги бўлимига – М. Саидов; транспорт ва алоқа бўлимига – Д. Мангельдин, енгил ва озиқ-овқат саноат бўлимига – А. Султонхўжаев; сув хўжалиги бўлимига – А. Дадасянц; савдо, режа ва молия идоралари бўлимига – А. Охунжонов бош бўлди.

Ўз жойларида тўрт киши қолди: Я. Зокиров (маъмурий идоралар бўлими), М. Раҳмонқулов (тарғибот ва ташвиқот), Т. Зинин (қишлоқ хўжалик) ва Д. Хўжаев (парткомиссия раиси).

Кўриб турибмизки, бўлим бошлиқларининг кўпчилиги мусулмонлар. Лекин МК аппаратидаги ҳал қилувчи бўлим – ташкилий-партиявий ишлар, кадрлар билан ишлашни рус киши бошқарган: 1966 йилгача И. Бурмистров, сўнгра Г. Орлов. Москвада ҳам худди шундай ҳолат: Хрушчёв

даврида бу бўлимга Виталий Титов мудирлик қилган, Брежнев келгандан кейин Иван Капитонов.

Ўзбекистон КП МК бюроси таркиби қуйидаги кўринишга келди: Ш.Рашидов (1-котиб), В. Ломоносов (2-котиб), Р. Курбонов (Ўзбекистон Министрлар Совети Раиси), Н. Ляшенко (ТуркҲО кўмондони), Н. Матчонов (МК котиби), Ё. Насриддинова (Ўзбекистон Олий Совети Президиумининг Раиси), Р. Нишонов (мафкура котиби), И. Анисимкин (МК котиби), М. Мусахонов; Сиёсий бюро аъзолигига номзодлар: М. Абдураззоқов, С. Расулов, М. Турсунов.

Мартнинг охири ва апрель ойининг бошларида Москвада КПСС XXII съезди бўлиб, унда Ўзбекистондан Рашидов раҳбарлигида нуфузли вакиллар иштирок этди. Съезд олдинги Хрушчёв давридагига нисбатан кўпчилик учун зерикарли ва хира бўлиб кўринди, бу тушунарли эди – партия аппарати ҳокимиятга Брежневни айнан барқарорлик таянчи бўлишлиги учун олиб келганди. Съездда партиядо Бош котиб (Биринчи секретарь) лавозими тикланди ва МК Президиуми Сиёсий бюро тарзида ўзгартирилди.

Шунга қарамасдан, Н. Хрушчёв номи съездда бир мартаба бўлса ҳам тилга олинмади ва фаолияти пинҳона қораланди. Кўпчилик чиқишларда шундай фикр юритилди, бундан буён партия фаолиятида волюнтаризмга ўрин йўқ ва энди унинг барча фаолиятига илмий баҳо берилади. Бироқ ошқора қувғин қилинишга қарамасдан, шахсан Хрушчёв ва унинг кўпгина ташаббуслари таъқибга учраган, лекин Хрушчёв сиёсатининг туб моҳияти, капитализмни тиклашга оид асосий ғояси шундайлигича қолдирилди. Съезддан ярим йил олдин – МКнинг сентябрда бўлган КПСС МК Пленумидаёқ ойдинлашганди. Пленумда «муқаддаслаштирилган» иқтисодий ислохотлар, юқорида ёдга олинган иқтисодчи Евсей Либерман томонидан ишлаб чиқилган дастур «Косигин дастури» номини олганди. Бу ислохотлар: фойдани максимализациялаштирувчи капиталистик принципнинг хўжалик фаолиятини асосий ҳаракатлантирувчи кучи даражасига кўтарилишига олиб келди. В.Шапиновнинг ёзишича:

«Хўжалик номенклатураси – бу Брежнев идора усулининг ижтимоий негизи эди. У йўл бошқарув ходимларига тинчлик бермаган Хрушчёвни «волюнтаристик» тажрибалари билан четга суриб, Брежневни ҳокимият тепасига ўтказди. «Ҳокимият алмашгандан» икки йилдан сўнг Брежнев ко-

мандаси ўзининг ижтимоий таянчига «қаноатланиш» ҳиссини бахш этди, корхона фойдасини ўз билганларича тасарруф этишга, унинг каттагина қисмини меҳнатга ҳақ тўлаш ва мукофот кўринишида ўз чўнтақларига йўналтиришга ҳам рухсат берди. Мукофотлар ойлик иш ҳақига нисбатан фоизларда ҳисобланган ва бошқарув аппаратники ишчиларникига нисбатан анча миқдорда кўп бўлган.

Янги тизимнинг пировард мақсади капитализм бўла бошлади, унда «корхоналар ташаббуси» ва «фойда» самарадорлик мезони сифатида ўзининг тўлиқ «тараққиётига» эришади. Ислоҳот совет иқтисодиётини, бозор орқали боғланган, мустақил корхоналар йиғиндисининг «якка фабрикаси» бўлиш мақсадидан четга суриб қўйди».

Иттифок матбуотида «Косигин ислоҳоти» ҳақидаги мунозара авж олган маҳалда, асосан унинг ижобий томонлари васф килинди, кенг омма бўлаётган ҳодисаларга хушёрлик билан баҳо бера олишмади. Улар раҳбариятга ишонишарди, улар эътироф этишардики, ислоҳот совет жамиятига яхши хизмат қилади ва совет иқтисодиётига Хрушчёв ислоҳотлари киритиб қўйган боши берк кўчалардан чиқишга имкон беради. Иттифок ташқарисида эса шубҳагарлар кўп бўлган, улар «Косигин ислоҳоти» социализмни кутқариб қолувчи эмас, балки унинг заволи эканига ишонишарди. Жумладан, Хитой раҳбари, бир қатор марксистлар, Америка китъасидан Че Гевара ёки ғарбий Германия коммунисти Вилли Диккут кабилар шундай ҳисобларди.

Яна Ш. Рашидовга қайтамыз.

Съезддан қайтиб келгач, у одатий юмушларга боши билан шўнғиб кетди. 17 апрель куни Тошкентдаги Санъат саройида Белоруссия адабиёти ва санъатининг Ўзбекистондаги декадасини очди. Бу каби декадалар ҳар йили барча иттифокдош республикаларда ўтказиб турилган, ҳаттоки бир неча маротаба – мисол учун, ноябрда Ўзбекистонда Туркман адабиёти ва санъати декадаси ўтади. Декадалар икки ҳафта давом этар ва унинг давомида қабул қилаётган республика аҳолиси меҳмон-республиканинг энг яхши мусиқа ва театр жамоалари томошаларини, фильмларини кўришга, энг яхши шоир-ёзувчилари билан учрашувларда қатнашиш имконига эга бўларди.

Бир неча кун ўтгандан сўнг, 22 апрелда Шароф Рашидов В.И. Ленин таваллудининг 96 йиллигига бағишланган йиғилиш (у А. Навоий номидаги



опера ва балет театрида бўлди) тадбирни бориб кўрди. Ўзбекистон жиддий синов остонасида – Тошкент зилзиласи арафасида турганлиги ўша кунларда ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмас эди.

Фалокатдан олдинги кун (25 апрель) Тошкент аҳолиси бир маромда яшар ва ишларди. Юзлаб дўконлар, касалхоналар очик, хиёбонларларда минглаб одамлар дам олар, кинотеатрларда янги кинофильмлар намоиш қилинарди. Ўшанда «Жангни қабул қиламан», «Вақт, олға», «Алпъ балладаси», «Қонли кўйлак», «Қаҳр» каби фильмлар намоиш этилган.

26 апрель тонгида Тошкент тинч ухларди, соат 5 дан 22 дақиқа 53 сония ўтганда Рихтер шкаласи бўйича 8 баллдан ортиқ куч билан ер ости силкиниши – зилзила бошланди. Сейсмологларнинг фикрига кўра, ер ости зарбасининг вайрон қилувчи офати жуда катта бўлган (50 миллиард киловаттга тенглашган, бу 12 минг Братск ГЭСи қувватига тенг) ва шаҳарни бутунлай вайрон бўлишидан фақат шу жиҳат кутқариб қолганки, ҳалокат ўчоғи нисбатан унчалик катта бўлмаган чуқурликда жойлашган – ер остида 3 дан 8 километргача бўлган чуқурликда, шу туфайли вертикал тўлқинлар узокқа тарқалмай, тезда сўнган. Туркменистон пойтахти Ашхободда бошқачароқ кечган, бундан 20 йилча олдин (1948 йил 6 октябрда) кучли ер силкиниши бўлган – у ерда ҳалокат оқибатлари даҳшатли: шаҳар деярли бузилиб, 176 минг киши (шаҳарда яшаган 198 минг киши) ҳалок бўлган.

Тошкентда максимал вайронгарчилик 10 квадрат километрни қамраб олди (бу шаҳар маркази эди), лекин асосан эски пахса уйлар бузилган, инсон талофатлари жуда оз: расмий маълумотларга кўра 8 киши ўлган ва 150 киши турли жароҳат олган. Зилзиланинг биринчи дақиқасида Тошкентда нима бўлганини гувоҳлар айтиб беришади.

Т.Иванова (бир йилдан сўнг уни «Тошкент қурувчиси» медали билан мукофотлашади): Биз ўшанда Госпиталь бозори атрофида, уч қаватли уйда яшаганмиз. Кўпчилик эслайди, ер силкинишидан олдин ер ости гумбурлаши эшитилди ва қандайдир нурланиш кўринди. Лекин мен шу тунда жуда қаттиқ ухлаганман, туртилишдан уйғониб кетганман, худди кимдир уйимизни остидан тепгандай бўлди. Албатта, уйқусираб ҳовлига югуриб чиққанман, ердан кўтарилган чанг туфайли ҳовлида ҳеч нарса кўринмасди. Кимдир қичқирди: «Уруш!» Беихтиёр атом бомбардимони ҳақида ўйлайсан, ўша йиллари америкаликлардан хавфсираб яшардик. Лекин яхши эс-

лайман: бир кўшнимиз балкониға чиқиб нима учундир оёқартгични қоқиб, яна хотиржам ухлагани кириб кетди. Бу менга қандайдир таъсир қилди. Мен эрталабгача, то ишга кетмагунимча ҳовлида бўлдим...»

У.Сарсенбаев: «Мен йигирма ёшда эдим, кечки бўлимда ўқиб, «Ташсельмаш»даги талабалар ётоқхонасида яшардим. Ўша кун арафасида имтиҳонлардан кейин китоб ўқиб шу даражада тинкам куридики, ҳатто қачон ер қимирлаганини сезмай қолибман. Уйғониб қарасам, бошимни олдида ғишт бўлаги ётибди. Атрофга боқсам – болалар йўқ, деворлар ёрилиб, бўлаклари сочилиб ётибди. Балкон томонга бордим, чиндан ҳам у йўқ. Пастга қарадим, у осилиб турарди. Менга кўчадан бақиришди: «Тезроқ чик, факат эҳтиёт бўл!» Мен оҳиста кўчага чиқишни эпладим ва бир оз вақт ўтгандан сўнг ваҳимага тушдим».

В.Ивонин: «Мен хусусий уйда ота-онам ва синглим билан яшайман. Ҳамма нарсани аниқ биламан, чунки биз меҳмон кутиб олишга тайёргарлик кўраётган эдик, мен йигирма ёшга тўлгандим. Ҳаяжон билан кутаётувдим биринчи юбилейимни. Ер силкинганда ҳаммамиз ҳовлига югуриб чиқдик. Зилзила кучли бўлди. Қўрқинчли гумбурлаш, ҳамма нарса қулаб, тўкила бошлади. Ва энг ажабланарлиси – мутлақо ёруғ эди. Ер силкиниши ёруғлик билан бирга содир бўлди. Яхши эслайман ёғдуларни. Қандайдир геомагнит эффект бўлди.

Мени ҳайрон қолдирган нарса – жамоат транспорти юрарди. Албатта, ҳар хил миш-мишлар бўлди, лекин саросима, талон-торож йўқ эди. Шу кунни машғулотлар бекор қилиниб, институтга келмаган дўстларимизни излаб кетдик. Йўлда кўрдик: айниқса, Олой бозори атрофидаги уй-жойларга кўпроқ шикаст етган, Цирк томи қулаган, ёшлар ўртасида оммабоп бўлган «Искра» кинотеатрининг томи ағдарилиб тушган. Инқилобгача қурилган ҳарбий казармалар қулаб тушганди. Деворларининг қалинлиги бир метрдан ортиқ бўлса ҳам зилзилага бардош бера олмаганди».

Ҳақиқатан ҳам, жуда кучли вайронгарчилик шаҳар марказида бўлганди, лекин асосан бир қаватли эски пахса уйлар шикастланганди, уларни шаҳар раҳбарияти анчадан бери бузиб ташламоқчи эди. Аммо барча муаммо шунда эдики, ўша уйларда истиқомат қилувчилар ўрганган жойларидан кўчиб кетишни хоҳлашмасди. Ниҳоят, бу муаммони табиий офат ҳал этди, деярли барча «пахса уйларни» вайрон қилди. Кейинчалик расмий комис-

сия аниқлашича, қарийб 79 минг оила ёки Тошкентда ўша вақтда яшаган бир миллион кишидан 300 минг киши бошпанасиз қолган. Жами бўлиб 2 миллион квадрат метр тураржой майдони, 236 та маъмурий бино, 700 яқин савдо ва умумий овқатланиш иншоотлари, 26 та маиший корхона, 181 та ўқув юрти, 36 та маданият муассасаси, 185 та тиббиёт ва 245 та саноат биноси вайрон бўлган. Вайрон бўлган умумий биноларнинг сони 37 395 тани ташкил этди, шу жумладан, 36 минг тураржой биноси (92 минг квартирага яқин) ҳам ишдан чиққанди.

Рашидов дарҳол Москвага телефон қилиб, Брежневга зилзила ҳақида маълумот берди. Бош котиб бу кўнғироққа расмийлик билан қарамади, дарҳол Тошкентга Алексей Косигин билан биргаликда учиш тўғрисида қарор қабул қилди. Москвалик меҳмонлар Ўзбекистон пойтахтига ер силкинишидан бир неча соат ўтиб етиб келишди. Буни машҳур сейсмолог, профессор В. Уломов шундай хотирлайди:

«Шаҳарда телефон алоқаси бутунлай ишдан чиққанди, ер силкинишидан анча вақт ўтгач, мени олиб кетгани машина келди, рўлда милиция майори ўтирарди. У менга «бўлиб ўтган ҳодисалар туфайли қамоққа олинганимни» айтди. Лекин бу ҳазил эди. Мени қамоқхонага эмас, Ўзбекистон Компартияси МКга Шароф Рашидов, Москвадан учиб келган Брежнев ва Косигин билан учрашувга олиб боришди.

Москвалик меҳмонларнинг иккаласи ҳам столнинг юқорисига ўтириш истагини билдирмади, буни Рашидов илтифот билан таклиф этганди, кўндаланг столни ўртасига, айнан менинг рўпарамга ва мени орқамда илинган харитани рўпарасига ўтиришди. Мавжуд вазият ҳақида маълумот бера бошладим. Биринчи бўлиб мени Брежнев тўхтатди, шаҳар планида биз турган жой ер силкиниши марказига нисбатан қаерда жойлашганлигини кўрсатишни илтимос қилди. Шу вақтда МК биноси деразаси ортида бақирик ва кучли шовқин эшитилди. Брежнев сўради, бу силкиниш эмасми? Мен, йўқ деб, қўшимча қилдим, бақирик ва кучли шовқин, чамаси, яқин масофада жойлашган «Пахтакор» стадионида урилган гол туфайли туғилганди. Ўзбекистон ва Белоруссия терма жамоалари ўртасидаги футбол ўйини қолдирилмаганди (қайд этиб қўямизки, шаҳарда умумий ва маданият муассасалари: театрлар, кинотеатрлар ва бошқалар фаолият юритарди – *муаллиф*). Шунда у ҳазиллашиб, айтди: «Қани, Шароф Раши-

дович, сизда ҳеч қандай ер силкиниши бўлмаган. Бу футболдаги голлар урилишининг натижаси, холос». Аммо шу вақтда 4 баллик силкиниш рўй берди. Брежнев ҳазил қилди: «Энди қопкўрпани олиб бирор бир дарахт тагида ухлашимга тўғри келади».

Мен ўшанда эътибор бердимки, Брежнев у ёки бу масалада Косигинга жуда кўп мурожаат қилар, унинг фикрини сўрарди. Косигин шарофати билан, Рашидовнинг Тошкентда метрополитен қуришга рухсат бериш илтимоси ҳам қондирилди ва Тошкентни тиклаш учун бошқа иттифоқдош республикалардан қанча куч ҳамда маблағ ажратилиши ҳам аниқланди. Бунинг яна бир яхши томони шаҳарда пахсадан қурилган уйларни тугатиш таклифи бўлди».

Кейинчалик кўпчилик ўзбек тарихчилари қайд этиб ўтишадикки, Рашидов ўша вазиятда юқори топқирлик ва вазминлик кўрсатган. Анчадан бери Тошкентни, айниқса, унинг марказини (Эски шаҳар деб номланадиган қисмини) қайта қуришни орзу қиларди, лекин катта миқёсдаги қурилиш ишлари учун республика бюджетига маблағ йўқ эди. Москва эса, Рашидов айтган рақамларни эшитиши билан, шу заҳотиёқ рад этган. Бу бир неча йил, Тошкент зилзиласи рўй бермагунча давом этди. Натижада, ҳаммаси «бахт йўқ эди, бахтсизлик ёрдам берди» деган кўҳна мақолда айтилгандек бўлди. Рашидов бутун салоҳиятини ишга солиб, Марказ фақатгина Эски шаҳардаги янги қурилишлар учун максимал маблағ ажратиб қолмасдан, умуман Тошкентни ободонлаштириш учун ҳам маблағ ажратилиши кераклигига Бош котибни ишонтира олди. Шундай қилиб, Ўзбекистон пойтахти амалда Бутуниттифоқ қурилишига айланди, бу фақатгина республика учун фойдали бўлиб қолмасдан, Марказ учун ҳам кучли мафқуравий кампания шаклида, совет республикалари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаши лозим эди. Аслида бу Иккинчи жаҳон уруши тугагандан кейин Иттифоқда оммавий ҳамжихатликнинг дастлабки намунаси ҳам эди. Уруш йилларида эвакуация қилинган минглаб Украина, Белоруссия ва Россия аҳолисини қабул қилиб олган тошкентликлар 20 йил ўтгандан кейин барча Иттифоқдош республикаларнинг биродарларча ёрдамини ўз ҳаётида ҳис этишди.

Т. Иванова хотираларидан:

«Ҳозирги МУМ жойлашган ерда ҳарбийлар талофат кўрганлар учун минглаб чодирларни ўрнатишди. Бизнинг тепамизда улкан шиор осилиб

турарди «Силкинамиз, лекин таслим бўлмаймиз» (белгилаб қўямиз, ер силкиниши 26 апрелдан кейинчалик Тошкентда бир неча маротаба такрорланган: 9 ва 24 майда, 4 ва 5 июлда, 1967 йил 24 мартда – *муаллиф*). Кундалик турмушда энг зарур нарсаларни тарқатишни бошлашди. Болаларни оромгоҳларга, «Артек»жа ҳам олиб кетишди. Аҳолини бошқа шаҳарларга ва ҳаттоки республикаларга кўчиб кетишни таклиф қила бошлашди, аммо жуда озчилик рози бўлди. Кайфият қандайдир асабий, лекин ваҳимали эмасди. Мен янги туман – Чилонзорни телефонлаштиришим лозим эди. Авваллари Фарҳод бозори ўрнида қамишли ботқоқзор ва хўжалик ерлари бўлган. Волгоград кўчаси ерларида биз картошка терардик. Энди, 1966 йилнинг қишигача бошқа шаҳарлик қурувчилар беш каватлик уйлардан иборат замонавий туман қуришди, уларнинг бирида мен икки хонали квартира олдим.

Чилонзор даҳалари ва уйларининг тартиб рақамлари тартибсиз, чунки рақамлар уйлар фойдаланишга топширилиш тартибида берилган. Дўкон ва қаҳвахона номлари қурувчилар шарафига аталган. Ҳозиргача бу ерда уларни эски номлари билан – «Бошқирдистон», «Донецк», «Киевлик», «Москва кафеси» деб мўлжал олинади. Ўша вақт учун туман кўркам ҳисобланарди. Ҳар бир ҳовлида кумлоқ ва арғимчоқ, сувли бассейн билан болалар майдончаси бор эди. Дарахтларни эса аҳолини ўзи ўтказган».

Яна бир номсиз муаллиф хотираси. Бу матнни Интернетдан топдим: «Зилзиладан кейин ҳаммамиз кўчада яшадик, каравотларни олиб чиқдик, кимдир чодир олиб тикди. Уч уй аҳли кечаю кундуз очик ҳавода истиқомат қилардик! Болалар тўла эркин эди.

Мактаб! Қанақа мактаб?! Барибир болалар ўта шўх эдик. Ҳозир эсласам ўзим уялиб кетаман. Биз қандилларни ип билан боғлаб, дарснинг энг кизгин пайтида уларни тебратишни бошлардик. Шовкин, бақириқ – ер кимираляпти!.. Ҳамма югуриб синфдан чиқиб кутарди, орқамиздан кўшни синфдагилар ҳам. Шундай қилиб, ҳамма кўчага чиқиб оларди. Биз безорилар учун бу кулгули, жуда ҳам кулгили туюларди.

Эсимда, кўчада аскарлар автоматлар билан юришарди. Билмайман, балки ҳақиқатдир; айтишларича, мародёрлар жойида отиб ташлансин, деган буйруқ бор эди. Шуниси кишини ажаблантирадидики, битта ҳам қотиллик, битта ҳам ўғрилик, умуман битта ҳам жиноятчилик содир бўлмади! Мени

бир қарагим келади, бугун нима бўлиши мумкин эди! Ўша пайтда ҳамма ўзини барча билан биродардек ҳис этарди. Йўқ, бахтсизлик сабабли эмас, айнан қондошлик нуқтаи назаридан барча ўзини бир-бири билан бир тану бир жон ҳисобларди».

Ер силкинишининг бошқа гувоҳларининг сўзлари.

В. Ивонин: «Ҳозирги «Бродвей»да (ҳозирги «Сайлгоҳ» кўчаси) икки қаватли дўконлар жойлашган эди, уларнинг витринаси чил-чил синганди. Ҳеч қанақанги ўғрилик ёки мародёрлик кузатилмади».

У. Сарсенбаев: «Бутун Иттифоқдан қурувчилар кела бошлади. Қурилиш материаллари тўғри кўчалар бўйлаб жойлаштирилди. Мен у вақтда қурилишда бригадир бўлиб ишлардим. Шуниси характерлики, ҳар хил турдаги ёғоч материаллар амалда кўриқланмасди. Ҳеч ким, ҳатто қурилиш материалларини ўғирлашга ҳаракат қилмаган. Кулфатнинг умумийлигини англашганди».

Шу орада шаҳарга ҳар куни барча иттифоқдош республикалардан қурувчилар келиб туришди. Мингдан ортиқ чодирлар тикилди, 600 га яқин вақтинчалик дўконлар ва умумий овқатланиш муассасалари очилди. 15 мингдан зиёд оила тартибли равишда ўз хоҳишларига кўра Ўзбекистондаги ва бошқа республикалардаги шаҳарларга кўчирилди. Тошкентлик болалар «Артек»дан ташқари, Иттифоқдаги 94 вилоятнинг болалар лагерларида дам олишди. Жумладан, 12 июнда Киевга – 395 бола, 15 июнда Бокуга – 244 бола, 21 ва 22 июнда – 240 тадан бола, 4 июлга Одессага – 349 бола жўнаб кетди. Ҳаммаси бўлиб 1966 йил ёзида ҳар хил лагерларда Ўзбекистонлик 23 мингдан ортиқроқ бола дам олди.

Шароф Рашидов бошқа республикалар раҳбарлари қатори доимо қурилиш ишларидан хабардор эди: улар тез-тез қурилишларга келар, энг долзарб масалаларни шахсан ҳал қиларди. Умуман, 1966 йилдаги ер силкиниши айнан ўша лакмусли қоғозга ўхшади, у туфайли аён бўлдики, республикада саводли ва серғайрат раҳбарият бор, раҳбарият ўта оғир вазиятида ўз иродасини жамлаб, бутун куч-ғайратини сафарбар қила олди. Ўрта Осиё темирйўллари раҳбарияти фаолиятини ҳам мисол қилиш мумкин. Машҳур известиячи-журналист Аркадий Сахнин шундай тавсиф беради:

«Қандай қилиб темирйўл тармоқларида тартибсизликлардан қутулиб қолиш, ақлга сиғмайдиган поездлар оқимини оқилонга бошқариш ва Ўрта Осиё Республикаларида тиқинлик юзага келтирмаслик мумкин?»

Тошкент темирйўл тармоғидаги муаммолар билан Марказий Комитет ва ҳукумат, Ўзбекистон раҳбарлари, алоқа йўллари вазири шуғулланган.

Тошкент узелида тартибсизлик бўлмаган. Ўрта Осиё Республикалари томонига қараб ҳаракатланган бирорта поезд ушлаб қолинмаган. Ўн беш республиканинг ҳеч бир қурилиш тармоғи йўлга даъво қилмаган. Уй-жой фондини тиклашда тошкентлик темирйўлчилар шаҳарнинг барча қурилиш ташкилотларини ортида қолдирган ҳолда ақл бовар қилмас ишларни уддалашди.

Бу пухта ташкилий ишлар, муҳандислик муаммоларини мардонавор ҳал этилиши, оддий темирйўлчиларнинг ақлий ва жисмоний кучларининг улкан сафарбарлиги натижаси эди.

Ўрта Осиё темирйўллари бошқармаси давлат миқёсидаги чигал масалаларни ҳал этадиган жанговар, ҳаракатчан, ташаббускор ташкилот эканлиги оғир синов даврида маълум бўлди. Йўлнинг ташқи бошқаруви, жанг олиб бораётган кўмондонликка ўхшайди. Яраланган, кулашга тайёр турган ўнлаб кабинетлари билан, у ердан одамлар пастки каватларнинг вестибюль ва йўлакларига ўз столлари, шкафлари, телефонлари, селекторлари билан кўчиб чиқиб жойлашишган, чуқур ёриқлари бор бу бино йўлнинг ва унинг юз минглик жамоасини ҳарбий штаби ҳисобланади, уни йигирма йилдан бери улкан қалбли, билимли, истеъдодли ва ажойиб киши, Ўзбекистон Компартияси МК аъзоси Азиз Қодиров бошқариб келади. У секин ва оҳиста гапиради, сўзлари вазмин ва ишонарли. Мана шу босиқлик, вазминлик энг қийин пайтда атрофдагиларга куч бахш этади.

Охирги йилларда бошқармада битта ҳам танбеҳ берилмаган. Юзлаб одамлар мукофотланган ва ташаккурнома олган, негаки, ўша йилларда Ўрта Осиё темир йўли Иттифоқ йўллари тармоғида доимий равишда биринчи ёки олдинги ўринлардан бирини эгаллаб келарди.

Темирйўлларнинг партия комитети битта ҳам шахсий ишни кўриб чиқмаган, чунки улар бўлмаган. Шу сабабли ўртоқлик суди фаолият юритмаган. Фақатгина бошқармада эмас, балки йўлларнинг юз минг кишилик жамоасида ичкиликбозлик таг-томири билан йўқ қилинган. Бу хайрли иш бир неча йил олдин дадил ва оқилона амалга оширилган. Бир неча ойга эмас, балки қисқа вақтга мўлжалланган бу иш кўпчилик учун хатарли кўринди. Бироқ қойилмақом уддаланди. Қодиров: «Битта маши-

нист, диспетчер, стрелкачи, поездлар ҳаракатига боғлиқ исталган одамнинг арокхўрлиги юзлаб одамларнинг ҳаётига тенг бўлади. Шу нарсанинг олдини олиш учун, биз ҳар қандай чоралар кўришимиз зарур!» – дея таъкидлади.

Тошкентлик темирйўлчиларнинг ҳаёти ва иши шунга гувоҳлик берардики: агарда фалокат юз берса, улар саботли, жасур бўлишади ва уларнинг ҳар бирига ишониш мумкин. 1966 йил апрель воқеалари буни тасдиқлади.

Ер силкинишидан кейин юк босими бир неча баробар ортди. Темирйўлчиларнинг бутун шаҳардаги бир юз йигирма минг квадрат метрли тураржойидан, саксон минг квадрати зарар кўрди. Бундан ташқари, ер остидан ва ҳаводан мураккаб алоқа йўллари ўтказилган Ўрта Осиё йўллар бошқармаси, эксплуатация бўлими, станция, вокзал, темирйўл касалхонаси, ўқув даргоҳлари, болалар муассасалари зарар кўрди. Буларнинг ҳаммасини тез тиклаш талаб этиларди. Айнан тез фурсатда, чунки Тошкент марказлашган бошқариш тизими таъминланган бўлиб, диспетчерлик ва поездлар қатновини бошқарувчи бошқа хизматларни алоқасиз қолдириб бўлмасди. Уй-жойи вайрон бўлган етти юз эллик оилага тез фурсат ичида уйларини қуриб бериш керак эди. Хуллас, бутун Тошкент тошкентлик темирйўлчилар учун асосий ишдан ташқари, жуда катта қурилиш иншоотига ҳам айланди.

Барча совет республикалари, Москва, Ленинград ва бошқа шаҳарлар Ўзбекистон пойтахтига ёрдам беришга ошиқди. Мамлакатнинг завод-фабрикаларида буюртмалар навбатсиз бажарилар, навбатсиз ортилар, поездлар йўловчи поездлардан олдинга ўтказиб юбориларди. Қурувчилар, талабалар, лойиҳачилар, турли касб эгаларининг ғоят катта оқими жабр кўрганларга ёрдам бериш учун интилди. Қурилиш материаллари, механизмлар, ускуналар – ҳаммаси бир манзилга, Тошкентга жўнатиларди».

Бутун мамлакат Тошкентни тиклашга киришди. Жумладан, Москва ҳукумати махсус қарор қабул қилди, «Бошқўприққурилиш» кучи билан Ўзбекистон пойтахтида 230 минг, шундан 1966 йилда – 50 минг, 1967 йилда – 180 минг квадрат метр уй-жой қурилиши мақсад қилиб қўйилди. Яна москваликлар Тошкентда маданий-маиший бинолар мажмуасини қуриш мажбуриятини олишди. Барча қурилиш дастур доирасида ва Москва шаҳар ижроия комитетининг капитал маблағлари ва қурувчилари ҳисобига амалга оширилиши лозим эди (умумий қиймати – 56 миллион 100 минг рубль).



Шу орада бошка худудлар ҳам худди шунга ўхшаш мажбуриятларни қабул қила бошлади. Жумладан, РСФСР Тошкентда 330 минг квадрат метр уй-жой қуриш мажбуриятини олди, Украина – 160 минг, Ленинград – 100 минг, Озарбайжон – 35 минг, Қозоғистон – 28 минг, Грузия – 25,5 минг, Белоруссия – 25 минг, Литва – 20 минг, Арманистон – 15 минг, Қирғизистон – 11,5 минг, Туркманистон – 9 минг, Тожикистон – 8 минг, Латвия – 7,5 минг, Молдавия – 6 минг, Эстония – 5,4 минг.

Шунингдек, ёрдам жамғармаси ҳам ташкил этилди, унга шахсий ва жамоавий маблағлар ўтказиларди. Республика молия вазирлигига Ўзбекистон Давбанкни республика муассасасига Тошкентга ёрдам тариқасида берилаётган маблағларни ўз вақтида қабул қилишни ташкил этиш, «Тошшаҳарижроқўм»ига мана шу маблағларни зилзила талофатларини бартараф этиш билан боғлиқ харажатларга ишлатишни ташкил этишни таъминлаш топшириғи берилди. Келиб тушаётган маблағлар «17006» ҳисоб рақамига қабул қилинди. Мана шу ҳисоб рақамига жами 10 миллион рублдан ортиқроқ маблағ тушди. Бу маблағларнинг 5,5 миллион рублдан кўпроғини туман ижроия комитетлари хусусий тураржойларни таъмирлашга тарқатди. Совуқ тушгунча кўплаб оилаларни чодирларга кўчиб ўтишига ёрдам берилди. Бир миллион рублга яқин маблағ алоҳида эҳтиёжмандларга йўналтирилди. Пулнинг бошқа қисми шаҳардаги ва болалар лагерларига, бепул овқатланишни ташкил этишга, болаларни лагерларга ва республика ташқарисида дам олишларини ташкил этишга сарфланди.

Қайд этганимиздек шу кунларнинг кўплаб гувоҳлари, Тошкентда мародёрлик, ўғрилик, жиноятчилик содир бўлмаганини таъкидлашади. Гўё жиноятчилар ҳам ялпи сафарбарликни ҳис қилгандай, ўз касбларини унутгандай эди. Шубҳасиз, ўша вақтда оммавий мусибатдан фойдаланиб бўйиб олишни истаган одамлар ҳам бўлган. Шунга ўхшаган ҳодиса ҳақида «Тошкент ҳақиқати» газетасининг 1966 йил 3 июндаги сониде ёзилган. Мақолада гап «қора даллоллар» – Чилонзор туманида квартиралар сотувчилар ҳақида бўлган.

Ҳаммаси янги сув ўтказиш тармоғини ўтказишдан бошланган ва бунинг учун бир нечта уй бузилиши керак бўлган. Одамлар рўйхатини «Водоканал» хизматчилари тузган. Айнан шу вақтда бу ерга спорт-техник клуби бошлиғи Б. Гарновский келиб, рўйхат тузувчиларга, сизнинг ихти-

ёрингизда жуда катта омад бор, деб айтган ва қуйидаги комбинацияни таклиф этган: у шинам квартираларда яшамоқчи бўлган одамларни топган, «Водоканал» хизматчилари эса уларни навбатда турганлар рўйхатига киритишган ва бунинг учун мўмай пул олишган.

Фирибгарлик бир неча ҳафта ўтиб фош бўлди. Натижада, иштирокчилар қилмишларига яраша жазо олишди: квартира сотганлар қамоққа ҳукм этилди, ноқонуний квартира эгалари эса янги квартиралардан чиқарилди. Муаллиф Г. Бухаров мақолага шундай хулоса қилади: «Тошкент оғир кунларни кечирмоқда. Табиий офат кўпларни бошпанадан маҳрум қилди. Ҳозир, ҳар қачонгидан ҳам тураржойларни тақсимлашда ҳамма яхши ва ёмон томонлар чамалаб кўрилиши лозим. Халқнинг қайғусидан фойда кўриш ишқибозларига раҳм-шафқат қилинмаслиги керак».

Ўша кунларда Тошкент милицияси қандай тартибда ишлагани «Совет милицияси. Тарих ва ҳозирги кун» китобида ҳикоя қилинган:

«1966 йилда Тошкент зилзиласи вақтида ички ишлар органлари хизматчилари фидокорона оғир вахтани олиб боришди. Улар барча мумкин бўлган ва ҳатто мумкин бўлмаган ишларни ҳам бажаришди. Милиция, образли айтганда, кўлини шаҳар пулсида ушлаб турди. Милиция кийимидаги кишилар одамларни қутқарар, ёнғинларни ўчираар, газ чиқишини бартараф этар, сув босган хонадонлардан сувни тортиб чиқарар, транспорт ҳаракатини ташкил этарди...

Кўчаларда посбонлик ишларида 2 мингга яқин милиционер, милиция мактаби курсантлари, аскарлар, жамоат ходимлари жалб этилди. Улар, айниқса, чодирли шаҳарчаларда тартиб-интизомни хушёрлик билан қузатишарди. Махсус оператив гуруҳлар қимматбаҳо ашёлар, қурилиш материаллари, озиқ-овқат ва саноат молларини қўриқлаш бўйича чораларни кўрди. Шаҳарда намунали тартиб сақланиши таъминланди.

Милиция ходимлари хизмат вазифаларини бажаришда ўрнатилган кўрсатишди. Шаҳар бўйича навбатчи Х. Пўлатов биринчи ер силқинишидан кейин тартибсизлик бўлган жойга навбатчи нарядни жўнатиб улгурмасидан, хонанинг шипи қулаб тушди. Пўлатов харобалар остидан чиқиб, хизмат вазифасини давом эттирди. Зобитлар Шораҳмедов ва Шохайдаров, сержант Рихматов ва кўпгина бошқа милиция ходимлари одамларни қутқаришда қаҳрамонлик ва жасорат кўрсатишди. Фидокорона хизматла-

ри учун 49 нафар милиция ходими «Жамоат тартибини сақлашдаги аъло хизматлари учун» медали билан тақдирланди».

Яна Тошкент зилзиласи гувоҳларига мурожаат қиламиз.

У.Сарсенбоев эслайди: «Жуда оғир эди. Лекин Тошкентни тиклаш учун бизга ёрдам бергани келганларга ҳам осон бўлмаётганини ўз кўзимиз билан кўриб турардик. Ер силкинишлари ҳамон давом этар, аскарлар ёғоч ва тўсинлардан вақтинчалик уйлар тиклашарди. Бу уйларда қурувчи ва бошқа мутахассислар яшарди. Жумладан, тахта-ёғочдан қурилган вақтинчалик уйлардан ташкил топган мавзени «Спутник», яъни «Йўлдош шаҳарча» деб аташди.

Ишчи ва муҳандислар Севастополь, Ленинград, Прибалтика ва Кавказ, Қозоғистон, Белоруссия – ҳар томондан келишарди. Кимлардир чодирларда яшар, яхшиямки об-ҳаво иссиқ. Табиат ҳам қарашиб юборди – мутлақо ёмғир бўлмади.

Тошкентни жуда тез тиклашди. Энг муҳими, фақат шаҳар эмас, одамларнинг фикрлашيام ўзгарди. Хусусий уйларда яшаган минглаб аҳоли – «маҳаллачилар» – кўп қаватли уйларга кўчиб ўтишди. Кўплари ўз қўшнилари билан битта бинога жойлаштиришларини сўрашди. Ва ҳозир ҳам уларнинг кўпчилиги аҳил яшашади ва уй йўлакчаларини, ҳовличаларни намунали сақлашади».

Юқорида қайд этилгандек, шаҳар бошига тушган табиий офатга қарамасдан, унда ҳаёт тўхтаб қолмади: коммунал хизматлари, тиббиёт муассасалари, ўқув юртлари ва мактаблар, концерт заллари, кинотеатрлар ва бошқалар узлуксиз равишда ишлади. «Пахтакор» стадионида мамлакат биринчилиги ўйинлари мунтазам ўтказиб турилди, мусобақалар зилзиладан икки ҳафта олдин – 10 апрелда бошланганди. Ўша йил якунида Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси 9-ўринни (19 команда орасида) эгаллади. Ўша вақтда жамоа мураббийси машҳур динамочи Михаил Якушин Тошкентдаги фаолияти ҳақида шундай хотиралайди:

«Грузия пойтахтида менга яхши муносабатда бўлишганига қарамасдан, меҳрим тушиб қолган Тошкентни алоҳида мамнуният билан эслайман. Кейинчалик ҳеч қаерда «Пахтакор» билан ишлагандек яхши ишлай олмадим».

Шу мазмунда гапирган машҳур киноактёр Родион Нахапетов ҳам ўша йили ёзда Ўзбекистонда «Меҳр» фильмида суратга тушган:

«Мен режиссёр Элёр Ишмухамедов билан Москвада, олий кино билим юртида дўстлашганман. Биз биргаликда Чеховни «Йўлда» ҳикоясини сахналаштириш устида ишлаганмиз. Аёлларда кучли таассурот қолдириш ниятида бўлган омадсиз одамнинг роли менинг диплом ишларимдан бири бўлган.

Биз Элёр билан Феллини фильмларини жуда ёқтирардик. Ҳазил тариқасида Элёрга «Элерини» деб исм кўйгандим.

Талабалик даврида бошланган дўстлик яқин ижодий ҳамкорликка айланди. Элёр мени «Меҳр» фильмида Тимур ролида суратга тушиш учун таклиф қилди. Янги, таъсирли, нозик киноасар сифатида, қолаверса, фильмнинг бир сахнасида фойдаланилган Барбюснинг «Меҳр» ҳикояси каби менга Одилшо Агишев сценарийси ёқди. Ноёб ўрта аср архитектураси, одамларнинг хушфёъллиги, иссиқ куёш, палов ва кўк чой ҳозиргача менда соғинч ҳиссиётларини кўзғайди. Суратга олиш муҳити ҳам ҳамон хотирамда.

Янглишмасам, Жанна Моро Антонионида («Тун» фильмида) суратга тушишдан норози бўлади. Режиссёрнинг доимий ижодий серғайрат бўлиши унинг ташаббусини бўғиб кўярди ва толиқтирарди. «Трюффода суратга тушиш иш бўлдими! – уф тортарди у, «Жюль ва Жим»ни эслаб. – Дарҳақиқат, ҳаммаси хамирдан қил суғургандек осонлик билан кечди!»

Жанна Моро учун «Жюль ва Жим» қандай бўлган бўлса, мен учун «Меҳр» ҳам шундай бўлди – шунчаки ишнинг ўзи эмас, Ўзбекистонда кечган ҳаётим ҳам мароқли кечди. Фильм биродарларча осонлик ва эркинлик билан суратга олинди. Ҳаммамиз баҳамжиҳат ишладик, шунинг учун ҳар бир тасодифан айтилган сўз, ишора ёки кузатиш эслаб қолинар, умумий ижод жараёнида қайта яратилар ва фильмда ўз жойини топарди. Бекаму кўст ҳамжиҳатлик ва эркинлик. Худо сийлаган «Меҳр» йилидагидек хотиржам фаолият ва ижодий кўтаринкилик кейинчалик ҳеч каерда ҳамдам бўлмади!...»

Қайд этаман, «Меҳр» фильми нафақат Ўзбекистон, балки совет кино санъати олтин фондига киритилди. 1967 йилда Франкфурт-Майнедаги IV Осие фильмлари ҳафталигида махсус диплом билан тақдирланди. Мазкур фильм суратга олинган йили, 1966 йилнинг баҳорида Латиф Файзиевнинг «Улуғбек юлдузи» Киевда бўлиб ўтган Бутуниттифок кинофестивалда 2-мукофотга (Туркменистонлик кино усталарининг «Муҳим қадам» фильми билан) муносиб кўрилди.

Ўша йилнинг ёзида халқаро сахнада ўзбек санъатига навбатдаги ғалабани кўшиқчи Ботир Зокиров олиб келди: у Европанинг эътиборли сахналаридан бири – Париж «Олимп»ида концерт берди. Биз Зокиров билан 50-йиллар охирида ажралишдик, ўша вақтларда унинг кўшиқчилик санъати энди-энди юксак парвозга шайланаётган пайтлар эди. Ўн йиллар ўтиб бу ном миллионлаб тингловчиларга маълум бўлди. Зокиров кўшиқлари ёзилган грампластинкаларни савдо пештахталаридан тезда олиб кетишар, ўзи эса телеэкранларда тез-тез кўриниб турарди. Айниқса, унинг ижросидаги: «Ҳабиба» ва «Қиз бола ва кўза» кўшиқлари тез-тез намоёниш этиларди. Шу кўшиқлар ёзилган пластинкалар менинг коллекциямда бўлган, улар тез-тез эшитиладиган кўшиқлар сирасига кирарди. Бу кўшиқлардан олган таассуротини машҳур муסיқашунос И. Волков бизга куйидагича таърифлаб берган:

«Т. Бобоев Ю. Энтиннинг «Қиз бола ва кўза» шеърига басталаган кўшиғи «ориент-рок» услубида ёзилган. Маълум бўладики, Ботир Зокиров бу турдаги кўшиқларни жуда маҳорат билан ижро этган. Бунда стилистикага ва ритмга риоя этиб қолмасдан, очиқлик, ўзига хослик, тасвирий аниқлик, лирик қаҳрамонни жонлантиришлик каби ўзига хос ижро услубини ҳам олиб киради.

*Сен тик қоялардан тушиб келдинг.  
Сен елкангда олиб келдинг кўза,  
Унда шарбат, асал сингари қуюқ  
Ва шунда кўприкда кўза!  
Ой-ой-ой-ой!*

Бу ўзгача иштиёқ, шижоат билан куйланади! Худди қувноқ тоғлик йигитни ва тортинчоқ гўзални яққол кўриб тургандай бўласан. Луиза Зокировани (Ботирнинг синглиси) айёрона, шўх жўр овози бу ажиб суратни қандайдир кулиб турувчи шарқона нақшли доира ичига олади. Кўшиқ жуда муваффақиятли чиққан...»

Ботир Зокировнинг репертуари ҳақиқатан хилма-хил эди. У фақат ўзбек ва русча эмас, озарбайжонча, эронча, афғонча, туркча, ҳиндча, грекча, италянча, испанча, французча ва бошқа халқлар кўшиқларини ҳам маромига етказиб ижро этган. Бундан ташқари, Ўзбекистонда истеъдодли ёзувчи сифатида маълум эди: унинг ҳикоя ва очерклари вақти-вақти

билан турли матбуот нашрларида босилган. Бунинг устига, Антуан Сент-Экзюперининг «Кичкина шахзода» ва Евгений Шварцнинг «Соялар» асарларини ўзбек тилига таржима қилган. Шунингдек, рассомликка чинакамига қизикқан.

Кўп миллатли совет маданиятида ўзбек адабиёти ҳамон катта ўрин тугарди. Мисол учун, совет зиёлиларининг оммабоп йирик журналларидан бири «Звезда Востока» ҳисобланарди. Шу хусусда ёзувчи А. Устименко шундай ёзади:

«Ўзбек адабиёти у маҳалда сира орқада эмасди. Адабий эркинликдан деярли маҳрум Москвада чиқадиган журналлар эса даврдан орқада қолиб кетди. «Звезда Востока» эса Ўзбекистонда ўзгача имкониятлар яратарди. Тошкентдаги 1966 йилги зилзиладан кейин журналнинг қизиқарли сонлари нашр қилинди ва мамлакатда катта шов-шувга сабаб бўлди.

Шу йили жуда кўплаб машҳур адиб ва шоирлар ўз асарларини «Звезда Востока»да босиб чиқариш ва қалам ҳақини Тошкентни тиклаш жамғармасига ўтказишга қарор қилишди. Ва шундай қилишди ҳам.

Журналнинг ўша сони жуда қизиқарли чиқди ва харидоргир бўлиб кетди. Чунки унинг саҳифаларида фақатгина ўша вақтда ярим қувғинда бўлган Вознесенский, Ахмадулина, Евтушенко ва бошқаларнинг бадиий асарларигина эмас, Михаил Булгаков, Осип Мандельштам ва Исаак Бабель асарлари пайдо бўлганди.

Журналнинг доимий муаллифлари орасида Сергей Есениннинг қизи – ёзувчи Татьяна Сергеевна Есенина, «Мастер ва Маргарита» романини яна оммалаштиришга биринчи бўлиб уринган адабиётшунос А. Вулис каби қаламкашлар бор эди».

Куйидаги воқеа ҳам эътиборга молик. Шароф Рашидов хизмат ишлари билан Москвага борган ўша йили, у билан дўст бўлган ёзувчилар ундан, Москвада топиш имкони бўлмагани учун навбатдаги келишида «Звезда Востока»нинг нодир сонидан олиб келишни илтимос қилишади.

Машҳур ёзувчи Валентин Овечкин ҳам Тошкентда яшаб, ижод қиларди. Юқорида айтилгандек, у бу ерга 1963 йилнинг баҳорида келиб, маҳаллий ҳокимият томонидан илиқ қабул қилинганди: турмуш ўртоғи билан бирга унга Тошкентда алоҳида квартира ажратилган. Овечкин тез орада Россияни соғинади, унинг қаламкаш дўстларига ёзган мактублари буни яққол тасдиқлайди. Москвада таъқиб этувчиси Н. Хрушчёв ишдан олинган 1964

йилнинг октябридан сўнг унда жуда кучли интилиш пайдо бўлди. Жумладан, ўша йили октябрда А. Твардовскийга ёзган хатида қуйидагиларни ёзади:

«Тошкентдаги ихтиёрий сургундан Россияга жон деб жўнаб кетган бўлардим. Лекин бунга амалга ошириш қийин. Бу ерда ортиқ қола олмайман. Менга жуда яхши муносабатда бўлишаётир. Бироқ ўз юртим – Россияга тамомила боғланганман. Рус қони сира тинчлик бермаётир. Россияни шу даражада соғиндимки!.. Балки, кексайиб қолганим ҳам ўз таъсирини кўрсатаётгандир. Зотан, кекса дарахтни янги ерга кўчириб ўтқазиб бўлмайди».

Твардовскийга ёзган бошқа хатида (1965 йилнинг январь ойида) қуйидагиларни ёзади: «Мен сenga бу ердан мамнуният билан кетардим деганим – бу шунчаки соғинган юрак ноласи эди. Ҳолбуки, кўчиб ўтиш билан боғлиқ ҳеч қанақа аниқ режам йўқ. Москвага? Ҳеч қачон! Москва ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Мен Россияни, қандайдир вилоят ёки вилоят бўлмаган шаҳарни мўлжаллайман, росмана русча, қадрдон бўлса бас. Фақат Москвага эмас. У ёқларга боргим келмайди. Бироқ бундай кўчиб ўтиш учун менда ҳеч қандай имконият йўқ, асосий сабаб – пул йўқ».

Шароф Рашидов Овечкинга яхши муносабатда бўлар ва ёзувчи ўзини Ўзбекистонда хотиржам ҳис этиши учун ҳар томонлама кўмаклашарди. Шу билан бирга Россияни соғинишини жуда яхши билар, чунки юрт соғинчини бекитмасди. Бинобарин, кетиш истагини билдирса, Рашидов қаршилиқ қилмаган бўларди. Бундан ташқари, пулга муҳтожлигини сезиб қолганда, дарҳол ёрдам кўлини узатди: «Тошкент» нашриётига унинг «Сайланма»ларини бир неча жилдда босиб чиқариш топширигини берди, кейинчалик «Звезда Востока» журналида хайрихоҳлик билан тақриз ёзилди. Лекин яхшигина қалам ҳаққи олганидан кейин ҳам Овечкин Ўзбекистонни тарк этмади, модомики беҳосдан ўзи учун муносиб иш топди – «Политотдел» жамоа хўжалиги ҳақида китоб ёзишни кўнглига тугиб кўйди».

В. Овечкин бу хўжалик ҳақида (Г. Фишга Тошкент зилзиласидан бир кун олдин ёзилган хатида – 1966 йил 25 апрелда) шундай ёзади:

«Менинг Москва вилоятига кўчиб ўтишим мавҳум масала. Тошкентда тўхтатиб турган жиҳат шуки, «Политотдел» ва унинг одамлари, раиси

Хван (Хван Ман Гам) тўғрисида китоб ёзишга киришмоқчиман. Ўзи умримда бундай яхши хўжаликни ва яхши раисни кўрмаганман. Бу корейсча жамоа эди, лекин ҳозир у ерда ўзбеклар ҳам, руслар ҳам, қозоқлар ҳам кўп, умуман олганда хўжалик кўп миллатли. Бу китобни иштиёқ билан ёзиш ниятидаман. Хван тез-тез йўқлаб келиб туради, мен ҳам кўп маротаба унинг хўжалигида бўлганман. Китоб шу жамоа ҳақида, мен ўйлаганимдек, чет элларда, социалистик давлатларда кўрган коммуна ҳақидаги, ялпи коллективлаштиришнинг биринчи йиллари, Кубандаги 1932–1933 йиллар жамоа хўжаликлар ҳақидаги шахсий хотираларим билан тигиз ва жонли уйғунлаштириш имконини ҳам беради.

Мен ўйлаб кўриб, бу ҳақида ёзишни – бутун мамлакат учун – ўзимни оддий фуқаролик бурчим деб биламан. Чунки бизда жамоа хўжалик ҳаёти қанақа бўлиши мумкинлигини ҳамма, биринчи навбатда қишлоқ одамлари билсин. «Политотдел» – бу ҳақиқий қишлоқ хўжалик шаҳарчаси. Бу яна секин айтилгани. Ҳар қанақа ишчилар шаҳарчасида ёки шаҳарда бундай моддий даражани, маиший маданиятни, ишлаб чиқаришни, бу хўжаликдагидек ҳаётни топишга ҳали анча бор. Ҳолбуки, барча хўжаликлар шундай бўла олади, бўлиши шарт!

Ҳеч қачон ҳужжатли нарсаларни ёзмаганман, лекин ўз кучимни бу жанрда синаб кўриш вақти келди. Ишонарли, ҳаққоний бўлиши учун китобни суратлар билан бойитишни ўйлапман. Ёзувчи ёлғон айтиши, берилиб кетиши, муболағага берилиши мумкин, аммо сурат – алдамайди. Бу, мана ҳужжатлар – «Политотдел»да уйлар, стадионлар, боғлар, таъмирлаш устахоналари, маданият саройи, никоҳ уйи, йўллар, ерлар, чорва моллари, меҳмонхоналар, шийпонлар, мактаблар, касалхоналар ва ҳоказолар эканини ўз кўзларинг билан кўринглар. Китоб барча воситалар – матн, суратлар ва рақамлар билан ўқувчини ишонтириши керак. Бу муаллиф рақамлардан кўркмайдиган ҳолат. Ахир рақамлар – «Политотдел»да ҳайратланарли. Мисол учун, хўжаликнинг даромади ўтган йили эски пулда 80 миллионни ташкил этди.

Сентябрдаги А.Твардовскийга ёзган хатида, Овечкин айнан ўша хўжалик ҳақида шундай ёзади: «Политотдел» ҳақидаги ҳикоя коммуна ҳақидаги хотираларим билан чатишиб кетаяпти, колхозлаштириш ҳаракатининг илк кезларида у ерда раислик қилганман. Мен буни ҳаммасини узвий боғлаш, уйғунлаштириш имконини кўряпман, айнан уйғунлаш-



тиришни, елимлашни эмас. Мавзу кенг, жуда кўп нарса ҳақида мулоҳаза юритиш мумкин! «Политотдел»ни бугун кузата бориб, коллективлаштириш ғоялари ғалабасига ҳаддан ташқари қувонасан, нима учун ҳамма ерда шунақа эмас, деб ҳаддан ташқари ғабланасан? Ахир бу натижаларга ҳамма етишиши мумкин-ку!

Бунинг ҳаммаси ўз кўл кучи, ўз меҳнати билан топилган, мутлақо унумсиз ерда – ботқоқликда қилинган, уни суғориладиган ерга айлантириш учун қуритишга тўғри келган. «Политотдел» – бу шундай олий мақсадки, Азобдаги биринчи оч коммунарларга, ўзининг қашшоқ коммунасини бошлаганларга саробдай кўринади. Ўйлашимча, агарда бу телба адабиётга берилиб кетмаганимда, ўзимнинг собиқ коммунамга урушдан кейин ҳам қайтганимда, у ерга мени яна раис этиб сайлашарди, бизнинг хўжалик «Политотдел»дан ҳеч нарсаси билан қолишмасди. Дунёнинг бир четида жойлашган бундай гўзал хўжаликни кўриш учун олисдан-олис масофани босиб ўтишга ҳожат қолмасди – ўзимизнинг ўлкада шундай юксак мақсадга эришардик».

Овечкинга афсонавий жамоа хўжалиги ҳақида китоб ёзиш, афсуски, на-сиб этмади. У «Политотдел»ни Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан (1967 йилда) мукофотланишини кўришга улгурди, кейинги йил январнинг охирида навбатдаги юрак хуружидан вафот этди. Ёзувчини дафн этишни ташкил этишни Ўзбекистон ҳукумати ўз зиммасига олди. Унинг хотирасини абадийлаштириш бўйича МКнинг ва ВКнинг қарори чиқди, шундан сўнг қабри тепасида ёдгорлик пайдо бўлди. Марҳумнинг бевасига Ўзбекистон ҳукуматидагилар умрининг охиригача нафақа тайинлашди, квартирасини алмаштиришга ёрдам беришди. Ўзбекистонда унинг ёзган сўнгги асарлари ўлимидан кейин «Ҳаёт давом этади» тўплами сифатида нашр этилди, унга кириш сўзини Шароф Рашидов ёзди.

## **20-боб**

### **ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИККИ ОЛТИНИ**

Юқорида қайд этилганидек, Л.И. Брежнев ҳукумат тепасига келгандан сўнг иттифокдош республикаларнинг биринчи раҳбарларини деярли ўз ўрниларида қолдирди. Бироқ тўртта республика бундан истисно.

Қозоғистон (Динмуҳаммад Кунаев), Белоруссия (Пётр Машеров), Арманистон (Антон Кочинян), Латвия (Август Восс). Бу бир ярим йил давомида қилинган айрим ўзгаришлар гуруҳбозлик таассуротини қолдирмас ва юқори мансабдорларни деярли қониктирарди, улар Хрушчёв бузган, кўп қутилган осойишталикни қарор топтириши учун ҳам айнан қобил Брежневни ҳокимиятга келтиришган эди. Шунинг учун 1967 йилда «радикал»ларнинг Брежневни четлатиш ва ўрнини эгаллашга уринишлари барбод бўлди – олий раҳбариятнинг кўпчилик қисми буни истамади. «Фитначилар» сафида «комсомоллар» деб аталувчиларнинг катта бир гуруҳи борлиги маълум бўлиб қолди – шахсан Хрушчёвнинг ўзи ҳокимият тепасига олиб келган ВЛКСМнинг собиқ раҳбар арбоблари шундай кимсалар бўлиб чиқди. Александр Шелепин, Владимир Семичастный, Николай Месяцев, Николай Егоричев, Сергей Павловлар асосий роль ўйнаганлар.

Л. Замятин хотирлайди (1964 йилдан Иттифоқ Ташқи ишлар вазирлигида масъул ва раҳбар): «Мен бир марта дафтарни ўқиганман, уларни ДХК тарқатган. Унда комсомол раҳбарларининг меҳмонхонадаги суҳбати ёзилган. Улар, кўринишича, ҳаммомда чўмилишган ва биратўла жорий сиёсатни муҳокама қилишган, ҳаммага характеристика беришган. Бу ёзувларни диққат билан ўқиганмиз ва хулоса чиқарганмиз».

«Комсомолчилар»ни КПСС МК аппаратида ва Сиёсий бюрода ҳам етарлича тарафдорлари бўлган, аммо Брежнев бу одамларнинг барчасидан айёр ва тажрибали бўлиб чиқди. Ҳокимият тепасига вақтинчалик шахс сифатида, ўзини ўта кўнгулчан амалдор қилиб кўрсатиб, охир-оқибат барча муҳолифларини доғда қолдирди, уларнинг ҳар бирига қақшаткич зарба берди, шу зарбалар уларни «тепага» қиладиган таъсиридан, демакки, унинг ҳокимиятига таъсир этиш имкониятидан маҳрум қилди. Брежневнинг ғалабасига яна шу нарса ёрдам бердики, «комсомолчилар»да партаппаратга берилган имтиёзлар ҳақида жуда кескин фикрлар борлиги, партаппаратни, энгилроқ айтганда, қутиртириб юборди. Шелепин Сиёсий бюро аъзоси бўлганда, кўриқчиларни рад қилиб, юқори мансабдор ҳамкасбларини ўзидан ибрат олишга чақирди. Унинг фикрича, кўриқчиларни учта одамда: Бош котибда, Олий Совет Президиуми Раисиди ва ҳукумат раҳбариди қолдириш керак.

Бундан ташқари, у номенклатура маиший харажатларини қисқартиришни, байрам намоишларида Сиёсий бюро аъзолари портретларини

кўтариб юриш амалиётига барҳам бериш ва бошқаларни таклиф қилди. Бу таклифлар анча вақтдан бери пишиб етилганди, лекин «тепада» етарли жавоб топилмади. Брежнев буни аниқ сезди ва номенклатуранинг норози-лигидан «комсомоллар»га қарши курашда фойдаланди.

1967 йилнинг май ойида Владимир Семичастнийни барча лавозим-лардан олиб ташлаб, ўрнига ДХК раиси қилиб Юрий Андроповни қўйди (Семичастнийни Украинага Министрлар Совети Раисининг 1-ўринбосари этиб тайинлашди). Бир ой ўтгандан сўнг навбат КПСС Москва шаҳар пар-тия раҳбари Николай Егоричевга келди, у ўз ўрнини Виктор Гришинга бўшатиб берди. Сентябрда Александр Шелепин четлатилди: уни Сиёсий бюро таркибида қолдиришган бўлишса-да, МК котиблиги вазифасидан озод этишиб, Советлар касаба уюшмаси раиси этиб тайинлашди. Бундан ташқари, «тозалаш» ҳокимиятнинг пастки поғоналарида ҳам олиб борил-ди, у ердаги «комсомолчилар» тарафдорлари Брежнев тарафдорларига ал-маштирилди. Булар орасида «днепропетровчилар», улардан сўнг «молдо-ванлар» ва «қозоқлар» алоҳида имтиёзга эга бўлди. Мисол учун, «днепро-петровск» гуруҳига Георгий Цуканов (1958 йилдан Брежневнинг ёрдам-чиси), Игнатий Новиков (1962 йилдан Иттифоқ Министрлар Совети Раиси ўринбосари, Давқурилиш раиси), Николай Тихонов (1965 йилдан Иттифоқ Министрлар Совети Раиси ўринбосари), Георгий Павлов (1965 йилдан КПСС МК ишлари бошқарувчиси), Константин Грушевой (1965 йилдан Москва ҳарбий округининг ҳарбий кенгаши аъзоси), Николай Шелоков (1966 йилдан Ички ишлар вазири), Георгий Цинев (1967 йилдан ДХК раи-сининг 1-ўринбосари) ва бошқалар кирган.

Шубҳасиз, Брежнев афзал кўрганлар мамлакатнинг барча аппаратчи-лари учун сир бўлмаган. Ҳатто Тошкентда ҳам партиявий функционер-лар Россия тарихи уч даврга – Пётргача, Пётр ва Днепропетровск даврига бўлинади, дея ҳазил қилишарди.

Брежневнинг Қозоғистондаги яқин сафдошларидан Динмуҳаммад Ку-наев эди, уни Бош котиб 1966 йилнинг апрелида Сиёсий бюро аъзолигига номзод қилганди. Агарда Қозоғистон советлар давлатида Ўзбекистоннинг стратегик рақобатчиларидан бири эканлигини эътиборга олсак, Раши-дов бу тайинланишдан қандай ҳолатга тушганлигини ҳис этиш мумкин – бу уни шубҳасиз қувонтирмаган. Бинобарин, Кунаев Брежневга янада яқинрок бўлди, бу эса Ўрта Осиё минтақасида етакчиликни даъво қилишда

унга қўл келиши мумкин. Хрущёв пайтида Чимкент вилоятининг икки кишлоқ хўжалиги туманини Ўзбекистонга беришга қаршилик қилгани учун Кунаев 1962 йилда республика раҳбарлигидан четлатилганди. Энди эса Сиёсий бюро аъзолигига номзод ва Брежневга яқин киши бўлиб, жуда тез сиёсий устунликка эга бўлди. Бу билан боғлиқ қуйидаги ҳодиса ёдга келади.

60-йилларнинг иккинчи ярмида Ўзбекистонда яшаётган корейсларда (бу ерда улар 30-йилларнинг охиридан яшар, улар бутун Иттифокдаги корейсларнинг 50 фоизини ташкил этарди) ўз газеталарини нашр этиш фикри туғилади. Журналист Ки Сек Пок бу борада ташаббускор бўлади, у 30-йилларда Рашидов билан битта олий ўқув юртида – Самарқанд университетиде ўқиганди. Табиийки, айнан у шундай илтимос билан унга муурожаат қилади. Рашидов ғояни маъқуллайди ва Ўзбекистон корейслари ўзларининг матбуотига эга бўлишга лойиқ, деб айтади. Газетани «Ленин кичи» («Ленин байроғи») деб номламокчи бўлишади.

Шароф Рашидов бу ташаббус ҳақида Москвага белгиланган тартибда хабар беради. У ерда бу ғояни тўғри қабул қилишиб, ташаббускорга ёрдам беришни ваъда қилишади. Тошкентдагиларнинг ҳаммаси бу масала ижобий ҳал бўлишига ишонишади. Ҳатто Ўзбекистон КП МК нашриётига тез орада янги газетани биринчи сонини нашрдан чиқариш учун корейс шрифтларини олиб келишди. Тўсатдан кутилмаган ҳол юз берди. Москва газета таҳририяти Қозоғистон пойтахти Олма-Ота шаҳрида иш олиб борарди, Тошкент шаҳрида эса беш кишидан иборат мухбирлар пункти жойлашади, – деди.

Албатта, Брежнев Рашидовни ёмон кўрарди дейиш қийин, лекин янги бош котиб яқинларининг гапи билан, уни тўсатдан республика раҳбарлиги лавозимидан олиш масаласида ҳеч қандай кафолат йўқ эди. Давлатга пахта топшириш кўрсаткичларини олиб кўрайлик.

Брежнев ҳокимиятга келгандан сўнг, бу кўрсаткич Ўзбекистонда асосан қийин об-ҳаво шароити натижасида жуда секин ва оз-оздан ўсди. Жумладан, 1965 йилда 3 миллион 903 минг тонна «оқ олтин» топширилди, кейинги йилда – 180 минг тоннага кўпроқ, 1967 йилда умуман ўсиш бўлмади, 1968 йилда пахта етиштириш янада камайди – 4 миллион 10 минг тонна. Шубҳасиз, Москва бу кўрсаткичлардан норози бўлиб, ўзбек раҳбаридан

аҳволни тўғрилаш мақсадида тубдан ўзгаришлар қилишни талаб этарди. Натижада, Рашидов олим-агрономларга мурожаат қилишига тўғри келди. Улар ҳаммасидан кўра энг яқин – кимёлаштириш йўлини айтишди. Хусусан, дефолиантлар туркумидаги бутифос дори воситаси таклиф этилди, улар барглари сунъий равишда эскиришга олиб келар ва пахтани пишиб етилишини тезлаштириб, териб олишни осонлаштиради. Бу пахтани ўсишини кафолатлар ва демакки, миллионлаб рубллари иқтисод қиларди.

Кейинчалик танқидчилар бу ташаббусни Рашидовга таъна қилишди, ерларни ориқлаши ва тупрокни бегона ўт босиши айбловларини қўйишди. Бир томондан таъналар ҳақиқатга яқинроқ эди, лекин ўша вақтдаги воқелик ҳисобга олинмаганди. Танқидчилар шу масалада қаттиқ туриб олишдики, бутифосга ишонч билдирилиб, илму фан ортга улоқтириб ташланди, ҳолбуки, илму фан воситасида бутифосга нисбатан фойдали янги турдаги экологик тоза минерал ўғитлар ишлаб чиқиши мумкин эди. Лекин пахтани кўпайтиришни таъминловчи бошқа воситаларни бир неча йиллар мобайнида излаб топиш имконини ким ҳам Рашидов учун яратиб берарди? Аксинча, марказ қисқа вақт ичида ҳосилдорликни ошириш борасида уни ҳам, бошқа пахта етиштирувчи республикаларни ҳам шоширарди. Москвага, ҳокимият тепасига келган Брежнев командасига сиёсий мавқеларини мустаҳкамлаш учун тезкор натижалар керак эди. Башарти, Рашидов бу натижага тез эришмаганда, уни дарҳол ишдан бўшатишиб, ўрнига хийла қобилиятли одамни қўйишарди. Шунинг учун Рашидов бутифос ҳақида оғиз очганда, Брежнев ўша заҳотиёк бу ғояни илиб олди-да, Волгоградда уни ишлаб чиқарувчи завод қурилиши ҳақида кўрсатма берди. Завод учун ускуналарни Швеция ва ГФРдан сотиб олишди, технология эса Американики эди.

Пахта ҳосилдорлигини кўпайтириш айна пайтда экин майдонларини кенгайтириш, бинобарин, суғориш учун қўшимча сув ресурсларини талаб этарди. Москва олдида муаммо пайдо бўлди – пахтани суғориш учун сувни қаердан олиш керак? Ўзбекистон Ўрта Осиёдаги қўшни республикаларга нисбатан сув етишмовчилигидан азият чекарди, чунки унинг ҳудудидан оқиб ўтувчи асосий дарёлар Қирғизистон ва Тожикистондан бошланади. Хуллас, юз йил олдинги ғоя яна қайта жонланди, Шимол дарёларининг бир қисмини Ўрта Осиёга буриб юбориш яна кун тартибидан

жой олди. Бунинг натижасида Ўрта Осиё Республикалари ва Қозоғистонда суғориладиган ер майдонларини сезиларли даражада кўпайтириш мумкин эди, бунинг учун Сибирь дарёлари – Иртиш, Об ва бошқа дарёлар сувининг бир қисмини йўналтириш кифоя қиларди.

Қайд этамиз, бу ғояни Хрушчёв даврида – 1961 йил октябрида КПССнинг XXII съездида қайта тиклашга уриниб кўришганди. Унда қабул қилинган КПСС дастурида белгилаб қўйилганди: «Совет кишиси сувсиз туманларга сув чиқариш мақсадида бир қатор шимол дарёлари оқимини ўзгартиришда ва уларнинг сувини бошқаришда жасурона режаларни амалга ошириши мумкин». Аммо Хрушчёвнинг лавозимидан олинishi бу лойиҳанинг амалга ошишини бир оз кечиктирди ва 1968 йилда яна шу муаммо кўтарилди – КПСС МК бюроси Госпланга, Иттифоқ Фанлар академиясига ва бошқа ташкилотларга дарёлар оқимини қайта тақсимлаш режасини ишлаб чиқиш юзасидан топшириқ берилди.

Ўзбекистон бу режадан бошқалардан кўпроқ фойда қилар, аммо лойиҳанинг Иттифоқ ҳукумати аппаратида ва турли иттифоқ вазирликларида жойлашиб олган бир талай душманлари ҳам бор эди. Биринчи навбатда лойиҳа Қозоғистонга фойдасиз эди, чунки Қозоғистоннинг энг катта дарёси – Иртишдан сувни Ўзбекистон ва Туркменистонга олишни исташарди. Қисқаси, қоғозда ҳаммаси жуда силлик, амалда услуксиз муаммолар калашиб ётарди.

Пахта етиштирувчи республикалардан «оқ олтин»ни кўпайтиришни талаб қилган Марказ уни паст нархларда харид қиларди. С.Ризаевнинг сўзларига кўра, Ўзбекистонда бу борадаги аҳвол қуйидагича эди:

«Республикаларнинг пахта етиштириш машаққатларига мос равишда унинг нархини қайта кўриб чиқиш таклифига қарамасдан, пахта хомашёсининг харид нархи ғоят паст эди. Жумладан, бир тонна пахта хомашёсини етиштириш учун соатига 340 одам кучи сарфланса, ғаллага эса соатига атиги 12 одам кучи талаб қилинади. Аммо сотиш нархлари атиги беш бараварга фарқ қиларди. Шу билан бирга, меҳнат оғирлигини ва нархнинг бу даражадаги нисбати пахта экувчи республикаларда меҳнат унумдорлигининг пастлиги тўғрисидаги таассуротларни юзага келтиради. Ҳолбуки, ғаллани баҳорда ва кузда экиш, ҳосилни комбайнлар билан тўла йиғиб олиш мумкин. Ғўзанинг ҳар бир тупини ярим йил давомида

кеча-кундуз парваришлаш лозим. Пахтани 6 – 8 маротаба суғориш, ҳар суғоргандан кейин қатор ораларини юмшатиш, кузда ва қишда ерни ювиш зарур, бунинг учун жуда кўп қўл меҳнати талаб қилинади.

Ўзбек пахтасининг харид нархлари охириги йилларда жаҳон нархларидан ўртача беш маротаба (пахта навига кўра) паст эди, расмий валюта курси бўйича ҳисоблаганда, фарқ шу даражада юқори эдики, худди гап қўшни давлатлар ҳақида эмас, тарихий даврлар, бошқа цивилизация ҳақида бо-раётгандай таассурот пайдо бўларди. Тўғри, халқ учун ҳақоратомуз бўлган дотация кўринишида ҳар йили 1,5 – 2 миллиард рубль Иттифоқ бюджетидан Ўзбекистонга қайтариларди. Пахтанинг нархи онгли равишда пастайтирилган, пахта нархини шакллантиришда (бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларида бўлгани каби) меҳнат кучининг, ишлатилган табиий ресурсларнинг тўлиқ қиймати ҳам акс этмасди. Аникроғи, деҳқоннинг камбағаллиги ва экологик фалокатлар гўё гаровга тикиларди.

Айниқса, Иттифоқ сиёсатининг камчиликлари ижтимоий соҳада яққол намоён бўлди. Инвестиция сиёсатидаги четга оғишлар ва ҳисобкитобларда хатога йўл қўйишлар шунга олиб келдики, капитал маблағлар асосан, ишлаб чиқариш мақсадларига, ижтимоий соҳага эса охириги навбатда ажратиларди (буни кейинчалик «қолдиқ принципи» деб айтишди). Мамлакат минтақаларининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинмасди. Ўзбекистонда аҳолининг юқори суръатларда кўпайиши, иссиқ иқлим ва кўплаб бошқа жиҳатлар шулар жумласидандир. Ўрта Осиё Республикаларининг ҳақиқий ҳолати, демографик хусусияти Марказ томонидан ҳисобга олинмаган, бу барча минтақаларнинг адолатсиз тенглаштирилишига олиб келарди. Капитал маблағлар ажратилишида республикалар ҳолати тенглаштирилар ва аҳоли сони уч йилдан, беш йилдан сўнг қанча бўлиши ҳисобга олинмасди. Натижада, Ўзбекистонда қишлоқнинг ижтимоий инфратузилмаси шаҳардан кескин орқада қолди.

1960 – 1970 йилларда Иттифоқ бўйича 1 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар сони 7,4 фоизга камайган бўлса, Ўзбекистонда 1,5 баробарга кўпайди. Лекин мактабгача таълим муассасалари қурилиш суръати Иттифоқнинг бошқа худудларида ҳам, Ўзбекистонда ҳам бир хил бўлган. Бунинг натижасида Ўзбекистонда мактабгача таълим муассасаларига бўлган эҳтиёж 1970 йилда 14 фоизга қондирилган. Янги халқ хўжалиги объектлари бар-

по этилиши даврида тураржой курилишида анча орқада қолиш ўзига хос тусга эга бўлган...»

Марказ томонидан пахтани паст харид нархларини ушлаб туриш тасодиф бўлмаган деб тахмин қилиш мумкин. Бу шу нарсадан далолат берардики, Марказ шу йўсинда пахта етиштирувчи республикалар раҳбарларини ўзларига керакли пул маблағларини қувиш ташвишига маҳкум қилган ва шу асно пахта ҳосилдорлиги суръатини камайтиришига йўл қўймаган.

Ўзбекистон ихтиёрида «оқ олтин»дан ташқари яна бир барқарор валюта, Иттифоқ тузилмасида унинг ўрнини мустақамлашга ёрдам берувчи бойлик – соф олтин ҳам бор эди. Айнан Рашидов даврида республика қисқа вақт ичида ўзи учун янги саноат яратди ва жаҳонда олтин қазиб олаётган давлатлар ўнталиги сафига муболағасиз дадил жойлашиб олди. Ўнга яқин конларнинг очилиши, бутун жаҳонда йирик олтин қазиб олувчи, энг юқори сифатли олтин етказиб берувчи Мурунгов корхонаси курилиши бунга замин яратди.

1960 йилнинг бошида Рашидов республика геологларини Ўзбекистонда янги олтин конларини излашга йўналтирганди. Айни вақтда Москвада Рашидовнинг бу билан боғлиқ фаолиятини диққат билан кузатиб туришарди. Бир томондан, Москвага янги «олтин захиралари»ни олиш фойдали, бошқа томондан – бу олтинлар оқими Ўзбекистон раҳбари нафсониятини кучайтиришини ва унга янада мустақилроқ сиёсат юритишга имкон беришини ҳам англаб туришарди. Шунинг учун, ўзбекистонлик геологлар республикада янги-янги олтин конлари топилгани ҳақида маълумот беришганда, Москва бунга ишончсизлик билан, ҳатто ғазабланиброқ қаради. Ушбу ҳолатни эътиборсиз қолдириш мумкин эмасди, чунки Марказнинг руҳсатсиз бу саноатни ривожлантириш мумкин эмаслигини Ўзбекистон ҳукумати, содда қилиб айтганда, билмаслиги мумкин эмасди. Рашидовнинг «олтин эпопеяси» қандай кечганлиги ҳақида бунинг бевосита шохиди – А. Қаҳҳоров ҳикоя қилади:

«Ўзбекистон олтин қазиб олиш соҳасининг ривожланиши омадли кечди. Шароф Рашидов олтин тарихи ҳақида қомусли билимга эга бўлиб, бу билан боғлиқ кўплаб халқ афсона-ривоятларини хотирасида сақлар экан, тош асрининг олтин даври ҳақидаги афсоналарни ҳам – унда одам тасодифий топилмалар мисолида қуёш каби ёрқин рангли металлга қизиқиш бил-



диради. У тарихнинг бронза ва пўлат асри, ўша даврларда ота-боболаримиз мис, олтин, кумуш, бронза, пўлатни эритишни, содда меҳнат куроллари ва курол-яроғлар ҳамда моҳирлик билан ишланган тақинчоқлар ясашни ўрганган даврлардаги Суғдиёна ва Бактрия давлатлари ҳақида гапиришни яхши кўрарди.

Нурота тоғларида, Зарафшон дарёсининг қуйи оқимида уруш, урушдан олдинги даврларда соф ҳолда олтин топиб олиниши ҳақида Шароф Рашидов худди ўзи қазийда иштирок этгандек гапириб беради. У бутун республикада жойлашган олтин конларининг ўзига хос хусусиятларидан, жойлашган ерларидан, номланишидан хабардор бўлиб, уларни жуда яхши биларди. Кўп нарсаларни кўрган, Ўзбекистон тоғларини ва текисликларини қадам-бақадам кезиб чиққан, олтин излаган геологлар Шароф Рашидовнинг кўпчиликлари номаълум дарёчалар, ташландик манзилгоҳлар, қадимий қабристонлар, булоқлар, қудуқлар, адирлар ва тоғларнинг номларини муфассал билишига қойил қолишарди.

– Нурота воҳасидаги тоғнинг этагидаги Акчоп деган жойга эътибор беринг, – деб гап бошларди Шароф Рашидович. – У ерда маҳаллий аҳоли урушдан олдин олтин қазий олган ва шу номли дарё оқими бўйлаб юқорига кўтарилсангиз, чўққисида кичкина кўли бор Узунсоқол ва Давлатхўжа довонига чиқасиз. Шу чўққидан сизга тоғ этагининг манзараси очилади, у ерларда бир вақтлар ҳаёт қайнарди. Ухум дарасидан пўлат қазий олишган, болғалар, тақалар ва куроллар ясаган. Мажерум, Сентап, Каттаич дарёларида олтин ювишган. Аул Мозор бурилишидан сўнг каталак кулбаларни ва чуқур ғорларни кўрасиз, у ерларда қадимги кон қазувчилар яшашган...

Олтин захираларининг келажиги ва уларни қазий олиш имкониятлари бўйича ўзининг шахсий тасаввурлари бор эди. Бир қатор одатий сўзлар этимологиясини англашда ўз тушунчаси бўлиб, уларнинг айтилишини ўзига хос талқин этарди: Сентап, Чормитан, Зарафшон, Олт-Золд-Голд, Каулди, Олтин-қазган, Зарқашон, Зоҳаб ва ҳоказо.

Олимлар, ёзувчилар, журналистлар, сиёсий арбоблар ва ҳамкасблар у билан расмий ҳамда норасмий учрашганда, Шароф Рашидович билан расмий бўлмаган суҳбатлар уюштиришганда, унинг қадим ва янги тарихга, замонавий адабиётга оид чуқур билимларидан, суҳбатдошлар билан жозибали ва мафтункор суҳбат олиб боришидан ғоят завқланишарди.

Шароф Рашидов москвалик олтин мутахассислари билан учрашиш учун ҳар бир имкониятдан фойдаланар, улар билан мунозараларга киришар, Ўзбекистонда олтин қазиб чиқарувчи кон ва заводларни қуришни лойиҳалаштириш, қуриш бўйича ўз мавқеини ҳимоя қиларди. Иттифок Рангли металллар вазири П.Ф. Ломако билан бўлган жуда зерикарли ёзишмаларни ва музокараларни яхши эслайман.

Рангли металлургия вазирлиги томонидан Мурунгов олтин конини ўзлаштириш бўйича катта кўламдаги ва муҳим ишларни амалга оширишга қурб етмаслигига ишонч ҳосил қилган Шароф Рашидов бу мақсадга оҳисталик билан Иттифок Ўрта машинасозлик вазири Ефим Павлович Славскийни жалб эта бошлади.

Славский билан Шароф Рашидович ўртасида мутлақо муваффақиятли якунига етмаган учрашувлардан бири ёдимда бор. Шароф Рашидович ўз суҳбатини Ефим Павловичга «Ўртамашминистр»лиги маблағлари ҳисобидан Қизилқумда амалга оширилган қайта ўзгартиришлар учун миннатдорчилик билдиришдан бошлади. Ҳақиқатан ҳам, 50-йиллар охири ва 60-йиллар бошида қийин шароитларда Славский вазирлигининг кучи билан мўъжиза амалга оширилди – Учқудуқ шаҳарчаси барпо этилди (1978 йилда Навоий вилоятида).

Шароф Рашидович қумлар билан кўмиб ташланган учта қудуқни ахтариб, бир қултум сув топаман деб ўлиб кетиш мумкин бўлган ўлик чўл марказида амалга оширилган ўзгаришларни, қандай қилиб жаннатдай маскан яратилганлиги – ротор экскаваторлари, копарли конлари, бутун мамлакат билан боғланган, қайта қурилган уч юз километрлик темирўлга эга шинам яшил шаҳарча барпо қилинганлигини – Иттифок муҳофаази индустриясининг йирик саноати марказини жуда ёрқин ифодалаб беради.

Суҳбат тушлик дастурхони атрофида хотиржам шароитда ўтарди, у ерда кўк чойнинг фойдаси, Тожикистон ва Ўзбекистоннинг хомашёсидан тайёрланган биринчи атом бомбаси ҳақида, пахта йиғим-теримининг оғирликлари, Чехословакия ва Германиянинг уран объектлари, ўзбек геологлари топган олтин конлари каби жуда кўплаб мавзуларда гапирди.

Ҳамма нарса юзасидан буткул яқдиллик ҳукмрон эди, аммо Шароф Рашидовичнинг фақат Ўрта машинасозлик вазири Славский дунёнинг

энг йирик олтин конларидан – Мурунтовни ўзлаштиришга ғамхўрлик қилишни зиммасига олиш юзасидан дипломатик таклифга кескин рад жавоб берди:

– Шароф, олтин ватанга кераклигини мен ҳам тушунаман. Жуда ҳам керак! Лекин сен ҳам мени тушунгин. Биз Ватанни қурол билан ҳимоя қилишга буюрилганмиз. Биз сочилиб кета олмаймиз. Ҳозирги пайтда бизнинг вазирлигимиз нималар билан шуғулланмаяпти. Мен хўжаликлар ташкил этишга, кефир, дудланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга, шаҳарлар, дўконлар, сабзаёт омборлари ва бошқа кўплаб нарсалар қуришга мажбурман. Агар иш шу йўсинда борадиган бўлса, вазирлик номини ўзгартириш керак бўлади. Ҳар бир вазир ўз иши билан шуғулланиши, ўз ишига жавоб бериши лозим. Олтин мавзуси – ҳақиқатан ҳам жозибадор, дарвоқе бу – Петка ва Висканинг қўлидаги нарса эмас (ўша вақтда Рангли металлургия вазири Пётр Ломако, молия вазири – Василий Гарбузов эди).

Шароф Рашидович вазирни хотиржам тинглади ва кулиб туриб таклиф этди:

– Мен бу масалани Сиёсий бюро муҳокамасига олиб чиқишдан олдин сиз билан фақат маслаҳатлашмоқчи эдим.

Бу суҳбатдан кейин махсус алоқа телефони икки баравар қувват билан ишлай бошлайди. Рашидов КПСС МК, Иттифоқ Давлат Режа комитети, Министрлар Совети, Захиралар бўйича давлат комитети, Геология вазирлиги ва бошқа муассасаларнинг масъул ходимларига сабот билан қўнғироқ килар, ишонтирар ва қайта ишонтиришга уринар эди.

Шароф Рашидовнинг олтин қазиб олиш муддатларини тезлатиш орзуси давлат тартиблари қўйган тўсиқларга дуч келарди. Марказий Қизилқумни олтин конларига бой эканлигига қатъий ишонувчилар тарафдори Рашидов, Мурунтов конини ўзлаштиришни бир неча босқичларини бирлаштириш таклифи бўйича ташаббус кўрсатди ва бу объект захираларини ҳисобкитоб ишлари яқунланмасдан олдин МК бўлимига лойиҳалаштириш, қурилиш ишларини бошлаш ҳақида таклиф тайёрлаш топшириғини берди.

МК бўлими мудири М.Р. Рамазонов ва мен бу иш бўйича бутунлай тескари фикрлар тўқнашувларининг ўртасида қолиб кетдик. Рашидовнинг фикрини ёқловчилар озчиликни ташкил этарди. Шароф Рашидович ҳозир бўлганда бу ғоянинг душманларига огоҳлантириш шаклида ўз фикрини

баён қилар ва журъатсизларча қаршилик кўрсатарди, аммо кабинетдан чиққан заҳоти кўпчилик бу ғоянинг тугуриқсиз эканини қаттиқ ғазаб билан баён қиларди.

Ўзбекистон Геология вазири Х.Т. Тўлаганов, унинг ўринбосари В.Г. Гаркавец, академик И.Х. Ҳамрабоев, яна бир қатор шахслар Рашидов ғоясининг тарафдорлари эди. Рашидовнинг бу ғоясига қарши бўлганларнинг номларини келтириб ўтирмайман, чунки уларнинг кўпчилиги ҳаёт эмас, баъзи бирлари эса кейинчалик мукофотлар олишган ва мана шу ғоя уларнинг ўзларига тегишли эканлиги ҳақида хотиралар ёзишмоқда. Лекин бизлар қандай қийинчиликларга дуч келганимизни кўрсатиш, сўзлашиш маданияти, моҳир муҳолифлик, сурбетлик, нодонлик билан ҳеч қандай умумийликка эга эмаслигини намойиш этиш учун айрим кимсаларнинг баъзи бир фикрларини келтирмоқчиман:

- Рашидов ўзига ярашмаган иш билан шуғулланмоқда.
- Авваллари бунақа ишлар учун отишарди.
- Ўзбеклар муддатидан олдин бола туғишни бошлашмоқчи.
- Мурунтов – ўлик туғилган бола.
- Мурунтов – бу фирибгарлик, унинг муаллифлари – фирибгарлар.
- Ўзбекларда олтин захиралари йўқ. Бу ҳаммаси ёлғон.

Биз ҳеч нарсани яширмаганмиз. Рамазонов ҳаммаси ҳақида очиқдан-очиқ маъруза қиларди. Шароф Рашидович бу сингари маърузаларга нигоҳини ерга қаратиб қулоқ соларди. Одатга кўра, у бу сингари мулоҳазаларни изоҳламасди ва аччиқланмасди, аммо қайғураётганлиги билиниб турарди. У фақат бир маротаба, Усмон Юсуповни Фарғона каналини куриш ташаббусини ҳам таваккалчилик деб аташганини айтди. Бироқ шу канал шарофати билан пахта етиштириш сезиларли ортганди.

Хуллас, пировард натижада лойиҳалаш институтларидан ташқари бир қанча манфаатдор шахслар ва ташкилотларнинг розилиги олинди. Лойиҳачилар қатъий равишда иш бошлашдан бош тортишди, захиралар тасдиқланмасдан туриб лойиҳа ишларини бошлаш ҳуқуқлари йўқлигини баҳона қилишиб, қўлланма ҳам олиб келишди: унда А, В, С<sub>1</sub> ва С<sub>2</sub>... тоифалардаги олтиннинг захиралари бор бўлганда лойиҳа ишлари амалга оширилиши равшан кўрсатиб қўйилган эди. Бу вақтга келиб Мурунтов конида олтиннинг захиралари С<sub>2</sub> тоифага мансуб, деб баҳоланарди. Олтин захира-

ларини  $C_2$  тоифадан бошқа ишонарлироқ тоифага ўтказиш учун шахталар қуриш ва жуда кўплаб ер ости қовлаш ишларини ўтказиш талаб қилинар, бунга эса қатор йиллар керак бўларди.

Вазият боши берк кўчага кириб қолганди. Лойиҳачилар елка қисишар, биз бу қонунларни ўйлаб топганимиз йўқ, уларни бекор қила олмаймиз, деб ошқора айтишарди. Жавобгарлик-чи? Агар захиралар тасдиқланмаса, ким жавоб беради? Бу жавобгарликни ким ўз зиммасига олади?

Бундай жавобгарликни Шароф Рашидов ўз зиммасига олди, у мамлакатнинг биринчи шахсини ишонтирди ва геологик қидирув ишлари тугатилишини кутмасдан Иттифок ҳукуматининг мутлақо махфий махсус қарорини, истисно тариқасида,  $C_2$  тоифа захираларида улкан Мурунгов объектини лойиҳалаш ва қуриш ишларини бошлашга рухсат олди.

Қурилиш ишлари Ўзбекистон ИИМнинг учта бўлинмалари ва махсус ҳарбий қурилиш полки кучлари билан бошланди. Ёлланма кишилардан иборат кичик гуруҳ, асосан, Навоий комбинати ишчиларидан иборат қурилаётган корхоналар дирекциясининг вакиллари бўлиб иштирок этди. Мамлакатнинг йилига 5 миллион тонна руда қазиб олувчи йирик олтин ишлаб чиқарувчи корхонаси қурилиши мана шу тарзда бошланган эди, унинг қурилиши эса 1967 йил мартада муддатидан аввал ва муваффақиятли якунланди.

## *21-боб*

### **ҚИЛИЧ ТИҒИ УСТИДА**

1967 йилнинг ноябрида Рашидов 50 ёшга тўлди. Анча илгари кирилган анъанага биноан, Москва уни Ленин ордени билан мукофотлади. Тўғриси, бу ҳақдаги маълумот бошқалар оқими ичида кўринмай кетди, ўша вақтда совет матбуоти бошқа маълумотлар билан тўлиб-тошган эди – мамлакат Октябрь инқилобининг 50 йиллигини нишонларди. Рашидовнинг юбилейига ўзбек матбуоти ҳам шундай муносабатда бўлди: «Правда Востока», «Ташкентская правда» газеталари бу ҳақда ҳеч нарса ёзмади, бу бежиз эмас эди: Марказ, Хрушчёв лавозимидан олиб ташлангандан кейин, Бош котиб номига, республика раҳбарлари номи билан

боғлиқ шахсга сиғиниш сиёсатини бўрттириб кўрсатмасликка қатъий амал қилиб келаётганди.

Айни пайтда, Ўзбекистонда Рашидов юбилейини сезмай қолишди, де-йишимиз мутлақо ноўрин. Республикада матбуотдан ташқари маҳаллий матбуот ҳам бор эди-да, улар бу ҳодисага «лаббай» деб жавоб берди. Бундан ташқари, маданият вазири В.Зоҳидов қаламига мансуб «Гўзаллик бунёдкори» номи остида Шароф Рашидовнинг биринчи таржимаи ҳоли нашр этилди. Табиийки, бу оддий мадҳия эди, унда Рашидов образи барча нарсадан холи тарзда тасвирланганди. Шунингдек, ўша кунларда ўзбек матбуотида Рашидов ҳақида кўплаб мақолалар чоп этилди.

Бу фақат Ўзбекистон матбуотига эмас, бутун мамлакат оммавий нашрларига хос хусусият бўлиб, ўша вақтда бутун совет матбуоти ривожланар, кўпроқ ижобий нарсалар ҳақида ёзиш, салбий фактларга эътибор бермаслик қондасига амал қилинарди. Бу, айниқса, 1968 йилнинг август ойида Чехословакиядаги «бахмал инқилоби» бостирилгандан кейин яққол билинди, хусусан, маҳаллий либерал кайфиятдаги кишилар айни шу йўл билан Ғарбнинг фаол ёрдамида Хрушчёв ислохотларини чуқурлаштирмоқчи, Москванинг аҳамиятини камайтирмоқчи бўлдилар. Лекин кутилмаган ҳодиса рўй берди, улар учун юмшоқкўнгил туюлган Брежнев бу уринишни ҳарбий қўшин ёрдамида бостирди. Шу пайдан бошлаб совет раҳбарияти Хрушчёвча «илиқлик» даврига фақатгина Чехословакияда эмас, балки ўзида ҳам бутунлай барҳам берди. ОАВдан ёт фикрлашлар четлатилди, диссидентлар билан курашиш ДХК тизимида ташкил этилган 5-бошқарма (мафкуравий)га юкланди.

Шубҳасиз, Ўзбекистон бу ишлардан четда қолиши мумкин эмасди. Маҳаллий ёт фикрлар, асосан, шахарнинг ижодий зиёлиларига тегишли бўлган, улар жамият ҳаёти доирасидан ташқарига чиқарилган, уларга нисбатан ҳеч қанақа жазо чоралари кўрилмаган. Фикрлари матбуотда босилмас, улар учун телевидение ва радиога йўллар ёпилган эди. Тўғриси, бу борада барча усулларга барҳам бериш имкони, қўлбола нашрлар, уй шароитида босма машинкада нашр қилиш фаолиятига чек қўйиш имкони бўлмаган.

Ўзбекистонда ўзига хос фикрловчиларнинг энг обрўли намояндаларидан бири ёзувчи Абдулла Қаҳҳор бўлиб, жуда танқидий мулоҳаза юритар,

тили аччиқ эди. Унинг Рашидов билан алоқалари кескин кечган, бу 40-йилларнинг охиридан давом этиб келарди. Ўша йилларда Қахҳор «Кўшчинор чироқлари» романини ёзади, асарда сўз батрак қулоқнинг қизига уйланиб, ўз муҳитидан ажралиб кетиши ҳақида боради. Бу асарни ўзбек раҳбарияти синфсиз ёндашишда айблаб, ғоявий жиҳатдан зарарли деб атади. Москва-нинг «Маданият ва ҳаёт» газетасида бу асар ҳақида «Ҳақиқатни нотўғри кўрсатувчи роман» номи остида танқидий мақола эълон қилинди. Мақола остида Ш.Рашидов ва И.Султонов имзолари бор эди.

Қахҳорнинг хотирасида Рашидовга нисбатан янада равшан бошқа эътирозлар ҳам бор эди. Жумладан, 1963 йилда у «Тобутдан товуш» пьесасини ёзади, унда порахўрлик ва мансабдорлар жиноятлари қаттиқ танқид остига олинган. Аммо бу пьеса ўзбек театрларининг репертуарида атиги бир йил турди, ундан сўнг тақиқлаб қўйишди. Бироқ, буни Рашидов ҳокимиятининг танқидни чеклаш тўғрисидаги ташаббуси деб ҳисоблаш муболағали бўларди. Ташаббус Москвадан чиққан эди: Хрушчёв лавозимдан олиб ташлангандан кейин Марказ «илиқлик»жа аста-секин барҳам бериш йўлига ўта бошлаганди.

Шу орада «илиқлик»дан кейинги пайтларда Абдулла Қахҳорга ўхшаганлар айнан зиёлилар учун озодлик даъватчиларига айланмаса бўлмасди. Уларнинг ўткир сўзларига қулоқ солишар, айтган жумлалари қўлёмалар тарзида қўлма-қўл юрарди. Жумладан, бутун мамлакат (шу жумладан, Ўзбекистон ҳам) Октябрнинг 50 йиллигини мисли кўрилмаган даражада нишонлаган кунларда, ўзбек зиёлилари орасида у томонидан ёзилган қўйидаги фикрлар юрарди:

«Биз бу ерда ўзимизни буюк деб ҳисоблаймиз, лекин ўзимизнинг маҳалламиз доирасидагина «буюкмиз». Ҳақиқий буюк бўлиш учун мақтанчоқлик қилмасдан, чинакамига ўқиш ва меҳнат қилиш керак. Агар жамият стратосфераси яшовчилари ва, умуман олганда, бизнинг барчамиз хушёр тортмасак, тафаккуримизда кутқариш хушёрлиги устун келмаса, Ўзбекистон бундай касаллик аломатлари хотимаси тушунарли бўлган сурункали кўринишга ўтиб кетиши мумкин. Бутунлай дунёвий ишлар билан шуғулланиш учун тиниқ фикрловчи бошга эга бўлиш керак. Менимча, «хозир ва шу ерда» ўзини ва бошқаларни ҳар турли афсоналар билан алдашни тўхтатиш, турли чўпчаклар билан жамият онгини ўзгартирмаслик керак.

Бизнинг шароитимизда онгни афсоналаштириш ҳеч нарсага арзимайдди. Бу кўр-кўрона деворга қараб тезликни оширишга «розилик» беришга ўхшайди. Шак-шубҳасиз одамларнинг бир афсонадан кўнгли қолиши бошқа чўпчакларнинг домига илинишига олиб келади, санъатдан камроқ тажрибага эга бўлганлар «ёруғ кунлар» ва буюк халифаликдан кам бўлмаган буюк келажак образи ҳақида ҳаёлий тасаввурлар ясашади».

Бу мулоҳазаларнинг ҳақиқат эканини Рашидов ҳам яхши биларди: Қаҳҳордан ўн ёш кичик бўлса ҳам, Рашидовни Қаҳҳорга нисбатан илмсиз ва ақлсиз инсон деб бўлмасди. Бироқ Рашидов, шу билан бирга, Иттифок таркибига кирувчи йирик республикалардан бирининг раҳбари ҳам эди, шунинг учун у ўз фаолияти давомида кўп ҳолларда фақат ўз эътиқодига таяниб қолмасдан, шунчалик турли кўшимча, хусусан, Москванинг кўрсатмаларига ўхшаш омилларга таянарди. Мисол учун, Қаҳҳор ўзининг танқидларини республикадаги вазиятдан, унинг ўзигагина аён бўлган фактларга асосан яратса, Рашидов ортиқ даражадаги маълумотларга эга эди ва тузум танқидчиларига нисбатан жуда кенг кўламли муаммоларни ҳис этарди. Аммо Рашидов республиканинг барча кишилари билан бу билимларини бўлишиш имконига эга эмасди, бинобарин, ўша либерал зиёлиларга кўпчиликнинг хулосаларига қўшилишини билдириб, баъзи бир хабарларни юбориши мумкин эди. Хусусан, А.Қаҳҳор ўз танқидларини кучайтирганига қарамай, Ўзбекистон ҳукумати уни ҳар томонлама сийлаган: 1966 йилда Абдулла Қаҳҳорга Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофоти берилди, бир йил ўтиб Ўзбекистон халқ ёзувчиси унвонига сазовор бўлди. 1968 йилнинг май ойида, А.Қаҳҳор вафот этганда, республика жамоатчилиги унинг ўлиmidан беҳабар қолмаслиги учун ҳукумат қўлидан келган барча чораларни кўрди. Анча вақт ўтиб, ёзувчи ҳаётининг сўнгги даври тўғрисида машҳур ёзувчи Константин Симонов шундай ёзганди:

«Қаҳҳор чинакам жасоратли ёзувчи эди. У билан боғлиқ охириги хотираларим унинг айнан мана шундай одамийлик хислатлари билан боғлиқ. Мен уни касалхонада ўлиmidан бир кун олдин кўрдим. У ўлимини билар эди, аммо ўлишни истамасди. Ўз табиатига кўра ўлим билан юзма-юз келганда ҳам кўрқувни билдирмайдиганлардан эди. Касалхона тўшагида баландлатиб қўйилган ёстикларда ётар, кенг кўкраклари билан оғир нафас олар ва унинг гўзал, жасуруна чехрасида шундай бир ифода бор эди-



ки, кўргани келган дўстларини ўрнидан туриб кутиб олмаётганлиги учун ўзини айбдордек ҳис қиларди. Умри охирлаб бораётганини биларди, аммо токи тирик экан, ўзини заминда хўжайиндек ҳис этарди. Унинг қўл бериб кўришгандаги шиддат ва нигоҳининг кескинлигига қараб ҳаёт билан видолашаётганига ишонч ҳосил қилдим».

А.Қаҳҳор фақат совет тузумини эмас, турли тоифадаги ёзувчи-лаган-бардорларга Рашидов ҳақида ҳар қандай қасида ва мактовлар куйлашга йўл кўйиб берганлиги учун шахсан уни ҳам танқид қиларди. Бундай сайрашлардан кейин бу ширин сўзли «булбул»ларнинг китоблари нашриётларда минглаб нусхаларда нашр қилинар, бу кўпчилик томонидан очикчасига «пора», деб ҳисобланарди. Бу «дўкон»ни Рашидов бекитиши мумкин эди-ми? Шубҳасиз, мумкин эди, аммо айтилганидек, инсон ожиз. Яна шуни ҳам унутмаслик керакки, бу ер – Шарқ эди ва яна кўпгина нарсалар Рашидовнинг хоҳиш-истагисиз бўларди: маҳаллий тарғиботчиларнинг ташаббуслари каби, республикада сиёсат юритишда уларнинг кўпчилигига суянишга мажбур эди.

Айнан ўша кезларда Рашидов ўз қариндошларидан нажот қидира бошлайди, уларнинг кўпчилигини ҳукуматдаги юқори лавозимларга тайинлайди. Жумладан, акаси С.Рашидов Халқ назорати комитети раисининг ўринбосари, бошқа қариндоши – Ў.Арипов Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари, кейин вазир этиб тайинланади. Қариндошларидан яна икки киши Самарқандда раҳбарлик лавозимига: Ҳамроқулов – маҳаллий вилоят ижроия комитетига, Азимов – шаҳар ижроия комитетига бош бўлди. Бу ҳам Рашидовнинг шахсий ихтироси эмас, ҳар қандай ҳокимиятга хос типик ҳодиса эди. Брежнев ҳам ўзига содиқ кадрларни танлаб олар, қариндошларига, ўртоқларига ва юртдошларига суянарди.

Бу ҳодисанинг белгиси – «непотизм» – италянча «илдизларга эга» маъносини билдиради. Бу илк Уйғониш давридан одат тусини олган, Рим папалари ўз қариндошларига черковнинг юқори лавозимларини бериб, ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаб олган. Аввал уларнинг жиянлари, кейинчалик ўғиллари ва бошқа қариндошлари мансабдор этиб тайинланган. Шу асно Медичлар, Борджиалар, Орсинилар каби «папа»ларнинг бир бутун авлодлари юзага келган.

Шарқда мазкур анъана ривожланиши хусусида тарихчи Л.Левитин ёзади:

«Ўзбекистонда ва бошқа Ўрта Осиё Республикаларида авторитарлик ва Сталин давридан кейинги котибларнинг обрўси Москва томонидан қўллаб-қувватланган, лекин анъанавий уруғ-аймоқчилик, маҳаллий намояндаларга таянилган. Юртдошлик ва бошқа айирмачилик алоқалари ошқора танқид қилинса ҳам ҳақиқий ҳаётда улар ошқора сиёсий аҳамиятга эга бўлган, чунки улар Ўрта Осиёдаги жамиятларга азалдан хос хусусият эди.

Айнан шу вақтда Ўзбекистонда тепадан пастга қараб, республика миқёсида, вилоятлар ва туманлар миқёсида мижозий қарамлик муомаласида, юртдошлик ва уруғ-аймоқлик негизида бир-бирини қўллаб-қўлтиқлаш, ўзаро манфаатдорлик авж олди. Шу ерда непотизм (ўз одамларини сояси остига олмоқ маъносида) ғарбга нисбатан ўзбеклар жамияти учун мутлақо бошқа нарса эканлигини назардан қочирмаслик керак. Ҳар эҳтимолга қарши, бу халқ томонидан рад этилмасдан, ўзига хос бир одат каби қабул қилинарди».

Л.И. Брежнев бу нарсалардан жуда яхши хабардор эди, ўз вақтида жанубий ҳудудда сиёсат қандай қурилишига ўзи гувоҳ бўлганди: бинобарин, қайд этилгандек, 50-йиллар ўртасида у Қозоғистон партия комитетини бошқарганди. Шунинг учун ҳеч қачон бу масалада дангал иш қилмасди (бундай қилиш Хрущёвга ҳам хос одат эди). Шу сабабли Рашидов мухолифларининг шикоятларига Брежнев эътибор бермасди, холбуки, улар Рашидов қариндош-уруғчиликни урчитиб юборди, мақтовларга ўч ва ҳоказо деб вақти-вақти билан Москвага кўз ёши тўкиб хат ёзиб туришарди. Бу хатлар ҳийла эканини Брежнев яхши тушунар: агар у шикоятчиларни ҳукумат тепасига олиб келса, нафақат Рашидов каби сиёсат юритишларини, балки бу йўлда уни ортда қолдириб кетишларини ҳам биларди. Москва учун айнан Рашидов даврида, Ўзбекистон Иттифокнинг иқтисодиётда барқарор ва миллатлараро муносабатда энг осойишта республикасига айланиши жуда муҳим эди. Республиканинг барча раҳбарлари ичида Рашидов ўқимишли ва уддабурон сиёсатчилардан эди, зиддиятларни бартараф эта олар, муросаларга доимо тайёр эди. Бу борада С.Ризаев шундай ёзади:

«Маркази Кремлда бўлган совет маъмурий-бошқарув тизими ўзи сайланадиган ва назорат қиладиган жойлардаги раҳбарларга қатъий чегараланган доирада фаолият юритишга ижозат берарди. Шароф Рашидович Рашидов бу чегарани ҳаммадан кўра яхшироқ сезар ва ҳар қандай ҳолатда

уларнинг тазйиқи, сиқуви, халақит бериши, инсоний ғурури ва кадр-кийматининг камситишини билдирмасди. Аксинча, Ўзбекистон Компартияси МКнинг биринчи котиби ва КПСС МК Сиёсий бюроси аъзолигига номзод бўла олмасди.

У айна шу чегаралар доирасида Сиёсий бюро аъзолари, КПСС МК котиблари ва уларнинг яқин ёрдамчилари билан инсоний алоқалар ўрнатар, тизимнинг ушбу қатъий чегараси доирасида иқтисодий борлиқни, ишлаб чиқариш муносабатларини бор бўйича қабул қиларди. Бу ерда унга муқобил фикр билдириш, ўзига хос айрим усулларни қўллашга имконият яратилганди. Бундан моҳирона фойдаланарди. Башарти, муваффақиятга имкон бўлса, агар бу нарса тузумнинг зўрлари билан алоқаларнинг бузилишига таҳдид қилмаса, ишонтирар, исбот талаб қиларди. Бироқ ихтилофлар келиб чиқишга, муносабатларнинг ёмонлашувига асло йўл қўймасди. Бу тактика ўзини оқлади: Ўзбекистон яна ўша тизим чегарасида ва унинг талабидан келиб чиқиб, Марказдан ажратмалар ва материал ресурслардан курук қолмаган. Шу нуктаи назардан Ш.Рашидов ўрнида бошқа раҳбар бўлганида ҳам, бундан ортиғини уддалай олмасди...»

Албатта, Рашидов даврида Ўзбекистонни гуллаган жаннат деб ҳисоблаш соддалик бўлар. Аммо бошқа томондан, либералларнинг гўё бу республика Иттифок таркибида коррупциянинг сал бўлмаса маркази деган енгилтаклик билан қилинган даъвосининг Горбачёв кабилар томонидан тасдиқланиши Ўзбекистонни таҳқирлаш бўларди. Аслида, Иттифокнинг бошқа республикаларига нисбатан Ўзбекистонда коррупция юқори бўлмаган. Саноатдаги ўғирликлар ёки пахта хўжаликларидаги қўшиб ёзишлар пахта етиштирувчи барча республикаларда бор эди, қолаверса, бундай қинғирликлар Рашидовнинг тўғридан-тўғри буйруғи билан қаттиқ таъқиб этиларди. 1969 йилги жиноятларга оид ҳисобот бунга мисол бўла олади. Жумладан, Б.Савельев «Правда Востока» (1970 йил 15 июль сони) газетасида қуйидагиларни ёзади:

«1969 йилда енгил, озиқ-овқат, гўшт-сут саноатида камомад миқдорлари 1968 йилга нисбатан кўпайган. Бир қатор тайёрлаш пунктларида, айниқса, Самарқанд, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Автоном Республикасида кўп миқдордаги камомад ва ўғирликлар, жамоа ва давлат хўжаликларидан қабул қилинаётган пахта хомашёси сифатини нотўғри

баҳолаш билан боғлиқ суиистеъмолликлар аниқланган. Чирчиқ пойафзал фабрикасида бир неча йиллар давомида давлат маблағлари ўғирланган».

Ўзбекистонда жиноятга қарши қаттиқ кураш олиб бориларди. Шунинг учун ҳам йирик республикалар орасида бу борада энг паст кўрсаткичлар кузатиларди. Ўзбекистон жиноят-қидирув бўлими самарали ташкилотлардан ҳисобланиб, жиноятларнинг фош қилиниш даражаси юқори бўлган. Бу ташкилот учун мутахассислар бевосита Ўзбекистоннинг ўзида тайёрланарди. 1960 йилнинг ўрталарида Иттифоқ ИИМ Милиция олий мактабларини ташкил этишни режалаштирган вақтда ва деярли бир вақтнинг ўзида шундай тўртта муассасани очди, шулардан бири Тошкентда жойлашди.

Шу орада Ўзбекистонда жиноятчилик унчалик оғир бўлмаган жиноятлар ҳисобига ортиб борарди. Масалан, 1960 йилнинг ўртасида дайдилик ошиб бориши ҳисобига республикада ўғирлик жинояти кўпайди. Ҳаттоки 1968 йилнинг апрель ойида ўзбек ҳукумати Дайдилик ва тиланчиликка қарши курашишни кучайтириш бўйича қарор чиқаришига тўғри келди.

Бу жиноятнинг улуши безорилик жинояти каби юқори бўлиб, бундай юқори кўрсаткич бутун Иттифоқ учун хос эди. Жумладан, 1965 йилда мамлакатда 130 442 безорилик қайд этилган бўлса, бир йил ўтиб бу рақам 257 015 тагача кўпайди. Ҳақиқатда, кейинги олти йилда бу кўрсаткичлар 1966 йил даражасида қолди, ундан кейин, ҳатто, камая бошлади.

Тошкентда 1968 йилнинг май ойи ўрталарида жиноятчилик билан курашни кучайтириш масалалари бўйича республика партия фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда иштирок этиш учун Москвадан Иттифоқ прокурори Роман Руденко ва ИИМ раҳбари Николай Шелоков келди. Ўша вақтдаги нутқлардан бир қанча парчалар келтираман, уларда Ўзбекистондаги жиноятларнинг даражалари ҳақида сўз боради.

Ҳ.Яҳёев (Ўзбекистон Ички ишлар вазири): «Бутун республика бўйича жамоат жойларида жиноятлар сезиларли даражада кам содир этилмоқда, жиний жавобгарликка тортиладиган безориликлар сони қисқарди, фуқароларнинг шахсий мулкларини ўғирлаш, авариялар ва ўлим билан тугаган ҳалокатлар сони камайди».

С.Пўлатхўжаев (Ўзбекистон Олий суди раиси): «Ҳозирги кунда Ўзбекистонда судланганлар сони ўртача бутун мамлакатда судланганлар

сонидан сезиларли даражада кам. Аммо жинойтчилик республика бўйича хали ҳам тарқалмоқда, бинобарин, маъмурий органларнинг иш савияси уларга қўйилган талаблардан орқада қолмоқда».

Ўзбекистонда ўша пайтларда ҳукумат даражасида юритилган сиёсатдан биров чалғиймиз ва республиканинг кундалик ҳаётига санъат орқали назар ташлаймиз. Жумладан, ўша 1968 йилнинг май байрами кунларидаги Тошкент театрларининг афишасига эътибор қаратсак. А.Навоий номидаги давлат академик катта театрида «Қирқ қиз», Ҳамза номидаги академик драма театрида «Менинг қизил дуррачали маликам», М.Горький номидаги Республика рус драма театрида «Ғалати миссис Сэвидж» спектакллари-нинг намоёниши давом этарди.

Ўзбекистонда 1968 йилда янги «Ёш гвардия» (Тошкентда) ва Қўғирчоқ театри (Андижонда) очилди. Ўша вақтда республикада жами 24 та театр фаолият олиб борарди, бундан тўққиз йил аввал улар 18 та эди. Худди ўша вақтда Ўзбекистонга Ленинграддан театр актёри ва режиссёри Владимир Рецеттер келди, уни Рашидов шахсан қабул қилди, учрашув бир соатга чўзилди. Бу тасодиф эмасди.

Ҳамма гап шундаки, Рецеттер тошкентлик эди. У Ўзбекистон пойтахтида яшар ва М.Горький номидаги Республика рус драма театрида ишларди. Оддий актёр эмасди. 1961 йилда айнан Рецеттер У.Шекспирнинг «Гамлет» асари асосида сахналаштирилган спектаклда бош ролни ўйнаганди. Аммо ўша ўн йилликнинг ўрталарида ёш ва иқтидорли актёрни Георгий Товстоногов ўз театрига таклиф қилади ва у бу таклифни рад этмади.

Рашидов билан учрашувни актёр куйидагича эслайди:

«Мен Тошкентга учиб келдим ва собиқ курсдошим Ўзбекистон Компартияси МКда хизмат қиларди, мендан: «Кўхна қалъадан Тошкентни кўришни истайсанми», деб сўради. Тошкентдаги Эски қалъага ҳарбий иншоот бўлгани учун талабалик пайтимда кира олмаган эдим, ҳозир эса уни бузиб ташлаб, ўрнига оқ мраммардан МК биноси қурилганди. Мен, «ха» деб жавоб бердим. У рухсатнома буюрди ва мен Марказий Комитет биносининг учинчи қаватига чиқиб, Анхор ва унинг қирғоқларини ҳавас билан томоша қилдим.

– Рашидов қаерда ўтиради? – сўрадим курсдошим Адҳамдан.

– Рашидов – олтинчи қаватда. Кўришни истайсанми? – У жавобимни кутиб ўтирмай телефон гўшагини кўтарди. – Михаил Иванович, ассало-

му алайкум, Адҳам Адҳамов гапирмоқда. Дўстимиз Владимир Рецепттер шу ерда, меҳмонда бўлиб турибди, – кутилмаган ҳаяжондан унинг овози кучайиб кетди: – Биласиз, у Тошкент давлат университетини тугатган, театр институтида ҳам таҳсил олган, Гамлетни ўйнаган, ҳозир Ленинградда, Тавстоногов раҳбарлигидаги театрда ишламоқда... Ҳа-я, сиз ҳам танийсизми?!.. – Адҳам хурсанд ҳолда менга имо қилди ва саволомуз кошени кўтарди. – Ана, агар Марказий Кўмитет биносининг олтинчи қаватидан Тошкентни томоша қилсак жуда яхши бўларди!.. Сизнинг ижозатингиз билан, меҳмонга шундай қилсак бўладими... Яхши, кутамиз. – Адҳам гўшакни бошқа қўлининг кафти билан беркитиб, мен томонга паст товушда гапирди: – Бу – Рашидовнинг ёрдамчиси, ўртоқ Михаил Иванович Косих, у бошқа телефон орқали кўриқлаш хизматидан биз Рашидовнинг қабулхонасидан шаҳарни томоша қилишимиз учун рухсат сўраяпти. – Ҳа, ҳа! Михаил Иванович, эшитаман. Ҳа-а! Ҳа-а-а!.. Ҳозир... – Адҳам ҳаяжон билан гўшакни қўйди ва ишонқирамай менга қаради. – Сени Рашидов кўрмоқчи экан. Кетдик унинг ҳузурига.

Адҳам телефон орқали суҳбатни бундай тугашини сира кутмаган эди, қабул охиригача қабулхонада интизор бўлиб кутиб ўтирди.

Мен Рашидовнинг хонасига кирганимда, у йиғилиш ўтказиладиган узун стол атрофида ўтирар, рангли қалам билан кўп варақли матнда нималарнидир белгилар ва саломлашишдан аввал ғоят бандлигини, давлат ишлари билан боғлиқ зиммасидаги масъулиятини ҳис этдим. Унга тақдир эркатоий ва тузалмас некбин одамнинг тетик овози билан салом бердим.

– Пленумга нутқ тайёрлаяпман, – оддийгина тушунтирди Рашидов ва мен қаерда ўтиришим кераклигини кўрсатди. У матндаги рақамларни, парчаларни гоҳида қизил, гоҳида яшил қалам билан белгилаётганини кўриб турардим. – Ҳозир мафкура масалалари бўйича котиб Нишонов келади, – деди у ва ишидан бошини кўтариб менга қаради. Маданият вакили билан учрашув баённома бўйича асосий партия мафкурачиси иштирокида ўтиши белгилаб қўйилган, чамаси.

– Хўп, аҳволлар қалай, – тортинмай сўради Рашидов, – ишлар қалай?

Мен тушунмадим, савол моҳиятан берилдими ёки шарқона илтифот туфайлими, жавоб ҳам имкон даражасида қисқа бўлди:

– Жуда яхши, Шароф Рашидович, раҳмат. – Ўз навбатида сўрадим: – Бадиий ижод билан шуғулланиш учун вақт қоляптими?

Мен бу билан унда, аввало, санъат кишисини, ундан сўнг давлат ар-  
бани кўраётганлигимни таъкидламоқчи бўлдим. Албатта, романла-  
рма ўқимаганман, романлари ҳақида сўрамаса керак. Бироз хижолатли  
Элмамликка у, чамаси, баҳо берди ва чуқур хўрсиниш билан деди:

– Афсус, афсус...

Мен унга ҳамдардлик билдирмадим ва мавзуни ўзгартирдим:

– Сизнинг деразангиздан шаҳар қандай кўринади, Шароф Рашидович!

Рашидов ўзга нигоҳ билан баҳо бергандай деразага тикилди ва камта-  
рона деди:

– Ҳа. Ҳаракат қиляпмиз. Қуряпмиз... Тошкент сизга ёқдими?

Мен жавоб бердим:

– Ҳа, Шароф Рашидович, кучли таассурот қолдирди. Зилзиладан кейин  
бутунлай бошқа шаҳарга айланибди.

Шу пайт Нишонов кирди ва Рашидов бизни таништирди.

– Эшитдим, эшитдим, – деди Нишонов ва муғамбирона илжайди.

Мен мафкура бўйича котиб Нишоновни Алишер Навоий номидаги  
театрнинг бир раққосаси ҳикояси орқали жуда яхши билардим, у  
раққосанинг кўнглини овлаш учун орқасидан соядай эргашгани, лекин  
нима учундир ўша қиз мени танлади. Ҳар ҳолда, ўша вақтдаги келишим-  
да. – Аммо Нишонов буни билмасди, бинобарин, ўзини ҳеч нарса бўлмаган-  
дай тутарди. – «Чиройли эркак экан» деган фикр кўнглимдан кечди.

– Барибир сиз бизда қолмадингиз, – хаёлимни бўлди Рашидов. Бу балки  
таъна ёки шунчаки бир фикр эди.

– Шароф Рашидович, мен Ҳамза театрида ишлай олмас эдим-да. Рус  
театрида ишлашим керак эди. Мени мамлакатнинг йирик бир режиссё-  
ри таклиф этди – Товстоногов, шундай имкониятдан воз кеча олмадим.  
Барибир, унинг театрида Тошкент вакили сифатида фаолият юритаман.  
Москвада ҳам, Ленинградда ҳам асли қаердан борганимни яхши билишади.

– Бизга айтиб беринг-чи, Товстоногов қандай ишлайди? – сўради Ра-  
шидов ва унинг саволида менга ҳақиқий қизиқиш аломатларини туйдим.  
У қандай ажойиб режиссёрлиги, Станиславскийнинг ижодий услубини  
қандай татбиқ этиши, амалий натижаларини таҳлил этиши ва театр қайси  
мамлакатларда сафарларда бўлгани, нималарни кўлга киритганини –  
вақтни унутиб, берилиб ҳикоя қила бошладим. Қолаверса, айнан Тош-

кент театр институтида кўп нарсаларни ўрганганимни ҳам, албатта, қўшиб қўйдим.

Рашидов диққат билан кулоқ солар, вақти-вақти билан Нишонов билан бир-бирларига кўз ташлаб қўйишарди. Бу ерда собиқ тошкентликнинг шахсан Шароф Рашидов билан бўлган учрашуви афсонаси яратилар, бу афсона яқин орада маданият арбоблари ўртасида тилдан-тилга ўтиб юради. Бир дам тўхтаб олиб, у деди:

– Афсуски, зилзила пайтида биз билан бирга бўлмадингиз.

Бу айблов эмас, очикдан-очик таъна эди. Шароф Рашидовичга бўлган ихлосим туфайли Ленинграддаги истиқболдан воз кечишим, зилзилани сабот билан кутишим керак эди. Агар Тошкентни залзиладан сўнг тарк этсам, ватанпарвар каби иш тутган бўлармидим?

– Биласизми, Шароф Рашидович, – тўхтамасдан гапирдим, – зилзилани, бахтга қарши, ҳеч ким олдиндан айта олмасди, фақат мен эмас, ҳатто сиз ҳам, тан олинг!..

Жавоб, чамаси, уни қониқтирди, Рашидов кулимсираб қўйди.

– Буни сиз тўғри пайқадингиз, – Нишоновга қараб гапирди у ва бироз ўйлаб, амрона оҳангда гапира бошлади: – Агарда бирортаси сизга таъна қилса, ҳеч кимга кулоқ солманг. Сиз – бизникисиз. Биз сизни ўзимизнинг Ленинграддаги мухтор вакилимиз деб ҳисоблаймиз. Тошкентга келмасангиз, бундан кейин ҳам бизни унутманг. Керак бўлса сизга ёрдам берамиз. – Нишоновга қараб гапини яқунлади: – Товстоноговга биздан салом айтиб қўйинг.

Нишонов чуқур мамнунлик ҳиссини туйган кишидек Биринчи котиб сўзларига монанд бош қимирлатарди. Қабул қилинган қарор ҳар доим-гидек оқилона, сиёсий жиҳатдан теран ва жуда тўғри эди.

Мен қабулхонага чиққанимдан сўнг, Адҳам Адҳамов билагидаги соатини ечди ва қўлларини олдинга чўзиб, уни юза томони билан кўзларининг олдига олиб келди. Бўғиқ ва тўлиқ маъноли овозда, нигоҳини соат миллирдан узмаган ҳолатда қайд этди:

– Нақд қирқ саккиз дақиқа! – У менинг кўзларимга синчиклаб боқиб, яна бир маротаба соатини текшириб кўриб такрорлади: – Сен Рашидов олдида қирқ саккиз дақиқа бўлдинг.

Сўнгра ёрдамчига юзланди, унга ҳам соатини кўрсатиб, ҳаяжон билан учинчи маротаба такрорлади:



– Қирқ!.. Саккиз!.. Дақиқа!..»

Ўзбекистон Иттифоқнинг Осиё – Африка йўналишидаги ташқи ва маданий сиёсати муҳим роль ўйнашда давом этарди. Бу борада Ўзбекистон 50-йиллардаёқ асосий ўринга эга бўлиб, кейинги ўн йилликнинг охирида катта обрўга эга бўлди. Бунда Шароф Рашидовнинг ҳиссаси катта, у Ўзбекистон Олий Совети Президиумининг Раиси ва биринчи котиб бўлиб ишлаган даврда деярли барча Осиё давлатларида бўлди ва Ҳиндистон Бош вазири Индира Гандидан бошлаб Индонезия Президенти Сукарногача – уларнинг кўпчилигининг биринчи раҳбарлари билан шахсий алоқа ўрнатди.

1968 йилнинг кузида Рашидовнинг шахсий иштирокида Осиё, Африка ва Лотин Америкаси давлатларини боғловчи яна битта кўприк яратилди: Биринчи халқаро Тошкент кинофестивали ўтказилди. Бу Иттифоқнинг маданият соҳасидагина эмас, балки халқаро фаолиятидаги энг муҳим воқеа эди. Иттифоқ «учинчи дунё» мамлакатлари билан алоқаларни келгусида янада кенгайтиришдан манфаатдор эди. Бу вақтга келиб халқаро майдонда АҚШга қизиқиш, унинг Вьетнамда олиб бораётган қонли ва ноҳақ уруши туфайли, кескин камайган, Иттифоқнинг нуфузи ошган эди. Мана шундай тадбирлар, йирик халқаро кинофестивалларнинг ўтказилиши, унда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси давлатлари кинолари намоиш этилиши фақат Иттифоқ фойдасига хизмат қиларди. Бу вақтда Голливуд якка ўзи салкам дунёнинг ярмини эгаллаб олган, бегона фильмлар кенг кўламда намоиш этилиши устидан қаттиқ назоратни амалга оширарди. Иттифоқ эса «учинчи дунё» мамлакатларига кино маҳсулотларини Иттифоқда, қолаверса, бошқа социалистик давлатларда намоиш қилиш имкониятини яратди. Киношунос С.Чертокнинг қайд этишича:

«Тошкент фестивалининг универсаллиги – унинг асосий ўзига хос хусусиятларидан бири бўлган. Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари унда дунё киносанъатидаги нисбий улушларига, ижтимоий ва сиёсий тузумларига боғлиқ бўлмаган ҳолда тенг ҳуқуқлилиқ асосида иштирок этишади. Биз учун йил давомида нечта фильм яратилиши аҳамиятга эга эмас. Айнан Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари, айниқса, унчалик катта бўлмаган давлатлар, Фарб ва Америкада ўз киноларини намоиш қилиш имкониятига деярли эга бўлмаган. Тошкент фестивали айрим йирик давлатларнинг, бошқа давлатлар кино бозорларини ўз фильм-

лари билан тўлдиришга ҳаракат қилувчи, монополистик устунликни барта- раф этишга имкон туғдирди ва урта қитъа киносанъатини тобора юксали- шига туртки берди».

Биринчи Тошкент кинофестивали 1968 йилнинг октябрь ойида бўлди ва унда 49 та давлат вакиллари иштирок этди, улар ўзлари билан 100 дан зиёд бадиий ва ҳужжатли фильмларни олиб келишди. Шуни қайд этиб ўтамиз, бу киноанжуманнинг ўзига хос жиҳати шунда эдики, унда муко- фотлар билан ҳеч ким тақдирланмади, совринлар эса жамоат ташкилот- лари томонидан берилди. Шу йили фахрий ёрликлар билан қуйидаги фильмлар тақдирланди:

Бадиий фильмлар – «Кашмирдаги муҳаббат» (Ҳиндистон), «Йўл» (АХДР), «Ангкор устидаги соя» (Камбоджа), «Сув тошқини» (МХР), «Почмейстер» (БАР), «Мандат» (Сенегал), «Қишлоқ ва шаҳар» (Сомали), «Куллар заводи» ва «Садокат алангаси» (Япония); ҳужжатли фильмлар – «Ханойда бир кун» (ВДР), «А.Косигиннинг Покистонда бўлиши» (Поки- стон), «Хотима – 67» (Иордания), «Б.Шастри хотираси» (Ҳиндистон) ва бошқалар.

Кинофестивалдан бир ой вақт ўтиб Ўзбекистоннинг спорт ҳаётида ҳам муҳим ҳодиса юз берди: «Пахтакор» футбол жамоаси ўз тарихида биринчи марта Иттифок кубоги финалига чиқди. Финалга чиқиш осон бўлмади, лекин ўзбек футболчилари уни муносиб равишда босиб ўтишди. Улар Батумининг «Динамо»сини (2:0), Саратовнинг «Сокол»ини (1:0) ва Донецкнинг «Шахтёр»ини (2:1) ҳисобида енгишди. Ниҳоят, 8 ноябрда Лужникидаги Марказий стадион майдонида, 52 минг томошабин нигоҳида пахтакорчилар Кубок финалида Москва торпедочилари (қайд этамиз, бу уларнинг ҳисобидаги 8-кубок финали эди) билан куч синашди.

Ўйин кутилганидек ниҳоятда ҳаяжонли ўтди. Майдон эгалари ҳужум- кор ўйин, меҳмонлар – ҳимоявий ўйин усулини танлашди. Ўйиннинг би- ринчи бўлими иккала жамоа учун натижасиз якунланди. Иккинчи бўлимда омад торпедочиларга кулиб боқди: 52-дақиқада Михаил Гершкович Эду- ард Стрельцовга узоқ масофага тўп узатди ва у меҳмонлар ҳимоячилари орасида бўлиб, орқаси билан дарвоза томонга туриб қолди. Ўзининг ҳужумдаги шериги Юрий Савченкони рақиб жарима майдончасига катта тезликда югуриб кирганини кўриб, товони билан орқага қарамасдан, унга

тўпни аниқ етказиб берди. Дарвозабон Любарцев бирор чора кўришга ожиз қолди. Бу ҳисоб ўйин охиригача ўзгармасдан қолди, натижада торпедочилар тўртинчи маротаба Кубокни қўлга киритишди.

Ва яна катта сиёсат масалаларига қайтамыз, бунда асосий воқеалар футбол атрофида бўлади.

1968 йилнинг баҳорида Тошкентда «Интернационализм – бизнинг байроғимиз» номли республика илмий-амалий ва услубий конференция бўлиб ўтади. Бу анжуманга бутун Ўзбекистондан ўнлаб мафкура ходимлари йиғилади, унда жуда муҳим бўлган аҳолини байналмилал руҳда тарбиялаш масаласида келгуси вазифалар ишлаб чиқиши ва муҳокама қилиниши лозим эди. Конференция қатнашчилари олдида Ш.Рашидов нутқ сўзлади, хусусан, «Халқлар дўстлиги – бу социализмнинг жуда муҳим ютуғи, совет жамиятининг энг қимматли бойлиги» эканлигини қайд этди. Роппа-роса бир йилдан сўнг Тошкентни бир қатор ҳодисалар ларзага келтиради, бу ҳодисалар ушбу форумнинг шиорлари билан ҳеч қандай умумийликка эга бўлмайди.

Калаванинг учини топиш учун яқин тарихга қайтишга тўғри келади. Ўзбекистондаги барча шаҳарлардан кўра руслар Тошкентда кўпроқ яшаган. 1926 йилда Ўзбекистон аҳолисининг умумий этник таркибда улар 4,7 фоизни ташкил этган бўлишса, 50-йиллар охирига келиб бу кўрсаткич 13,5 фоизни ташкил этди, яна ўн йиллар ўтиб бу кўрсаткич 20 фоизгача ўсди. Русларнинг асосий қисми республика шаҳарларида яшарди. Агарда 1959 йилда 1 миллион 90 минг 700 рус аҳолисидан 912 минг 700 киши Ўзбекистон шаҳарлари чегарасида яшаган бўлса, 1970 йилда 1 миллион 473 минг 500 рус аҳолисидан 1 миллион 312 минг 300 кишиси (89,1 фоизи) шаҳарларда яшаган.

Тошкентда яшовчи русларнинг сони 1966 йил апрель ойи зилзиласидан сўнг сезиларли даражада кўпайди, ўшанда мамлакатнинг барча бурчакларидан минглаб одамлар Ўзбекистон пойтахтини тиклаш учун жўнатилган. Уларнинг маълум қисми вазифаларини бажаргандан сўнг ўз ватанларига қайтиб кетишган, аммо кўпчилиги Тошкентда қолишга қарор қилишган.

Тўғриси айтиш керак, улар орасида: бир томондан, ҳар турдаги ишлаб чиқариш соҳасининг билимдон мутахассислари (ўқитувчи, врач, муҳандислар ва ҳ.к.), бошқа томондан – энг оддий ишларни бажаришга

тайёр паст малакали кишилар ҳам бор эди. Сўнгги тоифадагилар орасида, ҳаттоки жиноятчилар ҳам учраб турар, ёлланиб Тошкентга оддий курувчи сифатида ишга келган, эндиликда иссиқ ва ноз-неъматларга бой ўлкада жойлашиб олишга қарор қилишганди. Айнан мана шу «табақа» вакиллари Тошкент ҳокимиятига ҳақиқий бош оғриғи бўлди, чунки бу одамлар ўзининг аввалги одати ва қилиқларини янги муҳитга кўчира бошлашди. Шу пайтдан бошлаб улар яшаётган ҳудудларда ижтимоий зиддиятлар кучайиб, жиноятчилик кўпайди. Эртами-кечми, бу портлаш билан тугаши керак эди.

Вазият тахминан 1969 йилнинг мартидан кўрқинчли тус ола бошлади. Айнан ўшанда Тошкентнинг кўпчилик русийзабон аҳолиси ижтимоий зиддиятнинг кучаяётганини, ўзбек ёшлари тажовузи зўраяётганини ва катта ёшдаги ўзбекларнинг бегоналашаётганини сеза бошладилар. Баъзи бир руслар жисмоний йўқ қилиниши таҳдиди ва Ўзбекистонни тарк этиш талаби билан почтадан аноним хатлар ола бошлашди. Шаҳарнинг айрим жойларида ўзбек ва рус ёшлари иштирокида маҳаллий тўқнашувлар бўлди. Бир канча тўқнашувлар киносанслар тугагандан сўнг бўлиб ўтарди. Ўша кунларда Тошкентдаги йирик кинотеатрларда «Қўлга тушмас қасоскорларнинг янги саргузаштлари» («Санъат саройи», «Чайка»), «Қишлоқ изқувари» («Ўзбекистон 25 йиллиги»), «Яп-янги» («Ўзбекистон», «Спутник», «Москва»), «Бизнинг эрамиздан миллион йил олдин» (Навоий номидаги кинотеатрда) каби фильмлар намоиш этиларди.

1969 йилнинг 4 апрелидаги рўй берган ҳодиса зиддиятлар кучайишига сабаб бўлди. Ўша куни кечқурун соат еттида Тошкентнинг «Пахтакор» стадионида олий лига жамоалари «Пахтакор» ва Минск «Динамо»сининг янги мавсумдаги дастлабки учрашуви бўлиб ўтди. Бу мавсумнинг биринчи ўйини бўлгани сабабли унга қизиқиш катта – стадион деярли тўлган. Бироқ стадионга йиғилганларнинг барчаси «Пахтакор» мухлислари эди, деб бўлмасди. Жумладан, йиғилганларнинг сезиларли қисми русийзабон аҳоли бўлиб, улар, асосан, минслик футболчиларга мухлислик қилишиб, етарлича фаол бўлишган: турли чақириқлар ва шиорлар янграган, бу нарсалар «Пахтакор» мухлислари томонидан ҳақоратдай қабул қилинган. Қисқаси, ўйин давомида мухлислар ўртасидаги эҳтирос хийла жиддийлашиб кетади.

Устига-устак, минсликлар мавсумга мезбонларга нисбатан яхши тайёрланган бўлиб, ниҳоятда моҳирона ўйин кўрсатишади. «Пахтакор»

майдонга ўзининг энг яхши таркибини Любарцев (дарвозабон), Петухов, Штерн, Иноятов, Науменко, Варюхин, Раҳматуллаев, Мелкумов, Бектошев, Красницкий ва Ибрагимовларни туширгани ҳам наф бермайдди. Ўйининг 9-дақиқасидаёқ Любарцев тўпни қабул қилиб олишда хатога йўл қўяди ва минслик Волох ҳисобни очади. Иккинчи бўлимда майдон эгалари ўйинда ғалаба қозониш учун барча чораларни кўришади, аммо тўп меҳмонлар дарвозаси «чизиғи»ни кесиб ўтмайди. Ҳаттоки Бектошев дарвозабон билан яккама-якка чиққанда ҳам унинг тепган тўпи тўғридан-тўғри динамочилар дарвозабони қўлига бориб тушиши билан тугайди. Натижада ўйин охиригача ҳисоб ўзгармасдан қолади, меҳмонларга минимал натижа ғалаба келтиради. Бу мағлубият стадиондан ташқарида минслик мухлислар билан ҳисоб-китоб қилиб олиш учун бир гуруҳ «Пахтакор» мухлисларига баҳона бўлади.

Жанжал бошланганда миллатчиликка оид чақириқлар янграй бошлайди, бу нарса оломонни янада жунбишга келтиради. Оқибатда тўқнашув, аслида назорат қилиб бўлмайдиган ҳолатга айланиб, шаҳар кўчаларига ёйилиб, Навоий кўчасидаги ҳаракатни тўсиб қўяди. Кўчаларда европача кўринишдаги эркак ва аёлларни, ҳаттоки европа кийимидаги ўзбек хотин-қизларини дўппослай бошлашади. Бу то милиция аралашмагунча узоқ вақт давом этади.

Рашидов шу куни Қаршида, Қашқадарё обкоми йиғилишида иштирок этаётганди. Қайтиб келган заҳотиёқ, шаҳарда тартиб ўрнатиш ҳақида буйруқ берди. Аммо унинг буйруғи ортиқ даражада иштиёқ билан қабул қилинмади, бунинг орқасида Рашидовни Москва олдида обрўсизлантиришга уринувчи мухолиф кучлар турмаганмиди, деган фикрга олиб келади. Балки шунинг учун 8 апрелда, яна «Пахтакор» иштирок этган футбол ўйинидан сўнг (Москванинг «Спартак» жамоасини қабул қилиб, яна 1:2 ҳисобида ютқазди) яна ўзбек ва рус ёшлари ўртасида тўқнашув юз берди. Худди шундай ҳолат тўрт кун ўтиб, 12 апрелда яна такрорланди.

Бу бегона қўл билан Шароф Рашидовни мансабидан олиб ташлаш учун мухолифатнинг навбатдаги ҳаракати бўлиши мумкин, деб тахмин қилиш учун асос бор. Шароф Рашидовнинг ўзи, чамаси, узоқ вақт бу ҳодисадан беҳабар, аксинча, жиддий чоралар кўрган бўларди. Бинобарин, айнан

унинг учун бундай миллатчилик кўринишидаги тартибсизликларни фойдаси йўқ эди. Москвада бу вақтда «либераллар» ва «буюк давлатпарастлар» ўртасидаги мафкуравий кураш авжига чиққанди (ОАВда, хусусан, «Янги олам»да (либераллар) ва «Ёш гвардия»да (буюк давлатпарастлар) бу кураш нуфузли журналларда ўз аксини топди; «Ёш гвардия» журнали Чехословакиядаги «бахмал инқилоби» бостирилиши масаласида яққол пешқадамлик қилар, Тошкентдаги русларга қарши чиқишлар Шароф Рашидовнинг сиёсий фаолиятига чек қўйиши ҳеч гап эмасди. Л.И. Брежнев, чамаси, бу ходисаларни ҳақиқий сир-асроридан яхши хабардор бўлган шекилли, Рашидовни ишдан бўшатишни хаёлига ҳам келтирмади. Аммо иккита бошқа республика – Озарбайжон ва Туркменистон партия раҳбарларини жуда енгиллик билан ишдан олиб ташлади.

## 22-боб

### ОЗАРБАЙЖОН ПОЛИГОНИ

Мазкур Кавказорти республикаси раҳбари Вели Охундов 1969 йилнинг июль ойи ўртасида мансабидан олинди. У Озарбайжоннинг шушин уруғидан бўлиб (аслида Боку яқинидаги Кубин туманида туғилган), шушин уруғи вакиласига уйланган.

Айнан ушбу уруғнинг вакиллари узоқ йиллар давомида республиканинг партия раҳбари бўлиб, ўзларининг она юрти билан алоқасини узмаган ҳолда Бокуда яшашган. Шушеда уларнинг авлоддан-авлодга ўтиб келган уй-жойлари сакланиб қолган. Бу уруғ жуда миллатчи ва туркпараст эканлигини Москвада жуда яхши билишар, аммо унга республикадаги ҳокимиятни ишонилар, фаолиятини фақатгина Марказдан эмас, Озарбайжоннинг бошқа уруғлари ёрдамида чегаралаган ҳолда бошқарарди.

Москва нефть ва пахта масаласини кун тартибига қўймагунча Охундов ҳукмронлиги роппа-роса ўн йил давом этди. Гап шундаки, Озарбайжон Сибирдан сўнг Иттифоқнинг асосий нефть базасидан бири эди: Сибирнинг шимоли-ғарбий қисми 60-йиллар охирида «ялпи хирмонга» 31 миллион, Озарбайжон эса 21 миллион тонна нефть етказиб берган. 1967 йилда нефть кўмирни чинакамига қувиб ўтиб, дунёда асосий қувват манбаига айланганди, Марказ наздида Кавказорти «нефть омбори»нинг сиёсий мақоми

хаддан зиёд ўсди. Шу билан бир қаторда, Марказнинг ишончи аввалги раҳбарларга нисбатан камайди: Москванинг ўйлашича, шушинликлар нефтни сотишдан тушган маблағни одилона тақсимламай, республикани коррупциянинг янги хуружидан сақлаб қололмайди.

Пахта масаласида ҳам шундай муаммо ҳукмрон эди. Москва 60-йиллар охирида мамлакатда «оқ олтин» етиштиришни кўпайтиришни режалаштиради ва пахта етиштирувчи республикаларни бу масалани ҳал этиш учун ўзларининг барча кучларини сафарбар этишга мажбур этади. Охундов эса қишлоқлар анъанавий турмуш тарзининг бузилиши ва ишсизлик кўпайиб кетишидан хавфсираб бунга қаршилик кўрсатади (унинг даврида Озарбайжон йилига 300 минг тоннага яқин пахта йиғиб оларди – Ўзбекистон, Туркменистон ва Тожикистондан кейин тўртинчи ўрин).

Шунинг учун ҳам шифокорлик маълумотига эга Охундов ўрнига ДХК вакили 46 ёшли Ҳайдар Алиевни қўйишга қарор қилинди. Алиев Нахичеван уруғи вакили бўлиб, бу уруғ вакиллари шу вақтгача юқори раҳбарлик лавозимига тайинланмаган эди. Алиевнинг ўз сўзларига кўра, бу лавозимга тайинланишини истамаган ва Брежневга бу ҳақда айтишга уриниб кўрган. Бу хусусда унинг ўзи қуйидагича ҳикоя қилади:

«Кремлга – Брежневнинг хузурига йўл олдим. Леонид Ильич мени кулиб қарши олди. Ўртамизда шундай сўзлашув бўлиб ўтди:

– Ўртоқ Алиев, биз сизни номзодингизни Озарбайжон Компартияси МК Биринчи котиблиги лавозимига таклиф этишга қарор қилдик.

– Мен бунга ўзим учун жуда катта шараф деб биламан, ўртоқ Брежнев. Лекин бу лавозимда ишлашни истамайман.

– Нега истамайсан? – ҳайрон бўлди Брежнев, ўртоқларча «сен»лашга ўтиб. – Биз сенга бу масъулиятли лавозимни ишонамиз.

– Компартия МКнинг Биринчи котиби бўлиш осон иш эмас. Шунинг учун истамайман».

Лекин эътирозларимга Леонид Ильич аҳамият бермади. Унинг яқуний қарорга келгани билиниб турарди. Сиёсий бюро ҳам номзодимни кўриб чиқиб, республиканинг ҳозирги ҳолати учун фақат Алиев муносиб, деган умумий фикрга келди.

Республика ҳукуматида малакали чекистларни олиб келиш Иттифок учун мисли кўрилмаган воқеа эди – шу вақтгача бундай ҳодиса ҳеч қачон

бўлмагани. Натижага кўра, бу ерда фақат иқтисодий эмас, сиёсий масалалар ҳам муҳим аҳамият касб этди: Чехословакияда «бахмал кўзғолони» бостирилгандан сўнг, совет ҳукумати «астойдил берилиб кетманглар», дегандай мамлакатдаги мавжуд либералларга уларнинг жойини кўрсатиб қўйди.

Умуман, Брежнев 1967 йилда «комсомол»ларни ҳукуматдан четлаштирилгандан сўнг, юқори элитадагилар унга нисбатан муомаласини ўзгартирди: агар Бош котибни илгари кўнгилчан ва бошқалар фикрига қарам кимса сифатида ҳурмат қилишган бўлса, эндиликда қўй териси остида хийла хатарли мавжудот борлигини тушуниб етишганди. Чехословакиядаги ҳодисалар юқори мансабдорларни бу фикрда фақат бирлаштирди. Брежневнинг оддий бўлмаган феъл-атвори борасида сафдошларининг бошқа мулоҳазалари ҳам бор эди. ДХК раҳбарлигига Юрий Андроповни қўйиб, партия жосуслиги ваколатини кенгайттирди, уни ДХК билан бирлаштирди ва унга республикалардаги ҳукумат раҳбарлари устидан назоратни кучайтириш вазифасини юкледи.

Андроповга ёрдам тариқасида Семён Цвигунни жўнатди, айнан у республикаларнинг раҳбарлари бўйича мутахассис эди. Бироздан сўнг (1970 йилнинг июнида) Андропов ёнида Георгий Цинев пайдо бўлди, у Бош котибнинг ҳамюрти, у билан 30-йиллар бошида, Днепропетровскда бирга ишлаган.

Айтилганидек, Москва республикалар раҳбарлари билан ўзаро муносабатда ҳар доим уруғчилик тизимини эътиборга оларди. Хусусан, жуда устомонлик билан бирон уруғ вакилини раҳбарлик лавозимига тайинлар, умум иши учун ўзларининг иштаҳаларини тийиб қўйишга мажбур этиб, қолганларини иккинчи ўринда ушлаб турарди. Ажабланарлиси шундаки, бундай сиёсатнинг асосий омилларидан бири коррупция эди. Марказий ҳукумат тез-тез уни рағбатлантириб турар, кейинчалик «қармоққа илинтириш учун» қасдан республика раҳбарларини ахлоқсизликка ўргатарди. Ҳар бир коррупционерни обрўсизлантирувчи ҳужжатларга эга бўлиб, уларни исталган қўйга солиш осон эди. Бу сотиб ва ёллаб олишнинг одадий кўриниши эди, ундан ҳамма вақт дунёнинг махсус хизматлари фойдаланган. Хрушчёв ўз даврида махсус хизмат ваколатларини чегаралашга уриниб кўрди, бу асосий омилдан фойдаланилмади, аммо Брежнев даври-



да у янги куч билан ишлай бошлади, шунинг учун ҳам Лубянкага учлик иттифоқи жўнатилди – Андропов – Цвигун – Цинев.

Қайд этиб ўтамиз, республика етакчилари ҳам махсус хизматларда ўз ички хуфияларига эга бўлишга ҳаракат қилишган, улар Москвадан бўладиган махсус ҳужумларнинг олдини олишда ёрдам бериши мумкин эди. Бу хизматлар фақатгина республикалар манфаатини ҳимоя этиш учун тузилганди. Марказ эса ўз ички хизмати воситасида, аввало, босқинчилик мақсадларини ҳимоя этишни кўзларди. Исталган республика раҳбари, агарда ўзини ҳимоя қилмасдан ҳужумга ўтишни кўзласа, шу заҳотиёқ ўз мансабидан олиб ташланар, яхши ҳолатда истеъфога чиқарилар, ёмонроқ ҳолда – партиядан ўчирилар ва барча имтиёзлардан маҳрум қилинарди.

Хрушчёв тақиқланганига қарамасдан, ДХК мамлакатнинг юқори бўғин намояндаларини хуфиёна назорат этаркан, бу кузатув натижаси билан фақат Бош котиб ва Сиёсий бюронинг айрим аъзолари хабардор қилинарди. Баъзи ҳолатларда бундай кузатувни назорат остидагиларнинг ўзидан ҳам яширишни иложи бўлмасди. Шу муносабат билан А.Шелепиннинг хотиралари эътиборга молик:

«МК Пленумларидан бирининг бошланиши арафасида ишчи кабинетимга Пётр Елистратов (Озарбайжон КП МКнинг 2-котиби, кейинчалик Мордовия обкомининг 1-котиби бўлиб ишлаган) кириб, шундай деди: «Ортиқ чидай олмайман, сўзга чиқаман ва Брежневни танқид қиламан». У нутқини қисқача тушунтира бошлади. Мен унинг фикрларини маъқулламадим. Пленум бошланди. Қараяпман, Елистратов залда йўқ. Кейинчалик унинг ўзи менга ва бошқа баъзи бир ўртоқларга айтишига кўра, ўша куни олдимга кириб чикқандан сўнг, Цвигун унинг меҳмонхонадаги хонасига «азалий ўртоқ» сифатида келиб, кечки овқат буюради. Эрталаб Елистратов касалхонада кўзини очади... Шу асно у Пленумда сўзга чиқиш имкониятидан маҳрум этилади.

Кейинчалик Брежнев хизмат хонамда мен томондан айтилган ҳар бир жумлани, ҳаттоки ўз квартирамда ва кўчада айтганларимни ҳам билишини Суслов гувоҳлигида гапириб берганди. Бу гапини тасдиқлаш учун кабинетимда П.Елистратов билан бўлган суҳбатни сўзма-сўз айтиб берди. Ўйлашимча, фақатгина мени эмас, бошқаларни ҳам тинглашган. Семи-

частнийни ҳам, ўша вақтда у Бутуниттифоқ «Билим» жамияти раисининг ўринбосари лавозимида ишларди. Кунларнинг бирида уни КПСС МК котиби Иван Капитонов чақиртириб, кабинетида баъзи бир кишилар МКни ҳозирги раҳбарияти ҳақида ёмон муносабат билдираётганлигида, у эса уларга қарши зарба бермаётганликда айблади ва келгусида ўзини шундай тутаверса, жазолашлари тўғрисида огоҳлантирди».

Яна Озарбайжондаги воқеаларга қайтамыз.

Шубҳасиз, кадрларни алмаштириш масаласида ҳал қилувчи сўзни Семён Цвигун айтади, у Ҳайдар Алиевни ҳам, маҳаллий элита кучларининг тақсмотини ҳам яхши биларди. Алиев ҳукуматдаги «тозалаш ишлари»ни шубҳасиз Москванинг маъқуллаши ва руҳсати билан амалга оширди, бундан у икки ёқлама фойда чиқариб олди: биринчидан, республика раҳбариятидан уддабурронлик билан фойдаланиш ишида янги усулни синаб кўрди, иккинчидан, Марказ улар устидан қаттиқ назоратни тиклашга тайёр эканидан уларни огоҳлантирди. Хрушчёвнинг «иликлик» даврида республика раҳбариятининг мавқеи жуда заифлашиб қолганди. Порахўрлик учун жазони кўчайтириш борасидаги уринишларидан қатъи назар, Хрушчёв ҳам ўз даврида партия ва давлат номенклатурасини махсус хизматнинг жазо тифи остидан чиқарган ва бу кураш оддий гуруҳбозликка айланиб кетганди. Брежнев, пировард натижада, олий раҳбариятнинг алоҳида мақомига тажовуз қилмоқчи эмасди, аммо унинг муҳитида оддий тартибни ўрнатиш чиндан ҳам зарур эди. Озарбайжонда эса вазият шу даражада қалтис тус олгандики, республика МК котиблари ва вазирлик лавозимлари пулга сотиларди. Бу ҳеч қандай муболаға эмас, Алиев раҳбар этиб тайинлангандан кейин Озарбайжон КП МКнинг ёпиқ йиғилишида бу муаммо ҳақида ошқора гапирганди.

Алиевда мавжуд маълумотларга асосан, коррупция билан боғлиқ нархлар: райкомнинг 1-котиблиги – 200 минг рубль, 2-котиблиги – 100 минг, Маиший хизмат вазири – 150 минг, Ижтимоий таъминот вазири – 120 минг, олий таълим муассасаси ректори – 100 – 200 минг (олий таълим муассасасининг мавқеига қараб), туман милицияси бўлими бошлиғи – 50 минг, туман прокурори – 30 минг рубль ва ҳоказо кўринишда бўлган.

Албатта, республикадаги барча ҳукумат қаватларига олди-сотди руҳияти сингиб кетмаганди (ҳалол одамлар ҳам бўлган), аммо коррупция

даражаси жуда юқори эди. Марказни бу ҳолат эмас, балки Озарбайжонда фаолият юритаётган тизимнинг самарадорлиги ташвишлантирарди. Совет бюрократияси ҳам бошқалари каби, ўғриларга ўхшар, аммо етарлича уста эди, яъни ўғирларди ва унумли ишларди ҳам. Озарбайжонда айнан шу нарса йўқ эди. Урушдан кейинги даврда Марказ томонидан белгиланган беш йиллик режаларни республика бирор марта ҳам бажармаган. Охирги беш йиллик режани (1965 – 1970) уддалагандек кўринарди, фақат Москва пешвоз чиқиб, ишлаб чиқариш меъёрларини камайтириб бергани бунда муҳим ўрин тутганди.

Алиев айнан мана шуларни ҳокимиятга келиши учун сабаб қилиб кўрсатди. Ҳокимият тепасига келгандан бир ой ўтиб МК Пленумини йиғди, унда сўзга чиқиб, республиканинг турли жабҳаларида, шу жумладан, иқтисодиётда юзага келган ҳолатларни кескин танқид остига олди. Коррупция ҳақида ҳам гапирди, яқин орада ғазна ўғрилари ва порахўрларнинг жиловини тортиб қўйишга ваъда берди. Хотиржам фаолият олиб бориш учун энг муҳим мансабларга ўз ҳамкасблари – чекистларни тайинлади. Жумладан, Маъмурий органлар бўлимининг мудирини этиб Озарбайжон ДХКнинг собиқ контрразведка бўлими бошлиғи ўринбосари Юсуфзода Зиё Мамед ўғлини қўйди.

Алиев Озарбайжонда қандай тартиб ўрнатганлиги ҳақида жуда кўп ёзилган. Фақат битта мисол: И.Нажафов ва Э.Ахундова бу хусусда шундай ёзади:

«Алиев раҳбарлигининг биринчи ойидаёқ Бокунинг савдо ташкилотлари бошлиқларини даҳшатга солди. Уни жуда кам одам танишидан фойдаланиб, партизанлар каби шаҳарга чиқиб турарди. Оддийроқ кийиниб олиб, биринчи учраган таксига ўтирарди. Ҳайдовчи билан одамлар қандай яшаяпти, нимадан норози, нимадан кўпроқ шикоят қилишади, яъни «ҳаёт тўғрисида» гаплашиш учун энг узоқ йўналишни танларди. Ёки дўконга кириб, «Гўшт неча пул туради?» деб, сотувчига савол берарди. «Икки рубль қирқ тийин!» «Нима учун қиммат?» деб қизиқарди. Ўша даврда икки рубль қирқ тийинга биринчи нав гўшт сотиларди. Бунда фақат суяклар-ку? Сотувчилар елка қисиб қўя қоларди. Андишасиз баъзи сотувчилар эса қизиқувчан харидорга ўта кўпол муомала қиларди. У, аксинча, тўғридан-тўғри дўкон омборхонаси ёки ёрдамчи хонага бостириб кириб,

одатда, тақчил озик-овқатлар уюмини топарди. Умуман, унинг шундай услуби асосидаги тўсатдан бўлган текширишлар натижасида икки-уч ҳафта ичида қирққа яқин одам қўлга олинарди.

Республиканинг партия раҳбарияти орасида «биринчи» ман этилган усуллардан фойдаланмоқда, қилаётган иши валюنتаризм, партизанлик каби узунқулоқ гаплар кучаяди. У яна қандай усул билан ҳақиқатни билиши мумкин эди? Республика прокурорини чақиртирса, Озарбайжонда «хаммаси жойида» деб баён қилади. Ички ишлар вазиридан сўраса, у ҳам силлиққина жавоб бериб, мавжуд вазиятни хаспўшлайди. Халқ эса норози! ДХКда ишлаган давридан омманинг норозилигини биларди. Аммо бу жамиятнинг кўпчилик қисмидан яширилган кўзга кўринмас қисми эди.

Алиев пойтахт бўйлаб яширинча чиқишни тез орада бас қилишига тўғри келди. Уни таний бошлашди. Кимдир унинг суратини юзлаб нусхаларда кўпайтиргани, ҳар бир дўкон мудури столида, ҳар бир сотувчининг пештахтаси остида пайдо бўлганини кейинчалик унга маълум қилишади. Гапга уста таксичилар унга Михайло деб лақаб қўйиб олади. Ўша йилларда мамлакат экранларига фашистларнинг орқа томонида – Югославияда ва Италияда жанг қилган афсонавий совет разведкачиси Мехти Гусейнзода ҳақида «Узоқ қирғоқларда» деган фильм чиқди. Фильм жуда катта довруқ қозонди. Хуллас, мазкур фильмдан олинган «Михайло» лақаби Алиевга хуш ёқарди.

Алиевнинг Бокуда амалга оширган ишлари, асосан, шушин уруғи манфаатларига путур етказди, бу уруғ вакиллари томонидан табиий равишда салбий қабул қилинди. Алиев вазиятни юмшатиш мақсадида, ҳатто, ўзининг ишдан бўшатишга юртдошлари – нахичеванликлар ўрнига уларни ишга тайинлади. Бироқ бошқа жой вакиллари ўрнига ҳам шушин уруғи вакиллари тайинлаганига қарамасдан, ўз уруғининг манфаатларини устун қўйганликда айблашда давом этишди. Натижада шикоятлар Брежневгача етиб борди, у эса бу Озарбайжоннинг янги раҳбари айрим масалаларда ростдан ҳам ҳаддидан ошиб кетмоқда, бу республикадаги вазиятни издан чиқариб юбориши мумкин, деган хулосага келиб, дарҳол Алиевга кўнғироқ қилди. Лекин Озарбайжондан шикоятлар тушгани-

ни айтмади, шунчаки Ғарб радиостанциялари эшиттиришларини баҳона қилиб қўя қолади.

Яна И.Нажафов ва Э.Ахундова ҳикоясига қайтамиз:

«Алиев Бош котибга мазкур лавозимга сайланганининг биринчи кунидан бошлаб бошидан кечирганлари ва ўйлаганларини – деярли ҳамма нарса ҳақида қарийб қирқ дақиқа мобайнида ҳикоя қилди. Коррупция ҳаддан ташқари кучайиб кетгани, савдо соҳасидаги оммавий ўғирлигу фирибгарликлар, аҳолининг ижтимоий норозилиги ҳақида ҳисобот берди. Чамаси, у Брежневни ишонтира олди. Суҳбат охирида Бош котибнинг овозида юмшоқлик сезила бошлади. Ва, барибир, Леонид Ильичнинг охириги сўзи буйруқ оҳангида жаранглади:

« – Умуман, менга қара, бу ишларга жуда ҳам берилиб кетмагин! Назаримда, сен мен ўйлагандан ҳам кўпроқ қизиққансан».

Алиев Бош котиб билан суҳбатдан ўзига керакли хулосаларни чиқариб олди, юқори мансабдор кадрларни қайта кўриб чиқиш масаласида ўпкасини сал босиб иш кўрди (аммо бу ишни бутунлай тўхтатмади).

Туркменистон раҳбарини алмаштиришда, Марказ томонидан бошқача – юмшоқроқ муносабат қўлланди. Яъни, маҳаллий ҳокимият намояндалари орасида ҳеч қандай фош қилишлар кузатилмади, 1960 йилнинг июнидан бери МКнинг 1-котиби лавозимини эгаллаб келган Балиш Овезов ҳеч қандай қаршиликсиз, 1969 йилнинг декабрида жойини Муҳаммадназар Ғофуровга бўшатиб берди. М.Ғофуров бунга қадар олти йил давомида Туркменистон Министрлар Советининг Раиси лавозимида ишлаб келарди.

Бошқа республикаларнинг маҳаллий раҳбарлари бундай ўзгартиришларни, айниқса, Озарбайжонда бўлаётган ҳодисаларни хавотирланиб кузатишарди. Озарбайжон бу борада ўзига хос синов майдони вазифасини ўтаётганини барча сезиб турарди. Марказ республикаларнинг юқори лавозимдаги раҳбарларини ўзгартиришнинг янги усулини пухталаштириш асносида маҳаллий раҳбарларни Москвага керакли таркибда алмаштириш чораларини кўраётганди. Бу воқеаларни Ўзбекистон раҳбарияти ҳам диққат билан кузатарди. Бинобарин, Озарбайжон ва Туркменистон каби Ўзбекистон ҳам Иттифокнинг аҳолиси, асосан, мусулмонлардан иборат

чекка ўлкаси ҳисобланар, бу республикада ҳам айни қариндош-уруғчилик тизими амал қиларди. Мансабдорларнинг бундай ўзгартиришлари Рашидовга қарши кучларга ҳам маълум маънода умид бағишлар, улар Охундов ва Овезовдан сўнг Москва ниҳоят, Рашидовни ҳам мансабдан четлаштирса керак, деб умидвор эдилар. Қолаверса, Рашидов республиканинг биринчи раҳбари лавозимида – ишдан олинган икки раҳбар фаолияти йилларига тенг даврдан – 10 йилдан буён ишлаб келаётганди.

Шароф Рашидов тегишли хулосалар чиқариб олди, у ҳам бундан кўрқарди. Вазият таҳликали тус ола бошлаганди, хусусан, мухолиф кучлар жонланди ва Москва ҳам Ўзбекистонга ДХКнинг янги раиси Алексей Бесчастновни жўнатганди, у дарҳол Ўзбекистон КП МК бюроси аъзолигига номзодлар таркибига киритилди. А.Бесчастнов мазкур соҳада 32 йиллик меҳнат стажига эга малакали мутахассис эди. 1951 йилгача ДХХВнинг социалистик давлатлардаги маслаҳатчиларига раҳбарлик қилган, сўнгра совет разведкасини Польша, Венгрия ва Кубадаги вакили бўлган. Унинг Ўзбекистон ДХК раиси этиб тайинланиши Рашидов томонидан икки хил: дўстона (Марказни кўллаш) ва ғанимлик сифатида (мухолиф кучларга ёрдам) баҳоланиши мумкин эди. Воқеаларнинг кейинги ривожини кўрсатишича, бу дўстона ҳаракат бўлган экан. Брежнев Рашидовни алмаштирмакчи эмаслиги билиниб қолди, чунки унинг бошида ҳам булутлар пайдо бўла бошлади, бу эса Бош котибдан ишончли барча кучларни сафарбар этишни талаб қиларди, улар орасида эса Рашидов ҳам бор эди.

Ҳаммаси Сиёсий бюрода Брежневнинг мухолифлари (Михаил Суслов, Александр Шелепин, Кирилл Мазуров) пайдо бўлганидан бошланди, улар тўсатдан Брежнев ҳаддан ортиқ мустақил иш юритмоқда ва юқори ҳокимият бошқа вакилларининг таклифларини эътиборсиз қолдирмоқда, деб ҳисоблашди. Жумладан, 1969 йилнинг декабридаги КПСС МК пленумида Сиёсий бюронинг бошқа аъзоларини огоҳлантирмасдан Бош котиб танқидий маъруза қилди. Натижада Суслов ва К<sup>о</sup> Сиёсий бюрога хат билан мурожаат қилиб, Брежневнинг бу ҳаракатини қоралашди ва бу масалани МКнинг март ойидаги Пленумида муҳокама қилишни таклиф этишди.

Брежнев хабар топиб, бу унинг учун ёмон оқибатларга олиб келишини тушуниб етди. Муҳокама натижасида Бош котиб лавозимини бой бериши ҳеч гап эмасди. Бундай ҳолатда рақиблари ундан кутмаган ҳаракатни амалга ошириши талаб қилинарди. Брежнев шундай йўлни ўйлаб топди. У номаълум муддатгача Пленумни қолдирди ва Белоруссияга сафарга жўнаб кетди, у ерда февраль ойининг охирларидан бошлаб Иттифок Мудофаа вазири Андрей Гречко раҳбарлигида «Двина» ҳарбий ўқув машғулотлари ўтказиларди. Бу сафарда Бош котибни Сиёсий бюро аъзоларидан ҳеч ким кузатиб бормаган, уларнинг кўпчилиги, афтидан, Бош котиб у ёққа боради деб ҳам ўйлашмаган.

Брежнев Минскка 23 март куни етиб келиб, ўша куниёқ Мудофаа вазирлигига тегишли ҳукумат иншоотида Гречко ва унга яқин генераллар билан учрашди. Улар бир неча соат айнан нима ҳақида суҳбатлашганлари маълум эмас, лекин тахмин қилиш мумкин. Бош котиб ўзини Суслов ва К° га қарши туришида ҳарбийлар мадад беришини сўраган. Бошқа ҳарбий бошлиқлар сингари Гречко ҳам Сусловни анчадан бери ёқтирмагани боис Брежнев уларнинг ёрдам бериш ҳақидаги ваъдаларини олади.

Бундан руҳланган Бош котиб бир неча кун ўтиб Москвага қайтиб келди, бу ерда уни Сиёсий бюро аъзолари сабрсизлик билан кутишарди. Москвага қайтиб келганидан сўнг ўтказган Сиёсий бюронинг биринчи йиғилишида Брежнев ҳамкасбларини Белоруссия сафари натижалари билан таништирди, мажлисда ўзини жуда дадил ва қатъий тутди, оқибатда Суслов мағлуб бўлганини ҳамма тушунди. Кўп ўтмай Суслов, Шелепин ва Мазуров ўз хатларини қайтариб олишди ва у бошқа ҳеч қаерда муҳокама қилинмади.

Айни пайтда Ўзбекистонда ҳам шундай ҳодиса рўй берди – бу ерда Рашидов ўз мухолифларига жуда кучли зарба берди. Биринчи бўлиб республика Олий Совети Президиуми Раиси, 1959 йилдан бери бюро аъзоси бўлган Ёдгора Насриддинова ўйиндан чиқарилди.

Машхур ўзбек аёли ўғлининг тўйи сабаб назардан қолди. Тўй 1966 йилда бўлганди. Шарқда тўй катта бир тантана, оилавий маросим ҳисобланади. Тўй баҳонасида бир неча минг одам тўпланади. Дабдабали зиёфат, куй-кўшик, ўйин-кулги авжга чиқади. Мен буларни гувоҳ сифатида

гапирмоқдаман, 1966 йилнинг ёзида биринчи марта ўзбек тўйини ўз кўзим билан кўрганман. Ўша вақтда унча катта ёшда бўлмасам ҳам, ўша хотиралар ҳамон ёдимда.

Ёдгора Насриддинова ўғлининг тўйи ўша давр мезонларига кўра унчалик дабдабали бўлгани йўқ: куёвнинг яқинда куриб битказилган дала ҳовлисида Рашидов бошчилигидаги Ўзбекистон КП МК бюроси аъзоларини кўшиб ҳисоблаганда бир неча юз киши йиғилди. Тантанада 150 га яқин киши хизмат қилди, уларнинг 50 таси – официантлар. 200 киши хайдовчилар – улар дала ҳовли ва шаҳар меҳмонхоналари ўртасида қатнашди. Бир нечта ўнлаб столлар безатилиб, дастурхонга палов, кабоб каби одатий ноз-неъмату тансиқ таомлар тортилди.

Бу маълумотлар Москвага, Брежневгача етиб боргунча бироз вақт ўтди. Маълумотда Ўзбекистон Олий Совети Президиумининг Раиси партия ахлоқ қоидаларини кўпол равишда бузиб, ўғли учун давлат маблағлари ҳисобидан дабдабали тўй қилганига урғу берилганди. Бу хабар баракали заминга қадалди. Брежнев ўша пайтда Алиевнинг қўли билан Озарбайжоннинг коррупциялашган раҳбар намояндаларини истеъфога чиқарди, эндиликда бу борада Рашидовга ёрдам беришга тайёр эди. Бош қотиб жазолаш эмас, айнан «тозалашни ташкил этиш»га кўмаклашишга чоғланиб турганди. Натижада Насриддиновани Москвага чақириб олишиб, Иттифоқ Миллатлар Кенгаши Раиси лавозимига тайинлашди. Ўзбекистон раҳбариятида амалга оширилган ўзгаришларни шахсан қонунлаштириш, бошқа гуруҳларга мазкур ўзгаришлар салбий таъсир кўрсатмаслиги кафолатини бериш мақсадида Брежнев 1970 йилнинг сентябрида Ўзбекистонга келди.

Ўзбекистон КП МК XX Пленумида (25 сентябрда) Рашидов бюро таркибида жиддий кадрлар алмашинувини амалга оширди. МКнинг мафкура масалалари бўйича қотиби Рафиқ Нишонов (у Цейлон ва Малдивга Иттифоқнинг элчиси қилиб жўнатилди), Ўзбекистон Министрлар Совети Раиси (1961 йилдан) Раҳмонкул Қурбонов (унинг ўрнига Бош вазир лавозимига Нормухаммад Худойбердиев ўтирди), МК қотиби Назар Матчонов бюро таркибининг тарк этишди.

Бироз илгарироқ Тошкент вилоят партия комитетининг собиқ 1-қотиби М.Абдураззоқов ва М.Турсунов ҳам бюро аъзолигига номзодликдан



чиқарилган эди. Сентябрь Пленумида Ю.Курбонов, О.Салимов МКнинг янги котиблари этиб сайланди. В.Архангельский (тарғибот ва ташвиқот), М.Хайруллаев (маданият), В.Козимов (транспорт ва алоқа) МК бўлимлари мудирлари лавозимларига тасдиқланди.

Бундан биров фурсат ўтиб Москва Туркистон ҳарбий округи кўмондонини ҳам алмаштирди. Николай Ляшенко ўрнини армия генерали С.Белоножко эгаллади. Қолаверса, урушдан сўнг дарҳол тугатилган, бошқармаси Олма-Отада бўлган Ўрта Осиё ҳарбий округи 1969 йилнинг июнь ойи охирларида тикланди. Унинг таркибига ўша кундан бошлаб учта республика – Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон ҳудудини ҳимоя қилиши керак бўлган, Туркистон ҳарбий округидан ажратиб чиқарилган ҳарбийлар киритилди.

Натижада, 1971 йилнинг март ойи бошида Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XVIII съезди бўлганида, унинг бюроси таркиби қуйидаги кўринишда эди: Ш.Рашидов (1-котиб), В.Ломоносов (2-котиб), Н.Худойбердиев (Министрлар Советининг Раиси), Н.Матчонов (Олий Совет Президиуми Раиси), М.Мусахонов (Тошкент вилояти партия комитетининг 1-котиби), А.Бесчастнов (ДХК раиси), С.Белоножко (Туркистон ҳарбий округи кўмондони), И.Анисимкин (МК котиби), О.Салимов (МК котиби), Т.Осетров (Министрлар Совети Раисининг 1-ўринбосари).

Хрущёв давридан буён илк бора Москванинг «кўзи ва қулоғи» ДХК раиси бюро таркибига яна киритилди. Бу шундан дарак берардики, Хрущёв қискартиришга ҳаракат қилган юқори мартабали мансабдорлар устидан назоратни Марказ яна Комитетга қайтариб бермоқда эди.

Бюро аъзолигига номзодлар этиб К.Камолов (Қорақалпоғистон партия комитетининг 1-котиби), Н.Маҳмудов, С.Расулов, С.Султанова сайланди. Декабрьда номзодлар сони Г.Орлов ҳисобига яна бир кишига кўпайди.

Марказий Комитет бўлимлари мудирлари орасида ҳам сезиларли ўзгаришлар ўтказилади. Ўтган съездда тайинланган 16 та мансабдордан фақат бештаси ўз лавозимини саклаб қолди. Булар: Г.Орлов (Партиявий-ташқилий ишлар), Т.Зинин (Қишлоқ хўжалиги), А.Охунжонов (Савдо, режа ва молия органлари), М.Саидов (Қурилиш ва шаҳар хўжалиги), Д.Хўжаев (МК партия комиссияси раиси) эди. Янги тайинланганлар ора-

сида В.Архангельский (Тарғибот ва ташвиқот бўлими, 1970 йил сентябридан), Р.Абдуллаева (Маданият), М.Хайруллаев (илмий ва ўқув муассасалари), У.Рустамов (Ахборот ва хорижий алоқалар), В.Қодиров (Маъмурий органлар), И.Раҳматов (Оғир саноат), В.Козимов (Транспорт ва алоқа, 1970 йил сентябридан), М.Шомуҳитдинов (Енгил ва озиқ-овқат саноати), А.Тихомиров (Сув хўжалиги), К.Тоиров (Умумий бўлим), Т.Умаров (Ишлар бошқармаси) бор эди.

Брежневнинг Ўзбекистонга келиши фақат Шароф Рашидовни ҳукуматдаги ўрнини мустаҳкамлаш мақсадини кўзлаш билан бир қаторда, Кремлнинг юқори олий органларида тез орада ўзгаришлар масаласида уни тинчлантиришни ҳам кўзлаганди. 1971 йилнинг эрта баҳорида навбатдаги, ҳисоб бўйича КПССнинг XXIV съезди ўтказилиши белгиланганди, унда Брежнев Сиёсий бюрода ўзгартиришлар ўтказишни ният қилиб қўйганди. У бир йўла тўртта – Виктор Гришин (КПССнинг Москва шаҳар партия комитетининг 1-котиби), Фёдор Кулаков (КПСС МКнинг Қишлоқ хўжалиги бўлими мудир), Владимир Шчербицкий (Украина Министрлар Совети Раиси) ва Динмуҳаммад Кунаев (Қозоғистон КП МКнинг 1-котиби) номзодини Сиёсий бюро таркибига киритишни таклиф қилаётганди.

Буларнинг иккитаси – Гришин ва Шчербицкий – Рашидов билан бир вақтда (1961 йилнинг октябрида), бошқа иккитаси эса анча кейинроқ – 1966 йилнинг баҳорида КПССнинг XXII съездида Сиёсий бюро аъзолигига номзод бўлганди. Шунинг учун Кулаковнинг ва мамлакат жанубида Ўзбекистонга асосий рақиб ҳисобланган республикани бошқараётган Кунаевнинг Сиёсий бюрога сайланиши Рашидов учун ёқимсиз ҳолат бўлди. Брежнев Кунаевни ўзининг яқин дўсти деб билишидан жуда яхши хабардор эди. Бироқ булардан қатъи назар, Сиёсий бюродаги мазкур ўзгаришлар Рашидов учун аламли эди. Брежнев буни яхши англарди, бу унинг Тошкентга келишига яна бир сабаб бўлди.

## МУСИҚАДАН КИНОГАЧА

Ўзбекистон аҳолисини ўша йилларда катта сиёсат деярли безовта қилмасди, ҳаёт осойишта кечаётгани боис одамлар сиёсат билан қизикмасди. Айниқса, Л.И. Брежневнинг шахсан республикага келиши Марказ ҳали ҳам Рашидовга ишонч билдираётганининг далили бўлиб, оддий фуқароларга ўз раҳбари сиёсатидан хавотирланишига ўрин қолдирмасди.

1971 йил март ойида Ўзбекистон спортида навбатдаги муҳим воқеа юз берди: республикага шайбали хоккей кириб келди. Энг иссиқ ўлкада қишки спорт тури – шайбали хоккей ноодатий эди. Аммо бундай қараганда ғалати, аслида хоккей Иттифоқнинг қайси бурчагида, қайси иқлимида истиқомат қилишига қарамасдан миллионлаб спорт ишқибозлари учун севимли спорт турига айланган эди. Шунинг учун Тошкентда, 70-йиллар ўртасида «Бинокор» хоккей жамоаси ташкил этилди, у пастки дивизион ўйинларида иштирок эта бошлади. Ўзбекистон аҳолиси унда иштирок этаётган ўйинчилар билан бирга, Вячеслав Старшинов, ака-ука Майоров, Валерий Харламов, Александр Якушев, Владислав Третьяк каби машхур хоккейчиларни ҳам танирди. Ахир Иттифоқ терма жамоасининг жаҳон биринчилиги ва Олимпиадалардаги ёрқин ўйинларини Иттифоқнинг энг чеккасидаги аҳоли ҳам қизиқиш билан кузатиб борарди.

Ўшанда Тошкентда Ўзбекистон Кубоги, «Правда Востока» ва «Совет Ўзбекистони» газеталари соврини учун биринчи хоккей турнири ўтказилди. Бу мусобақага Бутуниттифоқ биринчиликдаги ўртамиёна эмас, балки Москванинг ЦСКА ва «Спартак», Воскресенскийнинг «Химик», Горькийнинг «Торпедо» жамоалари каби пешқадамларни таклиф этишга эришилди. Ўйинлар 5 – 9 март кунлари Тошкентнинг «Юбилейний» Марказий аренасида бўлиб ўтди ва томошабинлар томонидан олқишланди. Чунки ЦСКА ва «Спартак» таркибида жаҳон миқёсидаги машхур ўйинчилар бор эди.

Мусобақа ғолиблиги учун охирги ўйин ЦСКА ва «Спартак» жамоалари ўртасида кечди ва «Спартак» ғолиб чиқди (ҳисоб – 5:8).

Мусобақа тугагач, Москванинг «Весёлие ребята» вокал-чолғу ансамбли Тошкентда биринчи марта чиқиш қилди. Ансамблнинг концерти

10 – 14 март кунлари Я.Свердлов номидаги концерт залида бўлиб ўтди ва хоккей ўйинларидан кам бўлмаган қизиқишни юзага келтирди.

Шу орада Ўзбекистонда дастлабки профессионал «Ялла» вокал-чолғу ансамбли дунёга келди. Умуман, ўша йиллар ҳақиқий шов-шувлар даври бўлди. Ўшанда деярли барча иттифокдош республикаларда шундай ансамбллар ташкил этилди. Жумладан, Озарбайжонда – «Гая», Грузияда – «Иверия», Ўзбекистонда «Ялла» ансамбли ташкил этилди.

Муסיқашунос В.Шелкин ва С.Фролов шундай ёзди:

«Ялла» ансамблининг биринчи раҳбари Ленинград консерваториясини битирган, пианиначи Евгений Ширяев бўлган. Бу таниқли бастакор кўплаб яхши кўшиқлар муаллифи. Улардан бири – «Березы русские», яъни «Рус қайинлари» кўшиғи бўлиб, кўшиқ матнини таниқли киноактёр Талгат Нигматулин ёзган, кўшиқни эса Мансур Тошматов ижро этган. Ширяев «Ялла» таркибига Тошкент олий ўқув юртларининг яхши овози бор битувчиларини жалб қилиб, турли чолғу асбобларининг уйғунлигидан моҳирона фойдаланди, натижада ансамбль қатнашчилари бир вақтнинг ўзида кўшиқ куйлаб, рақсга тушадилар. Бу ўзига хос маҳоратни талаб этарди. Ансамблининг дастлабки таркиби келгусидаги муваффақиятлари учун мустаҳкам замин бўлди. Хусусан, пианиначи, аранжировкачи ва муסיқа раҳбари Евгений Ширяев, хонанда ва бадий раҳбар Герман Рожков, Шаҳбоз Низомитдинов, Алиаскар Фатхуллин, Фаррух Зокиров, Равшан Зокировларнинг хизмати катта бўлган.

«Ялла» ансамбли муסיқий услуби билан бошқа ансамбллардан тубдан ажралиб турарди. Жамоа санъаткорлари замонавий муסיқани шарқона фольклор билан уйғунлаштира олган. Натижада «Ялла» ҳаваскорлик ансамбли «Талантларни ахтарамиз» телевизион кўригининг илк босқичида катта воқеа сифатида эътироф этилади. Бу воқеа 1971 йилда, шу кўрсатувнинг биринчи босқичи ўтказилган Свердловск шаҳрида бўлган. Ушбу кўрикда «Ялла» ансамбли Энмарк Солиҳовнинг «Қиз бола», «Шунчаки воқеа» бадий фильмида янграган «Катта йўлда...» кўшиқлари билан иштирок этади. Дарвоқе, ансамблининг «Ялла» деб номланишига «Қиз бола» кўшиғи сабабчи бўлган. Бу кўшиқда «Ял-ла-ла-ла» нақорати бўлиб, ансамбль ишчиликчиларидан бири «Ансамбли «Ялла» деб номлаб кўя қолайлик» деган таклифи барчага маъкул келади.

«Ялла» Свердловскда жуда яхши қатнашиб, кўрикнинг Москвадаги якуний босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритади. Якуний босқич эса бутун мамлакатга телевидение орқали намойиш этилади. В.Шелкин ва С.Фролов бу хусусда шундай ёзади:

«Телевидение орқали куйлаш жуда шарафли эди. Шу боис ансамбль қатнашчилари жуда ҳаяжонландилар. Улар кўрикнинг охирида кўшиқ айтишлари белгиланганди. Электр гитараларни чалганча ўзбек миллий либосидаги беш хонанда «Плывут туманы белые» – «Сузаётир оппоқ булутлар» рус халқ кўшиғини ижро этади. Кўшиқнинг «Мулойим йигитларни нега қизлар ёқтирар?» нақорати бўлган. Бироқ йигитларнинг ҳаяжони мазкур кўшиқ билан мос тушиб, кўшиқ жуда таъсирчан ижро этилади. Ансамбль хонандаси Равшан Зокировнинг қанчалар иштиёқ билан куйлагани томошабинларга манзур бўлади. Ўзбекча «Рамазон» ашуласи ўзгача жанрланган. Кўрик ҳайъати янги ансамблнинг ўзига хос эканини бир овоздан эътироф этади. Кўплаб машҳур кўшиқларнинг муаллифи бастакор Леонид Афанасьев «Ялла» ансамбли хонандаларининг электр гитараларни худди дугор ва танбурдай маҳорат билан чалганлари, халқ кўшиқларини маромига етказиб ижро этганларини алоҳида таъкидлайди. Натижада ансамбль кўрик совриндори бўлди».

Кўрик ниҳоясида эътиборга молик воқеа рўй беради. Ансамбль қатнашчиларидан бири Фаррух Зокиров хотираларидан:

«Александр Масляков кўриқда иштирок этган ўнлаб жамоалар орасидан совриндор бўлганларни эълон қилишини ҳамма жон қулоғи билан тинглади. Бешинчи, олтинчи, еттинчи совриндорлар номи эълон қилинди. Улар кетма-кет саҳнага чиқиб, ўз кўшиқларини ижро этишди. Бизнинг ҳам кайфиятимиз кўтаринки, чунки совриндор бўлганимизга ишончимиз комил эди. Бироқ ўнинчи ва ўн биринчи совриндор эълон қилинади – фақат биз эмас... Укам Равшан саҳнага чиқишдан олдин ҳар доим хом тухум ютарди. Ғолиблар эълон қилинаётганда асабий ҳолатда қўлида хом тухумни айлантириб ўтирган. Масляков ўн иккинчи ғолиб номини ҳам эълон қилади. Бироқ яна бошқа ансамбль номи тилга олинади. Биз-чи?! Алам қилганидан кўзларимиз ёшга тўлди. Равшан қўлидаги тухумни беихтиёр ғижимлайди ва тухум ёрилиб эгини булғайди. Телеоператор буни махсус кузатаётган

экан. Томошабинлар ҳам, беллашаётган ансамбллар қатнашчилари ҳам хайрон. Аммо бизга ачиниб хайрихоҳлик билан қараётир.

Шу пайт Масляков кулимсираб сахнага чиқади ва кўрик хайъати яна бир ансамблни алоҳида соврин билан тақдирлаганини эълон қилади: «Бу махсус мукофотга Ўзбекистоннинг «Ялла» ансамбли сазовор бўлди!» Шундан кейин бутун зал ларзага келди. Барчамиз ҳаяжон ва хайратдан хайкалдек қотдик. Рақибларимиз бизларни табриклаб бағрига боса бошладиди. Ўшанда қувонганимиздан йиғлаб юборганмиз».

1971 йил март ойдан Ўрта Осиёга мўлжалланган «Шарқ» кўрсатувлар дастури очилади. Мазкур дастур Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Урал ва Сибирь минтақалари учун мўлжалланган эди. Натижада бу ўлкаларнинг аҳолиси марказий телевидение кўрсатувларни ўзлари учун қулай пайтда томоша қилиш имконига эга бўладилар. Илгари Москва телекўрсатувлари Ўрта Осиёга кечикиб етиб келар, кўпчилиги асосий аҳоли ухлаб қолганида намойиш қилинарди. Эндиликда бу муаммога барҳам берилганди. 1-дастур («Восток» – «Шарқ») нинг уч соат олдинга сурилгани Ўрта Осиё аҳолисига кўрсатувларни қулай пайтда кўриш имконини беради. Айни ўша кезларда Ўзбекистонда кўрсатувларни дастлабки рангли намойиши бошланди.

Ўша йилларда ўзбек кино санъати ҳам қизғин ривожланди. Аксарият республикаларнинг киностудиялари марказдан маблағ билан таъминланарди. Иттифоқ Давлат кино кўмитасининг ўша кездеги раҳбарларидан В.Баскаков хотираларидан:

Асосан, «Мосфильм», «Ленфильм», қисман Горький номидаги киностудия маблағлари ҳисобига бутун мамлакат киностудиялари кун кўрарди. Барча республикаларнинг киносаноати давлат ҳисобида эди (фақат Украина кино санъати бундан истисно. Киевда А.Довженко номидаги Одесса киностудияси фаолият юритарди). Бошқа жанрдаги барча кино харажатлари бадийий фильмлар ҳисобига қопланарди. Кавказ ва Ўрта Осиёдаги киностудиялар зарар ҳисобига ишларди. Мамлакат қизиқиб томоша қиладиган «Арши мол олан» фильмидан бошқа фильм йўқ эди. Миллий қабул қила олмаслик муаммоси ҳам бор эди. Жумладан, яхши тожик фильмларини ҳам Рязань вилоятида томоша қилишдан бош тортишган. Яна бир ажабла-

нарли ҳолат – Грузиядан кўра бошқа республикаларда грузин фильмлари-га талаб юқори бўлган. Грузия ва Кавказда аксарият ҳинд ва араб фильмларининг мухлислари кўп эди. Ҳинд, араб, француз ва итальян фильмларидан тушумлар умуммамлакат манфаатларига йўналтирилган ва совет кино санъати шунинг эвазига ўз харажатларини қоплаган».

Мазкур вазият, асосан, 70-йиллар учун хос, бу даврга келиб томоша-боп фильмлар ишлаб чиқариш кескин қисқарди. Ҳолбуки, илгари бу бо-рада ўзгача вазият бўлган – республикаларнинг киностудиялари ўз ха-ражатларини мустақил қоплай олган. Жумладан, Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Кавказorti республикаларини олиб кўрайлик. Мазкур республикалар ўртасида 50-йилларнинг иккинчи ярмида Грузия етакчилик қилган, йилига бир ёки иккита яхши фильм ишлаган. Жумладан, 1957 йилда «Икки уммон сирини» детективи (31 миллион 200 минг томошабин), «Зирапча» комедияси (29 миллион 300 минг), 1959 йилда «Мамлук» тарихий фильми (27 мил-лион 600 минг), «Фотима» мелодрамаси (26 миллион 800 минг), 1960 йил-да «Тўхтатилган тарона» жанговар-қаҳрамонлик драмаси (26 миллион 900 минг) кўпчилик томонидан кўрилган.

Юқорида саналган бошқа республикаларнинг киноусталари грузия-ликлардан анча ортда қолган, баъзи-баъзида томошабоп фильмлар яратил-ган, холос. Бироқ улардан келадиган даромад, барибир, грузин фильмлари фойдасидан оз бўлган. Масалан, Қозоғистонда «Қизжибек» (1955; 27 мил-лион 800 минг); Озарбайжонда – «Олис соҳилларда» (1958; 27 миллион 500 минг), «Қайнона» (1959; 21 миллион 800 минг); Тожикистонда – «Бир қизни учратдим» (1958; 25 миллион); Арманистонда – «Биринчи муҳаббат кўшиғи» (1958; 24 миллион 600 минг) фильмлари бўлган.

Ўзбек кино усталари яратган фильмлар ўша йилларда 15 – 20 миллион атрофида («Абу Али ибн Сино», «Бахт йўлида» – иккала фильм ҳам 1957 йилда яратилган; «Атиргуллар гуллаганда» – 1959) томошабин тўплай ол-ган. Лекин 1959 йилда ўзбек киноусталари «Ўзбекфильм» киностудияси-нинг янги биносига эга бўлади, бу эса навбатдаги ютуқлар учун замин эди. 1963 йилда мазкур студияда ўзбек халқининг Иккинчи жаҳон уруши йил-ларидаги фидокорлигига бағишланган «Сен етим эмассан» фильми сурат-га олинди (режиссёри Шухрат Аббосов), бу фильмни қарийб 23 миллион

томошабин кўрди. Фильм грузинларнинг «Солдат отаси» (1965) фильми даражасига бироз ета олмади («Солдат отаси» фильмини 23 миллион 800 минг томошабин кўрган), бироқ грузинлар бу фильмини мамлакатнинг бош киностудияси – «Мосфильм» кўмагида суратга олганди.

60-йилларда «Тожикфильм» кутилмаганда олдинга ўтиб олди. Улар суратга олган «Кўзойнакли илон операцияси» фильмини мамлакат бўйлаб 34 миллион 600 минг томошабин кўрган. Афсуски, мазкур ижодий жамоанинг сўнгги энг яхши фильми бўлди, кейинчалик яратилган фильмлар энг кўпи билан 27 миллион томошабин эътиборини тортди, холос.

Юқорида эслатиб ўтилган саккизта республиканинг қолганларида вазият куйидагича бўлган: Арманистонда – «Фавқулудда топшириқ» (1966; 30 миллион 800 минг), Озарбайжонда – «Тергов давом этади» (1968; 28 миллион 200 минг); Қозоғистонда – «Эделвейслар гуллаган жойда» (1966; 25 миллион 300 минг); Туркманистонда – «Хал қилувчи қадам» (1966; 23 миллион 300 минг киши). Қирғизистон кино усталари эса бу даврда оммабоп фильм ярата олмадилар. Бироқ бу республикалар ўртасида мазкур кўрсаткич бўйича Грузия ва Ўзбекистон киноусталари етакчилик қилган. Грузинлар маълум вақт мобайнида пешқадам эди. Ўша кезларда «Грузияфильм»нинг энг оммабоп фильмлари «Дурангсиз ўйин» (1967; 29 миллион 700 минг) ҳамда «Солдат отаси» фильми ҳисобланган. «Ўзбекфильм»да «26-отилмасин!» (1967; 32 миллион 900 минг) фильми етакчилик қилган.

Ҳатто 1966 йилдаги даҳшатли zilзиладан кейин ҳам ўзбек киноусталари Ўрта Осиё ва Кавказорти республикалари орасида етакчиликни қўлдан бермади. Агар «Ўзбекфильм»да йилига 10 – 12 тагача фильм ишланган бўлса (республика киностудияларига олтитадан бадиий ва шунча телевизион фильм суратга олиш учун рухсат бериларди), бошқа республикаларда бу кўрсаткич икки баравар: «Қозоқфильм», «Тожикфильм», «Озарбайжонфильм» – 5-7 дан, «Туркманфильм», «Қирғизфильм» – 4-6 тадан фильм. Бу жуда оз эди. Айнан «Ўзбекфильм»да бутун Ўрта Осиё Республикалари эҳтиёжлари учун зарур энг яхши кино лаборатория, яхши дубляж цехи бўлиб, замонавий суратга олиш павильонларида барча шарт-шароитлар муҳайё эди.



Ўзбекистонлик кино санъаткорлар 60-йиллар охирида тарихий мавзудаги томошабоп фильмлар яратишда илгарилаб кетишди. Айни пайтда рақиблари грузин киноусталари бу мавзудан бутунлай воз кечиб, «шоирона кинолар» яратишга зўр беришди. Ўзбекистонлик киночилар ҳам бу йўналишда кино яратган (Э.Эшмухамедовнинг «Нафосат» ва «Севишганлар»). Лекин тарихий мавзудаги фильмлар аҳоли эътиборини кўпроқ жалб этарди, уларда Ўрта Осиёда совет ҳокимиятининг қарор топиши ва миллий-озодлик кураши қатнашчиларига қарши олиб борилган ҳаракатлар ҳақида ҳикоя қилинарди. Бундай фильмларни ёш томошабинлар бажонидил томоша қиларди.

Натижада фақат 1971 йилнинг ўзида қуйидаги оммабоп: «Қора консулнинг ўлими» (19 миллион 700 минг), «У ёлғиз эмас эди» (19 миллион 400 минг), «Фавкулудда комиссар» (15 миллион 400 минг) фильмлари экранларга чиқарилди. 1973 йилда шу мавзудаги «Еттинчи ўк» фильмини 22 миллион 500 минг томошабин кўрди. Ёлғиз «Еттинчи ўк» фильмини «Грузияфильм» студиясида суратга олинган бешта кинони кўрганлардан кўпроқ томошабинлар томоша қилди.

Ўрта Осиёдаги барча республикалар, шунингдек, «Озарбайжонфильм» ижодкорлари ҳам тарихий, уруш мавзусидаги фильмларни суратга олишга киришишди. Боқуликлар 1970 йилда энг яхши «Менинг етти ўғлоним» фильмини яратишди. Натижада атиги беш йил (1969 – 1973) мобайнида Ўрта осиелик ва озарбайжонлик киносанъаткорлар мазкур мавзудаги ўндан ортиқ фильмларни мамлакат кино бозорига тақдим этишди. Улар орасида қуйидаги фильмлар кўп томошабинларни жалб қилди:

1969 йили – «Кўҳна масжид олдидаги учрашув» («Тожиқфильм»), «Инқилоб чавандозлари» («Ўзбекфильм»), «Қизилқум» («Ўзбекфильм»), «Караш довонидаги отишма» («Қирғизфильм»);

1970 йили – «Пистирма» («Қирғизфильм»), «Фош қилинди» («Тожиқфильм»), «Фавкулудда комиссар» («Ўзбекфильм»);

1971 йили – «Қора консулнинг ҳалокати» («Ўзбекфильм»), «Кўрбошининг заволи» («Қозоқфильм»), «Менинг етти ўғлоним» («Озарбайжонфильм»);

1972 йили – «Иссиқкўлнинг алвон лолакизгалдоқлари» («Қирғиз-фильм»), «Сўнги довон» («Озарбайжонфильм»), «Қайноқ сўқмоқлар» («Ўзбекфильм»);

1973 йили – «Еттинчи ўқ» («Ўзбекфильм»).

Кўриниб турибдики, Ўзбекистон мазкур рўйхатда етакчи ҳисобланади. Ўзбекистонда яратилган олтига тарихий кинони бутун мамлакатда жами 100 миллиондан ортиқ томошабин кўрган, бу чекка бир республика киностудияси учун энг яхши кўрсаткичдир. Калондимоғ танқидчилар бундай фильмларга муносабат билдиришни ўзларига эп кўрмаганидан қатъи назар, Ўрта Осиёнинг қайноқ қумли чўлу биёбонларида ва қадимий миноралар фонида олинган отишма ва қизиқарли бошқа лавҳалари билан эътиборга молик бундай фильмларни оддий томошабинлар жон деб томоша қиларди. Қолаверса, мазкур фильмларнинг аксарияти бадий жиҳатдан бўш деган таъналарга кўшилиб бўлмайди. Америка ёки Италияда шу жанрда яратилган фильмларнинг барча талабларга жавоб берадиганлари оз, лекин ўртамеёна фильмлар кўп.

Ўрта Осиёда совет ҳокимиятини ўрнатиш йўлидаги қизғин курашларга бағишланган фильмларни ёшлар севиб томоша қиларди. Ҳиндулар ролини маҳорат билан ижро этган Гойко Митич иштирокидаги фильмлар сингари бу фильмлар намоёнишига ҳам жуда кўп томошабин тушарди. Лекин 60-йиллар охири ва 70-йиллар бошидаги вазиятдан фарқли ўларок, кейинчалик бундай киноларга қизиқиш сусая бошлади. АҚШ ва бошқа Ғарб давлатларида яратилган қизиқарли саргузашт фильмларнинг кўплаб кириб келиши қисман бунга сабаб бўлганди. «Қойилмақом еттилик»дан (1962 йилги энг томошабоп фильм) кейин 1974 йилда «Макенни олтинлари» фильми яна аксарият томошабинлар эътиборини тортди.

Миллий-озодлик ҳаракати қатнашчиларига қарши кураш мавзуига бағишланган фильмлар Иттифоқ халқлари ўртасидаги дўстона биродарликни тарғиб қилгани билан ҳам эътиборга молик. Бундай фильмларда асосан, мамлакат марказидан келган жангчилар билан маҳаллий аҳолининг (ўзбек, тожик, қирғиз, озарбайжон ва бошқа миллат ва элатларнинг) маҳаллий зодагонлар, бой ва бадавлатлар (амир, кўрбоши ва беклар) билан кураши ҳикоя қилинарди. Жумладан, Али Ҳамроевнинг «Фавқулодда

комиссар» бадий фильми 1971 йилда Ҳамза номидаги Давлат мукофоти билан (сценарий О.Агишев, режиссёр А.Ҳамроев, оператор Х.Файзиёв ҳамда рассом Э.Калантаров) тақдирланди. Фильмда икки большевик: Москвадан Ўрта Осиёга юборилган Пётр Кобозев ҳамда дастлабки ўзбек коммунистлардан Низомиддин Хўжаев ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади. Кинотанқидчи Л.Пустинская мазкур фильмда воқеалар ривожини қуйидагича таърифлайди:

«Кобозев Москвага жўнаб кетади, фильмда айни шу жойидан мавзу ва ҳаёт ҳақиқати мантиғига биноан ленинча миллатлараро сиёсатни янги босқичга олиб чиқилади. Кобозев Ленин ғояларини Туркистон коммунистларига етказган бўлса, Хўжаев бу ғояларни халқ онгу шуурига сингдиради. Тошкентнинг эски шаҳар қисмида, Шайхонтохур масжиди олдидаги митинг – фильмдаги ғоявий жиҳатдан муҳим лавҳа ҳисобланади. Мазкур митингда Хўжаев омма олдида нутқ сўзлаб, ўз вакилларини ҳукумат органларига кўрсатишга чақиради, «Бу хатни ўртоқ Ленин Москвадан сизларга юборган» дея қўлидаги мактубни ўқиб беради. Митинг давомида Халқ кенгаши ва дастлабки номзодлар – кўнгли тозаллиги учун барча ҳурмат қиладиган муаллим ва кўмирчи сайланади. Уларнинг зиммасига мактаблар ва аҳолига кўмир тарқатиш ишлари билан шуғулланиш юклатилади. Митингда қатнашувчиларнинг қиёфалари, уларнинг мавжуд воқеликка муносабатлари фильмда кенг кўламда акс эттирилиши асносида халқ бирлиги, халқона ҳамжиҳатлик яққол намоён бўлади. Натижада 1919 йил сентябрда бўлган Туркистон коммунистларининг фавқулодда съездида вакилларнинг ярмидан кўпини маҳаллий миллат намояндалари ташкил қилади.

Режиссёр Али Ҳамроевнинг миллий-озодлик курашига муносабати ҳам бошқача. У ўз суҳбатларидан бирида улар шунчаки каллақесар безорилардан иборат тўдалар бўлмаган, аксинча, юрт озодлиги йўлида бир ёқадан бош чиқарган ватанпарвар кишилардан ташкил топган, яхши уюшган гуруҳлар эди, деб таъкидлайди.

Али Ҳамроев ишлаган «Фавқулодда комиссар» фильмининг эътиборга молик лавҳалардан бири Ислом қўшинлари бош кўмондони, Колчак қўшинлари полковниги Мадаминбек билан Хўжаевнинг учрашуви

ҳисобланади. Комиссар Хўжаев бу учрашувга қуролсиз боради. Бу ерда сохталаштириш йўқ – ҳаммаси ҳаётий. Мадаминбек асло каллақесарга ўхшамайди. У ўз халқининг озодлиги ва мустақиллиги учун адолатли кураш олиб бораётганига имони қомил, эътиқоди мустаҳкам, ҳурмат-эҳтиромга лойиқ ватанпарвар шахс. Шу жиҳатдан олганда, унга нисбатан Хўжаевнинг қўлга киритган ғалабасининг қиймати янада ортади. «Мен эл қатори содда одамман, ўзим қаби барча содда одамлар пахтакорлик қилишлари, фарзандларини вояга етказишлари, бир-бирларини иззат-ҳурмат қилишларини истайман, – дейди Мадаминбекка Хўжаев. – Камбағалларни, ғарибларни ранжитиш мумкин эмас. Бу Қуръони қаримда ҳам таъкидланган. Пайғамбаримиз, дарҳақиқат, ҳукмдорларга деҳқонларнинг меҳнатини қадрлашни айтганлар. Сен эса оддий халқнинг ерларини, уйларини тортиб олиб, уларни ғорларда яшашга мажбурлаясан, одамларнинг бошига итнинг кунини соляпсан. Яхшиси, таслим бўл, бек! Вақтни бой берсанг, халқнинг лаънатига қоласан!»

Қизил комиссар шу асно Мадаминбекнинг кўнглига ғулғула солади, у иккилана бошлайди. Хуллас, мазкур мавзулардаги фильмларда воқеалар қанчалар қизиқарли ва қизғин кечганидан қатъи назар, охир-оқибатда синфий адолат ва байналмилаллик ғоялари ғалаба қозонади.

Жумладан, «Кўхна масжид ёнидаги учрашув» (1969) фильмида: фуқаролар уруши қатнашчиси Гусев эски масжидга амир томонидан яширилган тилла жойини биладиган босмачилар шаҳарга ҳужум қилиш ниятида эканидан огоҳ бўлади. Собиқ Қизил Армия аскарлари маълум кишиларнинг бошини бириктириб, босқинчиларни бартараф этади, масжиддан топилган тиллалар эса ишчи-деҳқонлар давлати хазинасига топширилади.

«Қизилқум» (1969) фильмида: Мирқомил Миршаропов раҳбарлигидаги қизил аскарлар бўлинмаси туркманлар билан ўзбеклар ўртасида адоват уруғини сочаётган Жунайидхон тўдасини йўқ қилиш учун саҳродан Хивага келади.

«Пистирма» (1970) фильмида: сирли қотиллик ва қўпоровчиликларнинг узлуксиз давом этишидан жанубий минтақадаги чегаралардан биридаги чегарачилар ҳушёр тортиб, натижада улар ўз ораларини

да Бўстонкул кўрбоши тўдасига мансуб маккор ва ўта ақлли душман борлигини пайқаб қолишади. Уларга ёрдам бериш учун чегарага рус изкувари Шпалов келади.

«Менинг етти ўғлоним» (1971) фильмида: ўз тўдаси билан боғлардан бошпана топган ва совет ҳукуматини қўллаб-қувватлагани учун қишлоқдошларидан вақти-вақти билан ўч оладиган собиқ заминдор Герайбекдан қишлоқ аҳлини етти йигит ҳимоя қилади (мазкур фильм Ленин комсомоли мукофотиغا сазовор бўлган).

«Иссиққўл лолақизғалдоқлари» (1972) фильмида: 20-йилларнинг чегарачилари Иссиққўлда аҳолига дори-дармон ишлаб чиқариш мақсадида етиштирилган кўкноридан олинган қорадорини Хитойга жўнатаётган контрабандачиларни қўлга олади (бу фильм «Тбилиси-72», «Сорренто-72», «Страсбург-73» кинофестивалларида совриндор бўлган).

Али Ҳамроевнинг «Еттинчи ўк» фильмини 22 миллион 500 минг томошабин кўрган бўлиб, юқорида санаб ўтилган фильмлардан кескин фарқ қилади. Мазкур фильм америка фильмларидай катта экран учун рангли тасмада олинган бўлиб, анъанавий мафкурага имкон борича кам эътибор берилиб, воқеалар жўшқинлигига асосланган. Маҳсумов бошчилигидаги милиция ходимларининг барчаси сохта алдовларга ишониб, босқинчи тўда томонига ўтиб кетади. Уларни яна тўғри йўлга қайтариш мақсадида Маҳсумовнинг ўзи босқинчилар уясига боради. Натижада ўз ниятига эришади ва, ҳатто, айни вазиятлар учун одатда мўлжаллаб олиб қўйиладиган, бош кийимига беркитилган сўнгги етинчи ўк билан босқинчилар бошлиғи Хайруллани ҳам йўқ қилади. Еттинчи ўк билан боғлиқ воқеа ҳам Ғарб киноусталаридан ўзлаштирилган. Д.Дамианининг «Ким ҳам биларди?» (1966) фильмида ҳам жумладан шундай лавҳа бор. Мазкур фильм Али Ҳамроевнинг фильми суратга олиншидан уч йил олдин Иттифоқда «Олтин ўк» номи билан намоён қилинганди.

Ўрта Осиёнинг машҳур актёрларидан Сулаймон Чўқморов Маҳсумов ролини маҳорат билан ижро этган. У олдинроқ Али Ҳамроевнинг «Инқилоб чавандозлари» ва «Фавқулодда комиссар» фильмларида ҳам суратга тушган. Чўқморов айни пайтда Қирғизистонда суратга олинган «Караш довонидаги отишма», «Иссиққўлнинг алвон лолақизғалдоқлари» фильм-

ларида ҳам бош ролларни ижро этган. Мазкур образларни маҳорат билан яратгани учун 1972 йилда Ленин комсомоли мукофоти берилган.

«Ўзбекфильм» киноларини оддий томошабинлар бажонидил кўргани холда кеккайган либерал танқидчиликнинг аксарияти шубҳаланиб қарарди. Улар айнан мафкуравий нуқтаи назардан шубҳа билан ёндошарди. Ҳолбуки, «Ўзбекфильм» расмий мафкурани ҳамиша ёқлар, бу либералларнинг ғашига тегарди. Либерал танқидчилик республикалар киностудияларига мана шундай ғаразли муносабатда бўларди. Айни пайтда «Молдовафильм» киностудияси 60-йиллар ўртасидан мамлакатдаги айирмачилик кайфиятидаги муассаса сифатида ном чиқарган. Совет мафкурасига жавоб берадиган фильмлар билан бирга, Вадим Дербеневнинг «Кузнинг сўнгги оёғи» (1966), Валерия Гажиу билан Вадима Лисенконинг «Аччиқ данак» (1967) каби ғайримафкуравий фильмлари яратилади. Лекин Молдавияда бу анъана узоқ давом этмайди, республика партия раҳбарияти 70-йиллар бошида киностудияни «ёт унсурлар»дан тозалаб, замон мафкурасига зид фильмлар яратиш барҳам топади. Бироқ бу анъанани грузин киноусталари давом эттиришга киришади: 1972 йилдан кейин (Э.Шеварднадзе республика раҳбари этиб тайинлангач) «Грузияфильм» совет мамлакатининг ўта қалтис кайфиятдаги кино муассасаси сифатида доврўғ қозонган. Энг ажабланирлиси, бу ерда «Молдовафильм»дагидан тамомила тесқари вазият кузатилади: Грузия раҳбарияти ўз киноусталарининг айирмачилик кайфиятларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

## *24-боб*

### **ТОШКЕНТ ГАНГСТЕРЛАРИ**

Иттифоқдош республикаларнинг пойтахтлари орасида Тошкент нафақат энг чиройли, балки хавф-хатардан холи шаҳар сифатида эътибор қозонган, хусусан, аҳолиси миллион кишидан ортиқ шаҳарлар ичида энг оғир жиноятлар содир этиш рўйхатида охириги ўринлардан бирида турарди. Жумладан, 60-йиллар охирида ойига содир этилган 50 – 60 та қотилликнинг кўпчилиги маиший шароитда содир этилган (ҳолбуки, Москвада 110 – 120 та, Ленинградда эса 100 дан ортиқ қотиллик рўй бер-

ган). Буларнинг барчаси тасодифий бўлмасдан муайян ишларнинг самараси эди. Тошкент милициясини ўз ишининг чинакам усталари бўлган мутахассислар билан таъминлашга Ўзбекистон раҳбарияти алоҳида аҳамият бергани бу борада ҳал қилувчи ўрин тутган. Ўзбекистон ИИВ-нинг Жиноий кидирув бошқармасига В.И. Селиверстов узок йиллар раҳбарлик қилган.

Айни пайтда Ўзбекистонда ҳам жиноятчилик йил сайин ортиб борган ва 70-йилларда бу яққол кўзга ташланган. Россияда ҳозирги даврда жиноятчилик бобида ҳукмрон вазият билан ўша даврдаги аҳволни қиёслаб бўлмайди, бинобарин, ҳозир Россия жиноятчиликнинг росмана ўчоғига айланган. Ўша кезларда ҳам Россия қишлоқларида жиноятчилик шаҳар жиноятчилигидан кам эмасди. Ўзбекистон қишлоқларида осойишталик ҳукм сурган. Ўшанда мамлакатда биринчилардан бўлиб қишлоқларда жамоат тартибини муҳофаза қилиш бўлимлари тузилгани наф берган, дейиш мумкин. Қолаверса, ўзбек қишлоқларидаги аҳоли ҳамон худди туғишганлар каби бир тану бир жон бўлиб ҳаёт кечириш анъанасига содиқ эди. Ўзбекистонда 1972 йил август ойида бўлганимни яхши эслайман, қишлоқда яшайдиган ўзбек хонадонларининг эшикларига қулф ўрнатилмаганини кўриб, тўғриси ҳайратга тушганман. Ҳолбуки, Москвада – биз яшайдиган Казакова кўчасидаги коммунал уйда кириш эшиги фақат кечаси қулфланар, шунга қарамасдан Ўзбекистонга боришимиз арафасида умумий йўлакда турган яп-янги велосипедимни кимдир ўғирлаб кетганди.

Бутун мамлакатда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам жиноятчилик йил сайин кўпайиб боради. Айнан 1970 йилда Иттифокда рўйхатга олинган жиноятлар сони бир миллиондан ортиб, 1 миллион 46 минг 336 тани ташкил қилган. Бунда қасддан қилинган: 263 та (талон-торож билан), 203 та (зўрлаш билан), 3 240 та (безорилик билан), 9 633 та (рашк ва баҳслашиш билан), 489 та (она янги тукқан чақалоғини ўлдириши билан) жиноятлар қайд қилинади. Жами – 13 828 та қотиллик.

Ўзбекистондаги оғир жиноятларнинг аксарияти маҳаллий аҳоли томонидан эмас, балки шоҳона ҳаёт умидида мамлакатнинг бошқа жойларидан бу ерга келиб қолган кишилар томонидан содир этиларди. Маҳаллий

аҳоли билан қариндош-уруғлик, қолаверса, диний эътиқод алоқаларига эга бўлмаган айни шундай бегона кимсалар ҳеч иккиланмай қонунбузарликка қўл урарди. Бу фикрни исботловчи иккита мисол келтираман. Иттифоқда 70-йиллар бошида жамғарма кассалари ва почта бўлимларидаги пулларни ўмариш одат тусини олди. Нима учун айнан ўша йилларда?

Совет фуқароларининг фаровон яшаш даражаси ортиши натижасида мамлакатнинг аҳоли яшайдиган деярли барча йирик масканларида янги жамғарма кассалари ва почталар очила бошлади. Уларнинг кўп қисмига ҳеч қандай видео кузатиш воситалари ўрнатилмаган, атиги бир нафар милиция ходими томонидан қўриқланар эди (кўпчилик касса ва почталар ҳатто, қўриқланмаган). Нафси ҳақалак отган босқинчилар тахта панжарани ошиб ўтса, ёки ойна тўсиқни синдириб, санокли ходимни бартараф этса бас, мўмай пулни қўлга киритарди. Бундай қулай имконият талон-торож билан шуғулланадиган кимсаларга қанот бағишлайди: улар бутун мамлакатдаги деярли барча йирик шаҳарларда ўғирликка зўр беришди. 1972 йилнинг бошида Тошкентда ҳам шундай ўғрилар тўдаси пайдо бўлди.

Жиноятчилар 20 февралда Тошкентдаги 74-сонли почта бўлимига хужум қилади. Иш куни охираб, мижозлар деярли бўлмаган паллада бўлимга бир неча эркак яқинлашади. Иккитаси эшикнинг олдида қолиб, иккитаси ичкари киради. Улардан биттасининг қўлидаги тўппончани кўриб, қуролсиз почта ходимасининг эс-ҳуши бошидан учеди. Жиноятчи тўппонча ўқталиб, аёлдан почта бўлимида бор пулларни беришини талаб қилади. Аёл унинг айтганини ноилож бажаради. Бир неча дақиқа ўтгач, жиноятчилар қандай пайдо бўлган бўлса, шундай ғойиб бўлади.

Орадан икки кун ўтгач, 72-сонли почта бўлимига хужум уюштирилади. Яна ўша ҳолат: почта бўлимига бир неча киши киради, биттасининг қўлида тўппонча. Почта ходимаси бор пулларни беришга мажбур. Изкуварларга босқинчиларнинг белгилари аниқ айтиб берганига қарамай, уларнинг изига тушиш имкони бўлмайди. Шунга қарамай босқинчилар узок вақт озодликда давру даврон сура олмайди. 11 март куни текин бойлик орттириш илинжида босқинчилар яна қалтис жиноят кўчасига киришади. Улар ўша куни 50-почта бўлимига, 23 куни 3649-жамғарма кассасига



хужум қилишади. Сўнгги талон-торождан тўрт кун ўтгач, милиция ходимлари уларнинг изига тушиб, барчасини қўлга олади. Ўша давр мезонларига кўра, бу 12 кишидан иборат анча йирик тўда эди. Уларнинг аксарияти украин ва рус миллатига мансуб фуқаролар, фақат биттаси маҳаллий аҳоли вакили – ўзбек эди. 39 яшар тўда бошлиқларидан бири ўзининг 16 яшар ўғлини ҳам жинойтга шерик қилганди.

Мазкур тўда бартараф қилинган, бир ойдан кўпроқ вақт ўтиб, Тошкентда яна кўпол ва шафқатсиз босқинчилар тўдаси пайдо бўлади.

Кунларнинг бирида Тошкент бош почтамтининг икки оператор-инкассатори К.Корешков билан Н.Ермачков ўзларига қарашли нуқталардан бирида одатий иш билан шуғулланаётган бўлади. Иш вақти якунланиб борар, соат 18.15 да инкассаторлар кирадиган яна иккита почта бўлими қолганди. Лекин улардан бирига боришганда, кутилмаган воқеа рўй беради.

160-алоқа бўлимига етиб келишганда, Ермачков ҳамкасбини «ЕРАЗ» машинаси кабинасида қолдириб, ўзи бинога киради. Бироқ остонадан ҳатлаши билан ортида тўппончадан бир неча бор ўқ узилганини эшитишда, ҳамкасбига ёрдам бериш учун ортига қайтаркан, ҳамкасбининг олдиغا ча етиб бора олмайди – икки ўқ уни йиқитади. Оғир яраланганига қарамай, бор кучини тўплаб автомобилга яқинлашади, афсус, машина рулида ўтирган босқинчилар жуфтакни ростлаб қолади.

Ўзининг «Москвич» автомашинасида почта биносига яқинлашиб қолган Абдурашид Қаҳҳоров кутилмаганда бу воқеага гувоҳ бўлади. У Ермачковни машинасига ўтқазиб, босқинчилар изига тушади. Лекин яраланган, тобора кўп қон йўқотаётган Ермачковнинг тўппончасида ўқ қолмаган, йиқилганида ўқлар тушиб қолганди. Бу эса талончиларнинг қутулиб кетиш имкониятини анча оширади.

Қаҳҳоров инкассаторни шифохонага олиб боришга қарор қилади. Бироқ жинойтчилар-чи? Қаҳҳоров дуч келган биринчи машинани – «Запорожец»ни тўхтатиб, жинойтчилар изидан боришга кўндиради. У нима учун дарҳол рози бўлгани кейинроқ ойдинлашади. Қаҳҳоров Ермачковни шифохонага олиб боради, бироқ фурсат ўтган, Ермачков операция столида вафот этади. Айни пайтда бутун милиция оёққа туради. Жинойт-

чиларни кўлга олишни шахсан республика Ички ишлар вазири Х.Яҳёев назорат қилади, кўлга олиш операциясига ўринбосари Г.Ткачев бош бўлади.

Жиноятчилар олиб қочган «ЕРАЗ» автомашинаси ўша куннинг ўзида жиноят содир этилган жойдан 12 километр узоқликдан топилади. Машина ичида Корешковнинг жасади ётарди. Машина кўздан кечирилганда, жанговар тўппончадан отилган ўқ гильзалари ва инкассаторнинг тўппончаси топилади. Бу воқеа гувоҳлари «ЕРАЗ»дан икки ёш йигит тушиб, орқаларидан келаётган «Запорожец» автомашинасига ўтирганларини айтишади. Бу Қаҳҳоров кўндирган айни ўша «Запорожец» эди. Ҳайдовчи босқинчилар гумаштаси бўлиб, вазифаси шерикларининг қочишига ёрдам беришдан иборат бўлган. Милициянинг қўлида барча далиллар бўлган, қолаверса, енгил машина русуми ҳам кўлга олишда наф берган. «Запорожец» «Победа»ни қувиб ўтаётганда, уни туртиб юборган, «Победа»нинг рақами маълум эди. Машина кўздан кечирилганда, «Запорожец»нинг ўнг томони мажақланиб, унда «Победа»нинг бўёғи қолганлиги тахмин қилинади. Кейин тегишли кишилар билан алоқа боғланади.

Кўп ўтмасдан тергов ташкилотларига алоқадор кишилардан бири аллақандай Хачик билан Валера – бармоқсиз инкассаторларга хужум арафасида ўзлари учун ўқ отиш қуроли ахтарганлари маълум бўлади. Бу кишилар шахсини аниқлашга киришилади. Булардан бири – талончилик хужумлари учун 9 марта судланган, шаҳар бошқармаларидан бирида ҳайдовчи бўлиб ишлайдиган Владимир Хачиян, иккинчиси – шу бошқарма собиқ ҳайдовчиси Валерий Гусман экани аниқланади. Шунингдек, Хачиян ўша йилнинг феввалида «Запорожец» автомобилини харид қилгани ҳам маълум бўлади.

Хачиян билан Гусман ортидан хуфиёна кузатилганда уларнинг 26 ёшли Шокир Каримов деган шериги борлиги ҳам аниқланади. Ўғирлик содир қилганларидан кейин бу уч оғайни бир-бири билан кўришишни тамомла йиғиштириб, деярли бутун вақтларини ишхонада ёки уйда хонанишин равишда ўтказишади.

Хачиян яна айёрона йўл тутади – тиббий кўрикдан ўтиш учун ўпка касалликлари шифохонасига ётади. Шифохонада писиб ётар экан, изқуварлар «Запорожец»сини кўздан кечириб, мутахассислар томонидан кўр-

сатилган барча белгиларни топишади. Шундан сўнг жиноятчилар қўлга олинади. Аниқланишича, талончилик режаси муаллифи Гусман бўлиб чиқади. Илгари Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигига хизмат кўрсатувчи автобазада ишлагани учун Гусман мазкур ташкилот иш тартиб-қоидаларини жуда яхши билган ва пул ўмариш йўлини пухта ишлаб чиққан, вазиятга мослашиш учун режани уч марта ўзгартирган. Ўша қора кунда машинага икки киши яқинлашган: машинанинг ўнг эшигини Каримов очган ва рўпарасида турган Корешковга қарата ўқ узган, Гусман моторни юргизганда, югуриб келаётган Ермачковга ҳам ён деразадан ўқ отган. Бу пайтда Хачиян нарироқда қўлида милтиқ билан вазиятни кузатиб турган.

Ўша йил июль ойида Иттифок Олий Совети Президиумининг Фармони билан К.Корешков ҳамда Н.Ермачков вафотидан кейин «Қизил Юлдуз» ордени билан тақдирланган. Босқинчилар қилмишларига яраша жазоланган.

## 25-боб

### ГРУЗИЯ ПОЛИГОНИ

1970 йили Рашидов мухолифлар мавқеини анча пасайтириб, Ўзбекистондаги ўзининг мақомини мустақамлаганидан кейин нисбий барқарорлик юзага келади. 1972 йили Иттифок ташкил этилганининг 50 йиллик юбилейини республика хотиржам кутиб олди. «Литературная газета» бош муҳаррири А.Чаковскийнинг саволларига жавоб берар экан, Ш.Рашидов қуйидагиларга алоҳида урғу беради:

«Одамлар, халқлар ўртасидаги душманлигу нафратдан шафқатсиз, қақшатқич кучдан даҳшатли куч йўқ. Қадимий Миср ва Суғдиёнанинг вайронага айланган шаҳарлари, куни кеча кўпмиллатли Вьетнам заминининг яксон бўлган қишлоқлари, қон дарёси билан йўғрилган замин, ёнғинлару етим-есирларнинг кўз ёшлари билан тарих бу муқаррар ҳақиқатни бор фожиаси билан тасдиқлади.

Инсоният мутафаккирлари ҳамиша бахтиёр кунларни, заминдаги барча миллат ва элатлар ўзаро низоларини унутиб, бир оила фарзандларидай

аҳил ва иноқ ҳаёт кечирешларини орзу қилган. Бахшиларнинг мунаввар тароналари, куёш ва тафаккур салтанати тўғрисидаги ажойиб афсоналарда, ҳикматларда айти шундай эзгу даъват асрлар оша бизга етиб келган. Зотан, душманлик ҳамда нафратдай шафқатсиз ва ҳалокатли куч йўқ экани башарти рост бўлса, инсонлараро дўстлик, халқларнинг биродарлиги билан яратган кучу қувватдан ҳам эзгу, бунёдкор мўъжизавий қудрат йўқлиги айти ҳақиқат.

Бунинг ҳеч шубҳасиз амалий исботи – бизнинг жонажон Ватанимиздир, зеро, юртимизнинг ҳар бир қарич замини, ҳаётимизнинг ҳар бир дақиқаси – халқлар дўстлиги, қардошлигининг улуғвор ҳайкалидир. Кимсасиз чўлу биёбонларнинг жаннат воҳаларга айлангани совет халқларининг баҳамжиҳат дўстона саъй-ҳаракатларининг самараси ҳисобланади. Бизнинг заминимизда бунёд этилган завод ва фабрикалар, сунъий денгиз ва улуғвор электрстанциялар – булар ҳам совет кишиларининг яхлит байналминаллигининг, озод ва тенг ҳуқуқли совет миллат ва элатлари, халқлар дўстлигининг мевасидир. 1945 йилда фашистлар рейхстаги устига қадалган Ғалаба байроғи ҳам, юлдузлар сари йўл очган совет фазовий кемаларининг парвозлари ҳам барчамизнинг ҳамжиҳатликдаги ютуқларимиз саналади.

Ўзбек замини таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Замонавий Ўзбекистон мустамлака Туркистондан кун билан тун сингари фарқ қилади. Совет ҳокимияти йиллари мобайнида республика иқтисодиёт, маданиятни ривожлантиришда дунёни ҳайратга соладиган ютуқларни қўлга киритди. Партиянинг собит иродаси, халқнинг куч-ғайрати билан Ўзбекистон Шарқнинг машъалига айланди.

Бизнинг диёримиз, энг аввало, куёшли заминимизнинг бебаҳо ҳадяси – пахта билан машҳур. Пахта – бизнинг ғуруримиз, республикамиз бойлигининг асосий манбаи. Инқилобдан аввал Туркистон ўлкасида пахта етиштириш 500 минг тоннадан сал ошган, холос. Эндиликда вазият тамомила ўзгарган. Ўзбекистон мамлакатнинг асосий пахта базаси ҳисобланади. Республикамиз бир неча йиллардан буён ҳар йили тўрт миллион тоннадан кўпроқ пахта етказиб бераётир. Амалдаги юбилей йилда эса республика 4 миллион 700 минг тонна «оқ олтин» етказиб берди. Ўзбекистон тарихи бундай зафарни ҳеч қачон кўрмаган!..

Ўзбекистон ирригацияни, суғориш шохобчаларини ривожлантиришда ҳам катта ютуқларга эришди. Йирик сув омборлари, суғориш каналлари, замонавий гидротехник иншоотларга эга кўп шохобчали суғориш тизимлари барпо қилинди. Натижада бир пайтлар гиёҳ ҳам унмайди-ган Мирзачўл ва Қарши даштлари, Сурхон-Шеробод воҳаси, Марказий Фарғона, Амударёнинг қуйи оқими каби ҳудудларда бепоён ер майдонлари ўзлаштирилди.

Республикада яратилган қудратли саноатлашган негиз қишлоқлардаги ўзгаришлар учун мустақкам асос бўлди. Инқилобгача Туркистонда санокли ярим ҳунармандчиликка асосланган саноат корхоналари эди. Ҳозир 100 дан ортиқ саноат тармоқлари бор. Кўп тармоқли машинасозлик, энергетика, кимё, нефть, кўмир, газ, тоғ-кон, электроника, озиқ-овқат каби саноат соҳалари, қурилиш саноати республикада юксак даражада ривожланди. Саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми 1924 йилдагига нисбатан 119 баравар ошди. Ўзбекистон саноати ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳозир Иттифоқнинг барча қардош республикаларига ҳамда жаҳоннинг 70 дан ортиқ давлатига етказиб берилмоқда.

Маданият соҳасида ҳам жуда катта силжишлар бўлди. Инқилобдан аввал Ўзбекистонда нисбатан оз аҳоли тўлақонли билимга эга бўлган. Эндиликда Ўзбекистон – аҳолиси ялпи саводхон республика. 9234 та умумтаълим мактабларида 3407 минг ўқувчи таҳсил олаётир. Илгари битта ҳам замонавий олий ўқув юрти бўлмаган, эндиликда 41 та олий ўқув юрти, 168 та ўрта махсус билим юрти бўлиб, уларда 400 мингдан ортиқ талабалар билим олишмоқда.

Ўзбекистон Фанлар академияси ва олий таълим таркибида 148 та илмий ва илмий-педагогик муассасалар мавжуд, уларда 26 минг илмий-педагогик ходимлар, 100 дан зиёд академиклар ва мухбир-аъзолар, 600 га яқин фан докторлари, 7660 нафар фан номзодлари фаолият юритади. Ёзувчилар, шоирлар, рассомлар, композиторлар, архитекторлар, кино ва театр арбобларининг ажойиб авлоди етишиб чиқди, улар ижоди ва номи жаҳонда ҳам танилди.

Буларнинг барчаси мўъжиза эмас, балки жамият ривожланишининг қонуний натижаси, капитализмга нисбатан социализмнинг, буржуазияга нисбатан совет жамияти ва давлат тузумининг шубҳасиз афзаллигининг, миллатлараро масалаларнинг ечим топишининг мевалари ҳисобланади».

Айни пайтда Иттифоқнинг 50 йиллиги нишонланаётган бир пайтда жаҳон сиёсатида оламшумул ўзгаришлар рўй берди: халқаро кескинлик юмшаб, Шарқ билан Ғарб иктисодий жиҳатдан бир-бири билан яқин ҳамкорлик йўлига ўтди. Совет тузуми негизида шундай шароитлар яратилдики, натижада нисбатан ёш ва либерал арбоблар ҳокимият тепасига кела бошлади, айни шу арбоблар кейинчалик «Кремль глаболистлари»нинг ўзагини ташкил қилди.

Неолибераллар «бадавлат тоифаларнинг бойликлари янада ортиши кўпчиликнинг манфаатларига хизмат қилади» деган ақидани илғари суриб, йирик давлатларнинг аксарият нуфузли кишиларини бунга ишонттира олди. Совет арбобларининг маълум қисми ҳам бу тузоққа илинди, улар ҳам Сталин вафотидан кейин совет иктисодиётига капиталистик тус бериш йўлига ўтганди. Кенг омма кўзи олдида Ғарбга қарши кескин тарғиботни давом эттирган ҳолда совет раҳбарлари аслида 60-йиллар охиридан эътиборан Ғарб билан сепарат музокараларга киришди. Жумладан, Алексей Косигин АҚШ президенти Жонсон ва унинг ёрдамчиси Макджордж Банди билан учраша бошлади, Юрий Андропов эса 1970 йилда Германия Федератив Республикаси раҳбарияти билан махфий алоқа ўрнатди.

ДХК раиси 1968 йилда ташкил қилинган «Рим клуби» билан пинҳона алоқаларни йўлга қўйди. «Рим клуби» Ғарбнинг жаҳон микёсидаги сиёсатини йўналтирадиган нафақат таниқли ва жиддий хорижий таҳлилчиларни, балки энг машҳур сиёсатчиларни, айни пайтда, жаҳон ҳокимиятининг хуфиёна кардиналларини ҳам ўз атрофида бирлаштирган катта обрўга эга ташкилот эди. Қолаверса, Бильдерберг клуби, Уч томонлама комиссия, Буюк Британия Халқаро муносабатлар қироллик институти, АҚШда Халқаро муносабатлар кенгаши каби етакчи жаҳоний бошқарув марказлари билан яқин алоқалар ўрнатганди. Дунё ривожланишини амалда идора қиладиган кишилар: энг йирик сармоядорлар, саноатчилар, сиёсатчилар, махсус хизмат арбоблари айнан «Рим клуби» манфаатларини ифода этарди.

Венадаги Амалий тизимли таҳлил халқаро институти ҳам «Рим клуби» билан боғловчи воситалардан бири эди. Совет ҳукуматининг бошлиғи Алексей Косигиннинг куёви ҳамда Андроповнинг энг яқин маслаҳатчиларидан бири, келиб чиқиши грузин бўлган академик Джермен

Гвишиани раҳбарлигидаги совет Тизимли таҳлиллар институти ҳам Вена институтининг таъсисчиларидан бири бўлган.

Дунё аҳолисини, асосан, бир-бирига қарама-қарши икки қисмга: халқ қисматини ҳал қиладиган ўта қудратли давлатлар ҳамда оломонга ажратиб ташлаш «Рим клуби»нинг асосий мақсади эди. Бу ғояни Ғарбдаги зўравонлар тобора кўп қўллаб-қувватлаётганини ниҳоят, совет глобалистлари англаб етдилар ва ўзлари ҳам унга қўшилдилар. Бу борада барчадан кўп маълумотларга эга Андропов асосий мансабдор вакил сифатида танлаб олинди. Ҳолбуки, Андропов КПСС МКнинг Халқаро бўлимида ва ДХКда узоқ йиллар ишлаган, ҳар икки лавозимда ҳам ўзини давлат ва партия ишига садоқатли мансабдор сифатида кўрсатганди.

Айнан у халқаро муносабатларни «юмшатиш»нинг фаол ташаббускори ҳам бўлди. Бу билан боғлиқ режаларини амалга ошириш учун унга ишончли одам керак эди, айнан шу боис одамларни зўр бериб олий мансабларга тайинлашга киришади. Бу жараён Кавказорти республикаларида яққол кўзга ташланарди, мазкур республикалар иқтисодиётига капиталистик тус бериш жадал суръатлар билан борарди. Жумладан, 1969 йилда Озарбайжонда собиқ ДХК ходими Ҳайдар Алиев ҳокимият тепасига олиб келинди, бир неча йилдан кейин Арманистон ва Грузияда ҳам шундай қилинди. Грузияда 44 ёшли Эдуард Шеварднадзе, Арманистонда эса тижоратчи Карен Демирчян раҳбар этиб тайинланади. Озарбайжондаги каби йўл тutilгани боис Грузияда Шеварднадзенинг раҳбар этиб тайинланиши мамлакатда кўп гап-сўзлар келтириб чиқарди. Бу борада нафақат Андропов, Иттифоқ Ички ишлар вазири Николай Шчелоков ҳам жонбозлик кўрсатган. Бу икки мансабдор бир-бирини рақиб ҳисоблаб, бир-бирини кўра олмаса ҳам айни шу масалада баҳамжиҳат иш тутганди, чунки бу иккиси ҳам манфаатларига хизмат қиладиган олий тоифа тақозоси эди.

Грузия партия ташкилотига Марказ ҳамиша алоҳида эътибор билан қараган. Иосиф Сталин, Серго Орджоникидзе, Лаврентий Берия каби олий мансабдорларнинг келиб чиқишини ҳисобга олганда, бу табиий ҳол ҳисобланади. Бироқ 1953 йилда Сталин вафот этгандан кейин, унинг обрўйи тушиб кетди. Грузияга раҳбар этиб генерал Василий Мжаванадзе юборилди, у Грузиядаги гуруҳлардан ҳеч бири билан алоқадор бўлмаган. Мжаванадзе Грузияда менинг ишонган кишим бўлади, деб умид қилган Хрушчёвнинг ўзи ҳамма ишни барбод қилади.

Хрушчѐв 1956 йил февралда партия XX съездида Сталин шахсига сиғинишни фoш қилади, оқибатда аксарият грузинларнинг, шу жумладан. Мжаванадзенинг наздида ҳам обрў-эътиборини йўқотади. 1964 йил кузда Хрушчѐв ағдариб ташланганда, Мжаванадзе ҳам бу ишга, албатта, ўз ҳиссасини кўшади. Брежнев унинг бу хизматини сира ҳам унутмади ва шу боис Грузия раҳбарига ҳамиша хайрихоҳлик қилиб келди. Натижада Мжаванадзе раҳбарлиги йилларида Грузия пешқадам минтақалардан бирига айланди, нафақат иқтисодий, балки сиёсий салоҳияти ҳам ортди: Мжаванадзенинг ҳаракатлари билан республика учун Марказдан катта миқдорда молиявий маблағлар ундирилди, грузин миллатига мансуб кўплаб кишилар марказий ҳокимият олий органларига ишга жойлашди.

Бироқ йиллар ўтгани сайин Мжаванадзе хушёрликни қўлдан чиқарди. Ҳатто 1969 йили кўшни Озарбайжонда бўлган воқеалар ҳам унга сабоқ бўлмади. Бу воқеалар Марказнинг хайрихоҳлиги узлуксиз давом этавермаслигини кўрсатганди. Республикадаги коррупция Озарбайжон раҳбари Вели Ахундов сингари Мжаванадзенинг ҳам илдизига болта урди.

Юқорида айтилганидек, Озарбайжонда порахўрлик ҳатто партиявий ҳокимиятнинг олий доираларини ҳам қамраб олди – пулнинг, поранинг эвазига Компартия МКдаги лавозимларни сотиб олиш одат тусига айланди. Грузиядаги аҳволни ҳам яхши деб бўлмасди. Москвадагилар буни, албатта, яхши билишарди, бинобарин, Грузия ДХК раиси Инаури Марказнинг мазкур республикадаги кўзи ҳам қулоғи эди. Инаури 1954 йилдан буён мазкур лавозимни эгаллаб турган. Бироқ Марказ Грузиядаги коррупцияга маълум вақтгача эътибор қаратмади, фақат Мжаванадзенинг қўли билан партия ва давлат маҳкамаларида айрим «тозалашлар» ўтказишни лозим топди. Бироқ 1972 йилга келиб Мжаванадзенинг лавозимдан кетиши аниқ бўлиб қолди. Марказдагилар конвергенцияни тушунмайдиган мазкур ўтмиш сарқити истеъфога чиқиши, унинг ўрнини ёш либерал эгаллаши керак деган фикрга келади. Айни мана шу либерал келгусида ашаддий глобалист ролини ҳам маҳорат билан уддалайди.

Шеварднадзе 1965 йилдан Грузия Ички ишлар вазири эди, бинобарин, у хамирдан қил суғургандек осонгина республика раҳбарига айланди. Унинг ўта иззатталаблиги, калондимоғлиги, мансабпарастлиги Москва-нинг аллақачон назарига тушганди.



70-йиллар бошида Москвада бўлган кенгашлардан бирида Шчелоков Грузияда ДАН ходимлари ўта порахўр экани ва мана шундай кимсаларнинг сони қарийб 50 % ни ташкил қилишини айтиб, Шеварднадзегга дакки беради. Вазирнинг таънасини индамай тинглаган Шеварднадзе республикага қайтиб келгач, унинг сўзларини текшириб кўришга аҳд қилади. Оддий фуқаро каби кийиниб, одми «Москвич» рулига ўтиради ва Тбилиси кўчаларида кеза бошлайди. Бошидан кечирган кўргиликлар уни ҳайратга солади. Йўлида учраган ДАН ходимларининг 50 %и эмас, балки деярли 100 %и порахўр эканининг шохиди бўлади. У шундан кейин республика ДАНда кескин тозалашлар ўтказди, бироқ порахўрликка узил-кесил барҳам бера олмайди.

Айни пайтда ёш ва иззатталаб Шеварднадзенинг яна бир обрўли иттифоқчиси – Грузия раҳбариятидаги иккинчи шахс, МК котиби Шота Чануквадзе ҳам бор эди. Шеварднадзенинг раҳбарлик лавозимини эгаллашидан у ҳам манфаатдор эди, чунки ўз йўлидаги ғаними, Грузия КП МКнинг яна бир обрўли аъзоси Георгий Гегешидзени Шеварднадзе қўли билан йўқотишни режалаштирганди. Гегешидзенинг бевосита ўзига ҳужум қилиш имкони бўлмагани боис айланма йўл билан боришга, гумашталари – миллионер ака-ука Лазишвилиларга зарба беришга киришилади. Бунинг учун зарур маълумотлар Шеварднадзедга ҳам, ДХК раиси Инаури ихтиёрида ҳам етарли бўлгани боис бу ишни амалга ошириш кийин эмасди.

Шеварднадзени Грузияда олий раҳбарлик лавозимига тайинлаш ишлари 1972 йил март ойида бошланади. Тбилиси шаҳар партия комитети ишларидаги камчиликларга оид КПСС МКнинг Қарори айнан ўшанда чиқади, шундан кейин Шеварднадзе шаҳар партия комитетининг Биринчи котиби бўлади. Айни пайтда республика Ички ишлар вазирлигидаги одамлар ДХК билан яқин ҳамкорликда Мжаванадзенинг гуруҳига қарши ҳужум бошлайди.

Айтишларича, буларнинг барчаси Тбилисида олифта ҳайдовчилардан бири йўловчи аёлни машинаси билан уриб кетгандан кейин бошланади. Бу олифта ўша миллионер ака-укалардан бири билан таниш бўлгани боис, мазкур иш билан шахсан Шеварднадзенинг ўзи шуғулланади. Қолаверса, ноёб музей экспонати ҳисобланувчи ҳамда Интерпол томонидан қидирилаётган ўта қиммат бриллиант узук билан боғлиқ иш ҳам пайдо бўлади. Бу узук-

ни Лазишвилилардан бири Отар гўё Мжаванадзенинг хотинига (Грузияда уни «Қиролича Тамара» деб аташарди) совға қилган эмиш деган гаплар ҳам чиқади. Айни шу икки баҳонадан устомонлик билан фойдаланган Шеварднадзе зудлик билан Отар Лазишвилини қўлга олади ва Мжаванадзени обрўсизлантириш ҳаракатларини бошлайди.

Мжаванадзени Брежнев Москвага таклиф қилади ва истеъфога чиқишига оид ариза ёзишни айтади. У дарҳол ариза ёзиб беради, чунки у Москва билан ҳазиллашиб бўлмаслигини яхши биларди. Мжаванадзе ён бериш эвазига ютади: яшаш учун Иттифоқ пойтахтига кўчиб келади, унга кўп қаватли бинодан уй, дала ҳовли ва махсус шахсий нафақа тайинланади. Сал кейинроқ барча имтиёзлари сақланиб қолган ҳолда Украинага кўчиб кетади.

Э.Шеварднадзе эса Грузия КП МКнинг 1972 йил 29 сентябрда бўлган Пленумида МК 1-котиби этиб сайланади. Шундан кейин Мжаванадзе гуруҳига қарши кураш давом эттирилади, собиқ республика раҳбарининг қилмишларини фош этишга зўр берилади. Бунга республика матбуоти ҳам жалб қилинади.

Э.Шеварднадзе «тозалаш» чоғида, бир ярим йил ичида 20 нафар вазирлар ва партия Марказий Комитети аъзоларини, 111 та туман партия комитетларининг котибларини, 10 нафар шаҳар ижроқўм раисларини ишдан ҳайдади. Улар ўрнига ДХК ва ички ишлар ходимларидан тайинлади. Аммо бу тадбирлар катта фойда келтирмади, чунки янги келган раҳбарларнинг ҳам бир қисми эскилардан кам бўлмаган коррупционерлар эди. Лекин уларнинг қатор устунликлари ҳам бор эди: улар анча ёш, яна ҳам иззатталаб, энг муҳими, олдингилар каби мафкуравий собит одамлар тоифасидан эмасди. Агар олдингилар тақдирга тан бериб, бир жойда қотиб қолган бўлсалар, янги авлод тоғни толқон қилишдан ҳам тап тортмасди. Уларнинг айни мана шундай шиддату шахдини Москва кадрларди. Бу авлод порахўрлик қилган тақдирда ҳам Озарбайжонда бўлгандек, Марказдан чўчиган ҳолда шундай йўл тутишини Москва биларди. Озарбайжонда Ҳайдар Алиев раҳбарлик қила бошлагач, уч йилдан кейин МКда лавозимларни пуллашга чек қўйилди – кўрқа бошладилар. Бундан ташқари, Алиев ҳокимият тепасига келгач, Озарбайжон иқтисодий жиҳатдан юксалиб, мазкур минтақада Грузиянинг яна асосий рақобатчисига айланди. Айниқса,

нефть қазиб олиш ишлари ривожланиб, 1971 йил апрелда мамлакатда рекорд кўрсаткич қўлга киритилди: миллиард тонна нефть қазиб олинди.

Грузиядаги воқеалар, айти ўша йили ДХК томонидан диссидентларга берилган намунавий зарбалар Кремль раҳбарияти олдида Юрий Андроповнинг обрўйини анча оширди. Натижада ДХК раиси Сиёсий бюро аъзолигига қабул қилинди (1973 йил апрелда), Л.Берия ишдан олингандан кейин, роппа-роса йигирма йил мобайнида бўлмаган иш амалга оширилди. Кейинги воқеаларнинг кўрсатишича, Бош котиб шундай йўл тутиб, ўзига ўзи чоҳ қазигани маълум бўлади. Айти воқеадан кейин ДХК фақат Брежневга ҳисоб берадиган идорага айланади, бироқ Бош котиб кексайиб, ҳолдан тойганига мос равишда тобора қисқариб борди.

ДХК раиси билан бирга Сиёсий бюро аъзолигига яна икки йирик мансабдор – Мудофаа вазири Андрей Гречко, Ташқи ишлар вазири Андрей Громыко ҳам қабул қилинди. Геннадий Воронов (Халқ назорати комитети раиси) ва Пётр Шелест (Украина КП МК 1-котиби) аъзоликдан чиқарилди. Иккиси ҳам нафақага кузатилди. Брежневнинг азалий кадрдони, Рашидовнинг азалий мухолифи Владимир Шчербицкий Украина раҳбари бўлди.

Шароф Рашидов билан Шчербицкий ўртасидаги муносабатлар нима сабабдан бузилганини ҳозир аниқлаш қийин. Бунинг илдизлари Хрушчёв даврига бориб тақалиши ҳам ҳеч гап эмас, сиёсий сабаблари бўлиши ҳам мумкин. Лекин шу нарса маълумки, Шчербицкий ўз ватанида Рашидов асарлари нашр қилинишига имкони борича монелик кўрсатган, ҳолбуки, Шароф Рашидов унга нисбатан ошқора бирон иш қилгани маълум эмас. Ўзбекистонда Украина адабиёти ва санъати ўн кунликлари ўтказилганда ҳамиша бу тадбирни шахсан ўзи очган, чунки шахсий манфаатлари билан давлат манфаатларини аралаштирмаслик кераклигини яхши тушунган.

Пётр Шелест ҳам Шчербицкийни ёқтирмаган, унинг ўрнига айнан Шчербицкий тайинланганди. Шелестнинг айтишича: «Шчербицкий партиявий тарбия кўрмаган, маданий савияси паст, ҳамкасблари билан кўпол ва кўрс муомала қиладиган, ҳамиша қовоғидан қор ёғадиган одам. Партия фаоллари орасида обрўга эга эмас, халқ ичида ҳам шуҳрат қозонмаган». Бироқ Шчербицкий Брежневнинг кадрдони ва ҳамшаҳари бўлгани учун Украина раҳбарлигига тайинланади. Ҳатто ўғли жиноятга қўл ургани ҳам Шчербицкийнинг хизмат пиллапояларидан юксалишига монелик кўрсатмайди.

Унинг ўгли йўлбарслар ва шерлар ўргатувчиси, машхур цирк артисти-нинг арзандаси Юрий Шевченко билан дўст бўлган. Кунларнинг бирида Юрий унга ўзи учун кадрдон цирк кассасини ўмаришни таклиф қилади. Кассада нафақадаги кекса аёл ишлашини, уни яхши танишини, эшик-ни ўзи очишини айтади. Шундай бўлади ҳам. Кассир аёл ҳеч нарсадан шубҳаланмасдан, вақт анча кеч бўлганидан ҳам хавотирга тушмай, икки безорини кассага киритади. Бу эса шўрликка қимматга тушади. Юрий пиджагининг остига бекитиб олган оғир қувур бўлагини чиқариб, аёлнинг бошига зарб билан уради. Кассир ўша ернинг ўзида жон таслим қилади. Ўғрилар эса кассада бор пулни ўмариб кетади. Бироқ ўғирланган пулларни сарфлашга улгуришмайди. Иккиси ҳам эртасигаёқ қўлга олинади. Шевченко 15 йилга қамалади, Шчербицкий ўғлининг хатти-ҳаракатида жиноят аломатлари топилмади, деган хулоса билан қўйиб юборишади.

Умуман, ўша йилларда олий раҳбар эркатойларининг қилмишлари эл ичида афсона бўлган: улар ҳақида матбуотда мақолалар эълон қилинмас, лекин уларнинг ишлари ҳеч омма тилидан тушмасди. Айниқса, Галина Брежнева билан боғлиқ воқеалар бутун мамлакатга яшин тезлигида тарқалар, жуда кўп муҳокама қилинади. Сиёсий бюро аъзоларининг фарзандлари орасида, асосан, Г.Брежнева ўз кимишлари билан «машхур» эркатой эди. Кремлдаги бошқа арбобларнинг фарзандлари ҳақида бундай деб бўлмасди. Юрий Андропов, Михаил Суслов, Андрей Громыконинг ўғиллари, ёки Алексей Косигиннинг қизи кўп ҳам назарга тушавермас, намунали ҳаёт кечиришарди.

Шароф Рашидовнинг фарзандлари ҳақида ҳам шу гапни айтиш мумкин, халқ уларнинг борлигини биларди, бироқ улар билан боғлиқ ёмон гапни ҳеч қачон эшитмаган. Шу муносабат билан Л.Шабшайнинг қуйидаги хотиралари эътиборга молик:

«Кунларнинг бирида, тахминан 1957 йилда хизмат сафари пайтимда, «Москва» меҳмонхонасининг тўққизинчи қаватидаги емакхонага бора туриб, йўлакда ўша пайтларда ҳали болакай бўлган Рашидовнинг ўгли Вова (ўзбекча исми Илҳом)га дуч келиб қолганим сира эсимдан чиқмайди. Унга бирга нонушта қилишни таклиф қилдим, бир шиша қатиқ ва иккита булочка олдим, ўзимга оддий булка, болага маъкул келади деган фикрда ширинроғидан харид қилдим. Болакай эса булкаларга тикилганча менга

деди: «Лазарь амаки, нега менга яхшисини бериб, ўзингиз ёмонроғини олдингиз, отам менга бундай қилиш яхши эмас, деб ўргатган». У шундай дея қўлига пичокни олиб, икки булкани ҳам ўртасидан тенг бўлди-да, ширин булканинг бир бўлагини менга бериб, оддий булканинг бир бўлагини ўзи олди.

Кейинчалик у юқори синфларда ўқиб юрганда ўқ отиш спорти билан қизиқа бошлади. Олий спорт маҳорати мактабида ишлайдиган ўғлим Вова жуда камтар, интизомли ҳамда бошқа яхши фазилатларга эга эканини ҳам айтиб берган. Вованинг намунали хулқида вояга етгандан кейин ҳам ҳеч қандай салбий ўзгариш бўлмаган. Бу болалигидан яхши тарбия олганининг натижаси эди...»

Илҳом кейинчалик ДХКнинг Олий мактабига ўқишга киради, шунинг ўзиёқ ундан ҳаётга ва жамиятга масъулият билан ёндашишни тақозо этарди. Горбачёвнинг қайта қуриш йилларида Ш.Рашидов номига ҳам беармон қора чапланган даврда, ғаразгўй кимсалардан бири Рашидов айнан шу тариқа Давлат хавфсизлик хизмати тизимида ўз одамига эга бўлишга уринган, деган тахминни илгари суради. Бу бўҳтондан бошқа нарса эмас. Чунки Рашидовнинг ўғли мазкур идорада юқори мансабга эга бўлиши учун узоқ йиллар талаб қилинар, бу даврда эса Рашидов аллақачон нафақага ҳам чиқиб кетган бўларди. ДХК совет тузумида энг обрўли идоралардан, муҳими коррупция иллатига нисбатан кам чалинган идоралардан бири бўлиб, унинг ходимлари нисбатан жамиятда намунали кишилар ҳисобланарди.

Кавказорти республикаларида бу борада тамомила бошқача манзара ҳукмронлик қиларди. Бу ерда давлат арбобларининг фарзандлари сиёсий мухолифларнинг сафини фаоллик билан тўлдирарди. Бу жараён Грузияда Э.Шеварднадзе раҳбарлиги йилларида кучайди. Сиёсатшунос Б.Колоницкий ёзади:

«Грузияда мавжуд тузумга ўзгача мухолифлик ҳаракати ривожланиб борарди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги тарихни йирик мансабдорларнинг ўғил-қизларисиз тасаввур қилиб бўлмайди, улар ўзларини болалигидан имтиёзли, алоҳида устунликларга эга ҳис қилар, бошқа тенгдошларига мумкин бўлмаган қатор ишларни қилиш ҳуқуқига эга ҳисоблашарди. Ҳукумат дала ҳовлилари ва давлат таъминоти, барча воқеалардан, ах-

боротлардан беамалол хабардорлик, эҳтимолий ҳамлалардан муҳофаза каби имтиёзлар уларни талтайтиб юборганди. Жамиятдаги тартиб-қоидаларга қатъий риоя қилишни ҳам ўзларига шарт билишмасди. Бундай кайфият уларнинг ўзлари учун ҳам, мансабдор оталари учун қатор муаммолар келтириб чиқарарди.

Грузияда қариндош-уруғчилик ва дўстона алоқалар катта аҳамиятга эга экани, Москвадан йироқлашиш истаги эса боши бирикмайдиган гуруҳлар ва тўдаларни ҳам бирлаштиргани боис – «мансабдорларнинг фарзандлари» омили муҳим ўрин тутарди.

Звиад Гамсахурдия обрўли сулоланинг давомчиси бўлган. Унинг отаси, ёзувчи Контантинэ Гамсахурдия Берлин университетиди таҳсил олган, грузин адабиётининг тирик мумтоз намоянчаси, «Грузин Горькийси» унвони унга деярли барча эшикларни очиб берарди. Тўғри, у ёшлигида қатъий мустақиллик тарафдори бўлиб, Германия демократик республикаси Хорижий ишлар вазирлигида амалдор бўлиб ишларди. К.Гамсахурдия 20-йилларда Соловкида сургунда бўлгани, лекин ундан ҳам хатарли 30-йилларда республика Фанлар академиясининг аъзоси ҳамда тирик мумтоз адибга айлангани ажабланарли эмас. У ўшандай қатағон йилларида ҳам жон сақлаб қола билди. Отасининг қасрида Звиад муҳолиф кучлар ҳавосидан тўйиб нафас олар, ўзини сараланган кишилар тоифасидан ва ҳимояланган сезарди. Қобилиятли ва такаббур 15 ёшли ўсмир ўз дўсти ва тенгдоши Мераб Костава билан 50-йиллар ўртасида яширин «Горгаслиани» ташкилотини тузади. Ёшлар хуфиёна варақалар тарқатишади, 1956 йилдаги норозилик чиқишларини миллий-озодлик ҳаракатига айлантиришга уринади. 1957 йил апрелда мазкур ташкилот аъзолари қамокқа олиниб, ярим йилдан кейин озод қилинади. 1959 йилда улар ҳукумат вакилларига қаршилик кўрсатгани учун яна ҳибсга олиниб, уларга жуда енгил жазо берилади – шартли равишда уч йил озодликдан маҳрум қилинади.

Қамок жазоси Иттифоқ фуқаролари учун даҳшатли қора тамға ҳисобланарди. Бироқ Звиад 1958 йилда Тбилиси университетининг филология факультети талабаси бўлиб, Мераб Костава эса Тбилиси консерваториясига ўқишга киради. Диплом олгач, Костава мусиқа мактабида болаларга сабоқ бера бошлайди. Гамсахурдия нуфузли Грузия адабиёти академик институтининг илмий ходими бўлади. Кўплаб мақолалар эълон

қилади, илмий даража олади. Грузия Ёзувчилар уюшмаси аъзоси бўлади. Лекин бу икки дўстни ҳамон сиёсат қаттиқ кизиктирарди. Улар 1973 йилда Инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ташаббускор гуруҳини, 1976 йилда эса Грузия Хельсинки гуруҳини ташкил қилади. Уларнинг фаолияти Халқаро ҳуқуқ муҳофазачилари томонидан эътироф этилади ҳамда иккиси ҳам 1975 йилда «Эмнести интернешнл» ташкилотига аъзо сифатида қабул қилинади.

Икки республиканинг икки раҳбарининг ўғиллари – Илҳом Рашидов билан Звиад Гамсахурдия тамомила турлича тақдирлар соҳиби бўлгани қизик. Қолбуки, иккиси ҳам йирик адибларнинг фарзандлари, арбобларнинг ўғиллари бўлган. Лекин улардан биттаси Давлат хавфсизлик идорасининг ходими сифатида ватанга садоқат билан хизмат қилган бўлса, иккинчиси айни мамлакатга қарши фаол кураш олиб борган диссидент бўлиб етишди. Тасодифми? Йўқ, бу одатий бир ҳол эди, асосий сабаблари эса Иттифоқ тарқаб кетгандан кейин ойдинлашди.

## 26-боб

### ВИСОЦКИЙ. ЯХУДИЙЛАР, «ПАХТАКОР» ВА ҲИНДУЛАР

70-йилларнинг бошларида Ўзбекистон Иттифоқнинг иқтисодий жиҳатдан барқарор ва ривожланган республикаларидан бири эди. Ишчи-хизматчиларнинг ўртача ойлик маоши 1972 йилда 121,2 рублни (йиллик ўсиш 3 %) ташкил қиларди. Ижтимоий истеъмол жамғармаларидан аҳоли олган тўлов ва имтиёзли пуллар 7,6 % га ўсиб, ўша йили аҳоли жон бошига 211 рублга етди. Шифокорлар, ўқитувчилар, мактабгача тарбия муассасаларининг тарбиячилари, ўрта-маҳсус ва олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг ва бошқа айрим тоифадаги ходимлар маоши оширилди. Шунинг ҳам айтиш керакки, маошларнинг ўша кездеги ошишини Россияда пул тобора қадрсизланаётган ҳозирги пайтдаги маошлар билан қиёслаб бўлмайди: Иттифоқда асосий озиқ-овқат маҳсулотлар нархи барқарор бўлиб, дейлик 60-йиллар бошида, 1972 йилда метрода йўлқира ҳақи атиги 5 тийин эди, бир буханка оқ нон 13 тийинлигича ўзгармаган. Бинобарин, маошга 5–10 рублнинг кўшилиши Иттифоқда катта имтиёз ҳисобланган.

1972 йилда давлат, хўжаликлар ва аҳолининг маблағлари эвазига Ўзбекистонда умумий сахни 5217 минг кв.м бўлган қарийб 100 минг квартира ва якка тартибдаги уйлар барпо қилинди. 601 минг кишининг тураржой шароитлари яхшиланди, бунда уларнинг деярли барчасига тураржойлар бепул берилди. 154,2 минг квартира, шу жумладан, кишлок жойларда 89,9 минг хонадон газлаштирилди. Ўнлаб умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим муассасалари ва маданий-маиший иншоотлар қурилди.

Ўша йили қуввати 300 минг киловатт бўлган Сирдарё ГРЭС-нинг 1-турбинаси, Чорвоқ ГЭСининг эса 150 минг кВт қувватга эга 4-турбинаси ишга туширилди. Сирдарё, Андижон вилоятлари ва Қорақалпоғистон Автоном Республикасида янги пахта тозалаш заводлари барпо қилинди.

1973 йилда Самарқандда маиший музлаткичлар заводи, Тошкентда Волжск автомобиль заводининг автомаркази иш бошлади. Енгил саноат соҳасида Бухоро ип-газлама комбинатининг 1-навбати, Тошкентда пойафзал фабрикаси, Кўкон хиром чарм заводи, Навоий, Тахтакўпир ва Чортоқ пахта тозалаш заводлари, озиқ-овқат саноати соҳасида – Тошкент парфюмерия фабрикасининг 2-навбати фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистонда ўртача ойлик иш ҳақи ўтган йилдагига нисбатан ўртача 5,5 % га ўсиб, 127 рублни ташкил қилди.

Яна умумий сахни 4 583 минг кв.м бўлган янги қарийб 80 минг квартира ва якка тартибдаги уйлар барпо этилди. 518 минг киши тураржой шароитларини давлат ҳисобидан яхшилаб олди.

Бу рақамлар йирик бўлгани билан унчалик қувонарли эмасди. Жумладан, мамлакатда ишлаб чиқарилаётган кўпгина маҳсулотларнинг сифати кўнгилдагидек эмасди, шунинг учун уларга нисбатан чет эл маҳсулотлари харидоргир эди. Кўпгина янги уйлар шошма-шошарлик билан топширилгани боис фойдаланишдан аввал кўшимча таъмирлаш ишларига муҳтож эди. Ўзбекистондан сотиб олинадиган пахта хомашёсининг нархи деярли ошмаганди. Жумладан, сифати бир хил эканига қарамай Озарбайжонда етиштирилган пахтанинг нархи Ўзбекистондагига нисбатан 4 тийин қимматроқ эди. Оқибатда Озарбайжонда етиштирилган деб етказиб бериладиган пахтанинг асосий қисми, асосан, Ўзбекистон пахтаси бўлар,



4 тийиндан кўрилган фойда Москва ва республикалардаги юқори мансабларда ўтирган кимсаларнинг ҳамёнига тушарди.

Мамлакат бўйича маошлар ҳам тенг оширилмас: оддий фуқарога нисбатан мансабдорлар салкам икки баравар кўп ойлик оларди. Партия ва давлат арбоблар эса асосий маоши 300 – 400 рубль бўлгани ҳолда маҳсус дўконлардан фойдаланар, бу дўконларда оддий дўконларда тақчил ҳисобланган маҳсулотлар сотиларди. Бунинг учун М.Барбакадзенинг хотираларини эсга олиш ўринли:

«Отасининг дала ҳовлисига келганимизда, Наби, чамаси, ҳукуматга тегишли маҳсус телефон гўшагини кўтариб, русчалаб икки оғиз гап айтди:

«Тўққизинчи»га, олти киши учун. Илтимоc, фақат тезроқ.

«Тўққизинчи» дегани давлат пиллапояларидаги уларнинг тартиб рақамини билдирар, биринчи рақамли шахс, албатта, Шароф Рашидов эди.

Набининг ҳамроҳлигида қимматбаҳо гиламлар, йирик-йирик хитой гулдонлари ва бошқа ҳашаматли рўзғор буюмларини кўздан кечирдик. Ҳеч қанча ўтмай уч киши микроавтобусда кўкатлар, мевалар, ароқ-вино, минерал сув солинган қутилар, бир талай газак ва яримта қўй гўштини етказиб келди. Шу заҳоти ҳовлида қозон осилиб, ош тайёрлашга киришилди. Қозон анча катта, ундан ҳам каттароғини яна бир ўзбек хонадонидан бўлган никоҳ тўйида кўргандим».

Ўша пайтларда барча арбоблар мана шундай шоҳона ҳаёт кечирар, улар Брежнев даврининг барқарорлиги остида деярли ҳеч вақодан чўчимасди. Бироқ Ўзбекистонда азалдан меҳмон улуғланар, бинобарин, ўзбек халқининг меҳмондўстлигини йирик давлат арбобларидан тортиб оддий кишиларгача деярли барча оғзидан бол томиб мақтарди. Бундан ташқари, Ўзбекистонда узоқ йиллар яшаган руслар билан ҳам кўп гаплашганман, улар ҳам бу ўлкада кечган ҳаётини фақат яхшилик билан хотирлайди. Тўғри, 70-йиллар бошида яҳудий миллатига мансуб аҳоли борасида республика ҳукуматида муайян муаммоларга дуч келинади, улар қутилмаганда Исроилга кўча бошлайди. Бироқ, аслида бу ҳам умум-мамлакат миёсидаги муаммо эди.

Ҳаммаси 60-йиллар охирида бошланганди. Иттифоқ ўшанда Яқин Шарқда арабларни жуда фаол қўллаб-қувватлашга киришади, Чехосло-

вакиядаги «бахмал инкилоби»ни шафқатсизлик билан бостиради, бунда деярли яҳудийларга қарши иш олиб борилади. Оқибатда 1970 йилда Исроил Бош вазири Голда Маир Иттифоққа қарши салиб юриши эълон қилади. Исроил мактабларида, ҳатто, болаларга: Иттифоқ ёвузлик ўчоғи дунёда аксилсемитизм таянчи, дея таълим бериш йўлга қўйилган. Буларнинг барчаси, албатта, бўҳтон эди, чунки яҳудийлар Иттифоқда бошқа фуқаролар каби барча ҳуқуқлардан тўла фойдаланган. Айрим аксилсемитизм ҳолатлари учраб турар ва совет ҳукуматининг муайян ҳаракатлари яҳудийларнинг маълум ҳуқуқларини чекларди, бироқ уларнинг яшаш тарзини сираям оғир деб бўлмасди. Жумладан, адабиёт ва санъат соҳасида, илму фанда ҳам яҳудийлар етакчилик қилар, ҳукумат бу билан ҳисоблашишга мажбур эди. Бинобарин, 1970 йилда Ғарбнинг фаол аралашуви билан кўпгина совет яҳудийлари мамлакатдан чиқиб кетиш учун Кремлдан рухсат талаб қила бошлаганда, ҳокимият бунга йўл қўймаслик учун қўлидан келган барча чораларни кўради. Бироқ бу уришиш ҳеч қандай наф бермайди ва орадан бир йил ўтиб яҳудийларнинг Иттифоқдан чиқиб кетишларига рухсат берилади.

Ўзбекистонда ҳам жуда кўп яҳудийлар яшар, улар икки тоифадан: маҳаллий ва кўчиб келган яҳудийлардан иборат эди. Кўчиб келганларининг сони йил сайин ортиб борар, чунки Москва раҳбариятидан фарқли равишда Ўзбекистон раҳбарияти уларга нисбатан бағрикенглик билан муносабатда бўларди. Ўзбекистон раҳбариятида ҳам яҳудий миллатига мансуб мансабдорлар кўп эди.

Бироқ Ғарб совет яҳудийларини йўлдан уриш мақсадида тарғибот ишларига сарфлаган сармояси ўз ишини беради: турли хорижий радио эшиттиришларнинг тарғиботига учган яҳудийлар Иттифоқни шоша-пиша тарк эта бошлайди. Бу Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади, лекин бутун мамлакатдагига нисбатан бу ерда яҳудийларнинг бош олиб кетиши оммавий тус олмади. Бунда Ўзбекистон ҳукумати кўрган жавоб чораларининг ўзи муҳим аҳамият касб этмаган ва амалдаги ҳолат ҳам бунга имкон бермаган: совет мамлакатининг бошқа минтақаларидаги яҳудийларга нисбатан уларнинг Ўзбекистондаги миллатдошлари анча яхши ҳаёт кечирарди.

Шароф Рашидов раҳбарлик қилган йилларда либерал зиёлилар доирасида Ўзбекистон турлича фикрларга холис муносабатда бўладиган рес-

публика ҳисобланган. Гарчи Ўзбекистонда чинакам диссидентлик ҳақкати деярли бўлмаса ҳам, республика ҳокимияти «диссидентлик мутоҳазалари»га имкон борича вазминлик билан муносабатда бўларди. Жумладан, «исёнкор хонанда» Владимир Висоцкий мамлакатнинг бошқа қойларидагига нисбатан Ўзбекистонда ўзини эркин ҳис қиларди. Мисол тариқасида унинг 1973 йил сентябрда Ўзбекистонга келганини келтириб ўтаман.

Бу «Таганка» театрининг биринчи марта қуёшли Ўзбекистонга келиши эди. Шуҳрати қарийб олти йилдан буён бутун мамлакатни титратаётган Висоцкий бир қатор спектаклларда роль ижро этиш билан бирга, Тошкент, Навоий, Чирчиқ шаҳарларида концерт беради. Қолаверса, у ўз қамқасблари каби меҳмонхонада эмас, таниқли кинорежиссёр Георгий Юнгвальд-Хилькевичнинг хонадонида яшашни лозим топади. Улар 1970 йилда «Хатарли ижодий сафарлар» фильмини суратга олишда иштирок этиб, дўстлашиб қолишганди (қайд этиш керакки, режиссёр бобоси Эмиль-Ольгерт Юнгвальд-Хилькевич ўзбек опера санъатига асос солган, Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги опера театрининг бадиий раҳбари бўлган, мазкур театрга унинг отаси Георгий ҳам бадиий раҳбарлик қилган).

Г.Юнгвальд-Хилькевич хотирлайди:

«Висоцкий кўп тарвуз, қовун, узумларни меҳмонхона ваннасига солиб, сув билан тўлдириб қўярди. Меҳмонхонага бориб, сувни алмаштиради, бу антиқа манзарага тикилиб: «Шундай тураверсин», дерди. Кейин бизникига йўл олардик. Тошкентда ёш боладай яйраб кетарди: «Бу мамлакатда мана шундай жаннатнинг бир бўлаги сақланиб қолганига сира ишонгим келмайди!» – дерди. Висоцкий жуда синчков эди. Бир куни уйга келсам деразадан кўчага тикилиб турибди. «Бўлди» деган сўз нима маънони билдиради, деб мендан сўради.

Маълум бўлишича, ўша куни ҳовлида қатта қозонда ош пиширишибди. «Ҳамма қозоннинг атрофида қуймаланиб юрибди, – ҳикоя қилганди Володья. – Ниҳоят, бир қўполроқ ўзбек келиб, «бўлди» деди. Барчаси қозонни олиб қаёққадир кетишди. Англай олмай бошим гаранг».

Мен «бўлди» ўзбекча сўз бўлиб, «ош пишди», «тайёр бўлди» деган маънода айтилган, дедим. Буни у эслаб қолди. Ўзбекча ҳангомаларимни ёқтирарди, қайта-қайта айтсам ҳам зерикмасди. Кейин эса дўстларига ўзи айтиб берарди...»

Висоцкий Тошкентда бўлиб турганида турли жойларда, жумладан, Я.Свердлов номидаги залда ҳам концерт беради. Бундан ташқари, шаҳардаги хонадонлардан бирида ҳам ўзига хос концерт намойиш қилади. Мазкур концертни бевосита Лилия Николенко шундай эслайди:

«Ҳозирги Тошкент биржаси жойлашган Свердлов концерт залини, қадимий кўркам иморатни эски тошкентликлар яхши эслайди. Концерт залига иккита оилага мўлжалланган бир қаватли иморат туташган, ундан кейин эса ҳаммом жойлашганди. Концерт зали биноси билан ҳаммом ўртасидаги ана шу уйда Володя Калюгин амаки хотини ва қизи билан яшарди. Володя амаки концерт залида ишлайдиганларнинг барчасини яхши танирди. Шу боис унинг ёрдамида бу ерда бўладиган барча концертларга қизим билан бирга бемалол кирардик. Биз кейинчалик шундай имкониятга эга бўлганмиз. Висоцкий Тошкентга келганда эса жуда ёш бўлганмиз.

Володя амаки концерт залининг кўшнисини бўлгани боис концертни томоша қилади. Концертдан кейин Висоцкийнинг олдига, пардоз хонасига кириб, уйига тушликка таклиф қилади. Анча толиққани боис бироз кўнгилхушликни ўйлаб Висоцкий дарров рози бўлади. Володя амакининг тор меҳмонхонаси танишу нотаниш кишиларга тўлиб тирбанд бўлиб кетади. Дераза олдидаги кўчада янада кўпроқ томошабинлар тўпланади. Бу кўчанинг нариги томонида шаҳар ҳокимияти биноси жойлашганди. Висоцкий тамадди қилишга ҳам қўли тегмайди. Мухлисларининг тикилиб турганини кўрган хонанда ҳеч қандай кибрга берилмасдан бир неча соат текин кўшиқ куйлайди ва яна концертни давом эттиради. Володя амаки барча кўшиқларни магнитофонга ёзиб олади.

Висоцкий концерти ёзилган оддий магнитофон тасмаси бизнинг уйда ҳам бор – уни Қарши яқинидаги дашт шаҳарчаларидан бирида геологлар олдида Висоцкий концерт берганда отам ўз дўстлари билан ёзиб олган. Ота-онам бу кассетани тинглашга рухсат бермасди, чунки унда бепарда сўзлар ҳам бор эди. Мен қулай фурсат топиб, албатта, кўшиқларни эшитардим. Володя Калюгиннинг уйида бўлган концертдан кейин барча Висоцкийни меҳмонхонагача кузатишга отланади. Володя амаки уйга қайтиб келса, дераза панжараси кўчада ётганини кўради. Кимдир панжарани бузиб, деразадан ўғринча уйга кирган ва Висоцкийнинг концерти ёзилган кассетани ўғирлаб кетганди. Лекин магнитофонга тегмаган, шунинг-

дек: «Амаки, мени кечиринг, бу пуллар Висоцкий учун» деган ёзувли хат билан юз рубль қолдирганди».

«Таганка»дан бироз олдин (1973 йил апрель-май ойида) Ўзбекистонда Москванинг яна бир машхур – Сатира театри ижодий сафарда бўлганди. Актриса Т.Егорова шундай хотирлайди:

«Апрель, майнинг бошлари, қуёш чарақлаб турибди, бозорларда тўкинлик: қулупнайлар уйиб ташланган, кўкатлар, помидорлар, бодринглар – жаннатнинг ўзи! Шарқона хушмуомала меҳмоннавозлик. Меҳмонхоналардан бирида яшадик. Тошкент замини қалбимиздаги меҳрмуҳаббатни тошириб юборди. Спектакллардан кейин шомдан тонг отгунча эшиклар тўхтовсиз очилиб ёпиларди. Бизнинг қаватда навбатчилик қилаётган аёл ўз кўзларига ишонмас, бир-биримизга ошкора муҳаббатимиздан ҳайратга тушарди.

Тошкент раҳбариятининг ҳиммати билан берилган самолётда Самарқандга саёҳатга бориб келдик. Кейин эса меҳмонхонага егулик ва ичимликлар солинган автобус келди. «Сараланганлар» Хитой билан чегарадаги тоққа отландик. Шиддат билан оқаётган тоғ дарёсининг бўйида Магистр эғнидаги куртқасини ечиб, сувга улоқтирди. Шармер (Александр Ширвиндт) ва Корнишон (Михаил Державин) ҳам унга эргашди. Эғнидаги кийимларни ечиб дарёга ота бошлашди. Фақат Андрей ўзини вазмин тутди ва ўзига ярашиб турган кийимларининг бирортасини ҳам ечмади».

Машхур хонанда София Ротару ҳам Тошкентга ижодий сафарларини жуда яхши сўзлар билан хотирлайди. Ҳолбуки, у пайтларда ҳали машхур эмасди. 1972 йилда у бутун мамлакат бўйлаб концертлар беради, жумладан, Ўзбекистон пойтахтида ҳам ижодий сафарда бўлади. Тошкентда бўлганида йигирма уч яшар Олимжон Тўхтаохунов унга ҳамроҳлик қилади. О.Тўхтаохунов «Пахтакор» футболчиси сифатида ном қозонганди. Унинг саъй-ҳаркатлари билан «Тошкент» меҳмонхонасида С.Ротару шарафига шоҳона зиёфат уюштирилади. С.Ротару, унинг эри А.Евдокименко ва ансамбль мусиқачилардан ўзга ҳеч ким залга киритилмайди. Бу зиёфат Ротаруга жуда маъқул бўлганидан Тўхтаохунов билан яқин дўст бўлиб қолади.

Ўзбекистон ҳудуди ўша йилларда турли мамлакатлар кино усталарининг эътиборини тортган, улар бу ерда турли даврларга оид, турли жанр-

Висоцкий Тошкентда бўлиб турганида турли жойларда, жумладан, Я.Свердлов номидаги залда ҳам концерт беради. Бундан ташқари, шаҳардаги хонадонлардан бирида ҳам ўзига хос концерт намоёиш қилади. Маскур концертни бевосита Лилия Николенко шундай эслайди:

«Ҳозирги Тошкент биржаси жойлашган Свердлов концерт залини, қадимий кўркам иморатни эски тошкентликлар яхши эслайди. Концерт залига иккита оилага мўлжалланган бир қаватли иморат туташган, ундан кейин эса ҳаммом жойлашганди. Концерт зали билан ҳаммом ўртасидаги ана шу уйда Володя Калюгин амаки хотини ва қизи билан яшарди. Володя амаки концерт залида ишлайдиганларнинг барчасини яхши танирди. Шу боис унинг ёрдамида бу ерда бўладиган барча концертларга қизим билан бирга бемалол кирардик. Биз кейинчалик шундай имкониятга эга бўлганмиз. Висоцкий Тошкентга келганда эса жуда ёш бўлганмиз.

Володя амаки концерт залининг қўшниси бўлгани боис концертни томоша қилади. Концертдан кейин Висоцкийнинг олдига, пардоз хонасига кириб, уйига тушликка таклиф қилади. Анча толиққани боис бироз кўнгилхушликни ўйлаб Висоцкий дарров рози бўлади. Володя амакининг тор меҳмонхонаси танишу нотаниш кишиларга тўлиб тирбанд бўлиб кетади. Дераза олдидаги кўчада янада кўпроқ томошабинлар тўпланади. Бу кўчанинг нариги томонида шаҳар ҳокимияти биноси жойлашганди. Висоцкий тамадди қилишга ҳам қўли тегмайди. Мухлисларининг тикилиб турганини кўрган хонанда ҳеч қандай кибрга берилмасдан бир неча соат текин кўшиқ куйлайди ва яна концертни давом эттиради. Володя амаки барча кўшиқларни магнитофонга ёзиб олади.

Висоцкий концерти ёзилган оддий магнитофон тасмаси бизнинг уйда ҳам бор – уни Қарши яқинидаги дашт шаҳарчаларидан бирида геологлар олдида Висоцкий концерт берганда отам ўз дўстлари билан ёзиб олган. Ота-онам бу кассетани тинглашга рухсат бермасди, чунки унда бепарда сўзлар ҳам бор эди. Мен қулай фурсат топиб, албатта, кўшиқларни эшитардим. Володя Калюгиннинг уйида бўлган концертдан кейин барча Висоцкийни меҳмонхонагача кузатишга отланади. Володя амаки уйга қайтиб келса, дераза панжараси кўчада ётганини кўради. Кимдир панжарани бузиб, деразадан ўғринча уйга кирган ва Висоцкийнинг концерти ёзилган кассетани ўғирлаб кетганди. Лекин магнитофонга тегмаган, шунинг-

дек: «Амаки, мени кечиринг, бу пуллар Висоцкий учун» деган ёзувли хат билан юз рубль қолдирганди».

«Таганка»дан бироз олдин (1973 йил апрель-май ойида) Ўзбекистонда Москванинг яна бир машхур – Сатира театри ижодий сафарда бўлганди. Актриса Т.Егорова шундай хотирлайди:

«Апрель, майнинг бошлари, куёш чарақлаб турибди, бозорларда тўкинлик: кулупнайлар уйиб ташланган, кўкатлар, помидорлар, бодринглар – жаннатнинг ўзи! Шарқона хушмуомала меҳмоннавозлик. Меҳмонхоналардан бирида яшадик. Тошкент замини қалбимиздаги меҳрмуҳаббатни тошириб юборди. Спектакллардан кейин шомдан тонг отгунча эшиклар тўхтовсиз очилиб ёпиларди. Бизнинг қаватда навбатчилик қилаётган аёл ўз кўзларига ишонмас, бир-биримизга ошқора муҳаббатимиздан ҳайратга тушарди.

Тошкент раҳбариятининг ҳиммати билан берилган самолётда Самарқандга саёҳатга бориб келдик. Кейин эса меҳмонхонага егулик ва ичимликлар солинган автобус келди. «Сараланганлар» Хитой билан чегарадаги тоққа отландик. Шиддат билан оқаётган тоғ дарёсининг бўйида Магистр эғнидаги куртқасини ечиб, сувга улоқтирди. Шармер (Александр Ширвиндт) ва Корнишон (Михаил Державин) ҳам унга эргашиди. Эғнидаги кийимларни ечиб дарёга ота бошлашди. Фақат Андрей ўзини вазмин тутди ва ўзига ярашиб турган кийимларининг бирортасини ҳам ечмади».

Машхур хонанда Софья Ротару ҳам Тошкентга ижодий сафарларини жуда яхши сўзлар билан хотирлайди. Ҳолбуки, у пайтларда ҳали машхур эмасди. 1972 йилда у бутун мамлакат бўйлаб концертлар беради, жумладан, Ўзбекистон пойтахтида ҳам ижодий сафарда бўлади. Тошкентда бўлганида йигирма уч яшар Олимжон Тўхтаоҳунов унга ҳамроҳлик қилади. О.Тўхтаоҳунов «Пахтакор» футболчиси сифатида ном қозонганди. Унинг саъй-ҳаркати билан «Тошкент» меҳмонхонасида С.Ротару шарафига шоҳона зиёфат уюштирилади. С.Ротару, унинг эри А.Евдокименко ва ансамбль мусиқачилардан ўзга ҳеч ким залга киритилмайди. Бу зиёфат Ротаруга жуда маъқул бўлганидан Тўхтаоҳунов билан яқин дўст бўлиб қолади.

Ўзбекистон ҳудуди ўша йилларда турли мамлакатлар кино усталарининг эътиборини тортган, улар бу ерда турли даврларга оид, турли жанр-

лардаги фильмларни суратга олишарди. 1972–1973 йилларда Ўзбекистон даштлари Шимолий Америка ҳиндуларининг Америка мустамлакачиларига қарши кураши тўғрисидаги Германия Демократик Республикаси фильмлари суратга олинган майдонга айланади. Бу фильмлар Иттифоқда (жумладан, Ўзбекистоннинг ўзида ҳам) жуда машҳур бўлган, фильмлардаги бош ролни югославиялик актёр Гойко Митич ижро этади. Режиссёр Готтфрид Кольдицнинг «Апачи» фильмида суратга тушиш учун Г.Митич 1972 йил сентябрь ойининг биринчи ярмида Ўзбекистонга келади.

Фильм Самарқанддан 25 километр узоқда жойлашган А.Навоий номидаги хўжалик худудида суратга олинади. Фильм устидаги ишлар ёздаёқ бошлаб юборилган ва аксарият лавҳалар Югославияда суратга олинганди. Бир гуруҳ кино усталари апачиларнинг қароргоҳи, дашт бўйлаб арваларнинг ўтиши, босқинчилар ортидан қувиш каби бир неча лавҳаларни суратга олиш учун Ўзбекистонга атиги ўн кунга келишганди. Бироқ 14 сентябрда қутилмаган кўнгилсизлик содир бўлади, бу киночилар гуруҳини зарур нарсалар билан таъминловчи совет томонининг норозилигига сабаб бўлади.

Немислар ўша куни каскадёрнинг отдан қулаши лавҳасини суратга олишлари керак эди. Бу хатарли лавҳани суратга олишдан аввал Германия томони совет томонини огоҳлантириши зарур бўлган, чунки каскадёр минган от эпизодларда бўлганидек хўжаликка тегишли эмас, балки махсус от заводидан келтирилган нархи қиммат зотдор йўрға эди. Отга шикаст етса, совет томони от заводига катта миқдорда жарима тўлашига тўғри келган. Яхшиям ҳаммаси талафотсиз ўтади, лекин шунга қарамай, совет томони норозилик билдиради. Немислар ҳам норозилик билдиришда қарздор бўлиб қолмайди: гоҳида биз талаб қилган вертолёт берилмади дейишса, гоҳ Москвадан жўнатилган юклар ўз вақтида етиб келиши таъминланмаганидан шикоят қилишади. Советлар немисларни, ҳатто, ўғирлик қилганликда айблайди. Энг яхши «Самарқанд» меҳмонхонасига жойлашган немислар Швециядан хорижий валюта ҳисобига сотиб олинган умумий қиймати 160 сўмдан иборат қахва қошиқчалари, кулдон ва стаканларни ўмарганга чиқарилади ва ўғирланган барча нарсаларни дарҳол қайтаришни талаб қилишади, бироқ улар фақат иккита қимматбаҳо қошиқни қайтаради, холос. Бошқа нарсалар кумга синган сувдай ғойиб бўлади. Ажабланарли-



си шундаки, бу келишмовчиликлар муносабатларга путур етказмайди ва келаси йили ёзда германиялик ўша киночилар гуруҳи «Апачи» фильмининг давоми – «Ульзана» фильми учун қатор лавҳаларни суратга олиш мақсадида яна Самарқандга ташриф буюради. Дарвоқе, бу иккала фильм ҳам Ўзбекистонда: биринчиси 1975 йил сентябрда, иккинчиси кейинги йили ноябрда катта қизиқиш билан томоша қилинади.

## 27-боб

### НОМЕНКЛАТУРА УЧУН СУПУРГИ

Иттифоқда 70-йиллар бошида ички ва ташқи сиёсат кўнгилдагидек кечиб, бу совет раҳбарларига ишонч бахш этган, натижада улар келажакка умид билан назар ташлаган. 60-йиллар иккинчи ярмида совет иқтисодиётида тарихда биринчи марта энг катта натижалар қўлга киритилгандан кейин раҳбарлар бизни келгусида фақат юксалиш кутаётир, деган хомхажалга берилди. Ҳатто 1972 йилдаги иқтисодий пасайиш ҳам бу ишончга раҳна сола олмади. Дарвоқе, бу ишонч кейинги йили ўз тасдиғини топди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин 1973 йил совет иқтисодиётида энг яхши йил бўлди. Ички иқтисодий ютуқлар билан бирга ташқи ишларда ҳам иқтисодий ва сиёсий зафарлар кўшилди. Биринчидан, америкаликлар Вьетнамда мағлуб бўлди, иккинчидан, нефтнинг нархи (октябрдан) анча ошди, 1973 йилда Араб-Исроил урушида Исроилни империалистик давлатлар қўллаб-қувватлашига қарши норозилик сифатида ОПЕК мамлакатларининг ўзаро келишуви натижасида нефть нархи ошганди. Буларнинг барчаси Иттифоқ давлат ғазнасида жуда катта даромад тушишидан далолат берарди. Орадан кўп ўтмасдан хазинага катта миқдорда даромад туша бошлади, бироқ бунинг оқибати Кремль учун қайғули бўлди, Москва Ғарбнинг хуфёна тузоғига тушиб қолади.

Бунга чап берса бўлармиди? Чап бериб бўлмасди, чунки совет раҳбарияти жаҳонга ҳукмронлик қилиш борасида ўзига ортиқча баҳо бериб юборганди. Бунинг устига, Ғарб империалистларига хос маккорлик ва бешафқат чапдастлик Кремль раҳбарларига анчадан буён етишмай келётганди, ҳолбуки, империалистлар ушлаганини узадиган уддабурон

тоифадан эди. Шунга қарамай Иттифоқ қўлини ўз ихтиёри билан унга тутқазади, бу қандай кўнгилсиз оқибатга олиб келгани эса яхши маълум.

Совет «кизил буржуазияси» анчадан буён ўзини Ғарб билан маънан яқин ҳисоблаб, «халқаро кескинликни юмшатиш» ёки конвергенция (ўзаро яқинлашувни) хатардан холи деган хулосага келади. Бу Ғарбга ён бериш эмас, балки «совуқ уруш» муносабатларига нисбатан осойишта тус бериш тарзида талқин қилингани боис, аксарият оддий фуқаролар буни фақат ижобий қабул қилади. Бироқ совет буржуазиясининг муайян қисми яқин ўртада ғарбдаги биродарлари билан иттифоқчига айланиб кетишлари ўша пайтнинг ўзидаёқ кундай равшан бўлиб қолганди. Буни теран англаган Ғарбдаги кучлар «кескинликни юмшатиш»га зўр беради, чунки «совуқ уруш»га нисбатан бу Иттифоқни бутунлай йўқ қилишнинг энг осон йўли экани ойдинлашганди. Иттифоқни капитализмни қайта тиклашда айблаётган айрим Шарқий Европа сиёсатчилари ҳам буни тушуниб етдилар.

1973 йилдаги нефть инкирозидан кейин Иттифоқнинг қандай йўл тутгани ҳам эътиборга молик. Бу ҳам бўлса Иттифоқнинг Ғарбнинг найрангларига ўйнай бошлаганидан далолат эди. Совет давлати мамлакат аҳолисининг кўнглини кўтариш мақсадида Ғарбдан йирик миқдорда қарз олишдан ҳам тап тортмайди.

1973 йил кузда Л.И. Брежнев Ўзбекистонга келади. Бу Бош котибнинг кейинги уч йил мобайнида Ўзбекистонга учинчи ташрифи эди. У 24 сентябрда Тошкентдаги Санъат саройида республика партия-хўжалиги фаоллари йиғилишида катта нутқ сўзлайди.

Бу Брежнев ташрифининг шунчаки расмий кўриниши эди, холос. Аксарият одамларнинг нигоҳидан четда ва ёпиқ эшиклар ортида ўтган кенгашда эса нафақат кенг жамоатчилик, балки кўпчилик ўзбек коммунистлари ҳам билиши керак бўлмаган муаммолар муҳокама қилинганди. Брежнев ўз нутқида «Сизларнинг ва бошқаларнинг партия ташкилотлари коммунистларига Марказий Комитет қатъий ишонади» дея таъкидлар экан, аслида бироз айёрлик қилганди, чунки Марказ «жойлардаги партия ташкилотларига ишониш керак, лекин, албатта, текшириб бориш зарур» деган ақидага амал қиларди. Бинобарин, у бу сафар Ўзбекистонга меҳнаткашларни шунчаки навбатдаги меҳнат ғалабалари сари илҳомлантириш учун эмас, Ш.Рашидовни ўз атрофидаги юқори партия мансабдорларига нисбатан қатъий муносабатда бўлишга даъват қилиш учун ҳам келганди.

Грузияда Шеварднадзе, Озарбайжонда Алиев партия ташкилотларини тартибга келтирган бир пайтда, энг йирик республика партия ташкилотларидан бири ҳисобланган (450 мингдан ортиқ коммунист, Иттифоқда 3-ўринда) Ўзбекистон партия ташкилотига ҳам тегишли ишларни амалга оширишни Москва Ш.Рашидовдан талаб қила бошлади. Аини пайтда, бу борада юқорида айтиб ўтилган Кавказорти республикаларида йўл қўйилган хатоларни такрорламасликни ҳам талаб қиларди. Яъни, юқори мансабдорларга нисбатан кескин чоралар кўриб, уларни қисқартиришга зўр бериб, уларнинг асабига тегмаслик, халқни гўё қаттиққўллик билан иш олиб борилаётганига ишонтириш кераклиги уқтирилганди. Бу ҳам бўлса, партия ташкилотигаги «тозалашлар» илгари қандай бўлса, аини паллада ҳам Москва томонидан тўла назорат қилинган ҳолда амалга оширилиши кераклигини яққол кўрсатарди.

Ўзбекистонда «тозалашлар»га 1974 йил бошидан киришилди. 1959 – 1970 йиллари Ўзбекистон Олий Совети Президиумининг Раиси бўлган, ўша пайтда Иттифоқ Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари – Иттифоқ Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси лавозимида ишлаган Ё.Насриддинова бу тозалашларнинг бош қурбони бўлиши керак эди. Бу мансабдор аёлга ҳужум қилишдан нафақат Рашидов, балки Брежнев ҳам манфаатдор эди. Брежнев аини шу асно кейинги пайтда ҳаддан ошган Иттифоқ Олий Совети Президиумининг Раиси Н.Подгорнийнинг попугини пасайтириб қўйишни режалаштирганди. Бинобарин, Н.Подгорний ўзини ўта эркин тутар, қўл остида ишлайдиган одамларни хафа қилдиртириб қўймайман, деб кекқайишни одат қилганди. Табиийки, бу Брежневга ёқмасди. Биринчидан, у ўзини Н.Подгорнийдан устун деб билар ва мамлакатда иккиҳокимиятликка сира тоқат қила олмасди; иккинчидан, Н.Подгорний яқин келажакда Бош котиблик лавозимига асосий даъвогар бўлиши мумкинлигидан хавотирга тушиб қолганди. Шу боис уни мансабидан олиб ташлаш учун замин ҳозирлашга киришади. 1973 йилда Подгорнийнинг ишонган одамларидан бири Украина раҳбари Пётр Шелестни ишдан олиб, ўрнига Владимир Шчербицкийни тайинлайди. В.Шчербицкий Подгорнийнинг тарафдори эмасди, бунинг устига, уни ёмон кўрарди. Натижада Шчербицкий қисқа вақт ичида Украина раҳбариятидаги Подгорнийга мойил кишиларнинг ҳаммасини илдизини қуритади.

Подгорнийнинг Насриддинова билан муносабатлари яхши бўлиб, 1974 йил ёзда Иттифоқ Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси лавозимида унинг номзодини яна кўрсатишни мўлжаллаганди. Бироқ бундан Рашидов ҳам, Брежнев ҳам манфаатдор эмасди. Оқибатда Москвадан Ўзбекистонга катта комиссия келади. Комиссия таркибида КПСС МК Партия назорати комитети аъзоси Г.Осипов, ПНК масъул текширувчиси С.Вологжанин, КПСС МК партиявий-ташкилий ишлар бўлими йўриқчиси М.Ишқов ҳамда КПСС МК Маъмурий органлар бўлими йўриқчиси Ю.Северин бор эди. Бу шахслар Ўзбекистон партия ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари билан Насриддинованинг илдизига болта уришлари керак эди. Улар бу ишни уддалайди. ПНК комиссиясининг ҳужжатидан:

«Насриддинова билан алоқадор ҳамда унинг ёрдами ва ҳомийлигидан фойдаланган кишилардан иборат жиноий гуруҳга нисбатан кўзғатилган жиноий ишни текшириш жараёнида социалистик мол-мулкни ўта йирик миқдорда талон-торож қилиш, порахўрлик ҳолатлари фош қилинди. Бу жиноят иши бўйича ҳаммаси бўлиб 315 киши, жумладан, 31 нафар совет ва суд тизимининг масъул ходимлари жазоланди. Улар етказган зарар 10 миллион рубль деб баҳоланди».

Бу жиноий ишга тортилганлар орасида Ўзбекистон КП Хива тумани котиби, Самарқанд вилоят ижроия кўмитасининг раиси, Андижон шаҳар кинотеатрлар бирлашмаси директори, «Ўзбекистон тўқимачилик саноати» базасининг бошқарувчиси, Урганч вино заводининг директори каби турли мансаб ва лавозимдаги кишилар бор эди. Жазоланганлар сафида яна ҳам юқори мансабга эга бўлган кишилар – Ўзбекистон Олий Судининг раиси (1967–1974) С.Пўлатхўжаев ва Ўзбекистон Министрлар Советининг собиқ раиси (1961–1971) Раҳмонкул Курбонов ҳам бор эди. Р.Курбонов порахўрликда айбланиб, 8 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Аммо унга Л.Брежневнинг ўзи ёрдам қилди ва суд ҳукмидан олти ой ўтиб Р.Курбоновни муддатидан аввал озод қилиш тўғрисидаги фармонни имзолади ва кейинчалик у партия сафига ҳам тикланди.

Айни пайтда Ўзбекистонда юқори раҳбарлик лавозимларида тозалаш қизғин паллага кирганда республика ДХК раиси лавозимида 1969 йил ноябрдан буён беш йил мобайнида ишлаб келаётган А.Бесчастнов ўрнига янги мансабдор юборилади. А.Бесчастнов эса Москвада 7-бошқарма

бошлиғи этиб тайинланади, кейинчалик ДХК хузуридаги машхур «Альфа» махсус гуруҳини ташкил қилади. Ўзбекистон ДХКнинг янги раиси этиб Андроповнинг яқин одами, уруш қатнашчиси Эдуард Нордман тайинланади. Афтидан, Нордманнинг вазифаси Ўзбекистон раҳбариятини нафақат назорат қилиш, балки Ш.Рашидовга муҳолиф кучлар билан курашда кенг имкониятлар бермасликдан ҳам иборат бўлган, шунингдек, бунинг натижасида Рашидовнинг мавқеини яна ҳам кучайиб кетар ва Москванинг манфаатларига путур етказган бўларди.

Нордманнинг Ўзбекистонга келиши тантанали воқеа билан бир пайтга тўғри келади: Москва Ш.Рашидовни «Социалистик Меҳнат Қахрамони» унвони билан, республикани «Октябрь инқилоби» ордени билан тақдирлайди. Бу республика байроғига қадалган тўртинчи орден бўлди: Ўзбекистон 1939 ва 1956 йилларда Ленин, 1972 йилда «Халқлар дўстлиги» ордени билан тақдирланган. Навбатдаги орден Ўзбекистоннинг 50 йиллиги муносабати билан берилган, мамлакатнинг бош мафкурачиси М.Суслов Тошкентда, 1974 йил 22 октябрда мазкур орденни республика байроғига қадаб қўяди.

1975 йил бошида Ўзбекистон КП МК бюроси таркибида навбатдаги ўзгариш рўй берди: А.Хўжаев бюро таркибига киритилди. Республика партия ташкилотининг олий органида жиддий ўзгаришлар қилинмайди, бунинг ҳожати ҳам йўқ эди. Ш.Рашидов бюронинг амалдаги таркиби билан ҳам Ўзбекистондаги вазиятни хотиржам назорат қилиб боради. Уни фақат битта масала – Брежневнинг саломатлиги ташвишга соларди.

Бош котибнинг саломатлиги 1974 йил ноябрда илк марта панд беради, АҚШ президенти Д.Форд билан Владивостокда расман учрашгандан кейин у инсульт бўлади. Шифокорлар уни ўлим чангалидан олиб қолишади, бироқ саломатлиги янада ёмонлаша бошлайди. Натижада уйку дориларга зўр беради, шахсий ҳамшираси Нина К. уни шундай дори билан хамиша таъминлаб туради. Мазкур дориларнинг таъсири билан у гоҳ идроки хиралашса, гоҳида ақли тиниқлашиб кетарди.

Айнан онги тиниқлашган паллалардан бирида у собиқ муҳолифи А.Шелепинни Сиёсий бюро таркибидан чиқариш тадбирини амалга оширади. Бундан ташқари, августда Хельсинкида нафақат Иттифок, балки бутун дунёнинг келгуси тақдирини белгилаб берган тадбир – Европа-

да Хавфсизликка бағишланган кенгашда иштирок этади. У ёқдан қайтиб келгач, идрокида хиралашиш даври бошланади. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 4-бошқармаси бошлиғи Е.Чазов хотираларидан:

«Москвада Брежнев бир кун бўлди, кейин Қримдаги дала ҳовлисига учиб кетди. Яна эски ҳаммом, эски тос бўлди. Яна тинчлантирувчи дори-дармонларга зўр берилди, яна астения, депрессия, ўта жисмоний заифлик... Ҳаммадан яширинча ҳафтасига уч марта эрталаб Қримга учиб кетиб, кечқурун Москвага қайтардим. Брежневни бу ҳолатдан олиб чиқиш билан боғлиқ барча уринишларимиз самарасиз кетди. Вазият тобора ёмонлашиб борарди».

Кремль раҳбарининг саломатлигига оид сирни яширишга қанча зўр бермасин, бу билан боғлиқ миш-мишлар ҳокимиятнинг қуйи бўғинларига тарқаларди. Бу миш-мишлардан Рашидов ҳам хабардор бўлгани шубҳасиз, бинобарин, Сиёсий бюро аъзолигига номзод сифатида, қолаверса, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 4-бошқармаси шифохонасида даволангани учун Ш.Рашидов тез-тез Москвага борарди. У мазкур гаплардан хавотирга ҳам тушарди, чунки Брежневнинг раҳбарлик лавозимидан кетиши Ўзбекистонда муҳолифларга катта йўл очиб бериши ҳеч гап эмасди...

1976 йил 3–5 февраль кунлари Ўзбекистон КПнинг XIX съезди бўлиб, анжуман осойишта ўтади ва республика олий раҳбарияти таркиби ўзгаришсиз қолади. Бироқ МК бўлимларида ўзгаришлар амалга оширилади. Бу ерда 16 киши бўлим мудирлари этиб тайинланади, уларнинг фақат ярми узоқ йиллардан буён ишлаб келаётган кишилар эди. Мазкур кишилардан иккитаси Т.Зинин (Қишлоқ хўжалиги бўлими) ҳамда Д.Хўжаев (Партиявий комиссия раиси) эса 1961 йилдан бўлим мудирлиги вазифасида ишлаб келарди. 1966 йилдан Г.Орлов (Партиявий-ташкилий ишлар), М.Саидов (қурилиш ва шаҳар хўжалиги); 1971 йилдан В.Архангельский (Маъмурий органлар), У.Рустамов (Ахборот ва хорижий алоқалар), К.Таиров (Умумий бўлим), Т.Умаров (Ишлар бошқарувчиси) бўлими мудирлиги лавозимида хизмат қилишарди.

Янгилар орасида 9 киши: М.Искандаров (Тарғибот ва ташвиқот), П.Ҳабибуллаев (Фан ва илмий муассасалар), А.Тўраев (Маданият), В.Сускин (Сув хўжалиги), И.Ҳуснутдинов (Савдо, режа ва молия орган-

лари), В. Ҳамидов (Оғир саноат ва машинасозлик), М.Йўлдошев (Енгил ва озиқ-овқат саноати), С.Расулов (Транспорт ва алоқа) бор эди.

Съезддан сўнг беш ой ўтиб – июль ойида Москва Ўзбекистонга МКнинг янги 2-котибини жўнатади: КПСС Москва шаҳар партия комитетининг 2-котиби бўлиб ишлаб келаётган 48 ёшли Л.Греков мазкур лавозимга тайинланади. Афтидан, бу тайинловда Ш.Рашидовнинг ўзи ҳам бевосита иштирок этган. Бунга қадар В.Ломоносов Москванинг Ўзбекистондаги кўзи ва қулоғи бўлган, Рашидов у билан 13 йилдан ортиқ «бир ёқадан бош чиқариб» хизмат қилган. Лекин кейинги йилларда уларнинг муносабатлари сезиларли кескинлашади. Ўша пайтларда Тошкент бош меъмори бўлиб ишлаган С.Одилов хотираларидан:

«1975 йил январь ойининг охирлари. Тошкентдаги Ленин номидаги майдон қор билан қопланган. Ҳозирги «Номаълум аскар» хайкалининг ўрнида бўлажак Ёдгорликнинг макети жойлашганди. МК бюросининг барча аъзолари шу ерда ҳозир эди. Макетга биринчи бўлиб Ш.Рашидов яқинлашди ва диққат билан кўздан кечирди. Мен барчасини батафсил тунтирдим, ҳамма диққат билан тинглади, саволлар беришди, Ёдгорлик лойиҳаси умуман ёқди, фақат 2-котиб Ломоносов: «Бу майдонда бундай катта Ёдгорликнинг бизга нима кераги бор? Бу Москва бўлмаса, бунинг устига. Тошкент қаҳрамон шаҳар ҳам эмас. Бу масалани жиддий ўйлаб кўриш зарур. Ғалабанинг 30 йиллигини шундоқ ҳам нишонлайверамиз. Биродарлик қабристонига гуллар қўямиз, менимча, шунинг ўзи етарли бўлади».

Шароф Рашидович оғиз очмади. Мени кўлтигимдан олди ва барчани Министрлар Советига боришга таклиф қилди. Майдон бўйлаб кетиб борар эканмиз, менга шундай деди: «Кўп масалаларни теран аңлайсиз, лекин сира тушуна олмайман, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ўзбекистонликларни эслаш, уларнинг хотирасини абадийлаштиришнинг нимаси ёмон? Танқидга зўр берадиганлар мана шу ерда ҳозир бўлганларнинг ҳурматини қилса, асакаси кетадими? Ҳамма Ёдгорлик барпо қилиниши тарафдори, ёлғиз у ким биландир маслаҳатлашмоқчи, ким билан маслаҳатлашмоқчи эканини эса сиз яхши биласиз».

Кейин Шароф Рашидович кўшимча қилди: «Сизнинг ҳамма гапдан хабарингиз йўқ. Баъзида айрим катта муаммоларни ҳал қилиш юзасидан қарор

жуда катта қийинчилик билан қабул қилинади. Биз сиз билан биргаликда бошлаган катта оилалар учун икки қаватли панел иморатлар қуриш ишларини тўхтатишингизни илтимос қиламан. Бизнинг айрим дўстларимиз бу инсонпарварлик саъй-ҳаракатларимизни Марказга шундай етказганки, гўё бизлар миллатчилармиз, ўзбеклар учун ҳовлиси ҳам бор коттежлар барпо қилиб, руслар учун тўққиз қаватли бинолар қураётган эмишмиз. Наҳотки шундай қилаётган бўлсак? Агар руслар ёки бошқа миллат кишиларининг оилалари кўп сонли бўлса, марҳамат, 5–6 хонали уйларда яшайверишсин. Амалда бундай уйларни хусусий уйлари бузилаётган икки-уч оилага бер-япмиз. Бузилаётган уйларнинг қийматини тўламаяпмиз, бу қонунга хилоф. Хуллас, биродар, биз шаҳарда қурилиш ишларини давом эттиришга оид қароримизни сабр-тоқат билан илгари силжитаверишимиз керак».

Биз Министрлар Совети биносига кираверишда хайрлашдик. Тегишли қарор қабул қилинди, «Номаълум аскар» ёдгорлиги бунёд этилди».

Эътиборга молик бир жиҳатни таъкидлаш жоиз: Ломоносов билан Греков тенгдош бўлган ҳамда бир пайтлар Москва шаҳрининг айнан битта туманида хизмат қилишган. Греков номзодини Ломоносовнинг ўзи тавсия қилган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас, унинг ўзи нисбатан камтарона Иттифоқ Министрлар Совети Меҳнат ва ижтимоий масалалар бўйича давлат кўмитасининг раиси лавозимига ўтказилади.

Греков Ўзбекистонга келган дастлабки кундан Ш.Рашидов уни ишга кўмиб ташлайди. Ҳатто шундай қиладики, Тошкент метроси қурилиши масаласида Греков манфаатларини ифодалаш керак бўлган Москвага ҳам қарши чиқади. 1976 йилнинг июль кунларида Тошкент метросининг Чилонзор бекатини безаш ишлари муҳокама қилинади. Москваликлар Тошкент архитекторларини тажрибасизликда айблаб, уларнинг лойиҳасига қарши чиқади. Жумладан, Москва метрополитени директори Тошкент шаҳар Бош архитектори С.Одиловга шундай дейди: «Сиз ўз ҳамкасбларингиз билан ер ости саройини лойиҳасини чизибсиз. Транспорт воситасининг бекати билан саройни фарқлаб олишингиз керак».

С.Одилов метро бекати қандай бўлиши кераклигини тушунтиришга уринганда, меҳмон унинг оғзига гап билан уради: «Вестюблларга мрамор ва гранит ётқизишнинг ҳожати йўқ, уларни асфальт билан алмаштириш



Бирок, йўловчи метрога тушади-ю, тезда чиқиб кетади. Бекатда бадий безаклар, муайян мавзуларга бағишлашган гўзал лавҳалар ва бошқа нақшу ёлгорларнинг ҳам кераги йўқ». Бу фикр Тошкент метросини жуда ҳам гўзал қилиш учун ортиқча сарф-харажат сарфланишини Марказ сира ҳам хохламаслигини яққол кўрсатиб турарди: гўё Тошкент метроси бекат-трига оддий асфальт ётқизилса ҳам бўлаверади. Рашидов эса Тошкент метроси ҳам камида Москва метроси каби бўлишини орзу қиларди, бироқ бундай муносабат унга ёқмайди. У оқилона йўл тутарди: мазкур масала юзасидан Грековга сўз беради. Греков 2-котиб лавозимида иш бошлаганига атиги икки кун бўлганди. Ш.Рашидов ва муҳокамада қатнашган Ўзбекистон КП МК бюросининг барча аъзолари ундан қандай фикр кутаётганини яхши билган Греков қисқа, бироқ лўнда гап айтади: «Мен сизларни ва барча архитекторларни метро бекатларининг ажойиб лойиҳалари билан табриклайман». Шу билан баҳсга нукта қўйилади.

## 28-боб

### ШАРҚ ЮЛДУЗИ

Шу билан бирга, Ўзбекистонда иқтисодий ва маданий ривожланиш жадал давом этарди. Йирик давлат корхоналари ишга тушди, жамоа меҳнат самарадорлиги ўсди, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун давлат ва жамоа хўжаликларга сарфлаган маблағлар 2 миллиард рублни, жамоат истеъмол жамғармаларидан аҳолига амалга оширилган тўлов ва имтиёзлар аввалги йилга нисбатан 6,5 % га ўсиб, 3,8 миллиард рублни ташкил қилди. Шу йили умумий майдони 5130 квадрат метрни ташкил қилувчи 90,7 минг шинам хонадонлар ва яқка тартибдаги тураржойлар қурилди, бунинг натижасида 576 минг киши яшаш шароитларини яхшилаб олдилар. Шу йили республикада ўртача ойлик иш ҳақи 140 рублни, жамоат истеъмол жамғармаларидан тўлов ва имтиёзлар билан ҳисоблаганда 192,8 рублни, 1974 йилда бу кўрсаткич 184,2 рублни ташкил этган эди.

Тошкент шаҳрида катта ижобий ўзгаришлар юз берди. 1976 йилнинг апрелида шаҳарнинг марказий қисми, яъни эски шаҳарни тўлиқ вайрон қилган Тошкент zilзиласи юз берганига 10 йил тўлганди. Zilзиладан кейинги йилларда Ўзбекистон ҳукумати шаҳарнинг марказий қисмини ян-

гидан қайта тиклаш учун қўлидан келган барча ишларни амалга оширди, натижада Тошкент шаҳри меъморий жихатдан тамомила ўзгача кифа касб этди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, табиий офат юз бергунгача бўлган вақтда Тошкентда йилига 300 – 400 минг квадрат метр тураржой муомалага киритилган бўлиб, Тошкент шаҳрининг умумий тураржой майдони 7935 квадрат метрни ташкил этган бўлса, зилзиладан кейин бу кўрсаткич куйидагича кўринишга эга бўлди: фақат дастлабки уч-уч ярим йил мобайнида 3200 квадрат метр тураржойлар қурилди, шулар ичида 1180 таси биродар республикалар ва ҳарбий қурувчиларнинг қўллари билан тикланди.

1971 йилга келиб Тошкентда 5633 квадрат метр тураржой қурилган бўлиб, деярли шаҳар янгидан тикланганди. Мана шунинг учун ҳам зилзилагача бўлган Тошкент шаҳрини эслайдиган одамлар ҳайратининг чегараси йўқ эди. Бу шаҳарни биринчи бор кўраётганлар ҳам ҳайратга тушарди. 1977 йилнинг мартада ижодий сафар билан биринчи маротаба Тошкентга келган совет эстрадасининг ёрқин юлдузи Алла Пугачёва ҳам Тошкент чиройига мафтун бўлади. У аэропортдан меҳмонхонага кетар экан, Тошкент шаҳрининг тароватидан ҳайратланиб, «Ниҳоятда гўзал шаҳар!» дея такрорлайди. Ўша даврда мамлакатда радио ва телевизорларда янграётган энг машҳур кўшиқлардан бири Р.Бобожон ва Л.Ошаниннинг шеърига басталанган Давид Тухмановнинг «Шарқ юлдузи» («Тошкент ҳақида кўшиқ») кўшиғи бўлганлиги ҳам бежиз эмас.

*...Нурафшондир кеча-кундузи,  
Бахту иқбол, умиднинг наҳри.  
Яшна Тошкент, эй Шарқ юлдузи,  
Дўстлик, меҳру муҳаббат шаҳри!*

Тошкентнинг ўз метрополитени ҳам барпо этилди ва 1977 йилнинг ноябрь ойида ишга тушди. Бу транспорт йўлининг қурилишини кўркмасдан «Ҳайратомуз ҳодиса» деб таърифлаш мумкин, чунки Тошкент худудининг сейсмологик хусусиятлари нуқтаи назаридан бу ерда метро қурилишига камдан-кам одам ишонарди. Ўша даврда Иттифокнинг Москва (1935 йилдан), Ленинград (1955 йилдан), Киев (1960 йилдан), Тбилиси (1966 йилдан), Боку (1967 йилдан), Харьков (1972 йилдан) каби кўплаб шаҳарлари ўз метрополитен тармоғига эга эди. Табиийки, Ш.Рашидов ўз пойтахтида

**Бундай** транспорт турининг бўлишини орзу қилар ва бунга у ҳақли ҳам эди. Бянобарин, Тошкент шаҳрининг аҳолиси (1,5 млн) Тбилиси аҳолисидан 500 000 нафарга, Харьков ва Боку аҳолисидан деярли 300 000 нафарга кўп эди. Лекин худуднинг хавфли сейсмологик ҳолатини рўқач қилиб, Москва бу муаммо ҳал қилишни пайсалга солиб келарди. Охир-оқибат, 1971 йилнинг августида қурилишда Республиканинг ўзи ҳам ҳиссадор бўлиб қатнашиши тўғрисидаги шартни Рашидов қабул қилгандан кейин Тошкентда метрополитен қурилишини бошлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Қурилишни кейинги йилнинг январь ойида Москва ва Тошкент қурувчилари бошлаб юборишди. Журналист В.Дьяков куйидагиларни ёзади:

«Тошкент намланганда зичлашиш хусусиятига эга бўлган жуда беқарор заминда жойлашгани боис метро қурилишида ер жинслари сунъий жипс-лаштирилиб, конструкциялар сейсмик камарлар ёрдамида мустаҳкамланди. Метро жуда мураккаб шароитларда қурилди. Темир-бетонларни силжитадиган ўпқонлар, ер ости селлари ҳам қурувчиларни тўхтата олмади. Улар фаол сейсмик худудлар ва қийин геология-муҳандислик шароитларда метросозликнинг янги технологияларини ўзлаштириб, қурилиш жадвалидан олдинда бордилар. Ишониш мушкул, Тошкент метрополитенининг бошланғич қисми қурувчилар томонидан режада кўрсатилган муддатдан бир йил олдин топширилди. Бу ўзига хос иншоотни бунёд этишда бекиёс бир натижа эди. Бу маълум сана шарафига шошма-шошарлик билан фойдаланишга топширилиб, кейин қайта таъмирлаш учун анча вақт ёпиб қўйиладиган иншоотлардан бўлмади. Тошкент метрополитени ишга тушгандан кейин ўз фаолиятини, ҳатто бир соат ҳам тўхтатган эмас».

Тошкентда метро қурилишини Ш.Рашидов шахсан узлуксиз кузатиб борди ва назорат қилди. Жумладан, 1971 йилнинг 19 ноябрида у метронинг бўлғуси «Чилонзор» бекатидан дастлабки ер қазиш ишида ҳозир бўлди. Хусусан, таниқли меъмор С.Одилов шундай хотирлайди:

Собир Раҳимов ва «Чилонзор» бекатлари ўртасида тоннель ўтказишда Калинин туманини сув билан таъминлайдиган Анҳорни кесиш ўтиш зарур эди. Лойиҳа бўйича бўлғуси қатта трасса бўйлаб улкан диаметрли темир-бетон коллектор ётқизилган, эски сув ўзани кўмиб ташланиб, айланма канални қазиш билан боғлиқ сўнгги ишлар жадаллик билан

олиб борилмоқда эди. Шунда кимдир Калинин тумани аҳолисига метро курувчилари туманни сувдан маҳрум этмоқчилиги тўғрисида ёлғон маълумотни етказди. Мазкур хабар тарқалиши билан тез орада ёшу қари барча одамлар – аёллар болаларини кўтариб, эркаклар қўлларида кетмон билан қурилиш ҳудудига келиб, курувчилар йўлига девор бўлиб туриб олишди. Аёллар ва болалар экскаваторларни қуршаб, ишлашига имкон бермасди. Эркаклар айланма канал учун қазилган ўзани кетмон билан кўмишни бошлашди.

Воқеа жойига Чилонзор тумани ижроқўми вакиллари чақиртирилади, лекин улар оломон билан тил топа олмайди, кейин шаҳар ижроқўм вакилларини чақиртиришади, улар ҳам ижобий натижага эришолмайди. Иложсиз қолган масъуллар шахсан Ш. Рашидовга мурожаат қилишга мажбур бўлади. Бундан хабар топган Ш. Рашидов дарҳол воқеа жойига етиб келиб, аҳолига нотўғри маълумот берилганлигини ҳамда Калинин туманига сув, албатта, боришини айтади. Халқ тинчланади ва шундан кейин курувчиларга ўзандан тупрокни олишга кўмаклаша бошлайдилар. Куннинг охирида сув айланма ўзан орқали Калинин туманига етиб боради.

Эътиборлиси, Тошкент метрополитени 1977 йилнинг 6 ноябрида очилиши бежиз эмас, чунки Рашидов мазкур масалани Москвадан қатъий талаб қилмаганда, метро каби жуда жиддий ва серхаражат иншоотнинг Тошкентда барпо этилиши даргумон эди. Бинобарин, метронинг ишга туширилиши нафақат ўзбек халқи, балки республика раҳбарига ўзига хос совға бўлди. Айнан шу воқеадан кейин Ш. Рашидовни Ўзбекистонда «отахон» дея эъзозлай бошладилар.

Метронинг узунлиги 12,2 км ни ташкил қилган «Чилонзор» йўналиши биринчи бўлиб очилди, мазкур йўналиш шаҳар ғарбидаги Собир Раҳимов бекатини шимоли-шарқдаги «Октябрь инқилоби» бекати билан туташтирган.

Тошкент метроси Ўрта Осиёда қурилган биринчи метрополитен, у ҳақли равишда «Шарқ юлдузи» деб номланган шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари қаторига киритилди. Мазкур ер ости саройига тушган хорижий меҳмонлар у ердаги гўзаллик, саришталик ва осудалиқдан чинакамига ҳайратланар эдилар. Ҳатто шу даврда ҳам Тошкент метроси бекатларининг кўпчилигида маҳаллий гранит, мрамар, туф, рангли пемза, ўзбекона

миллий ранглардан иборат мозаика комбинациялардан фойдаланилган миллий бадий услубнинг устуворлиги кўзга ташланарди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон меҳмонлари эътиборини нафақат метро, балки бошқа жуда кўплаб диққатга сазовор жойлар ўзига тортар ва ҳайратлантирарди. Айтилаётган гаплар куруқ бўлмаслиги учун таникли хорижий инсонларнинг Тошкент ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини келтириб ўтаман.

Т.Карретони (Италия ва Европа парламентлари депутати, Европа ва Ўрта Ер денгизида хавфсизлик ва ҳамкорлик Италия форумининг президенти): «Менга Тошкент жуда ёқди – ўзига хос манзара ва қиёфага эга шаҳар. Мен дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлганман ва айтишим лозимки, Ўзбекистон пойтахти миллий ўзига хослиги билан бошқа шаҳарлардан сезиларли ажралиб туради».

Х.Эстрада (мексикалик режиссёр): «Тошкент биринчи дақиқаларданок соя-салқин боғлари, яшил майдонлари ва тураржой даҳаларининг чиройи билан мени ўзига ром қилди. Бу келажакка интилаётган, гуллаб-яшнган, бахтиёр шаҳар жонажон китъамдаги мен кўрган кўплаб шаҳарлардан алоҳида фазилатлари билан ажралиб туради. Ҳолбуки, китъамиздаги қатор шаҳарларда сурбетларча дабдабаю ҳашамат ёнгинасида даҳшатли қашшоқликка дуч келиб, кайфиятингиз бузилади».

И.Коломбо (италиялик меъмор, профессор): «Менда Тошкент марказининг меъморий кўриниши жуда катта таассурот қолдирди. Бу эса миллий меъморий анъаналарга эга қадимий шаҳарларни қуриш ва қайта тиклаш соҳасида фаолият олиб бораётган хорижий мутахассисларда катта қизиқиш уйғотади. Тошкентда уй-жой қуришда йирик панеллардан фойдаланиш борасида катта силжишга эришилган. Бу эътиборга сазовор тажрибадир».

С.Айж (Тунис шаҳри ҳокими): «Биз Тошкент ҳақида кўп нарсаларни билар эдик, лекин бу шаҳарга келиб кўрганларимиз Тошкент ва унинг аҳолиси тўғрисида фикрларимизни ўзгартириб юборди. Аввало, шаҳар ўзининг чиройи, шарқона ва замонавий меъморчилик анъаналарининг уйғунлашгани, такрорланмас кўриниши билан инсонни ҳайратга солади. Тошкентда тураржойлар кўплаб қурилаётганига гувоҳ бўлдим, шу билан бирга, тураржой бинолари шинамлиги, бетакрор безаклари билан ажралиб туради».

А.Руссе (франциялик журналист): «Тошкент эътиборга лойиқ, замонавий шаҳардир. Унда худди Самарқанд каби кўплаб тарихий обидалар сақланиб қолган. Шундай бўлса-да, Ўзбекистон пойтахти Франция, Италия, Испаниянинг замонавий шаҳарларидан қолишмайди. Менда нафақат маъмурий бинолар, балки тураржой биноларининг меъморий безатилиши катта таассурот қолдирди. Тошкентни дунёнинг энг чиройли шаҳарларидан бири деган бўлар эдим».

Р.Бун (АҚШ, Балтимор, «Афроамерика» газетаси бош муҳаррири ўринбосари): «Мен ҳамини Тошкентда бўлишни орзу қилардим, чунки инсонлар ирқий камситиш нима эканлигини билмай яшайдиган шаҳарни кўргим келарди. Ўзбекистон пойтахтида сайр қилиш менга катта қувонч бағишлайди. Ёрқин табиат, яшилликнинг мўллиги, чиройли иморатлар ва яхши режа асосида қурилган бино ва иншоотлар – айнан мана шулар уни бошқа шаҳарлардан ажратиб туради. 1966 йилдаги zilзиладан кейинги Тошкент тақрорланмас таассуротлар қолдирди».

Тошкент ўз меъморчилиги билан замонавий Ўзбекистоннинг чиройи ва буюклигини акс эттирса, Самарқанд, Бухоро ва Хива каби ёши бир неча минг йилларни ташкил қилувчи бошқа шаҳарлар тарихий обидалари билан тасаввурларини янада бойитарди. Шу муносабат билан 70-йилларда Ўзбекистонда бўлиб, чиройи ва диққатга сазовор жойлари гўзаллигининг мафтунни бўлган инсонларнинг айрим фикрларини келтириб ўтаман. Жумладан, жанубий африкалик таниқли ёзувчи Алекс Ла Гума қуйидагича ёзади:

«Мен мамлакатингизнинг самимий дўстиман. Сиз ўз ибратингиз билан бошқа мамлакат халқларига порлоқ келажакка умид уйғотмоқдасиз. Африка қитъасидагилар мамлакатингиз тўғрисида ҳақиқатни ва сизларнинг ютуқларингизни билишни хоҳлайдилар. Мен Иттифоқ ҳақида китоб ёзмоқдаман ва, албатта, унинг йирик бобларидан бири айнан Ўзбекистонга бағишланади. Менинг кўрганларим афсона каби таассурот қолдирди. Асосан, Ўзбекистоннинг замонавий ютуқлари ҳайратланарлидир».

Яна бир эътироф гамбиялик ёзувчи Джею Сейдига тегишли, унинг фикрича:

«Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг муҳимлиги ва кўламини баҳолаш жуда қийин. Ўзбек халқининг муваффақиятлари – чексиз пахта далалари, ўзлаштирилган чўллар, қудратли саноатлаш-

ган марказлар, илмий муассасалар, янги санъат ва адабиёт асарларида ўз аксини топган. Яшилликка бурканган чиройли шаҳарлар, янги турар-жой даҳалари, театрлар ва кишлок байрамларида ҳаёт қувончларини куйлаётган бахтли республика. Нафақат тарихий обидалар, балки дўстона ва мустаҳкам оиллага бирлашган халқларнинг ютуқлари ривожланаётган мамлакатлардан ва бошқа республикалардан Ўзбекистонга келган меҳмонларда катта қизиқиш уйғотади».

Таъкидлаш керакки, бутун дунёдан Ўзбекистонга ташриф буюраётган сайёҳлар сони муттасил ошиб борарди. Мазкур кўрсаткич бўйича Ўзбекистон Ўрта Осиёда етакчи бўлиб, бутун Иттифоқ миқёсида эса кучли учликка (РСФСР ва Украинадан кейин) кирган.

Шу билан бирга Ўзбекистон Африка ва Араб мамлакатлари билан жуда фаол сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликни давом эттирмоқда эди. Масалан, иқтисодий ҳамкорликни олиб қарайлик. Республика мазкур мамлакатларга тўқимачилик машиналари, экскваторлар, тракторлар, трактор тиркамалари, компрессор станциялари, насослар, ёрдамчи трансформатор станциялари, кимё ускуналари, дизеллар, пахта териш машиналари, кабель маҳсулотлари, бурғулаш ускуналари, электр ва радио маҳсулотлар, гидромет ускуналар, киноаппаратуралар, гидравлик пресслар, пўлат ва чўян арматуралар, зовур ковлагичлар, электропайванд ускуналар, кўтарма кранлар, пахта газламалари, дори-дармонлар ва бошқа турдаги жуда кўплаб маҳсулотларни етказиб берган.

1977 йилда Ўзбекистонда 26 та театр фаолият олиб борган, шулардан 2 таси опера ва балет, 8 таси драма, 10 таси мусиқали драма ва комедия, Оперетта театри, Ўзбек мусиқали драма театри ва 2 таси кўғирчоқ ва бошқалар бўлган.

1972 йилда Тошкентда мюзик-холл ташкил этилди, машхур эстрада хонандаси Ботир Зокиров унинг бадий раҳбари эди. Журналист Г. Турсунованинг ёзишича: Мюзикл дастури «Шарқ бозори ёки Шарқ эртаги» ва «Тошкент тўйлари» – икки бўлимдан ташкил топганди. Мазкур мусиқали дастур сершовкин ва ўзига хос Шарқ бозорининг тасвири билан очилган. Доиранинг тантанавор садолари остида жанглёрлар, дорбозлар ва баҳодирларнинг чиқишлари билан халқ сайиллари бўлиб ўтарди. «Шарқ бозори» мюзиклининг негизини халқ оғзаки (сатира) ижодидан олинган «аския» ташкил этарди.

Миллий хореография унсурлари, ёрқин замонавий эстрада кўшиқлари ва сатирик интермедиялар асосида ишлаб чиқилган замонавий руҳдаги балет сахналари яхлит мавзунини ташкил этарди. Мюзикл спектакллари трактовоксининг ўзига хослиги шундан иборат эдики, «Тўй маросимининг меҳмонлар чиқиши» жараёнида четдан келган ҳофизлар, эстрада жамоалари, яъни ҳақиқий меҳмонлар иштирок этарди. Ҳатто Владимир Висоцкий, Ирина Понаровская, «Ялла», «Наво», Шимолий Осетиянинг «Алан» каби вокал-чолғу ансамбллари ва бошқа ҳудудларнинг машҳур ижодий жамоалари, ўнлаб санъат арбоблари Тошкент мюзик-холлининг ижодий сафарлардаги чиқишларида иштирок этган.

Бир йилдан кейин Ботир Зокиров Москва сатира театридаги ҳамкасблари Марк Захаров ва Александр Ширвиндт билан «Денгизчи Синбоднинг 1973-саёҳати» ҳамкорликдаги дастлабки мюзиклини сахналаштирди. Бу сахна асари Иттифокнинг кўплаб республикаларида жуда катта муваффақият билан намойиш этилган.

Шу йилларда Ботир Зокиров каби ўзбекистонлик машҳур эстрада хонандаларидан бири Раъно Шарипова эди. Унинг айтишича, санъат оламига қуйидаги тарзда кириб келган:

«Менинг ота-онам театрда хизмат қилар, отам миллий чолғуларда яхши куйлар ижро этарди. Уйимизга Россиядан, Москвадан тез-тез меҳмонлар келиб туришарди, шу тариқа русча кўшиқларини севиб қолганман. Шу билан бирга мен болалар боғчасининг рус гуруҳига қатнар ва кейинчалик космонавт Владимир Жонибеков ўқиган рус мактабига борганман, актёр Роман Ткачук, кейинчалик мен солистлик қилган оркестрнинг дирижёри Евгений Живаев ҳам шу мактабда таҳсил олган».

Чинакам юксак сахна Р.Шариповага 60-йилларда насиб этади. 1964 йилда истеъдодининг эътирофи сифатида Ўзбекистон радио ва телевидениесининг оркестрига хонанда сифатида таклиф этилади. Бир неча йилдан кейин Москва сахнасидан биринчи марта ўз санъатини намойиш этади. Эътиборлиси ялпи концерт дастурида эмас, балки бутун Иттифок томошабинлари олдида яққалон концерт беради. Айнан мана шу вақтдан бошлаб унинг бутун Иттифокқа машҳурлиги бошланади.

Шарипова рус романсларининг моҳир ижрочиси эди. У биринчи бўлиб Иван Тургеневнинг шеърига бастанланган «Утро туманное» («Туман-



ли тонг») романсини ижро этган, «Мелодия» фирмаси унинг ижросидаги энг яхши романслар пластинкасини чиқарганди. Шу билан бир қаторда эстрада кўшиқларини ҳам маҳорат билан ижро этарди.

1977 йилда Ўзбекистонда 4 та киностудия («Ўзбекфильм», «Ўзбек-телефильм»), Илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси ва унинг Қорақалпоғистон АССРдаги бўлими) фаолият олиб борган.

Шу даврда Иттифок ҳудудида энг машҳур ўзбек киноактёри Рустам Сагдуллаев эди. У 70-йилларнинг ўрталарида ўндан ортиқ турли хил ролларни ижро этишга улгурганди. Унинг юлдуз даражасида машҳур бўлишига Леонид Биковнинг 1974 йилда суратга олинган «Жангга фақат қариялар боради» фильмидаги рус қизини севиб қолган ўзбек учувчисининг роли (Ромео) эди.

Ўзбекистонда кино санъати каби телевидение ҳам жуда жадал ривожланди. Жумладан, бундан ўн беш йил олдин республикада иккита теледастур фаолият кўрсатган бўлса, бу даврга келиб теледастурлар сони учтага етган, улар ўз фаолиятини эрталабдан бошлаган.

1961 йил охирида Москвадаги Киночилар уйида кимдир қўлини елкамга қўйди:

– Ҳамроев, омонмисан?!

– Ассалому алайкум, Рома амаки!.. – мовий кўзли барваста кишини кўриб қувониб кетдим. – Яқинда диплом ёқладим, онам поезд пулини жўнатибди, янги йилдан кейин уйга кетаман.

– Чин дилдан табриклайман! Алик, мен Ўзбекистон раҳбари Рашидовга бир нарсa беришим керак. Эртага «Мосфильм»нинг биринчи павильонига киргин, сенга олдиндан рухсатнома буюртма қилиб қўяман.

Роман Тихомиров Тошкентда эвакуацияда бўлган, Иккинчи жаҳон уруши йилларида «Насриддин Бухорода» фильмини суратга олинишида Яков Протазановнинг ва Михаил Роммнинг «217-рақамли одам» фильмида режиссёр ёрдамчиси бўлиб ишлаган. Ўша йилларда киностудиянинг ишлаб чиқариш бўлимида диспетчер бўлиб ишлаган онам билан дўст бўлган.

Эртасига айтилган энг катта кинопавильонга бордим, бу ерда Маҳмуд Эсамбоев иштирокида «Рақс оламида» фильмининг бир лавҳаси суратга олинаётганди. Тихомиров ўшанда «Евгений Онегин» ва «Қарғанинг

моткаси» операларини жуда чиройли экранлаштиргани билан шуҳрат қозонганди. Юмалоклаб ўралган нарсани тутқазаркан, деди:

– Сизларнинг Рашидов ҳақиқий тилла одам! Кузда Трускавецца битта коттежда яшадик, биллиард ўйнаб беллашдик, минерал сувлар ичиб, шифо топдик. Асяни мени номимдан ўпиб қўй, онангни авайла!..

1962 йил январидаёқ «Ўзбекфильм» директорининг хонасида ўтирдим. Ғани Нажимов Олий партия мактабига ўқишга кириш учун тайёрланар, столда ётган дарслик ва луғатга қараганда, инглиз тилини мустақил ўрганаётганди.

– Бизда ўзимизнинг режиссёрлар етарли ... – деди менга директор. – Сиз диплом бўйича кинокартинани Тожикистонда суратга олгансиз, ўша ерда ишни давом эттираверинг.

Уйда онам мендан бу гапларни эшитгач, асабийлашиб, одатдагидек «Беломорканал» сигаретасини чека бошлади ва хўрсинганча деди:

– Ярамас миллатчи! Собир Муҳамедовичга учрагин, у отангнинг дўсти, иккиси қандайдир сценарийни бирга ёзган.

Маданият вазири этиб яқинда тайинланган Собир Муҳамедов хонасида йўқ экан, «Ватан» кинотеатри атрофидан ахтариб кўринг», деб маслаҳат беришди. Мен вазирни ўз ходимлари даврасида йўлакда учратдим, у қандайдир йирик чизма қоғозларни кўздан кечирарди, мазкур кинотеатр биносини қайта реконструкция қилиш мўлжалланаётганди. Шоша-пиша айтган гапларимни тинглаб, Собир Муҳамедов лоладай қизариб кетди, нимўғирилган ҳолатда деди:

– Мен кўчада одамларни қабул қилмайман!

Онамни ранжитишни истамадим, аксинча, яна аламини сигаретадан олиб, юраги эзилиб хўрсинади. Шунинг учун эртасига Маданият вазирлигига боришга аҳд қилдим. Кейин Роман Тихомировнинг илтимоси эсимга тушди, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети телефони-ни маълумотномалар бюросидан аниқлаб, кўнғироқ қилдим. Менга Ш.Рашидовнинг телефон рақамини беришди.

– Лазарь Захарьевич Сливкин телефонда. Лаббай!

– Менинг фамилиям Ҳамроев. Москвадан Шароф Рашидовга битта пакет олиб келгандим.

– Ким бериб юборди?

– Роман Иринархович Тихомиров, таникли кинорежиссёр.

– Телефон гўшагини қўймай туринг.

Бироз фурсатдан кейин шундай деди:

– Шароф Рашидович эртага соат ўнда сизни кутади. Хайр!

Эртасига иккита трамвайда ўтириб партия Марказкомига бордим. У пайтларда партия МК Гоголь кўчасидаги ҳозирги Ўзбекистон Фанлар академияси президиуми биносида жойлашганди.

Бинога кираверишда стулда милиционер газета ўқиб ўтирарди. Ш.Рашидовнинг ёрдамчиси исм-шарифини айтишим билан шундай деди:

– Иккинчи қават, ўнгдаги биринчи эшик.

Ниҳоят, республика раҳбарининг хонасига кирдим. Мени ёркин жигарранг костюм-шим кийган, барваста қоматли Шароф Рашидов самимий жилмайиб кутиб оларкан, қўл бериб саломлашди. Телевидениедаги чиқишлари ва газеталардаги суратларида Ш.Рашидов ёши катта одамдай кўринарди. Мен у билан «Ассалому алайкум» деб саломлашдим, кейин эса русча гапирдим:

– Роман Иринархович сизга қизгин салом айтиб юборди!

Ш.Рашидов мен берган ўралган нарсани очаркан, сўради:

– Ўртоқ Тихомиров яхши юрибдими? Нима ишлар билан банд?

– Раққос Маҳмуд Эсамбаев ҳақида кинофильм суратга олаётир.

Тихомиров рангли журнал жўнатган экан. Ш.Рашидов журнални ва-рақлар экан, деди:

– Франция коммунистлар партиясининг яқинда бўлган қурултойида иштирок этган совет вакилларига мен раҳбар бўлиб боргандим.

Кейин менга журнал муқовасини кўрсатди:

– Сизга маъқулми?

«Пари Матч» (Paris Match) журналининг муқовасидан Ш.Рашидовнинг офтобда тобланган, қатъиятли қиёфаси жой олганди.

– Жуда яхши чиқибди. Расм ҳам ажойиб! – дедим беихтиёр.

– Расмни сўраётганим йўқ. Менга журналнинг рангли, сифати ҳам аъло экани манзур бўлди. Полиграфия саноати қачон бизда ҳам шу даражада ривожланади?!

Бежирим ликопчалардаги стаканларда лимонли чой келтиришди. Ш.Рашидов журнални бир четга қўйиб, сўради:

– Нима иш қилаяпсиз?

– Мен режиссёрман. Москвада ўқидим. Тожикистонда яқинда диплом иши сифатида кинокартина суратга олдим. Куни кеча уйга қайтиб келдим.

Ш.Рашидов столи устидаги рўйхатга кўрсаткич бармоғини қўйиб, керакли қаторни топди ва телефон гўшагини кўтариб, рақамни терди. У ёқдан жавоб келгач, қатъият билан деди:

– Рашидов гапираётир. Ёш режиссёр Али Ҳамроевни биласизми? У нима учун диплом фильмини бизнинг республикадан бошқа юртда суратга олди?!

У томонидаги одам жавоб берар экан, Маданият вазири юзидаги даҳшат ва эсанкирашни кўз олдимга келтирдим.

– Бу режиссёр қаерга ишга жойлаштирилгани, уй-жой ва бошқа маиший муаммолари қандай ҳал қилингани тўғрисида менга эртагаёқ ҳисобот берасиз. Дарвоқе, ўзбек кино санъатини ривожлантириш учун ёш кадрлар билан ҳамкорликда қандай ишлар қилинаётгани ҳақида ҳам ҳисоботингизни кутаман!

Ш.Рашидов хайрлашар экан, сўради:

– Машҳур актёр Раззоқ Ҳамроевнинг қариндоши эмасмисиз?

– Йўқ, Раззоқ ака бухоролик, менинг отам эса Фарғона вилоятидан. Отам ҳам таниқли актёр бўлган эди.

– Қайси маънода «бўлган эди»?

– Кичик лейтенант сифатида урушга кетган. Вязьма қамали пайтида яраланиб, ҳалок бўлган.

Ш.Рашидов биров сукут сақлади, кейин елкамга қўлини қўйиб, эшик томон бошлади. Эшик олдида эса, оҳиста деди:

– Мен ҳам кичик лейтенант бўлганман, мен ҳам оғир яраланганман. Ёрдамчимнинг телефон рақами сенда бор, бирон ёрдам керак бўлса, албатта, унга қўнғироқ қилгин. Сира тортинма. Энг муҳими, кинофильмларни суратга олиш пайтларида кўпроқ чойхоналарда бўлгин, шунда ўзбек тилини яна пухта ўзлаштириб оласан. Тушундингми?

– Раҳмат, Шароф Рашидович!

Трамвайда кетиб борар эканман, Ш.Рашидов ҳозир 44 ёшда, мен эса энди 24 ёшга кирганимни ўйладим.

Уйга қайтиб келишим билан бизнинг икки арава зўрға сиғадиган тор кўчамизда ойналарига оқ парда тутилган, директорнинг қора «Волга»

хизмат машинаси пайдо бўлди. Вазир ёрдамчиси Соня опа бор овози билан қичқирарди:

– Тез бўлинг, Ҳамроевни зудлик билан олиб келинг, деб вазир мени жўнатди!

Вазирнинг хонасига кирсам, Маданият вазирлигининг барча масъул ходимлари ҳамда «Ўзбекфильм» директори ҳам хижолатга ботганча ўтирарди. Собир Муҳамедов ўрнидан туриб, қулочини ёзганча менга пешвоз юрди:

– Энг яхши дўстимнинг ўғли ўқишни тугатиб қайтиб келди! Хуш келибсан, болам!

Ҳамма қарсақ чалди, вазир мени бағрига босди, кўзлари ёшга тўлди.

Орадан бир неча йил ўтгач, менга шундай деганди:

– Ўшанда Рашидов нима учун менга қўнғироқ қилди, деб қаттиқ ўйга толдим. Балки Ҳамроев унинг қизларидан бирига уйланаётгандир? Янги тураржойга оид таклифни ўшанда беҳуда рад қилган экансан – отанг раҳматли сотиб олган эски уйингиз 1966 йилдаги зилзилада вайрон бўлди. Ҳолбуки, шахсан Шароф Рашидовнинг кўрсатмаси билан икки қаватли янги уй олган бўлардинг.

## 29-боб

### КРЕМЛЬ ФИТНАЛАРИ

1977 йил май ойининг охирида Л.Брежнев Н.Подгорнийдан кутулди – уни истеъфога чиқариб, ўрнини эгаллади: энди унда мамлакатдаги иккита юқори даражадаги лавозим бор эди – Бош котиб ва Олий Совет Президуми Раиси. 1978 йилнинг ноябрида яна бир рақиби – Кирил Мазуровни ҳам ишдан олди. Сиёсий бюрода бўшаб қолган ўринга К.Черненкони олиб келди, касалманд А.Косигиннинг ўрнига Вазирлар Маҳкамасининг амалдаги раҳбари Н.Тихоновни Сиёсий бюрога номзод қилиб қўйди. Шундай қилиб, олий раҳбариятдаги ўзининг барча рақибларидан кутулиб, келажагини мустаҳкамлади.

Шунга қарамай, тарихчилар, агарда Брежнев 70-йилларда ҳокимиятга ёпишиб олмаганда ва ўз ихтиёри билан истеъфога чиқиб, бошқарув жilовини анчайин ёш ва ишчан одамга берганда, Иттифок тарихи қандай давом

этарди, деган баҳс ҳали ҳамон давом этади. Аксарият ҳолларда, мазкур баҳсларда, мабодо мана шу вариант амалга ошганда, Иттифоқ кейинчалик парчаланиб кетмаган бўларди, деган фикр билдирилади. Балки, шундай ҳам бўлармиди. Бироқ Брежнев ҳокимиятдан воз кечмади, эҳтимол, мендан кейинги раҳбар шу қадар қийинчилик билан қўлга киритилган барқарорликни сақлай олмайди, деган кўрқувга боргандир. Унинг умрини тўқлик ва хотиржамликда ниҳоясига етказишига қарор қилган сафдошлари нуқтаи назари ғолиб чиқди.

Шароф Рашидов бу каби «узок сақланиш» хавфини тушунганмиди? Катта эҳтимол билан тушунган, зеро, ақлли ва ўз ишини биладиган, тизим камчиликларини бошқалардан кўра яхши англагувчи инсон эди. Бироқ вазиятни ўзгартиришга қодир эмасди, чунки Москвада эмас, балки ундан минглаб километр нарида яшар ва меҳнат қиларди. Агарда у бепоён мамлакат пойтахтида ишлаганида ҳам ва, ҳатто, Сиёсий бюро аъзоси бўлганида ҳам, воқеалар ривожига таъсир қилиши амримаҳол эди. Зеро, Сиёсий бюродаги барча стратегик муаммолар тор доирадан иборат шахслар томонидан ҳал қилинар ва мусулмон динига мансуб Рашидов учун у ернинг эшиклари берк эди.

Яна бир марта такрорлаймиз: совет республикаларининг барча раҳбарлари Москвага тобе бўлиб, қатъиян у йўллаётган тарафга қараб сузишга маҳкум эдилар. Бунда ҳам манфий, ҳам мусбат тарафлар бор эди. Мисол учун, Шароф Рашидов, тахминан 70-йилларнинг бошида Ўзбекистонда пахта териш режасини пасайтириш ҳақидаги сўров билан бир неча марта Москвага чиқди, чунки талаб қилинаётган миқдордаги пахта хомашёсини топширишнинг имкони бўлмагани боис қўшиб ёзишлар бошланганди. Бироқ Москва пахта толасини четга сотиш гўёки етишмаётган аниқ валютани мамлакатга келтиради, деган баҳона билан рад жавобини бераверарди. Валютага эса Иттифоқ йилдан-йил муҳтож бўлиб борди, чунки 70-йиллар бошидан «учинчи дунё» мамлакатларидаги миллий-озодлик ҳаракатлари учун валюта ҳисобида маблағ чиқаргани чиқарган бўлиб қолганди. Шунинг учун ҳам Рашидовдан пахта ишлаб чиқаришни қайтариш эмас, балки кўпайтириш талаб қилинарди. Мабодо Рашидов ўша режаларга фаол қаршилиқ кўрсата бошлаганда эди, унинг тақдири шу ондаёқ ҳал бўларди – Марказ унинг ўрнига гапга қирадиган бошқасини ўтказарди-қўярди.

Ўзбекистон 4 миллион тонна пахта хомашё чўққисини 1966 йилга келибгина забт этди, беш миллионлик белги 1974 йилда ишғол қилинди, тўрт йил ўтиб эса республика 5 миллион 500 минг тонна пахта топширгани ҳақида рапорт берди. Мазкур рақамнинг қайсидир қисми сохта эканлиги, кўшиб ёзиш борлиги республикада яшовчи ҳеч ким учун сир эмасди. Бу ҳақда Москва ҳам биларди, аммо бунга кўз юмар, чунки бундан ўзининг кўзланган мақсади бор эди: биринчидан, бутун дунё афкор оммаси олдида Иттифокнинг пахта рекорди ҳақида жар солиб келинарди, иккинчидан, йилдан-йилга ебтўймас бўлиб бораётган совет бюрократиясини боқмоқда эди.

Шунга қарамай, Иттифокда мавжуд қўшиб ёзишларни баён этишда битта чегарадан чиқиш бор: баъзи бир тарихчилар томонидан у ақл бовар қилмас даражада кўпиртириб юборилган. Уларга кўра, гўё мамлакатнинг деярли барча корхоналари фақат қўшиб ёзиш билан шуғулланиб, юқорига сохта маълумотлар жўнатишган. Бу, албатта, бўлмаган гап. Бинобарин, тўла асосланган, Интернетдан олинган битта фикрни келтираман:

«Барча статистикани сохталаштириш учун шунчалик ҳаракат қилинса-я! Ахир, статистика, газетада чоп этилишидан аввал статистик тўпламда чиқиши керак-ку. Уни ҳам сохталаштириш керак эди, акс ҳолда, кимдир, албатта, мувофиқликни пайкаган бўларди. Уни бутунлай йўқ қилиш ҳам мумкин, аммо бир чатоқ жойи бор – мазкур тўпламлар ҳануз кутубхона ва архивларда сақланмоқда. Демак, йўқ қилишмаган. Аммо ички фойдаланиш учун тўпламларга қадар ҳужжатлар ҳам бор эди. Улар ҳам сақланган. Демак, улар ҳам сохталаштирилган. Ўша тўпламлардаги статистика корхона бўйича ички маълумотлар билан мосланган бўлмоғи лозим эди. Яъни, заводнинг ўзидаёқ қалбакилаштириш керак бўлган. Ахир, ўша ҳисоботлар бўйича маош берилган-ку. Бунинг учун, ҳеч бўлмаганда, барча заводларнинг директорлари келишиб олган бўлишлари лозим эди, ҳеч ким бошқа бировнинг ўғирлиги учун қамоқда ўтиришни истамасди. Аммо ҳали бу ҳам ҳолва. Барча транспорт бўлимлари ҳам улар билан тил бириктириши керак бўларди. Боз устига, темир йўл, бандаргоҳлар кабилар ҳам. Корхоналардаги ҳисоботлар бўлимлар бўйича ҳисоботларга мосланиши, демак, бўлим бошлиқлари ҳам улар билан келишган бўлишлари лозим эди.

Чиндан ҳам кўрқинчли ташкилот! Мамлакатнинг учдан бир қисмини камраб олади. Ва қолган учдан икки қисм бу ҳақда ҳеч нима билмайди. Англашимча, ДХК ҳам. Барча нарса қўлларидан келган. Шу қадар эпчил бўлганларки, Иттифоқ парчаланиб кетган куни барча «қора бухгалтерия»-ни қолдириб, «оқ бухгалтерия»ни йўқ қилишгача боргандилар.

Уларнинг қаршисида бош эгаман!

Статистика, асосан, газетада чоп этиш учун эмас, ишлаб чиқаришни, ҳар қандай тоифадаги ишлаб чиқаришни бошқариш учунгина зарур. Қалбаки статистика билан бошқариш уларнинг қўлларидан келмаган бўларди. Иттифоқдаги барча раҳбарлар бир-бирларининг лафзларига ишонар эдилар деган орзу кишига ишонч бағишлайди, бироқ ҳақиқат бунга мос келмайди. Шу боис ҳар битта транзакция ҳозиргига қараганда ҳам синчковлик билан икир-чикиригача хужжатлаштирилган. Ўша пайтлари рақамлар фарқланса жаримага тортишмас, балки қамардилар. Шунинг учун ҳам ўша статистика ҳозиргисидан кўра ишончлироқ хатто.

Яна бир марта тушунтираман: статистика алоҳида-алоҳида олиб берилган. Яъни, у билан фақат биргина ташкилот шуғуланмаган. Давлат статистика қўмитаси маълумотларни тўплаган, умумийлаштирган, холос. Уларни эса ҳар битта завод алоҳида йиққан. Мана, статистика бир-бирига мос келади. Яъни, агар уни сохталаштирган бўлсалар, бу фақат бутун мамлакат миқёсида қилинган. Барча бунга боғланган бўлиши даркор эди. Ҳамма боғланиб қолган бўлса, умуман, қалбакилаштиришнинг нима зарурияти бор?

Ҳисобот, мукофотлар ёки ҳайфсанлар мавжуд ҳар қандай ҳолатда ҳисоботда баён этилган маълумотларга қараб қўшиб ёзиш ҳамма жойда ва ҳамма вақт бўлиб келган. Бунини «Энрон» билан куни кеча бўлиб ўтган воқеалар ёки бир неча йил аввал рўй берган «ДЭУ корпорацияси» каби номи чиққан ишлар яхшигина исботлаган. Иттифоқдаги тотализм ва эҳтимолий жазолар ҳисобга олинса, мен қўшиб ёзишлар кўламига бунчалик жиддий тус бермаган бўлардим.

Куруқ гап билан чекланиб қолмайлик, ўта зўр берилган ва шов-шув бўлган «ўзбеклар иши»га қайтамыз. Ўзбекистон ўшанда 6 миллион тонна пахта топширгани ҳақида рапорт берганди, амалда эса 5 миллиондан сал ортиқроқ ҳосил олинган. Яъни, қўшиб ёзиш кўлами ками билан олти-



дан бир ҳисобида. Қўшиб ёзиш – пахта толасининг сифатини кўпайтириб кўрсатиш тарзида қилинган. Бу шундай, энг паст навли пахта ўрнига линт, улук ортганлар – уларни аслида пахта деб ҳам бўлмасди, аммо ташқи кўринишидан унга жуда ўхшайди. Табиийки, ким кўз юмган бўлган бўлса, ўшанга пора берганлар. Натижа эса бундай: меъёрларга амал қилинмаган, матолар сифати тушиб кетган. ❖

«Йўқ жойда» қўшиб ёзишнинг имкони йўқ, назорат қилувчи органлар ҳар жойда ҳозир ва уларни оғзини пора билан ёпа олмайсан. Агарда, айниқса, яширин миллиардерлар «Жигули»да юришгани ва олтинларини томорқаларга кўмиб ташлагани, 100 минг пора учун олий жазо берилгани борасида ўша даврлар одати ҳисобга олинса, навлар бўйича ғирромлик қилиш, меъёрларни қайтадан кўриб чиқиш мумкин дир, аммо қандай қилиб нимадандир миллион тонна чиқариб олиш, имкони йўқ нарса, агарда канспирологияга тушиб қолмасанг ёки қўшиб ёзиш борасида бутун оламга татигулик бирон нима ўйлаб топмасанг...»

Қўшиб ёзишлар ҳақида Ўзбекистонда кўпчилик, шу жумладан, Рашидов ҳам биларди. У бекорга ҳар бир партия хўжалик фаоллари қаршисида чиқиш қилганида қўшиб ёзадиганларни қаттиқ жазо кутиши ҳақида қайта-қайта гапирмасди. Ва сўзи иши билан бир эди: ҳар йили республикада ўнлаб пахта қаллоблари суд ўриндиғидан жой олишарди. Бундан вазият яхши томонга ўзгармагани эса бошқа масала, чунки пахта топшириш режаси тобора ошиб борар ва бундан ёғлиққина жойни кесиб олиш кўпчиликни кинғирликнинг сирпанчиқ йўли томон бошларди.

Худди шу аҳвол бошқарув аппарати ўсган сайин ўзи ҳам ўсиб бораётган коррупция билан ҳам содир бўлаётганди. Натижада 70-йиллар сўнгига келиб бошқарув аппарати хизматчилари сони бошқарилмас даражада ўсгани бор гап – 2 миллион 200 минг кишига қадар кўпайган, фоиз ҳисобида – 14,2 %, айти пайтда, ишловчилар сони бор-йўғи 9,8 % га фоизга ошди. 1973 йилнинг сўнгида бутун мамлакат бўйлаб оқаётган енгил нефть пуллари совет тизими тўралари очкўз нигоҳларини тиккан ширин лукма бўлиб хизмат қилди.

Коррупцияга қарши кураш мутахассислари уни икки қисм: маъмурий ва давлатни эгаллаб олишга ажратишади. Иттифоқда, биринчиси, амалдаги қонун ва қоидаларни ўзгартирмай туриб, манфаат олиш мақсадида фақат

хосларгагина қонуний ёки ноқонуний имтиёзларни тухфа этиш якқо. кўришиб турарди. Коррупциянинг мазкур кўриниши аксарият мамлакатларда мавжуд ва давлатни эгаллаб олишга қараганда анчайин заиф илла хисобланади. Мазкур иккита хилни таққослаш учун айнан шу эгаллаб олиш иллари ғалаба қилган Россияда бугун бўлиб ўтаётган воқеаларга кўз ташлаш кифояки, мазкур ҳолатда коррупционерлар қонун, меъёр, қоидаларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишга таъсир кўрсатадилар, кейинроқ улардан ўманфаатлари учун бирон нима чиқариб олиш имкониятига эга бўладилар.

Айни пайтда, бу қанчалик ғалати бўлмасин, Иттифоқдаги коррупция аксарият ҳолларда иқтисодни ривожлантиришнинг дастак ютуғи бўлиб хизмат қилган, зеро, дангаса совет кишисини янада самаралироқ фаолият кўрсатишга ундаган ва қонунчилик қусурини бартараф этган. Совет тизмининг шакл-шамойили шу қадар кўпол бўлганки, яхши ишлаб кетиши учун кўп ҳолларда унинг анча-мунча мурватларини пора билан мойлаб туришга тўғри келган. Тарихчи А.Шубин шундай ёзади:

«Иттифоқдаги коррупциянинг сабаби аксарият ҳолатларда пора берувчиларнинг шахсий манфаатлари эмас, балки иш натижасидан манфаатдор бўлишлари, яъни «жамият манфаати» эди. Дейлик, мисол учун, 80-йилларнинг бошида Пенза вилоятида қишлоқ хўжалигини қурилиш жиҳозлари ва ускуналари билан таъминловчи гуруҳ қўлга олинган. Мазкур ишдаги кўпчилик инсонларнинг жиноят қилишига сабаб, Пензадаги жамоа ва давлат хўжалиги, механика колонналарини қурилиш жиҳоз-ускуналари билан таъминлаш бўлган. Агарда марказлаштирилган тақсимлаш рисоладагидек ишлаганда, етказиб беришни пора билан мойлашга ҳожат қолмасди. Етказиб бериш эса ўзини бутунлай оқлаган.

Коррупция ишлари бўйича маҳкамаларда қарама-қарши ғалати фикр тез-тез такрорланиб турарди, ўшандаги суриштирув тахминига кўра, айбланувчилар қўлидан минглаб сўм пул ўтган, айни пайтда, ишнинг бошқа ҳолатларида ўз озодликларини хавф остига қўйиб, юз сўм эди, деб оёқ тираб туриб олишади. Жиноий ишда, ҳатто 23 тонна қувурга нарядни расмийлаштириш учун берилган 10 сўм ҳам бор. Албатта, баъзи бир юқори лавозимли порахўрлар 2–3 минг пул олишган, аммо энг кўп тарқалгани – хар битта одам учун 10 сўмдан 300 сўмгача бўлган коррупция ҳолатларидир. Бироқ энг шов-шувли ишларда ҳам ҳадя қилинган чопонлар, ўн

**мин**глаб пул, тилла тақинчоқлар мавжуд. Ўмарилган маблағлар айнан ўмарилган корхоналарга сарф қилинадиган ҳозирги пайт билан қиёсланса, **совет** коррупцияси арзимас кўламда бўлгани ойдинлашади. Қонун билан белгиланган хусусий мулкнинг йўқлиги ўмарилган маблағларни бирон жойга киритиш имконини чеклаб қўйгандики, бу коррупция кўламини ҳам чеклаб ташлаганди, жилла курса, ҳозиргиси билан таққослаганда...»

Брежнев ҳукмронлиги даврида Ўзбекистонда коррупция бошқа республикаларга нисбатан (РСФСР, Украина, Белоруссия) юқори эмасди. Аммо аҳоли жон бошига олиб қараганда, Ўзбекистон аҳолиси сезиларли даражада кам, умумий миқдори деярли тенг Кавказортидаги каби анчайин кичик республикаларда ҳам (Грузия, Озарбайжон ва Арманистон), коррупция кўлами кам эмасди. Жумладан, кинорежиссёр А.Мкртчян 1979 йилда Арманистондаги вазиятни шундай баён этганди:

«Коррупция – яшашга халақит берувчи саратон кабидир. Бутун республикани қамраб олган коррупция билан курашмоқ зарур, бироқ бирон натижага эришмоғимиз душвор. Порахўрларнинг, очиқдан-очиқ гангстерларнинг янги синфи пайдо бўлган. Ишбилармонлар зиёлилар устидан кулишади: латифа айтиб беришлари, қўшиқ куйлашлари учун 20 минг беришлари мумкин. Фақат ўшаларгина тўлақонли ҳаёт кечиришмоқда. Оммавий тус олган коррупция муҳотида нафас олиш қийин. Маҳкама жараёнлари кетмоқда, бирларини қамашади, ўринларини эса тезлик билан худди шу каби бошқалари эгаллашади».

Айтиб ўтиш жоизки, бу ҳолатлар Арманистонда республика раҳбарияти алмашганидан кўп ўтмасдан маълум бўлганди. 1974 йил сўнгида у ердаги МК нинг биринчи котиби Карен Демирчян эди. Бироқ кўриниб турбдики, бу нарса аҳволнинг яхши томонга кескин ўзгаришига ёрдам бера олмади.

Ҳамон икки ўт оралиғида жон сақлаётган, ҳам Москва, ҳам республикада мавжуд гуруҳларнинг манфаатини ҳисобга олиши лозим бўлган Ш.Рашидов ҳам худди шу ҳолатда эди. Афтидан, воқеаларнинг шундай кечиши Марказни тўла қониқтирар, зеро, у энг муҳим ниятига эришаётганди: Ўзбекистон умумий омборга улкан ҳисса кўшаётган илғор республикалардан бири бўлиб қолаётган эди. Шу боис 1977 йилнинг ноябрида, Шароф Рашидовнинг 60 йиллигида Москва уни Қаҳрамонлик нишони билан мукофотлаши тасодифий эмас, у бошқараётган республика нафақат

иқтисодий кўрсаткичлари учун, балки республика раҳбариятидаги та-  
рафкашлар ва гуруҳлар билан умумий тил топишни уддалаётгани, од-  
дий халқ деярли йигирма йилдан буён унга кўрсатаётган чексиз ҳурмат  
учун ҳам олий унвонга сазовор кўрганди. Л.Левитин шундай ёзади:

«Аксарият ўзбеклар чин маънода такводор кишилар. Асрлар давомида  
ислом ўзбек халқи учун ҳам дин, ҳам ахлоқ, ҳам виждон, ҳам маърифат  
бўлиб келган. Уларнинг ижтимоий онгида шариатга асосланган мусулмон  
ҳуқуқий маданияти илдиз отган. Бу ерда шуни тушуниш муҳимки, шариат  
у (шахс) эга бўлиши мумкин бўлган ҳуқуқлар эмас, балки инсон онгидан  
жой олган бурчлар тизими билан киритилган. Мусулмончилик қондаси  
агар ижтимоий тартибни сақлашга йўналтирилган бўлса, ҳукмрон доира-  
лар томонидан энг кескин қарорлар қабул қилиш, энг авторитар чоралар  
кўриш ҳуқуқини доимо тан олиб келган. Умуман, ўзбек халқи анъаналари-  
да ҳокимиятга нисбатан ҳурмат ва эъзоз мавжуд. Одамлар шундан келиб  
чикиб, кўрққанидан эмас, ҳокимият илоҳий куч-қудрат, шу жумладан, дин  
тақозосига кўра ҳам ўзларига ғамхўрлик қилиш учун даъват қилинганига  
чин дилдан ишониб келган. Буни этник патернализм ёки бошқача ҳам  
айтиш мумкин, аммо иш моҳияти, барибир, ўзгармайди. Бу – бор нарса.  
Бирок ҳокимият, агар унинг вакиллари одамлар ишончини оқламаса, агар  
улар заиф, ёлғончи ва ахлоқсиз бўлса, кун битди деяверинг. Одамлар-  
нинг иззати ва ҳурмати чуқур нафрат билан алмашинади, бу эса Шарқда  
Ғарбдагидан кўра кўрқинчлироқ тусга эга».

Шароф Рашидов турли тоифадаги одамлар орасида қандай обрў-  
эътиборга эга бўлгани ҳақида кўплаб мисоллар бор. Улардан бири ҳақида  
С.Ризаев ҳикоя қилади:

«Шароф Рашидовичнинг ўзига хос хусусиятларидан бири – одамлар  
билан доимий мулоқотда бўларди. Мен бир сафар у билан Ховос тумани-  
даги «Хавотоғ» санаторийси очилишига бордим. Йўлда бизни уч нафар  
фарзанди бор ўзбек аёли кутиб олди. У қўлида нон ва узум кўтариб олган-  
ди. Аёлни кўриб Шароф Рашидович машинани тўхтатишни сўради, аёл  
унинг ёнига келиб нон, узум тутди: «Биз меҳнаткаш аёлларга кўрсатаётган  
ғамхўрлигингиз учун раҳмат сизга, муҳтарам Шароф Рашидович. Илти-  
мос, болаларимнинг бошини силаб қўйсангиз», – деди. Шароф Рашидович  
унинг илтимосини адо этди, алоҳида меҳр билан болаларни ўпиб қўйди.

Ушбу сахнани кўриб кўзимдан ёш чиқиб кетганди. Ўша аёлни ҳеч ким тайёрламаган. Бу – халқ унинг шахсига кўрсатаётган юзлаб муносабатларидан бири. Ўзбекларда ниҳоятда теран маъноли «ҳалол» деган сўз бор. Инсонга нисбатан у «биллурдек тоза» деган маънони англатади. Менинг хотирамда, тасаввуримда Ш.Рашидов айнан шундай ҳалол сиймо бўлиб қолган».

Бу сира кўпиртирилган эмас. – Шароф Рашидов чиндан ҳам ҳалол шахс ва раҳбар бўлган. 70-йилларга келиб аксарият оддий инсонларда ҳокимият тепасида турувчиларга нисбатан нафрат кучайганига қарамай, одамлар Рашидовни ҳамон ҳурмат қилар, қолаверса, ўша даврдаги жамиятда мавжуд нохуш ҳолатлардан қатъи назар ҳеч ким унга шубҳа билан қарамасди.

Яна бир учрашув. Собиқ ёшлар ҳаракати фаоли, таниқли тошкентлик журналист Гулнора Абдуназарова – Сейтмаганбетова шундай хотирлайди:

Бу воқеа саккизинчи синфда ўқиб юрганимда бўлганди.

Ўзбекистоннинг жанубида, Сурхондарёнинг чоғроқ Денов шаҳарчасида туғилиб вояга етганман.

Ҳар йили кузда сентябрдан кейин 7–10-синф ўқувчиларини яқин хўжаликлардан бирига ётоқда ётиб, пахта тергани олиб боришарди. Октябрнинг биринчи кунларида 80–100 тача автобусда эрталаб йўлга тушиб, кечки пайт манзилга етиб борардик. Ўша ерда қимматбаҳо ингичка толали пахта тердик. Декабрнинг ўрталари ёки иккинчи ўн кунлигининг охирларида уйга қайтардик.

Сурхондарё вилояти қатор йиллардан буён пахта режасини бажармай келар, бинобарин, оби ҳаво ёмонлашганига қарамай, ўқувчилар ва талабалар далада эди. Баъзида бироз қор ёғса, бахтимизга баракларда қолишимизга руҳсат бериларди. Лекин бундай ҳолатлар жуда кам бўларди. Одатда, гунда қор ёққани билан эрталаб офтоб чикса, тушдан кейин пахта тергани далага чиқаришарди. Пешиндан кейин қор эриб кетар, ер ҳам анча селгиб коларди.

Бу гапим айримларга ғалати туюлса, ажаб эмас, лекин пахта теришни ёктирардим. Айниқса, йиғим-терим бошланган дастлабки кезларда чамандай очилган пахталарни териш бошқача завқ бағишларди. Кунига ўртача 100 килограммдан тоза пахта терардим. Ўртача теримчилардан

эдим. Лекин бир марта ўзим орзиқиб кутган совғани олганман: қизил ҳошияли, чармнинг ўзига хос ҳиди анқиган калиш билан тақдирланганман. Дала шароитида бу жуда ҳам керакли ютуқ ҳисобланарди. Бунга курсдошим Олег Егошин катта ҳисса қўшганди. У пешингача ҳазил-хузул билан режани бажариб қўяр, обрўталаб бўлмагани боис, агар пешиндан кейин болалар билан катта ариқда чўмилгани бормаса, менга пахта теришга ёрдамлашарди. Олег илғор теримчилардан бўлиб, биз уларни «комбайнлар» ва «қўшчилар», яъни «ер ҳайдовчилар» деб атардик. Улар 200 кг дан ошириб, ҳатто, 300 кг гача пахта теришарди. Бу оқ пахта эди. Ингичка толали пахтани эса ерга тўкилганини, қолаверса, пахтали чаноғи ёки кўсагини терардик. Ингичка толали пахта ғўзаси баланд бўйли, пахтаси эса оч сариқ рангда бўларди. Унинг чаноғи ва кўсагини териш учун ғўзапоядан пастга қараб кескин тортиб олиш керак бўларди. Қўлларимиз шилиниб ва ёрилиб кетарди, дашт шамоли мунтазам эсиб тургани учун вазелинни қанча кўп суртсак ҳам фойда бермасди.

Бошқа гапларга чалғиб асосий мавзу хотирамдан кўтарилаёзди.

Ноябрь ойининг охириги кунларидан бирида, далаларда деярли пахта қолмаган бир пайтда, жуда нари борса, кунига 20 – 25 кг дан подбор, яъни ерга тўкилган пахтани териб юрганимизда, даладаги катта ариқ ёқалаб Давлат автоинспекцияси машинаси ҳамроҳлигида келаётган бир неча «Волга» енгил машиналарига кўзимиз тушди, уларнинг олдида қора рангли «Волга» келарди. Бу биз учун фавқулудда вазият бўлди ҳисоби. Битта пахта даласида пахта тераётганларнинг барчаси ўша томонга талпиндик. Шароф Рашидов Сурхондарёда эмиш деган гаплар икки кундан буён тилдан тушмасди. Янглишмаган эканмиз, ҳақиқатан ҳам қора «Волга»да Ш.Рашидов бўлиб, унга вилоят раҳбарияти ҳамроҳлик қиларди. Барчамиз салом бериб, у кишини қуршаб олдик. Баланд бўйли, гавдали Ш.Рашидов жозибаси, кўркамлиги билан эътиборимизни тортди. У барчамиз билан қўл бериб саломлашди. Хиёл жилмайган чеҳрасидан росмана нур ёғиларди. Кунига қанчадан пахта тераётганимизни суриштира бошлади. Бор гапни яширмай айтдик. Бироз олисдаги болалар ҳам, ўқитувчилар ҳам етиб келишди. Сафнинг охирида турган синфдошим Гулнора Жумаевага ҳам Рашидов шундай савол билан мурожаат қилди. У эса 100 кг дан тераяпман деб, тап тортмай ёлғон гапирди. Ш.Рашидов бунга жавобан уни алқаб,

**бағрига** босди ва бошини силаб қўйди. Шу тариқа ҳаммамиз Гулнорадан **ранжидик**. Кейинчалик ёлғон гапирганини юзига солдик, бироқ бу синфдошимиз анчагина шаллақи бўлгани учун аччиқ гаплар билан бизни ҳам узиб олди.

Ш.Рашидов бизлар билан бирон соатлар атрофида суҳбатлашди, ўзи ҳақида гапириб берди, болалигида пахта терганини эсга олди. Унинг силлиқ қўлларига назар ташлаб, бу гапига унчалик ишонгимиз келмади. Ш.Рашидовнинг ҳамроҳлари тоқатсизланиб соатларига қайта-қайта қараб олар, у эса ўзини буни пайқамаётгандек тутарди. Биз журъат қилиб, турли саволлар бера бошладик. Ш.Рашидов расмиятчилик қилмасдан бизларни диққат билан тинглади, саволларга самимий жавоб берди, кўнглимизни кўтариш учун ҳазиломуз гаплардан гапирди. Бизларнинг ҳар биримиз ҳақида барча маълумотларни биладигандек туюлди. Суҳбат охирида мендан қандай илтимослар бор, деб сўради. «Ҳаммомга тушмоқчимиз!» деб барчамиз бир овоздан жавоб бердик. Ўша лаҳзада рости бошқа ҳеч нарсани орзу қилмасдик. Ш.Рашидович, албатта, ҳаммом ташкил қилинади, деб ваъда қилди. Шунингдек, терган пахтамик ҳақини тезда беришни айтиб, ҳаммом куни вилоят савдо ташкилоти бизлар учун буюмлар савдосини ташкил қилишни буюрди.

Биз Ш.Рашидовдан кўнги узолмасдик. Машиналар жўнаб кетгач, ҳеч ким пахта даласига кирмади. Ҳамма қизлар 5–7 килограмдан пахта терилган этақларимизни тагимизга қўйиб, даланинг бир четида жойлашдик ва йиғлай бошладик.

Нима учун йиғлаганимизни билмайман. Тўғриси, кўз ёши қилишимизнинг сабаби кундай равшан эди. Кечкурун эса кўлимни ювгим келмасди, чунки Ш.Рашидовнинг қўлидан юққан муаттар атир хиди ҳамон кетмаганди.

Ҳақиқатан ҳам биз учун ҳаммом ташкил қилинди. Термиз ҳарбий гарнизонидан ҳарбий дала ҳаммоми келтирилди. Йигитларга алоҳида, қизларга алоҳида иккита йирик чодирлар ўрнатилди. Синф-синф бўлиб, ҳаммомга тушдик. Тушгандан кейин, овқат ҳақини ушлаб қолиб, терган пахтамик пулини беришди.

Кейинги куни дам олдик. Тушдан кейин эса автомашинада келтирилган тақчил товарлар билан кўчма савдо ташкил қилинди. Уйдагиларни кўрмаганимизга сал кам икки ой бўлганди, уларни жуда соғингандик,

шунинг учун ота-оналаримиз, ака-сингилларимиз учун совғалар сотиб олдик. Ўшанда бувим учун катта қизил рўмол сотиб олгандим.

Шароф Рашидовни шундай эслаб қолганман. Мен учун у киши ҳамиша барҳаёт.

Шароф Рашидов одамлар орасида қандай обрўга эга бўлгани борасида яна бир мисол. 1978 йилда Туркистон ҳарбий округи кўмондони генерал С.Белоножко ҳаётдан кўз юмди. Мазкур лавозимни 1971 йилдан буён эгаллаб турганди. У онкологик хасталикка чалинган бўлиб, ўз яқинлари ва дўстлари билан видолашишга улгурди. Инсонлар, одатда, ўлим тўшагида ёлғон сўзламайди, у Ш.Рашидовга шундай мактуб битди:

«Азизим Шароф Рашидович! Фикр юритиш, ишчанлик, тафаккур, камолот, иқтидор, ташкилотчилик ва одамларни ўз ортидан эргаштириш салоҳияти борасида Ўзбекистонда сизга тенг келадиган шахс йўқ. Сиз халқнинг ичидан чиққансиз ва ҳеч ким сизчалик дўстликни кадрламайди ва инсонларни севмайди.

Ўн йил ичида мен шунга ишонч ҳосил қилдимки, сиз билан қийин масалаларни ечиш ҳам жуда осон, ҳарбий либосдаги инсонларга ғоят ғамхўрлик ва муҳаббат билан муносабатда бўласиз. Ўзбекистон тарихида сиз чуқур, унутилмас из қолдирмоқдасиз. Сиз уммондаги – фақат бир қисмигина юзадаги улкан муз тоғига ўхшайсиз.

Бутун оилангиз барчага намуна бўлиб, ҳар қанча ғурурлансангиз арзийди. Мени доимо ҳайратга солувчи Володя, Хурсандой Ғафуровна ва барча яқинларингиз ушбу мактубни ўқисинлар, юрагимнинг сўнгги уришига қадар оталари ҳақида қандай фикрда бўлганимни болаларингиз ва набираларингиз билсинлар.

Сиз билан видолашиш мен учун нақадар оғир. Аммо бу – пешонада бор, ундан қутулиб бўлмайди. Такдирда шу ёзилган. Энг қадрдон инсон – алвидо, бутун оила аъзоларингизга – алвидо!»

М.Горбачёвнинг қайта қуриш йилларида ёзувчи Темур Пўлатов «Огонёк» журнаliga интервью бераётиб, Ш.Рашидовнинг севиб ўқийдиганлари Ян романлари (гап бу ерда «Чингизхон», «Боту» ва «Энг сўнгги денгизга қадар» романлари ҳақида кетмоқда) ва Калашниковнинг «Қаттол аср» романи экани ҳақида айтади. «Эҳтимол, у орзулари қанотида ўзини Бутун Олам ҳоқони дея ҳаёл қилгандир».



Аслида эса Ш.Рашидов умуман тарихий китобларни ўқишни ёқтирар, зеро, тарих бошқа фанлардан кўра уни кўпроқ ўзига жалб этарди. Бу мойиллик олис йиллардан, Рашидов энди-энди ўрта мактабда ўқитувчилик фаолиятини бошлаган, оддий деҳқонларнинг фарзандларига тарих ва адабиётдан дарс бераётган кезларда бошланган эди. Унинг ўзи адабиётга ихлоси ҳақидаги саволларга жавоб бераётиб, кўп йиллардан сўнг қуйидагиларни ёзган эди:

«Халқ маданиятининг энг яхши намуналарида акс этган маънавий тажрибасини ўзлаштириш учун адабиёт ва санъатнинг ниҳоятда кенг оламига мурожаат қилиш зарур. Бинобарин, муаллим ва устозларимиз ҳақида гапирганда, мазкур ҳолатни ҳар битта аниқ ҳолатда ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

Менинг тасаввуримда бу каби маънавий тажрибани мумтоз рус адабиёти ва Шарқ мумтоз шоирлари ижодидан ўрганса бўлади.

А.Пушкиндан тортиб Л.Толстой ва А.Чеховгача шон-шуҳратга кўмилган бир қатор XIX аср рус ёзувчиларини, албатта, мамнуният билан эсга оламиз. Шунга қарамай, И.С. Тургенев – киши қалбини забт этувчи лириزم, табиатга муҳаббати, образлар яратиш маҳорати билан менга яқин. Унинг «Арафа» романи қаҳрамони Инсаров сеvimли қаҳрамонларимдан бири. Н.В. Гоголь асарларини ўқиб кўп нарсаларни ўрганганман.

Шарқ мумтоз адабиётига келсак, унинг буюк сиймоларидан, аввало, Алишер Навоий асарларини тилга олмоқ лозим».

Ш.Рашидов Алишер Навоий асарларининг аксариятини ёддан билгани ва ўзининг омма олдидаги чиқишларида улардан тез-тез парчалар келтирганини қайд этиш зарур. Рашидовнинг ёрдамчиси Л.Шабшай эсга олганидек: «Ёрдамчиларингиз яхши ёзгани боис сизнинг (Ш.Рашидовнинг) маъруза ва нутқларингиз кучли деб ўйловчилар хато қилади. Ахир, маъноси, йўналиши, ҳатто маъруза ёки нутқнинг тузилишини ҳам ҳар доим сиз белгилайсиз ва ойдинлаштириб келасиз. Мен, Жуков сингари (А.Жуков – Рашидовнинг яна бир ёрдамчиси ва спичрайтери) сиз навбатдаги чиқишингизнинг аниқ режасини аввалдан ўйлаб қўйганингиз ва бизга берганингиз, қайси назарий ҳамда амалий материаллардан фойдаланиш кераклигини айтиб турганингиз, нутқни тизим бўйича, бўлимларга кўра қандай тузиш, қандай хулосалар чиқариш ва вазифа қўйиш керакли-

гини тушунтирганингизни бошқалардан кўра яхшироқ биламан. Бунинг устига, матнга киритилиши лозим бўлган халқ мақоллари ва ибораларини айтиб тургансиз. Кўп ҳолатларда чўнтагингиздан ўзингиз томондан кичик ҳарфлар билан тигиз қилиб ёзилган, зарур ҳужжатнинг моҳияти, маъноси, йўналиши ҳеч бир нуқсонларсиз аниқ ва тушунарли битилган варақчаларни чиқарардингиз. Буларнинг бари сиз томонингиздан ҳали уйдаёқ, ишдан ташқари пайтда ўйлаб қўйганингизни кўрсатиб турарди. Сиз, ўзбек тилида ёзадиган ўзбек адибининг рус тилини шунчалик яхши тушунганингиз мени доимо ҳайратга соларди. Ҳатто энг кичик стилистик хато, ноаниқлик ёки ўз ўрнида ишлатилмаган русча сўзни ҳам сиз қандайдир жуда тез пайқардингиз ва қандай қилиб, қайси сўзлар, қайси жумла билан тўғрилашни айтардингиз...»

А.Навоийнинг 500 йил аввал ёзилган ўлмас асарлари Ш.Рашидовга аксарият ҳолларда ўз замони ҳақида гапиришга кўмак берган. Зеро, ўша йиллари «эзоп тили» жуда катта аҳамиятга эга бўлган ва матбуотда аксарият нохуш нарсалар, жумладан, партия номенклатурасининг чириб бораётган қисми ҳақида ёзишнинг имкони йўқ эди. Шу боис, ҳатто Сиёсий бюрога номзод бўлмиш Ш.Рашидовга ҳам бу ҳақда гапиришга тўғри келиб қолса, фақат юзакигина, четга чикмай, бунга алоҳида эътиборни қаратмай гапириш керак бўларди. Аммо Ш.Рашидов Навоийнинг ўлмас сатрларини қўлига олиб, одамлар билан керагидан ҳам ортиқ даражада очикроқ гаплашиш имконини топарди. У айтиши шу боис ўзининг асарлари тўпламига буюк донишманд ва маърифатпарвар ҳақидаги мақоласини қўшган. Унда қуйидаги сатрлар бор:

«Сарой фитначиларини янчиб ташловчи танқид ва меҳнат кишиларини мадҳ этишга Навоий ўзининг бутун шиддатли ҳаёти, бутун фаолияти, бутун ижодини бағишлади.

Халқни ёзадиган ва талайдиган, турли қаллоблар ва таъмагирларни қўллаб-қувватловчи ҳукмдорлар Навоийнинг истехзога тўла, қамчиловчи шеърятининг бош тимсоллари сифатида биринчилардан бўлиб кўзга ташланади.

Шоир ўз сатираси қиличини нафақат халққа қарши ҳукмдорлар ва уларнинг гумашталари, балки ўзгалар бойлигини ўзлаштириб, ушбу бойликни ўз ватани, ўз халқига қарши кўювчи давлатмандлар бошига ҳам

ёғдиради. Навоий конхўрлар қаршисида ўзини қароллардек тутувчи, уларга ёқиш учун инсон кадрини ерга урувчилар, номусини сотувчилар устидан ҳам беаёв кулади. Уларни аямай қамчилар экан, Навоий ҳалол ва олийжаноб кишиларни кўкларга кўтаради:

*Сахий зот ҳиммати багоят баланд,  
Олам аҳли ичра азиз, сарбаланд.*

*Қўлида гар сариқ чақа ҳам бўлмас,  
Қўли очиқ бўлса ҳеч қашшоқ эмас.*

*«Қашшоқ!» дегин қай бир кас йўқ ҳиммати,  
Ҳиммати йўқ зотнинг йўқ ҳеч ҳурмати...*

*Тубан-насткаш гарчи талай ганжи бор,  
Асрайин деб туну кун минг ранжи бор.*

*Бахил танга тугиб қўйса қай маҳал,  
Тугунни ечишдан безиллар ҳар гал<sup>1</sup>.*

Алишер Навоий ўз шахсий манфаатини деб адолатни топтаб, имонини пуллайдиган бетавфиқ қозилар; таъмагирлик қадар тубанлашиб кетган олим ва санъат намояндалари; дангасалар, ўғрилар, олибсотарлар, чайқовчилар юзидаги ниқобни юлқиб ташлайди».

Рашидов қай даражада байналмилалчи бўлгани ҳақида юқорида айтиб ўтилди. У, айниқса, русларга алоҳида хайрихоҳлик билан муносабатда бўларди. Йигирма йилдан кўп вақт давомида республика раҳбари сифатида ишлар экан, рус тилини ўрганиш ва рус маданиятига бағишланган турли хил тадбирларга бош-қош бўлди.

Шароф Рашидовнинг Ўзбекистонда раҳбарлик қилган бутун даврида, 1969 йил апрелида Тошкентда ўтган футбол учрашувидан сўнг миллатчилик руҳидаги биргина фавкулудда ходиса рўй берди. Мазкур воқеаларни

---

<sup>1</sup> Алишер Навоий. «Садди Искандарий», XVI бобдан парча. Қаранг: Алишер Навоий. Садди Искандарий (настрий баёни билан). Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Т., 1991. 87–88-бетлар. Таржимон шеърӣ табдили.

уюштирган фитначилар ҳақида юқорида келтирилди. Уларнинг мақсади Рашидовни обрўсизлантириш ва лавозимидан четлатиш эди. Бироқ баъзи бир тарихчилар орасида ушбу жанжалда Рашидов қайси бир жиҳатдан айбдор эканлиги ҳақида хануз гаплар юради. Мисол учун ўша пайтдаги Иттифок ДХК 5-бошқармаси бошлиғи Ф.Бобков бу ҳақда шундай дейди:

«Келгусида бу каби фавкулудда ҳодисалар такрорланмаслиги учун ушбу воқеаларни ошкор қилиш, чоралар кўриш лозим эди. Бироқ буни Ўзбекистон Компартияси МКнинг ўша пайтдаги биринчи котиби Шароф Рашидов мутлақо истамади. Бунингдек ёқимсиз кўринишлар республикага ярашмасди, демак, ўзбекларда миллатчилик чиқишлари бўлиши мумкин эмас. Рашидов нафақат чора кўрмади, балки буни Москвадан яшириш учун барча ишни қилди».

ДХКнинг ҳурматли генералидан сўрашни истардим. Қандайдир бир олис кишлоқда эмас, балки 1,5 миллион киши истиқомат қилувчи иттифок республикаси пойтахтида бўлиб ўтган тартибсизликларни Рашидов қандай қилиб беркитмоқчи бўлган? Юзлаб одам ушбу тартибсизликларнинг гувоҳи бўлгани ва улардан кўпчилиги Ўзбекистон Компартияси МКга ҳам, Москвага ҳам, у ердаги КПСС МКга ҳам бу ҳақда телеграмма бериш учун шу ондаёқ югуриб қолгани ҳисобга олинса, умуман, буни қандай яшириш мумкин? Бундан ташқари, Ўзбекистон Компартияси МКнинг 2-котиби, республика ДХК раиси Тошкентда доимий равишда бўлиб турар, улар хизмат вазифаси юзасидан бу воқеа ҳақида Марказга хабар бериши шарт эди.

Шароф Рашидов ҳар қанча истагани билан ўша воқеаларни ҳеч қанақасига беркита олмасди. Ва у буни яширмади – ҳукумат алоқа линияси орқали ўзи шахсан бу ҳақда Брежневга хабар берди. Натижада иттифок ИИМдан Тошкентга махсус батальон жўнатилди.

Бобковнинг ёзишича, гўё бу каби фавкулудда ҳолатлар бошқа ҳеч жойда такрорланмаслиги учун доимо ошкор этилиши лозим. Рашидов бошқача йўл тутди: мазкур воқеани жамоатчилик ҳукмига (Москва билан келишилган ҳолда) ҳавола қилмади, бироқ бу каби ҳодисалар қайтарилмаслиги учун қўлидан келган барча ишни қилди. Бинобарин, такрорланмади ҳам: Рашидов даврида Ўзбекистонда миллатчилик асосида бошқа тўқнашув бўлмади. Кўп миллатли Ўзбекистон мамлакати энг тинч худудларидан бири ҳисобланарди. Бу ерда бошқа республикаларда истаганча топиладиган диссидентлар ҳам, бақироқ-чақироқ миллатчилар ҳам йўқ эди.

Мисол учун Арманистон республикасини олайлик.

Кавказорти республикалари орасида (Грузия билан биргаликда) Арманистон раҳбарияти намояндалари бирмунча айирмачилик кайфиятида эди, бу нарса, ҳатто гербида акс этган: унда, мажбурий ўроқ ва болгадан ташқари, бошқа давлат ҳудудида жойлашган (Туркияда) Катта ва Кичик Араратнинг тасвири ҳам бор (Арарат тоғи Арманистон томондан кўриниб туради, холос). Ушбу тасвири туркларнинг ўзи «рамзий босқин» деб атаганлар (совет герблари орасида биргина уни шундай аташган). Бироқ бу борада айтилган барча таъналарга арманилар ўта ўзига хослик билан жавоб қайтарган: нима бўлибди, туркларнинг ўз гербларида ҳам ярим ой тасвирланган, гарчи Ой уларнинг ҳудуди бўлмаса ҳам.

Тоғли Қорабоғ Арманистон учун доимо ошдан чиққан тош бўлиб келган. Совет ҳокимияти эълон қилингунига қадар мазкур ҳудуд Арманистонга тегишли эди, шу боис у ердаги аҳолининг аксарияти арманилар бўлган. Бироқ 20-йиллар бошида Москва уни Озарбайжонга беришга қарор қилди. Бу – улкан сиёсат таъсирида қилинганди. Озарбайжон ўша пайтлари совет таъсирининг Кавказортидаги марказига айланганди, шу боис ҳудуднинг иқтисодий ва геополитик жиҳатдан муҳим жиҳатларини бошқарган Озарбайжон раҳбариятининг овози тарқоқ, деҳқонлар мамлакатининг заиф партиясини тажассуми бўлган армани коммунистларининг овозларига қараганда, Москва учун кўпроқ нарсани англатарди. Бироқ кейинчалик айнан мана шу муаммо «аста-секинлик билан портловчи» бомбага айланган. 1965 йилда мазкур бомба илк марта портлади: айнан ўшанда Арманистонда Тоғли Қорабоғни ушбу республикага қўшиб олиш талаби билан оммавий митинглар бўлиб ўтди. Ўшанда милиция ва армия бартараф қилишга уриниб кўрган армани ва озарбайжонлар ўртасида биринчи тўқнашувлар рўй берди.

Балки миллатчилик авжига чиқишидан чўчибми, Москва доимий равишда Арманистон раҳбариятининг айтганини қилишга ўтиб, одатда, бошқа республикаларга рухсат берилмайдиган нарсаларни унга раво кўра бошлади. Жумладан, айнан Арманистонга МК 2-котиби этиб четдан эмас – арманиларни, яъни ўз кадрларини қўйишга рухсат этилди. Худди шу нарса ДХК раисларига ҳам тегишли, улар ҳам маҳаллий кадрлар эди: 1954 – 1972 йилларда бу шахс Г.Бадамянц бўлди, 1978 – 1988 йилларда

М.Юзбашян. Шуни айтиш лозимки, Бадамянчининг рекордини бир неча киши янгилади, у ҳам кавказлик – А.Инаури. У Грузия ДХК раиси сифатида нақ 34 йил (1954–1988) иш олиб борди. Мазкур Кавказорти республикалари бу борада ягона эканлигини таъкидлаб ўтамиз: бошқа республикаларда ДХКнинг раҳбарлари тез-тез, ўн йилда уч-тўрт марта алмашиб турарди. Шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам 1960 йилдан 1977 йилгача уларнинг 5 нафар бошлиғи алмашди. Аксарият бошқа республикаларда бутунлай бошқача бўлган.

Озарбайжонда маҳаллий раис ўрнини, албатта, маҳаллийси алмаштиради, бунинг натижасида деярли 20 йил (1967–1984) ДХК раиси лавозимида икки нафар озарбайжон бўлган. Украинада украинлар: В.Никитченко (16 йил), В.Федорчук (12 йил). Эстонияда деярли 30 йил давомида икки нафар, иккиси ҳам маҳаллий кадрлар. Қозоғистон, Қирғизистон, Латвия, Литва ҳам худди шундай. Таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда ташқари яна иккита – Тожикистон ва Туркменистонда маҳаллий кадрлардан ДХК раиси бўлмаган. Бинобарин, Арманистондаги каби айирмачилик кайфиятидаги ДХК бўлмаган. А.Давтян буни шундай баён этади:

«Иттифокда мафкуравий сабабларга кўра ман этилган фильмларни бемалол томоша қилиш мумкинми? Тасаввур қилинг – Арманистон республикаси ДХК клубида, тўғридан-тўғри ДХК биносида, Налбандян ва Ханджян муюлишида. У ерга кириш осондан-осон эди, тўғри, зал кичикрок, чингачи учун ҳам навбатда туришга тўғри келарди, аммо киночи-чекистларга кўп бўлган дўстларингни етаклаб келишни ваъда қилсанг қўшимча сеанс борасида маъмурият билан келишиб олса бўларди. Тарковскийнинг «Кўзгу» ёки «Сарасув ости кемаси» фильмларини кўришни истовчилар сони жуда кўп бўлган кетса, томошани ДХК клубидан хиёбоннинг нариги тарафидаги «Милиционер уйи»га (ИИМ клуби) кўчиришарди, у ерда зал каттароқ эди.

Чекист ва милиционерларда ҳаммаси алдовсиз: агар прокатда «Кунгабоқарлар» ёки «Янги амазонкалар» фильмлари кетаётган бўлса, рус тилидаги очиқ сахналар қирқиб ташланар, ДХК клубида ҳам айнан ўшанга кўриш мумкин бўларди. Бироқ «қирқилган» фильмдан сўнг олиб ташланган барча эпизодлар намоиш қилинарди, тўғри, таржима қилинмасдан.

Москва кино уйи ҳамда БДКИ (ВГИК) нинг ёпиқ томошаларида намоиш қилинадиган, ман этилган деярли барча фильмларни – истанг амс-

рика вестернлари, италян неореализми, цензура туфайли «токчалар»дан жой олган, мамлакатнинг ўзида ишланган фильмлар, эротика, кўркинчли фильмлар ёки ғарб рок-гуруҳларининг концертлари» – мафкуравий йўналишидан қатъи назар ДХК клубида томоша қилиш мумкин эди.

Қайд этамизки, бу каби эркинликлар биронта ҳам совет республикаси, ҳатто Болтиқбўйи республикаларида ҳам бўлмаган. Ўзбекистонга келсак, нафақат маҳаллий ДХКларда, ҳатто кенг прокатда ҳам аксарият капиталистик давлатларнинг (АҚШ, Англия, Франция, Италия) фильмлари тақиқланган эди. Бу нарса нафақат маҳаллий, капиталистларча ахлоқий меъёрларни қораловчи анъаналар билан боғлиқ, балки республика маҳаллий партия раҳбарияти истагига кўра ҳам амалга ошмаган. Моҳиятан, юқори ўзбек раҳбарияти мазкур масалада Кремль раҳбариятини капитализмни яширинча тиклашда аллақачон гумон қила бошлаган ўша европалик коммунистлар билан ҳамфикр бўлган. 1972 йили Ғарбий Германиянинг «Revolutionärer Weg» нашриёти ёзганидек, «АҚШ империализми жуда яхши билადики, тафтишни истовчи мамлакатларда капитализмни қайта тиклаш фақатгина иқтисодий воситалар билан олға силжмайди. Буржуазия мафкураси, аввалам бор маданий алоқалар орқали кириб бориши лозим».

Мана шунинг учун ҳам Арманистонда бўлиб ўтган ҳодисалар Ўзбекистонда ҳам рўй бериши ақл бовар қилмайдиган нарса эди. 1977 йили Ереваннинг қоқ марказида Брежневнинг улкан портретини ёқиб юборишди ва шу йили айнан ўша ердан Москвага террористлар келиб, учта бомба портлатишди, бунинг оқибатида ҳеч қандай гуноҳи йўқ ўттизга яқин москвалик ҳалок бўлди. Бу нима учун рўй бергани ҳақида Ф.Бобков шундай ёзади:

«Ғарбий Арманистонни Туркия билан жанжалсиз бирлаштириш имкони йўқлигини тушунган дашноқлар совет Иттифоқи худудида ерларни тўплаш йўли билан Буюк Арманистон тузиш ғоясини амалга ошириш ҳақида ўйлардилар. Бу нарса ғарб мамлакатларидаги ватандошларнинг қайтиб келиши билан Арманистонда армани аҳолисининг сезиларли даражада кўпайишига олиб келди. Ер юзининг барча бурчакларидан Иттифоққа келган арманиларнинг биринчи гуруҳини боболар юртида қайноқ қучоқлар билан кутиб олишди ва улар совет Арманистони ҳаётига фаол қўшилиб

кетишди. Булар ишчи, уста, оддий қилиб айтганда, хунарманд кишилар эди. Аммо кейинроқ қайтаётганлар орасида ахлоқ ва одоб борасида ўз тасавурларига эга савдо дунёси вакиллари кўпчиликни ташкил эта бошлади. Улар пайдо бўлиши билан республикада «Дашноқютун»нинг таъсири кучая борди. Мазкур ташкилот барча йўллар билан, ҳатто террордан ҳам тап тортмай, ўз ғояларини ҳимоя қилувчи экстремистик гуруҳларнинг миллатчилик кайфиятларига таяниб кўпоровчилик фаолиятини давом эттира бошлади.

1977 йилнинг январида Москвада Октябрнинг 25 йиллиги кўчасида (ҳозирда Никольская кўчаси), Дзержинский майдонидаги дўконда (Лубянка) ва «Измайлов хиёбони» ҳамда «Биринчи май» бекатлари оралиғидаги метрода учта портлаш рўй берди. Жиноятчиларни ўн ой ўтиб ушлашди. Маълум бўлишича, учаласи ҳам ўз олдига совет тузуми, бинобарин, Москвага қарши курашишни мақсад қилиб қўйган ноқонуний армани миллатчилар партиясининг аъзолари экан. Улар руслардан ўч олишга қарор қилгандилар.

Ушбу воқеа партия ва давлат арбобларининг диққатини жалб этиши, миллатлараро айирмачиликка олиб келувчи сабабларни бартараф этиш йўлларини ахтариш лозимдек эди. Аммо Москвада бўлиб ўтган тергов органлари ва суд ишларидан бўлак ҳеч қанақа ҳаракат бўлмади. Арманистон раҳбарияти ушбу қонли жиноятни республика аҳолисидан беркитиш учун кўлидан келганини қилди. Арманистон Компартияси МК биринчи котиби Демирчяннинг кўрсатмасига биноан, арман тилида чикувчи биронта газета ҳам террористик ҳаракат ҳақида хабар босиб чиқармади. Затикян (террорчилар бошлиғи) ва унинг маслакдошлари устидан олиб борилган жараён ҳақидаги ҳужжатли, Олий суд мажлисида суратга олинган фильмни, ҳатто Арманистон партия фаолларига кўрсатишни ҳам ман этиб, уни фақат олий раҳбариятнинг тор доирасидагина намойиш қилдилар. Гарчи кўп фойда келтириши ва тарбиявий ишларда ёрдами тегиши мумкин бўлса ҳам фильм оммавий экранларга чиқарилмади. Республика раҳбарияти ушбу ман қилишни гўёки руслар нигоҳида арман халқини обрўсизлантиришни исташмаганини сабаб қилиб кўрсатди.

Ҳатто террор амалиётидан сўнг ҳам ҳеч ким сиёсий хулоса чиқаришни истамади: террор билан курашиш – ДХКнинг иши, шунинг учун ҳам бу



каби ҳодисаларни улар бартараф этишлари ва бунга йўл қўймасликлари лозим, агар рўй берган бўлса, ўзлари пиширган ошни ўзлари ичишсин... Ҳеч ким муаммо моҳияти ичига кириб бориш ва англашни истамади – дашноқ тарғиботига қарши тушунтириш ишларигина кулфатнинг олдини олиши мумкин эди. Ҳам Марказдаги, ҳам маҳаллий раҳбарлар фақат шунинг ўзи билан муаммо ҳал бўлмаслигини тушунишни истамадилар. Ҳатто орадан бир неча йил ўтиб, республикада миллатчиликка мойиллик ўса бошлаганда ҳам, дашноқлар Арманистонни ўз ғоялари билан янада фаолроқ камраб олаётганида ҳам маҳаллий раҳбарият уларга кераклича зарба бермади, катта эҳтимол билан айтиш мумкинки, бу тасодифий ҳол эмас эди.

Армани миллатининг устунлиги ғояси Арманистонда барчага болаликдан сингдириб бориларди. Жумладан, ўрта мактабнинг 7–8-синф дарсликларида савол қўйилган: «Қайси мамлакатлар пойтахтида арман мактаблари бор?» Шу ернинг ўзидаёқ жавоб берилдики, Иттифоқ пойтахтида бунақа мактаб йўқ, баъзи бир чет давлатларда бор. Босқинчилик йилларида гитлерчилар билан курашган «Ёш гвардия» ташкилоти қатнашчилари орасидан дарсликда фақатгина Жора Арутюнянцнинг номи келтирилади. Бошқа исмлар, ҳатто, унинг раҳбарлари номи эса олинмасди. Дейлик, агарда буюк мусиқачилар, рассомлар, маданият арбоблари ҳақида сўз кетса, қоидага кўра фақат армани фамилиялар айтиб ўтилади. Табиийки, натижада дашноқ тарғиботи серунум тупроққа келиб тушади...»

Яна бир Кавказорти республикаси – Грузия раҳбарияти бундан ҳам ортиқ миллатчилик, манманлик кайфиятига берилганди. Бинобарин, мазкур республика раҳбарияти кўнглини овлаш учун Марказ хилма-хил ён беришлар қиларди. Жумладан, 70-йилларда республикага 60 фоиз дотация ажратилган, айти пайтда, Ўзбекистонга ундан икки (!) баравар кам дотация маблағлари берилганди. Грузияга Шеварднадзе раҳбар бўлиши арафасида (1972 йилда) Москва мазкур Кавказорти республикасига 14 миллиард рубль ҳадя қилади, «айёр тулки» республика КП МК 1-котиби бўлгандан сўнг эса субсидиялар янада дарё бўлиб оқиб кела бошлади. Грузия ижтимоий соҳасига РСФСРга қараганда 15 баравар кўп маблағ сарфланди. Натижада Грузиядаги ҳаёт мамлакат бўйича умумий кўрсаткичдан уч бараварга фаровонлашди. Шунинг учун ҳам Иттифоқ фуқаролари мазкур республикани орқаворатдан «миллионерлар ўлкаси» деб атарди.

Г.Нижарадзенинг ёзишича: «Шеварднадзе ҳокимият тепасига келгандан сўнг, икки-уч йил ўтиб, кўланкадаги номенклатуравий-иктисодий тизим тезлик билан жонланди ва гуркираб кетди. Мисол учун «шарбатлар» ишлаб чиқариш каби бутун бир соҳа вужудга келдики, унга дахлдор кишилар ишончли ҳимоя остига олинарди: агар кимнингдир тўғрисида у «шарбатлар»да ишлайди дейилса, бу одамда истаганча пул борлигини ҳамма дархол тушунарди. Тўғри, кейинроқ мазкур шарбатлар билан Заполяръенинг аллақаерида бутун бир шаҳар заҳарланди ва Москванинг кўрсатмасига кўра мазкур корхонанинг кулини кўкка соворишди, аммо вазият эскилигича қолди.

Шеварднадзе тизими умумий иттифоқ тизимидан жуда фарқланарди, дейиш ноўриндир, бироқ Грузияда ҳокимият тепасидагиларнинг хуфиёна иктисодиёт вакиллари билан тил бириктиргани бўртиброқ эмас, балки яққол кўзга ташланиб турарди. Номенклатура партия ёки ёшлар ташкилотларига ишга жойлашиш ҳокимият, таъсир кўрсатиш, бойлик ва роҳат-фароғат каби советларга хос ҳамма имтиёзларидан фойдаланишни англатарди.

Ўтган асрнинг 60–80-йиллари, эҳтимол, Грузия тарихида энг беғам давр бўлгандир: умумий республика эҳтиёжлари Марказ томонидан керагича қопланар, даромадли жойлар исталганча топилар, санъат ва спорт гуллаб-яшнаган, келган меҳмонлар арзонгина нархда шароб ичишар ва советларга бегона енгилтаклик муҳитидан ҳайратга тушардилар. Республикада совет ҳокимиятини баралла сўкишар, аммо у ўзининг сўнгги йилларини яшаётгани ҳеч кимнинг хаёлига келмасди. Шеварднадзенинг ўзига келсак, уни ёқтирмас, бироқ ўзгармас тизимнинг ўзгармас раҳбар арбоби эканини эътироф қилишарди».

Ўзбекистондаги ҳолат Грузиядаги вазиятдан тубдан фарқ қиларди. Республикага нисбатан кам маблағ ажратишар, бироқ оддий халқнинг аксарияти совет ҳокимиятини сўкмас ва айирмачилик кайфиятидаги фикрлар деярли овоза қилинмасди. Ш.Рашидовни ҳам одамлар чин дилдан ҳурмат қилар, уни совет ҳокимияти даврида ўзбеклардан чиққан энг яхши раҳбар деб ҳисоблардилар.

Яна Грузияга қайтсак.

Марказ тарафдан бағрикенгликни грузияликлар айни шундай бўлиши керакдай қабул қилди, зеро, улар республикалар орасида доимо устун-

лик даъво қилишар ва буни кўпчилик ҳамюртлари узоқ вақт мобайнида мамлакат сиёсатида йирик сиймолар бўлгани билан асослардилар. Шеварднадзе даврида ушбу жараёнлар яна ҳам кучайиб, турли кўринишларда намоён бўла бошлади. Жумладан, грузинлар гўё у ерда талабалар дунё-қарашини бузиб юборишади, империяча руҳда тарбиялайдилар деган баҳона билан Москвадаги Бутуниттифоқ кинематография институтига (ВГИК) ўз болаларини юборишдан бош тортдилар. Натижада Москва гуржи талабалари Тбилисида – у ерда очилган ВГИК филиалида ўқишга экин берди. Марказ бошқа бир, бундан кўра анчайин жиддий ҳодисага ҳам ўта мурувватли муносабатда бўлди. Яна бир бор Ф.Бобковнинг хотираларига қайтсак:

«70-йиллар ўртасида эндигина Москвадан Тбилисига қайтиб келган, республиканинг янги Конституцияси лойиҳаси ҳақида тўлқинланиб сўзлаган Э.Шеварднадзенинг қабулида бўлгандим. Жумладан, лойиҳада, Грузиянинг давлат тили ҳақидаги бобда гуржи ва рус тилларини тенг деб тан олиш таклиф этилганди.

– Ҳозир Конституцияда нима ёзилган? – сўрадим мен.

– Бу борада ҳеч нарса ёзилмаган, – жавоб қайтарди Шеварднадзе.

– Янгисида ҳам бу ҳақда ёзиш шарт эмасдир, балки? – шубҳа билдирдим мен. – Йўқ жойдан муаммо кўтаришнинг нима кераги бор?

– Ахир, биз ҳам ўз давлатчилигимизни тасдиқлашимиз керак-ку, – эътироз билдирди у. – Кейин, биласизми, мен бу муаммони Суслов билан келишиб олганман ва у бизнинг ташаббусни қўллаб-қувватлади.

Бироқ Грузия Олий Совети сессияси 1972 йилнинг апрелида Конституциянинг мазкур моддасини қабул қилиши билан талабалар тўдаси кўчаларга чиқди ва рус тилини давлат тили деб ҳисоблаш ҳақидаги сўзларни Конституциядан олиб ташлашни талаб қилди – унда фақат гуржи тили бўлмоғи лозим. Митинг қилаётганлар олдига Шеварднадзе чиқиб келди ва уларнинг талабини қондириши ҳақида ваъда берди. Ва чиндан ҳам нашр этилган Конституция матнида рус тили ҳақидаги сўзлар ўчириб ташланган ва гуржи тили ягона давлат тили дея эълон қилинганди.

Бу – бизда ҳокимиятнинг олий органига қандай муносабатда бўлганларини англатади: Олий Совет қарор қабул қилади, МКнинг Биринчи котиби ўз буйруғи билан уни бекор қилади.

Бу Конституция аллақачон қабул қилиб бўлинган Арманистон учун яхши баҳона бўлди. Арманилар шу заҳотиёқ ортга қайтиб, гуржилардан ўрнак олган ҳолда, давлат тили дея фақат арман тилини тан олдилар...»

Кавказорти республикалари Кремль ва унинг теварагидаги ҳукумат доиралари орасида ҳар доим ҳам кучли таъсир кучига, ўз одамларига эга бўлганлар, бошқа республикалар билан қиёслаганда, Кавказорти республикалари имтиёзга эга бўлганликлари билан изоҳланади. Кавказликлар нафақат Кремль олий раҳбарияти – Сиёсий бюро таркибига кира олган, ҳатто совет ташқи ва ички сиёсатида муҳим роль ўйновчи кўплаб муассасаларни бошқарган. Мисол учун, Иттифоқ ФА қошидаги фан ва техника бўйича Давлат қўмитасининг Бутуниттифоқ тизимли тадқиқотлар институти, Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро муносабатлар институти каби «тафаккур марказлари»га бошчилик қилишган. Биринчисига Ж.Гвишиани, иккинчисига А.Арзуманян раҳбар бўлган.

Гвишианининг институтида Е.Гайдар ҳам бир неча йиллар давомида ишлаган. Е.Гайдар Иттифоқ парчаланиб кетгандан сўнг Ельциннинг «шок ислоҳотлар ижрочиси» номини олган ҳукуматида бошқарди. Мазкур институтлар фаолияти ҳақида тарихчи А.Шевякин жуда тўғри айтгандек: «Уммон ортидаги тарафларни қизиқтирувчи бу каби ва бошқа кўп муассасалар, охир-оқибат, Ғарб таъсирига тушиб қолган ва Америка манфаатларини ифодаловчиларга айланиб қолди. Улар турғунлик йилларидаёқ узоқ вақт давом этган оёққа туриш жараёнини бошдан кечирди ва алал-оқибат, транснационал корпорацияларнинг маълумот-таҳлил бўлинмаларига айланди».

Болтиқбўйидаги уч республика 70-йилларда миллатчилик ва очикдан-очик русофобия таянчи эди. Бу борада Эстония ажралиб турар ва бу республикани Россияда фашист деган номдан бошқаси билан атамасдилар. У ернинг ёшлари совет ҳокимиятини очикчасига боскинчи деб атар ва ўз ҳукуматларига Иттифоқдан ажралиб чиқиш талабини кўярдилар.

Ва мана шу вазиятда Ш.Рашидов раҳбарлиги давридаги юздан ортиқ миллат ва элатлар тинч, ҳамжихат истиқомат қилиб, меҳнат билан машғул Ўзбекистон миллатлараро муносабатлар борасида энг сокин ҳудуд ҳисобланарди. Бунда, Рашидов очикчасига Москвапарвар ҳукумат раҳбари эди, дейиш мумкин эмас: йўқ, у ҳам, энг аввало ўз миллати ман-

фаатларини устун кўярди. Бироқ Марказ билан муносабатларда оқилона мураса йўлини танлаб, шундай сиёсат юритардики, бунда республика аҳолиси турли миллатчилик ғоялари домига тушмай хотиржам яшар, меҳнат қиларди.

Аммо Кремлда бунга эътибор берадиган одам деярли топилмади, бинобарин, бу ерда Иттифоқни эртами-кечки тарқатиб юборишни мўлжаллаб юрган кимсаларнинг қўли баланд кела бошлаганди. Олий партия доираларида, зиёлилар орасида ҳам либерал-ғарбпарвар нуқтаи назарлар борган сари кадрларни Москвадаги зиёлиларнинг барча гуруҳлари Грузия раҳбари Э.Шеварднадзеге росмана сиғина бошлаган, унинг аксарият қилаётган ишлари «Москванинг империяча ҳукмронлиги»га қаршилик кўрсатишнинг ўзига хос намунаси сифатида талқин қилинарди. Жумладан, грузинлар ВГИКга ўз талабаларини юборишдан бош торганда, Москва либераллари томонидан бу қаҳрамонлик сифатида қабул қилинди. Бинобарин, «Искусство кино» журналида мавжуд тузум тарафдорлари «қизил лойиҳа»ни мафкуравий жиҳатдан куйлашдан воз кечган Грузия кино санъатига «ташланган» ондаёқ либераллар грузинларни ҳимоя қилишга ўтиб олди ва бу баҳсда ютиб чиқдилар.

Айнан шу жанжал авжига чиққанда Шеварднадзе учун Кремль ҳокимиятининг табаррук эшиклари очилгани рамзий маънога эга эди: 1978 йилнинг 27 ноябридаги КПСС МКнинг Пленумида у Сиёсий бюрога номзодликка сайланади. Мазкур Пленумда яна битта жиддий кадрлар жой алмашинуви рўй берди: Ставрополь ўлкаси партия комитетининг собиқ 1-котиби Михаил Горбачёв КПСС МКнинг қишлоқ хўжалиги бўйича котиби этиб сайланди. Бир неча йил ўтиб айнан мана шу одамлар Иттифоқнинг парчаланиб кетишига бошчилик қилди.

Маълумки, бу ҳар икки тайинлов ортида ДХК раиси Ю. Андропов турарди. Айнан у партиянинг келгусидаги умиди дея ҳисоблаб, Шеварднадзе ва Горбачёв номзодини ёқлаганди. Уларга Кремль ҳокимиятининг энг юқорисига чиқишида халақит бериши мумкин бўлган барча тўсиқларни олиб ташлаб, ҳар иккисини ҳам Ю. Андропов раҳбарлик ўриндиғи томон бошлаган эди. Жумладан, 70-йилларнинг биринчи ярмида ўша пайтдаги Ички ишлар вазири Николай Шчелоков Горбачёв раҳбарлигидаги ўлкага назорат комиссиясини юбориб, Ставрополь ўлкасида нима учун жинойт-

чилик шиддат билан ўсиб бораётганини аниқлашга киришганда, айнан Андропов Иттифоқ прокуратураси билан бирлашиб, мазкур уринишга барҳам берганди. Натижада Горбачёв ўз лавозимида қолганди. Боз устига, 1979 йилнинг кузида у Сиёсий бюро аъзолигига номзод этиб сайланди. Ҳолбуки, котиблик лавозимида бир йил ишлаб ҳам мамлакат қишлоқ хўжалигида аҳволни ўнглаш қўлидан келмаганди ва Ставрополь ўлкаси мамлакатнинг жиноят борасидаги энг нотинч ҳудуди бўлиб қолаётганди. Ўлкада коррупция, умумий жиноятчилик ҳам авжига чиққанди. Мисол учун, 70-йиллар сўнгида айнан ўша ерда қотиллик ва автомобиль эгаларини талаш билан шуғулланувчи ака-ука Самойловларнинг тўдаси пайдо бўлди. Икки йил ичида ака-укалар тўдаси 32 нафар кишининг бошига етди.

Горбачёвнинг қайта қуриш йилларида Иттифоқ матбуотида «ўзбеклар иши» беармон овоза қилинган пайтлари Ш.Рашидов қандай қилиб Сиёсий бюро аъзолари ва москвалик бошқа юқори лавозимдаги арбобларни қимматбаҳо совғалар билан кўмиб ташлаётгани ҳақида кўп марта ёзилди. Жумладан, таниқли журналист Л.Млечин бу борада шундай дейди:

«Мамлакат хўжайини ва унинг яқинларига барча республикаларда совға бериларди. Бироқ ҳеч ким буни Рашидовчалик қила олмасди – у москвалик бошлиқларнинг диди ва нимага ишқибозлигини жуда яхши биларди. Бирон-бир масъул ходим Ўзбекистондан қуруқ қўл билан пойтахтга кетмасди. Энг керакли мансабдорларга йил бўйи совға етказиб бериларди. Ҳатто баҳорда ҳам Москвага – улар қиш бўйи ертўлаларда авайлаб сақланган қовун ва узумлар ҳатто баҳорда ҳам Москвадаги тегишли шахсларга тортиқ қилинарди.

Иттифоқ ДХКсининг собиқ биринчи ўринбосари, армия генерали Филипп Бобковнинг ёзишича, Ш.Рашидов Сиёсий бюро аъзоси Андрей Кириленкога шоҳона совға тақдим этган – қизи ва аёли учун махсус ишлов берилган, камёб қорақўл терисидан тикилган мўйнапўстин совға қилган.

Бу борада баҳслашмайман, зеро, тележурналистнинг ёзишича, юқори даражадаги меҳмонларга барча республикаларда совға улашганлар. Бунинг эвазига совға берувчилар Марказдан ўз ҳудудлари учун турли кўринишдаги дотациялар, фондлар ва бошқа шу кабиларни олишга уриниб кўрганлар. Қайд этиш жоизки, совға бериш тизими Марказ тарафидан имкони борича қўллаб-қувватланган. Бу каби товар алмашинуви Москва амалдорлари учун айни муддао эди.

Яна Ш.Рашидовга қайтамиз.

Агар Млечинга ишонилганда ва Ўзбекистон раҳбари «Иттифокдаги энг яхши совға берувчи» бўлганлиги эҳтимол қилинганда, беихтиёр савол туғилади: нега унда Рашидов Сиёсий бюро аъзоси бўла олмади, то умрининг охиригача – 22 йил давомида номзод бўлиб қолаверди?! Аmmo миллатчи Шеварднадзе ва кишлок хўжалиги бўйича укувсиз раҳбар Горбачёв қисқа номзодлик муддатидан сўнг бир уринишда Сиёсий бюрога аъзо бўлиб олдилар: Шеварднадзе олти ярим йил, Горбачёв эса бор-йўғи ўн бир ой кутди. Балки, республикалардаги раҳбарлар орасида айнан шулар энг устомон ва учига чиққан лаганбардорлар бўлгани учундир? Ми-сол учун, Горбачёв Ставрополь ўлкаси раҳбари бўлганда ва мамлакатнинг деярли барча раҳбарлари даволанадиган Кисловодскдаги шифохонани бошқариб турганда юқори даражадаги меҳмонларга зир югуриб хизмат қилгани, улар эса Горбачёвни Москвага ишга ўтказиш борасида қарор қабул қилаётганларида унинг бу уринишларини унутмаганлари ва эътиборга олганлари ҳақида кўплаб гувоҳлар бор. Ўша йиллари Ставрополда ишлаган В.Казначеев шундай хотирлайди:

«Партиявий имтиёзлар квартира, машина, дала ҳовлига эга бўлиш, озик-овқатлар хариди, махсус дўконлардан керакли зарур китоблар сотиб олиш, тиббий хизматдан фойдаланиш каби жиддий устунликларни ҳам таъминларди. Бироқ бу имтиёзлардан фойдаланмайдиганлар ҳам бор эди, айни пайтда, Горбачёв каби қулай имкониятни қўлдан чиқармайдиганлар ҳам етарли эди.

Михаил Сергеевич ўз одамлари орқали қимматбаҳо дарахтлардан қилинган, деярли рандаланган тахтани эслатувчи серҳашам мебелдан тортиб шаҳар чеккасидаги, обрўли жуфтлик учун махсус қурилган ҳашаматли уйларгача барчасини қўлга киритганди. Ставрополь «Интуристи» Михаил Сергеевичга керакли ва фойдали одамлар қабул қилинадиган Горбачёвларнинг шахсий дала ҳовлисига айлантирилганди.

Михаил Суслов Ставрополнинг 200 йиллиги муносабати билан ўлкага (1977 йилда) келди, шаҳарни «Октябрь инқилоби» ордени билан мукофотлади. Михаил Андреевич кизи билан бирга эди. Тантаналар Майя Михайловнанинг туғилган кунига тўғри келиб қолди. Горбачёв гуруҳи бу ҳақда аввалдан билганди ва табиийки, Сусловнинг кизини ниҳоятда на-

зокатли мулозамат билан куршаб олишди. Раиса Максимовна қизнинг кўлига маҳкам ёпишиб, кун бўйи унинг яқинига ҳеч кимни йўлатмади. Бошқа котибларнинг аёллари ҳам кўйилмади.

М.Михайловнага қимматбаҳо совғалар ҳадя этишди. Жўнаб кетишларидан сал аввал Горбачёвнинг кўрсатмасига кўра Сусловнинг оиласига сувости милтиғи, невараси учун эса ўша пайтлари русум бўлган чарм камзул совға қилинди.

Бу биргина ҳолат эмас. Л.И. Брежневнинг фуқаролик авиацияси вазири Б.Бугаевга нисбатан алоҳида муносабатини билган Горбачёв Борис Павловични оиласи ва таниш-билишлари билан Кисловодскка меҳмонга таклиф қилди. Кутиб олиш маросими олий даражада ўтди – қимматбаҳо ҳадялар, шоҳона кечки овқат. Бу – Михаил Сергеевичнинг аёлисиз келган биринчи ҳолат эди. Жон-жон деб раксга тушди, вазирнинг аёлига, бошқа хонимларга хушомадлар қилди».

Э.Шеварднадзе ҳам лаганбардорликда ундан қолишмасди, Л.И. Брежнев ва мамлакатнинг бошқа раҳбарлари шаънига мақтовлар ёғдиришда бирон-бир республика раҳбари тенглаша олмасди. Қуруқ сўз бўлиб қолмаслиги учун Шеварднадзенинг шу каби чиқишларидан кичкина парча келтираман:

«Қадимда осмон қанчалик тоза бўлса, лочиндай жуда баланд учиш мумкин, беғубор осмон қанотларга ҳам ўзгача куч-қувват бахш этади, деганлар. Леонид Ильич Брежнев, унинг шонли сафдошлари ва партия-миз айни шундай мусаффо ва булутсиз осмонни бизнинг бошимиз узра яратмоқда, одамлар бор вужуди билан кўкка, мусаффо осмонга, коммунизмнинг соф, ёруғ юксаклигига интиладиган муҳит яратмоқда».

Тажрибали ва айёр, олий доира одами Ю.Андропов Горбачёв ва Шеварднадзенинг Кремль Олимпининг энг чўққисига чиқишини таъминлади. Бунда, Горбачёв билан бўлган ҳолатда, ДХК раҳбари ўз эркатойининг эски рақиби, Краснодар ўлкасининг 1-котиби С.Медуновни обрўсизлантириш учун яна бир ўз идораси ҳунарларидан фойдаланди.

Краснодар ўлкаси анъанавий равишда Ставрополь ўлкаси билан рақобатлашиб келар ва иқтисодий, сиёсий жиҳатдан унга нисбатан жуда кучли устунликларга эга эди. Дастлаб амалда бу ўлка бутун Иттифокни талай озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб, даволаб келиши керак



эди: у ерда мамлакатдаги узумнинг 50 %, доннинг 10 %, қанд лавлагининг 22 %, меваларнинг 32 %, сабзавотларнинг 11 % и ишлаб чиқариларди, шунингдек, энг яхши санаторийлар, қудратли мудофаа саноати мавжуд эди. Медуновнинг энг катта сиёсий ютуғи – у Брежневнинг яқин дўсти эди. Қисқаси, айтиб ўтилганларни ҳисобга олганда Медунов ва унинг ўлкаси Горбачёвнинг кўл остидаги ўлка билан рақобатдан кўркмаса ҳам бўларди. Оқибатда тўсатдан вафот этган Ф.Кулаковнинг ўрнига айнан Медуновни КПСС МКнинг қишлоқ хўжалиги бўйича котиби этиб тайинлашга Брежнев мойиллик билдира бошлади. Бироқ бу лавозимда бошқа бир шахсни – М.Горбачёвни кўришни истовчи Андропов ишга аралашди. Буни тарихчи Н.Зенькович шундай изоҳлайди:

«Андроповнинг шахсан ўзи Брежневнинг столига унинг дўсти Медуновнинг устидан шикоятларни кўя олмасди. Халқ гўё жуда дарғазаб бўлаётганига Брежневни ишонтириш лозим эди. Шу боис Краснодар ўлкасида рўй бераётган номаъқулчиликлар ҳақида меҳнаткашларнинг МК, ДХК, «Правда» газетасига мактублари уюштирилди. Уларнинг бош мақсади – Бош котибнинг дўстини бартараф этиш эди. Суд таъқиблари бошланди. «Қора увилдириқ операцияси» Балиқчилик вазирлигини тарқатиб юбориш имконини берди. Вазир муовини Ритовни отишга ҳукм қилдилар».

«Краснодар иши»да икки нафар вазир – Андропов ва Шчелоковнинг иззат-нафси тўқнашди. Зеро, коррупция ҳақидаги ишларни текшираётиб, ДХК ҳам, Прокуратура ҳам гўё бу ташкилот «сичқонларни ёмон ушлаган» деган баҳона билан ИИВ вазирлигининг манфаатларини беихтиёр хавф остига кўярди. Шу боис олий доирадаги ўйинларда Андроповга қараганда устаси фаранг Шчелоков Медуновга панд берилиши ўзи раҳбарлик қилаётган идорани, устига-устак, ўзини ҳам албатта обрўсизлантиришини жуда яхши тушунарди. Мана шунинг учун ҳам бу ишда у Краснодар ўлкаси раҳбарига тарафкашлик қилди. Кўшимчасига, Андропов Шчелоков жинидан ҳам баттар ёмон кўрувчи Горбачёв учун жон-жаҳди билан уринаётганини жуда яхши билиб турарди.

Асосан, Шчелоковнинг саъй-ҳаракатлари эвазига ўшанда Медуновни лавозимидан олиб ташлаш душманларининг қўлидан келмади. Бироқ Краснодар ўлкасининг хўжайини обрўсизлантирилди, бу нарса Горбачёв

ва унинг ўлкаси Марказнинг кўзига жуда яхши кўриниши учун имкон яратди. Оқибатда бирмунча вақт ўтгач, Горбачёв кўтарилди: Медуновни эмас, айнан уни Москвага ишга ўтказдилар.

Таъкидлаш керакки, икки кучишлатар идоралар – ДХК ва ИИМнинг карама-қаршилиги бутун мамлакат бўйлаб мавжуд эди ва 70-йилларнинг иккинчи ярмида Брежнев хасталаниб, Андропов ва Шчелоков тахт яқинидаги жой учун фаол кураша бошлаганидан сўнг кучайди. Тахмин қилиш мумкинки, Брежнев буни кўриб турган ва, ўз навбатида, бу курашда бирон «жангчи» ҳал қилувчи устунликка эга бўлмаслиги учун ҳаракат қилган.

Ўзбекистонда ҳам Андропов ва Шчелоков тарафдорлари томонидан бошқарилаётган ДХК ва ИИМнинг, яъни мазкур ташкилот раҳбарлари Э. Нордман ва Ҳ. Яҳёев карама-қаршилиги мавжуд эди. Рашидовга Яҳёев яқинроқ эди, чунки у ўз сиёсатида, энг аввало, миллий манфаатларни ҳимоя қиларди, Нордман эса, биринчи навбатда, Москванинг одами эди. Дарвоқе, Ўзбекистон ИИВ тизимининг ўзида ҳам барча бўғинлар бир-бири билан ҳамнафас фаолият кўрсатмасди. И. Карпец (ўша йилларда Иттифок ИИВ жиноят-қидирув Бошқармаси бошлиғи) хотирлайди:

«Бир куни менга Ўзбекистондан В.И. Селиверстов (Ўзбекистон ИИВ жиноят-қидирув Бошқармаси бошлиғи) кўнғироқ қилди ва Москвага келишни маслаҳатлашиб олишни истаётгани ҳақида айтди. Келганида эса республикада юзага келган жуда мураккаб аҳвол ҳақида гапириб берди. У, албатта, ҳаммасини билмасди, аммо баъзи бир мансабдор шахсларнинг жинойий ишлари, порахўрлик ва ўғирликлар ҳақида унга шотирлари орқали хабарлар келаётгани борасида ҳаяжон билан сўзлаб берди. Шу пайтгача у бу хабарларни БХССга тегишли бўлгани учун шу идорага йўллаб турган. Бироқ бир сафар унга вазир Яҳёев кўнғироқ қилган ва ушбу хабарлардан бирини текшириб кўришни сўраган. Селиверстов жиноят-қидирув бўлими бу каби ишлар билан шуғулланмаслигини айтиб рад этган. Вазир истар-истамай рози бўлган.

Бироқ бир муддат ўтиб, шу каби ишни жиноят-қидирув бўлимига топшириш ҳақида яна истак билдирган. Айни пайтда, Селиверстовнинг айтишича, республиканинг юқори доираларидаги турли гуруҳлар ўртасида кураш бормоқда ва у мазкур ишларга аралашини сираям истамасди. У бутун умри давомида Ўзбекистонда меҳнат қилгани ва мазкур республи-

канинг ўзига хослиги, гуруҳлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни жуда яхши билар, юқори тоифали мутахассис, ўзбек ва руслар, тожик ва месхетин турклари – ҳамма хурмат қилар, уни тўғрисиўзлиги, дадиллиги учун яхши кўришарди.

Мен вазирга кўнғироқ қилиб, жиноят-қидирув бўлимига ўзига муносиб бўлмаган ишлар билан шуғулланишни топшириш мумкин эмаслигини айтдим. Шунда у Ўзбекистон КП МКнинг илтимосини рўқач қилди, мен унга, у ёққа ҳам кўнғироқ қиламан, деб айтдим. Шундай қилдим ҳам. Бундан ташқари, Рашидов Селиверстовни хурмат қилишини билардим ва мамлакатнинг жиноят-қидирув ишлари бўлимига бу каби топшириқларни бериш мумкин эмас деб ҳисоблашларини, бусиз ҳам ишлари бошларидан ошиб ётганини Рашидовга айтиш таклифини бердим. Селиверстов шундай қилди. Унга шубҳали топшириқлар бериш тўхтатилди».

Э.Нордман ва Ҳ.Яҳёевнинг қарама-қаршилиги 1977 йилнинг июнида янада кескинлашди. Ўшанда Тошкентда республика партия фаолларининг қоидабузарликларнинг олдини олиш ва жамиятга қарши ҳодисалар билан курашиш самарадорлигини ошириш масаласи бўйича мажлиси ўтмоқда эди ва Ўзбекистон ДХК раиси ўз чиқишида республикада коррупция, шунингдек, бошқа жиддий қоидабузарликлар мавжудлиги ҳақида очикчасига айтди. Бу – республика раҳбари сифатида Рашидовга ҳам, ҳуқуқни ҳимоя қилиш идораси раҳбари Ҳ.Яҳёевга ҳам тўғридан-тўғри таъна эди. Ваҳоланки, Ўзбекистон давлат хавфсизлигини деярли уч йилдан буён бошқариб келаётган ва аҳволни яхши томонга буриш учун керакли воситалар қўлида бўлган Э.Нордман юзага келган вазият учун айбнинг қандайдир бир қисмини ўз гарданига олиши керак эди. Буни у аслида истаганми-йўқми – энди бу бошқа масала, зеро, мазкур муаммодан фойдаланиб, Марказ республикаларда тинимсиз олиб бораётган хуфиёна курашдан янада кўпроқ фойда олиш мумкин эди.

70-йилларда Иттифокдаги коррупция янада чуқурлашди. Порахўрлик ва мансаб билан боғлиқ ўғирликлар бўйича жиноий ишлар йил сайин ўсиб борарди. Шундай ҳолат Ўзбекистонда ҳам кузатилаётганди. Тўғри, авваллари ҳам бўлганидек, жиноятларнинг шу кўринишлари бўйича жиноий ишларга тортилганлар орасида олий ҳокимият вакиллари йўқ эди, уларнинг тақдирини фақат Москва ҳал қила оларди. У эса «ўзингникини хафа

қилма» тамойилидан келиб чиққан ҳолда юқори лавозимли шахсга камдан-кам дахл қиларди. Фақат истисно ҳолатларда бу анъана бузилар, бу ҳам ҳокимиятда кимдир жорий этилган тизимни ўзгартиришга урингани учун эмас, гуруҳлар орасидаги келишмовчиликлар таъсири остида рўй берарди. Бинобарин, Э.Нордманнинг чиқиши ҳам жуда катта эҳтимол билан, Лубянканинг турли гуруҳлар ўртасидаги зиддиятга таъсир кўрсатишга уриниши оқибати бўлиши мумкин. Бироқ, Брежнев бу уринишни маъқулламади. 1977 йилнинг ноябрида Рашидов иккинчи Қаҳрамонлик нишони билан тақдирланди (60 ёшга тўлиши муносабати билан), кейинги йилнинг мартада Э.Нордман Москвага чақириб олинди ва кўп йиллар ўтиб илк марта Ўзбекистон ДХК раҳбари этиб маҳаллий кадр қўйилди, бироқ у ҳам ўзбек эмас – бунга қадар Э.Нордманнинг биринчи ўринбосари бўлиб фаолият кўрсатган армени Л. Мелкумов (Мелкумян) эди.

### 30-боб

#### «ИНҚИРОЗ» КЎЛАНКАСИ ОСТИДА

1970-йиллари дунёнинг илғор мамлакатларида юз берган илмий-техникавий ва тамаддуний ривожланишнинг янги, постиндустриал босқичи Иттифоқни четлаб ўтди. Совет раҳбарияти ишлаб чиқаришнинг индустриал босқичига хос соҳаларни ривожлантирди. Натижада мамлакат чўян, пўлат, кўмир, нефть, газ, трактор ва минерал ўғитлар ишлаб чиқариш бўйича дунёда биринчи ўринга чиқиб олди. Аҳолининг катта қисми моддий неъматларни ишлаб чиқариш соҳаларида банд эди. Саноатда – 40 %, қурилишда – 60 %, қишлоқ хўжалигида – 70 % ишчилар кўл меҳнати билан банд эди. Иттифоқда электрон ҳисоблаш машиналари (ЭХМ) сони бир неча ўн мингтадан ошмас, оммавий компьютерлаш тўғрисида эса гап йўқ эди. Ижтимоий-маданий соҳага сарфланадиган маблағлар 60-йиллардан бошлаб камайиб борди. 1985 йили таълимга ажратилган маблағ 1940 йилги даражасидан паст эди.

Совет тарихшунослигида, одатда, «турғунлик даври» деб номланади. Ҳолбуки, бу атамани сиёсий тизимга нисбатан қўллаш тўғрироқ бўлади, айни шу соҳада кадрлар ва тафаккурнинг муайян турғунлиги кузатилди. Иқтисодийнинг ўсиши эса 2–4 % ни ташкил қилар, бу Ғарб андозаларига кўра меъёрий ҳолат эди. Тарихчи А. Шубин шундай ёзади:

«Турғунлик» деган атамани тараққиёт тўхтаб қолди деб тушунмаслик керак. Чунки совет давлати муайян барқарор структурага эга жамият эди. Ҳиссиётга берилмаган ҳолда бу даврни мувозанат ёки барқарор давр деб атаса, мақсадга мувофиқ бўлади. Ишлаб чиқариш суръатлари, аҳолининг фаровонлиги ортиб борар, бироқ жамият ўн йил аввалги олдинги ҳолатдан фарқ қилмасди. Ўзгаришлар кўз аранг илғайдиган даражада эди.

Турғунлик даврида аксарият аҳолининг фаровонлигини ошириш эвазига совет тизимининг барқарорлигини таъминлашга эришилди. 1980 – 1985 йилларда ўртача ойлик маош ойига 168,9 дан 190,1 рублга, ишчиларнинг маошлари 182,5 дан 208,5 рублга ошди. Ёрдамчи хўжаликлардан тушган даромадлар 1980 йилда аҳоли ялпи даромадининг 7 % ни, жумладан, деҳқонларда – 27,5 % ни ташкил қилди, амалда бу кўрсаткич бундан ҳам юқори бўлиши мумкин. Турли тўлов ва имтиёزلарни ҳам қўшганда халқ хўжалигида ўртача ойлик маош 233 дан 269 рублга ошди. Аҳоли турмуш даражасини бошқа мезонда ҳам ойдинлаштира бўлади. 1000 киши ҳисобига туғилган ва вафот этганлар сони турмуш тарзи сифатини белгиловчи муҳим омилдир. 1975 йилда 1000 киши ҳисобига туғилганлар 15,7 тани, вафот этганлар – 9,8 нафарни ташкил қилган. 1985 йилда туғилиш ўсишда давом этди ва 16,6 нафарни, ўлганлар эса 11,3 нафарни ташкил қилган.

Ижтимоий табақаланиш ҳам бор эди. 1980 йили Иттифоқда аҳолининг 25,8 % имтиёзларини ҳисобга олмаганда, камида 75 рубль, 18,3 % и эса 150 рублдан ортиқ даромад олган. Бинобарин, жамиятда ўртача мулкдорлар бўғини кўпчилиқни ташкил этган, бу ижтимоий йўналган ривожланган саноат жамиятига хос хусусият ҳисобланади».

70-йиллар иккинчи ярмига келиб Иттифоқда нарх-наво сезиларли ошди, бироқ кундалиқ зарур маҳсулотлар нархи оширилмади. 1975 йилдаёқ Иттифоқ Министрлар Совети барча турдаги вино, бензин, ароқнинг айрим турлари ва бальзамнинг барча турларининг нархини, шунингдек, таксилар тарифини, авиация чипталари нархларини оширишга Сиёсий бюрони кўндиришга уринади. Бироқ Л.И. Брежнев нархларнинг бундай оширилиши фақат Давлат Режа кўмитаси ва Молия вазирлигига наф келтиради, дея бу таклифни рад этди. Ҳақиқатан ҳам мамлакат иқтисодиёти-ни бошқаришни удалай олмаётган мазкур идоралар нархларни оши-

риш эвазига қўлга киритиладиган 1–2 миллиард рубль эвазига ўзларининг айбларини ёпмоқчи бўлганди. Л.Брежнев: «Сизлар айти микдордаги сармойни ўз давлатингиздан, ўз халқингиздан ундирмоқчисиз!» деди мазкур икки идорага қарата.

Совет халқининг даромадлари ортгани сайин товар-маҳсулотлар тақчиллиги ҳам орта борди. Корхоналар мўмай даромад ортидан қувиб, атайлаб арзон маҳсулотлар ишлаб чиқармасдан, ишлаб чиқаришни нисбатан оз ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга мослаштириши бунга сабаб бўлганди. Нисбатан оз ишлаб чиқарилган маҳсулотлар барчага етмасди. Уларни оддий харидорлар пештахталарга келиб тушмасдан талаб кетар ёки сотувчиларнинг ўзлари «зарур одамлар» билан ҳисоб-китоб қилишда улардан ўзаро айирбошлаш воситаси сифатида фойдаланарди.

1979 йилдаги режали ислоҳот ҳам арзон нархдаги маҳсулотларнинг савдодан ғойиб бўлишига жиддий сабабчи бўлди. Оқибатда Марказ ва республикалар таъминотида тафовут юзага келди. Жумладан, бунга оид рўйхатда Ўзбекистон сўнги ўринлардан бирида турар, РСФСР, Украина, Белоруссия, Кавказорти ва Болтиқбўйи республикалари олдинги ўринда эди. Лекин мазкур маҳсулотларни Ўзбекистонга етказиб беришда жиддий узилишлар бўлмаган. 1978 йил сентябрда Йошкар-Ола шаҳрида нон танқислиги юзага келиб, одамлар уруш давридагидек кечкурундан нон дўконлари олдида навбатга туришга мажбур бўлган.

Е.Березиков хотираларидан: «Одатда Шароф Рашидов ҳеч кимга қўполлик қилмас, ҳеч қачон ҳеч кимнинг оғзига урмасди. Фақат бир марта жаҳли чиққанини кўрганман. Ўшанда 1978 йили Қарши шаҳри бўйлаб кезаркан, озиқ-овқат дўконига кирганди. Табиийки, дўкон пештахталари маҳсулотлар билан тўла. Одамлар ҳамма нарса етарли экани, таъминот, савдо-сотик яхши бўлгани учун унга раҳматлар айтиб, миннатдорчилик билдира бошладилар. Бироқ шу пайт бир кампир эътироз билдирди:

– Шароф Рашидович, сиз кетишингиз билан пештахталар яна хувиллаб қолади.

Рашидов ундан сўради:

– Сиз қаердан келдингиз?

– Куйбишевдан, – деди кампир энсаси қотиб.

– Куйбишевдаги дўконларда ҳамма нарса тўлиб-тошиб ётибдими? – сўради Рашидов ўзига ярашмаган жаҳл билан.

– Қаёқда тўлади. Ҳеч вақо йўқ!

– Ана кўрдингизми, бу ерда эса бор! – дея жавоб берди кесатгандек.

Мамлакат иқтисодиётининг оқсаши йил сайин кучайиб бораётганини, бу аҳолининг ҳаётига салбий таъсир кўрсатаётганини Рашидов табиийки ўз кўзи билан кўриб турарди. Бу даврда Ўзбекистонга қийин эди, чунки унинг аҳолиси мутгасил ортиб борар, бошқа йирик минтақалар (Россия ёки Украинада) бу кўрсаткич пасайиши кузатиларди. Бироқ Марказ бунга қайсарлик билан эътибор бермас, бошқа минтақаларга нисбатан Ўзбекистонга етарли маблағлар ажратмасди. Республика пахта, олтин, мис каби маҳсулотларни керагича етказиб бериб, Иттифок хазинасига салмоқли ҳисса қўшаётганига ҳамда Ўрта Осиёнинг муҳим маркази бўлишига қарамай унга нисбатан шундай муносабатда бўлинарди. Дарвоқе, айнан олтин қазиб олиш саноати муваффақиятли ривожлантирилгани учун Ш.Рашидовга 1980 йилда Ленин ордени берилади. Бу навбатдаги юбилей ёки тантана муносабати билан бериладиган одатдаги мукофот бўлмасдан, мамлакат валюта-олтин захирасини таъминлашдаги ҳаққоний хизматни тақдирлаш эди.

1978 йилда Ўзбекистон раҳбариятида навбатдаги ўзгаришлар рўй берди. Жумладан, декабрда хивалик Н.Матчонов ўрнига фарғоналик 48 ёшли И.Усмонхўжаев Ўзбекистон Олий Совети Президиуми Раиси этиб тайинланди. Мазкур лавозим ҳокимият пиллапояларидаги аҳамиятига кўра иккинчи ўринда бўлгани боис МК 1-котиблигига номзод сифатида қараларди. Бинобарин, Ш.Рашидов ўз хоҳишига кўра эмас, балки мавжуд вазиятдан келиб чиқиб шундай йўл тутишга мажбур бўлди. С.Ризаев бу борада шундай фикр билдиради:

«И.Усмонхўжаев жуда яхши таржимаи ҳолга эга эди. У Ўзбекистонда таниқли, афсонавий Фарғона канали қурилишининг раҳбарларидан Бузрукхўжа Усмонхўжаевнинг ўғли. Шарқда отанинг машҳурлиги қатор ҳолатларда фарзандларининг хизмат пиллапояларидан юқорилашида муҳим аҳамият касб этади. Бошқа даъвогарлар билан фазилатлари тенг бўлган тақдирда айнан шундай одамларнинг фарзандлари афзал кўрилади. Б.Усмонхўжаевни Ш.Рашидов яхши билар, ҳурмат қиларди. Бунинг устига, вилоят партия комитетларининг 1-котиблари орасида И.Усмонхўжаев Ўзбекистон Олий Советининг ягона депутати эди. Бу бо-

рада яна бир эътиборга молик жиҳат бор. Эҳтимол, иродаси заиф, кўнгилчан И.Усмонхўжаев раҳбарлик салоҳияти ва обрў-эътиборига эга бўлмагани сабабли муҳолиф кучларнинг бошини бириктириб, республикадаги олий лавозимга даъвогарлик қилмайди, деган ишонч ҳам бўлган бўлиши мумкин».

Москва ҳам яхши билгани сабаб айнан И.Усмонхўжаев номзодини ёқлаган, деб ишонч билан айтса бўлади. И.Усмонхўжаев 1969 йилда Сирдарё вилоят партия комитети 1-котиби лавозимидан КПСС МК маҳкамасига ишга ўтказилди ва Болтиқбўйи республикалари билан боғлиқ ишларни олиб борди. Москвада у 1972 йилгача фаолият юритди, кейин ватанига қайтиб келиб, Наманган вилоят ижроия қўмитасининг раиси ҳамда Андижон вилоят партия комитетининг 1-котиби (1974 йилдан) бўлиб ишлайди.

Бюро аъзолигига номзод этиб Л. Мелкумов (ДХК раиси) ҳамда Ю. Максимов сайланади. Тошкентлик А. Хўжаев МК котиби бўлади, у бунга қадар (1973–1978) Тошкент шаҳар партия комитетининг 1-котиби бўлиб ишлаган.

Бир йилдан кейин – 1979 йилнинг ёзида Ўзбекистон Ички ишлар вазири Ҳ. Яҳёев ишдан кетишга мажбур бўлади. Ш. Рашидов уни ҳимоя қила олмайди, чунки Иттифок ИИМлигидаги катта кучлар, айнан Юрий Чурбанов унинг истеъфога чиқишини талаб қилади. Бош котибнинг қизи Галина Брежневага 1971 йил баҳорида уйлангач Ю. Чурбанов мансаб пиллапояларидан яшин тезлигида кўтарила бошлайди: Ахлоқ тузатиш бошқармасининг сиёсий бўлими бошлиғи лавозимидан Иттифок Ички ишлар вазирининг ўринбосари мансабигача кўтарилади. Ю. Чурбанов ИИМ доирасида кадрлар масаласи билан шуғулланар, ўз дидига ёқмаганларни иккиланмай алмаштирарди. Ҳ. Яҳёевни ҳам ёқтирмагани боис, унинг ўрнига 47 ёшли Қ. Эргашев тайинланади. Қ. Эргашев ёшлигида ДХКда хизмат қилган, кейинчалик ИИМга ишга ўтганди. Сўнги даврда у Қашқадарё ва Наманган вилоятлари Ички ишлар бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаган. Ш. Рашидов Ҳ. Яҳёевни тажрибаси ва билимдонлигини ҳурмат қилгани сабаб уни Республика Халқ назорати қўмитаси раисининг 1-ўринбосари лавозимига тайинлайди.



## «ПАХТАКОР» ҲАЛОКАТИ

Ўзбекистон 70-йиллар охирида катта фожиани бошдан кечиради, республика бунгача бу қадар катта мусибатга йўлиқмаганди. Ҳатто Тошкент zilзиласи ҳам унга тенглаша олмайди, бинобарин расмий маълумотларга қараганда zilзила чоғида кўп одам нобуд бўлмаган, асосан, катта моддий зарар кўрилган. 1979 йил августда бўлган фожа республика аҳлини ларзага солади. Китобхон гап нима ҳақида кетаётганини англади, деб ўйлайман: ўша фожада Тошкентнинг «Пахтакор» клубининг деярли барча аъзолари нобуд бўлади.

«Пахтакор» ҳақиқатан ҳам нафақат Ш.Рашидовнинг, балки бутун республика аҳолисининг сеvimли жамоаси эди. Бу жамоа ташкил бўлгани ҳамоно (1956 йилнинг баҳорида) Ўзбекистоннинг миллионлаб аҳолиси, ҳатто футболга қизиқмайдиганлар ҳам унинг ўйинларини иштиёқ билан кузата бошладилар. 1962 йилда «Пахтакор» яхши натижани кўлга киритганда – Иттифоқ биринчилигида 6-ўринни олганда бутун республика аҳли бундан қувонганди. Жамоа бу ютукни узоқ сақлай олмагани ва кейинги йилларда камтарона ўринларда қолиб кетганига қарамай, Ўзбекистонда футболга катта қизиқиш сўнмади.

Иттифоқда 1972 йил футбол мавсуми чинакам шов-шув билан якунланди: кутилмаганда Ворошиловграднинг «Заря» жамоаси мамлакат чемпионлигини кўлга киритди. Украина раҳбари лавозимини ярим йил муқаддам эгаллаган Шчербицкий учун юртдошларининг бу ғалабаси ҳақиқий совға бўлиши керак эди. Бироқ унга бу ғалаба татимади, чунки «Заря» ғалабани илиб кетган, Шчербицкий ишқибозлик қиладиган Киевнинг «Динамо» жамоасига кумуш медаль насиб қилганди. Боз устига, «Заря» ўз зафари билан Шчербицкийнинг сиёсий обрўйига ҳам қаттиқ зарба берди. Ворошиловоград вилояти раҳбари Владимир Шевченко аслида П.Шелестнинг одами бўлиб, Украинанинг янги хўжайинини лозим даражада ҳурмат қилмасди. В.Шевченко ўзи ёқтирмаган Шчербицкийдан гўё шу асно ўч олгандай бўлди.

Шчербицкий буни биларди, қолаверса, қўли узун ҳомийлар «Заря»ни қандай йўллар билан чемпион қилганидан ҳам хабардор эди. Улардан бири

Иттифок Футбол бошқармасининг бошлиғи Л.Зинченко бундан олдин Ворошиловград вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида ишлаган, 1971 йил январда Москвага ишга ўтказилганди. Бу кимнинг фармони билан содир бўлганига ҳеч ким шубҳа қилмасди: Л.Брежнев, унинг «Днепрпетровск гуруҳи» деб аталадиган тарафдорлари ўзларининг юртдошларини имкон борича Москвага олиб келиб, юқори лавозимларга тайинларди. Айнан Зинченко даврида Иттифок Футбол федерацияси шунчаки ниқобга – футболни бошқарадиган амалдаги раҳбар органга айланди. Оқибатда Зинченконинг олифталиги барчани ҳайратда қолдирди: янги лавозимда бир йил ишлаганининг ўзидаёқ айнан у бевосита раҳбарлик қиладиган жамоа мамлакат чемпиони бўлди. Совет футбол тарихида бунақа ҳолат илгари сира ҳам бўлмаганди.

Орадан бир йил ўтиб Шчербицкий Шевченкога панд бериш имконига эга бўлди. 1973 йили Ворошиловград вилоятига бутун Украинадан йиғилган 33 прокурор текширишлар ўтказиш учун ёпирилиб келди. Улар Шевченко ва унинг қўл остидагилар фаолиятига оид шунчалик кўп айблов ишларини тўплайдиларки, мазкур далиллар уларнинг барчасини узок муддат камокқа ҳукм қилиш учун бемалол етиб ортган бўларди. Улардан бири ҳақиқатан ҳам қамалади. Юқори мавқега эга экани (КПСС МК аъзоси бўлгани) Шевченконинг жонига оро киради – уни «биринчи котиб бўлишга маънавий ҳуқуқи бўлмаган мансабдор шахс сифатида» лавозимидан олиб ташлашади.

1973 йилги мавсумда «Пахтакор» олий лигага қайтади. Бироқ Ўзбекистон жамоаси яхши ўйин кўрсата олмай, 12-ўринда қолиб кетади. Лекин 1974 йилда жамоа сезиларли ўзгарди, мухлисларини хурсанд қилган футболчилар қолоқлар сафини тарк этиб, 8-ўриндан – пешқадамлар сафидан жой олади. «Пахтакор» 1962 йилда олий лигада қўлга киритган натижага кўтарила олмаган бўлса-да, мазкур натижани катта ютуқ дейиш мумкин. Жамоанинг моҳир футболчиларидан бири В.Фёдоров Иттифок терма жамоасига таклиф қилинади. Афсуски, кейинги йили «Пахтакор» сўнгги ўринлардан бирида қолиб, олий лигада иштирок этиш ҳуқуқини қўлдан чиқаради. Ҳолбуки, 1975 йили «Пахтакор» жамоаси кўпгина кўрсаткичлар бўйича ўртача ўйин кўрсатадиган жамоалардан қолишмасди. Лекин ўша даврда Иттифокнинг футбол чемпионатларида кучлилар эмас,

балки даврнинг мушгумзўрлари ғалаба қиларди. Жамоалар ўзаро тил бириктириб, майдонда шунчаки тўп суриш ва дуранг ўйинлар шунчалик кўпайиб кетадики, оқибатда футбол раҳбарлари 1973 йилдаёқ ҳар бир ўйинни жамоалардан бирининг ғалабасигача (пенальтилар воситасида) давом эттиришга оид қарор қабул қилади. Бу янгилик футболни ўз кўлига олган дасти дароз доираларнинг манфаатларига зид бўлгани боис, улар дастлабки ҳолат сақланиб қолиши учун барча чораларни кўрдилар. Натижада 1974 йилда ўйин фақат дуранг билан тугаганда пенальти тепиш одат тусини олади, кейинги йили эса бу қоида ҳам унутилади.

Мамлакат раҳбарлари футболдаги хуфиёна найрангларни яхши билар ва қатор ҳолатларда ўзлари ҳам иштирок этишга мажбур бўларди, айти пайтда ўзининг севимли жамоаси чемпион бўлиш у ёқда турсин, ҳатто «кумуш» ва «бронза» медалларини ҳам қўлга кирита олмаслигини англаб, ичдан зил кетарди. Бу борада футболчиларнинг ҳеч қандай айби йўқ эди. 70-йиллар охирида совет футиболида шундай вазият юзага келдики, ҳамиша ўртача ўйин кўрсатадиган жамоалар алоҳида муносабат ва пулнинг кучи билан чемпионликни қўлга кирита бошлади. «Заря» жамоаси ҳам 1972 йилдаги ютукдан кейин ҳеч қандай айтарли натижа кўрсата олмади, яна ўртача жамоалар сафидан жой олди. Нафақат Ўрта Осиёнинг энг кучли жамоаси, балки моддий жиҳатдан бақувват «Пахтакор» олтин медални, ҳатто орзу ҳам қила олмасди. Нега?

Бунинг илдизи, афтидан, Ш.Рашидовга, унинг Сиёсий бюро аъзолигига мангу номзодлигига бориб тақаларди. «Мангу номзод»нинг жамоасига мамлакат чемпиони бўлиш имконини бериб, унга кенг халқаро футбол майдонига чиқиш учун йўл очишни Рашидов ғанимлари хаёлига ҳам келтирмасди. Ўзбекистон раҳбари 60-йилларнинг охирларидан буён Тошкентда ўтказиб келинаётган Осиё ва Африка мамлакатлари халқаро кинофестивали билан ўз иззат-нафсини қондириб юраверсин, деб ҳисобларди. «Пахтакор» Чемпионлар лигасида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга кирита олганда, «Заря»дан кўра анча яхши ўйин кўрсатган бўларди. «Заря» дастлабки турда анча кучсиз Кипр жамоасини осонгина ютгани билан кейинги босқичда ўзи каби ўртача Трнавскнинг «Спартак» жамоасига ютказиб қўяди.

«Пахтакор» 1975 йилда биринчи лигага тушиб кетади, бу чемпионат ҳам олдингиси каби ўта зиддиятли ўтади. Одессада маҳаллий «Черномо-

рец» Москванинг «Локомотив» жамоасини қабул қилганда, энг шармандали воқеа рўй беради. Бош ҳакам мезбонларга ошқора ён босгани жоҳаро келтириб чиқаради. Ўйин «Черноморец»нинг 1:0 ҳисобидаги ғалабаси билан тугагани заҳоти «Локомотив» ўйинчиси Уткин бош ҳакамнинг олдиға югуриб келади ва кўкрагидаги Бутуниттифоқ тоифадаги ҳакам ёрлиғини томошабинлар гувоҳлигида узиб олади. Бу теран рамзий маъноға эға жасорат бўлганди: ўша кезларда чемпионат ҳакамларининг тенг ярмини кўксидаги шундай ёрликларни бемалол узиб олиб йиртиб ташласа бўларди – улар ўйинларни шу даражада ноҳақлик билан бошқарарди. Улар «Пахтакор»ға нисбатан ҳам шундай адолатсизлик қилганди. ЦСКА ва «Зенит» жамоаси билан «Пахтакор» ҳам охирги ўринларға тушиб қолади. Бу жамоалар олий лигадан тушиб кетишларини уларнинг катта мансабли ҳомий ишқибозлари, ҳатто, тасаввур қила олишмасди. Оқибатда «Пахтакор» ва Ростов-Доннинг армиячилари олий лигадан тушиб кетади.

1976 йилда мамлакат чемпионатининг етакчиларидан бири «Спартак» бошиға ҳам «Пахтакор»нинг кунини солишади. Бу жамоа ўртача жамоалар каби ўйин кўрсата бошлайди, бироқ биринчи лигаға тушиб кетишға лойиқ эмасди. Лекин пойтахтнинг бир йўла уч жамоаси – ЦСКА, «Торпедо» ва «Локомотив» – «Спартак»қа қарши тил бириктиради. Агар бу жамоалар сўнгги турда ўз рақибларини ютганда ёки лоақал дуранг ўйнаганда, уларнинг ҳамшаҳри «Спартак» олий лигада қолган бўларди. Бироқ улар ўз ҳамшаҳарларини пастки гуруҳға равона қилишни афзал биладилар ва очколарни улашиб, «Аралат», «Днепр» ва «Заря» жамоаларига олий лигада ўйнаш бахтини ҳади қилишади. Миш-мишларға қараганда пойтахтнинг учала жамоаси ҳам ўйинда ютқазгани учун рақибларидан пул ҳам олмаган – «Спартак»қа нисбатан хусуматлари улар учун кифоя қилган. «Спартак» қайси айби учун уларнинг нафратига дучор бўлгани аниқ эмас.

1977 йил футбол мавсуми ҳам зиддиятлардан холи бўлмайди: фақат келишилган ўйинларнинг ўзи аввалги йиллардаги барча шундай ўйинлардан кўпроқ бўлади. Бундай ўйинларнинг аксарияти дуранг никоби остига яширилади. Бу борада пешқадам жамоалар «ўрناق кўрсатади». Жумладан, мамлакат чемпиони Киевнинг «Динамо» жамоаси 15 та қумуш олган Тбилисининг «Динамо»си ва Москванинг «Торпедо» жамоалари 13 тадан ўйинни дуранг билан яқунлайди. Пойтахтнинг ЦСКА ва «Дина-

мо» жамоалари ҳаммадан ўзиб, ҳар бири 17 тадан ўйинда шундай натижа кўрсатади. Бу ўйинларнинг барчаси «келишилган» экани яққол кўзга ташланиб тургани боис, Футбол бошқармаси қатъий чоралар кўришга мажбур бўлади. Боз устига, «келишилган ўйинлар» мавзуси Сиёсий бюро мажлисларида ҳам тез-тез кўтариладиган бўлиб қолади. Л.Брежнев ҳам ЦСКА-нинг ашаддий мухлиси бўлиб, ҳар бир ўйинни кўриб борар, ўзи ишқибоз бўлган жамоа ўйинчиларининг зерикарли ўйинларидан у ҳам ғазабга келарди.

Л.Брежнев бундай ҳолатдан норози эканидан Футбол бошқармасидагилар хабар топгани ҳамано қатъий чоралар кўрилади. 1977 йилги футбол мавсуми тугаши билан «Мамлакатимиз футболидаги айрим зарарли ҳолатлар хусусида» деган махсус қарор чиқади. Қарорда: «Иттифоқ чемпионати ўйинларида давом этиб келаётган спортчиларга хос курашишдан атай бош тортиш каби спорт қоидаларига зид, футболчиларнинг тарбиясига ўта салбий таъсир кўрсатувчи ва кенг томошабинлар олдида совет футболини обрўсизлантирувчи ҳолатларга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди», деб таъкидланганди. Янги, 1978 йилги мавсум арафасида яна бир муҳим янгилик киритилади, бу жаҳон футболи тарихида совет футбол мутасаддиларининг росмана янгилиги бўлганди: олий лига жамоалари дастлабки саккиз ўйиндаги дуранглар учун биттадан очкога эга бўлишлари, кейинги ўйинларда ҳам дуранг қайд этилса, очко ёзилмаслиги шарт қилиб қўйилади. Бундан ташқари, олий лига жамоаларининг барча мураббий ва футболчилари «келишилган ўйин» ўтказувчилар бундан буён қатъий жазоланади, дея огоҳлантирилди: бундай ўйинларнинг натижалари бекор қилиниб, икки жамоанинг малакаси пасайтирилади.

Айни пайтда 1978 йилги мавсумда «Пахтакор» ва «Спартак» жамоалари яна олий лигага қайтади (улар биринчи лигада 1- ва 2-ўринни қўлга киритади). Бироқ ўша йили москвалик футболчилар яхши ўйин кўрсатиб, 5-ўринга кўтарила олган бўлса, пахтакорчилар 11-ўринда қолиб кетади. Бу ўринда ҳам айнан уларни айблаб бўлмайди, бунда ҳам айримлар уларга «кўмаклашиб юборгани» эҳтимолдан холи эмас. Жумладан, «Пахтакор» ўз майдонида «Заря» билан ўйнаганда жанжал келиб чиқади.

Майдон эгалари ўйинда бош ҳакам меҳмонлар манфаатини кўзлаб ҳакамлик қилди, деган хулосага келади. Ўйинда меҳмон ўйинчилар 1:0

ҳисобида ғалаба қозонганди. Икки футболчи – В.Фёдоров ҳамда К.Баканов ҳакамга жиддий норозилик билдиради. Уларнинг қўпол муомаласи Спорт техникаси комиссияси томонидан кўриб чиқилиб, совет футбол тарихида учрамаган шафқатсиз қарор чиқарилади: В.Фёдоров ҳамда К.Баканов ўнта ўйиндан четлатилади. Чамаси, бу қасддан қилинган бўлиб, мақсад «Пахтакор»ни асосий тўпурари Фёдоровдан маълум муддат маҳрум қилиб, жамоани заифлаштиришдан иборат бўлган. «Пахтакор» ғанимларининг қасддан қилган бу иши ўз самарасини беради: Фёдоровсиз қолган жамоа атиги 11-ўринни эгаллайди. Дарвоқе, бу воқеадан кейин Фёдоров Иттифоқ терма жамоаси таркибидан чиқарилади.

1978 йилги мавсумда «Пахтакор» яхши натижага эриша олмаган бўлса-да, сўнги турда Киевнинг «Динамо»сига қарши ўйинда ўзининг асосий ишқибози Ш.Рашидовни мамнун этади. Бу «Динамо» учун жуда муҳим ўйин эди. Агар «Динамо» ўйинда ғалаба қозонса, яқин тақибчилари – «Шахтёр» ва Москванинг «Динамо»си ета олмайдиган даражада илгарилан кетар ҳамда чемпионатнинг кумуш медалини муддатидан аввал қўлга киритарди. Бироқ тошкентлик футболчилар муросасиз ўйин кўрсатиб, ўйинни 1:1 ҳисобда яқунлашга эришади. Бироқ бу ёрдам бермайди. Москва динамочилари «Нефтчи»ни енга олмайди, «Шахтёр» эса ЦСКА-га ютқазиб қўяди. Оқибатда кумуш медални Киев динамочилари илиб кетади. Миш-мишларга қараганда, боқулик футболчиларни сотиб олиб қўя қолишган, Шчербицкий ишқибозлик қиладиган жамоанинг йўлига ғов бўлмаслик учун «Шахтёр»ни ўйинда ютқазिशга мажбур қилишган.

«Пахтакор» 1979 йил мавсумини ишонч билан бошлайди. Тошкентликлар иккинчи турдаёқ ўтган йилги кумуш медали соҳиблари Киевнинг «Динамо» клубини қабул қиладилар. Майдон эгалари 1:0 ҳисобида ютади. Биринчи давра якуни арафасида «Пахтакор» кетма-кет беш ўйинда ютқазмайди. Ўша ёз ўзбекистонлик футбол ишқибозларининг қанчалар қувонганини ҳамон яхши эслайман, чунки отам билан бирга яна Тошкентга келиб, «Пахтакор»нинг ғалабасидан қувонган одамларнинг қувончига шерик бўлгандик. Афсуски, ўйинни бевосита майдондан қузатиш бахти насиб этмади, Ўзбекистонда бўлган бутун вақтимиз мобайнида (бир ой) Тошкентда эмас, Бухорода бўлдик. Гўзал Навоий шахрини кўриб, маҳаллий футбол жамоасининг ўйинини томоша қилдим.

Ўша кезларда Ўзбекистонга ижодий сафар билан В.Висоцкий келади. Бу 1973 йил сентябрь ва 1977 йил октябрдаги ташрифларидан кейин Висоцкийнинг учинчи марта Ўзбекистонга келиши эди, орадан роппа-ро-са бир йил ўтиб машҳур хонанда вафот этди. У айнан Навоий шаҳридаги «Фарҳод» маданият саройида бир неча концерт берди. Концерт чоғида Висоцкий сал бўлмаса бир ўлимдан қолди.

У Ўзбекистонга 19 июлда келади. Мазкур сафар давомида унга бир неча киши: яқин дўсти, МХАТ артисти Всеволод Абдулов, маъмурлар Валерий Янклович ва Владимир Гольдман, шифокор Анатолий Федотов, сўз устаси Елена Облеухова ҳамроҳлик қилади.

Биринчи концерт Зарафшон шаҳридаги «Олтин водий» маданият саройида соат 16:00 да бошланади. Шундан кейин Висоцкий кун охиригача яна учта концерт беради. Барча концертларда томошабинлар ҳаддан ташқари кўп. Кейинги куни Учқудуқ шаҳридаги «Замондош» маданият саройида концерт беради. Қаттиқ меҳнат қилиш, бунинг устига, ҳароратнинг ўта юқори бўлгани боис у ўзини жуда ёмон ҳис қила бошлайди. Унга далда бўлиш учун 24 июлда Янклович Москвага О.Афанасьевага кўнғироқ қилиб, зудлик билан етиб келишини айтади. Айнан Оксана Висоцкийни ўлим чангалидан қутқариб қолади.

Висоцкий тез-тез ва жуда кўп концертлар беради. Зарафшондаги (20 июлда) ва Учқудуқдаги (21 июлда) концертдан кейин, Бухоро (25 июлда), Навоий шаҳарларида (26–27 июлда) концерт беради. Унинг Навоий шаҳридаги концерти сал бўлмаса ҳаётидаги сўнгги концерти бўларди. 28 июль тонгда меҳмонхонада клиник ўлимни бошдан кечиради. Кейинчалик дўстлари буни Висоцкий шу арафада айниган ошни егани учун шундай бўлди, деб изоҳлашади. Бунда мазали ўзбек таомларининг айби йўқ – хонанда гиёҳванд моддаларга ружу қўйгани шундай оқибатни келтириб чиқарган.

Унинг ёнида бўлган О. Афанасьева Висоцкийга дастлабки тиббий ёрдам кўрсата бошлайди, одамларни ёрдамга чақиради. Аввал кўшни хонадаги В. Гольдман югуриб кириб, дарҳол шифокор А. Федотовни чақириб келади. Врач Висоцкийнинг юрагига укол қилади. Оксана ва Гольдман галмагалдан унинг оғзи билан нафас олишини таъминлашга уринади. Ниҳоят Висоцкий кўзини очади. О. Афанасьева хотираларидан:

«Ўшанда биринчи марта ундан муҳаббат изҳорини эшитганман. Ўзига келиши билан «Мен сени севаман» деганди. Ўзимни дунёдаги энг бахтли аёл ҳис қилганман! У ҳар доим ҳам бундай гапни айтмас, қолаверса, дуч келган аёлга муҳаббат изҳор қилмасди. Ўша куни менсиз яшай олмаслигини англаган ва узил-кесил шундай қарорга келганди. Бунгача эса: «Осканочка! Рашк қилавермасанг-чи! Сен учун ҳам, Марина учун ҳам (Марина Влади унинг расмий хотини бўлган – *муаллиф*) юрагимда жой топилади», деб юпатишга уринарди...» Менга узоқ вақт муҳаббат изҳор қилмаган, чамаси, тамомила ром қилиб олишни истамаган. Хоҳласанг, истаган киши билан яшайвер, қарши эмасман, дерди-ю! дарҳол «ҳаётимни сенсиз тасаввур қила олмайман», деб кўшиб кўярди. Володя икки ўт орасида қолганини сезиб турардим. Тўғриси, ҳаётимни барбод қилди. Ахир, жуда хоҳласам ҳам ундан фарзанд кўра олмадим.

Висоцкий ўзига келгандан кейин барчани ажаблантириб концертларни бекор қилмаслигини айтган. Дўстларига: «Бугуноқ концерт бераман!» деган. Бироқ дўстларининг ҳаммаси баравар қарши бўлган, саломатлик билан ҳазиллашиб бўлмаслигини тушунтиришган. Натижада Гольдман барча концертларни бекор қилиб, Висоцкийни Тошкент орқали Москвага жўнатиб юборган. О.Афанасьева, В.Абдулов, А.Федотов у билан бирга жўнаб кетишган. В.Гольдман билан Валерий Янклович эса юкларини жўнатиш учун қолган.

Тошкентнинг «Пахтакор» жамоасига қайтамиз. Тошкентликлар бир ойлик танаффусдан сўнг, фожиа бўлишидан аввал охириги ўйинини 8 августда ўтказди. «Пахтакор» ўз майдонида Ворошиловграднинг «Заря» клубини қабул қилади. Тошкентдаги майдон ҳар доимгидек ўша куни ҳам томошабинлар билан лиқ тўла бўлади. Футбол доираларида шов-шув бўлган аввалги йилдаги воқеа мазкур ўйинга қизиқишни янада ошириб юборганди. Бутун Ўзбекистон «Пахтакор» ғалабасини кутарди. Майдон эгалари жуда яхши ўйнади. Михаил Ан бурчакдан тўпни узатгач, Чуркин ҳисобни очади ва «Пахтакор» 1:0 ҳисобида олдинга чиқиб олади. Бир неча дақиқалардан кейин Заваров ҳисобни тенглаштиради. Бироқ мезбонлар қатъият билан ўйинни давом эттиради. Натижада Фёдоров ва Корчаев ҳисобни 3:1 га етказди. Тошкентлик футбол ишқибозларининг



хайқириқлари замину самони ларзага солади. «Пахтакор шундан кейин Минск шаҳрида маҳаллий «Динамо» билан (13 августда) беллашиши керак эди, улар бу ўйинда ғалаба қозонишларига ишончи комил бўлган, чунки бу жамоани атиги бир ой муқаддам 2:0 ҳисобида ютганди.

«Пахтакор»нинг Белоруссия пойтахтига сафари бундай оқибатга олиб келишини ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмаган, албатта. 1979 йил 11 август куни эрталаб «Пахтакор» футболчилари Борт рақами 65 375 бўлган Ту-134 самолётида Минск шаҳрига парвоз қилиш учун аэропортга келади. Жамоанинг 14 ўйинчиси: Юрий Загуменних (32 ёш), Владимир Макаров (32 ёш), Александр Корченков (30 ёш), Сергей Покатилов (28 ёш), Виктор Чуркин (27 ёш), Михаил Ан (26 ёш), Николай Куликов (26 ёш), Константин Баканов (25 ёш), Олим Аширов (24 ёш), Владимир Фёдоров (23 ёш), Владимир Сабиров (21 ёш), Равиль Агишев (20 ёш), Шухрат Эшбўтаев (20 ёш), Сирожиддин Бозоров (18 ёш), шунингдек, иккинчи мураббий Идгай Тазетдинов (46 ёш), шифокор Владимир Чумаков (46 ёш), маъмур Мансур Толибжонов (35 ёш) самолётга чиқади. Самолётда жами 44 йўловчи, улардан 17 нафари пахтакорчилар эди. Ҳалок бўлганлар орасидаги энг ёши кечагина мактаб партасини тарк этган 18 яшар Сирожиддин Бозоров эди, у Минскка бир кун аввал, дублёр таркиб билан учиб кетиши керак бўлган, бироқ отасини кутиб олиш билан банд бўлиб, эртасига асосий таркиб билан бирга самолётга чиқишга мажбур бўлган.

Михаил Ан ҳам кутилмаганда самолётга чиққан. Машғулотлар чоғида жароҳат олгани боис, Минскка бориши керак эмас эди. Лекин дўстларини кузатиш учун аэропортга боради. Анатолий Могильний самолётга етиб кела олмаслиги маълум бўлгач, футболчилар Михаил Анни бирга кетайлик, деб кўндиришга тушади. Хуллас, Михаил Ан улар билан бирга самолётга чиқади.

Жамоа катта мураббийси Олег Базилевич хотини билан жанжаллашиб қолгани учун уйда қола олмай, бир кун олдин Минскка учиб кетганди. Эру хотиннинг уриши унинг хаётини сақлаб қолади. Ўзбекистон спорт журналистлари жамияти раисини ҳам худо сақлайди, у бир кун илгари дўстлари билан узоқ улфатчилик қилгани сабабли самолётга етиб кела олмайди.

В. Макаровнинг беваси Алла хотираларидан:

«Улар Минскка учиб кетишларидан аввал бир неча футболчиларнинг хотинлари ва болалари билан бирга Иссиққўл бўйидаги дам олиш уйига йўл олдик. Володя яна бир фарзанд кўришимизни, бинобарин, бундан саломатлигимни яхшилаб олишимни истаганди. Бироқ Иссиққўлга жўнаб кетишимиздан аввал мен ҳам, эрим ҳам жуда кўрқинчли тушлар кўрдик. У ерга кетишдан олдин ўн йил муқаддам вафот этган онам тушимга кирибди, бизнинг уйимизга келаётган эмиш. Ҳали уйғонмасдан бу тушнинг хосияти яхши эмаслигини, орамиздан кимнидир ўзи билан олиб кетиш учун келаётганини ўйлаб, юрагим орқага тортиб кетди. Тахминан ўша куни Володя тушида кўзгудаги аксини кўради: бошидаги сочлари тўкилиб кетган эмиш. Бу ҳам хосиятсиз туш эканини ўзи ҳам билган. 11 август эрталаб Элина билан сайр қилгани чиқдик. Қизим зина бўйлаб югуриб тушар экан, пойабзалининг пошнаси зинанинг ёриғига қисилиб, узилиб тушди. Элинага бебошлиги учун дакки берган бўлдим. Назаримда, айнаи ўша лаҳзада Володя бизни ўйлаган бўлсак керак».

Сергей Покатиловнинг беваси Ирэна хотираларидан:

«Ўша жуда иссиқ кунда ҳаммаси одатдагидек кетаётганди. Ҳеч тугамайдиган рўзғор ишлари: дўконга бориб келдим, боламга бўтқа пиширдим, алла айтиб хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошладим. Бирданига кўзим фотосуратдан менга тикилиб турган Сергейнинг нигоҳига қадалди ва «нега менга ўлган одамдай тикилаётирсан?» деган фикр беихтиёр хаёлимдан кечди (кейин билсам, ҳалок бўлган лаҳзада хаёлан менга «термилган» экан). Бунга унча аҳамият бермадим, бироқ кўнглимнинг бир четида бир кўнгилсизлик рўй берганини сезиб турардим».

Бу фожиа билан боғлиқ бошқа ғайриоддий ҳодисалар ҳам бўлган. Жумладан, умр бўйи уйида, ҳатто бир дона миҳ ҳам қокмаган В. Чуркин Минскка жўнаб кетиши арафасида бутун уйни ўз қўли билан тартибга келтирган. Хотини жомадонига қора кўйлак ҳам жойлаганида Владимир Фёдоров хафа бўлган. Жамоа маъмури М. Толибжонов эса кечаси билан безовта бўлиб чиққан: гоҳ чой дамлаб беришни, гоҳ тарвуз сўйиб беришни, гоҳ эса мева-чева беришни сўраган. Болалиги, ёшлиги, тўйга қандай пул жамғаргани ҳақида тонг отгунча гапириб берган. Бир неча кун аввал уларнинг учувчи қўшниси ҳалок бўлганда эса, Мансур дафн маросими чоғида беихтиёр «мен ҳам шу учувчи каби самода нобуд бўламан» деган.

**Эрта** тонгда машина келган ва у болаларни уйғотиб юбормаслик учун **эшикни** аста ёпиб чиқиб кетган. Бироқ бир неча дақиқадан кейин қайтиб **чиқиб**, болаларини ўпиб «видолашган». Мансур ҳалок бўлганидан кейин **у** қолдириб кетган қарз-ҳавола қилган одамларнинг тўла рўйхатини хоти-**ни** топиб олган.

Бу фожиадан бир йил муқаддам «Пахтакор» жамоаси Венгрия жамоаси **тушган** самолёт билан тўқнашиб кетишига сал қолади ва даҳшатли ҳаво **пардобига** тушади. Ўшанда футболчиларнинг барчаси деярли ҳаётдан **умид** узади. Лекин уларнинг бахтига учувчилар самолётни асраб қолади. Бу **воқеадан** кейин таниқли бир фолбин уларни самолётдан эҳтиёт бўлинглар, **деб** огоҳлантиради. Бироқ олис шаҳарга бир неча кунни беҳуда сарфлаб **воқедада** бориб бўлмайдик-ку, самолёт хизматидан фойдаланмасликнинг **шукони** йўқ.

Фожиа Украина осмонида, Днепродзержинск шаҳрига яқин жойда со-**дир** бўлади. Ўша куни Ҳаво ҳаракатларини бошқариш ягона тизимининг **Харьков** туман марказини диспетчерлар 30 ёшли В.Сумский (диспетчер **бўлиб** тўрт йилдан буён ишлаётган) ва 20 ёшли Н.Жуковский (икки ярим **ойдан** буён ишлаётган) парвозларни бошқараётганди. Уларнинг бошлиғи С.Сергеев қандайдир ўз ишлари билан машғул бўлиб, диспетчерлар иши-**ни** назорат қилмаган. Бунинг устига, Сумский парвозларга раҳбарлик қилишни ўзига топширишни илтимос қилса ҳам рад этиб, бу ишни ёш ва малакасиз Жуковскийга топширган. Диспетчерлар назоратчиси Томилов ҳам ўзининг хизмат вазифасидан бош тортган. Хуллас, ўша куни диспет-**черлар** хонасида қасддан ёки қутулмаган бошбошдоқлик ҳукм сурган.

Фалокат босиб, ўша куни юқори мартабали раҳбарлардан бири расмий ташриф билан қайсидир давлатга парвоз қилган, ёки қаёққадир учиб кета-**ётган** бўлган (бир тахминга кўра, бу Украина КП МКнинг котиби бўлган, бошқа тахминга кўра эса Мўғулистон коммунистларнинг раҳбари Цеден-**бал** Брежнев билан учрашиш учун Қримга кетаётган бўлган) ва айни шу боис самолётлар парвоз қиладиган бир неча юқори қатнов йўлақлари ёпик **бўлган**. Бу парвоз йўлақлари «тозаланиши» натижасида бошқа парвоз йўлақларида қатновлар кўпайиб, ҳалокат рўй бериши эҳтимоли ортган. Самолётлар парвоз қиладиган Харьков ҳаво ҳудуди ҳозир ҳам серкатнов

ҳисобланади, ўша кезларда эса ўта серқатнов бўлган. 1979 йилнинг ўша фожиали 11 август кунини бир вақтнинг ўзида 12 та самолёт диспетчерлар билан алоқада бўлган, ҳолбуки автоматика учун ҳам самолётлар сони 10 дан ошмаслиги керак эди.

Диспетчер Жуковский назорат қилаётган ҳудуддаги осмонда кундузги соат бирлар атрофида Тошкентнинг ТУ-134 самолёти билан Челябинск-Кишинёв йўналиши бўйлаб парвоз қилаётган борт рақами 65816 бўлган самолёт ўзаро яқинлашиб кела бошлайди. Кейинги самолётда 121 йўловчи бўлган. Ёш диспетчер икки самолёт ўз йўналишидаги назарий тўқнашиши мумкин бўлган нуқтадан шикастланмай ўтиб кета оладиган вақт интервалини ҳисоблайди. Мазкур вақт интервали Днепродзержинск ҳудудига тўғри келади. Диспетчер самолётлар орасидаги масофа бошқа йўналишни эгаллаш имконини беради, деб ҳисоблаб чиқади ва соат 13 дан 30 дақиқа 46 сония ўтганда Тошкент самолётига 8400 метр баландликни эгаллаш ҳақида буйруқ беради. Бу ҳалокатли буйруқ эди, чунки ёш диспетчер нотўғри ҳисоблаганди, оқибатда самолётлар битта йўналишга тушиб қолади. Диспетчерлар хонасида ҳукм сураётган тартибсизлик шароитида Жуковскийнинг хатосини тўғрилайдиган одам, албатта, топилмайди. Унинг ўзи ҳам ҳисобларини қайта текширишни лозим кўрмайди. Фақат ҳалокатдан 4 дақиқа олдин Сумский қандайдир қалтис хатоликка йўл қўйилганини сезиб қолади. У ҳамкасбининг ҳисобларини текшириб кўриб, хато қилганини аниқлайди ва парвозларни ўзи бошқара бошлайди. Бироқ ўша ҳудудда 9000 метр баландликда яна бир Ил-62 самолёти парвоз қилаётгани вазиятни оғирлаштиради. Сумский унга йўналишни бўшатиш тўғрисида буйруқ беради ва Тошкент самолётига ўша йўналишга чиқиб олишни буюради. Афсуски, шу пайт вазиятга табиат қалтис равишда аралашади. Радиоэфирдаги тўсқинликлар сабабли Тошкент самолёти учувчилари диспетчернинг охириги буйруғини олмайди. Лекин уни Ил-62 самолёти учувчилари олади ва ўзларига тегишли буйруқ ҳисоблаб, 8400 метр баландликдаги йўналиш сари йўлни буради. Сумский эса «Тошкент» самолётидан жавоб олдим, деб хотиржамликка берилади ва радиоалоқани узиб қўяди. У хато қилганди: айнан кимдан жавоб олганини аниқлаши, бунинг учун тегишли самолётдан жавобни тасдиқлашни талаб қилиши керак эди.

Соат 13 дан 35 дақиқа 38 сония ўтганда фожиа рўй беради. Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрининг «Мангулик» спектакли Ўзбекистон телевидениеси орқали намоиш қилинаётган лаҳзаларда Тошкент самолёти Челябинск самолёти билан юзма-юз тўқнашиб кетади. Ҳалокат оқибатида 178 киши ҳалок бўлади. Бошқа бир фикрга кўра, самолётлар юзма-юз тўқнашмаган, балки Челябинск самолёти Тошкент самолётининг думини узган, натижада Тошкент самолёти пастлай бошлаган. Самолётни қутқариб қолиш имконияти мавжуд бўлган бир паллада ёнилғи идишларида ёнғин бошланган.

Н.Гладкий хотираларидан (ўша пайтда Днепропетровск вилояти бош давлат санитария врачлари ва вилоят ижроия кўмитаси ҳузурида эпидемияларга қарши комиссия раисининг ўринбосари бўлган):

«1979 йил 11 август шанба куни ишхонада ёлғиз ўзим қолдим. Тахминан 13.45 да вилоят ижроия кўмитасида навбатчи қўнғироқ қилиб, Днепродзержинск яқинида самолёт қулаб тушганини ва ўша ерга бориш кераклигини айтди. Бир соатдан кейин фожиа рўй берган жойга етиб бордим ва Днепропетровск вилояти ИИБ бошлиғи генерал-майор Михальковни учратдим. Генералнинг ранги докадай оқарган ва жуда кайфияти тушиб кетганди. Мени кўрган заҳоти тўппончасини менга тутқазаркан: ўзимга кафолат бера олмайман, даладан ҳалок бўлганларнинг буюмларини, жомадонларини, самолётларнинг қисмларини ўмариб кетаётган кафандузлардан бирортасини отиб қўйишим ҳеч гап эмас, деб айтди.

Бундай даҳшатни ҳеч кўрмагандим. Айланаси 30 километрни ташқил қиладиган шудгорланган дала 20 – 50 сантиметрли чуқурчалар билан қопланган, одамларнинг жасадлари эса чуқурчаларда эмас, ерга зарб билан урилганидан уларнинг четида ётарди. Ҳалок бўлганларнинг жасадлари осмондан оёғининг тагига тушганда, бир неча одам юраги ёрилиб ўлганини ҳам айтишарди. Бир қанча жасадлар аҳолининг ҳовлисига тушганди. Биттаси эса ошхона томини тешиб ўтиб, уй бекасининг оёғи остига тушибди. Милиционер: «Уй сизники, керак бўлса, ўзингиз олиб чиқиб ташланг, бизнинг бусиз ҳам ташвишимиз бошимиздан ошиб ётибди», деб уй бекасининг илтимосини рад этибди.

«Пахтакор» жамоаси учувчилар хонасининг орқасида ҳимоя камарларини таққан ҳолда ўтиришгани учун ҳаммаси битта жойга тушган. Жа-

садларнинг бўлаклари самолётнинг чўққа айланган алюмин қисмларига ёпишиб қолганди. Фуқаро мудофаа полки таркибидан мусулмон миллатига мансуб кишиларни олиб ташлашга тўғри келди, чунки улар жасадларни кўриши билан буйруққа ҳам итоат этмай, ишга киришиш ўрнига бир жойга йиғилиб олиб, тиловат қила бошлаган. Уларнинг ўрнига Днепродзержинск шаҳар ижроия қўмитаси корхоналаридан 20 киши жўнатилган».

«Пахтакор» ҳалокатга учраган куни Москвадаги Ленин номидаги марказий стадионда футбол бўйича Иттифоқ кубогининг финал ўйини бўлган. Москва ҳамда Тбилисининг «Динамо» жамоалари 65 минг томошабин гувоҳлигида ўзаро беллашган. Ўйиннинг асосий вақтида дуранг бўлгани учун ўйин тақдирини ўн бир метрдан тўп тегишлар ҳал қилган. Беллашувнинг энг яхши футболчиси В.Газзаев тепган тўпни қайтарган тбилисиликлар дарвозабони Габелия ўйин қаҳрамони бўлган. Натижада меҳмонлар 5:4 ҳисобида ютган. Ҳали ўйин пайтидаёқ бутун стадион бўйлаб Украинада «Пахтакор» ҳалокатга учрагани ҳақидаги хабар тарқалган. Бу мудҳиш хабар билан бирга, бунда Брежнев айбдор эмиш, гўё қаёққадир учиб кетаётган эмиш-у унинг самолётига йўл очиш учун икки йўловчи самолёт баҳридан кечилган эмиш, деган миш-миш ҳам тарқалади. Эндликда нима учун бундай гаплар тарқалганини аниқлаш мушкул, афтидан, кексайиб қолган бош котибни яна ҳам бадном қилиш мақсадида шундай йўл тутилган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Владимирнинг беваси А.Макарова хотирлайди:

«12 август куни дам олиш уйига кутилмаганда Ўзбекистон Спорт қўмитасининг ходими келди. У кўнгилсизлик рўй берганини, бутун жамоа овқатланиш чоғида заҳарланганини, барчаси шифохонада эканини айтди.

Барчамиз нарсаларимизни тез йиғиштирдик. Лекин самолётда кўнглим ниманидир сезиб, безовта бўла бошлади. Катта самолётда фақат биз – футболчиларнинг оила аъзолари кетиб борардик. Етиб борганимизда аэропорт хизматчилари бизларга жуда ачиниб тикилаётганини пайқадим. Бир аёлдан нима бўлганини сўрадим. У мени қўлтиғимдан олиб, футболчиларимизнинг самолёти ҳалокатга учраганини шивирлаб айтди».

Сергей Покатиловнинг беваси Ирэна эсдаликларидан:

«12 август куни эрталаб телефон жиринглади. Боламни овқатлантираётгандим: «Наҳотки эшитмаган бўлсанг!..» деган ваҳимали гапни эши-

тиб, юрагим тўхтаб қолаёзди. Боламни кўшнимникида қолдириб, Спорт кўмитасига югурдим. Кўзим ҳеч нарсани илғамас, кулоқларим битиб қолганди. Бироқ чикмаган жондан умид деганларидай яхши хушхабардан умидвор эдим. Машинадан қандай тушганимни ҳам билмайман. Йўлак олдида Толик билан Аҳмад ғамга ботиб ўтирарди. Аранг уларга яқинлашаман, бор кучимни тўплаб сўрайман: «Нахотки рост бўлса?» Кейин нима бўлганини эслай олмайман: хушимдан кетганман».

Ш.Рашидов биринчилардан бўлиб (бир соатдан кейин) ҳалокатдан ҳабардор бўлади. Ўзбекистон Спорт кўмитасининг раҳбари М.Иброҳимов унга бу мудҳиш хабарни етказди. Бу хабар Рашидовни наинки эсанкиратиб, балки батамом адойи тамом қилади. «Пахтакор» унинг ўз қадрдон жамоаси бўлиб, кўпгина футболчиларга оталарча меҳр қўйганди. Улар кўплаб минтақалардаги спорт майдонларида Ўзбекистон шон-шухратини оламга ёр, нафақат Рашидовнинг, балки бутун республиканинг севимли йигитлари ҳисобланарди. Бутун миллат кутилмаганда ўзининг севимли футболчиларидан жудо бўлганди. Ш.Рашидов қайси гуноҳи учун қисмат ундан бундай шафқатсиз қасос олаётганини англай олмай гаранг бўлиб қолади. Айтишларича, у бир соат мобайнида ҳузурига ҳеч кимни киритмаган, қандай тушкун аҳволга тушиб қолганини одамлар кўришини истамаган.

Бироз кейин, «Пахтакор»нинг ҳалокатида Украина КП МКнинг котибларидан бирининг қўли борлигидан хабар топиб, Ш.Рашидов Ўзбекистон ДХК раҳбарларидан бири билан боғланади ва ҳалокат тафсилотларини аниқлаштиришни сўрайди. «Барча ҳақиқатни аниқлаб, шахсан менга маълум қилинг!» – деб топшириқ беради. Бироқ бу гапни Москвадан яширишнинг имкони бўлмайди. Орадан бир неча соат ўтиб, бу гап Андроповга етиб боради. Ўша кезларда Кремль олий доирасида «ўлик мавсум» деб аталувчи кайфият ҳукм суради. МК Бош котиби Л.Брежнев бошчилигидаги деярли мамлакатнинг бутун сиёсий раҳбарияти Москвадан олисда, Қримда янги сиёсий мавсум олдидан дам олиш кунларининг завқидан ҳузурланарди. Москвада қолган Сиёсий бюронинг фақат икки аъзоси А.Кириленко билан Ю.Андропов бутун оғирликни ўз зиммасига олишга мажбур эди. Айниқса, ДХК раисининг ишлари жуда кўп, Афғонистон ва Хитойдан келаётган хабарларни ҳам диққат билан кузатиб

боришга мажбур эди, кейинги пайтда бу мамлакатлардаги вазият Итти-  
фок учун хатарли тус олаётганди. 11 августда Андропов зиммасига яна  
бир ташвиш тушади.

ДХК раҳбари шанба куни соат иккилар атрофида ўзининг Москва  
яқинидаги дала ҳовлисида эди, кутилмаганда Москвадан махсус алоқа  
бўйича хабар қилинади. Унинг ёрдамчиларидан бири Днепродзержинск  
шаҳрида авиаҳалокат рўй бергани, анча одам нобуд бўлганини хаво-  
тирланиб маълум қилади. «Иккита самолёт тўкнашиб кетибди, – дейди  
ёрдамчиси. – Улардан биттасида Минск шаҳрига навбатдаги учрашувни  
ўтказиш учун бораётган Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси футболчила-  
ри бор экан. Иккита тахмин: кўпуровчилик ҳамда оғир шароитда ишлашга  
мажбур бўлган диспетчерларнинг ишга совуққонлик билан муносабатда  
бўлганлиги текширилмоқда». «Қандай оғир шароит?» сўраган Андропов.  
«Ҳаво йўлини асосий самолёт учун очиқ қолдиришган, оқибатда бир неча  
самолётлар битта йўналишга тушиб қолган». «Бош йўналишдаги самолёт-  
да ким бўлгани аниқландими?» Навбатчи «ҳа» деб жавоб берган ва укра-  
иналик юқори мартабали шахс ёки Мўғулистон коммунистларининг етак-  
чиси исми шарифини эмас, балки Қримга, Брежнев олдида учиб кетиши  
керак бўлган Черненкога тилга олган. Оқибатда авиадиспетчерлар учта  
ҳаво йўналишидан биттасини очиқ қолдиришган, парвоздаги самолётлар  
эса фақат икки ҳаво йўлаги бўйлаб учишга мажбур бўлган. Андропов  
ҳамма гапни эшитгач, воқеалар тафсилотидан узлуксиз хабардор қилиб  
туришни буюриб, гўшакни кўйган. Андропов ўша пайтгача ДХКга 12  
йилдан буён раҳбарлик қилиб келар, ўтган давр мобайнида турли дара-  
жадаги ўндан ортиқ авиаҳалокатлар гувоҳи бўлганди. Улардан айримлари  
террорчилар томонидан қилинган, қолганлари одатдаги авиаҳалокатлар  
бўлганди. Бинобарин, Андропов анчадан буён бундай кўнгилсизликларга  
жиддий эътибор бермайдиган бўлиб қолганди. Бироқ сўнгги ҳалокат  
қурбон бўлганларнинг сони жиҳатидангина эмас, сиёсий тусга эга эка-  
ни билан ҳам жиддий муносабатни талаб қиларди. Чунки «Пахтакор»  
жамоаси Ўзбекистон раҳбари Ш.Рашидовнинг суянган тоғию ишонган  
боғи бўлганини ҳамма яхши биларди. Қатор республикаларнинг раҳ-  
барлари ҳам ўз жамоаларига ишқибозлик қиларди.

Бу ўринда Андропов билан Рашидов ўртасидаги муносабатларга ҳам  
алоҳида тўхталиб ўтиш зарур. Ўша даврдаги расмий ҳужжатларга кўра,



улар рисоладагидек муносабатда бўлган. Хусусан, уларнинг ўзаро ёзиш-маларига назар ташлайдиган бўлсак, муносабатларига соя соладиган бирон нохушликни илғаш даргумон. Рашидов ДХК раисига қуйидаги байрам табрикларини йўллаган:

«Мазкур қулай имкониятдан фойдаланиб, Сизни, ажойиб оила аъзоларингизни буюк баҳор ва меҳнат байрами 1-май, Ғалаба куни билан табриклайман, мустаҳкам саломатлик, катта оилавий бахт, сеvimли социалистик Ватанимиз фаровонлиги, порлоқ коммунизм ғоялари ғалабаси йўлида ютуқлар тилайман.

Алоҳида эҳтиром билан Шароф Рашидов».

Ёки:

«Фурсатдан фойдаланиб, Улуғ Октябрь байрами билан яна бир бор сизни самимий табриклайман, муҳтарам Юрий Владимирович, сизга мустаҳкам саломатлик, бахт-саодат, буюк социалистик Ватанимиз равнақи, коммунизм ғоялари ғалаба қилиши йўлидаги самарали фаолиятингизда сидқидилдан улкан ютуқлар тилайман.

Сизни биродарларча кучиб ва ўпиб қолувчи Ш.Рашидов».

Рашидовнинг Янги йил табриги ва у жўнатган китобларга Андропов шундай жавоб табриги йўллаган:

«Қимматли Шароф Рашидович!

Самимий эътибор, каминага йўллаган китоблар учун миннатдорчилик билдираман. Менга ва оила аъзоларимга билдирган қизгин Янги йил табриги учун катта раҳмат. Партия сенга ишониб топширган масъулиятли лавозимда қанчалар катта куч-қувват сарфлаётганини билган ҳолда, сенга, энг аввало, мустаҳкам саломатлик, юксак кўтаринкилик, барча ишларда ва ташаббусларда янги ютуқлар тилайман.

Сенга ва оила аъзоларингга бахту саодат ва фаровонлик тилайман.

Биродарлик қутлови билан Ю.Андропов».

Албатта, бу мактублар Андропов билан Рашидов ўртасидаги ҳақиқий муносабатларни ифодалай олмайди. Чунки уларнинг иккаласи ҳам сиёсатчи бўлиб, сиёсатда деярли дўстлар бўлмайди. Андроповнинг Брежневга йўллаган табриклари яна ҳам қизгин ва самимий бўлган, бироқ Бош котиб вафот этгани ҳамано, бу тилаклардан нима қолганини яхши биламиз: марҳум Брежневнинг барча тарафдорларига ДХК раиси шундай хужум бошлайдики, барчаси тумтарақай бўлиб кетади.

«Пахтакор» жамоасининг ҳалокати мавзуйга қайтайлик.

Андропов Ш.Рашидовнинг футболга ишқибозлигини жуда яхши тушунарди ҳамда зиммасида улкан масъулият бўлгани ҳолда, ўзи ишқибозлик қиладиган жамоа учун қандай қилиб вақт ва сабру бардош топа олаётганидан ажабланарди. Рашидов «Пахтакор» жамоаси ҳақида шунчалик қайғурар эдики, фақат ота ўз ўғилларига шундай ғамхўрлик кўрсатади. Эндиликда фарзандидек бўлиб қолган жамоадан уни маҳрум қилишганди. Бу айнан Л.Брежнев учун қадрли Днепродзержинск шахри узра содир этилганди. Боз устига Ш.Рашидовнинг азалий ғанимларидан бири Украина раҳбари В.Шчербицкийнинг партиявий мансабдорлик фаолияти ҳам айнан шу шаҳарда бошланганди. Бинобарин, буларнинг барчасидан хабардор одамнинг хаёлига биринчи галда «Пахтакор»нинг ҳалокати бежиз эмас, деган фикр келарди. Бу фикр Андроповнинг хаёлидан ҳам кечган. «Бу ҳалокат Рашидовнинг асабларини жиддий ишдан чиқариши мумкин, – деб ўйлаган ДХК раиси. – Ҳолбуки, Рашидов ҳозир бутун куч-ғайрати ва иродасини жамлаши зарур. Чунки Афғонистондаги вазият яна ҳам кескинлашадиган бўлса, айнан Ўзбекистон зиммасига уруш билан боғлиқ жуда оғир масъулият юкланади».

Ўша куни кечкурун «Пахтакор» ҳалокати ҳақида бутун Москвада миш-миш тарқалади. Гўё «Пахтакор» ҳалокатига Брежнев сабабчи эмиш, у Қримда дам олиб бўлгач, Москвага учиб келаётганда, ўзи хоҳламаган ҳолда «Пахтакор» ҳалокатига сабабчи бўлганмиш. Бу миш-мишларни ўша куни кечки пайт Андроповга етказишади. Совет матбуотида бу ҳақда бирон гап айтилмаганига қарамасдан мазкур гап-сўзлар бутун мамлакат бўйлаб яшин тезлигида тарқалгани Андроповни ҳайратга соларди. Андропов шуни ҳам яхши билардики, бу ҳалокатга Брежневнинг ҳеч қандай дахли йўқ, Бош котиб ўша 11 август шанба куни Мўғулистон коммунистлари етакчиси Цеденбал билан учрашган ва Хитой билан чегарадаги хавотирли вазиятни муҳокама қилганди.

Даҳшатли ҳалокат рўй берган санада келган яна бир хабар Андроповни янада кучли ташвишга солганди. Хусусан, Рашидов Ўзбекистон ДХК орқали бу ҳалокат сабабларини аниқлаштиришга киришганди. «Бунинг унга нима кераги бор? Бу билан нимага эришмоқчи? – деган саволлар Андроповнинг кўнглидан кечарди. – Балки Рашидов бу айнан ўзимга

қаратилган фитна деб ўйлаётгандир? Нима бўлганда ҳам, Марказни четлаб ўзича иш кўришга ҳеч қандай ҳаққи йўқ. Ҳалок бўлганларни, барибир, қайта тирилтириб бўлмайди, бу борада иззат-нафсга зўр бериш эса Сиёсий бюродаги бусиз ҳам қалтис вазиятни яна ҳам кескинлаштиради».

Мамлакат олий партия органидаги вазият ҳақиқатан ҳам қалтис эди. Кекса Брежнев шу даражада хаста эдики, Сиёсий бюронинг айрим аъзолари уни аллақачон нафақага кузатиш керак, деб ошқора гапирар бошлаганди. Бош котибликка биринчи номзод А. Кириленко бўлиб, Андропов уни сира ёқтирмасди.

ДХК раиси айни шу боис Брежневни нафақага кузатиш масаласи муҳокама қилинмаслиги учун кўлидан келган барча ишларни қиларди. Сиёсий бюронинг Громыко, Устинов, Шчербицкий каби обрўли аъзолари бу борада уни қўллаб-қувватларди. Айни шу боис Рашидовнинг самолёт ҳалокати муносабати билан Шчербицкийга ҳамласи Андроповнинг ғашини келтирганди. Андропов: «Рашидовнинг попугини пасайтириш керак, бу ишни эса фақат Кириленко қойилмақом қилиб уддалайди» деган қатъий хулосага келади. Кириленко Рашидов билан атиги бир неча дақиқа суҳбатлашади. «Шароф Рашидович, Днепродзержинск Леонид Ильичнинг она шаҳри эканини яхши биласиз, бу шаҳар номининг тилга тушиши уни жиддий ранжитиши мумкин. Шу боис бу мавзунинг матбуотга кўтариб чиқиш ярамайди. Бу борада барчамиз сиз билан ҳамдардмиз, муҳтарам Шароф Рашидович, ўтган ишга салавот. Бу ҳалокатга ортиқча эътибор қаратилиши мамлакат ичкарисида ҳам, хорижда ҳам турли гап-сўзларни пайдо қилиши мумкинлигини яхши биласиз. Бинобарин, ҳалок бўлганларни ўзингиз истаганча иззат-икром билан кузатишга сизга рухсат берамиз, бироқ матбуотда бу ҳақда қисқача хабар бериш билан чекланиш керак».

«Пахтакор» футболчилари 17 август жума куни дафн қилинади, бироқ республика ОАВларида бу ҳақда бир сатр ҳам хабар чикмайди. Ёлғиз Ўзбекистон КП МКнинг нашри «Правда Востока» газетасида бундан уч кун аввал қисқа таъзиянома босилади, холос. Бу республика аҳолиси иззат-нафсини ғалаёнга келтиради. Бинобарин, 10 августда Украинадаги «Молодогвардейская» конида ҳалокат бўлганда, барча Марказий ОАВларида унга бағишланган мақолалар босилганди. «Пахтакор»га келганда эса, уларнинг барчаси гўё тилини тишлаб олгандай миқ этмайди.

Тошкент аэропортида дастлаб мотам митинги бўлади, кейин 17 нафар пахтакорчиларнинг хоклари мустаҳкам ёпилган тобутларда Ўзбекистон пойтахти кўчалари бўйлаб олиб ўтилади. Ҳалок бўлганлар Боткина номидаги қабристонга дафн қилинади. «Пахтакор»нинг расмий сайтида қайд этилгандек: «Ўзбекистон пойтахти, қолаверса, бутун республика футболчилар билан муносиб видолашишга тайёргарлик кўради. Ҳалок бўлган футболчилар амалда ҳам катта иззат-икром билан сўнгги йўлга кузатилади. Тошкент аэропортидан Боткина қабристонигача йўл бўйлаб минглаб одамлардан ташкил топган жонли девор футболчиларни кузатиб қолади. Дикқатга сазовор жойи шундаки, одамлар кўчаларда шу даражада гавжум бўлганига қарамай, бирон жойда оломонга хос тартибсизлик ҳолати рўй бермайди. Минглаб одамлар ягона қайғу туфайли ўзаро ҳамдардга, бир тану бир жонга айланади.

Дафн қилишда республиканинг деярли бутун раҳбарияти ҳозир бўлади, сўзга чиққанлар кўз ёшларини тийиб, аранг сўзлайдилар. Бу ҳалокатни англаш, уни холис таърифлаш амримаҳол эди». Днепропетровскда жамоа аъзоларига вафоти тўғрисида берилган гувоҳномада уларнинг ҳалок бўлишлари сабаби ғалати ифодаланганди: «Бахтсиз ҳодиса ишлаб чиқаришдан бошқа жойда рўй берди. Инсон ҳаётига мос келмайдиган одам танаси анатомик бутунлигининг кўпол бузилишлари. Куйиб кўмирга айланган жасадлар...» Ҳалок бўлганларнинг оилаларига 1000 сўмдан суғурта пуллари берилди, болаларга эса 120 сўмдан ойлик нафақа тайинланади. Ўзбекистон ҳукумати ҳалок бўлганларнинг оилаларига 120 сўмдан шахсий нафақа ҳам тайинлайди. Республика ҳукумати кейинчалик Боткина қабристонига ҳалок бўлган футболчилар шарафига Хотира ёдгорлиги ўрнатади.

Ҳалокатнинг асосий айбдорлари – авиадиспетчерлар Сумский билан Жуковский 15 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинади. Тўғри, улар олти йил ҳибсда ўтиргач, амнистия туфайли озодликка чиқарилади.

«Пахтакор» жамоаси ҳалокатга учрагандан кейин деярли дастлабки кунлардан эътиборан Иттифоқ Спорт қўмитаси янги жамоа тузишга киришади. Ўзбекистоннинг ўзида ҳалок бўлган пахтакорчилар даражасида малакали футболчилар топиш қийин бўлгани боис, олий лигадаги барча футболчиларга мавсумни «Пахтакор» таркибида тутатиш илтимоси

**Билан** мурожаат қилинади. Жуда кўпчилик бунга «лаббай» деб жавоб **бсради** ва уларнинг ичидан энг яхшилари танлаб олинади. Булар: Глушак **ков** («Спартак», Москва), Бондарев (ЦСКА), Церетели («Торпедо», Кутаиси), Нечаев («Черноморец», Одесса), Яновский ҳамда бошқалар бўлганди.

Янги таркибдаги «Пахтакор» ўзининг дастлабки ўйинини ҳалокат рўй **берганидан** кейин 12 кун ўтгач – 23 август куни Ереванда «Арарат» жамоасига қарши ўтказади. 75 минг кишига мўлжалланган «Раздан» ўйин **майдони** томошабинлар билан лик тўлган, барча янги «Пахтакор» ўйинини кўргани келганди. Янги таркибдаги жамоа бир ёқадан бош чиқариб **ўйин** кўрсатиши мушкул тус олади. Натижада майдон эгалари 3:1 ҳисобида ютади.

### 32-боб

## АФҒОН ҚОҶОНИ

1979 йилда Ўзбекистон муҳим тарихий воқеа марказига айланади: айнан Ўзбекистон ҳудудидан Афғонистонга совет кўшинлари киритилади. Бу воқеа кейинчалик Иттифоқ тақдирини ҳал қилади. Дастлаб, бунга нима **асос** бўлгани ҳақида.

Барчаси 1978 йил апрелда бошланади. Ўшанда Афғонистонда Савринкилоби содир бўлиб, натижада Афғон Халқ демократик партиясидан иборат сўл кучлар подшоҳ Муҳаммад Довудни тахтдан ағдаради. Оқибатда ёзувчи Нур Муҳаммад Тараккий президент, зобит Ҳафизулло Амин Бош вазир бўлади. Совет Иттифоқи бу воқеалардан ўзини четга олмай, навқирон афғон инқилобини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Қолаверса, Афғонистон узоқ йиллар мобайнида Иттифоқ манфаатлари доирасида бўлиб, оғир даврда стратегик шеригини ўз холига ташлаб қўя олмасди.

Афғон инқилоби осойишталик эмас, балки қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Гап шундаки, АХДП таркибида иккита – «Халқ» ва «Парчам» қанотлари бўлиб, улар ўзаро душман ҳисобланарди. Ҳокимиятни қўлга киритгач, уларнинг ўртасидаги зиддият яна ҳам кучаяди. Оқибатда мамлакатда «Парчам» қанотига мансуб кишиларни таъқиб қилиш бошланади, уларнинг етакчиси Бабрак Кармал Чехословакиядан бошпана топади. 1979 йил апрелида Афғонистоннинг бир неча вилоятларида оммавий

ғалаёнлар бошланади. Шу боис афғон раҳбариятида келишмовчиликлар авж олади, бунинг оқибатида Амин Таракқийга тазйиқ кўрсатиб, мамлакатни бошқаришни ўз қўлига олишга уринади. Хуллас, сентябрь ойида Таракқий бўғиб ўлдирилади ва ҳокимият тортиб олинади. Бу қотиллик Москванинг сабр косасини тўлдириб юборади, чунки Таракқий Брежневнинг дўстларидан бири эди.

Кремль раҳбарияти бу пайтгача Афғонистонга қўшин киритмоқчи бўлмаган, чунки бу фақат кўнгилсизликлар келтириб чиқаради, деган фикрда бўлган. Бироқ Таракқий ўлдирилгандан сўнг, Амин АҚШ билан яқинлашишни мўлжаллаётганига оид хабарлар кела бошлагач, Москва раҳбариятининг аксарияти мазкур муаммони ҳарбий йўл билан ҳал қилишни ёқлай бошлади. Ю. Андропов билан Д. Устинов мазкур таклифни зўр бериб илгари суради.

Тарихчилар мазкур икки арбоб нима учун бу таклифни ёқлагани борасида ҳамон баҳслашадилар: хусусан, улар АҚШ ва Исроил махсус хизматларининг сохта маълумотларига алданган бўлиши ёки дунё хари-тасини қайтадан тузиш ўзларининг хуфиёна тарафдорларига кўмаклашишдан иборат ёвуз уриниш ҳам бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Совет раҳбариятида мамлакат ва жаҳондаги барча воқеалардан яхши хабардор бўлгани боис, бу борада, асосан, Андроповдан шубҳа қилинади. Тарихчи В. Шуригин бу хусусда шундай мулоҳаза юритади:

«Брежневни Афғонистонга қўшин киритишга узил-кесил кўндиришда Андроповнинг фикри ҳал қилувчи аҳамият касб этган. Брежнев хузурида афғон масаласи бўйича бўлган кенгашда Иттифоқ ҚК Бош штабининг раҳбарияти (Н.В. Огарков, С.Ф. Ахромеев ҳамда В.И. Варенников), шунингдек, Қуруқликдаги кучлар бош кўмондони армия генерали И.Г. Павловский Иттифоқ сиёсий раҳбарияти томонидан якуний қарор қабул қилингунча Афғонистонга совет қўшинлари киритилишига қарши бўлган. Улар афғон раҳбарияти ички муаммоларни фақат ва фақат мустақил ҳал қилиши керак, бизнинг қўшин киритишимиз Афғонистондаги ҳарбий қарама-қаршилик ва исёнкорлик ҳаракатлари авж олишига олиб келади, бу ҳаракатлар биринчи галда бизнинг қўшинларга қарши қаратилади, афғонларнинг, айниқса, ислом динининг анъана-қадриятларини, миллий-этник ва қабилалараро муносабатларни яхши билмаслик бизнинг ҳарбийларимизни ўта оғир вазиятга тушириб қўяди, деб ҳисоблаган.

Ҳарбийларнинг кескин ва яқдил эътирофларидан кейин Бош штаб фикрларига амал қиладиган Брежнев Афғонистондаги вазиятга аралаштиришга оид қатъий фикрга келганига қарамасдан иккиланиб қолади. Шу пайт Андропов сўз олади. У махсус хизмат ходимларининг «аллақандай далиллари»га таяниб, АҚШнинг Марказий разведка бошқармаси Иттифок таркибидаги жанубий республикаларни ҳам қўшган ҳолда Янги Буюк Усмонли салтанатини яратиш бўйича операциялар ўтказиётганини, Афғонистонда яқин вақт ичида жойлаштириш учун АҚШ «Першинг» ракета батареяларини тайёрлаб қўйганини, бу Иттифокнинг стратегик иншоотларини, жумладан, Бойқўнғирдаги космодромни хавф остида қолдиришини, Афғонистондаги давлат тўнтаришидан кейин Покистон ядро қуроли яратиш мақсадида афғон уран конларида қазиниш ишлари бошланганга тайёр эканини айтади. Андроповнинг нутқидан кейин Брежнев музокараларга нукта қўяди ва қўшинларни Афғонистонга киритиш учун тайёрлаш ҳақида буйруқ беради.

Шундан кейин 1979 йил 12 декабрда Сиёсий бюро мажлисида Андропов Устинов, Громыко ҳамда Тихонов билан бирга қўшинларни киритишга оид қарорни ишлаб чиқади.

АҚШда совет жосуслари қандай кучли иш олиб боргани ҳозир яхши маълум. Бинобарин, Америка Афғонистонда қандай мақсадларни кўзлагани, Марказий разведка бошқармаси нималар билан шуғулланганини ўша пайтдаги ДХК раиси билмагани шубҳали туюлади. Американинг Афғонистонга ракета қўшинларининг бир қисмини ташлаш режаси бўлмагани, Покистон Афғонистондаги конлардан фойдаланиб эмас, балки Жанубий Африка конлари ва Жанубий Африка республикасининг илмий салоҳиятига таяниб, атом бомбаси лойиҳаси устида ишлаётганидан Андропов хабардор экани бугун шубҳасиз.

Ҳойнаҳой, Андропов атайлаб аравани қуруқ олиб қочган. Совет давлати нима мақсадда ташкил қилинган-у, ўша мақсадлардан қанчалар ортга чекингани, оқибатда уни асло қайта тиклаб бўлмаслигини тушунган. Шу боис ҳаммасидан хабардор бўлгани ҳолда, ўлганнинг устига тепган тарзида иш тутиб, Иттифокни имкон борича кучдан қолдиришга жазм қилган. Унинг бу қора ниятини, охир-оқибат, «маслаҳатларига оғишмай амал қилган» М.Горбачёв «юзага чиқарган».

Такрорлайман: совет кўшинларини Афғонистонга киритишга оид қарор Сиёсий бюрода тор доирада қабул қилинади. Ўша тарихий сана, 12 декабрда мазкур қарорни Брежнев, Андропов, Громыко, Устинов, Черненко, Пельше, Суслов, Кириленко, Гришин, Тихонов имзолайди. Мажлисида – КПСС МК Халқаро бўлим мудири Борис Пономарёв, яъни овоз беришда қатнашмайдиган, Сиёсий бюро аъзолигига фақат битта номзод қатнашади. Сиёсий бюронинг бошқа аъзолари қуйидаги сабабларга кўра мажлисида қатнашмаганди.

Юрак хуружидан кейин оёққа туриб улгурмагани учун Косигинни безовта қилмай кўя қолишади. Бошқа учта аъзога иш жойларига: Кунаевга Олма-Отага, Шчербицкийга – Киевга, Романовга – Ленинградга хужжат нусхалари юборилади. Сиёсий бюро аъзолигига номзодлар, жумладан, Ш.Рашидов ҳам шу асно хабардор қилинади. Қолбуки, юқорида санаб ўтилган барча арбоблар орасида айнан Рашидов бу масалани пухта билар ҳамда Афғонистон каби мамлакатга кўшинлар киритилиши қандай оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлигидан ҳам яхши хабардор эди. Ўнлаб йиллар мобайнида айнан Ўзбекистон афғон йўналишида кенг кўламли дипломатик фаолият юритиб келар, Рашидов 30 йил мобайнида республика раҳбари сифатида Афғонистоннинг деярли барча жойларида бўлган ҳамда кўпгина давлат арбобларини шахсан танир эди. Бироқ Кремлдагилар бу масалада у билан маслаҳатлашишни лозим топишмайди ва шунчаки хабардор қилиб кўя қолишади. Дарвоқе, бу қарор ортида жаҳондаги кўпорувчи кучларга (АҚШ ва Исроилга) исломий давлатлар ўртасига раҳна солишида кўмаклашишдан манфаатдор совет глаболистларининг қора ниятлари тургани тахминни тўғри деб қабул қиладиган бўлсак, бундай одамлар Рашидов фикрларини рад этишлари ўз-ўзидан ойдинлашади. Шу нуқтаи назардан уйдирма «ўзбеклар иши»ни ҳам тушунса бўлади, бу қатағон ҳам аслида Иттифок доирасида мусулмон оламини парчалаб ташлашга қаратилганди. Дарвоқе, бу хусусда биров кейинроқ фикр юритамиз.

Афғонистонга совет кўшинларини киритиш ҳақида қарор қабул қилар экан, Ўрта Осиё Республикалари раҳбарлари, уларнинг аҳолиси ҳам бунга ҳеч қандай монелик кўрсатмаслиги ёки бирон-бир норозилик билдирмаслигига Кремль раҳбариятининг ишончи комил бўлган. АҚШнинг



Иттифокдаги элчиси Тун ҳам ўз ватанига айна шу мазмунда хабарнома жўнатади:

«Элчимиз ходимларининг совет Ўрта Осиёсига кейинги пайтда қилган қатор сафарлари чоғида норозилик аломатлари деярли кузатилмади. Ўрта Осиё Республикалари совет ҳокимияти йилларида салмоқли ижтимоий ва иқтисодий тараққиётни қўлга киритган бўлиб, Афғонистоннинг қўшни вилоятларига нисбатан анча юқори турмуш фаровонлигига эришган».

Афғонистонга совет қўшинлари киритилиши масаласига дуч келган Ш.Рашидов ҳамда бутун Ўзбекистон раҳбарияти (шунингдек, Ж.Расулов бошчилигидаги Тожикистон ҳамда М.Ғафуров бошчилигидаги Туркманистон раҳбарияти) мазкур муаммо билан жиддий шугулланишга мажбур бўлади. Ўзбекистонда ёз фаслидаёқ «мусулмон аскарлари бўлинмаси» ташкил қилинади. Унга майор Х. Холбоев командир этиб тайинланиб, мазкур бўлинма биринчилардан бўлиб ишга киришади. Декабрнинг дастлабки ўн кунлигида муҳим иншоотларни қўриқлаш учун Баграмга жойлаштирилади.

Сурхондарё вилоятининг маркази Термиз шаҳри Иттифок учун Афғонистонга ўз қўшинларини киритишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Термиз шаҳрида жойлашган Туркистон ҳарбий округининг 108-моторлашган ўкчи дивизияси (қўмондони Ю. Максимов) 25 декабрь куни соат 15:00 да Амударё узра ташланган кўчма кўприкдан ўтиб, Кобул сари йўл олади. Айна пайтда мазкур округнинг яна бир моторлаштирилган ўкчи дивизияси (5-дивизия) Туркманистоннинг Кушка шаҳридан юришни бошлайди, 103-ҳаво-десанти дивизиясининг шахсий таркиби ва жанговар техникалар юкланган ҳарбий-юк самолётлари Совет-Афғон ҳаво чегарасидан ўтади. Мазкур самолётлар Кобул ва Баграм аэродромларига қўнади. 47 соат мобайнида самолётлар 343 марта парвоз қилади. Мазкур икки шаҳарга 7700 киши, 894 та жанговар техника ҳамда 1062 тонна турли юклар келтирилади. Афғонистондаги совет қўшинлари қўмондони этиб Туркистон ҳарбий округи (унинг бош идораси Тошкентда жойлашганди) қўмондонининг 1-ўринбосари генерал-лейтенант Ю.Тухаринов тайинланади.

Совет қўшинлари 27 декабрда дастлабки хатти-ҳаракатни бошлайди. Ўша куни махфий «Шиддат-333» режасига биноан Тоғ-Бек саройига ҳужум қилиниб, Амин ўлдирилади. Мазкур ҳужумда, асосан, «мусул-

мон бўлинмаси» қатнашади, унга 345-десант рота, ДХКнинг «Чакмок» ва «Зенит» махсус бўлинмалари кўмаклашади. Шундан кейин мамлакатда ҳокимият Бабрак Кармал қўлига ўтади.

Совет қўшинлари таркибида дастлабки ҳужумдаёқ йўқотишлар бўлади. 1980 йил 1 январи ҳисобига ҳалок бўлганлар 89 кишини ташкил этган, улардан 10 нафари офицерлар, кўпчилиги Кобулга қўнаётган самолёт қулаб тушиши натижасида нобуд бўлган. Ҳалок бўлганларни олдини-га Тошкентга олиб келишади. Мазкур рейслар «200-юк» деб аталар, кейинчалик «Қора лола» номини олади. Ўзбекистон пойтахтидаги дафн бюроси «Қора лола» деб аталган. Афғонистонда мунтазам парвоз қилган одамлардан бири бу мамлакатда «совет қўшинлари шахсий таркибидан ҳалок бўлганлар жасади сақланадиган ва жўнатиладиган жой»га ҳам «Қора лола» номи берилгач, мазкур атама у ерда ҳам оммалашиб кетади.

Маълумки, афғон уруши ўн йил (1989 йил февралгача) давом этади. Бу урушда 13 833 совет аскар ва офицери, жумладан: руслар – 6879 киши, украинлар – 2374, ўзбеклар – 1067, белоруслар – 611, қозоқлар – 361, туркманлар – 281, тожиклар – 237, молдаванлар – 195, озарбайжонлар – 195, қирғизлар – 102, арманлар – 98, грузинлар – 81, литваликлар – 57, латишлар – 23, эстониялик – 15 нафар ҳалок бўлади.

### **33-боб**

#### **ФОЖИА АРАФАСИДА**

Л.И.Брежневнинг саломатлиги тобора ёмонлашаётганини ён-атрофидагилар жуда яхши сезиб турар, Сиёсий бюро аъзоси, Ташки ишлар вазири А.Громыко Брежневнинг ўша пайтдаги фаолиятини шундай таърифлаганди:

«Брежнев ҳаётининг сўнгги икки-уч йили мобайнида деярли ҳеч бир ишга ярамай қолди. Кремлдаги хизмат хонасида бир неча соат бўлар, бироқ мавжуд масалаларни кўриб чиқишга ҳам ҳоли келмасди. Айрим ўртоқларга қўнғироқ қилиб қўя қоларди.

Аҳволи шу даражада оғир эдики, кун тартибига жиддий масалалар қўйилган Сиёсий бюронинг расмий мажлисларида иштирок этишга чоғи келмасди».

Тамомила кучдан қолганига қарамай, истеъфога чиқишга шошилмас, бошқарувнинг асосий омили – кадрлар масаласини ҳамон шахсан ўзи ҳал қиларди. Олий ҳокимият поғонасидаги арзимаган жиддий тайинлаш ҳам унинг аралашуви ва иштирокисиз амалга ошмасди. Унинг бевосита тарафдорлари бўлганларни ишга тайинлаш борасида-ку, гапирмаса ҳам бўлади. Андропов Краснодар ўлкасининг раҳбари Медунов тўдасига қарши курашни давом эттириб, «Уммон иши»ни мантиқий яқунлагач, Л.Брежнев Балиқ саноати вазири ўринбосарига нисбатан чиқарилган олий жазога қаршилиқ билдирмайди, бироқ вазирни (Алексей Ишковни) нафақага юборишни лозим топади.

Бош котиб куёви Ю.Чурбановнинг хизмат пиллапояларидан юксалишига алоҳида эътибор қаратади. 1980 йилда айнан унинг кўрсатмаси билан Ю.Чурбанов Иттифоқ Ички ишлар вазирининг ўринбосари лавозимига тайинланади. Кадрлар билан боғлиқ яна бир муҳим иш – 1980 йил октябрда Чурбановнинг деярли тенгдоши М.Горбачёвни Ю.Андроповнинг кистовлари остида Сиёсий бюрога аъзо қилади. Шу аснода Горбачёв бир йилга етар-етмас муддатда Сиёсий бюро аъзолигига номзоддан ҳақиқий аъзога айланади. Олий ҳокимият органига аъзо бўла олмасдан ўн йиллар мобайнида номзод бўлиб юрганлар бундан зил кетгани, шубҳасиз. Жумладан, Шароф Рашидов 19 йил, Пётр Демичев – 16 йил, Михаил Соломенцев – 9 йил, Борис Пономарёв – 8 йил, Ҳайдар Алиев – 4 йил, Василий Кузнецов – 3 йил, Эдуард Шеварднадзе – 2 йилдан буён аъзоликка номзод эди.

Тарихчи А.Шубин шундай ёзади:

«1979 йил қишлоқ хўжалик соҳасида инкироз бўлганига қарамасдан айни соҳага жавобгар М.Горбачёв мансаб пиллапояларидан юқорилайди. Қатор ҳолатлар бўлажак Бош котиб, яъни М.Горбачёв фойдасига хизмат қилади. Биринчидан, Андроповнинг қўллаб-қувватлагани унинг қишлоқ хўжалигида йўл қўйган хатоларини ювиб кетади. Иккинчидан, МКнинг қишлоқ хўжалиги бўйича котиби ўз вақтида ҳаммасига саноат томонидан қилинган «зўравонлик» ва вазирликларнинг ёмон ишлари сабабчи, деган «холисона важ-қарсон»ни рўқач қилади. У мазкур вазиятдан чиқиш йўлини таклиф қилади ва таклифлари амалга оширилмаётганини айтиб ўтади. Учинчидан, Кремлдаги кекса арбоблар қишлоқ

хўжалигидаги инқироз илдиэлари чуқурлигини, улар Горбачёвнинг ихтиёрида эмаслигини яхши биларди. Тўртинчидан, режанинг барбод бўлганига 1979 йилда об-ҳаво оғир келгани, сурункали ёгингарчилик сабаб бўлди, деган фикр илгари сурилади. Ниҳоят, бешинчидан, Горбачёв ўзини серғайрат етакчи сифатида намоён этади».

Айни пайтда Л.Брежневнинг содиқ курулбардори К. Черненконинг таъсири ва обрўи ортиб борарди. Хуллас, 1965 йилдан КПСС МК Умумий бўлими мудури лавозимида ишлаган К.Черненко 1978 йилда Сиёсий бюро аъзоси бўлади. Ўша пайтгача бу бўлим партиявий девонхона вазифасини бажариб келган бўлса, Черненко келгач, ҳокимият ва партия аппаратини бошқариш органига айланади. Ҳатто ўта махфий ҳужжат ҳам Умумий бўлим орқали ўтиши одат тусини олади. Шу боис ҳаётининг сўнгги йилларида Брежнев кадрлар билан боғлиқ барча масалаларни, аввало, Черненко билан бамаслаҳат ҳал қиларди. Шу боис фақат Умумий бўлимнинг бошлиғи Бош котиб билан кунига бир неча марта учрашарди.

Л.И. Брежнев вафот этганидан кейин мамлакат олий раҳбариятида, шубҳасиз, катта ўзгаришлар бўлишини Ш.Рашидов сезарди, қолаверса, мамлакат тузумини ўзгартириш сув ва ҳаводай зарур экани ҳам аён эди. Бу қандай ўзгаришлар бўлиши эса мавҳум эди. Кремлдаги мансабдорлар сайлайдиган навбатдаги Бош котиб қандай ўзгаришлар қилишини олдиндан сира тасаввур қилиб бўлмасди.

1981 йил 3–5 февраль кунлари Ўзбекистон КПнинг Ш.Рашидов ҳаётлигидаги сўнгги – XX съезди бўлиб ўтади. Унда республика раҳбариятидаги кадрлар охириги марта ўзгартирилди. Съезд арафасида тўсатдан вафот этган бюро аъзоси Й.Қурбонов ўрнига бюро ҳамда котибият тарикибига Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг Раиси Е.Айтмуратов киритилди. С.Султонов ҳамда Г.Орлов номзодликдан бюро аъзолигига қабул қилинди. Бюро аъзолигига номзод этиб Тошкент шаҳар партия комитетининг 1-котиби У.Умаров сайланди.

Бюронинг тўла таркиби куйидагича кўриниш олди: Ш.Рашидов (1-котиб), Л.Греков (2-котиб), Н.Худойбердиев (Министрлар Советининг Раиси), Т.Осетров (Министрлар Совети Раисининг 1-ўринбосари), И.Усмонхўжаев (Олий Совет Президиуми Раиси), А.Хўжаев (МК котиби), Ю.Максимов (Туркистон ҳарбий округи кўмондони), М.Мусахонов

(Тошкент вилоят партия комитети 1-котиби), И.Анисимкин (МК котиби), О.Салимов (МК котиби), Е.Айтмуратов (МК котиби); бюро аъзолигига номзодлар: Л.Мелкумов (ДХК раиси), К.Камалов (Қорақалпоғистон АССР партия ташкилоти 1-котиби), Н.Маҳмудова, У.Умаров.

КП МК 17 та бўлим мудиридан атиги 7 таси илгаридан ишлаб келарди: Т.Зинин (қишлоқ хўжалиги бўлими; 1961 йилдан), К.Тоиров (умумий бўлим; 1971 йилдан), Т.Умаров (ишлар бошқарувчиси; 1971 йилдан), В.Архангельский (маъмурий органлар бўлими; 1976 йилдан), А.Тўраев (маданият бўлими; 1976 йилдан), В.Сускин (сув хўжалиги бўлими; 1976 йилдан), И.Хуснутдинов (режа ва молия органлари бўлими; 1976 йилдан).

Қуйидагилар янги эди: Т.Абдушукуров (тарғибот ва ташвиқот), А.Кўчқоров (фан ва ўқув муассасалари), Х.Раҳимов (ахборот ва хорижий алоқалар), Б.Бугров (савдо ва маиший хизмат), Ғ.Қодиров (оғир саноат ва машинасозлик), С.Асриянц (қишлоқ хўжалиги машинасозлиги), А.Икромов (енгил ва озиқ-овқат саноати), Г.Заҳритдинов (транспорт ва алоқа), У.Отакулов (партиявий комиссия раиси).

Ш.Рашидов муҳим бўлимлардан бири – партиявий-ташкилий ишлар бўлими мудир лавозимига В.Окунскийни тайинлайди. В.Окунский Тошкент шаҳар партия комитетининг қурилиш бўлимида узоқ йиллар ишлаган ва Тошкентдаги zilзила оқибатларини тугатишда фаол иштирок этган.

Ўнинчи беш йилликнинг яқунланаётган йилида (1980 й.) республика қўлга киритган навбатдаги сиёсий ва иқтисодий ютуқлар съездда алоҳида таъкидланади. Бу ютуқлар ҳисобот рақамлари кўринишида қуйидагича эди. Ушбу даврда миллий даромад 15 млрд 857 млн 600 минг рублни, халқ хўжалигига йўналтирилган капитал маблағлар 5 млрд 340 млн рублни ташкил қилди. Саноат ишлаб чиқариши ҳажми 1979 йилга нисбатан 6,6% ўсди. 11 та йирик корхоналар ишга туширилди. Қиймати 6 миллиард 100 рублга тенг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилди. Ижтимоий истеъмол фондларидан аҳолига тўланган тўловлар ва имтиёзлар 4 миллиард 940 миллион 600 минг рублни ташкил этган бўлса, аҳолининг реал даромадлари бир йилда жон бошига 3,3% га ўсди.

1980 йилда Ўзбекистонда 28 та театр, жумладан, 2 та опера ва балет, 7 та драма, 11 та мусиқали драма ва комедия театри, оперетта, Ўзбек

муסיқали драма театри, 3 та ёш томошабинлар ва 3 та кўғирчоқ театри фаолият юритарди.

«Ўзбекфильм» киностудиясида 6 та тўла метражли бадий фильм, 3 та икки серияли телефильм, 7 та мультфильм суратга олинди.

Таниқли кинорежиссёр Латиф Файзиев билан ҳинд режиссёри Умеш Мехранинг «Ўзбекфильм» киностудиясида суратга олинган «Али бобо ва қирқ қароқчи» фильми ўзбек киноси тарихидаги энг даромадли фильм бўлди. Фильм Душанбе шаҳрида (1980) бўлиб ўтган Бутуниттифок кинофестивали ҳамда Белградда (1981) бўлган халқаро киноанжуманда совринга лойиқ топилди.

Республиканинг муסיқавий ҳаёти ҳам жуда сермазмун кечди. Жумладан, «Ялла» вокал-чолғу ансамбли оммавий эстрада кўшиқчилик жанрида жуда машхур бўлиб кетди. Мазкур ансамбль ижро этган «Учкудук» кўшиғи (Ф.Зокиров – Ю.Энтин) Бутуниттифок «Кўшиқ-81» телевизион кўригида намоиш этилди.

Шароф Рашидов 16 февралда Тошкент вилояти раҳбариятига КПСС МКнинг Кўчма байроғини топширади, бир неча кун ўтгач, КПСС XXVI съездида иштирок этиш учун Москвага жўнаб кетди. Мазкур анжуманда Ш.Рашидов 24 февраль куни нутқ сўзлайди: Ўзбекистон раҳбари йиғилганлар олдида, асосан, республиканинг ютуқлари ҳақида гапиради. Партия съездларида фақат қўлга киритилган ютуқлар ҳақида гапириш одат тусини олгани боис камчиликларни деярли тилга олмайди.

Айни пайтда республикада камчиликлар етарли эди. Жумладан, аста-секин жиноятчилик ортар, Орол денгизи қуриб борарди, республикани дон ва гўшт билан таъминлашда тез-тез узилишлар бўларди. Бу муаммоларнинг кўпчилигини съезд иши кунларида Ш.Рашидов Л.Брежнев билан муҳокама қилади ва Бош қотиб уларни ҳал қилишда ёрдам беришини айтиди. Бироқ ваъда бергани билан бундан умидвор бўлиш қийин эди, чунки у кўп нарсаларни ваъда қилгани билан Марказ муаммоларни ҳал қилишни пайсалга соларди. Ўзбекистонга нисбатан айнан шундай йўл тутиларди.

Партиянинг илгариги съездида (1976) қабул қилинган Обь дарёси оқимининг бир қисмини Ўрта Осиёга буриб юбориш тўғрисидаги жуда катта лойиҳа ҳам амалга ошмайди. Турли идоралар бу лойиҳага қарши чиқади. Устига-устак, бу борада либераллар ҳам, давлатпарастлар ҳам

ўзаро тил бириктириб, бир хил фикр билдиради. АҚШ ва Туркия сиёсатчилари мазкур минтақадаги ўз манфаатларига зид мазкур лойиҳага ошкора қарши чиқади.

Ҳолбуки, мазкур лойиҳа Ўзбекистонга бир йўла бир неча муаммоларни ҳал қилишда ёрдам берган бўларди. Жумладан, республикага қўшимча равишда жуда катта миқдорда молиявий маблағ ажратилган бўларди, чунки 1980-йилларнинг бошларига келиб республикага пул маблағлари тушумлари қисқариб кетганди. Қолаверса, навбатдаги минглаб қўриқ ерларнинг ўзлаштирилиши натижасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ортган, миллионлаб одамлар иш билан, тураржой билан таъминланган, Орол денгизини куриб қолишдан қутқариб қолиш мумкин бўлиб, бу лойиҳадан совет давлати ҳам катта фойда кўрган бўларди: каналнинг (умумий узунлиги – 2320 км) ўртача йиллик рентабеллиги 7 миллиард 600 миллион рубль деб баҳоланганди.

Лойиҳа муҳолифлари унинг амалга оширилиши натижасида иқлим кескин ўзгариб кетади, деб раҳбариятни ишонтиришга зўр берарди. Жиддий сиёсий ва иқтисодий оқибатлар келтириб чиқаришидан огоҳлантиришар, унга сарфланадиган маблағлар ҳам жуда катта эканини рўқач қилишарди. Лойиҳа тарафдорлари Обь дарёсидаги сувнинг арзимаган қисми олиниши Сибирдаги атроф-муҳитга ҳеч қандай таъсир кўрсатмаслигини, айти пайтда қўриқ ерларга сув келтирилиши натижасида дон учун маккажўхори ҳамда чорва молларига зарур экинлар экиш имкониятини яратиши ҳақида гапирарди. Шу билан бирга бу лойиҳа Иттифок республикалари ўртасидаги геосиёсий ва иқтисодий муносабатларни янада мустаҳкамлаган бўларди. Афтидан, мамлакат олий доираларидаги кўпгина одамлар ўзаро алоқаларнинг шу асно мустаҳкамланишини сира ҳам хоҳламасди. Марказда кўпчилик «боқиманда» ҳисоблайдиган Ўрта Осиёга ёрдам кўлини чўзишга бўйинлари ёр бермасди. Тарихчи Кара-Мурза ёзади:

«Дарёларни буриш» лойиҳасига қарши ҳаракатнинг анъанавий зиёли ташкилотчисининг куни қай асно кечганини қисқача баён қилиб берайин. Эрталаб Волга дарёсининг Москвага буриб юборилган ўзанидан олинган ваннада чўмилиб олгач, сув омборларига таъна тошлари ёғдириб мақола ёки қисса ёзишга киришарди, кечкурун эса Ўзбекистонда етиштирилган яхши навли пахтадан тикилган кўйлакни кийиб мажлисга отланар, бу ерда

Орол денгизи куришига олиб келган лаънати маъмурий-буйруқбозлик тузумига қарши норозилик билдирарди. Айни пайтда «ўзбеклар сув ичмай қўя қолсин» ёки «ўзбеклар пахта етиштирмай қўя қолсин, унинг бизга кераги йўқ» каби сўзларни сира ҳам тилга олмасди. Ахир бу «инсонпарвар зиёли». Бироқ мабодо, бирон одам уни тоза сувда ювинишдан ёки яхши кўйлак кийишдан маҳрум қилса, бутун дунёга жар соларди. Бунинг учун дарёларни буриш мумкин ва зарур, ортиғини, ҳатто хаёлига ҳам келтирмасди.

Иттифоқда бундан олдин дарёларни буриш билан боғлиқ иккита лойиҳа амалга оширилганди. Жумладан, 1962 – 1974 йилларда Иртиш – Қарағанда канали қурилган бўлиб, 458 километрли мазкур канал орқали Иртиш дарёсининг сувидан Қарағанда, Экибастуз, Темиртовга (Қозоғистон) ҳам етказиб берилади. Яна бир канал орқали Кахов сув омборининг сувлари кўриқ ерли Таврияга ва Қрим ярим оролига узумзорларни суғориш, санаторийларни таъминлаш учун етказиб берилади. Навбат Ўзбекистонни зарур сув манбаалари билан таъминлашга келганди, бироқ муҳолифлар жуда кўп бўлгани боис бу лойиҳани амалга ошириш имкони бўлмади.

Мазкур лойиҳага қаршилик қанчалар жадаллик билан ортиб бораётганини Ш.Рашидов бевосита гувоҳи бўлиб турарди. 1976 йилда бўлган олдинги съездда лойиҳа муҳолифлари Л.Брежневга қарши чиқишдан чўчиб сукут сақлаган бўлсалар, эндиликда Бош қотиб ғазабидан хотиржам бўлганликлари боис ўз эътирозларини ошқора айта бошлашди. Бош қотиб саломатлиги заифлашиб қолгани боис Ўрта Осиёга Сибирь дарёлари сувларини олиб келиш билан боғлиқ аллақандай лойиҳага қарши фикрлар билан андармон бўлишни ўзига эп кўрмасди.

Ш.Рашидов зийрак ва некбин сиёсатчи бўлгани боис совет тузуми жиддий синовлар бўсағасида турганини ҳис қилиб турарди. Иқтисодий қийинчиликлар каби мафкуравий муаммолар ҳам шундай хулоса чиқариш учун замин яратарди. У тарихни жуда яхши билар, Византия ёки ўзига яқинроқ Хоразм салтанати каби йирик давлатларнинг қисмати қандай яқунланганидан хабардор эди. Бир неча юз йил мобайнида ўз куч-қудратини намойиш этган мазкур салтанатлар дастлаб асло емирилмайдигандай туюлганди. Бироқ бу салтанат арбоблари ўртасидаги ўзаро келишмовчилигу зиддиятлар иккаласининг ҳам охир-оқибат бутунлай заволга тутишига



сабабчи бўлганди. Бундан фойдаланган ташқи душманлар бу йирик салтанатлар заволга юз тутишини яна ҳам тезлаштирганди. Хуллас, маълум муддат ярим дунёни титратган Византия салтанати, Хоразм салтанати ҳам тарих сахнасидан тушиб қолади.

Совет Иттифоқи бошига ҳам аини салтанатлар қисмати хавф сола бошлайди, чунки мазкур давлатларнинг турли бўғинларида кўплаб заифликлар пайдо бўлади. Брежнев Хельсинки битимига 1975 йилда, айниқса, инсонпарварлик муаммоларига оид «учинчи кутича» ҳужжатларини имзолагандан кейин совет мафкурасининг вестернизациялашуви жадаллашди, бу «Кремл глоболистлари»га жуда қўл келди. 80-йиллар бошига келиб улкан мамлакат аҳолисининг катта қисми ғарбона тамойилга хос кўпроқ бойлик орттириш касалига чалинди. Бу хатарли тамойил Россия, Болтиқбўйи, Украина ва Кавказортида яққол кўзга ташланарди. Бу жараён Ўрта Осиёда унчалик сезиларли эмасди. Бунинг боиси аҳоли, асосан, қишлоқларда истиқомат қилар, асрий турмуш тарзига кўникиб қолган бу кишилар кескин миллатпараст кавказлик ва Болтиқбўйи аҳолисига нисбатан ўзларини анча камтарона тутарди.

Айнан Болтиқбўйи ва Кавказорти республикаларида иқтисодиётнинг капиталистик хусусият касб этиши миллатчилик кайфиятлари ҳам ўта кучайиши билан уйғунликда рўй берди. Бу мазкур ўлка раҳбар доираларининг ўзларига тегишли ҳудудлардаги захиралардан Иттифоқ ҳокимият органларининг аралашувисиз тасарруф этиш истагида намоён бўлди. Натижада кейинги икки ўн йиллик мобайнида (1960 – 1980) Болтиқбўйи ва Кавказорти республикаларида товар-пул муносабатларининг ривожланиши республика ҳокимиятлари томонидан мадад топишга интиладиган ярим ошқора тадбиркорлар тоифаси пайдо бўлишига олиб келди. Улар шундай ёрдамга эга бўлдилар, натижада мазкур минтақаларда партиявий хўжалик арбоблари, миллатчилик кайфиятидаги зиёлилар ва энди шаклланаётган тадбиркорларнинг иттифоқи юзага келди.

Ўзбекистонда ҳам шундай ҳолат рўй бермадими, деган савол туғилиши табиий. Ўзбекистонда ҳам, албатта, бўлган. Лекин кенг кўламли тус олмаган, қолаверса, очикдан-очик миллатчилик ва айирмачилик даъватлари янграмаган. Ҳолбуки, Кавказорти ва Болтиқбўйи республикаларида ҳукмрон доиралар ҳам Марказни гоҳ босқинчи (Болтиқбўйида) ёки қонхўр

мустамлакачилар (Кавказортида) деб аҳолини баъзида ошкора, баъзида хуфёна Москвага қарши гиж-гижлай бошладилар. Ўзбекистонда сира ҳам бундай бўлмаган – республика олий раҳбарияти Марказни зимдан хуш кўрмаган бўлса-да, аксарият ҳолатларда унга хайрихоҳлик билан қараган.

Яна такрорлайман: русийзабон аҳоли кўпчиликни ташкил қиладиган республикалар орасида Ўзбекистон етакчилардан эди, бу бежиз эмас. В.Казначеев буни ҳаққоний изоҳлаган: «Русларнинг миллий руҳонияти халқаро биродарликни наинки инкор этади, балки ҳамиша уни ёқлайди. Фақат русларга хос туғма толерантлик, яъни барча миллатлар билан ҳамжиҳатликда яшаш хусусияти улкан Евроосиё ҳудудларини жипслаштира олди, янги мустамлакаларни қўлга киритишни, арзон ишчи кучини қўлга киритишни ва янги савдо бозорларини ҳамиша талаб қиладиган фаол капиталист муҳит домидан мазкур минтақани сақлаб қолди».

Иттифоқда русларнинг сони 1939 – 1979 йиллар 100 миллион 391,5 мингдан 137 миллион 397 мингга, яъни 37 % кўпайди. Айни пайтда Ўзбекистонда руслар миқдори 727 минг 331 кишидан 1 миллион 666 минг кишига – 129 % ортди. Бу умумиттифоқ кўрсаткичидан қарийб 3 барабар кўп эди. Башарти Болтиқбўйи ва қатор Кавказорти республикаларидаги каби миллатчилик бўлганида эди, Ўзбекистонда бундай ҳолат рўй бермаган бўларди.

Айни пайтда Ўрта Осиё Республикаларининг фожиаси шунда эдики, мазкур минтақада кўп аҳолига эга бўлганига ва улар хайрихоҳ эканига қарамай, Марказ бу республика раҳбарларини муҳим давлат қарорлари қабул қилишга деярли аралаштирмас, аксинча, Болтиқбўйи ва Кавказорти республикалари раҳбарлари мулоҳазаларига жон деб кулоқ тутарди. Марказ уларни нисбатан маърифатли ва Ғарб билан мулоқотлар олиб боришга қобилиятли ҳисобларди.

80-йилларнинг бошларига қайтамыз.

Ш.Рашидов ҳокимиятдаги мавқеини мустаҳкамлашини Ўзбекистондаги ва Москвадаги ғанимлари хотиржам кузатди, деб айтиб бўлмайди. Жумладан, Ўзбекистон ДХК раиси Левон Мелкумов 1981 йил май ойида Иттифоқ ДХК кенгайтирилган мажлисида республикада коррупция ҳақидаги масалани кўтарди. Бир йил муқаддам – ёзда Ўзбекистоннинг ўзида Мелкумовни ишдан олишга уриниш бўлганди, бироқ Андропов

Ўзига керакли бу кадрни ишдан бўшатилишига йўл қўймади. Орада бир йил ўтиб Мелкумовнинг ўзи айнан Андроповнинг кўмагида Рашидовга қарши хужумга ўтади. Бу ҳамлани нафақат Андропов раҳбарлигидаги идора, шунингдек, Александр Рекунков раҳбарлик қиладиган Иттифок прокуратураси ҳам қўллаб-қувватлайди. Бироқ Ш.Рашидовнинг бошини мазкур зарбадан шахсан Л.Брежнев яна асраб қолди – Бош котиб ҳамон кадрлар масаласи билан хушёрлик билан шуғулланарди. У, биринчидан, ўзининг ишончли иттифокчиси, Иттифок таркибидаги республикалардан бирининг салоҳиятли раҳбари сифатида Ш.Рашидовни кадрларди.

Тобора кучдан қолаётганига қарамай, Л.Брежнев ҳамон республикаларга боришни канда қилмас, шу асно аҳоли, партия ва давлат арбобларида ҳокимиятни бошқариш жиловини қўлдан бутунлай чиқариб юборганига оид тасаввур пайдо бўлишининг олдини олишга уринарди. Лекин бундай ташрифлар сони йил сайин камайиб борарди. Жумладан, Бош котиб 1981 йили икки республикага ташриф буюради: май ойи бошларида Украинада, кейин Совет ҳокимияти ўрнатилганининг 60 йиллиги тантаналарида қатнашиш учун Грузияда бўлади. Л.Брежневни ҳамма жойда алоҳида меҳмоннавозлик билан кутиб олишар, айти пайтда, Украинага нисбатан Грузияда фақат ўзига хос бағрикенгликни ҳам таъкидлаш жоиз. Совет республикалари биринчи котиблари орасида Э.Шеварднадзе ўта маккор, олий раҳбариятнинг кўзини шамғалат қилиш борасида устаси фаранг эди, натижада улар яхши-ёмон вазиятни фарқлай олмайдиган аҳволга тушиб қоларди. Э.Шеварднадзенинг устумонлиги бу гал ҳам наф келтирди: меҳри товланиб кетган қари Бош котиб кўзига ёш олиш билан кифояланмасдан росмана йиғлаб ҳам юборади.

Бу сана катта тантана билан нишонланганига қарамасдан, Грузияда совет ҳокимиятининг умри тугаб, миллатчилик тобора авж оларди. Журналист В.Марьян кейинчалик шундай ёзганди: «Миллатчилик – Грузияда оммавий тус олди. Байналмилалчилик фақат никоб бўлиб қолди. Амалда бошқа миллатлар ва элатлардан маҳаллий миллатнинг устунлиги барча соҳаларда намоён бўла бошлади. Маданиятда, таълимда, ишга қабул қилишда ва хизмат пиллапояларидан юқорилашда ҳам шу ҳолат ҳукмрон. Жумладан, йигирма йил муқаддам қатор руслар, арманилар ва бошқа миллатларнинг вакиллари ҳам хизмат қиладиган Грузия КП МК маҳкамасида

70-йиллар арафасида, ҳатто оддий ҳарф терадиганлар орасида ҳам бошқа миллат кишилари қолмади. Бошқа миллатлардан устунлик ғояси грузин болаларига мактаб давридан сингдирилди. Грузия радиоси эшиттиришларида, болалар китобларида грузин миллати энг улуғ, энг мардона, энг гўзал, энг иқтидорли миллат экани зўр бериб тарғиб қилинарди. Бошқа миллат вакиллари ҳақоратлаш билан боғлиқ миллатпарастлик эса одат тусини олди».

Л.Брежнев, табиийки, буларни билгани йўқ, афтидан, ҳатто, пайқамаган. Биринчидан, касал, иккинчидан, унга бу гапни айтиши керак бўлган одамлар қариган Бош котибни ранжитмаслик учун индамай қўя қолишни афзал билишган. Шу боис Марказдан Грузияга илгаригидек катта миқдорда пул маблағлари келиши давом этади, бу борада мазкур республика бошқа республикалар ўртасида салкам биринчи ўринда турарди. Чамаси, Марказда қуйидаги мулоҳазадан келиб чиқиб иш тутилган: грузинларни ранжитиш керак эмас, чунки улар жуда қизиққон ва тез хафа бўлиб қолади. Ўрта Осиё Республикаларига бошқача ёндашилган: улар Марказга бусиз ҳам хайрихоҳ экан, ортиқча эркалитишнинг нима ҳожати бор? Бундай хотамтойлик кейинчалик қандай тугагани яхши маълум: айнан Кавказдан Марказга айирмачилик кайфиятлари етиб келади ва охир-оқибат улкан салтанат бошини ейди.

Л.Брежнев 1982 йил баҳорида Ўзбекистонга ташрифни амалга оширади. Бу ташрифдан мақсад Ўзбекистонни ҳамда Ш.Рашидовни мукофотлаш эди. Ҳолбуки, Бош котибнинг саломатлигини ҳисобга олганда, бу ишни Сиёсий бюронинг нисбатан ёшроқ аъзосига топшириш мақсадга мувофиқ бўларди. Бироқ Бош котиб Тошкентга ўзи йўл олади. Устига-устак, мазкур тадбирга барча Ўрта Осиё Республикалари раҳбарлари: Д.Кунаев (Қозоғистон), Т.Усубалиев (Қирғизистон), М.Ғафуров (Туркменистон), Д.Расулов (Тожикистон) қатнашади. Бош котибнинг бу ташрифи тасодифий бўлмасдан, Москвада бундан бир неча ой илгари рўй берган воқеаларнинг натижаси эди.

Андропов (ДХК) ва Рекунков (Прокуратура) хайрихоҳлиги остида 1981 йил ёзда Иттифоқ Балиқ хўжалиги вазири ўринбосари Ритов олий жазога ҳукм қилинган, яна бир йирик ҳукумат раҳбари – РСФСР Савдо вазири ўринбосари Лукьянов ҳибсга олинган, «Днепропетровск гуруҳи» бунга жа-

воб хатги-ҳаракатларини амалга оширади: ноябрь ойида мазкур ишларга бошчилик қилган Бош прокуратура тергов бўлимининг бошлиғи В.Найденов лавозимидан бўшатилади. Ички ишлар вазири Шчелоков эса «бриллиант мафияси»га қарши кураш бошлайди, бу иш Андропов идораси қўл остида эди. Мазкур жабҳадаги воқеалар росмана саргузашт тусини олади.

«Бриллиант мафия»сининг конфеденциал топшириқларини бажариб юрадиган таниқли киноактриса З.Фёдорова ИИВ диққатини тортади. Бироқ Шчелоковнинг одамлари у билан шуғулланишга журъат қила олмайди, чунки З.Фёдорова Галина Брежневанинг дугонаси эди. Шунга қарамай, 1981 йил охирида тегишли ишга киришиш режалаштирилади. Аммо ИИВ ходимлари фурсатни бой беради: Фёдорова 10 декабрда Кутузов кўчасидаги уй хонадонидан номаълум қотил томонидан отиб кетилади. ИИВ «бриллиант мафияси»ни безовта қилиш учун янгича усул қўллайди. Янги йил арафасида яна бир таниқли цирк артисти И.Бугримованинг уйига ўғри тушиб, барча бриллиантларини ўмариб кетади. Бу жиноят баҳонасида ИИВ жинойи иш очади ва ДХК назоратида бўлган деярли барча «бриллиант» соҳибларини сиқувга ола бошлайди.

Бироқ қарши томон ҳам (ДХК) қўлини қовуштириб ўтирмайди. Терговни тўхтатиб қўйиш учун ДХК ходимлари айнан Большой театр хонандаси Бория Бурыцани ҳибсга олади. Бунга Бош котибнинг яқинлари кескин норозилик билдиради, оқибатда «бриллиант мафияси»га оид барча терговлар тўхтатилади. Айни воқеалар авжга чиққан бир паллада фожиа содир бўлади.

Андроповнинг ўринбосари генерал Семён Цвигун 1982 йил 19 январда Усководаги дала ҳовлисида ўз жонига қасд қилади. Бу худкушлик Шчелоков билан Андропов ўртасидаги зиддиятнинг оқибати бўлгани эҳтимолдан холи эмас. Афтидан, Цвигун бир йўла уч ўт ўртасида қолиб, ўз жонига қасд қилишдан бошқа чора тополмайди.

Бир неча кундан кейин яна бир йўқотиш – 25 январда мамлакатнинг бош мафкурачиси М.Суслов вафот этади. Бош котиб унинг ўрнига К.Черненко ёки Ю. Андропов – қай бирини қўйишни билолмай иккиланади. Бош котиб айни шу вақтда Ўзбекистонга йўл олади.

Келгусидаги ишларни амалга оширишда у Ўрта Осиё Республикалари раҳбарлари ваъдасини шахсан олишни мўлжаллаган бўлиши ҳам мумкин.

У яқин келажакда Украина раҳбари Андроповни ДХК раиси лавозимидан олиб, бош мафкурачи қилиш, ДХК бошлиғи В.Фёдорчук бўлиши, у қисқа муддатда қўл остидаги идорада тозалаш ўтказиши – Андропов тарафдорларини олиб ташлаши керак бўларди.

Шчербицкийнинг Ш.Рашидов ва бошқа Ўрта Осиё Республикалари раҳбарлари билан алоқалари яхши бўлмагани боис, Л.Брежнев улар билан юзма-юз учрашиб, бу масалани ойдинлаштириб олишга аҳд қилган. Шундай тахмин ҳам борки, ноябрь ойида бўладиган КПСС МКнинг навбатдаги Пленумида Сиёсий бюро аъзоси бўлишини Рашидовга айтишни мўлжаллаган, бу табиий – Ш.Рашидов барчадан кўп – 21 йил мобайнида номзод бўлиб келаётганди. Агар шундай бўлганда, олий партия органи таркибидаги мусулмонлар иккитага етарди. Бироқ бундай бўлмади. Боз устига, бу ташриф давомида Бош котиб ҳаёт билан видолашишига бир баҳя қолади.

Кейинчалик гувоҳи бўлган одамларнинг фикрига қараганда, Тошкентда рўй берган фавқулудда ҳолат тасодиф бўлган. Бироқ Кремль олий доираларида ўша кезларда кечаётган барча пинҳоний олишувларни ҳисобга олганда, бу «тасодиф» Л.Брежневнинг ҳокимиятни ўзлари истамаган одамларга топшириш борасидаги фаоллигидан хавотирга тушган кимсаларнинг иши бўлиши мумкин. Улар шу асно бир ўқ билан иккита куённи уришни: Брежневни ҳам, Рашидовни ҳам йўқотишни ният қилишганди.

Тошкентда 1982 йил 23 мартда аслида нима бўлганини ўша воқеалар гувоҳи – мамлакат раҳбарининг шахсий тансоқчиси В.Медведев шундай эслайди:

«Ўша куни ташриф дастурига кўра бир неча иншоотларда, жумладан, самолётсозлик заводида бўлишимиз керак эди. Эрталаб нонуштадан кейин маҳаллий раҳбарият билан фикрлашилди, ташриф дастури нисбатан оғир бўлгани боис Леонид Ильични толиқтириб қўйиши мумкин, деган хулосага келинди. Шу боис заводга бормасликка келишилди, у ердаги тансоқчилар олиб ташланди ва бошқа иншоотга юборилди.

Эрталаб Тўқимачилик фабрикасига, Иттифоқ 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводига бордик, бу ерда Леонид Ильич ҳурматли меҳ-

монлар китобига дастхат қолдирди. Бу ташрифлар тез якунига етди, ҳали кун эрта эди. Қароргоҳга қайтар эканмиз Леонид Ильич соатига қараб олиб, Рашидовга деди:

– Тушгача ҳали вақт бор. Заводга борамиз деб ваъда берганмиз. Одамлар учрашувга тайёрланган, бизни кутиб турибди. Яхши эмас. Саволлар пайдо бўлади. Миш-мишлар кўпаяди. Бориб кела қолайлик.

Меҳмоннавоз Рашидов, табиийки, унинг фикрини маъқуллади:

– Албатта, Леонид Ильич, албатта борамиз.

Қароргоҳга кириб бораётгандик, Рябенко:

– Леонид Ильич, заводга бориш мумкин эмас. Соқчиларга жавоб берилган. Уларни қайтариб келиш учун вақт керак.

Брежнев кескин деди:

– Ўн дақиқа муҳлат – соқчиларни жой-жойига қайтар!

Ҳаво жуда очик эди, қароргоҳдан ўриндикларни олиб чиқдик, Леонид Ильич билан Ш.Рашидов ёнма-ён жойлашди. Улар ўзаро суҳбатлашар экан, Брежнев дам-бадам соатига назар ташлаб асабийлашарди. Рябенко Давлат хавфсизлик хизматининг маҳаллий раҳбарлари билан боғланди, улар заводга кўнғироқ қила бошлашди. Ўн дақиқа ҳам ўтмасдан Леонид Ильичнинг сабр-тоқати тугади:

– Бўлди, бас. Йўлга тушамиз. Шу пайтгача ҳаммасини тайёр қилиб кўйиш керак эди.

Бундай қисқа вақт ичида барча хавфсизлик чораларини кўриб бўлмаслигини билардик. Ҳушёр раҳбарлар бундай шароитда нима қилади? «Ҳеч ким ўз иш жойидан қимирламасин!» деб кўрсатма беради. Ҳамма ишчилар ўз жойида қолганида яхши бўларди. Биз фикримиз ўзгариб, заводга бораётганимизни айтишнинг ҳожати йўқ эди. Заводда эса ҳамма-ҳаммага «Олий мартабали меҳмон келаётир: учрашув йиғув цехида бўлади!» деб овоза қилишган. Ҳамма иш жойини ташлаб, меҳмонни кутиб олишга ошиққан.

Маҳаллий хавфсизлик органлари ходимлари бирон-бир чора кўришга улгурар, деб умид қилгандик. Афсуски, Москвадан келган соқчилар етиб келган-у, маҳаллий хавфсизлик ходимлари ҳамон етиб келмаган экан. Заводда бизларни оломон кутиб олди. Кўнглимга ваҳима тушди. Рябенко менга деди:

– Қайтиб кета қолайлик!

– Эсинг жойидами?

Бош котиб тушган асосий енгил машина заводга киравериш дарвозаси олдига аранг етиб борди, соқчилар тушган иккинчи машина одамлар орасидан ўта олмай узоқроқда қолиб кетди. Шахсий тансоқчилар етиб келмагунча машина эшигини очмадик.

Машинадан тушиб йиғув цехи томон юрдик. Жуда катта цехнинг дарвозаси ланг очиб қўйилганди, адашмасам, минглаб одамлар цех ичкарисига ёпирилди. Қурилаётган самолётлар ёнида ўрнатилган баланд ҳавозаларда юзлаб одамлар мўр-малахдай кезиб юрарди. Тансоқчилар бу оломонни аранг тутиб турарди. Бир бало бўлишини сезиб турардик. Мен ҳам, Рябенко ҳам қайтиб кета қолайлик, деб талаб қила бошладик, бироқ Леонид Ильич бизнинг гапимизга парво ҳам қилмади.

Биз энди қурилаётган самолётнинг қанотлари тагидан ўта бошладик, тепамиздаги ҳавозалар бўйлаб одамлар ҳам юра бошлашди. Атрофимиздаги оломон ҳам бизни сиқиб қўйди, тансоқчилар қўлимизни қўлимизга бериб, одамлар босимини аранг ушлаб турарди. Бирдан нимадир қарсиллаб кетди, бу пайтда Леонид Ильич самолётнинг қаноти тагидан деярли ўтиб бўлганди. Баланд ҳавоза ўта оғир юкка бардош бермади: узунлиги самолёт узунлиги билан тенг, эни ҳам тўрт метрлик каттадан-катта тахта ҳавоза дафъатан қулаб тушди. Одамлар устимизга ёпирилди. Атрофга аланглаб Л.Брежневни ҳам, Рашидовни ҳам топа олмадим, ёнидаги ҳамроҳлар билан улар қулаб тушган ҳавозанинг тагида қолиб кетганди. Биз тўртта тансоқчи каттакон тахта тўшамани зўрға кўтардик, маҳаллий муҳофазачилар ёрдамга келди, жуда қийналиб бўлса ҳам устидаги одамлари билан бу тахтани икки дақиқа кўтариб турдик. Устимизга одамлар нўхат доналари каби юмалаб тушарди.

Леонид Ильич чалқанча ётар, унинг ёнида Володя Собаченков (тансоқчи) боши ёрилганча ётарди. Катта тахта сўри яхши ҳамки ҳеч кимни янчиб ташламаган экан. Рашидов, бизнинг генералимиз Рябенко, ўзбекистонлик хавфсизлик хизмати ходимлари ўрнидан турди. Биз доктор Карасаев билан Леонид Ильични кўтариб турғаздик. Аллақандай темир парчанинг қирраси шилиб кетгани учун қулоғидан қон оқаётганди. В. Собаченковни ҳам кўтариб турғаздик, у хушидан кетмаганди, бироқ боши қонга бе-



ланган, кимдир бошидаги жароҳатга дастрўмолини кўйди. Кейин билсак ўзбекистонлик махсус хизмат ходимларидан бири жиддий жароҳатланибди, Ш.Рашидов ҳам шикастланганди.

Доктор Карасаев Леонид Ильичдан сўради:

– Ўзингизни яхши ҳис қиляяпсизми? Юра оласизми?

– Ҳа, ҳа, юраман, – деб жавоб берди у ва ўмрови оғриётганидан шикоят қилди. Одамлар яна устимизга ёпирилди – ҳамма нима бўлганини билишни истарди.

Биз машиналарни цехнинг ичига чақирдик, бироқ одам кўплигидан машина яқинимизга кела олмади. Рябенко тўппончасини кўлга олиб, одамларга пўписа қилганча йўлни очиб, машина томон юра бошладик. Ҳеч бундай оғир аҳволга тушмагандим: рўпарамиздан баланд сигнал чалганча машиналар келар, генерал Рябенко эса тўппончасини ҳавода ўйнатганча машиналар томон интиларди.

Леонид Ильич шифохонага боришдан бош тортди ва биз қароргоҳга йўл олдик. Машинада Рябенко нималар бўлгани, кимлар шикастлангани ҳақида Брежневга ҳисобот берди. Леонид Ильич ўзининг аҳволи яхши бўлмаса ҳам, биринчи галда В.Собаченковни шифохонага жўнатинглар, деб кўрсатма берди. Володянинг бош териси шилиниб кетган, бахтли тасодиф туфайли муқаррар ўлимдан омон қолганди.

Биз устида кўплаб одамлар билан қулаган бу катта тахта сўрини кўтармаганимизда жуда кўпчиликни, жумладан, Л.Брежневни ҳам оломон янчиб ташларди.

Қароргоҳга Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 4-бошқармасидан врачларни чақирдик, улар зарур асбоб-ускуналар билан етиб келди. Бошқа шикастланганларни шифохонага жўнатдик. В.Собаченков жуда тез, бирон соатлардан кейин боши танғилган ҳолда шифохонадан қайтиб келди.

Л.Брежнев дам олиб ўзига келгач, муҳокама бошланди: Ўзбекистон Компартияси МК ва Олий Советининг эртага бўладиган тантанали мажлисида Бош котиб нутқ сўзлай оладими? Косарев ҳамда маҳаллий врачлар ташрифни тўхтатиб, Москвага қайтишни талаб қила бошлади. Бироқ Бош котиб ўзини яхши ҳис қилаётганини, Москвага қайтиб кетадиган бўлса, одамлар орасида турли миш-мишлар кўпайишини айтди.

Эртаси – 24 март куни эрталаб Брежневнинг саломатлиги ёмонлашди. Врачлар Москвага қайтиб кета қолайлик, деб яна ундан илтимос қила бошлади, у эса яна рад этди, байрам тантанали мажлисида нутқ сўзлашим учун ҳамма чораларни кўринглар, деб талаб қилди. Унинг қўлини боғлаб, бўйнига илиб қўйишди.

Л.Брежнев мажлис бўлаётган жойга борди. Нутқ сўзлашидан олдин бўйнидаги боғични олиб қўйдик. Уни йиғилганлар гулдурос қарсақлар билан олқишлади. Бир соатдан кўпроқ нутқ сўзлади. Унинг матонати, ҳаттоки жасоратига тан бермай илож йўқ эди.

Ўша куни Брежнев Ўзбекистон байроғига орденни қадаб қўйди, кейинги куни эса Рашидовга орденни топширди. Тадбирда Бош котиб яна катта нутқ сўзлади.

Шу куни, яъни 25 март тушдан кейин Л.Брежнев ҳамроҳлари билан Москвага учиб кетди. Бу Бош котибнинг Ўзбекистонга сўнгги ташрифи эди. Унинг етти ойдан кўпроқ умри қолганди. Лекин шу даврнинг ўзида ҳам муҳим воқеалар рўй берди.

У Ўзбекистондан қайтиб келгандан кейин бир ой ўтгач, унинг тарафдорлари юқори доиралардаги ғарбпарастларга қарши кураш бошлайди: «халқаро ишлар билан шуғулланувчи олимларга қарши» иш уюштирилади. Юқорида айтилгандек, бу муассасада глаболистлар ҳаддан ташқари кўп, улар институт директори Н.Иноземцовнинг атрофида уюшганди. Бу жинойий ишни бошлаган кишилар мазкур маҳкамада уюшган одамларни аридай тўзгитиб юборишни, Иноземцовни ва унинг барча тарафдорларини ишдан бўшатишни мўлжаллаганди. Бош котиб тарафдорлари шундан кейин: АҚШ ва Канада институти, Тизимли тадқиқотлар институти каби бошқа ғарбпараст муассасалар билан ҳам жиддий шуғулланишни ният қилганди.

Бироқ бу иш ярим йўлда қолиб кетди. Институт директори Н.Иноземцов ростдан ҳам ишдан кетди, лекин унинг аксарият тарафдорлари ишлашни давом эттираверди, бунинг устига, директорлик лавозими бир йил бўш турди. Бошқа ғарбпараст институтларга қарши ҳаракатлар тўхтаб қолди: Иноземцовнинг тўсатдан вафот этганини рўқач қилган глаболистлар Брежневга тазйиқ кўрсатишга ўтдилар.

Мазкур институтга қилинган хужум пайтида ДХК раҳбари Ю.Андропов ўзини бетараф тутишга мажбур бўлади, чунки бу пайтда ҳокимиятдаги

мавқе заифлашиб қолганди. Кўп ўтмасдан КПСС МКнинг 24 майда бўлган Пленумида у МКнинг мафкура бўйича котиби этиб сайланади ва Лубянкани тарк этишга мажбур бўлади. Унинг ўрнини Украинадан сафарбар қилинган Виталий Фёдорчук эгаллайди. Ноябрьнинг охирига яна бир МКнинг Пленуми режалаштирилганди, унда Брежнев Бош котибликни ўз зиммасидан соқит қилиб, мамлакатни бошқаришни Украина раҳбари В.Шчербицкийга топширишни, ўзи эса МК раиси лавозимида ишлашни режалаштирганди. Бироқ 10 ноябрда Л.Брежнев вафот этади. Натижада Андропов тарафдорларининг кўли устун келиб, айнан у КПСС МК Бош котиби этиб сайланади.

Кейинчалик М.Горбачёвнинг ёрдамчиси В.Болдин шундай деб ёзганди:

«МК Пленумида Андропов Бош котиб этиб сайлангандан кейин гўё бу олий лавозимга ўзи сайлангандай байрамона кайфиятда юрарди. Кечки пайт ҳужжатлар билан ҳузурига кирганимда кўнглидаги гапларни яшира олмади:

– Биз Юрий Владимирович билан азалдан қадрдонмиз, оилавий борди-келди қиламиз. Жуда кўп ошқора суҳбатлашганмиз, фикр-мулоҳазаларимиз уйғун».

### *III қисм*

## **СИР САҚЛАНГАН ҲАҚИҚАТ**

*34-боб*

### **КРЕМЛЬ ГЛАБОЛИСТЛАРИ**

Ҳокимият жиловини қўлга киритгач, Ю.Андропов «Днепропетровск гуруҳи» ва уларнинг тарафдорларига қарши шиддатли хужумга ўтди. Ю.Андропов дастлаб икки муҳим ишни амалга оширди: декабрдаёқ Иттифоқ Ички ишлар вазири Н.Шчелоковни ишдан четлатиб, ўрнига В.Фёдорчукни ўтказди, шу асно бу мансабдорни илгари қўл остидаги Лубянкадан йироқлаштирди. Унинг ўзига қолса, Шчелоков ортидан Фёдорчукни ҳам жон деб истеъфога жўнатган бўларди, бироқ Фёдорчук ҳам «Днепропетровск гуруҳи»га мансуб бўлгани, улар бунга жиддий эътироз билдиришлари эҳтимолдан холи бўлмагани учун янги Бош котиб суймайдиган Фёдорчукдан фойдаланиб қолишга аҳд қилади: Ички ишлар вазирлигида тозалаш ўтказишни унинг зиммасига юклайди. ДХК раиси этиб В.Чебриковни тайинлайди. В.Чебриков ҳам асли Днепропетровскдан бўлганига қарамай Андроповга содиқ эди. Чебриков 1967 йилдан ДХКда кадрлар масаласи билан шуғулланар, мазкур идоранинг республикалардаги кадрлари алмашилиши бевосита унинг иштирокида рўй берар, бинобарин, барча жойлардаги вазиятдан яхши хабардор эди.

Юрий Андропов ўз одамларини бошқа лавозимларга ҳам жадал суръатларда жойлаштирди. Жумладан, ноябрь ойидаги МК Пленумида бир пайтлар Брежневга жуда садоқатли А.Кириленкони Сиёсий бюро таркибидан чиқариб, ўзи каби махсус хизмат ходими, ҳаммаслаги, Озарбайжон КП МКнинг 1-котиби Ҳ.Алиевни Иттифоқ Министрлар Совети Раисининг 1-ўринбосари этиб, Сиёсий бюро аъзосига айлантирди. Пленумда яна бир ўзгариш – тажрибали хўжалик ходими Николай Рижков МК котиби бўлди.

Кейинги икки тайинлов бежиз эмас: афтидан, Андропов айна шу мансабдорларнинг ёрдамида иктисодиётни узил-кесил капиталистик йўналишга буриб юборишни мўлжаллаганди. Шу мақсадда Н.Тихоновни Иттифоқ Министрлар Совети Раиси лавозимидан имкон борича тезроқ олиб ташлашни, анчадан буён социализмни капитализм билан уйғунлаштиришга уриниб келаётган Ҳ.Алиевни унинг ўрнига тайинлашни кўзлаганди.

Кейинги йил бошида Ленинград обкоми 1-котиби, Сиёсий бюро аъзоси Г.Романовни Москвага чақириб, унга мудофаа саноати билан шуғулланишни ишониб топширди. Бу ҳам бежиз эмасди. Романов Москва раҳбари В.Гришин билан кўпдан чиқиша олмаслигини Андропов яхши биларди. Ўзи ҳам Гришин билан чиқиша олмас, унга қарши курашда яна бир иттифоқчига эга бўлишни истаганди. Дарвоқе, Андропов Гришиннинг оёғидан чалишни анча олдин бошлаган: ДХКга 1981 йилнинг охирида Москвадаги савдо корчалонлари танобини тортиб қўйиш билан боғлиқ кўрсатма берганди.

Ю.Андропов айна пайтда, ташқи сиёсатни ҳам кескинлаштирди: АҚШнинг янги Президенти Рональд Рейган билан қаттиқ ўчакишди. Кўплаб тарихчилар қайд этганидек, 1962 йилдаги «Кариб инқирози»дан буён бу икки давлат муносабатлари бу даражада кескинлашмаганди. Ғарбдаги қатор шарҳловчилар Андроповнинг бу ғалати хатти-ҳаракатини тушуна олишмади. Бинобарин, Андропов Ғарбда ҳар доим либераллар қаторида тилга олинарди. Аслида Кремль глоболистларидан бири, совет ва Ғарб тизимини уйғунлаштиришни анчадан буён орзу қилиб юрган Андропов «қизил империя»ни қимматроқ пуллашни мўлжаллаётганди. Орадан маълум йиллар ўтгач, Ғарбнинг садақасига сотилган Горбачёв каби арзонгаров сотилмасдан, мўмайроқ пул ишлашни умид қилганди. Ғарбни енга олишига Андроповни кўзи етмаган бўлса керак. Чунки Ғарб Иттифоқни ҳақиқий тузоққа туширгани узил-кесил ойдинлашиб бўлганди. В.Шапинов бу борада шундай ёзади:

«1973 йилдаги нефть нархи инқирози кредитнинг кескин арзонлашувига олиб келди, эндиликда ривожланган мамлакатларда инфляциядан салгина фоиз ҳисобига юқори кредит берилмоқда, баъзан инфляция қоплаб юборадиган фоиз эвазига берилаётир. Инқироз давридаги инфляция етак-

чи капиталистик мамлакатларда чинакамига кучайиб кетди. Кредит фоизларининг камайтирилгани банк эгалари томонидан қилинган ҳиммат эмас, балки шафқатсиз зарурият тақозоси эди – ишлаб чиқаришнинг пасайиши маблағларни самарали сарфлаш имконини бермасди, шунинг учун арзиманган фоиз ҳисобига ҳам кредитга берилмаса ортиқча юк бўлиб қоларди.

Бу арзон кредитларга фақат «учинчи дунё» мамлакатлари, социалистик мамлакатлар ичида ҳам харидорлар кўп эди. Кредитлар аксарият иқтисодий пухта бўлмаган лойиҳалар учун олинар, улар эса амалга ошмасдан барбод бўларди.

Лекин нефтнинг нархи барқарор тус олиб, инқирознинг энг юқори кўрсаткичи ортда қолгач, кредитлар бўйича фоиз ставкалари яна юқорилай бошлади. Арзон кредитлар империалистларнинг қопқонларидаги арзон хомашёнинг навбатдаги улушига айланди. Социалистик мамлакатларнинг ташқи қарзлари жуда тез суръатлар билан ўсди. 1981 йилга келиб Польшанинг қарзи 24 миллиард доллар, Совет Иттифоқиники – 12,4, ГДРники – 12, Руминияники – 9,8, Венгрияники – 6,9 миллиард долларга етди. Мазкур қарздорликни йўқотиш учун зўр бериб уринишлар бошланди. Бу мамлакат иқтисодиётига сарфланадиган маблағларни қисқартиришни талаб қилар, оқибатда халқ турмуш фаровонлигининг ўсиши секинлашиб, айрим мамлакатларда пасая бошлади, Брежневча «қоплама» тизими ортиқ наф бермай кўяди.

1960-йилларда коммунизм сари илгарилашдан воч кечган Иттифоқ раҳбарияти социалистик тараққиётдан мазкур воз кечишни аҳолининг истеъмол қобилиятини ривожлантириш, амалда сотиб олиш билан «қоплаш»га мажбур бўлди. Бироқ мазкур тизим ҳам фойда бермай кўйгач, коммунизмга қайтишнинг имкони бўлмагани боис совет раҳбарияти олдида капитализмни қайта тиклашдан бўлак йўл қолмайди».

Америка билан муносабатларни кескинлаштирган Ю.Андропов Ғарбий Европа билан яқинлашишга интилади. Унинг раҳбарлиги даврида Сибирь – Европа газ қувури ишлай бошлади, шунингдек, Сибирдан сиқилган газни етказиб беришга оид битимни ҳам тайёрлашга киришилди. Буларнинг барчаси Иттифоқ гўё Кувайт ва Нигерия каби Ғарб иқтисодиётини хомашё билан таъминлайдиган ўлкага айланаётганини яққол кўрсатиб турарди. Боз устига совет хомашёси, жумладан, талай қисми Ўзбекистон

қудудидан казиб олинадиган олтин ҳам Ғарбга жуда арзон нархда сотиларди.

АҚШга нисбатан Ғарбий Европа билан тил топиш Андропов учун шубҳасиз осон кўчган бўларди. Бинобарин, айнан у ва унинг яқин ҳаммаслаклари Ғарбдаги нуфузли Рим клуби билан алоқаларни 60-йиллар охиридаёқ йўлга қўйганди. Рим клуби нафақат жиддий хорижий таҳлилчиларни, балки жуда обрўли сиёсатчиларни, боз устига, жаҳон ҳокимиятининг хуфиёна корчалонларини ўз атрофида бирлаштирганди. Мазкур ташкилот кўпдан буён Андроповни ўз одами ҳисоблар, турли воситалардан фойдаланиб, уни Ғарбда либерал ва ғарбпараст қилиб кўрсатиб келарди. Ҳатто ДХК таъқибни ўта кучайтирган 70-йиллар бошида ҳам Ғарб оммавий ахборот воситалари Андроповни совет Сиёсий бюросидаги энг адекват ва ақлли дея унга ҳамду санолар ўқишда давом этади.

Андропов айнан Ғарб билан яқинлашув ҳисобига собиқ совет Иттифоқини совуқ урушда батамом енгилишдан сақлаб қолишга уринди, деган фикрни айрим тарихчилар ҳалигача ёклайди. Жумладан, тарихчилар М.Калашников ва С.Кутушев ёзади:

«1970-йиллар охирида Андропов Оруэлл биродарлиги ёки Массонлар ҳамжамиятидан андоза олган Иттифоқ ДХК ичидаги хуфиёна ташкилотга аъзо кишиларни ўзига яқинлаштирди. Ўзи бир неча сараланган кишилар ва тарафдорлари билан суҳбатлашарди. Уларнинг, ўз навбатида, бештадан, еттитадан сафарбар қилинган гумашталари бўларди. Бу доира узлуксиз кенгайиб борар ва шу асно ўзаро тил бириктирган одамлар тоифаси шаклланарди.

Юрий Андроповга яқин бўлган кишининг гувоҳлик беришича, Рим клуби ва мавжуд ҳокимиятнинг хорижий марказлари билан яқинлашиш тарафдорларидан ҳеч ким мазкур тоифа таркибига кирмаган. Айни пайтда мазкур тоифадаги кишилар Ғарб билан молиявий олди-берди қилувчи, фирма, компания, банклар ташкил қилувчи, Давлат Хавфсизлик қўмитаси мақсад ва дастурларини молиявий таъминловчи ва амалга оширувчи ДХК бўлинмалари билан жуда яқин муносабатда бўлган. Айни пайтда Андропов ёшлар илмий-техникавий ижод марказлари, яъни 1980-йилларнинг бошларида Россияда пайдо бўлган дастлабки тадбиркорлик тузилмаларини яратишда мамлакат Ёшлар ташкилотига ёрдам кўрсатган.

Европа ва Америкада молиявий тармоқни мақсадли яратишга қаратилган «Невод» операциясининг ишлаб чиқилиши ҳам бунга яна бир мисол бўла олади. Мазкур тармоқ ташқи разведка манфаатларига хизмат қилиш билан бирга, экспансияга, Ғарб оламининг энг тез ўсувчи ва истиқболли инвестиция тузилмаларини сафарбар қилишга қаратилганди. Буларнинг барчаси тамомила ишдан чиқарилган, бироқ Андроповнинг фикрига кўра, енгилмаган рус, совет, Ватан лойиҳаси учун барқарор молиявий негизни таъминлаш режасининг айрим жиҳатлари эди».

Эндиликда биламизки, Андропов жамоаси енгилмас лойиҳани ярата олмади. Асли бу даргумон эди. Чунки янги Бош котиб биринчи галда либерал ғарбпарастларга суянганди, улар Югославияда бўлгани каби, бозор ислохотларини совет мамлакатада бошлашни сабрсизлик билан кутаётганди. Югославияда 60-йиллар охирида «бозор иқтисодиётига асосланган социализм»ни барпо этишга киришилган, асли бу капитализмни босқичма-босқич қайта тиклашдан ўзга нарса эмасди. Бу мамлакатда шу мақсадда корхоналарда ўзини ўзи йўлга қўйишга ўта бошланди, шу тариқа гўё меҳнаткашларнинг ишлаб чиқариш воситаларидан бегоналашувига чек қўймоқчи бўлишди. Бироқ бу акс натижа берди: мамлакатда ошқора ишсизлик пайдо бўлди, чунки корхоналарнинг директорлари «ношукур» ишчиларни оммавий ишдан бўшатишга киришди. Оқибатда 70-йиллар ўрталарига келиб Югославияда ишсизлар сони 300 мингга етди. Югославия партия раҳбарияти яна «илдамлади»: ўз ишчиларига Ғарб давлатларига бориб, ишга ёлланишга рухсат берди. Шундан кейин қарийб 500 минг югославиялик фуқаролар фақат Ғарбий Германиянинг ўзида ишга ёлланди. Ҳаммаси бўлиб 800 мингдан ортиқ ишчилар ўз ватанида ишлаб чиқаришдан четлаштирилиб, ҳукмрон капиталист доираларнинг тегирмонига сув қуюдиган текин ишчи кучига айланди.

Ҳокимият тепасига келгани ҳамоно Андропов ижобий Югославия тажрибаси, хусусан, корхоналарда ўзини ўзи бошқариш ҳақида бежиз гапиргани йўқ. Янги Бош котибнинг бу ишорасини илғаб олган илмий доиралардаги тарафдорлари дарҳол енг шимариб ишга киришди. Хусусан, Иттифоқ ФАнинг Сибирь бўлимида А. Аганбегян ва Т. Заславская бошчилигида батафсил маъруза тайёрланади. Унда «совет жамияти ишлаб чиқариш суръатлари мунтазам пасайиб борадиган, меҳнаткашларнинг ўз



меҳнатлари натижасидан манфаатдорликдан ихлосини қайтарадиган, жамиятнинг меҳнат ва ақлий салоҳиятидан тўла ва мос фойдаланишни таъминлашни уддалай олмайдиган эскирган ишлаб чиқариш муносабатлари, халқ хўжалигини бошқариш тизими»га оид хулосалар чиқарилганди.

Мазкур ҳужжат Ғарбда дарҳол овоза бўлиб кетди ва бу ҳам бежиз эмасди: бунда ҳам ДХКнинг кўли борлиги, шубҳасиз. Асосий мақсад Иттифокни иқтисодий ривожлантиришнинг мазкур ғоясига Ғарбнинг эътиборини жалб этишдан иборат эди. Ғарб ҳовлиққанча бунга ижобий муносабат билдирди. Ғарбий германиялик тарихчи Ф.Диккут шундай ёзганди:

«Новосибирскдаги махфий маъруза Ғарбда росмана шов-шув кўтарди. Горбачёв келажакда қиладиган маърузаларида ўзи шахсан эътироф этган ҳақиқатни, яъни Горбачёв ислохотларининг халққа қарши хусусиятини бир неча йиллар илгари айнан Заславская беихтиёр фош қилганди. «Заславская ва К°»нинг мазкур маърузасидан меҳнаткашлар оmmasига қарши шафқатсиз нафрат уфуради. Мазкур ҳужжатдаги мулоҳазаларидан кўзланган мақсад ишчилар синфини тараққиёт йўлидаги асосий тўсик қилиб кўрсатиш ва ишчиларга қилинган ҳужумни оклашдан иборат».

Дарҳақиқат, фақат ишчилар синфи эмас, Иттифок аҳолисининг бошқа тоифалари ҳам таъқиб остига олинди мўлжалланганди. Новосибирскда тайёрланган маърузада шундай дейилганди: «Ислохотлар билан боғлиқ ўзгаришлардан манфаатдор барча тоифаларни сафарбар қилиш баробарида уларга жиддий қаршилик кўрсатувчи табақаларни бартараф қилиш керак». Башарти, Андропов тарафдорлари эълон қилган ислохотларда совет тузумига капитализм тусини бериш назарда тутилгани ҳисобга олинса, уни ҳар томонлама қўллайдиганлар – «манфаатдорлар», эътироз билдирувчиларнинг барчаси қарши томон ҳисобланарди. Шу муносабат билан жуда эътиборга молик мисол келтираман.

Л.Брежнев Бош котиб бўлиб турганда унинг тарафдорлари Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро муносабатлар институти, АҚШ ва Канада институти, Тизимли тадқиқотлар институти каби нуфузли муассасадаги совет ғарбпарастларига қарши кураш бошлайди. Бироқ бу ҳужум бошидаёқ бир жойда депсиниб қолади, Бош котиб вафотидан кейин бутунлай барҳам топади. Натижада 1983 йил май ойида янги Бош котиб Ю.Андропов Ка-

нададан чақириб олинган А.Яковлевни – келгусида Иттифоқнинг бошига етадиган кимсани Жаҳон иқтисодиёти ва халқларо муносабатлар институти директори этиб тайинлайди. Олий доирадаги бошқа ғарбпарастлар сингари Г.Арбатов ҳам ўз лавозимида қолади. Лекин Москвага энг хайрихоҳ Ўзбекистон раҳбариятига қарши кураш бошланади, шунингдек, бутун мамлакат бўйлаб ИИВ органларини бутунлай издан чиқаришга киришилади.

Бу Ички ишлар вазирлиги фаолиятини ислоҳ қилиш эмас, аксинча, мамлакат ҳаётида ҳал қилувчи аҳамиятга эга идора ишини тамомила издан чиқаришга қаратилган бемаънилик эди. Андроповнинг буйруғи билан ИИВ ходимлари орасида коррупцияга қарши кураш баҳонасини ниқоб қилиб, аслида ўнлаб йиллар мобайнида қонунчиликни ҳимоя қилган минглаб юқори малакали мутахассисларни ишдан бўшатади.

ИИВ органларида коррупция бормиди? Албатта бўлган, унинг олий доираларида ҳам. Бироқ холис ҳулоса қилганда, бу Андропов учун ўзининг азалий муҳолифини заифлаштириш учун қулай фурсат эди, холос. Ҳолбуки, ДХКнинг ўзи ҳам оппоқ эмасди: жумладан, унинг органларида ҳам коррупция, ходимларнинг сотқинлиги каби жиноятлар истаганча топиларди. Қолаверса, Шчелоков билан киёслаганда Андроповнинг ўзи ҳам фаришта эмасди. Эндиликда биламизки, Андропов одамларни йўқ қилишга оид турли буйруқлар берган. У ва унинг кишилари уюштирган ИИВ органларидаги «тозалаш»лар натижасида ДХК ҳукмрон доираларда янада кучлироқ мавқени эгаллади, мазкур «ислоҳот» муаллифларининг нияти асли шу эди. Бунинг оқибатида жиноятчилик билан боғлиқ вазият мураккаблашгани ислоҳотчиларнинг парвойига келгани йўқ, чунки бу борадаги барча нуқсонлар учун жавобгарликни ҳамон ўз вазифасини сидкидилдан адо этаётган милиция ходимлари зиммасига ағдаришни аввалдан режалаштириб кўйишганди.

Иттифоқнинг тарқаб кетгани ислоҳотларга бериладиган холис баҳо бўлади, ДХК бу борада алоҳида «жонбозлик» кўрсатди. Ҳолбуки, мамлакатда энг кўп маълумотларга эга ва порахўрликдан энг холи идора улкан давлатни бошига етди, деб даъво қилиш мантиққа тўғри келмайди. Қолаверса, 1977 йилдаёқ Ю.Андропов шахсан ўзи Сиёсий бюрога махфий хат йўллаган. Унда партия ва давлат аппарати ходимлари орасида,

юқори мансабли арбоблар ичида ҳам хавfli таъсир кўрсатувчи кимсалар борлиги, зиёлилар орасида бевосита, гоҳида бавосита Ғарб ноғорасига ўйнаётган кимсалар борлиги айтилганди. Сиёсий бюро бу хатни инкор этади. Устаси фаранг сиёсий найрангбоз эса таваккал қилиб, «салбий таъсирга эга кимсалар»га (Арбатов, Яковлев сингари ғарбпарастлар) қарши бир неча фош қилувчи жараёнларни бошлаши, бу бошқалар учун катта сабоқ бўлиши мумкин эди. Айни шу усулда «Океан» ишини ўшандаёқ бошлаб юборишига унга нима халақит берди? Эҳтимол, Медунов гуруҳидаги рақибларига нисбатан улар камроқ ташвишлантиргани учун шундай йўл тутгандир? Дарвоқе, бу кимсалар Ғарб таъсирини оммалаштирадиган жосуслар, конвергенция тарафдори бўлган либерал Андропов улардан сира чўчимаган, балки уларнинг фаолиятини мақсадга мувофиқ ҳисоблаган.

Ю.Андропов ҳокимиятни эгаллаган паллада Сиёсий бюро таркибида ундан ташқари яна 11 киши бор эди: А.Громыко (Ташқи ишлар вазири), Д.Устинов (Мудофаа вазири), К.Черненко (Умумий бўлим мудирини), В.Гришин (Москва шаҳар партия ташкилоти 1-котиби), Г.Романов (Ленинград вилоят партия ташкилотининг 1-котиби), А.Кириленко (МК котиби), А.Пельше (Партия назорати комитети раиси), Д.Кунаев (Қозоғистон КП МК 1-котиби), Н.Тихонов (Иттифок Министрлар Советининг Раиси), В.Шчербицкий (Украина КП МК 1-котиби), М.Горбачёв (МК қишлоқ хўжалик бўйича котиби). Сиёсий бюро аъзолигига номзодлар саккиз киши эди: Ш.Рашидов (Ўзбекистон КП МК 1-котиби), Ҳ.Алиев (Озарбайжон КП МК 1-котиби), П.Демичев (Маданият вазири), Т.Киселёв (Белоруссия КП МК 1-котиби), В.Кузнецов (Олий Совет Президиуми Раисининг 1-ўринбосари), Б.Пономарёв (Халқаро бўлим мудирини), М.Соломенцев (РСФСР Министрлар Советининг Раиси), Э.Шеварднадзе (Грузия КП МК 1-котиби).

Юқорида айтилгандек, Ю.Андропов Бош котиб бўлгач, Сиёсий бюродан А.Кириленкони чиқариб, ўрнига Ҳ.Алиевни аъзо қилади. Кейин ярим йил мобайнида табиий сабаб билан яна икки киши – Беларуссия раҳбари Т.Киселёв (1983 йил 11 январда вафот этган) ҳамда ПНК раиси А.Пельше (29 майда вафот этган) Сиёсий бюро аъзолигидан чиқади. Андропов В.Воротниковни Сиёсий бюрога янги номзод қилиб сайлайди, айни пайтда, уни РСФСР Министрлар Советининг Раиси лавозимига тайинлайди,

собик раис М.Соломенцев (Сиёсий бюро аъзолигига номзод) эса Пельшеннинг ўрнига ПНК раиси бўлади.

Айни пайтда Андропов Н.Рижков ҳамда Е.Лигачёвга ҳам Сиёсий бюро сари йўл очади. И.Капитовдан кейин Ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудир лавозимини эгаллаган Егорь Лигачёв партия мансабдорлари алмашинувининг ташкилотчиларидан бири бўлган. Лигачёв бундан аввал қарийб 20 йил мобайнида Томбов вилоят партия кўмитасини бошқарган ва Андроповнинг фикрига кўра, Москвадаги бирон-бир гуруҳ билан деярли алоқаси бўлмаган мансабдор эди.

Сиёсий бюро таркибига бешта республика партия ташкилоти раҳбари (Рашидов, Кунаев, Шеварднадзе, Алиев ва Шчербицкий) кирганини ҳисобга олганда, Андропов нима учун айнан Рашидовни таъқибга олиш ва унинг республикасини остин-устун қилишга аҳд қилди, деган ўринли савол туғилади. Л.Брежнев умрининг охирида Ўрта Осиё Республикалари раҳбарларидан нажот ахтаргани Кремль глаболистларининг ҳамон ёдида эди.

Л.Брежневнинг айни йўлдаги саъй-ҳаракатлари, афсуски, яхши ният-лигича қолиб кетди. Оқибатда кавказликлар ва украинларнинг Кремлдаги олий доирада кучли қалқони бўлгани ҳолда совет мусулмон республикалари бундай ҳикоядан маҳрум бўлди. Ўрта Осиёдаги икки йирик арбобдан Кунаевга нисбатан мавқеи бироз паст бўлган (Кунаев – Сиёсий бюро аъзоси эди) Ш.Рашидов ҳужум учун танлаб олинди. Бироқ бошқа раҳбарлар – Кунаев ва Алиев ҳам дахлсиз қолмади: уларга Рашидовдан кейин, Горбачёв ҳукмронлиги даврида навбат келади.

Афтидан, Кремлдаги глаболистлар «ўзбеклар иши» воситасида Ўзбекистон, қолаверса, айнан шу республика орқали бутун Ўрта Осиёни бутунлай таслим қилиш ва мазкур минтақалардаги муносабатларга капиталистик тус бериш учун тозалашни ният қилганди. Зотан, бу даврга келиб коррупция борасида Ўзбекистондан қолишмаса-да, Кавказорти республикалари аллақачон капиталистик йўлга ўтган ва бу борада Кремль глаболистлари билан тил бириктириб бўлганди. Бу йўлда Ўзбекистон қурбон сифатида танланди. Ҳолбуки, Ўзбекистон нафақат Иттифоқнинг мусулмон аҳолига эга ўлкаларидан бири, балки Ўрта Осиёнинг етакчи республикаси эди.

~~Кремль~~ глаболистлари мазкур республика раҳбарларини алмаштириш ~~барабарида~~ байналмилалчиларни капиталистлар билан алмаштиришдан ~~инфозланиб~~ қолмасдан, росмана капиталистлар каби маҳаллий аҳолини ~~қандай~~ ишлатиш имконини берадиган шарт-шароит яратишни ҳам мақсад ~~қилиб~~ қўйганди.

1979 йилдаги Эрон инқилобидан кейин ислом оламининг жонланиши бу борада муҳим ўрин тутганди. Бу жаҳон глаболистларини жиддий ташвишлантириб қўйганди. Чунки дунёни қайтадан бўлиб олишда ислом омили тўсиқ бўлиши мумкин эди. Буни яхши билган Кремль глаболистлари дарҳол Афғонистондаги уруш оловини ёққанди.

Ш.Рашидов Кремль глаболистларининг азалдан ғашига тегиб келарди. Биринчидан, жуда мулоҳазагўй, чуқур ўйлаб иш қиладиган сиёсатчи, иккинчидан, республикадаги обрў-эътиборини сариқ чақага пуллайдиган енгилтак эмасди. Бунинг устига, Афғонистондаги урушга қарши тобора кескин фикр билдирарди. Чунки афғон уруши совет мусулмон республикаларига қандай оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигини аввалбошдан англаб етганди: миллатчилик кайфиятидаги гуруҳларнинг фаоллашиши, гиёҳванд моддалар савдоси янада кучайиши каби салбий тамойиллар кенг қулоч ёзиши ҳеч гап эмасди. Лекин Сиёсий бюродаги кўпчилик каби Ш.Рашидов ҳам Афғонистондаги уруш узоқ давом этмайди, деган фикрда эди. Чунки тегишли раҳбарлар Афғонистонда совет кўшинлари узоқ қолмайди, муҳолифатни бартараф этишда ҳукуматга ёрдам берганидан кейин дарҳол чиқиб кетади, деб айтганди. Бироқ совет кўшинлари Афғонистонга киритилганидан кейин уч йил ўтса ҳамки, уларни олиб чиқиб кетиш ҳеч кимнинг хаёлига келмади. Натижада Ш.Рашидов бошқа одамлар билан «Афғонистондаги урушга қачон чек қўйилади?» деган масалани Кремль раҳбарияти олдига кескин қўя бошлади. Ю.Андропов ҳокимият тепасига келмагунча бу саволга жавоб берилмади. Кейин эса Ўзбекистонга «Андроповнинг тергов гуруҳи» жўнатилди.

Ю.Андропов кавказликларнинг мавқеларини заифлаштириш ўрнига янада кучайтирди. Тўғри, мусулмонлар томонига бироз ён босди: Ҳ.Алиевни Иттифоқ Министрлар Совети Раисининг 1-ўринбосари этиб тайинлаб, Сиёсий бюро аъзолигига сайлади. Кавказортидаги бошқалар, Алиевнинг азалий рақиблари – грузин ва арманилар томонидан бу қандай ку-

тиб олинганини тасаввур қилиш мумкин. Бироқ давлат ҳокимиятининг бошқа олий органларида: КПСС МК бўлимлари, вазирликлар, бош бошқармалар каби марказий ташкилотларга кўплаб грузин ва арманилар суқулиб кирганини Бош котиб яхши биларди. Бинобарин, бу миллатлар марказда катта таянч кучига эга эди. Бошқа мусулмон халқлари каби озарбайжонларнинг ҳам бу борада мавқеи анча заиф бўлган. Чамаси, бу борадаги тенгсизликни биров бўлса-да мувозанатга келтириш учун Ю.Андропов айнан Ҳ.Алиевни Сиёсий бюро таркибига киритганди. Иттифоқ Министрлар Советидаги лавозими борасида эса юқорида айтиб ўтдик: Алиевнинг тижорат ва тадбиркорлик билан боғлиқ салоҳияти ва Кавказдаги айни соҳа кишилари билан яхши алоқаларни йўлга қўйганига Андропов катта умид билан қарарди.

Бу билан бошқа Кавказ гуруҳларининг мавқелари ҳам мустаҳкамланди. Жумладан, грузин Т.Ментешашвили Иттифоқ Олий Совети Президиуми котиби лавозимида нақд 25 йил ишлаган, айнан грузин М.Георгадзе ўрнига тайинланади. Бундан ташқари, асли қорабоғлик армени Г.Шахназаров Бош котибнинг яқин ёрдамчиларидан бири бўлади, Андропов бошқарган КПСС МКнинг Халқаро бўлимига Шахназаров келганидан буён, яъни 20 йилдирки улар иккиси бир-бирини яхши биларди.

Хуллас, Грузия ва Арманистон раҳбарлари ўта миллатчи ва айирмачилик кайфиятида бўлганига қарамасдан, Ю.Андропов ўз ислоҳотларини амалга оширишда аксарият уларга таянди. Ажабланарли томони шундаки, Андропов ўзбек байналмилалчиларни эмас, айнан айирмачиларни ўзига яқин олганди. Ҳолбуки, айнан ўзбекистонликлар кўплаб миллат ва элатларнинг, шу жумладан совет мамлакатаида етакчи рус миллатининг вакиллари ҳам Ўзбекистонда бемалол кун кечиришлари учун Иттифоқда энг қулай шарт-шароит яратиб берган бағрикенг халқ эди.

Яна бир зиддиятли ҳолат: Грузия ўта айирмачи совет республикаларидан бири бўлганига қарамасдан, республикадаги ҳар 1000 аҳолидан 826 нафари коммунист эди. Бу борада улар рус билан белоруслар (774 ва 706) ҳамда туркманлар, молдаван ва тожикларни (320, 316 ва 268) анча ортда қолдириб кетганди. Бунинг сабаби оддий: аҳоли орасида КПССга аъзолик фозиининг юқори бўлиши Марказдан кўпроқ сармоя ундиришда жуда асқатарди. Охир-оқибат, Грузия партия ташкилотлари сафида ҳам корруп-

ция жуда юқори даражада эди. Андропов буларни билмаган эдими? Билган, албатта, бироқ грузинларга тегмасликни афзал кўрган.

ДХК ва КПСС МК доираларида Ўзбекистонга хужум қилиш режаси узоқ ва пухта ишлаб чиқилган, деб тахмин қилиш ўринли. Бунга оид барча ҳақиқатни тўла билишимиз даргумон, бинобарин, тегишли ҳужжатлар сақланиб қолмаган бўлса керак, қолаверса, мазкур ишнинг аксарият қатнашчилари вафот этган, ҳали ҳаёт бўлганлари эса ҳақиқатни гапириш ўрнига «жиноятчиларни ўз инида бартараф. этиш учун порахўрлар ўлкаси Ўзбекистонга софдил терговчилар гуруҳи қандай юборилгани» тўғрисидаги бамаъни сафсатани гапиришни афзал билади.

Ўзбекистон олий партия раҳбариятида порахўрлик, коррупция ростдан ҳам авж олганди. Лекин яна такрорлайман: исталган иттифоқдош республика ҳақида, айниқса, Кавказорти республикалари, шунингдек, РСФСР, Украина, Молдавия ҳақида бу хусусда баралла гапирса бўларди. Бинобарин, ўша республикаларга «Андропов тергов гуруҳи»ни бемалол жўнатса бўларди, бироқ унинг шундай қилишга имкони бўлгани ҳолда, хоҳиши бўлмаган. Шу боис «Кремль глаболистлари» қасддан Ўзбекистонни танлашди.

Кўп вақт ўтгандан кейин андроповшунослар тоифасига кирувчи тарихчилар, «мазкур тергов гуруҳи» жойлардаги гуруҳбоз-этник раҳбарларнинг айирмачилик фаолиятини олдини олиш мақсадида айни республикага юборилган, деган тахминни илгари сурди. Гўё совет раҳбариятидаги энг кучли ва катта таъсирга эга гуруҳлар иттифоқдош республикалар даражасида шаклланган-у, Андропов уларга қарши жазо чораларини кўришга мажбур бўлган эмиш. Бироқ мазкур тахминни тўғри деб ҳисоблаганимизда ҳам савол туғилади: жазо нишони сифатида нима учун Ўзбекистон танланди? Бу республика мамлакатда ҳақиқатан ҳам кўп сонли партия ташкилотига эга эди, бироқ айнан Рашидовнинг саъй-ҳаракатлари билан бу партия ташкилоти Москвага ҳамиша хайрихоҳ бўлган. Ўзбекистонда кескин айирмачилик кайфиятидаги гуруҳлар ҳеч қачон бўлмаган, Грузия ва Арманистон ҳақида эса бундай деб бўлмайди. Бу борада грузинлар З.Гамсахурдия ҳамда М.Коставани, ёки 1977 йил январда Москвада бомба портлатган террорист арманиларни эслашнинг ўзи кифоя.

Агар Ю.Андропов Ўзбекистон раҳбариятининг нафсини жиловлашни ният қилганда, уларнинг Москвадаги гумашталарига чек қўйишининг ўзи кифоя қилган бўларди. Ахир пахтани кўшиб ёзиш билан боғлиқ товламачиликларда ўзбекистонлик порахўрлар билан алоқадор Марказдаги юқори мартабали мансабдорларни ДХК яхши билган бўлса керак? Бинобарин, айти доирадаги одамларни ҳибсга олиб, ортиқча шов-шув ва қатағонларсиз бу муаммони ҳал қилса бўларди. Бунинг ўрнига Андропов бевосита Ўзбекистонда тозалашлар ўтказилишига зўр беради ва шу асно кавказликларнинг мавқеларини кучайтиради. Бу эса мантиққа зид эди: зотан, коррупция билан кураша туриб, айти вақтда айирмачиликни рағбатлантириш мумкин эмас. Ўзбекистонда коррупция бўлгани билан айирмачилик йўқ эди, бироқ Кавказортида бу иккала ижтимоий иллат ҳам бор эди. Давлатни кутқариш учун биринчи галда қаерни тартибга келтириш керак эди, деган ўринли савол туғилади. Саволга жавоб шубҳасиз деб ўйлайман. Андропов фақат муайян гуруҳларнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда росмана мантиққа қарши иш тутди.

Ю.Андроповнинг устомонлигига ҳам тан бериш керак: у Ўзбекистон раҳбар доираларидаги парокандалиқдан фойдаланиб, Марказдаги мавжуд гуруҳларни ҳам «хуфиёна» ишга сола билди. Жумладан, шовинист руслар «иттифоқдош республикаларнинг аҳолисини Россия қармоғидаги боқимандалар» ҳисоблагани боис «Ўрта Осиё гуруҳи»га берилган зарбани катта кўтаринкилик билан кутиб олди. Марказ ростдан ҳам деярли барча республикаларга молиявий маблағлар етказиб берарди, лекин республикалар бу борада қарздор бўлиб қолмаганини ҳам унутмаслик керак.

Жумладан, Ўзбекистон Иттифоқ хазинасига салмоқли ҳисса қўшган: «оқ олтин» ҳам, ҳақиқий олтин ҳам, қолаверса, кўмир, нефть, мис каби маҳсулотлар ҳам етказиб берилган.

Ўзбекистоннинг маънавият соҳасига улуши ҳам сезиларли эди. 100 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қиладиган бу республика Иттифоқ халқларининг биродарлигини мустаҳкамлайдиган ўзига хос ўлкалардан бири эди. Русийзабон аҳоли Ўзбекистонда хотиржам ҳаёт кечирарди. Юқорида айтилгандек, русийзабон аҳоли ўсишининг сурьатлари шундан далолат беради. Ўрта Осиёнинг бошқа республикаларида ҳам шундай ҳолат бўлиб, Кавказорти ва Болтиқбўйи республикалари ҳақида



бундай деб бўлмас, бу ўлкалардаги, асосан, охирги даврларда кўчиб келган русийзабон аҳоли нисбатан қисилиброқ кун кечирарди.

Ўзбекистон, асосан, Марказнинг фойдаси ҳисобига кун кўриши, боқиманда экани тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Жумладан, 80-йилларнинг бошларида Ўзбекистонда қишлоқ меҳнаткашларнинг ўртача ойлик маоши 59,4 рублни, Иттифоқ бўйича эса 91,5 рублни ташкил қилган. Ўзбекистонда аҳоли жон бошига савдо айланмаси Иттифоқдагига нисбатан 1,5 барабар кам бўлган ҳамда аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича 15 республика орасида: алоқа (почта, телеграф, телефон) – 15-ўрин, маданий хизмат кўрсатиш – 14-ўрин, тураржой, транспорт хизмати бўйича – 13-ўринда бўлган. Чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, ёғ, тухум), мева, полиз экинлари истеъмоли аҳоли жон бошига умумиттифоқ даражасидан икки марта оз бўлган.

Мазкур вазиятда Марказнинг шубҳасиз айби бўлган, чунончи, энг аввал ўз «арзандалари»га салмоқли маблағлар ажратиб, бу борада мувозанатга амал қилмаган. Грузия, Арманистон, Болтиқбўйи республикаларига катта сармоя бериларди. Иттифоқ хазинасига Ўзбекистонга оз улуш қўшган бу республикалар мантиққа зид равишда ҳамиша катта маблағ, катта имтиёзлар талаб қиларди. Иттифоқ пойтахтида ишонарли вакилларига, ўз одамларига эга бўлгани боис, мана шундай имтиёзни ҳар доим оларди. Бироқ айна имтиёзлар эвазига Кавказ ва Болтиқбўйи Москвага миллатчилик ва айирмачилик кайфиятларини кучайтириш билан жавоб қайтарди.

«Рус ватанпарварлари» айна шу асно «Кремл глаболистлари» томонидан чув туширилди. Улар хиёнат йўлига ўтиб, рус ватанпарварларини сира ҳам «боқиманда» бўлмаган республикаларга қарши гижгижладилар. Бу борада юқорида эслатиб ўтилган Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Ўрта Осиёга буриб юбориш лойиҳасидан ҳам устомонлик билан фойдаланилди. Глаболистлар айна шу лойиҳа атрофида шов-шув кўтаришди: мана қаранглар, мусулмон республикалари она Россиямизга ўлигини ортиб олган боқиманда бўлгани камдай, эндиликда дарёларимизнинг сувларига ҳам кўз олайтирмоқда. «Рус ватанпарварлари» алданиб қолганини фақат 80-йиллар ўртасига келиб англайди, бироқ фурсат кўлдан бой берилган – бир пайтлар ўта қудратли Иттифоқ муқаррар таназзулга юз тутганди.

## АНДРОПОВ ДЕСАНТИ

Ўзбекистонга юборилган «Андропов десанти» раҳбарларидан бири унинг яқин сафдоши, Иттифоқ ДХК янги раиси Виктор Чебриков эди. Қуйидаги далил эътиборга молик: Ш.Рашидов вафотидан икки ойдан кейин, 1983 йил декабрда айнан Чебриков унинг Сиёсий бюродаги ўрнини эгаллаб, МК Пленумида Сиёсий бюро аъзолигига номзод этиб сайланади. Афтидан, Ўзбекистонга юборилган «Андропов десанти»да фаол иштирок этгани айни шу асно тақдирланганди.

Барча либерал манбаларнинг эътирофи этишича, «Ўзбеклар иши» 1983 йил баҳорда оддий тасодиф билан бошланган. Ўшанда гўё бухоролик бир аёл вилоят ДХКга мурожаат қилиб, Бухоро милициясида ҳукм сураётган вазиятдан, вилоят ОБХСС бошлиғи Музаффаров миждозлардан ошқора пора олаётганидан шикоят қилади. ДХК ходимлари бу аёлнинг арзини диққат билан эшитиб, милиция бошлиғига пора беришни таклиф қилади. У ёғини ўзларига қўйиб беришни ваъда қилишиб, ўз ишларини рисоладагидек бажарадилар.

Мазкур ёлланма аёл 27 апрелда Музаффаровга хизмат хонасида ҳибсдагилардан бирини озод қилишда кўмаклашгани учун 1000 рубль миқдоридан пора беради. Бир қанча вақт ўтиб вилоят ОБХСС бошлиғи хизмат «Волга»сида Ромитан тумани маркази томон кетаётганда йўлда қўлга олинади. Кўп ўтмай унинг кўрсатмаларига асосан Бухоро шаҳри ва вилоятининг қатор юқори мансабли кишилари қамоққа олинади. Шу асно 1983 йил май ойида Бухоро шаҳар саноат моллари савдоси ташкилоти директори Ш.Қудратов, бир неча милиция мансабдорлари ва савдо ташкилоти бошлиқлари ҳам Музаффаров билан бирга қамалади. Бу кампания Бухорода ва айнан Ички ишлар вазирлигида «тозалаш»дан бошланади. Айнан Ички ишлар вазирлиги ходимлари қўлга олингани ҳам бежиз эмас – асосий зарба вазир Н.Шчелоковга қарши қаратилган, Андропов тарафдорлари бу вазирликни «мамлакатдаги бош коррупция ташкилоти» дея эълон қилганди.

Шундай қилиб, Горбачёв қайта қуриши йилларида ОАВларда тарқатилган расмий эътирофга кўра, Ўзбекистондаги тозалашлар аллақандай

аёлнинг мурожаати билан бошланган. Аслида бу ишга ўта жиддий киришилган. Мазкур кампанияга Москвада рухсат берилган, Ўзбекистон ДХК бу ишни амалга оширишга енг шимариб киришган. Бунга оид икки хил тахмин мавжуд.

Биринчи тахминга кўра, Ўзбекистон ДХКдан мазкур ишда хуфийна фойдаланилган. Юқорида айтилганидек, мазкур идорага армани миллатига мансуб, республикада узоқ вақт яшаган Л.Мелкумов (Мелкумян) раҳбар этиб тайинланган. У Москванинг кўрсатмасини табиийки рад эта олмас, бинобарин, республикада коррупцияга қарши кампанияга рухсат берар экан, бу воқеаларнинг барчаси – партиявий ва хўжалик аппарати-нинг қуйи бўғинларини фош қилишга оид навбатдаги ишлар эканига тажрибали ва пихини ёрган изкувар сифатида ишончи комил эди. Шу боис Москванинг кейинги тутган йўли унинг учун сира кутилмаган ҳол бўлади.

Иккинчи тахминга кўра, Мелкумов, асосан, Москванинг кўрсатмаларига биноан иш олиб борган, чунки азалдан Ш.Рашидов ва унинг тарафдорларига қарши мавқеда бўлган. У иттифоқ пойтахтида ишлаб чиқилган махфий ишнинг қатор жиҳатларини яхши билган, бироқ барча тафсилотлар унга ҳам маълум қилинмаган бўлиши мумкин. Унинг бу ишга жалб қилиниши ҳам тасодифий бўлмаган. Мелкумов армани миллатига мансуб, Кремль глаболистларининг аксарият қисми мазкур миллат кишилари эди. Қолаверса, Ўзбекистонда иш олиб борган тергов гуруҳи раҳбарларидан бири этиб Т.Гдлян тайинланган эди. Ўзбекистондаги қатағонларни амалга оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этгани боис, бу шахснинг таржимаи ҳолига атрофлича тўхталиб ўтиш жоиз.

Т.Гдлян 1968 йилда Саратовда Ҳуқуқшунослик институтини тугатиб, шу ернинг ўзида жиноят ишлари терговчиси сифатида иш бошлайди. Кейин Москвадаги юртдошларининг кўмагида 1974 йилда Москвага ишга ўтказилади ва Иттифоқ Бош Прокуратурасининг ўта муҳим ишлар бўйича терговчиси этиб тайинланади. У деярли ўн йил мобайнида фақир киши панада қабилида кўзга ташланмай фаолият олиб боради. 1983 йилда «Хинт иши» унга «насиб этади». Йоханес Хинт Эстониядаги «Дезинтегратор» кооператив конструкторлик бюроси асосчиси ва директори эди. Иқтидорли кашфиётчи Хинт дезинтегратор ёрдамида цемент ишлатмасдан мустаҳкам қурилиш материали яратиш усулини топади. Бу цементсиз технология деб аталувчи қурилиш ишида катта ютуқ эди. Натижада Хинт усули асосида

Эстониянинг ўзида, Пермда ва Иттифоқнинг бошқа минтақаларида ўнлаб бинолар курилади. Хинтнинг ишланмасидан Италия, Австрия, Япониянинг йирик фирмалари фойдаланади. 1981 йилда Хинтнинг тажрибасини ўрганиш учун Москвадан – Давлат режа қўмитасидан комиссия келади. Йирик мутахассислар силикальцитга халқ хўжалигида фойдаланиш борасида юқори баҳо беради. Хинт фан доктори бўлади, Ленин мукофоти билан тақдирланади (1982). Бироқ бу иш, охир-оқибат, фожиа билан якун топади.

Эстонияда ҳам, Москвада ҳам иктидорли кашфиётчи-муҳандиснинг ғанимлари пайдо бўлиб, олимнинг ишланмалари уларнинг зарарига хизмат қиларди. Уни йўқ қилиш қийин эмасди: Хинт кооператор бўлгани боис советлар шароитида баъзида қонунни четлаб ўтишга мажбур бўларди. Унинг айнан шундай йўл тутиши ғанимларига қўл келади. Бундан ташқари, ғанимлари Хинтнинг кундалик тутишидан хабар топишади, олим мазкур кундаликларида олий совет раҳбарияти ва унинг олиб бораётган сиёсати ҳақида салбий фикрларини ҳам ёзиб борарди. Ихтирочини жиний жавобгарликка тортишда бу ҳам муҳим далил эди. Хинт 1981 йил ноябрда қамоққа олинади. У гўё юқори мансабдор шахсга пора берган, пора олган мансабдор эса силикальцитдан янада кенг фойдаланиш учун юқори доиралар рухсатини таъминлаши керак эди. Олимнинг уйида тинтув ўтказилганда унинг кундаликлари ҳам мусодара қилинади. Хинт мазкур кундалигини «XX асрдаги айрим софдил кишиларнинг фожиаси» деб номлаганди. Буларнинг барчаси Хинтни барча илмий унвон ва мансаблардан, лауреатлик унвонидан маҳрум қилиш учун асос бўлади.

Олдиниға Хинт иши билан эстон терговчиси Эрих Вяллимяз шуғулланади. Бироқ 1983 йилда унга ёрдам бериш учун Москвадан Т.Гдлян юборилади. Гдлян эса бу ишга ўта жиддий тус беради. Журналист О.Чайковская шундай деб ёзганди:

«Гдлян қўллаган тергов усуллари ҳам чакки эмасди. Битта мисол. Хинт раҳбарлиги остида яратилган кучли таъсир кўрсатувчи дори-дармонларнинг бир қисми ўтган уруш ногиронлари ва бошқа ёрдамга муҳтож кишиларга, қариялар уйлариға бепул тарқатиларди; бепул тарқатилган дори-дармонлар ҳам қатъий ҳисоб-китоб қилиб бориларди, бинобарин, беғараз ёрдам миқдорини ҳисоблаш Гдлян учун қийин бўлмаган – буларнинг барчасини ҳисоблаб чиқиб, Хинтни давлат мулкани талон-то-

роҳ қилганликда айблаган; бу дармондори қиммат бўлгани учун йирик миқдордаги маблағлар ҳосил бўлган. Хинт ўша пайтда анча кексайиб қолганига қарамасдан (70 ёшда бўлган), суд айбни юмшатовчи сабаб сифатида буни ҳисобга олмаган ҳолда, уни 15 йил қамоқ жазосига ҳукм қилади. Оқибатда Хинт қамоқда вафот этади. Гдляннинг эса бу ишдан кейин омади чопади. Эстониядан қайтгач, кўп ўтмай Ўзбекистонга йўл олади. Москва айни республикада амалга оширишни мўлжаллаган тозалаш ишларида тергов гуруҳи раҳбарларидан бири этиб тайинланади. Бу ҳам бежиз эмасди. Мазкур кампания ташкилотчилари Гдляннинг феъл-атворини, яъни ўтакетган такаббурлигини, шафқатсизлигини, ғаразли муддаоларига етиш учун одамларни сира ҳам аяб ўтирмаслигини жуда яхши биларди.

Қолаверса, Гдлян армани миллатига мансуб бўлгани билан Грузияда туғилган. Бу республикалар Иттифоқда иқтисодиётни капитализациялаш жиҳатидан ривожланган ўлкалар ҳисобланарди. Жумладан, Арманистонда кўплаб корхоналар «яширин» цехларга эга бўлиб, уларнинг хусусий маҳсулотлари чапга сотилар, яъни улардан олинган даромад «қизил директорлар»нинг ҳамёнига тушарди. Порахўр маҳаллий ҳокимият бундан кўз юмиб келар, чунки «қизил директорлар» каби улар ҳам бундан манфаат кўрарди. Москвага эса қатор социалистик мамлакатларда бўлганидек, Арманистонда ҳам «ташаббускорлар иқтисодиёти» жуда яхши ривожланаётгани ҳақида ҳисобот юбориларди. Хуллас, Москва, башарти, Иттифоқдаги чинакам коррупция ўчоғини фош қилишни истаганда, терговчилар гуруҳини Арманистон ва Грузияга юборган, натижада пихини ёрган юзлаб порахўрларни ҳибсга олган бўларди. Бироқ Гдлян ва унинг гумашталарини Ўзбекистонга юборишди.

«Бухоро иши» айнан кимга қаратилганини англаш Ш.Рашидов ҳамда унинг тарафдорларига қийинчилик туғдиргани йўқ. Чунки Мелкумов Ўзбекистон раҳбариятини назар-писанд қилмай, бевосита Москванинг кўрсатмалари билан иш кўрарди. Ю.Андропов Озарбайжонда 1969 йилда, Грузияда 1972 йилда синовдан ўтказган усул яна қўл келди. Яъни, Москванинг мақсади республика олий раҳбариятини алмаштиришдан иборат эди. Андропов дастлаб Ш.Рашидовни осонгина ишдан олишни, яъни унинг аризасига биноан лавозимидан бўшатишни мўлжаллаганди. Ш.Рашидовни шунга мажбур қилиш учун Ўзбекистонга «Андропов терговчилар гуру-

хи» жўнатилади, унинг душманлари томонидан уюштирилган минглаб «юмалоқ хатлар» Москвага турнақатор учади. Бу мактубларнинг муаллифлари республикада ҳаётнинг барча соҳасидаги ишлар аянчли аҳволда эканидан шикоят қилишганди. Орадан кўп ўтмай мана шу юмалоқ хатларни қўлига шахсан топшириш учун Ш.Рашидов Москвага чақиртирилади. Унга хатларни топшириш партиявий-ташкилий ишлар бўлими мудирини Е.Лигачёвга юкланади. Е.Лигачёв шундай эслайди:

«Биз Рашидов билан хонамдаги катта мажлислар столининг икки томонидан қарама-қарши равишда жой олдик. Олдиндан столнинг устига Ўзбекистондан келган кўпгина хатларни тахлаб қўйдим. Рашидов уларга бир кўз ташлаганининг ўзидаёқ қандай хатлар эканини англади. Дастлабки гапимдан кейинок ранжиганини билдириб қўйди, бу хатларда ўзи учун қандай хавф борлигини сизди. Буни пайқаб, мақсадга қўчдим:

– Шароф Рашидович, МКга Ўзбекистондаги бемаъни ишлар ҳақида кўплаб хатлар келаётир. Одамлар асосли равишда тобора кўпроқ шикоят қилаётир. Биз хатларни текшириш учун юбораяпмиз, сиз ва сизнинг дўстларингиз эса «далиллар исботланмади» деб жавоб қайтаряпсизлар. Бунга ишонини қийин. Қаранг, қанча хат. Бу ерда уларнинг бир қисми, холос. МК Ўзбекистондан келган хатлар билан кўмилиб қолди.

Ш.Рашидов безовта бўла бошлади, бир-икки марта ўрнидан турди. Мендан бундай қўполликни, шартакиликни, масалани кескин қўйишимни сира кутмаганди. Вазиятдан чиқиш учун пўписага ўтди. Сухбат мавзуини бир четга суриб қўйиб, ақлимни киритиб қўйишга уриниб қўполлик билан деди:

– Ким билан гаплашаётганингизни биласизми?

– Ўртоқ Рашидов билан гаплашяпман.

Рашидов тазйикни кучайтириш мақсадида яна ҳам қаттиқроқ гапиришга чоғланди, бироқ гапи оғзида қолди:

– Шароф Рашидович, иш жиддий. Бу хатлар ҳақида Юрий Владимирович Андроповга хабар берганмиз. Мен Бош котибнинг топшириғига кўра сиз билан суҳбатлашяпман.

Рашидов дарҳол шаштидан тушди. «Ким билан гаплашаётганингизни биласизми?» деган дағдаға эҳтимол биринчи марта наф бермаганди. Брежнев вафот этган, Андроповнинг кўмагидан эса умидвор бўлиб бўлмасди. Мен давом этдим:

– Бизнинг бўлим МКнинг нуфузли комиссиясини Ўзбекистонга жўнатиш таклифини киритади...

Биз хотиржам хайрлашдик. Мен Ўзбекистонда ўта оғир иш жабҳаси очилаётганини ҳис қилиб турардим. Рашидов эса хонамдан ўз раҳбарлик тақдиридан хавотирланганча чиқиб кетди».

Е.Лигачёв ўз хотираларида бўлган гапларни тўла баён қилмаган: Кремлда хуфёна суҳбатнинг ҳаммасини очиб ташлаш ўз обрўйига ҳам соя солиши мумкинлигидан чўчиган. Бу ерда суҳбатнинг охири атайлаб айтилмаган, холбуки, ўшанда Ш.Рашидов Тошкентга келгандан кейин истеъфога чиқишга рози эканини айтган. Лекин юртига қайтиб келгач, бюро аъзолари билан маслаҳатлашиб, истеъфони кузгача – пахта йиғим-терими охиригача қолдиришга қарор қилган. Москва бунини итотсизлик деб талқин қилган ва республика раҳбариятига тазйиқни янада кучайтирган: Ўзбекистондаги вазият ёмонлиги ҳақида марказий ОАВларида танқидий мақолалар яна кўпайган, «Андропов терговчилари» томонидан ҳибсга олишлар ортган.

Афтидан, Ш.Рашидовни мансабидан зўрлик билан олиб ташлашдан Андропов чўчиган, Ўзбекистонда Рашидовнинг обрўйи жуда катта эканини у яхши билган – аҳоли орасида республика раҳбарларидан ҳеч ким бу даражада обрўга эга эмасди. Шу боис Москвадан бу борада ўринли изох – жиддий айблов талаб қилинар, рўқач қилинадиган бундай айб эса йўқ эди. Шу боис Рашидовни обрўсизлантириш йўли танланади, бир пайтлар Грузия раҳбари В.Мжаванадзега нисбатан шундай қилинганди. Грузия раҳбарини ҳам аҳоли ҳурмат қилар, шу боис уни ишдан олиш ярим йилга чўзилиб кетади: Москва дастлаб КПСС МКнинг Тбилиси шаҳар партия кўмитасидаги ишлар ёмон аҳволда эканига оид қарорини чиқаради (1972 йил март) ва шаҳарнинг деярли барча раҳбарлари ишдан олинадди, кузда эса ОАВлардаги қатор фош қилувчи мақолалардан кейин Мжаванадзе ҳам ишдан олинадди ва унинг ўрнига Э.Шеварднадзе тайинланади. Ўзбекистонда ҳам шундай йўл тутишга қарор қилинадди, фақат бу ерда республика пойтахти Тошкентга эмас, Бухорога зарба берилади.

Ўша кезларда Ш.Рашидов кўнглидан қандай хаёллар кечгани ҳақида бевосита гувоҳ Н.Муҳитдинов ёзади:

«1983 йил май ойида МК ва Иттифоқ ҳукумати оининг охирида Тошкентда пахта етиштирувчи республикаларнинг барча раҳбар ходимла-

рини таклиф қилган ҳолда пахтачилик бўйича Бутуниттифоқ кенгаши ўтказиш ҳақида Қарор қабул қилди. Менга мазкур кенгашда маъруза қилиш топширилди...

Эртаси куни маъруза қилганидан кейин Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Д.Илҳомова билан Рашидовнинг хузурида бўлдик. Д.Илҳомова кенгаш қандай ўтгани ҳақида ҳисобот бергандан кейин, Рашидов деди:

– Мен ҳамма нутқларни ўқидим, Ўзбекистон шаънига айtilган айбловларни асоссиз ҳисоблайман. Бизнинг пахтамыз яхши, ҳеч ким эътироз билдиришга ҳаққи йўқ.

Д.Илҳомовага жавоб бергандан кейин Рашидов иккимиз қолдик. У кўнглидаги гапларни очиб ташлади. Ўзига ҳамма томондан тазйиқ бўлаётгани, Иттифоқ матбуотида Ўзбекистон ҳақида танқидий мақолалар мунтазам чиқаётгани, республикадаги ишларнинг ҳаммаси ҳам кўнгилдагидек эмаслиги тўғрисида алам билан гапирди. Одамлар масъулиятни ҳис қилмаётгани, ёлғизланиб қолгани тўғрисида гапирди.

Матбуотдаги мақолаларда ҳақиқат борми, уларнинг ҳаммаси Ўзбекистондан юборилган-ку, деб сўрадим. Рашидов шундай деди:

– Матбуотда ваҳима қилган даражада эмас. Айрим кўшиб ёзишлар, пахта сифатининг қисман ёмонлиги бор гап, шунингдек, порахўрлик ҳолатлари ҳам аниқланган. Лекин яна такрорлайман, буларнинг барчаси марказий матбуот ваҳима қилаётган даражада эмас.

– Нима қилмоқчисиз? – деб сўрадим.

– Тўғриси, билмайман, – деди Шароф Рашидович. – Сиз билан, дўстим, маслаҳатлашмоқчиман. Яқинда Москвада МКда мен билан очикчасига кескин суҳбат бўлди. Ишдан кетишим кераклигини шама қилишди. Истеъфога чиқаришларини сўраб Тошкентдан ариза жўнатаман, деб ваъда бердим.

Москвадан қайтгач, жойларда бўлдим. Пахта ҳосили яхши, бу йил режани ошириб бажарамиз. Шу боис аризани кузда ёзишга қарор қилдим.

Бунга жавобан шундай дедим:

– Ўзбекистондаги ўта ташвишли ҳолат ҳақидаги мақолалар ва билдирилаётган фикрлар жуда кўпчиликни хавотирга солаётир. Назаримда, сиз шахсан ташаббус кўрсатиб, Олий Совет сессияси ёки МК Пленумини чақиришингиз керак, унда нималар рўй бераётгани ҳақида ўзингизни



танқид қилган ҳолда ошқора нутқ сўзланг, МК аъзолари, республика, вилоят, туман раҳбарлари билан очик гаплашиб, бундай ҳолатга чек қўйиш учун пухта ўйланган ишлар режасини келишиб олиш керак. Бемаъни ишларни қонунга биноан бартараф қилиш, муҳими – керакли чора-тадбирларни ишлаб чиқиб амалга татбиқ қилиш зарур.

Ш.Рашидов узоқ сукут сақлади, нажот ахтариб қайларгадир тикилди, кейин эса деди:

– Ўйлаб кўраман, – сўнг қутилмаганда қўшимча қилди: – Нуритдин Акрамович, Тошкентга қайтинг. Бирга ишлаймиз.

Мен шундай жавоб бердим:

– Қимматли Шароф Рашидович, ўтган сафар ҳам шундай талаб қилгандингиз. Мен мамнуният билан хўп деб, ватанга қайтиб, сиз билан ишлашга рози бўлдим. Буни Брежневга айтдим. У ҳам маъқуллади. Илтимосимга кўра, мени элчи лавозимидан озод қилишди. Лекин бу келишув амалга ошмай қолди.

– Азиз дўстим. Тошкентда ҳам, Москвада ҳам бизнинг бирга ишлашимизни хоҳламайдиган одамлар бор, – деди Шароф Рашидов.

– Лекин сиёсат уларнинг қўлида эмас-ку, – эътироз билдирдим мен. – Менга қолса жон деб қайтиб келган бўлардим. Лекин ҳозир энг муҳими – республика халқ хўжалиги, иқтисодиётдаги вазиятни ўнглаш учун халқни сафарбар қилиш керак, сиёсий ишларни яхшилаш лозим.

– Агар Пленум ёки фаоллар йиғилишини ўтказадиган бўлсак, сиз келиб қатнаша олмайсизми?

– Қандай бўларкин? Турлича талқин қилишлари мумкин. Йиғилишдан кейин келиб, сиз билан бирга ишлашга тайёрман».

Вазият тақозосига кўра Муҳитдиновга Тошкентга қайтиб келиб ишлаш насиб қилмайди. Шундай бўлиши қутилганди, Ш.Рашидов тўғри эътироф этгандек, Тошкентда ҳам, Москвада ҳам буни истамайдиган одамлар бор эди – Муҳитдиновнинг Тошкентга қайтиши Ш.Рашидовнинг мавқеини мустаҳкамлашини улар яхши биларди. Шу боис Рашидовнинг ҳамфикрлари, тарафдорлари кўпаймаслиги, аксинча, камайиши учун улар қўлидан келган ҳамма ишни қилдилар. Айни пайтда Рашидов зиёнига хизмат қила бошлади – яқин ўтмишдаги муҳолифлари сиёсатга қайта бошладди. Жумладан, В.Ломоносов.

У 1963 йилдан Ўзбекистонда турли раҳбарлик лавозимларда ишлайди: дастлаб Ўрта Осиё бюросининг раиси, кейин 11 йил (1965 – 1976) мобайнида Ўзбекистон КП МК 2-котиби бўлади. Ниҳоят, Ш.Рашидов билан муносабатлари ёмонлашгач, Москвага чақириб олиниб, Иттифоқ Меҳнат ва ижтимоий масалалар давлат кўмитаси раиси лавозимига тайинланади. Бироқ Ўзбекистонга ҳужум жуда кучайган 1983 йилда Ломоносов КПСС МК аппаратига қайтарилади: чамаси, «Андроповнинг тергов гуруҳи»га ўз маслаҳатлари билан кўмаклашиши кўзда тутилганди.

14–15 июнь кунлари Москвада КПСС МКнинг мафкуравий ва сиёсий-оммавий ишлар масалаларига бағишланган Пленуми бўлади. Унда Ю.Андропов ўз тарафдорларини ҳокимиятга жойлаштириб, ўз мавқеини сезиларли мустаҳкамлайди. Сиёсий бюро аъзоси Г.Романов МК котиби бўлади, Сиёсий бюро аъзолигига номзод М.Соломенцев КПСС МК қошидаги Партия назорати комитети раиси этиб тайинланади, В.Воротников эса Сиёсий бюро аъзолигига номзод этиб сайланади.

Икки киши: Иттифоқ Қуролли Кучлари Бош штаби бошлиғининг ўринбосари С.Ахромеев ва Иттифоқ Мудофаа вазирининг ўринбосари В.Шабанов МК аъзолигига номзодликдан аъзоликка ўтказилди; қатор бошқа мансабдорлар ҳам аъзо қилинди.

Л.Брежнев тарафдорлари бўлган икки мансабдор: Иттифоқ Ички ишлар вазири Н.Шчелоков ҳамда Краснодар вилоят комитетининг 1-котиби С.Медуновнинг партиявий фаолиятига нуқта қўйилди; улар «йўл қўйган хатолари учун» деган айблов билан МК таркибидан чиқарилди.

Н.Шчелоков ўша кунларда тамомила маънавий эзилган ҳолатда эди. Унинг оиласида тўрт ой муқаддам бўлган фожа таъсиридан ҳамон ўзига кела олмаётганди. Ўша куни унинг хотини Светлана ўзини отиб ўлдирганди. Омма олдида шарманда бўлиш билан бирга, Шчелоков оиласига оид қатор бемаъни ҳақиқатларни биладиган кимсалар уларни суд қилишлари олдидаги кўрқув ва ожизлик уни шундай йўл тутишга мажбур этгани эҳтимолдан холи эмас. Вазият бошқача тус олганда Шчелоковлар эмас, айти шу кимсалар судланувчилар ўринидиган жой олиши мумкин эди.

Москвада бўлган июнь Пленумидан кейин республикалар, жумладан, Ўзбекистонда ҳам шундай тадбир ўтказилади. Тошкентда 4 июль куни

бўлган Пленумда «КПСС МКнинг июнь Пленуми қарорларини бажариш юзасидан республика партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида»ги масала кўрилади. Москвада бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам икки киши: Н.Ҳикматов ҳамда Б.Элибоев МК таркибидан чиқарилади.

Мазкур Пленум арафасида Ўзбекистонда яна бир неча раҳбарлар ўзгарганди. Жумладан, май ойи охирида Республика МК 2-котиби лавозимидан Л.Греков озод қилиниб, ўрнини Республика Министрлар Совети Раисининг 1-ўринбосари Т.Осетров эгаллайди. 27 йил ишлаган Вали Муродхўжаев ҳам Молия вазири лавозимидан олинади. У Ўзбекистон билан Москва ўртасидаги молиявий жуда кўп ишлардан яхши хабардор эди. Янги Молия вазири этиб Муродхўжаевнинг ўринбосари Ислон Каримов (кейинчалик Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти) тайинланади.

Москвада республика эҳтиёжлари учун зарур маблағлар ундириш учун юқори ташкилотларда қанчалар сарсон бўлганини И.Каримов кейинчалик айтиб ўтганди. У баъзида ниятига етса, баъзида куруқ қўл билан қолади. Айниқса, 80-йилларнинг ўрталарида, «ўзбеклар иши» авжига чиққан паллада бу иш жуда оғир кечган. Кавказорти республикалари бу борада деярли қийинчиликка дуч келмаган, чунки Иттифок Молия вазирлигида уларнинг ўз одами ишлаган: вазир (В.Гарбузов) ўринбосари С.Ситарян (1974 йилдан) эди. Бу мутахассиснинг касбий хислатларига ҳеч қандай эътирозим йўқ, лекин беихтиёр шундай савол кўндаланг бўлади: башарти Молия вазирлиги кимга кўпроқ молиявий маблағ ажратиш керак – Ўзбекистонгами ё Арманистонгами, деган саволга дуч келса, Ситарян кимнинг тегирмонига сув куйган бўларди? Атиги 0,2 % арманилар истиқомат қиладиган Ўзбекистонгами ё аҳолиси, асосан, бир миллатдан иборат Арманистон тегирмонигами? Унинг қайси томонга мойил бўлишига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Дарвоқе, Горбачёвнинг қайта қуриш йилларида Ситарян Иттифок Давлат режа комитети раисининг 1-ўринбосари лавозимида кўтарилди ва Бош котибнинг иқтисодий маслаҳатчиларидан бирига айланди.

1983 йил воқеаларига қайтамиз.

Июль Пленумида Ш.Рашидов катта нутқ сўзлайди. Унинг нутқида «Андроповнинг терговчилар гуруҳи» Ўзбекистонда амалга ошираётган хатти-ҳаракатлари муносабати билан республика олий раҳбариятида ҳукм сура-

ётган хавотирга, ҳатто шама ҳам йўқ эди. Ҳолбуки, унинг кўнгли хижил бўлгани, шубҳасиз. У бадий ижод билан шуғулланишни – «Ғолиблар» ва «Бўрондан кучли» трилогиясининг якуний – учинчи романини ёзишни ҳам яхши кунларда якунлаш умиди билан яшарди. Бундан ташқари, у дастлабки икки романни экранлаштиришга оид буюртмани қайтариб олади. Мамлакатнинг асосий киностудияси «Мосфильм»да мазкур романлар асосида кинофильм суратга олиниши мўлжалланаётганди. Киностудия бош директори Н.Сизовга йўллаган мактубида Ш.Рашидов қуйидагиларни бунга сабаб қилиб кўрсатганди:

«Узоқ ўйлагандан кейин менинг романим асосида фильм суратга олишни вақтинча кечиктириш керак, деган хулосага келдим. Сценарий муаллифлари анча жонбозлик кўрсатишди, шунга қарамай сценарий кўнгилдагидек чиқмаган. Бундай сценарийдан, назаримда, яхши фильм чиқмайди, бизни эса ўртача даражадаги фильм қаноатлантирмайди.

Ҳозир трилогиянинг якуний романини ёзгачман. Шу романни ҳам тугатганимдан кейин фильм устидаги ишларни давом эттириш мумкин бўлади». Ш.Рашидов ўзининг трилогиясини тугата олмади – кутилмаганда вафот этди.

Ўзбекистонда айни пайтда коррупцияга қарши тозалаш ишлари тобора авжга чиқади. Жумладан, Ўзбекистон ДХК июль ойида ўта йирик микдорда нефть маҳсулотларини талон-торож қилиш билан шуғулланган шахслар орасида ҳибсга олишлар ўтказди. Жиноятчилар ҳуқуқ-тартибот органлари ва Нефть маҳсулотлари бўйича Давлат қўмитасининг айрим раҳбарлари билан ҳам алоқани йўлга қўйишганди. Хусусан, ёқилғи қуйиш станциясининг директори Зокирёев, Тошкент вилоят ижроия қўмитаси ИИБ ДАН бўлими бошлиғи Мадаминов ҳамда мазкур соҳада ишлайдиган яна 13 киши ҳибсга олинади. Бу ишга Ички ишлар вазири К.Эргашев ҳам аралашгани маълум бўлгач, у 30 июнда лавозимидан олинади (Н.Иброҳимов унинг ўрнига янги вазир этиб тайинланади).

Ўша пайтда республика газеталарида эълон қилинган хабарлар асосида мулоҳаза юритадиган бўлсак, Ш.Рашидовнинг фаолиятида ҳеч қандай саросима кузатилмайди, олдинги осуда даврлардаги сингари тифиз иш жадвали асосида ишлашда давом этади. Жумладан, 5 июлда Республика Олий Советининг 7-сессиясида иштирок этади, икки кундан кейин жамоат

тартибини муҳофаза қилиш масалаларига бағишланган республика кенгаши ишида қатнашиб, Республика Ички ишлар органларини жиноятчилик, коррупцияга қарши курашни кучайтиришга чақиради. Мазкур кенгашда Иттифок Ички ишлар вазири В.Фёдорчук ҳам иштирок этиб, кескин танқидий нутқ сўзлайди. Мазкур нутқнинг руҳи ва унда келтирилган далиллар Москва Ўзбекистон олий раҳбариятида ўзгаришлар қилишга жиддий киришганини яққол кўрсатиб турарди.

Ш.Рашидов 7 июлда Афғонистон раҳбари Б.Кармални қабул қилади. Б.Кармал Мўғулистонга расмий ташриф билан бора туриб, Тошкентда тўхтаб ўтганди. Афғон урушида Ўзбекистон ҳамон фаол иштирок этар, нафақат ҳарбий хизматчилар, моддий захираларни ҳам етказиб берарди. Ш.Рашидов Сиёсий бюро аъзолигига номзод бўлгани боис, Ўрта Осиё минтақасида афғон йўналиши учун бевосита масъул шахс ҳисобланарди.

У шу билан бирга Ўзбекистон КП МК бюро мажлисларига ҳамisha раислик қилди. Бюронинг 18 июнь куни бўлган мажлисида республикани иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш давлат режасининг бажарилиши, бадий адабиётлар нашр қилишни яхшилаш масалалари кўриб чиқилади. 27 июнда бўлган бюро мажлиси пахта йиғим-терими, ёшларни ҳарбий хизматга чақиритиш ҳамда Тошкентнинг 2000 йиллиги юбилеи тантаналарига тайёргарлик кўриш масалаларига бағишланади.

Республикада Марказдан терговчилар гуруҳи иш олиб бораётгани тўғрисидаги миш-мишлар яшин тезлигида тарқалганига қарамасдан, Ўзбекистондаги ҳаёт одатдагидек бир маромда давом этарди. Иттифок халқларининг VIII ёзги спартакиадасида Ўзбекистон спортчилари 8 та олтин, 10 та кумуш ва 20 та бронза, жами 38 та медални қўлга киритиб, 6-ўринни олгани ҳақидаги хабарлар ўша кунларда республика матбуотида кенг ёритилган. Бу республика тарихидаги рекорд кўрсаткич эди. Ўзбекистонлик 63 спортчи орасида 18 ёшли гимнастикачи В.Зарипова яхши натижа кўрсатади: у битта олтин (предметсиз машқлар учун), битта кумуш (лента билан композициялар учун) ҳамда иккита бронза медалини (тўп билан машқлар ва кўпкураш учун) билан тақдирланади.

Ўша йили август ойида Алла Пугачёва Тошкентга келади ва таниқли кўшиқчи шоир Илья Резникнинг ижодий кечасида иштирок этади. И.Резник ижодий кечаси Тошкентда ўтказилиши бежиз эмасди. У ке-

йинги беш йил мобайнида ўзбекистонлик санъаткорлар билан яқиндан ҳамкорлик қилган, хусусан, «Ялла», «Садо», «Наво» вокал-чолғу ансамбллари, хонанда Раъно Шарипова ва бошқалар учун кўшиқлар ёзиб берган. Мазкур ижодий кечалар Тошкентнинг 2000 йиллигига бағишлангани учун концерт дастурларида Резник қаламига мансуб «Тошкент кўчалари» (бастакор Д.Сайдишвили), «Тошкент мадҳияси» (Р.Паулс), «Ассалом Тошкент аҳли!» (В.Шаинский) каби кўшиқлар ҳам янгради. Шоир И.Резник шундай эслайди:

«Ўрта Осиё мен учун ҳамиша афсонавий диёр бўлган. Ленинграддан Самарқанд ёки Бухорога келар эканман, ўзимни гоҳ дарвеш, гоҳ мунажжим, гоҳ шаҳар дарбони, гоҳ муаззин деб ҳис қилардим. Шарқ мени шунчалар ром қилган эдики, охир-оқибат, жуда вазмин Раймонд Паулсни кўнглига ҳам ғалаён солдим ва Фарғона, Бухоро, Тошкент, Шоҳи-Зинда обидаси ҳақида кўшиқлар яратишга илҳомлантирдим. Тошкентда эса бўлажак турмуш ўртоғим Мунираҳонни топдим...»

Ш.Рашидовга қайтамыз ва ўша йилларда у билан бевосита хизмат қилган одамларнинг хотиралари орқали унга назар ташлаймиз. Тошкент шаҳрининг бош меъмори С.Одилов шундай хотирлаганди:

«Тошкентнинг 2000 йиллигига тайёргарлик сира ёдимдан чикмайди. Ш.Рашидов йирик саналарни, байрамларни Худонинг ўзи бизга инъом қилган, бундай саналарга совғалар билан боришимиз, яъни йирик обидалар қуришимиз керак, деб тез-тез такрорларди. Унутманглар, бошқа бундай махсус имкониятлар бўлмайди, вақт эса ғанимат дерди. Мазкур сана муносабати билан юбилей иншоотларини барпо этишга оид улкан дастур яратилди. Рашидов бошчилигида бу улкан режага барча ўз хиссасини қўшди.

Тошкентнинг эски қисмида шаҳарнинг улуғвор тарихий музейи биносини барпо этиш режалаштирилди. Қурилиш бошланди, музей биноси пойдевори қўйилди. Натижада эски уйларда яшаётган мингдан ортиқ оила қулай хонадонларга кўчиб ўтди, томорқа учун ер майдонлари олди. Мен муаллифлик жамоаси раҳбари эдим. Кечаю кундуз завқу шавқ билан лойиҳалаш ишларини қилардик. Илҳом йўлимизни ёритар, Шароф Рашидович эса бизларни қўллаб-қувватлаб куч-қувват бахш этарди. Бироқ Марказ кучлилик қилди. Партия арбобларидан бири давлат маблағлари халқ

учун кераги бўлмаган ишларга совурилаётгани ҳақида шикоят хати ёзди. Музей биносини куриш тўхтаб қолди. Шароф Рашидович ўшанда: «Яхши кунлар келади, биз, албатта, бу музей биносини кураимиз. Ҳозирча эса – йўқ. Бугунги кунда бизларга мана шундай ёмон муносабатда бўлишаётир». Бу ҳақиқатдан ҳам юмалоқ хатлар, шикоятлар ёзиш авж олган давр эди».

Н.Муҳитдинов эслайди:

«Кейинги сафар Шароф Рашидович билан 1983 йил августда учрашдик. Иттифоқ касаба уюшмалари ташкилотидан Фарғона вилоятидаги «Чортоқ» санаторийсига йўлланма харид қилиб, турмуш ўртоғим, бир ўғил ва қиз набирам билан Тошкентга келдик. Рашидов бу гал май ойидагига нисбатан тушкунроқ кайфиятда кўринарди. Барча соҳалар, айниқса, пахта етиштириш бўйича республика мажбуриятни бажариш учун барча чоралар кўрилаётганини айтди. Менинг олдимда Наманган вилоят партия ташкилоти биринчи котибига қўнғироқ қилиб, оилам билан даволашни, дам олиш учун «Чортоқ» санаторийсига бораётганимни, алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатишни тайинлади. МК ишлар бошқарувчиси Турсун Умаровга бизларни МКга қарашли яхши енгил машинада жўнатишни, шунингдек, Чортоқ туман партия комитети биринчи котиби ва санаторий бош шифокорига бизлар бораётганимиз ҳақида қўнғироқ қилишни буюрди. Хайрлаша туриб қўшимча қилди:

– Бир неча кундан кейин Чортоққа бораман. Жиддий масалалар ҳақида иккаламиз холи гаплашиб олишимиз керак.

Биз яхши дам олдик, бироқ Ш.Рашидов Чортоққа келмади. 27 августда бутун оилам билан Тошкентга қайтдим. МКга қўнғироқ қилган эдим, Рашидовнинг котибаси Майя Спиридонова гўшакни кўтарди. Шароф Рашидович Сирдарёда эканини, мен қайтиб келганимни ҳозирок унга қўнғироқ қилишини айтди. Эртасига Майя уйимга қўнғироқ қилиб, Шароф Рашидович Сирдарёдан Жиззахга жўнаб кетганини, у ердан Самарқандга ўтишини, Тошкентда яна тўрт-беш кун бўлмаслигини айтди. Шу асно у билан учраша олмадим. 29 августда Москвага учиб кетдик. Рашидов мен билан қайси мавзуда очик гаплашмоқчи бўлганини шу тариқа била олмадим».

Айни пайтда 1983 йил 18 августда «Бухоро иши»ни терговчилар Иттифоқ Прокуратурасига ўтказадилар ва у ерда ўта муҳим ишлар бўйича

терговчи Тельман Гдлян раҳбарлигида уч кишидан иборат махсус тергов гуруҳи ташкил қилинади. Айни шу кундан эътиборан Т.Гдляннинг омади юришгандан-юришиб, миллатдоши Л. Мелкумовнинг иши орқага кета бошлайди, ниҳоят Л.Мелкумовни Ўзбекистон ДХК раиси лавозимидан 31 август куни олиб ташлашади.

Т.Гдлян ўз хотираларида ёзишича, Мелкумовни Рашидовнинг таклифи билан ишдан олиб ташлашган, Ш.Рашидов гўё «Андропов терговчилар гуруҳи» фаолиятига шу тарих нукта қўйишни мўлжаллаган. Бироқ бу асоссиз даъво деб бемалол айтиш мумкин, чунки ДХК раиси каби мансабдорни ишга тайинлаш ҳам, ишдан олиш ҳам Марказнинг, яъни Москванинг ихтиёрида бўлган. Рашидов буни Марказдан фақат илтимос қилиши мумкин бўлган, бу масалани мустақил ҳал қилиш имкониятига эга бўлмаган. Айниқса, 1983 йил кузи арафасида, ўта чорасиз аҳволда бўлган бир пайтда бу ҳақда гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Бундан ташқари, агар Рашидов Мелкумовни ишдан олиш ташаббускори бўлганида унинг ўрнига ДХК раиси этиб ўз одамини тайинлаш чорасини кўрган бўларди. Амалда эса Ўзбекистон ДХК раиси лавозимида бевосита Москванинг одами, айнан шу шаҳарда туғилиб вояга етган ва ишлаган Владимир Головин тайинланади – у ДХК органларига НКВД туман бўлимининг ходими сифатида 1942 йил охирларида ишга кирганди.

Мелкумовнинг истеъфога чиқарилиши хусусида шуни айтиш мумкинки, у ўзининг асосий вазифасини бажариб бўлган, яъни «Бухоро иши»ни бошлаб берганди. Москва бундан буён уни бу ишга аралаштирмасликни лозим топиб, Ўзбекистондан олисга жўнатади – Мелкумов Чехословакиядаги совет элчисининг маслаҳатчиси этиб тайинланади. Унинг истеъфоси ва Гдляннинг мансаб пиллапояларидан юксалиши айни бир паллага тўғри келади: 31 августда Мелкумов ишдан кетгани ҳақида, эртасига эса Гдлян «Бухоро иши»ни қабул қилиб олгани ҳақида фармон чиқади. Бу жинойий иш кенгайгандан-кенгайиб, тобора кўп одамларни ўз домига тортади.

Ш.Рашидовнинг иш куни илгаригидан ҳам ғоят тизим бўлиб қолаверади. 1 сентябрда Ўзбекистон КП МКда партия ветеранлари билан учрашади. Тўрт кун ўтгач, ЮНЕСКО коммуникацияларни халқаро жадал ривожлантириш Ҳукуматлараро кенгашининг IV сессиясида иштирок этади, Ўзбекистоннинг ютуқлари тўғрисида нутқ сўзлайди.



6 сентябрда Ўзбекистон КП МК бюро аъзоларидан бири Асадулла Хўжаев вафот этади. У 1978 йилдан буён МК котиби лавозимида ишлаб келаётганди.

8 сентябрда Рашидов МКда ЮНЕСКО бош директорини қабул қилади. Кейинги кунни бутун Ўзбекистон тарихий сана – Тошкентнинг 2000 йиллигини нишонлайди. Пойтахтда, «Халқлар дўстлиги» саройида шу муносабат билан тантанали мажлис бўлади. Ш.Рашидов шаҳар байроғига Ленин орденини шахсан ўзи қадайд ва нутқ сўзлайди. Мажлисида уч қўшни пойтахт шаҳарлар: Олма-Ота, Ашхобод ва Душанбе шаҳарларининг раҳбарлари иштирок этади. КПСС МК Бош котиби Юрий Андропов табрик телеграммаси йўллайди. Рашидов табрик телеграммасининг сўнги сатрларини ўқир экан, кўнглидан қандай фикрлар кечганини тасаввур қилиш қийин. Чунки бу шунчаки расмий ҳужжат бўлиб, Москва аслида яқин келажакда ўзи раҳбарлик қилаётган республика учун жиддий синовлар тайёрлаётганини сезиб турарди.

10 сентябрда байрам давом этади: Алишер Навоий номидаги Опера ва балет катта театрида тантанали йиғилиш бўлади, кейин «Пахтакор» стадионида театрлаштирилган спорт томошаси кўрсатилади, унда Рашидов раҳбарлигидаги республика раҳбарияти ҳам иштирок этади. Ш.Рашидов кейинги кунни Эфиопияга расмий сафар қилади. Бир ҳафтадан кейин қайтиб келиб, 20 сентябрда МК бюро мажлисини ўткази, унда пахта йиғимтерими, автоматлаштирилган бошқарув тизимларини халқ хўжалигига жорий қилиш масалалари муҳокама қилинади. Ўша куннинг иккинчи ярмида у Тошкент вилоят партия комитетининг Пленумида нутқ сўзлайди. Бу нутқда ҳам республика олий раҳбариятида кечаётган воқеаларга шама ҳам қилинмайди.

21 сентябрь кунни Ўзбекистон миллий қаҳрамонларидан бири, Тошкент вилояти Чиноз туманидаги С.Киров номидаги хўжаликнинг машҳур пахтачилик бригадаси бошлиғи Турсуной Охунова таъзиясига қатнашади. Т.Охунова 50-йиллар охиридаёқ шуҳрат қозонган, бир мавсумда пахта териш машинасида 210 тонна пахта тергани учун унга Қаҳрамонлик унвони берилганди (1959), у бу унвонга 1978 йили иккинчи марта сазовор бўлади, 1967 йилда эса Ленин мукофотини олади. Т.Охунова узок йиллар мобайнида Ўзбекистоннинг рамзларидан бири, меҳнат жабҳасидаги ютуқларининг тимсоли бўлиб келганди.

У нисбатан ёш – 47 ёшида вафот этди. Т.Охунова ўзбек халқи, хусусан, пахтакорлар шаънига ноўрин отилган таъна тошларини яхшиямки кўрмай кетди. Горбачёв давридаги ОАВларнинг саъй-ҳаракатлари билан «пахтакор» атамаси қарийб ҳақоратли сўзлар қаторидан жой олди. Дарвоқе, ўша йилларда либерал-глоболистлар томонидан Иттифоқдаги деярли барча касб-ҳунарларни ёмонотлиқ қилишга зўр бериб уринишлар бўлганди.

Ш.Рашидов 22 сентябрда Фарғона вилоят партия комитети Пленумида қатнашди. Кейинги кун И.Ўзбекистонда Мўғулистон кунларини очди. Мазкур тадбир Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги театрда тантанали равишда очилди. 24 сентябрда Давлат Санъат музейида Мўғулистон кўрғазмасини бориб кўрди. Икки кундан кейин эса Осиё ва Африка Ёзувчилари уюшмасининг VIII конференциясида нутқ сўзлади. 27 сентябрда МК бюросининг пахта йиғим-терими боришига бағишланган мажлисини ўтказди. 28 сентябрда МКда Х.Долус бошчилигидаги Германия Социалистик ягона партияси вакиллари аъзоларини қабул қилди. Шундан кейин бир ҳафта мобайнида республика вилоятлари бўйлаб сафар қилди: 1 октябрда Сирдарё вилоят партия комитети Пленумида, 6 октябрда Жиззах вилояти Пленумида иштирок этди ва нутқ сўзлади. Душанба кун 10 октябрда Ўзбекистон телевидениеси ахборот кўрсатувларининг мазмундорлиги ва тезкорлигини оширишга, шунингдек, маданият ва дам олиш хиёбонларининг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган МК бюроси мажлисини ўтказди. 13 октябрда Навоий вилоят партия комитети Пленумида қатнашди ва нутқ сўзлади.

17 октябрь кун Тошкентга КПСС МКнинг ўша пайтда кадрлар билан ишлаш бўйича ходими И.Капитонов келади. Бу ташиф бежиз эмасди, чамаси, Москва қарийб 20 йил (1965 – 1983) мобайнида жойларда кадрлар масаласи билан шуғулланган мансабдорни атайлаб жўнатган: у Рашидовни истеъфони ортга сурмасликка кўндириши керак эди. Улар биргаликда республика бўйлаб сафар қиладилар, Андижон вилоятида бўлиб, Тошкент шаҳрини қатор жойларига боришади, 19 октябрда Чкалов номидаги Самолётсозлик заводида, 20 октябрда Халқ хўжалиги ютуқлари кўрғазмасида бўлишади. 21 октябрда Капитонов билан Рашидов республика партия-хўжалик фаоллари йиғилишида нутқ сўзлайди. Иккала нутқда ҳам хайрихоҳлик оҳанглари устун бўлиб, республика раҳбарияти

фаолияти ҳеч қандай танқид қилинмайди. Лекин оддий коммунистлар наздида танқиддан холи кўринган нутқ бўлса-да, республика олий раҳбарияти Москва Ўзбекистонда қандай кўнгилсиз ишларни режалаштираётганини яхши биларди.

Ўша кунларда Рашидовни кўрган кўпгина одамлар одатдагига хилоф равишда жуда жаҳлдор ёки ўта тушкун кайфиятда бўлганини эслайди. Истеъфога чиқишга аввалбошданок рози эканини ҳисобга олганда, ўзини бундай тутиши ғалати туюлади. Шундай экан, нимадан хавотирланган? Ҳамма гап шундаки, у истеъфога чиқиб ҳам қутулмаслигини яхши билган, Ўзбекистонда, Москвада ҳам истаганча топиладиган ғанимлари бошига қандай кунлар солишини тасаввур қила олган. 1-котиб сифатида шунча йиллар қилган холис хизматларини эса сира ҳам ҳисобга олишмайди. Кремль кабинетларида ҳукмронликни қўлга олган кимсаларнинг ғаразли муддаоларидан у яхши хабардор эди. Олий совет доираларига хос ёпиқ тизимда барча кулфатларнинг сабабчиси сифатида бирон одамни ёмонотлик қилиш одатий ҳол эди.

Евгений Березиков шундай эслайди:

«Рашидов вафотидан тахминан бир ҳафта олдин бизнинг Самарқандда бўлди. Вилоят партия ташкилоти котиби ва мен унга ҳамроҳлик қилдик, барча туманларга бордик. Рашидов йилига 2–3 марта мана шундай сафарлар қиларди. Вилоят пахтакорлари билан учрашувларда йиғим-теримни жадаллаштиришга даъват қилди. Кейин вилоят партия комитети биносида тўпланиб, қайсидир масалани муҳокама қилдик. Мен ҳисобот ҳужжатларида қайд қилинган навга сира ҳам тўғри келмайдиган пахта топшираётганимизни очик айтдим. Рашидов мени жеркиб ташлади:

– Сен бу масалада нимани ҳам тушунар эдинг!

У бу гапни сира қутилмаганда ва шу даражада кескин айтдики, даврадагиларнинг барчаси унга эмас, балки менга ажабланиб қаради. Одамларнинг бу қарашларида: «Ўзингдан кўр, Березиков, бу беткачопарлигинг сенга қимматга тушади!» деган ачинарли фикрларни ҳам илғагандай бўлдим».

27 сентябрь куни Иттифоқ Министрлар Совети Раисининг биринчи муовини Ҳ.Алиев раҳбарлигидаги совет вакиллари Тошкентда тўхтаб ўтди. Делегация аъзолари билан учрашган Ш.Рашидовнинг кайфияти яхши

эмасди. Бу ҳақда делегация аъзоси Н.Рижков шундай эслайди: «Менда шундай тасаввур пайдо бўлдики, Ш.Рашидов қандайдир эзилган, ҳар доимгидай эмас, чунки у, одатда, жуда хушчақчақ, дадил киши бўлган, ҳозир эса қандайдир хомуш кўринди. Ш.Рашидовнинг мутлақо хаёли паришон эди. Ҳатто турли ноз-неъматларга бой дастурхон устида ўтирганимизда ҳам, одатда, жуда илтифотли бўлган, гоҳ у, гоҳ бу егуликни лутфан таклиф қиладиган Ш.Рашидов жуда бефарқ эди. Мен сира ўз кўзимга ишонгим келмасди, ниҳоят, уни касал бўлса керак, деб ўйладим».

Ҳ.Алиев Ш.Рашидов билан диндош ва Кремлдаги найранглардан яхши хабардор бўлгани боис, «Андроповнинг терговчилар гуруҳи» – Марказ Ўзбекистонни обрўсизлантириш бўйича режалаштирган кенг кўламли хатти-ҳаракатларнинг дастлабки босқичи эканидан огоҳлантирган бўлиши мумкин. Бу пайтга келиб Ю.Андропов тирик мурдага айланиб бўлган, унинг ўрнига мамлакатни Константин Черненко бошқарарди. Рашидовнинг эса Черненко билан ҳам муносабатлари яхши эмасди.

27 октябрь куннинг иккинчи ярмида Рашидов С.Клярияйнен бошчилигидаги Финляндия Марказ партияси вакиллари билан учрашади. 29 октябрь шанба куни эса Хоразм вилояти маркази Урганч шаҳрида Куба Республикасининг Иттифоқдаги элчиси, элчилик ваколоти тугаётган Рене Анильо Катопени қабул қилади. Бу Рашидовнинг сўнгги расмий давлат тадбири бўлади, чунки бир неча кундан кейин вафот этади. Ҳожиа 31 октябрь эрта тонгда рўй беради. Рашидов шу арафада Қорақалпоғистон пойтахти Нукусга партия фаоллари билан учрашиш учун келади. Рашидовнинг аҳволи яхши бўлмаган, бунинг устига, юрак атрофидаги оғриқдан шикоят қилган. Иккинчи жаҳон урушида олган жароҳати юрагида асорат қолдирган, шу боис ҳамиша шикоят қилиб юрган (Рашидовда юрак ишемик касаллиги, қон томирлари атеросклерози, инфарктдан кейинги кардиосклероз хасталиклари бўлган). Унинг барча касалликларини Марказдагилар жуда яхши биларди, қолаверса, олий раҳбариятга мансуб бўлгани боис Иттифоқ соғлиқни сақлаш вазирлигининг 4-бошқармасида рўйхатда турар ва Москвада тез-тез тиббий кўрикдан ўтарди. Шундан келиб чиққанда, ғанимлари унинг атрофидаги вазиятни юраги дош беролмайдиган даражада атайлаб кескинлаштиргани эҳтимолдан холи эмас. Чунки сиёсат, айниқса, катта сиёсат ҳамиша ўта қалтис ва мураккаб иш

бўлиб келган. Вашингтондаги Оқ уйда бўладими, Москвадаги Кремлда бўладими, барибир, жирканч найранглардан холи бўлмаган.

Иттифокнинг олий доираларида катта арбоблардан бирортасига ёқмайдиган одамларнинг кутилмаганда вафот этиш ҳолатлари кўп бўлган. Сиёсий бюро аъзоси Фёдор Куликов ҳам дафъатан вафот этганди. Брежнев Куликовга хайрихоҳлик билан қарар, уни Бош котиб бўлишга муносиб номзодлардан бири деб биларди. Афтидан, бу фикр Кремлдаги бошқа гуруҳларга маъқул бўлмаган. Оқибатда 1978 йил ёзда у атиги 60 ёшида юрак хуружидан тўсатдан вафот этади. Кремлга яқин доираларда бу атайлаб уюштирилган хуфиёна қотиллик экани, айти шу асно Андроповнинг одамларидан бири – М.Горбачёв учун йўл очилгани ҳақида миш-мишлар тарқалади.

30 октябрь кеч соат 19.00 лар атрофида Ш.Рашидовнинг соғлиғи ёмонлашди. Даволовчи шифокори Б.Наумов унинг навбатдаги миокард инфарктини ўтказгани, оқибатда юрак фаолиятида кескин бузилиш юз берганлигини қайд қилди. Ш.Рашидовни сақлаб қолишнинг иложи бўлмади ва у 31 октябрь куни эрталаб соат 5.00 га яқин вафот этади.

Е.Березиков эслайди: «...Ишхонамда ҳукумат телефони гўшагини кўтаргандим, мени яхши танийдиган алоқачи аёл шундай деди:

– Евгений Ефимович, биласизми, Тошкентдаги алоқачи қизлар ҳукумат телефони орқали бир-бирлари билан нохуш хабар ҳақида гаплашишяпти.

– Нима бўпти?

– Айтишларича, Рашидов вафот этганмиш, – ишонқирамай деди у. Телефон гўшагини жойига қўйдим, бироқ анчагача ўзимга кела олмадим – Рашидовнинг вафоти тўғрисидаги хабар эсанкиратиб қўйди. Бир неча дақиқадан кейин Тошкентдан МК ходимларидан бири кўнғирок қилиб: «Рашидов ростдан ҳам эрталаб соат бешда юрак хуружидан вафот этганини тасдиқлади».

Поездда вафот этибди. Ш.Рашидов, одатда, вилоятлар бўйлаб сафар қилганда меҳмонхонада эмас, балки вагонда қолаверар, хотини, шифокор ва ошпаз ҳам ёнида бўларди.

Ш.Рашидов вафот этгани тўғрисидаги хабар радио орқали тушдан кейин соат тўртда эълон қилинади...»

Бундан барча хабардор бўлгач, кимдир у ўз ўлими билан ўлмади, балки жонига қасд қилди, деган миш-миш тарқатилади. Бундай миш-мишлар

унинг ғанимлари томонидан атайлаб тарқатилгани, шубҳасиз, чунки бундан «жонига қасд қилибдими, демак бирон айби бўлган» деган юзаки хулоса келиб чиқади. Айни узункулоқ гаплар марҳумга нисбатан яқин келажакда қилинадиган адолатсизликлар учун ўзига хос замин вазифасини ўтайди.

С.Ризаев хотирлайди:

«Ш.Рашидов вафот этган куни МК бюро аъзолари марҳумни дафн этишни ташкил этиш ва унинг ўрнига келадиган номзод ҳақидаги масалаларни муҳокама қилиш учун бюронинг мажлислар залида йиғилишди. Ш.Рашидовни, унинг республика олдидаги катта хизматларини ҳисобга олиб, қабристонга эмас, Тошкентнинг марказига дафн этиш кераклиги ҳақида фикрлар айтилди. Кимдир уни шаҳар ижроия комитети биноси қаршисидаги болалар боғига кўмишни таклиф қилди, бюро аъзолари кўмиш учун жой танлаш мақсадида, ҳатто у ерга боришди. Аммо бу ерда улар иккиланиб қолишди, яна бир марта ўйлаб кўришга қарор қилинди. Ва бюро аъзолари бир неча машинада МК биносига қайтаётганда, биринчи машина В.И. Ленин номидаги музей филиали ва шу номдаги майдон қаршисидаги кичик хиёбонда тўхтади. Бу марҳум Ш.Рашидовни дафн этиш учун энг маъқул жой эканлиги тўғрисида шу ернинг ўзида қарор қилинди.

Ўзбекистон Компартияси МКнинг Биринчи секретари лавозимида номзодларни муҳокама қилишда бюро аъзолари икки кишини – Н.Ж. Худойбердиев ва О.У. Салимовни айтишди. Бюрода Ш.Рашидовдан кейинги иккинчи шахс сўзсиз Министрлар Советининг Раиси Н. Худойбердиев эди. Бюро йиғилишларида иштирок этганлар, биринчи секретарь қатнашмаганда йиғилишни олиб борган иккинчи секретарининг майда танбеҳларига у баъзан кескин қарши чиққанини эслаб қолган эди. Бу унинг фақат кўриниб турган томони, Министрлар Советининг Раиси катта таъсирга эга, кучли шахс эканлигини ҳамма биларди. У Москва-нинг одамларига бу ерда одобсизларча хўжайинлик қилишларига йўл қўймаган бўларди, шекилли. Айни мана шу жиҳат масалани ҳал қилди.

Ўзбекистон Компартияси МКнинг иккинчи секретари Т.Осетровни телефонга чақиришди, Москвадан қўнғироқ қилишганди. У узоқ вақт келмади. Қайтгач, Москва Ш.Рашидовни сафдошлари ёнига кўмишни тавсия

этгани, биринчи секретарь лавозимига И.Усмонхўжаевни сайлашни таклиф этгани ҳақида ахборот берди.

Биринчи таклиф бюро аъзолари томонидан таклиф сифатида қабул қилинган бўлса, иккинчиси эса кўрсатма бўлиб, у кейинчалик Марказий Комитет Пленумида амалга оширилди».

1 ноябрь куни барча республика газеталарида Ш.Рашидов юрак хуружидан вафот этгани тўғрисидаги таъзиянома босилди. Дафн маросимида Ўзбекистон КП МКнинг янги 1-котиби бошчилигидаги бутун республика раҳбарияти иштирок этди. Москвадан Сиёсий бюро аъзолигига номзод Владимир Долгих келди.

Кўшни республикалар раҳбарлари: Қирғизистондан МК 1-котиби Т.Усубалиев, Туркменистондан 1-котиб М.Ғапуров, Қозоғистон ва Тожикистондан бир поғона паст лавозим эгалари С.Имяшев (Қозоғистон Олий Совети Раиси) К.Маҳкамов (Тожикистон Министрлар Советининг Раиси) дафн маросимда иштирок этди.

Ш.Рашидов билан видолашув Тошкентдаги мухташам Халқлар дўстлиги саройида ўтказилди. Видолашиш учун ўн минглаб тошкентликлар келди ва у уч кун давом этганига қарамай, ҳамма видолаша олмади – бунинг учун яна бир неча кун талаб қилинган бўларди.

Ўзбекистоннинг янги раҳбари И.Б. Усмонхўжаев мотам маросимида сўзлаган нутқида марҳум ҳақида: «Садоқатли ленинчи-коммунист, катта қалбли ва сахий юракли инсон Шароф Рашидович Рашидов энди орамизда йўқ. Аммо унинг шарафли ишлари, унинг ёрқин қиёфаси доимо биз билан», деди.

Ўшандаёқ Ш.Рашидовнинг номини абадийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилинади. Тошкент ва Рашидов туғилган Жиззах шаҳрида иккита кўчага унинг номи берилди. Қашқадарёдаги кўриқ туман номи Шароф Рашидов деб ўзгартирилди. Учта олий ўқув юртига (Тошкент ва Жиззахда), тўқимачилик комбинатига (Тошкентда), давлат хўжалигига (Қорақалпоғистон АССРда), вилоят кутубхонасига (Жиззахда) Шароф Рашидов номи берилди. Ўзбекистон Халқлари тарихи музейида унинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган хона очилиб, керакли тартибда жиҳозланди. Бундан ташқари, Тошкент, Жиззах ва Самарқанддаги биноларда бир неча хотира лавҳалари ўрнатилди.

## БОШҚАРИЛГАН БОШБОШДОҚЛИК

Шароф Рашидов вафот этгани тўғрисидаги таъзияномага Кремлдаги олий раҳбариятнинг барчаси имзо қўйганига қарамай, Ўзбекистонга кўп йиллардан буён раҳбарлик қилиб келаётган шахс вафоти уларнинг аксарияти учун айти муддао бўлганди. Бинобарин, республикада тозалаш ишлари ҳамон давом этаётган бўлса-да, илгаригидек жиддий тусга эга эмасди. Бунинг икки сабаби бор эди. Биринчидан, мазкур «тозалаш» ташаббускори Ю.Андроповнинг ўзи ўлим тўшагида ётарди, иккинчидан, муҳолиф гуруҳ республика раҳбари лавозимини яна қайтариб олган, бинобарин, тозалаш ишлари аввалгидек кўламда давом этишидан манфаатдор эмасди. Шу асно республика ва Марказ ўртасида мазкур масалада муайян муросага келинади. Бироқ бу муросанинг умри ҳам қисқа, яъни 1984 йил февралининг бошларида Ю.Андропов вафот этиши билан унга чек қўйилди.

Ю.Андроповнинг вафоти кўпчилик учун кутилмаган ҳол бўлди. У кўпдан буён буйрак касалига чалинганига қарамай, ҳокимият тепасига келганда хизматга бинойидек яроқли бўлган. Бироқ 1983 йилнинг кузига келиб унинг саломатлиги кескин ёмонлашди ва октябрдан эътиборан Кунцеводаги Марказий Кремль шифохонасида тўшакка миҳланиб қолди. Хуллас, бу ердан тирик чиқмади.

Расмий маълумотларга кўра, Бош котибнинг вафотига оддий шамоллаш сабаб бўлган. У гўё сентябрь ойида Қримда дам олаётган пайтида шамоллаган. Оқибатда жарроҳлик амалиёти ўтказилган, бироқ бу ҳам унга ёрдам бермаган. Қишда ўрнидан туролмай, кўриш қобиляти ҳам ёмонлашган. Бир қанча вақт ўтгандан кейингина вафотининг кўпгина тафсилотлари ошкор бўлади.

Бош котиб касалга чалинган дастлабки паллада юқори мартабали икки чекистдан Иттифок ДХК раиси Виктор Чебриков номига мактуб келади. Унда Андроповнинг касаллиги яхши даволанмаётгани, шу боис бу ишга Чебриковдан шахсан аралаштиш талаб қилинганди. ДХК раиси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 4-бошқармаси бошлиғи Евгений Чазовни Лубянкага чақиради. Чекистлардан тушган шикоятномадан хабар топган Чазов дарғазаб бўлади. Тиббиётдан хабари йўқ кишилар беморни қандай даво-



лаш борасида академикка ақл ўргатишга урингани энсасини қотирганди. Чазов беҳуда асабийлашмаганди. Боз устига Андроповнинг касаллиги хавфли тус олган, унинг ҳаётини сақлаб қолиш даргумон экани ойдинлашганди.

Шунингдек, 1984 йилнинг январи охирига келиб у тез-тез хушдан кета бошлайди. Охир-оқибат 9 февралда вафот этади. Чебриковга шикоят аризаси ёзилгани каби ҳолат яна такрорланади. Ленинград шаҳри ДХК ходимларидан бири Москвадан қайтиб келгани ҳамоно ўз раҳбарининг столига куйидаги ахборотномани кўяди:

«Иттифоқ Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 4-бош бошқармаси билан боғлиқ 1-тиббиёт институти ходимлари орасида КПСС МК Бош котиби сирли равишда вафот этгани ҳақида миш-мишлар юрибди. Қатор мутахассисларнинг айтишларича, Андропов касаллигининг дастлабки босқичида айрим даволовчи шифокорлар қасддан нотўғри муолажа қилгани оқибатида у бевақт вафот этган. Натижада касаллик кучайиб кетганидан кейин энг кучли мутахассислар кўрган чоралар ҳам фойда бермаган. Андроповни атайлаб нотўғри «даволаган» шифокорлар аслида Москвадаги бир гуруҳ юқори мартабали партия раҳбарлари билан тил бириктирган. Унинг «Кремлдан озиқ-овқатлар ва бошқа имтиёзлар берилиши тартибини ўзгартириш», партия ходимларини шахсан камтарона ҳаёт кечиришга даъват қилиш, росмана ленинча қондаларга амал қилиш билан боғлиқ уринишлари мазкур тоифадаги раҳбарларга ёқмаган. Иттифоқ Давлат режа комитетининг юқори мартабали мансабдорларидан бири буларнинг барчасини тасдиқлаб, Андроповни атайлаб йўқ қилишганини кўшимча қилди».

Ҳақиқатан ҳам Андропов ДХК раиси лавозимида ишлаб юрган кезларда унинг ғанимлари етарлича бўлган. Бош котиб лавозимини эгаллаганидан кейин душманлари сони кескин ортган. Турли гуруҳ вакиллари унга қарши бўлган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Бу тоифага Брежнев тарафдорларини ҳам киритиш мумкин, чунки Андропов ҳокимият тепасига келгач, уларни ҳам сиқиштира бошлаганди. Айни пайтда АҚШ билан муносабатларни тобора кескинлаштираётгани мўътадил халқаро муносабатлар тарафдорларига сира ёқмаётганди.

Кейинчалик айрим тарихчилар унинг бевақт вафот этишида мусулмон миллатига мансуб Кремль доираларининг ҳам қўли бўлган деган тахмин-

ни илгари сурди. Гўё шу асно Ўзбекистондаги «тозалаш» ишлари учун қасос олинган эмиш. Аслида бу ҳақиқатга тўғри келмайди. Қолаверса, Андроповдан кейин Кремлдаги олий мансабни яна мусулмон эмас, балки насроний К.Черненко эгаллайди. Андропов бошлаб берган иш Черненко даврида яна кенг кўламли тус олади. Янги Бош котибнинг бу борадаги муддаолари Кремлдаги муайян доираларнинг манфаатлари билан мос бўлиб тушди. Асли хаста Черненко ҳам раҳбарлик лавозимида узоқ қолмаслигини улар яхши билишар, шу боис чекка ўлкалар ўзларига ёқмайдиган раҳбарлари орасида имкон борича тезроқ тозалаш ўтказишни исташар эди.

Шу мақсадда Андроповнинг одами ҳисобланган Гдлян Ўзбекистонда қолдирилади, Гдлян ғаразли ниятларни амалга оширишда Ўзбекистоннинг янги раҳбарларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиши талаб қилинади. Ўзбекистон раҳбарлари эса ўзаро амал талашишга зўр бериб, ғафлатда қолади. Бундан фойдаланган Кремль эндиликда уларнинг ўзларининг илдизига болта уради. Ҳокимият учун куни кеча бирга курашган одамлар кутилмаганда ўзаро душманга айланишига оид мисоллар эса тарихда ис-талганча топилади.

Оқибатда Кремль Ўзбекистонда «Бухоро иши»дан кейин сиёсий кўламига кўра яна ҳам кенгроқ бўлган яна бир ғаламисликни бошлайди. Бу уйдирма айблов «пахта иши» номини олади. Бу иш Андропов вафоти арафасида – 1984 йил январида бошланганди. Айни ўшанда Москва шаҳри ва вилояти ДХК бошқармасининг ходимлари ўзбекистонлик икки киши-ни: Жиззах пахта саноат тайёрлаш бирлашмасининг Учтепа пахта тоза-лаш директори ва айни шу бирлашманинг Дўстлик пахта заводи товаршу-носини қўлга олади. Улар гўё Ўзбекистон заводлари 150 тонна пахтани мазкур Серпухово ип-газлама комбинатига етказиб берилганига оид сохта хужжатни расмийлаштириб бергани учун мазкур комбинат раҳбарларидан бирига 40 минг сўм миқдорида пора бераётганда ҳибсга олинади. Аслида Серпуховога пахта эмас, 4 вагонда пахта чиқиндилари олиб келиниб, уни пахта толаси сифатида расмийлаштириш ният қилинганди.

Бундай ҳолатлар 70-йиллар охирида одат тусини олди. Бу пайтда Марказ пахта етиштирувчи барча республикалардан пахта етиштириш-ни кескин кўпайтиришни талаб қилар, республикалар эса, ўз навбатида, орқада қолиб кетмаслик учун кўшиб ёзишга зўр бера бошлайдилар.

Ҳеч қанча вақт ўтмай, қайта қуриш даврида совет матбуоти Ўзбекистонда пахта етиштириш қаллоблиқдан бошқа нарса эмас, деган фикр-ни тикиштира бошлайди. Юзлаб мақолаларда «пахтакор» атамаси гўё ҳақоратли сўз тусини олади. Аслида пахта етиштиришда кўшиб ёзишлар арзимаган даражада оз эди. Жумладан, 70-йиллар ўртасида пахтачилик борасида Бухоро вилояти қоқоқ бўлган. Ҳолбуки, кўшиб ёзиш ҳисобига бу борадаги камчиликни ҳаспўшласа бўларди. Бироқ шундай қилинмайдиган, чунки ҳаддан ташқари кўшиб ёзишга зўр беришни, кўзбўямачилик қилишни у пайтда ҳеч ким ўйламаган. Ниҳоят бу борада оқилона йўл тутилади: Ш.Рашидов 1977 йил февралда иқтидорли раҳбарлардан бири – Абдувоҳид Каримовни Бухоро вилоят партия комитетининг 1-котиби этиб тайинлайди.

А.Каримов бунга қадар олти йилдан ортиқ вақт мобайнида Сурхондарё вилоят партия комитети 1-котиби лавозимида ишлаганди. Унинг раҳбарлиги йилларида Сурхондарё вилоятида йилига 253 минг тонна кўп пахта етиштиришга эришилган, бунда ҳам кўшиб ёзиш ҳисобига эмас, балки вилоятда суғориш шохобчаларини кенгайтириш эвазига шундай натижа қўлга киритилган. Бинобарин, иккита йирик – Тўпаланг ва Оқтепа сув омборлари қурилади. Натижада 1976 йилдаёқ вилоятда 484 минг тонна пахта етиштирилади. Каримовга қадар Бухоро вилояти пахта тайёрлаш режасини қаторасига уч йил бажара олмаган. Бухороликларнинг ўзлари вазиятни ўнглаб бўлмайдиган, ер шўрлаб кетгани учун ундан кўп ҳосил олиш имкони йўқ, деб ҳисобларди. Бироқ Каримов вазиятни ўнглай олди. Бу ҳақда унинг ўзи шундай ёзганди:

«Вилоятнинг қоқоқлиги сабабларини ўрганиб, бу ерда ҳам вазият Китоб тумани ва Сурхондарёдаги каби эканига ишонч ҳосил қилдим: сув таъминоти яхши йўлга қўйилмагани, ерларнинг мелиоратив ҳолати қониқарсизлиги, яқка экин экишга куч берилиб, алмашлаб экиш эътибордан четда қолгани шулар жумласидан эди. Буларнинг барчаси нотўғри кадрлар сиёсати, меҳнат интизомига амал қилинмаслиги, халқ хўжалиги устидан етарли партия раҳбарияти йўлга қўйилмаганининг оқибати эди. Обком бюросининг кўпгина аъзолари ва туман, шаҳар партия ташкилотларининг биринчи котиблари сиртдан таълим олган ўқитувчилардан эди. Улар агротехника, мелиорация ва механизация, мураккаб қишлоқ хўжалиги жараёнларини билмаган ҳолда (Каримовнинг ўзи мелиорация бўйича тех-

ника фанлари номзоди эди – муаллиф) 15 – 20 йиллаб раҳбарлик қилиб келишарди. Вилоятда, туманларда ҳам вилоят ва шаҳар партия комитети бюроси аъзоларининг қариндош-уруғлари фаолият юритган. Қариндош-уруғчилик, маҳаллийчилик авжига чиққанди. Қўлидан иш келмайдиган бу кимсаларга нисбатан тегишли чоралар кўрилмаган, оқибатда Бухоро вилояти қатор иқтисодий кўрсаткичларга кўра Ўзбекистонда энг охириги ўринга тушиб қолган. Бу вилоятдаги вазиятни ўнглаш учун Ўзбекистон КП МК Бухоро обкомининг биринчи, иккинчи, учинчи котиблари, вилоят ижроия комитетининг раиси, аксарият туман партия ташкилотлари раҳбарларини ишдан бўшатди.

1977 йил охирида Бухоро вилоятида уч йиллик қолоқликка барҳам бериб, ниҳоят пахта режаси 110 % бажарилганда, барча бундан мамнун бўлди. Бухоро заминидан ҳам мўл ҳосил олса бўлар экан, кейин раҳбарларимиз ерлар ўта шўрлаб кетгани учун пахтадан катта ҳосил олиб бўлмайди, деб баҳона қилиб юришган экан», деган гаплар мажлису йиғилишларда очиқ-ошқора айтилди».

Тахминан 1980 йилдан Москвада ва пахта етиштирувчи республикаларда кўшиб ёзиш тизими одат тусини ола бошлади. Россия, Ўзбекистон, Украина, Қозоғистоннинг қайта ишлаш корхоналарига олтинчи навли пахтанинг ўрнига унинг чикиндиси – линт етказиб бериш йўлга қўйилди. Бундай бир вагон «маҳсулот» қиймати 10 минг рублни ташкил қиларди. Бу жуда устумонлик билан қилинган қонунга хилоф иш эди. КПСС МК, Министрлар Совети ҳам бундан хабардор бўлгани эҳтимолдан холи эмас. Чунки кўшиб ёзиладиган асли йўқ «маҳсулот» камида 3-4 миллион тоннани ташкил қилар, бунинг учун давлат бюджетидан қарийб 2-3 миллиард рубль ажратиларди. Ундан 11,5 миллиард рубль ўмарилганди. Лекин барча бунга панжа ортидан қарар, чунки қуйидан юқоригача барча бўғинлардаги мансабдорлар бундан манфаат кўрарди. Бироқ Марказ ниҳоят хушёр тортиб, бу масалага жиддий эътибор қаратганда ҳам фақат бир томонлама ёндашув содир бўлади.

Мазкур қарорга кўра, бошқа республикаларда камдан-кам ҳолатларда, лекин фақат Ўзбекистонда кўшиб ёзишга зўр берилган, деган хулосага келинади. Натижада 1984 йил январь-мартида пахта иши бўйича ўнлаб ўзбекистонликлар ҳибсга олинади, улардан қарийб 2 миллион 314 минг

сўмлик заргарлик буюмлари ва пуллар мусодара қилинади ҳамда бошқа республикалардан санокли одамлар камокқа олинади, холос. Бироқ Ўзбекистондан бошқа бирорта ҳам республикага Марказдан махсус «жазо гуруҳи» жўнатилмайди.

1984 йил 23 июнда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми бўлиб ўтди. Пленумда И.Усмонхўжаев нутқ сўзлади. Унинг нутқида республика раҳбарияти кескин танқид остига олинди. Ш.Рашидовнинг номи тилга олинмаган бўлса-да, айнан унинг шаънига тош отилаётгани кундай равшан эди. Бу нутқ Тошкентда ёзилганига қарамай, партиявий-ташкилий ишлар бўлими мудирини Е.Лигачёв бошчилигидаги КПСС МКнинг бир гуруҳ масъул ходимлари ҳам бунга салмоқли ҳисса қўшгани шубҳасиз эди. Яъни, бу нутқ Москва талабларига биноан ёзилганди. Москвада чиқадиган «Правда» газетасининг махсус мухбирлари Н.Гладков, Н.Кожанов ҳамда Й.Муқимов Ўзбекистон КП МК Пленумидан қуйидаги репортажни эълон қилганди:

«Республика халқ хўжалигида қатор ютуқлар билан бирга заиф бўғинлар борлиги, жиддий хатоларга йўл қўйилгани маълум бўлди. Уларнинг илдишлари каерга бориб тақалади, қандай сабаблар оқибатида юзага келган? Пленум қатнашчилари томонидан қилинган чуқур таҳлил бу саволларга очиқ ва мурасасиз жавоб берди: республикада иқтисодий ва маданий ишларга раҳбарлик қилиш услубида катта хатоликларга йўл қўйилган, иш билан сўз бирлигида жиддий тафовут бўлган, партиявий ҳаёт қоидалари ва меъёрларида чекинишлар бўлган.

Кенг қулоч ёзган таниш-билишчилик, назоратсизлик ва бошбошдоқлик оқибатида айрим ходимларнинг маънавий бузилиши ва йўлдан озиши шубҳасиз. Айрим раҳбар ходимлар зиммасидаги масъулиятни унутиб, ўз шахсий манфаатини ўйлаб бошлайди. Натижада қўшиб ёзишлар, халқ мулкани талон-торож, ғаразли мақсадларда ўз мансабини суиистеъмол қилиш учун кенг йўл очилади».

Пленумдан кейин воқеалар қандай авж олганини С.Ризаев шундай таърифлайди:

«Нутқнинг мазмуни (И.Усмонхўжаевнинг Пленумда сўзлаган нутқи назарда тутилмоқда. Нутқ мазмуни республика матбуотида эълон қилинганди) баҳоларнинг кескинлиги ҳамда республикада партия ва дав-

лат тартибларининг кўпол бузилишига йўл қўйиб берганлиги учун танқид қилинган раҳбарлар лавозимларининг юқорилиги ўқувчиларни ҳайратга солди. Қўшиб ёзиш, кўзбўямачилик, айрим партия, совет, хўжалик ходимларининг ўз лавозимини суиистеъмол қилиши фактлари келтирилди. Қабул қилинган қарор ҳам республика матбуотида эълон қилинди.

Шундан кейин бир-икки ой ичида, МКнинг партиявий-ташкилий ишлар бўлимида тузилган график бўйича вилоят, шаҳар ва туман партия комитетларининг пленумлари бўлди. Мазмунига кўра уларнинг барчаси шунга қаратилдики, кадрлар ишининг услуб ва тартиблари танқид қилинди. Шиор: «Салбий ҳолатлар ҳақида кўпроқ фактлар, айбдорларнинг кўпроқ фамилияси келтирилсин». Бу маърузачилар ва юқори партия ташкилотларидан уларнинг маслаҳатчилари зиммасига юклатилди. Пленумларни танқидий руҳда ўтказиш учун кўмаклашиш мақсадида ҳар бир вилоят, шаҳар, туманга МК аъзолари, МК аппарати ходимлари борди».

Мана шундай шошма-шошарлик вазиятида ҳар бир салбий далилга аниқ бирон-бир раҳбарнинг номини тиркаш одатга айланди. Сиртдан қараганда бу жуда ишонарли кўринарди. Фош қилиш жараёни шу асно кучайиб кетади. Агар дастлабки кезларда нутқ ва маърузаларда ютуқлар ҳақида кўпроқ гапирилган бўлса, эндиликда, асосан, камчиликлар, йўқотишлар тилга олинарди. Муаммолар, жамиятдаги жараёнлар, асосий зиддиятларни таҳлил қилишга хоҳиш, вақт ҳам йўқ эди. Вакил қилинган кимсалар кўпроқ танқид, одамларни қақшатишга куч берарди. Мақсад халқни кўрқитишга қаратилганди. Йиғилишларда сўзга чиқадиган одамлар олдиндан тайёргарликдан ўтказилар, кимни танқид қилиш кераклиги уқтирилар, ҳатто нутқ ҳам ёзиб берилар, партия комитетида таҳрир қилинарди. Партия комитетларининг биринчи котиблари бундан истисно эди, лекин улар бусиз ҳам қандай гапиришни яхши биларди».

Бу Пленум Марказ билан Ўзбекистоннинг янги раҳбарияти ўртасида ўзига хос мураса вазифасини ўтайди. Хусусан, Марказ янги раҳбариятга мустаҳкам ўрнашиб олиши учун имконият яратади. Ўзбекистон раҳбарияти, ўз навбатида, «Андропов югурдаклари»нинг республикада амалга оширадиган қинғир ишларига монелик кўрсатмайди. Оқибатда Ўзбекистонда июль ойидаёқ фавқулодда воқеа содир бўлади: дастлаб Ўзбекистон Пахта тозалаш саноати вазири В.Усмонов, кейин эса мазкур вазирликнинг бу-

тун коллегияси қамокқа олинади. Ўзбекистонда бир йил муқаддам бошланган қатағонлар яна кучайиб, тобора кўп юқори мансабли шахсларни ўз қомига тарта бошлайди. Вилоят миқёсида ОБХСС бошлиғини қамашдан бошланган бу таъқиб қилишлар республикада вазирлар ва МК аъзолари даражасигача етиб боради. 11 августда Бухоро вилоят партия қомитетининг 1-қотиби А.Қаримов қамокқа олинади. Қолбуки, бу пайтгача Иттифоқда ушбу даражадаги партия мансабдори ҳибсга олинмаганди. 13 августда Поп туман қишлоқ хўжалик бирлашмасининг директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1965 йил) Аҳмаджон Одиловга нисбатан жиноий иш очилади. Ўзбекистоннинг собиқ Ички ишлар вазири К.Эргашев бошига оғир савдо тушишини илгаридан сезган ҳолда ўзини отиб кўяди.

Ўзбекистондаги қатағон матбуотда кенг ёритилмасди, бинобарин, мамлакатда бунга оид турли миш-мишлар кўпаяди. Мен Ўзбекистонда илгари бўлганим ва бу ердаги аҳволни билганим учун буларнинг барчаси уйдирма ва бўҳтон эканини билардим. Лекин Ўзбекистонда бирон марта ҳам бўлмаган москваликлар бу гапларга чиппа-чин ишонарди. Бундай бўҳтонларни тарқатган ғаразгўйлар эса айни шу мақсадни, яъни Ўзбекистон ва унинг халқини бошқа совет кишиларига қора қилиб кўрсатишни ният қилганди. Улар Ўзбекистонни «бутун мамлакатнинг жиноятчилар уяси» қилиб кўрсатишга куч берарди. Қолбуки, Ўзбекистон узоқ йиллар мобайнида бутун совет давлатининг жиноятчилик энг кам тарқалган осойишта республикаларидан бири эди. Бироқ Андроповнинг югурдаклари бу республикада «порахўрлару ришвахўрларни овлаш»га зўр бериб киришганидан кейин республикада жиноятлар бўйича кўрсаткич кескин ортади. Дарвоқе, нафақат Ўзбекистонда, бутун Иттифоқда ўша кезларда шундай ҳолат кузатиларди, ДХКнинг Ички ишлар вазирлиги органларига қарши кенг кўламли кураш олиб бориши жиноятчилар учун катта йўл очиб берганди.

Иттифоқ Ички ишлар вазири В.Фёдорчук ҳуқуқ-тартибот органларидан юқори малакали мутахассисларни кўр-кўрона бўшатиб юбориши оқибатида жиноятчиликка қарши ишлар даражаси кескин тушиб кетади. ДХК бутун мамлакат бўйлаб юқори мансабли шахсларга қарши кенг кўламли кураш бошлаган бир пайтда жиноятчиликка қарши кураш ор-

ганлари ўз раҳбариятининг қаҳрига дучор бўлмаслик учун мустақил иш тутишдан ўзини тиярди. Кўплаб жойларда малакали терговчи-изкуварларнинг 80 % бу соҳада энди иш бошлаган укувсиз ёшлар билан алмаштирилади. Бироқ ДХКнинг ходимлари ҳар бир қадамини кузатаётганини яхши билганлари учун ёшлар ҳам ўта эҳтиёткорлик билан иш тутарди. Иттифоқ ИИВ ва барча иттифоқдош ҳамда мухтор республикаларнинг ИИВларида, ўлка ва вилоят ички ишлар бошқармаларида айнан ДХК ходимлари учун махсус хоналар ажратилганди. Совет милиционерлари ҳеч қачон бу даражада ўзларини ҳуқуқсиз ва ночор ҳис этмаганди. Ҳатто уларнинг шаҳар транспортда бепул юриши ҳам Фёдорчукнинг қарори билан бекор қилинади. Бу Милиция тўғрисидаги қонуннинг очиқдан-очиқ бузилиши эди, шу боис Иттифоқ прокуратураси кўп ўтмай бунга норозилик билдиради.

Бундай вазият Ўзбекистонда ҳам уюшган жиноятчиликка кенг йўл очиб берди. Республика ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятига алоҳида эътибор бергани учун Ш.Рашидов даврида жиноятчилик даражаси жуда паст бўлган. Бу пайтга келиб Ички ишлар органлари ишидан путур кетгач, жиноятчиларни жиловлаш имкони бўлмай қолганди. Ўзбекистоннинг тергов органлари 1984 йилда 308 та қуролли босқинчилик, 1406 та талон-торож ва 5101 та хонадонларда ўғирлик ҳолатларини рўйхатга олади.

Милиция генерали А.Гуров шундай деб ёзганди: «Т.Гдлян жиноятчи тўдаларнинг бошлиқлари билан сира ҳам шуғулланмаган, ҳолбуки, порахўр мансабдорларнинг жиловы айнан ўшаларнинг ихтиёрида эди. Гдлян фақат ўзининг назарида «ҳаддан ошиб кетган» райком ва обкомлар билан шуғулланиб, бу борада кўзлаган қора ниятига етган. Хуллас, у асосий жиноятчиларга, жиний гуруҳларга эътибор бермаган, асосан, олтин ва пулларни тортиб олиш билан шуғулланган, шу мақсадда ўзи шубҳаланган, дуч келган мансабдорнинг ёқасидан олган, уларнинг кўпчилиги кейинчалик озод қилинган. Унинг ўзига нисбатан шубҳали тергов усулларини қўллагани боис Ўзбекистонда жиний иш очмоқчи ҳам бўлишган».

Ўзбекистоннинг обрўсини тўкиш барча йўналишларда, шу жумладан ОАВларида ҳам кенг кўламда олиб борилган. Жумладан, Марказий телевидение кўрсатувларида ўзбек санъаткорлари деярли иштирок этмасди. Бу ишлар ҳали Рашидов тириклигидаёқ бошланганди. 1983 йилнинг даст-



лабки кунларидаги байрам телеконцертида Ўзбекистондан битта ҳам артист қатнашмайди. Ҳолбуки, 1982 йилнинг декабрида Иттифоқ ташкил қилинганининг 60 йиллиги бутун мамлакатда кенг нишонланганди.

Тошкентнинг «Пахтакор» футбол жамоаси ҳам турли тўсиқларга дуч келади. 1979 йилда жамоанинг асосий таркиби авиаҳалокатда нобуд бўлгач, турли совет футбол клублари ўйинчиларидан қайта ташкил топган «Пахтакор»нинг омади деярли юришмайди. Бу жамоа ўша 1979 йилда мамлакат биринчилигида 9-ўринни олган бўлса, кейинги йили 16-ўринга, 1981 йилда эса охириги ўринга тушиб кетади. 1982 йилда кутилмаган натижа кўлга киритилади: «Пахтакор» пойтахтнинг «Спартак», ЦСКА, Тбилисининг «Динамо» жамоаларини енгиб, 1962 йилдаги энг яхши кўрсаткични янгилайди – 6-ўринга кўтарилади. Бироқ бу зафарли юриш узоқ давом этмайди.

Ш.Рашидов тириклигидаги сўнги мавсумда (1983) «Пахтакор» 10-ўринни олади. Рашидов вафотидан кейин эса «Пахтакор» жамоасининг юлдузи ҳам сўна бошлади. Жамоани 1984 йилда қасддан биринчи лигага тушириб юборишди (бу фитнада учта таниқли футбол клубларининг раҳбарлари иштирок этади), жамоа шу кўйи олий лигага қайта чиқа олмади.

Айни пайтда янги Бош котиб Черненконинг ҳам санокли кунлари қолганди. Кейинчалик маълум бўлишича, 1984 йил кузда, дам олаётган пайтида Иттифоқ Ички ишлар вазири В.Фёдорчук бериб юборган дудланган балиқни егандан кейин унинг саломатлиги кескин ёмонлашган. Бу «совға»ни еб захарланган Черненко шу кундан эътиборан ҳолдан кета бошлаган. Ҳолбуки, у шу арафада ўзини жуда тетик ҳис этган, мамлакатни бошқариш жловини кўлида маҳкам тутган ва рақибларининг мавқеини биров бўлса ҳам заифлаштиришга уриниб кўрганди.

Жумладан, Москвада савдо ходимлари орасида порахўрликка қарши тозалаш ишлари давом эттирилганди, бу кампания, асосан, пойтахтнинг хўжайини – Сиёсий бюро аъзоси В.Гришинга қарши хуфиёна хужум эди. Бундай тозалаш ишлари собиқ Бош котиб Ю.Андропов давридаёқ бошланган бўлиб, ўшанда ҳам Гришинни обрўсизлантиришга қаратилганди. Бир неча йил мобайнида пойтахт Бош савдо ташкилоти тармоғида 15 066 киши жиноий жавобгарликка тортилади, улардан 1221 киши турли

даражадаги раҳбар ходимлар эди. Бироқ айнан Черненко даврида мазкур ташкилотнинг раҳбари Н.Трегубов ҳибсга олинади. 1984 йил январида кимнингдир қудратли қўли унинг боши узра кўтарилган болгани тўхта-тиб қолган ва Трегубов бошқа ишга жойлаштирилган – Иттифоқ Савдо вазирлигининг савдо ташкилотларидан бирига бошқарувчи этиб тайинлан-ганди. Лекин бу ҳам уни сақлаб қололмади: июль ойида қамоққа олина-ди. Афтидан, у Гришин билан дўстона муносабатда бўлган ва Бош савдо бошқармасидаги жиноий гуруҳлар билан Москва шаҳри раҳбарларини боғловчи яширин алоқаларни яхши билган. Ўша пайтда Сиёсий бюро-нинг яна бир аъзоси – Г.Романовга ҳам зарба берилади. У гўё 70-йиллар охирида ўз қизининг никоҳ тўйини Таврия қасрида ўтказди, устига-устак, жуда шоҳона ўтган тўйда Эрмитаждан келтирилган Екатерина даврининг ноёб қадахлари синдирилди каби миш-мишлар Черненко тарафдорлари томонидан Кремлда тўқилган ва омма орасида тарқатилганди. Ғайриоддий совет жамиятида бундай миш-мишларни омма қизгин муҳокама қилишини Кремлдаги сиёсат найрангбозлари яхши билишарди. Оқибатда шу пайт-гача доғ тегмаган Романовнинг шаъни булғанади.

Черненко билан унинг тарафдорлари ёмонотлиқ қилишни кўзлаган мансабдорлар орасида Сиёсий бюронинг энг ёш аъзоси М.Горбачёв учинчи ўринда турарди. Бу борада ҳам Гришинга нисбатан кўрилган чора каби йўл тутишга қарор қилинади. Горбачёв Москвага ишга кўтарилиш-дан илгари ишлаган Ставрополь ўлкасига Иттифоқ прокуратураси ва ДХК ходимларидан иборат текширувчи-терговчилар гуруҳи жўнатилади. Бироқ «Гришин иши»дан фарқли равишда бу уриниш ҳеч қандай сама-ра бермайди. Бош котиб кутилмаганда «заҳарланиб қолади» ва 1985 йил март ойида вафот этади. КПСС МКнинг янги бош котиби этиб М.Горба-чёв сайланади ва икки ой ўтиб тергов гуруҳи тўла таркибда Ставрополдан Москвага чақириб олинади (терговчиларнинг айримлари Москвада ишини давом эттирган бўлса, айримлари яна Ўзбекистонга йўл олади).

Эндиликда аён бўлишича, Горбачёв «Кремль дунёпарастлари»нинг одами бўлиб чиқади. Улар хориждаги гумашталари билан пинҳона тил бириктириб фаолият юритган. Буюк Британия бош вазири М.Тэтчер бу гуруҳга бошчилик қилган. Айнан Тэтчер хоним: «Горбачёв билан ҳамкорликда кўп иш қилса бўлади», дея биринчи бўлиб бутун олам-

га тагдор қилиб овоза этганди. Айни пайтда Иттифокдан бошқа мамлакатларда яшайдиган, дунё миқёсида катта молиявий маблағларга эгалик қиладиган, энг муҳими, катта таъсир кучига эга яхудийлар жамоалари ва Кавказорти халқларига мансуб хорижликлар бу ишга салмоқли ҳисса кўшади. Иттифокнинг ўзида турли одамлар Горбачёвни ёқлаганди. Хусусан, халқаро обрў-эътиборга эга Сиёсий бюро аъзоси, Иттифок Ташқи ишлар вазири А. Громыко ёки Сиёсий бюро аъзолигига номзод, КПСС МК халқаро бўлими мудирини Б. Пономарёв, нисбатан қуйи поғонадаги АҚШ ва Канада институти директори Г. Арбатов, Иттифок ФА Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро муносабатлар институти директори А. Яковлев ёки унинг ўрнини эгаллаган Е. Примаков шулар жумласидан эди.

Ўша воқеаларнинг кўплаб гувоҳлари эсдаликларидан маълум бўлишича, М. Горбачёвнинг ҳокимият тепасига келиши учун узоқ вақт пухта тайёргарлик кўрилган. Лекин бу ишга Черненконинг ўлими арафасида – 1985 йилнинг қишида куч берилган. Айни ўшанда А. Громыкони ҳам Горбачёв тарафдорлари ўз томонларига ағдариб олганлар. А. Громыкони ўз сафларига кўшиб олишлари қийин бўлмаган, чунки Громыко жуда ҳушёр сиёсатчи бўлиб, Иттифокда, бутун дунёда ҳам дунёпарастларнинг таъсири ортиб кетганини яхши биларди. Шу боис Сиёсий бюронинг 11 мартда бўлиб ўтган мажлисида айнан Громыко КПСС МК Бош котиби этиб М. Горбачёвни сайлашни таклиф қилади. Ўша тарихий мажлисда иштирок этган ҳеч бир одам бу таклифга бир оғиз ҳам эътироз билдирмаган. Ҳокимият учун курашда Горбачёвнинг асосий муҳолифлари – Гришин билан Романов ҳам сукут сақлаб қўя қолган, бинобарин, улар шу арафада обрўсизлантирилган, маънавий зарбага учраган эдилар. Шу боис ғолибнинг ҳимматидан умидвор бўлиб индамай қўя қолишган. Бироқ иккисининг ҳам умиди оқланмаган: янги Бош котиб ҳокимиятни эгаллагач, уч ойдан кейин (2 июлда) Романовни истеъфога жўнатади, Гришинни сал кейинроқ 1986 йил феввалида ишдан бўшатади. Романовнинг ўрнига Грузиянинг собиқ раҳбари Э. Шеварднадзе Сиёсий бюро аъзоси бўлади, у Иттифок Ташқи ишлар вазири этиб тайинланганди. Кекса А. Громыко Горбачёвни кўллаб-қувватлагани учун шунчаки расмий, бироқ фахрли Иттифок Олий Совети Президиумининг Раиси лавозимига кўтарилди.

Э.Шеварднадзенинг бу каби юқори мансабга тайинланиши наинки оддий кишиларини, ҳатто юқори лавозимли шахсларни ҳам лол қолдирди. М.Горбачёв биринчи марта айтганда, ҳатто Громыконинг ҳам тили калимага келмай қолди. Бироздан кейин ўзини тутиб олиб, сиз шуни лозим топсангиз, биз ҳам кўшиламыз, деб кўйди. Оқибатда Шеварднадзе кутилмаганда мазкур лавозим эгасига айланди. Бунинг асосий сабаби қатор йиллардан кейин ойдинлашади.

Бу М.Горбачёв ҳамда унинг тарафдорлари томонидан олий ҳокимиятни кўлга киритишда ёрдам кўрсатганлари учун кавказликларга миннатдорчилик, қолаверса, яқин келажакда Иттифоқни бутунлай тарқатиб юбориш учун ўша пайтда астойдил ишга киришган хориждаги гумашталарга ўзига хос ён бериш бўлганди. Бу лавозимга муросағўй Шеварднадзедан ҳам яхши номзод топиш даргумон эди. Бунинг устига, у Горбачёв билан 20 йилдан буён таниш бўлиб, 70-йиллар охирида, Пицундада бирга дам олганда, Иттифоқда келажакда қилинадиган ислохотлар очикдан-очик муҳокама қилинди, айниқса, иккиси ҳамфикр бўлиб қолди. Бу ҳақда Шеварднадзенинг ўзи шундай эслайди:

«Агар Горбачёв билан ўттиз йил олдинги, 70-йиллар охири ва 80-йиллар бошидаги муносабатларимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, куйидаги манзара ҳосил бўлади. Ўшанда Қора денгизда, Пицунда буруни худудида кимсасиз соҳилдаги хиёбонда иккимиз шошилмай кўп сайр қилардик. У пайтда Михаил Сергеевич КПСС МК котиби, Сиёсий бюро аъзолигига номзод, мен эса Грузия Компартияси МКнинг биринчи котиби ҳамда Сиёсий бюро аъзолигига номзод эдим ва шу боис бир-биримизга кўнглимиздаги мулоҳазаларни очик айттардик.

У пайтларда Иттифоқдаги ички вазиятга ташқи сиёсатнинг таъсири масаласида фикримиз жуда ҳам аниқ эмасди, бироқ шу нарса равшан эдики, ташқи сиёсатни ўзгартирмасдан, асосий ишончсизлик омиллари – куч ишлатиш ва мафқуравий йўналганликка барҳам бермасдан совет давлати атрофида қулай ишончли муҳитни яратиш бўлмаслигини билардик».

Эндиликда маълумки, М.Горбачёв билан Э.Шеварднадзе «қулай ишончли муҳит»ни яратишди, бироқ бу қулайлик Иттифоқнинг асосий душмани АҚШнинг фойдасига хизмат қилди. Совет Иттифоқининг ўзи АҚШга нисбатан унинг найрангига ўйнайдиган қарам чекка ўлкадай

бўлиб қолди, оқибатда Иттифоқ муҳолифлар томонидан арзимаган сарик чақага сотилиб, барбод қилинди. АҚШ давлат котиби Дж.Бейкер таъкидлаганидек: «Шеварднадзе барча истакларимизни 120 % га ошиғи билан қойилмақом адо этди». Оқибатда бир пайтлар ўта қудратли Иттифоқ дунё харитасидан ғойиб бўлди.

«Пицунда фитначилари»нинг буюк давлатни барбод қилишдаги хизматларини Ғарб турли нишонлар билан муносиб тақдирлади, камига уларни «аср кишилари» деб эълон қилди. Либерал тарихшунослар уларни ҳозир ҳам шундай ном билан атайди.

М.Горбачёв ҳокимиятни эгаллагач, «қайта қуриш» ҳаракатини бошлади, мамлакат учун бу зарур эди. Бироқ унинг раҳбарлигида бу ҳаракат мамлакат учун ҳалокатга айланди. Уни шундай йўл тутишга тажрибасизликми ёки аслида ёмон нияти ундаганмиди, дея тарихчилар кейинчалик узоқ баҳслашдилар. Бу баҳсларга унинг ўзи нуқта қўйди. 1999 йил Туркиядаги Америка университетидаги семинарда шундай баёнот берганди:

«Коммунизмни йўқ қилишни азалдан мақсад қилгандим. Партиядаги ва мамлакатдаги мавқеимдан айни шу мақсадда фойдаландим. Ғарб билан шахсан танишганимдан кейин КПСС ва Иттифоқнинг барча раҳбариятини, шунингдек, барча коммунистик мамлакатлар раҳбарларини ўзгартиришим кераклигини англадим. Ўша пайтларда социал-демократик ривожланиш йўли мен учун энг маъқул йўл эди. Режали иқтисодиёт социалистик мамлакатлар халқларининг салоҳиятларини юзага чиқариш имконини бермасди. Ўз мақсадимга етиш учун ҳамфикр ва сафдошларга эга бўлдим. Улар орасида А. Яковлев билан Э. Шеварднадзе алоҳида ўринга эга, умумий ишни амалга оширишга улар жуда катта ҳисса қўшди».

М.Горбачёв ва унинг яқин тарафдорлари «қайта қуриш» шиори остида «бошқариладиган бошбошдоқлик»ни кенг қулоч ёйдиришди. Шу муносабат билан ёзувчи Ю.Воробьевскийнинг қуйидаги фикрларини келтириш ўринлидир:

«Янги ўйинлар, янги тартибларни ўрнатиш учун одамларни тартибсизлик, хўжасизлик, бошбошдоқлик ботқоғидан ўтишга мажбурлаш керак. Саросима ҳолдан тойдиради, кетма-кет ҳафсаланинг пир бўлиши эса энг фаол кишиларни ҳам оромкурсига михлаб, ойнаи жаҳон уммонига ғарқ қилади. Лоқайдлик ва бўҳтон гирдобида қолган аҳолини бошқариш

эса жуда осон. Саросима, бошбошдоқликдан тартиб сари – массонларнинг шиори. Бу шиор қатор жойларда, жумладан, АҚШда ҳам синовдан ўтган. 60-йиллар бошида Америкада нималар содир бўлганди? Кўча безориларининг ўзаро қирпичоқ бўлишлари учун кенг йўл очиб берилган. Бундай олишувлар «Вестсайд тарихи» (Роберт Уайз 1961 йилда суратга олган) фильмидан кейин, ҳатто оммавий тус олди. Камига Хичкокнинг ваҳимали фильмлари ҳам пайдо бўлди. Одамларнинг тураржойларига бостириб қирган йиртқич паррандалар аслида авжига чиққан тажовузкор тартибсизликларнинг тимсоли эди. Дарвоқе, АҚШда 70-йиллар бошидаёқ фавкулудда ҳолатларни бошқариш Федерал агентлиги ташкил қилинди. Ёшларни ўзагидан маҳрум бўлган гул япроқларига айлантиришди. Гуллари тўкилиб кетгани ҳамано унинг ўрнида нима қолганини тасаввур ҳам қилиб бўлмасди».

70-йилларда Иттифоқдан чет элга бош олиб кетган ва совет тузуми бўйича йирик мутахассис А.Зиновьев ёзганди:

«Горбачёвнинг қайта қуриши наинки ҳалокатни юзага чиқарди, балки уни тезлаштириб юборди. Ўша кезларда жамиятда ислохотлар қилиниши кераклиги ҳақида жар солишарди. Мен эса ҳеч қандай ислохот керак эмас, деб ҳайқирардим. Шундай вазият юзага келган эдики, исталган ислохот мамлакат таназзулига ва барбод бўлишига олиб келарди. Иттифоқ давлат маҳкамаларини порахўрликда айблашди, бироқ Ғарбда бундай порахўрлик, коррупция ундан ҳам кучли эди. Ҳозир Россиядаги порахўрлар, улар олдида ўша кезлардаги ришвахўрлар бамисоли гўдакка ўхшарди. Инқироз етилиб келар, бироқ совет раҳбарияти, совет зиёлилари ҳам унинг асл сабабларини, қандай чоралар кўриш кераклигини билмасди. Бунинг устига, «совуқ уруш» давом этар, Ғарб совет жамиятига кучли тазйиқ кўрсатиб, мафкуравий таназзулни келтириб чиқарарди. Оқибатда мамлакат олий раҳбарияти ва зиёлилар эсанкираб, бошқариш салоҳиятини йўқотди».

Т.Гдлян билан Н.Иванов бошчилигидаги гуруҳ Ўзбекистонда тартибсизликларни кучайтиришга зўр берди. Горбачёв ҳокимият тепасига келгач, уларнинг сони яна 200 кишига кўпайтирилиб, Гдляннинг ваколатлари кенгайтирилди ва у амалда Москванинг Ўзбекистондаги махсус бошқарувчиси – ноибига, у истиқомат қиладиган Тошкент марказидаги

хукумат меҳмонхонаси қатағонларни амалга ошириш бош қароргоҳига айланди. Унинг номи тилга олингани ҳамано оддий одамлардан тортиб юқори мартабали шахсларгача, республиканинг барча кишилари ваҳимага тушарди. Исталган ўзбекистонлик мансабдорни партиядан ўчириш, қўлга олиш ва қамоққа ташлаш учун унинг ёлғиз телефон қўнғироғи ёки имзолаган бир парча қоғози кифоя эди.

Ўзбекистонда коррупция билан кураш амалда партия, давлат ва ҳукуктартибот органларини қасддан барбод қилишга айланиб кетди. Министрлар ва вилоят партия ташкилотлари биринчи котибларидан тортиб вилоят ва туман ички ишлар бошқармалари бошлиқларигача – барча даражаларда истеъфога чиқариш ва қамоққа олишлар авж олди. Фақат ДХК раҳбарларигина бундан мустасно эди. Оқибатда республикада жиноятчилик тобора авжигача чиқа бошлади: ҳатто яқин ўтмишда нафақат Иттифоқда, балки бутун дунёда осойишта пойтахтлардан бўлган Тошкент ҳам жиноятчилик ўчоғига айланди.

1985 йил 17 майда Ўзбекистон Ички ишлар вазирининг собиқ ўринбосари Г.Давидов ўз жонига қасд қилди. Бундан бир ҳафта аввал лавозимдан четлатилган генерал ўзининг ўлим олди хатида шундай ёзганди:

«Кутилмаганда ўта кўпол ва ҳаёсизларча нафақага чиқишимни таклиф қилишгани учун аламимдан ўзимни қўйгани жой топа олмаяпман. Ҳозир масъул ходимлар шаънини қасддан булғаш одат тусини олди, бундай шароитда ўзингни қандай оқлашни ҳам билмай қоларкансан. Олдинги бошлиқларнинг хатоларини менга тўнкаб, Ички ишлар тизими соҳасида қарийб ўн етти йиллик сидқидилдан қилган хизматимни қоралашга уринаётган кимсаларга қандай жавоб қайтаришни ҳам билмайман. Бундан кўра софдил Ички ишлар ходими, коммунист, генерал, намунали ота сифатида шаънимга доғ туширмай ўз умримга нуқта қўйганим афзал. Қилмаган ишларим учун товон тўлагандан ўзимни ўлдирганим маъқул».

Айни пайтда Гдлян-Ивановнинг тергов гуруҳи устидан марказга шикоятлар келиб туша бошлади. Хусусан, терговчилар шубҳа қилинганларга нисбатан 37-йиллардаги шафқатсиз тергов усулларини қўллаётгани, калтаклашлар ва қийноқларга зўр берилаётганидан шикоят қилинади. Терговчиларнинг шафқатсизликларини, ҳатто Марказдан бирга келган ҳамкасблари ҳам эътироф этарди.

Жумладан, терговчилардан бири терговдаги шахснинг юзига тарсаки тортиб юборгани, ҳатто, туфлаганини терговчи Шамсутдинов маълум қилади. Терговчи Шароевский ҳамда қатор қамоқхона назоратчилари ҳам одамларни ҳақоратлаш ҳолатлари бўлганини қайд этишган. Иттифоқ ИИВлигининг масъул ходимларидан бири, Гдлян-Иванов гуруҳи таркибидан чиқиб кетган М. Аверков кейинчалик шундай ёзганди: «Мен Гдлян билан ишлашдан бош тортдим, бирон нарсадан кўрққаним учун эмас, балки одамларни ҳақорат қилиш, қийнашга кўникмаганим учун шундай йўл тутдим».

1985 йил 24 майда иши терговга оширилган М.Барноев баданида кўпдан-кўп қонталаш моматалоқлар, бош оғриғи ва тўхтовчиз қайт қилаётган аҳволда шифохонага ётқизилади. У терговчилар қалтаклаганларини айтади. Прокурор текшируви ҳам бунга тасдиқлайди. Бироқ Барноев қалтаклангани тўғрисидаги жиноий иш бир ойдан кейин Иттифоқ прокуратураси қўлига ўтади, улар эса яна айнан Гдлянга юборишади. Оқибатда Барнов яна ҳибсга олиниб, пинҳона мажбурий чоралар кўрилгандан кейин амакиси томонидан қалтакланганини «тан олади». Унга ўз амакисига пора берганликда айб қўйилганди.

Гдлян-Иванов терговчилар гуруҳи хатти-ҳаракатларидан жабрланган кишилар томонидан Иттифоқ Олий Совети Президиумининг Раиси А.Громыко номига юборилган айрим хатлардан парчалар келтираман:

«1985 йил октябрнинг охирида 70 яшар кекса одам бўлишимга қарамай ўта хавфли жиноятчи каби қуролланган соқчилар ҳамроҳлигида Тошкентдаги тергов изоляторига олиб келишди. Бир ҳафта оғир шароитда ҳибсда сақлангач, умуман гапира олмай қолдим. Бундай оғир қамоқхона шароитига ортиқ чидай олмайман деган хаёлга бордим. Лекин ёшлигимда аскар сифатида кўп синовлардан ўтганим яна қўл келди. 300 минг сўм пора олганликдаги айбни бўйнимга олишни талаб қилишди, шунингдек, умринг қамокда ўтади ёки руҳий касаллар шифохонасига тикиб қўямиз, деб кўрқитишди. Мана шундай чорасиз аҳволда ҳаётимни сақлаб қолиш учун фақат битта йўл борлигини, яъни терговчиларнинг таклифига кўнишим кераклигини тушуниб етдим. Оқибатда улар айтганидек ўзимга қарши ёлғон гувоҳлик беришга мажбур бўлдим».



Қорақалпоғистон вилоят партия комитети котиби иши бўйича ҳибсга олинган хўжалик раисларидан бири шундай ёзганди:

«Менга фалончи котибга фалон сўм пора бердим, деб тан оласан, биз бу сирни ошкор қилмаймиз ва сени кўйиб юборамиз, деб таклиф қилишди. Лекин ёлғон гувоҳлик бера олмаслигимни айтдим. Ундай бўлса сени ашаддий жиноятчилар билан битта хонага қамаймиз, уларга эса бунга нисбатан кўнглингизга келган ишни қилаверинг, деб айтамиз дея пўписа қилишди. Бундай шароитда ҳар қандай таклифга кўнишга мажбур бўласан. Терговчилар ўз ниятларига эришиш учун оғзидан боди кириб, шоди чиқарди, сўкиниш, ҳақоратлаш улар учун одатий ҳол эди. Агар илгари менга бизнинг давримизда шундай ҳодисалар бўлиши мумкин, деганларида сира ҳам ишонмаган бўлардим».

Виждонли терговчиларни айблаш ва ўзларини оқлаш учун одамлар атайлаб шундай мактублар ёзган, деб эътироз билдирувчилар ҳам бўлиши мумкин. У ҳолда «айбсизлик презумцияси» деган қоида нима бўлади? Қолаверса, нима учун терговчиларнинг гапларига ишонган ҳолда айбланувчиларнинг гапларига ишонмаслик керак? Ҳолбуки, мамлакат тарихида ҳуқуқ-тартибот органларининг ходимлари ўзлари учун зарур кўрсатмаларни олиш мақсадида ҳибсга олинганларни ашаддий жиноятчилар билан бир хонага қамаб кўйиб, уларнинг иродаларини синдирган ҳолатлар кўп бўлган.

Ўзбекистондан келаётган шикоятлар ҳаддан ташқари кўпайиб кетгандан кейин Москва махсус Прокурор гуруҳи ташкил қилиб, мазкур шикоятларнинг ҳаққонийлигини текширишга мажбур бўлади. Мана шу текширишда қатнашган ходимлардан бири В.Илюхин унинг натижалари ҳақида шундай ёзганди:

«Терговчилар ўзларининг тахминларига зид ҳужжатларни жиноий ишлардан тез-тез олиб ташлаган ҳолатлар текшириш натижасида аниқланди. Тергов талаб қилган кўрсатмалар амалдаги воқеликка мос тушмаганда жиноий ишлар зудлик билан қайта кўриб чиқилган. Жумладан, Гдляннинг талабига кўра, милиция подполковниги Қашқадарё обкомининг биринчи котиби Р.Ғойиповга (у 1985 йил баҳорда ҳибсга олиш учун келган терговчиларнинг кўз олида ўз жонига қасд қилган – *муаллиф*) пора бериши керак бўлган. Гдлян Очилловга отаси билан ўғлини қамоққа олишга оид қарорни

кўрсатгандан кейин у исталган кўрсатмани беришга розилик билдирган. Бироқ Коваленов томонидан сўроқ қилинаётган, гўё Ғойиповга пора берган Очилов, ҳатто унинг қайси кунда туғилганини ҳам билмаслиги маълум бўлган. Улар бирга Гдляннинг олдига киришган. Очилов буни шундай эслайди: «Гдлян бизнинг олдимизда Ўзбекистон КП МК хўжалик бўлими бошлиғига кўнғироқ қилиб, Ғойиповнинг туғилган кунини аниқлади». Коваленов ҳам шундай гапни айтган: «Очиловдан Ғойиповни туғилган кунини сўраганимда у билмайман деди, албатта, мен ҳам билмасдим. Гдлян билан Ивановнинг талабига кўра пора берганлиги ҳақидаги кўрсатмани Т.Очилов менга айтди. Шунда биз Очилов билан бирга Гдляннинг ҳузурига кирдик, у эса Ўзбекистон КП МКга кўнғироқ қилиб, Ғойиповнинг туғилган кунини аниқлади ва менга айтди».

Т.Гдляннинг қонунга хилоф ишларини тарафдорлари иш бор жойда хато бўлиши табиий деб оқлашлари мумкин. Ҳолбуки, булар шунчаки хато бўлмасдан, айнан 1937-йиллардаги шафқатсиз қатағонлар, зўравонликларни эслатарди. Гдлян ва унинг гуруҳида иш олиб борган терговчилар ўша йиллардаги тергов усулларини қўллаб, оталарни ўз фарзандлари, фарзандларни эса ўз оталари томонидан «фош қилинишлари»га эришган. Ҳолбуки, мавжуд қонунчилик ҳужжатларига кўра, тергов жараёнида қийноқларни қўллаш тақиқланарди. 30-йилларда тергов изоляторларида шафқатсиз калтакланган, руҳан синдирилган, бўҳтонларга ҳар қандай қаршилиқ кўрсатиш салоҳиятидан маҳрум этилган ва исталган гапга кўнадиган даражага тушиб қолган кишилар каби 80-йилларда қўлга олинган одамлардан ҳам гўё мансабдор шахсларга пора бергани тўғрисидаги сохта ҳужжатларга имзо қўйишни талаб этишган».

Гдляннинг хатти-ҳаракатларидан шикоятлар жуда кўпайиб кетганига қарамай Москвадаги ҳомийлари уни тергов гуруҳи раҳбарлигидан четлатишни хоҳламасди. 1985 йил Сиёсий бюро аъзоси Е. Лигачёв Гдлянни Москвага чақириб олиш ҳақида кўрсатма беради, бироқ бу кўрсатмага фақат бир неча ҳафта амал қилинади. Шундан кейин Гдлян яна Ўзбекистонга қайтиб, ўз қилмишларини давом эттиришга киришади. Чамаси, Кремлда «кавказпарастлар тўдаси» ҳатто Сиёсий бюро аъзосидан ҳам кучли мавқега эга эди. М.Горбачёв даврида Кавказорти республикларида терговчилар гуруҳи умуман жўнатилмагани ҳам, айна шу билан

изоҳланади. Тўғри, Грузияда Марказий Комитет котиби С.Хабешвили қамоққа олинади, бироқ кўшни Арманистонда порахўр мансабдорларнинг бошидан ҳатто битта туки ҳам тўқилмайди. Дарвоқе, Ўзбекистонда фаолият юритган армани миллатига мансуб мансабдор порахўрлар ҳам, айнан Москванинг хуфиёна кўрсатмасига биноан жавобгарликка тортилмаган.

1986 йил январининг бошларида Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди бўлади. Унда Ш.Рашидовга яқин бўлган кишиларнинг деярли барчаси бюро аъзолигидан чиқарилди. МКнинг иккинчи котиби Т.Осетров ҳам алмаштирилди – унинг ўрнини Москвадан юборилган В.Анишчев эгаллади. У 1979 – 1985 йилларда Воронеж шаҳар партия комитетининг 1-котиби лавозимида ишлайди, кейин эса КПСС МКнинг инспектори бўлади. 1985 йил мартда Ўзбекистонга Республика МКнинг котиби лавозимига ишга ўтказилиб, бир йилдан кейин 2-котиб даражасига кўтарилди. Москвадан В.Огарок ҳам юборилди, у Республика Министрлар Советининг Раиси этиб тайинланди ва МК бюроси таркибига киритилди.

Раҳбарларнинг бундай алмаштирилиши бежиз бўлмасдан, Москва томонидан битта мақсадга – «турғунлик» деб тамға босилган Л.Брежнев бошқарув даврини қоралашга қаратилганди. Ўзбекистон Компартияси XX съезидан кейин Москвада бўлган КПССнинг XXVII съезида айнан шундай йўналиш белгилаб берилади. Ўзбекистон Компартияси XX съезида Ш.Рашидовнинг шахсига зарба бериш билан кифояланмасдан, у раҳбарлик қилган йиллар ҳам янги раҳбарият томонидан фақат қора бўёқларда кўрсатилади. Журналистлар Н. Гладков ва В. Кожемяко «Правда» газетасида босилган мазкур съезддан тайёрланган репортажда шундай ёзишганди:

«Ўзбекистонда кейинги йилларда партиявий қоидалар ва ахлоқ меъёрлари, совет қонунлари қўпол бузилгани, халқ хўжалигига раҳбарлик қилишда жиддий камчиликларга йўл қўйилгани аниқланди. Бу республикада кўшиб ёзишлар, талон-торожлар, порахўрлик кенг ёйилиши оқибатида кадрларнинг муайян қисми тамомила айниган. Бу салбий ҳолатлар ўта хатарли тус олган.

Республика партия ташкилотининг раҳбарлик органларида, биринчи галда МК бюросида кўплаб йиллар мобайнида ишларнинг натижаларига танқиддан холи қониқиш билан муносабатда бўлиш шаклланган. Жиддий

камчиликлар оқибатида ижтимоий-иқтисодий тараққиёт суръатларининг сусайиб қолганлиги ҳақида атайлаб лом-лим дейилмаган, аксинча, турли кўшиб ёзишлар ва кўзбўямачиликлар билан хаспўшланган. Мақтовлардан маст бўлиш, уйдирма ғалаба билдиргилари, ялтоқилик ва лаганбардорлик шароитида партиявий ҳаётнинг ленинча меъёрлари топталган ва инкор қилинган. Кадрлар эса сиёсий, ишчанлик ва ахлоқий фазилатларига кўра эмас, қон-қариндошлик, маҳаллийчилик, манфаатдорлик нуқтаи назардан танланган. Партия кўрсатмалари ва қабул қилинган қарорлар бажарилиши назорат қилинмаган, жамоа бўлиб раҳбарлик қилишдек муҳим қоида бузилган. Биринчи раҳбарнинг шахсини улуғлашга зўр берилган, сайлаб қўйиладиган партия органлари аъзоларининг аҳамиятига паст назар билан қаралган, амалдаги воқеликка зид юзаки, асоссиз қарорлар қабул қилинган. Партия ва давлат манфаатларига, меҳнаткашларнинг кундалик эҳтиёжларига зарар етказилган.

Республика КП МКнинг собиқ биринчи котиби Ш.Рашидов бу борада айбдор экани съездда таъкидланиб, гўё виждонсиз кишиларга ҳомийлик қилгани, уларнинг кўпчилиги йирик давлат жинойтчилари экани қораланди. Улар орасида Бухоро обкомининг собиқ биринчи котиби А.Каримов, республика Ички ишлар вазири Ҳ.Яҳёев ва бошқалар бор.

Съездда нутқ сўзлаган Ўзбекистон КП МКнинг биринчи котиби И.Усмонхўжаев ўзи ҳам, қатор бошқа масъул ходимлар ҳам Ш.Рашидовнинг хатоларига қарши чиқа олмаганликлари, айрим ҳолатларда унинг кўрсатмаларига амал қилганликларини очик тан олди. Оқибатда қонунчилик ва ахлоқий қоидалар бузилиши, мансабни суиистеъмол қилиш билан боғлиқ турли салбий ҳолатлар юзага келиши учун қулай замин яратилган.

Сўнги бир ярим йил мобайнида республикадаги ахлоқий-руҳий вазиятни анча соғломлаштиришга, партия ва давлат интизомини мустаҳкамлашга, республикадаги соғлом кучларни кўшиб ёзиш ва ўғирликларга, порахўрлик ва бошқа иллатларга қарши курашишга сафарбар этишга эришилди. Қарийб 300 киши партия комитетлари таркибидан чиқарилди. Халқ Советларининг 200 дан ортиқ депутатлари чақириб олинди. Кўпгина собиқ раҳбарлар жинойий жавобгарликка тортилди».

Анъанага кўра Ўзбекистон билан бир пайтда бошқа республикаларда ҳам Компартия съездлари ўтказилди. Барча съездларда Л.Брежнев

раҳбарлик қилган даврга ноҳақ тош отилди. Лекин фақат икки республика – Ўзбекистон ва Қирғизистон Компартиялари съездларида собиқ биринчи раҳбарлар – Ш.Рашидов ва Т.Усубалиев номи қораланди. Ўша пайтларда бу ҳолис танқид дея талқин қилинади. Ҳолбуки, азалдан тарихга тўпшончадан ўқ узсанг, сени келажак замбаракдан тўпга тутуди, деган нақл бор. Бу ҳикматга ота-боболар хотираси ҳамиша эъзозлаб келинган айнан Шарқ республикларида хилоф иш тутилгани, айниқса, ажабланарли ҳолдир. Афтидан, ўша пайтдаги раҳбарлар асрий кадриятлардан кўра ўткинчи орзу-ҳавасларини устун қўйишган. Ўзбекистон КП съезидан беш кун ўтиб рўй берган воқеани бошқача изоҳлаб бўлмайди.

КПСС МК 22 майда «Ш.Р.Рашидов хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги қарорни бекор қилишга оид» қарор қабул қилди. Ўзбекистон раҳбарлари зиммасига собиқ раҳбарнинг хотирасини абадийлаштиришга оид илгари қабул қилинган қарорларнинг барчасини бекор қилиш мажбурияти юкланади. Ш.Рашидов яшаган ва ишлаган бинолардаги хотира лавҳаларини қисқа муддатда олиб ташлаш, шунингдек, Жиззах шаҳрида ўрнатилган Рашидов бюстини ҳам олиб ташлаш назарда тутилади. Бюстни 6 июндан 7 июнга ўтар кечаси олиб ташлаш режалаштирилади. Ўша тунда Ш.Рашидовнинг жасадини қайта дафн этиш ҳам мўлжаллаб қўйилади. Бу ишга раҳбарлик қилиш Ўзбекистон КП МКнинг ходими Ғ.Қодировга юклатилади.

Аввалига бу ғайриоддий ишга қўшилишдан бош тортган, Рашидовнинг бевосита шогирди бўлган Ғ. Қодировни охир-окибат кўндиришади. Ғ.Қодиров устозининг жасадини қайта дафн этишга розилик олиш учун унинг беваси олдига – Рашидов яшаган хонадонга махсус ходимлар ҳамроҳлигида боришга мажбур бўлади. Ниҳоят, анча уринишлардан кейин Ш.Рашидовнинг беваси бунга розилик беради. Жасадни Тошкентдаги Чигатой, ҳозирги Форобий қабристонига қайта дафн қилишга келишилади.

Ўзбек халқининг азалий кадриятларига зид бўлган бу иш, афсуски, ўша пайтдаги раҳбарларни заррача ташвишга солмайди. М.Горбачёв «қайта куриш йўрғасига маҳкам ўрнашиб олган», Сиёсий бюродаги барча Л.Брежнев тарафдорларидан кутулиб, ўзини росмана ғолиб ҳис қиларди. Бу истеъфога чиқаришларни М.Горбачёв наинки бу одамларни, балки улар

рахбарлик қилган даврни ҳам қоралашга куч берди. Унинг асосий либерал-мафкуручиси А.Яковлев гумашталари айнан совет раҳбари белгилаб берган йўлга амал қилди. Иттифоқ кино усталарининг ўша йил май ойида бўлган V съездида кино танқидчилари Сергей Бондарчук, Евгений Матвеев, Юрий Озеров каби кино санъатининг машхур сиймолари шаънига бўхтонлар ёғдирдилар. Ўша пайтда Ш.Рашидов номи ва хотираси атрофида рўй бераётган бемаъниликларнинг барчаси мамлакатда шаклланган вазиятдан келиб чиққан бўлиб, либерал-қайта курувчилар мамлакатни тамомила барбод қилиш учун зўр берарди.

КПСС МКнинг май ойидаги қарори Ўзбекистондаги аҳолининг аксариятини ўта таажжублантирди, бироқ ҳеч қандай қаршилик кўрсатилмади. Ўзбекистонликлар бу аламли ҳолатни дардларини ичга ютиб бошдан кечирди. Муҳими, тарихда бир неча марта бўлгани каби ҳақиқат эртани-кечми ғалаба қозонишига уларнинг ишончи комил эди. С.Ризаев шундай ёзади:

«Қолбуки, тарихдан керакли сабоқ чиқариб олиш керак эди. 387 йил муқаддам Кремлнинг Архангельск ибодатхонасидан Борис Годуновнинг жасадини чиқариб ташлашганди. Бугунги кунга келиб Борис Годунов Россиянинг энг донишманд подшоҳларидан ҳисобланади.

Англия инқилобининг доҳийси, мамлакатнинг тўла ҳуқуқли ҳукмдори Оливер Кромвелни 1658 йилда катта тантаналар билан дафн этишади. Замондошлари уни барча инсоний фазилатларнинг соҳиби сифатида буюк шахс деб эътироф этган. Бироқ бир неча йиллардан кейин ҳокимиятни эгаллаган бошқа кучлар «қонхўр мустабид», «қиролнинг қотили», «дўзахий гуноҳкор» деб Кромвелни шаънини қоралашга тушади, инқилобнинг ўзи «қонли фитна» ва «ҳокимиятни зўравонлик билан тортиб олиш» деб талқин қилинади. 20 йиллик инқилоб даврида амалга оширилган барча ишлар иллатга йўйилади. Кромвелнинг жасадини мақбарадан қазиб олиб осадилар, бошини Вестминстер-Холлнинг томига барча кўриши учун қўйиб қўйишади. Охири нима бўлди? Ҳозир Лондонда Оливер Кромвел ҳайкали савлат тўкиб турибди. Бугунги кунда англиялик мактаб ўқувчиси ҳам Кромвел – йирик тарихий шахс, британия халқининг фахри, Англия инқилоби мамлакатнинг ҳозирги тараққиёти учун мустаҳкам пойдевор бўлганини эътироф этади.

Францияда ҳам шундай бўлган. Инқилобчилар томонидан Бастилия забт этилган кундан Наполеон ҳукмронлиги йилларини ҳам қўшганда йигирма олти йиллик муддат ҳалокатли ва жиноий давр деб эълон қилиниб, инқилобга «массонлар фитнаси» тамғаси босилади. Унинг дохийлари «зўравонлар», «ҳокимиятни тортиб олган кимсалар», «кирол кушандалари» сифатида лаънатланади. Англиядаги каби Марата билан Мирабо жасадлари машҳур Пантеон қабристонидан чиқариб ташланади. Ҳозир эса француз зиёлилари Марата билан Мирабони эъзозлайди...»

Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон матбуоти айнан 1986 йилдан эътиборан Ш.Рашидов номини, қолаверса, бутун Ўзбекистондаги ишларни қоралаш, обрўсини тўкиш тарғиботини бошлайди. Турли ишлар фош қилинган мазкур мақолаларда айнан 80-йиллар ўртасидан, яъни М.Горбачёв қайта қуриши бошлангандан эътиборан Ўзбекистон иқтисодиётида пасайиш бошлангани, миллий даромад камайгани, жиноятчилик, айниқса, оғир жиноятчилик ортгани ҳақида бир оғиз ҳам айтилмасди. Республикага Марказдан келадиган инвестициялар ва фонд тушумлари қисқаради. Бошқа республикаларда бундай ҳолат кузатилмагани ажабланарли ҳол эди. Жумладан, Кавказorti республикаларига ҳамон илгаригидек миқдорда моддий маблағлар етказиб берилар, уларнинг ҳажми Ўзбекистонга берилаётганидан анча кўп эди.

1986 йилда босилган мақолалардан бирида (Кожевников билан В.Соколовнинг «Литературная газета»даги «Оқ олтин»даги қора доғ») ўша йилларда Ўзбекистон бошига тушган кулфат беихтиёр фош қилинганди:

«Энг яхши одамларимизни камаб қўйишди» – турли ташкилотларда бизга айнан шу гапни қайта-қайта айтишди. Ҳеч ким бунга ўзгача маъно бермоқчи эмас, ўша кимсалар қилмишларига яраша жазоланган! Лекин бу гаплар бежиз афсус-надомат билан айтилмаган. Республиканинг энг тажрибали шахслари жиноий ишларга аралашиб қолишди. Жазоланган шахсларнинг ўрнида эса ёш, қўлидан иш келмайдиган одамлар фаолият юритмоқда».

«Ўша кимсалар қилмишларига яраша жазоланган», деган жумлани мақола муаллифлари виждонига ҳавола қиламиз ва масалага кенгрок нуқтаи назардан ёндашамиз. Ю.Андропов ҳокимият тепасига келганидан эътиборан дастлабки «тозалаш» ишлари амалга оширилади, нати-

жада, қатор бошқарув тизимларида қисқартиришлар қилинади. Бу асосиз тозалашлар мазкур ташкилотларнинг фаолиятини асло яхшилагани йўқ, аксинча, саросима, тартибсизликларга сабабчи бўлди. Жумладан, уч йил мобайнида (1983 – 1985) Ички ишлар вазирлиги тизимидан 80 минг киши ишдан бўшатилади. Ҳолбуки, уларнинг аксарияти ўз ишининг усталари, мохир изкуварлар эди, айти шундай малакали мутахассислар ишни уддалай олмагани учун эмас, балки шахсий феъл-атвори сабабли ишдан маҳрум бўлади: кимнидир таниш-билиши кучлироқ рақибини сиқиб чиқаради, бошқалар эса Андроповнинг тарафдорлари томонидан қонунга хилоф ишлардан норози бўлиб, ўзлари ишдан кетади. Оқибатда мамлакатда жиноятчилик авжига чиқади. Л.Брежнев ҳукмронлик йилларида озми-кўпми ҳуқуқ-тартибот органларининг назорати остидаги уюшган жиноятчилик Горбачёвнинг қайта қуриши даврида қудратли ва таъсир кучи катта тўдага айланади, жамиятнинг барча соҳалари, жумладан, ҳокимиятга ҳам ўз таъйикини ўтказа бошлайди.

«Кремль глаболистлари» учун Ўзбекистон шундай майдонга айландики, бу ерда «бошқариладиган хаос» синовдан ўтказилди. Хусусан, жамиятнинг кейинчалик ўзлари мўлжаллаган тарзда «қайта қуриш» учун қўл келадиган зарур кўникмаларга эга бўлиш учун турли тўдалар ўртасида қасддан тўқнашувлар келтириб чиқарилди. Минглаб айбдорлар, айбсизлар ҳам ҳибсга олиниб, уларнинг мол-мулки мусодара қилинди, энг ачинарлиси, бу маблағлар давлат бюджети эмас, балки мазкур ишларни уюштирган кимсалар томонидан ўзлаштирилди. 1986 йилнинг ёзига келиб Ўзбекистонда фақат мансаб билан боғлиқ жиноятларни содир этганликда айбланиб 22 минг киши жиний жавобгарликка тортилди (80-йиллар охирига бориб шундай айблов қўйилган кишилар сони қарийб 58 минг кишини ташкил қилади). КПСС МК номенклатурасига қирувчи 172 ходим, Ўзбекистон КП МК номенклатурасига қирувчи 1813 ходим лавозимидан олинди, уларнинг орасида 52 та обком котиблари (65 та обкомдан), 408 та шаҳар ва туман партия комитети котиблари (78 %) бор эди. Уларнинг ўрнини етарли иш тажрибасига эга бўлмаган янги кишилар эгаллади, энг ачинарлиси, бу одамлар ўта ноқулай шароитларда ишлашига тўғри келди.

Ўзбекистонда тозалашлар ўтказишни режалаштирган Москва доиралари, айти пайтда, жамият учун чинакамига хатарли бўлган тоифалардан жа-



моатчилик эътиборини чалғитишга уриндилар. «Ўзбек мафиясига қарши кураш» ниқоби остида глаболистлар Кавказ тўдаларига Россиянинг марказий туманлари, хусусан, мамлакат қалби Москвага катта йўл очиб бердилар – шаҳар 80-йиллар ўртасидаёқ Кавказ тўдалари томонидан тўла эгалланди ва тақсимлаб олинди.

Сибирь дарёларини Ўрта Осиёга буриб юбориш – келтириш лойиҳаси ҳам шундай қисматга дучор бўлди. «Кремль глаболистлари» айнан 1986 йилда яна бир жирканч ишга қўл урдилар: рус миллатпарварларини Ўрта Осиё зиёлиларига қарши қайрай бошлашди. Улар Иттифоқни барбод қилишда ўзларига қаршилик қилиши мумкин бўлган тоифалардан осонгина кутулиш учун мана шундай айёрона йўл тутиб, уларни бир-бирига қарши қўйганди. Гап бу лойиҳанинг маълум нуқсонлардан холи эмаслигида эмас, гап шундаки, бунинг натижасида мамлакат аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлаш янада яхшиланар, Ўрта Осиё ва Россия халқлари ўртасидаги дўстлик янада мустаҳкамланган бўларди. Кремль глаболистлари айнан мана шундан кўрқарди.

Таниқли файласуф ва сиёсатшунос С.Кара-Мурза Сибирь дарёлари сувларини Ўрта Осиёга буриш лойиҳаси атрофида рўй берган баҳсларни шундай таърифлайди:

«Амударё ва Сирдарё ҳавзасида ерлардан самарали фойдаланиш учун меҳнат кучи захиралари етарли бўлгани боис Сибирь дарёлари сувларининг олиб келиниши озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтирган бўларди. Орол денгизи ҳавзаси ва оралиқдаги вилоятларнинг курғокчил ҳудудларида бунга қадар суғориш шохобча яратилган бўлиб, бу катта харажатларни талаб қилмас, фақат сув етишмасди, холос. Бунга қадар Ўрта Осиёда суғориладиган ерларга фақат пахта экилар, янги суғориладиган майдонларнинг пайдо бўлиши егулик экинлар экиш имконини бериб, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш кескин кўпайишини таъминлаган, қолаверса, Иттифоқ ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам кенгаши мамлакатларини пахта билан таъминлаш муаммосини ҳам тўла ҳал қилиш имконини берган бўларди.

Бу лойиҳанинг муҳолифлари кўпдан-кўп далилларни қарши қўйишди, лекин буларнинг бари асосий мақсадни ниқоблашга қаратилганди. Иттифоқ Фанлар академиясининг раҳбарларидан бири А.Л. Яншин минтақа-

даги сув захираларини тежаш учун Амударё ва Сирдарёнинг қуйи оқимида шולי экишни кескин қисқартириш керак, деган даъволар билан чиқди. Бу борада ҳам қайта қуриш даврига хос тескари важ-карсонлар илгари сурилди: пахтага талаб қондирилмаётганига сув танқислиги эмас, балки Ўзбекистонда ҳар гектардан кам пахта олинаётгани сабаб. «Ўзбекистонда ҳар гектардан 23 центнердан ҳосил олинапти, ҳолбуки, АҚШда гектардан 35–40 центнердан ҳосил олинса, фойдасиз ҳисобланиб, бундай ишга чек қўйилади». Бу мантикқа тўғри келмайдиган баҳона. Дейлик, Қувайтда бир баррель нефть қазиб олиш таннархи 4 долларни ташкил қилади, Россияда эса 14 доллар, бундан чиқадики, Россия нефть қазиб олишни тўхтатиб қўйиши керак экан-да? (Дарвоқе, 1990 йилда пахта ҳосилдорлиги толага нисбатан олганда Ўзбекистонда ҳар гектарга 8,4 центнердан тўғри келган, АҚШда бу кўрсаткич 7,2 центнерни ташкил қилган).

А.Л. Яншин бир томонлама мулоҳаза юритиб, бизга пахтанинг (пўлат, минерал ўғит каби маҳсулотлар каби) кераги йўқ, дея даъво қилган. Нима учун дейсизми? Гўё Ўзаро Иқтисодий Ёрдам кенгаши ва Европа давлатларига пахта толасини экспорт қилиш керак эмас, улар Мисрдан пахта сотиб олавериши мумкин эмиш. Бироқ пахта толаси экспортдан фақат харидор манфаатдорми? Пахта эвазига харид қилинадиган дори-дармонлар, асбоб-ускуналар ва аёлларнинг замонавий пойафзаллари бизга керак эмасмиди? Қолаверса, Ўзбекистонда етиштирилган пахтанинг фақат 6 % экспорт қилинар ва масаланинг ҳал этилиши бунга боғлиқ эмасди. А.Л. Яншин пахтага ортиқ талаб катта эмас, чунки халқаро вазият яхшилик томонга ўзгаргани учун ундан олинадиган портловчи моддага ортиқ ҳожат йўқ, деган фикрни ҳам ўртага ташлади.

Объ дарёси – Орол денгизи катта сув хўжалиги тизими яратилишига қарши кампания шу асно сиёсий майнавозчиликка айлантирилди. 80-йилларда биз учун мавҳум жиҳатларни узоқ мулоҳаза қилгандан кейин, ниҳоят бугун англаб етгандай бўлаётимиз. «Дарёларни буриш» лойиҳасининг обрўсизлантирилиши яхлит халқ хўжалиги комплекси ғоясига, пировард натижада Иттифокнинг яхлит давлат сифатида яшаб қолишига қақшатқич зарба эди. Бу кампанияда табиат захиралари устидан минтақавий суверенитет ўрнатиш ғоялари мужассам бўлиб, бу ғоя кейинчалик Иттифок

тарқатиб юборилганини қонунлаштирган суверенитетга оид декларацияларда ошқора тасдиқланди. Бу кампания Иттифоқ халқларининг муштарак тарихий тақдири ғоясини – биринчи галда РСФСР ва Ўрта Осиё ўзаро муносабатларини йўққа чиқарди. Ҳолбуки, айна халқларнинг яқиндан ҳамкорлик қилишлари, яъни ер майдонлари, меҳнат захиралари ва сув манбаларидан ҳамжиҳатликда фойдаланиш жуда катта имкониятлар эшигини очганди.

Сибирь дарёларининг сувлари келгусида минтақамизга олиб келинади, деб ишонган ўзбек ва туркман халқи мавжуд сув захираларини пахта етиштиришга аямай ишлатишди, пахта ҳосили эса, асосан, Россия марказига олиб кетиларди. Шундай пайтда қутилмаганда «Сув берилмайди!» деган шов-шувли кампания бошлаб юборилади. Бу кампанияни обрўли зиёлилар ошқора олиб борган бўлса, КПССнинг олий раҳбарлари очиқдан-очиқ қўлладилар. Мазкур ҳолат Ўрта Осиё халқлари томонидан қай тарихқа қабул қилинганини тасаввур қилиш қийин эмас. Оқибатда Иттифоқ негизига путур етди. «Дарёларни буриш»га қарши ҳаракатда «Беловежск битими» сари дастлабки қадамлар ташланганди.

### *37-боб*

## **ЗАНЖИРБАНД ИТЛАР**

Ўзбекистонда бу пайтга келиб тозалашлар янги босқичга кўтарилди – республиканинг собиқ олий мартабали раҳбарларини ҳибсга олиш бошланди. Биринчи бўлиб Т.Осетров қўлга олинди. У 1970 – 1983 йилларда Ўзбекистон Министрлар Совети Раисининг 1-ўринбосари, кейин салкам уч йил Ўзбекистон КП МКнинг 2-котиби лавозимида ишлаган. 1986 йил 13 декабрда ДХК органлари Осетровни ҳибсга олди ва Иттифоқ ИИВнинг 4-изоляторига қамаб қўйишди. Бу ерда унга қаттиқ тазйиқ ўтказилди, Ўзбекистонда ишлаган барча йиллар мобайнида порахўрлик қилгани, Ўзбекистон КП МК бутун раҳбарияти Ш.Рашидов раҳбарлигида қилган жиноятларни фош қилишга ундай бошлашади. Ўшанда Иттифоқ Ички ишлар вазирининг 1-ўринбосари Юрий Чурбанов ҳам камокқа олинди, Кремль раҳбарияти уни Л.Брежнев мафиясининг етакчиси сифатида

«асоссиз асосий айбдор» қилишни, уни ҳам «ўзбеклар иши»га қўшиб жазолашни мўлжаллаганди. Ю.Чурбанов терговда шундай деганди:

«Нима учун Ўзбекистонга тазйиқ кўрсатилаётгани ва сизларга бу борада катта имкониятлар берилганини сиз, терговчилар, ўзингиз ҳам билсангиз керак. Пахта билан боғлиқ ишлар ва қўшиб ёзиш ишларига Кремлда ким раҳбарлик қиларди? Албатта, Горбачёв – у МКда кишлоқ хўжалиги бўйича котиб эди. Уни Ўзбекистонда қандай кутиб олишганию иззат-хурмат кўрсатишганини менга айтиб беришган. Фақат Горбачёвнинг ўзи эмас, Марказдаги қатор одамлар қўшиб ёзишларни яшириб келган. Кутилмаганда бошқаларга ибрат бўлсин деб Ўзбекистонда жиддий иш бошланди. Балки улар ўзларини фош қилмоқчидир? Ҳеч қачон. Аксинча, айбни бошқаларга ағдаришмоқчи. Чунки буларнинг барчаси эртами-кечми аён бўларди. Токи ҳокимият ўзларининг кўлида ва барча ишлар ўзларининг назорати экан, буни хамирдан қил суғургандек уддалаб қўйишмоқчи. Ўзбеклар – ўғри, ўзлари – тўғри! Ҳозир Горбачёвни ким ҳам айблай оларди. Ҳеч ким!»

Чурбанов ҳақ бўлиб чиқади: ростдан ҳам ҳеч ким Горбачёвни айблай олмайди (фақат кейинчалик – Иттифоқ тарқаб кетиши арафасида бунга журъат қилишади). Лекин Сиёсий бюронинг бошқа аъзоси Егор Лигачёв номи тилга олинади. Бунга ҳам фақат Гдлян билан Иванов журъат қилади. Улар ўз хотираларида биз мана шундай жасорат ҳам кўрсатганмиз, дея уялмай мақтанган. Ҳолбуки, мақтанишнинг ўрни эмасди, чунки уларнинг ортида «Кремлдаги глаболистлар» турарди. Аксинча, Гдлян аллақачон тергов гуруҳи раҳбари лавозимидан маҳрум бўлиб қолмасдан прокурорлик текшируви натижасида фаолиятида аниқланган қонунга хилоф ишлари учун унинг ўзига нисбатан ҳам жиноий иш очилган бўларди.

Бироқ Лигачёвга кейинроқ ҳужум қилинди, ҳозирча Ўрта Осиёдаги қатағонларга зўр берилди. 1986 йил декабрда Ўзбекистонга қўшни Қозоғистон тазйиққа учрайди. Москва яна бир ғаразли ишга қўл уради. Қозоғистон раҳбари Динмуҳаммад Кунаев ишдан олиниб, ўрнига шунқор, Марказнинг ўз одами Геннадий Колбин тайинланади, Колбин бундан илгари уч йил Ульяновск обкоми 1-котиби лавозимида ишлаганди. Бу тайинлов Қозоғистонда норозилик келтириб чиқарди, пойтахт Олма-Отада ғалаёнлар бўлди, бу норозиликлар куч билан бостирилди. Шу асно Кол-

бин мазкур лавозимда қолди, бироқ республикадаги тинч вазият издан чиққанди. Москва бу борада ҳам асл башарасини фoш қилиб қўйди.

«Литературная газета»дек марказий газетада И.Беляевнинг «Ислом» мақоласи эълон қилиниши оловга ёғ қуйгандек бўлди. Бу мақолада ислом дини совет давлатига душман ва хатарли, мусулмонлар эса айёр ва хиёнаткор дея талқин қилинганди. Бу мақола бежиз эълон қилинмаганди: «Кремль глаболистлари» совет давлатининг байналмилал негизини емиришга оид ўз муддаоларини ортиқ яширмай қўйганди. Глаболистлар ўзлари вужудга келтиришни мўжаллаган яқин келажакдаги дунёда барча миллат ва элатлар ўзаро дўстона муносабатларда эмас, балки перманент урушлар олиб боришларини режалаштирар, айна шунинг эвазига ўзлари катта бойлик орттириб, шоҳона ҳаёт кечиришни ният қилишганди. Отнинг ўлими – итнинг байрами, деганларидек.

Ш.Рашидов каби Кунаев бошига ҳам оғир кунлар тушади: Москва бир гуруҳ қозоғистонлик раҳбарларнинг қафолатини олиб, уни қоралаш кампаниясини авж олдиради. Бу жараён 1987 йилда бошланади, Қозоғистон КП МК Президиумида Кунаевнинг олдинги фаолияти ҳар томонлама қораланади. Республикага чорак аср мобайнида раҳбарлик қилиб, уни равнақ топган ўлкага айлантирган раҳбар ҳақида нутқ сўзлаганларнинг бирортаси бир оғиз яхши гап айтмайди. Боз устига, Пленум қатнашчилари «партиявий ҳаёт қоидаларини қўпол бузгани, шахсга сиғинишни яратгани, кадрлар сиёсатини бузгани, ўзбошимчалик қилиши натижасида республикада протекционизм, хизмат лавозимини суиистеъмол қилиш, порахўрлик, коррупция, миллатчилик каби иллатлар авж олишига олиб келгани учун» Кунаевга нисбатан партиявий чора кўриш зарур деган хулосага келади.

Лекин кутилганидек, Кремль тайинлаган Колбин Қозоғистонда узoқ ишлай олмайди. Айна пайтда зиммасига юкланган вазифани ортиғи билан удалайди – улар мазкур республикалар ижтимоий ҳаётини издан чиқариб, саросима, тартибсизликни юзага келтиради. Шу тариқа Иттифoқ барбод бўлишини тезлаштиради.

1987 йил январь ойида, КПСС МКнинг навбатдаги Пленумида Горбачёв бемаъни сиёсатининг яна бир янги омилини ишга солди – «Ошқоралик» сиёсатини эълон қилди. Бу хайрли ташаббус эди, бироқ бу борада

ҳам бир ёқламаликка йўл қўйилди. Ҳамма гап шундаки, бу пайтга келиб А. Яковлевнинг жонбозлиги билан мамлакат оммавий ахборот воситаларининг катта қисми айнан либерал кайфиятдагиларнинг қўлида бўлиб, улар социалистик тузумни мустақкамлашни эмас, балки унга гўр қазिशни ният қилганди. Шу боис Горбачёвнинг «ошкоралиги» совет давлати ва халқи тарихини ёппа қоралашга куч берди. Бу борада, асосан, Сталин раҳбарлик қилган йиллар маломат тошлари остида қолди, бу ҳам бежиз эмасди. Сиёсатшунос С. Кургинян бунга ҳаққоний таъриф берганди:

«Сталинпарастлик» тарғиботи жамият ривожланишига йўл қўймаслик учун ўйлаб топилганди. Зотан, оқилона, қулай авторитаризм омилларисиз жамиятни бирон мақсад сари сафарбар қилиб бўлмайди. Бинобарин, тараққиёт билан қовушмайдиган ва, ҳатто унинг барча омилларини маҳв этадиган авторитаризм ҳам мавжуд. Лўнда қилиб айтганда, тараққиёт билан бирлашган мослашувчан авторитаризмнинг исталган жиҳатлари сталинпарастлик иллатлари, асоратларидир, шу асно тизимни сафарбар қилиб бўлмайди, деган хулоса чиқарилади».

М. Горбачёв ва унинг тарафдорлари қандай ишга киришганларини яхши билишарди: уларнинг мақсади тузумни сафарбар ёхуд ислох қилиш эмас, балки айнан барбод этиш эди. Бу борада кўп миллатли совет халқларининг дўстлигини йўққа чиқариш улар сиёсатининг негизини ташкил этди. Марказий Разведка Бошқармасининг дастлабки раҳбари Ален Даллес 50-йиллар бошида айнан мана шунга шама қилган, унинг фикрлари орадан ўттиз йил ўтгач, Горбачёв ва унинг тарафдорларининг дастурига айланди. Совет ОАВларида «ўзбеклар иши» зўр бериб тарғиб қилиниши бежиз эмасди: шу тариқа ўзбек халқи ҳаммаси ўғри, катта оға – Россиянинг зиммасига ўлигини ортиб олган боқиманда, деган фикрни бутун совет кишилари онгига сингдиришга ҳаракат қилинди. Оқибатда 1987 – 1989 йилларда совет матбуотида «ўзбеклар иши», «ўзбеклар мафияси»ни фош қилувчи тўрт юздан ортиқ мақола эълон қилинди. «Грузинлар», «арманилар» ёки «молдаванлар иши» эмас, балки айнан «ўзбеклар иши»ни фош қилиш авжга чиқарилди.

Бу тарғибот айнан А. Яковлев раҳбарлигида тобора кучайтирилди, хусусан, «Огонёк», «Советский экран», «Искусство кино», «Смена» журналлари; «Правда», «Аргументы и факты», «Московские новости», «Ком-

сомольская правда», «Собеседник», «Известия», «Советская культура», «Литературная газета», «Социалистическая индустрия», «Красная звезда», «Московский комсомолец» каби газеталарда – либерал нашрлар айнан Яковлев тайинлаган кишилар раҳбарлигида мазкур жараёнда етакчилик қилди. Бу нашрларда «Олтин устидаги заҳарли илонлар» ва «Заҳарини йўкотаётган кўзойнакли илонлар» («Правда»), «Халқлар отасининг паноҳида» («Огонёк»), «Мафияга дучор бўлдик» («Московские новости»), «Ўмарилган бойликлар» («Собеседник»), «Коррупция қатламлари» («Литературная газета»), «Порахўрлик» («Известия»), «Порахўрликда айбланилар» («Социалистическая индустрия»), «Қора кун учун жамғарилган миллионлар» («Московский комсомолец»), «Тергов давом этади» («Комсомольская правда») каби бемаъни маломатлардан иборат мақолалар эълон қилинганди.

Бу мақолалар совет кишилари тасавурида Ўзбекистонда ҳокимиятнинг барча поғоналарини ялпи порахўрлик қамраб олган, деган тасаввурни қасддан ҳосил қилар, шунингдек, ўзбеклар узоқ вақт мобайнида пахтани кўшиб ёзиш эвазига марказдан миллиардлаб сўмларни ўмарган, деган хулосага келишга ундарди. Кўшиб ёзишлар ҳақиқатан ҳам бўлган, бироқ Марказий матбуот кўрсатган даражада йирик миқдорда бўлмаган. Бу ерда ҳам Сталин йилларида катағон қилинган одамларнинг миқдорига каби найрангбозлик қилинган. Горбачёв қайта қуриши даврида либераллар бу рақамларни хилма-хил кўрсатган ва улар гўё 30 дан 100 миллионгача кишини ташкил этган деган тасаввур пайдо бўлган. Ўзбекистонда пахтани кўшиб ёзиш рақамлари ҳам, асосан, ҳаводан олиб ёзилган, яъни бўҳтондан иборат эди. Улар бир миллион кўп бўлди нима-ю, бир миллион оз бўлди нима, деган ақидага амал қилиб, катта хатоларга тап тортмай йўл қўйган. Жумладан, Тошкентда чиқадиган «Звезда Востока» журналида (1988 йил 3-сон) С.Усмонов шундай ёзганди: «1978 дан 1983 йилгача 4,5 миллион тонна пахта кўшиб ёзилган, шу йилги 12-сонига эса О.Гайданов бу борада 3,7 млн тонна рақамни кўрсатади – фарқ 800 минг тонна! С.Усмонов кўшиб ёзилган пахта эвазига олинган маблағни 2,8 миллиард рубль қилиб кўрсатса, Гайдановда бу рақам – 3 миллиард рубль – фарқ 200 миллион! Арманистонда чиқадиган «Коммунист» газетасида Гдлян-Иванов гуруҳининг аъзоси терговчи А. Карташян сира тап тортмасдан Ўзбекистонда ке-

йинги 3–4 йил мобайнида турли қинғир йўллар билан давлатнинг 4 миллиард рубль маблағи ўғирланганини даъво қилади. Кўриниб турибдики, мазкур рақамлар бир-биридан кескин фарқ қилаётир.

Нима фарқи бор дейдиганлар ҳам бўлиши мумкин. Гап шундаки, бунинг катта фарқи бор, чунки, биринчидан, миллиардлаб рублни ташкил қиладиган молиявий маблағ; иккинчидан, мазкур рақамларга нисбатан одамларнинг ишончи хусусида гап кетмоқда. Мазкур барча мақолаларда ўқувчиларга мақолалар муаллифларига ишониш тавсия қилинар, қўшиб ёзишга оид маълумотлар қайси манбадан олингани кўрсатилмасди. Пахтани қўшиб ёзиш билан боғлиқ рақамларни Ўзбекистонни «иттифок миқёсидаги порахўрликнинг маркази» сифатида кўрсатишдан манфаатдор кимсалар рўқач қилган. Совет республикаларига сохта ёки қониқарсиз вино етказиб берган Грузия, етиштирилган ғалла билан боғлиқ рақамларни бир неча баробар катта қилиб кўрсатган Украина эмас, балки айнан Ўзбекистонни ёмонотлиқ қилиш урф бўлган.

«Ўзбек мафия»сини фош этувчи мақолалар Иттифок Бош прокуратурасининг икки катта терговчиси Т. Гдлян билан Н. Ивановнинг фойдасига хизмат қилди. Агар бунга уларнинг радио ва телевидение (яна Марказдаги либералларнинг «Взгляд» ёки «Пятая колесо» каби кўрсатувлари ва эшиттиришлари) орқали турли чиқишларини ҳам қўшадиган бўлсак, ўша пайтда бу икки терговчи совет халқи орасида қанчалар машхур бўлганини тасаввур этиш мумкин. Бу «шуҳрат» бежиз эмасди: «Кремлдаги глаболистлар» уни атайлаб кучайтирганди, чунки Гдлян билан Иванов нафақат ўша даврнинг иқтидорли терговчилари, балки ўта бета-йин ва шуҳратпараст вакиллари ҳисобланарди. Уларга ҳамкасблари орасида мамлакат миқёсида катта шуҳрат қозониш муддаоси сира тинчлик бермаган.

Асли Грузияда туғилган арман миллатига мансуб Т. Гдлян мазкур жуфтлик етакчиси эди. Унинг таржимаи ҳолидаги айни шу жиҳат «мусулмонларга нисбатан тазйикни кучайтирган» қайта қуриш тарафдорлари учун жуда ҳам зарур эди. Арман миллатига мансуб кишилар ўша кезларда либерал кайфиятдаги қайта қуриш намояндаларининг кўпчилигини ташкил қилган. Жумладан, М. Горбачёвга энг яқин кишилар орасида улар бир неча кишидан иборат бўлиб, унинг яқин ёрдамчиси Г. Шахназаров, иқтисодий



масалалар бўйича маслаҳатчилари эса Абель Аганбегян билан С. Ситарян эди. Бундан ташқари, либералларнинг етакчилари: сиёсатшунос А. Мигранян, шоира С. Капутикян, журналист Зорий Балаян ва бошқалар марказий матбуотда тез-тез мақолалар эълон қилган.

Тельман Гдлян Горбачёвнинг яқин сафдошлари қаторида бўлмаса-да, узок вақт унинг тарафдори бўлган. Уларнинг ўртасига 1988 йилда раҳна тушади. Ўшанда Горбачёв «либераллар» билан «консерваторлар» ўртасида майнавозлик бошлаб, кутилмаган ишларга қўл уради, бу Кремлдаги арман миллатига мансуб гуруҳларни ташвишга солади. Шу асно юқори мартабали аксарият миллатдошлари каби Гдляннинг ҳам Горбачёвдан ҳафсаласи пир бўлади.

Ҳаммаси КПСС МКнинг 1987 йил июнь Пленумидан бошланади. Горбачёв даҳл қилиб бўлмайдиган мавзуга чанг солади: Арманистон Компартияси МКнинг раҳбарияти порахўрлик, чайқовчилик ва протекционизмга қарши кураш олиб бормаётганини очик айтади. Бош котиб тўғри гапирганиди. Бу ростдан ҳам ўша кезларда Иттифоқ таркибида порахўрлик ўта кучайган республика бўлиб, Кремль у ердаги ишларни тартибга келтиришга шошилмас, бироқ бошқа жойларда – Ўрта Осиёда бунга зўр берарди. Оқибатда 80-йиллар охирида Арманистондаги вазият шунчалик ёмон тус олдики, Бош котибнинг ўзи бунга эътибор қаратишга мажбур бўлади. Ҳолбуки, у ўрта осиеликларга нисбатан кавказликларга ҳамиша хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиб келганиди, қолаверса, Кремлдаги олий мансабни эгаллашида Кавказ гуруҳлари жонбозлик кўрсатганини яхши эсларди.

М.Горбачёв бундай баёнот бериб, нимадан умидвор бўлганини англаб бўлмайди, ахир арман миллатига мансуб тоифаларга Горбачёв иттифоқчи ва уларнинг манфаатларини намоён қилувчи шахс сифатида муносабатда бўлиб келарди. Бироқ у «хайрихоҳлари»га кутилмаганда ташланиб қолиши ишларнинг аҳволини ўзгартириб юборди. Натижада ўша йилнинг охиридаёқ Кремль учун муаммо пайдо бўлди – Тоғли Қорабоғда ғалаёнлар уюштирилди.

Мазкур мухтор вилоятнинг 75 минг аҳолиси Тоғли Қорабоғни Арманистон таркибига қўшишга оид мурожаатномага имзо чекди. Степанакертдаги митинглар оқибатида бутун мамлакатдаги минглаб завод-фабрикалар

иши тўхтади, бу миллионлаб кишиларнинг моддий аҳволини ёмонлаштириб, улар оддий арманилардан ўч ола бошлади: ўнлаб йиллар мобайнида яшаб келаётган минтақалар – Ўзбекистон, Туркменистон, Шимолий Кавказ ва бошқа жойлардан арманиларни мажбуран кўчириб юбориш бошланди. Ажабланарлиси шундаки, Москвадаги армани миллатига мансуб юқори доираларнинг намояндалари бу воқеаларга панжа орасидан қарашди, вазиятнинг шундай кескин тус олиши улар учун айни муддао эди. Қандай қилиб дейсизми? Улар бошқа республикалардан арманиларнинг мажбуран кўчирилишини қўллаб-қувватлагани ҳолда Арманистонда улар сони янада ортишини таъминлади, шунингдек, кескинликни янада ошириш учун зарур тажовузкор оломон шаклланишига замин яратиб берди.

1987 йил октябрь ойининг охирида Горбачёв Сиёсий бюродаги сўнгги мусулмон – Ҳайдар Алиевни Сиёсий бюро аъзолигидан чиқарди. Бу ҳам айнан армани гуруҳларнинг тазйиқи остида қилингани шубҳасиз, чунки улар мамлакат раҳбариятига ўз қарашларини куч бериб сингдиришга киришганди.

Ҳ.Алиев ҳикоя қилади: «Мамлакатда 1985 йилдан иқтисодий, ижтимоий соҳада барбод қилиш ишлари олиб борилди. Аҳоли турмуши оғирлашди, халқ ҳеч қачон бу даврдагидек ёмон яшамаганди. Мамлакатда ахлоқий-руҳий муҳит ўта таранглашди, миллатлараро зиддиятлар одатий ҳолга айланди, Иттифок инқирозга юз тутди, бошқариб бўлмайдиган жараёнлар авж олди. Горбачёв буларнинг барчасини қайта қуриш дея атарди. Айрим жараёнларни «кескин бурилиш» деб атаса, бошқаларини «муҳим ўзгариш», «қайта қуриш жиддий синовлардан ўтаётир» каби баҳоналар билан хаспўшларди.

Мен Иккинчи жаҳон урушидан кейин фақат Н.Хрушчёв раҳбарлиги даврида нон танқис бўлганини эслайман, холос. М.Горбачёв даврига келиб яна нон етишмовчилиги бошланди. Яна қаерда? Пойтахтда. Урушдан кейинги йилларда тамаки танқис бўлганини сира эслай олмайман. Қайта қуриш даврида бу яна такрорланганда, бунинг сабаблари бор дея даъво қила бошлади. Қандай сабаблар бўлиши мумкин? Ахир биз илгари қайта қуриш давридагидек кам тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқаргандик, лекин ўшанда ҳам тамаки етишмовчилиги бўлмаган.

Қайта қуриш даврида мамлакатда миллатлараро муносабатлар мураккаблашди. Лекин бу айбни ўтмишга, Сталинга, «турғунлик даври»га

тўнкашга уринишди, йўл қўйилган хатолар ҳақида ҳеч ким оғиз очмади, дарвоқе, барча миллатлараро зиддиятларни фақат ўтмиш билан изоҳлаш ноҳолислик ва адолатсизлик экани шундоқ ҳам аён эди. Сталин даврида ва ундан кейинги даврларда ҳам бу борада, албатта, хатоликлар бўлган, лекин айнан қайта қуриш йилларида бундай хатолар кўпроқ қилинди.

М.Горбачёв нутқларида ҳамиша ўзини ўзи инкор қиларди. 1990 йил бошидаги МК Пленумида қилган қисқа маърузасида атайлаб Тоғли Қорабоғдаги воқеаларга атрофлича тўхталади. Бироқ яна аниқ фикр билдирмайди: «Менимча, – дейди у, – бу муаммони Озарбайжоннинг яхлитлигидан келиб чиқиб ҳал қилиш зарур. Бинобарин, у бу масалада икки томонга ҳам ён босмасдан оралиқ мавқеини эгаллаган, гўё ўзаро уришаверинглар деган, ҳолбуки, давлат раҳбари бундай йўл тутиши мумкин эмас. Башарти, бу федерация, иттифок давлат экан у ҳолда иттифок давлати бунга дарҳол муносабат билдириши зарур. Бу миллатлараро муносабатдаги хато. Шуни унутмаслик керакки, қайта қуришгача Кавказортида озарбайжонлар билан арманилар ўртасида ҳеч қандай келишмовчилик бўлмаган: Озарбайжон КП МК 1-котиби бўлиб 14 йил ишлашган бўлсам, ҳар йили, баъзан йилда бир неча марта шу мухтор вилоятда бўлардим, бирорта ҳам одам уни Озарбайжон таркибидан чиқариб, Арманистонга бериш керак демаган. Тушунаяпсизми, ҳеч ким! Арманистонда айрим миллатчилар шундай фикр билдирган, режалар тузган, бироқ уларни Тоғли Қорабоғ аҳолиси қўллаб-қувватламаган».

Ҳ.Алиевнинг истеъфога чиқарилиши Тоғли Қорабоғдаги вазиятни янада кескинлаштирди. Қатор мутахассислар эътирофига кўра, агар Горбачёв Алиевни Сиёсий бюро аъзолигидан чиқармай Қорабоғга жўнатганда, бу кўнгилсизлик рўй бермаган бўларди. Бироқ М.Горбачёв бошқача йўл тутди: Алиевнинг баҳридан кечди, ўзи эса Г.Шахназаровни ёнига олди ҳамда Арманистон вакиллари – журналист З.Балаян ва шоира С.Капутикянни қабул қилди. Озарбайжон томонининг фикрларини эшитишни эса истамади. Кейинчалик таниқли дипломат В.Фалин аниқ таърифлагандек, Шахназаров ғояларининг маъзи: Иттифокни йўқ қилиш – эркинликнинг гаровидир, деган ақидадан иборат бўлган.

1988 йилда Қорабоғ келишмовчилиги ўта кескинлашди: озарбайжонлар билан қорабоғлик арманилар ўртасида қуролли тўқнашувлар бошлан-

ди. Қон тўқилди. Москва бундай шароитда Озарбайжон ва Арманистондаги коррупцияга қарши кураша олмас, шу боис бу масала табиий равишда кейинга қолдирилди. Эҳтимол, айти шу боис Ўзбекистонда коррупция билан кураш яна кенг кўламда давом эттирилди. Муҳими, бу пайтга келиб бундан қандай мақсад кўзлангани унинг қатор иштирокчилари учун аён бўлиб қолганди. Жумладан, В.Лобко шундай ҳикоя қилади:

«Пахта иши» бўйича шахсий фикрим шундан иборатки, у расмий доиралар овоза қилгандан ўзгача тусга эга эди. Бундай порахўрлик, давлат мулкани талон-торож қилиш ҳоллари бўлгани шубҳасиз. Бироқ, бундай ҳолатлар мамлакатнинг бошқа жойларидагига нисбатан Ўзбекистонда кўпроқ бўлган, деган фикрга қўшилмайман.

Бу республикага чинакам жанг майдонига отлангандек келганимни яширмайман. Лекин Ўзбекистонда бир муддат яшагандан кейин тасаввурим ўзгарди. Эндиликда «пахта иши»ни катта ва хатарли сиёсат бўлган, деб айта оламан. Ахир, ўзбек халқига қўйилган айб уларнинг асрий кадриятлари билан мутлақ қовушмас эди. Назаримда, мазкур тазйикнинг муаллифлари ўзбек ва рус халқлари, умуман, Ўзбекистонда яшаётган миллатлар ва элатлар ўртасида қатор йиллар мобайнида шаклланган дўстона биродарлик алоқаларини муносиб баҳолай олмаганди. Яна айтаман: ўша кезларда бутун Иттифоққа хос порахўрлик, коррупция каби салбий тамойиллар Ўзбекистонда ҳам мавжуд эди. Бироқ терговчилар аксарият ҳолатларда йўқ айбларни ҳам ўзбекистонликлар зиммасига юклашга зўр бердилар...»

1988 йил баҳорида Гдлян билан Иванов либерал кайфиятдаги яковлевчи матбуот нашрлари кўмагида фош қилишларнинг навбатдаги саҳифасини очишга уриндилар: «Кремль иши»ни очиб, Сиёсий бюродаги «консерватор раҳбарларидан бири Е. Лигачёвнинг оёғидан тортишга киришди. «Салтанатнинг итлари» (бу лақабни намойишчилардан ўз қулоғим билан эшитганман – *муаллиф*) лақабини олган бу олифта терговчиларнинг хулосасига кўра, Иттифоқнинг Брежнев бошчилигидаги деярли барча раҳбарлари, шунингдек, Ш.Рашидов раҳбарлигидаги Ўзбекистоннинг бутун раҳбарияти «Кремль иши»га дахлдор одамлар ҳисобланган. Айти пайтда Гдлян билан Иванов Кремлдаги ҳомийлари қанча ёрдам бермасин, ёлғиз ўзлари Ўзбекистонда ҳамма ишни тартибга солиши даргумон эди. Уларга бу бо-

рада Ўзбекистоннинг ўша пайтдаги раҳбарлари яқиндан ёрдам кўрсатади, улар шу тариқа ўзлари илгари қилган хатоларни хаспўшламоқчи, Москвани оғдириб олмоқчи бўлади. Лекин уларнинг бу умидлари пуч бўлиб чиқади. Рашидовни улар ёрдамида қоралаган Москва кўп ўтмай уларнинг ўзларини бир ёқли қилишга киришади. Бу борада ҳам «салтанатнинг итлари» – Гдян ва Иванов алоҳида жонбозлик кўрсатади.

Қисқа муддат ичида ғофил оломоннинг «авлиёси» даражасига кўтарилган бу шухратпараст терговчилар қўлга киритилган «ютуқлар» билан кифояланиб қолмасдан, ўзларининг ҳомийлари кўмаги билан қинғир ишларини қайсарлик билан давом эттиравердилар. 1988 йил май ойида бўлган КПССнинг XIX партия конференциясида улар Е. Лигачёвни порахўрликда айблаб, Ўзбекистон КП МКнинг ҳозирги раҳбариятидаги қатор шахсларни ҳам коррупцияга дахлдор деб овоза қилди. Бу баёнот жуда катта акс садо берди: оддий одамлар наздида бу икки терговчининг обрў-эътибори яна ҳам юксалиб кетди. Ҳатто омма орасида Гдянни Иттифоқ Бош прокурори этиб тайинлаш керак деган гаплар тарқалди. Қайта куриш бошини айлантириб қўйган оломонга имкон берилганда, шундай бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмасди.

Гдян билан Ивановнинг тепасида турганлар бундан қандай мақсадни кўзлагани ҳам аён. Улар Лигачёвни ҳам маломатга қолдириш ҳисобига Кремлнинг эътиборини уни ҳимоя қилишга қаратиб, Ўзбекистонни илгариги раҳбарларини ҳимоя қилишдан чалғитишни мўлжаллаганди. Ўша йилнинг январидаёқ Москва И. Усмонхўжаевни бошқа бир мансабдор – Р. Нишонов билан алмаштирганди. Эндиликда Р. Нишонов бемалол фаолият юритиши учун зарур шароитлар яратиш лозим эди.

Р. Нишонов бир пайтлар Ш. Рашидов билан бирга ишлаган: 1963–1970 йилларда Ўзбекистон КП МК бюро аъзоси сифатида мафкура учун жавоб берган, кейин маълум сабаблар билан сургунга – дастлаб Цейлон ва Мальдивга, кейин Урдунга элчи қилиб юборилган. Ш. Рашидовда унга нисбатан жиддий ғараз бўлмаган, керак пайтда ўз ёрдамини аямаган. Р. Нишонов XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида сўзлаган нутқида Ш. Рашидовни асоссиз танқид қилади.

Ўзидан аввалги раҳбарни фош қилишда Нишонов яққаланиб қолмади. Қозоғистон КП МКнинг ўша йил июлда бўлган Пленумида мазкур

республиканинг собиқ раҳбари Д.Кунаев мухолифлари томонидан яна танқидга учради. Умумий бўлим мудирини, яқин ўтмишда бирга ишлаган А.Бородин унга қарши нутқ сўзлади.

Қизиғи шундаки, Нишонов ва Бородин танқид қилган раҳбарлар даврида уларнинг республикалари мавжуд барча камчиликлардан қатъи назар, ривожланган ва раванқ топган. Уларнинг ўрнини эгаллаган ва Горбачёв билан қайта қуришга зўр берган раҳбарлар даврида эса таназзул рўй бериб, Иттифок барбод бўлишига олиб келган. Бунда гарчи барча одамлар каби айрим камчиликлардан холи бўлмаса ҳам, асосан, буюк ғоя учун сидкидилдан хизмат қилган илгариги раҳбарлар айбдор эмас, аксинча, ялтироқ шиорларга алданиб, унинг ортида ҳалокат турганини кўра олмаган янги бошлиқлар айбдор ҳисобланади. Қомусий олим Абу Али ибн Сино ўз асаридан шундай ёзган: «Ўлиб ётган заҳарли илонга қўнган пашшадан ҳам ҳазар қилиш даркор». Ўша ўлик заҳарли илон Горбачёвнинг қайта қуриши бўлди, унга қайси пашшалар қўнгани эса барчага аён.

Қайта қуриш йилларида жамиятдаги қанчадан-қанча жирканч тоифалар ҳам юзага чиқди. Улар узок йиллар мобайнида муайян бошлиқларга лаганбардорлик қилиб келганига қарамай, улар мансабдан кетиши ёки вафот этиши билан янги раҳбарларнинг шаънига ҳамду санолар айта бошладилар.

Айни пайтда партия конференциясидан кейинок Ўзбекистонда янгидан ҳибсга олишлар бошланди. Ўзбекистон КП МКнинг 1-котиби И.Усмонхўжаев ҳамда МК бюросининг бир неча аъзолари қамокқа олинди. Улар берган кўрсатмаларга кўра нафақат Ўзбекистонни, балки қатор бошқа республикалар, шунингдек, Москвани ҳам порахўрлик ўргимчак тўридай қамрагани ойдинлашади. Яна аввалгидек ғалати тартибда мазкур порахўрлик ўчоқлари рўйхатида Кавказорти республикаларининг номи қайд этилмайди, армани ва грузин миллатига мансуб бирорта ҳам юқори мансабли шахс жинойий жавобгарликка тортилмайди. Бироқ шу муносабат билан Рашидовнинг номи қайта-қайта тилга олинади, Гдлян эса Иванов билан бирга уни «иттифок мафияси»нинг бошлиғи даражасига чиқариб қўяди. Айни шу терговчилар Рашидов вафоти арафасида 100 миллион сўмни яшириб кетган деган миш-мишни тарқатадилар ва унга «Чингизхон хазинаси» деб ном берадилар.

Ўша йилларда Москвада «партиянинг олтинлари» тўғрисидаги миш-миш зўр бериб тарқатилади. Бу олтинлар изланмаган жой қолмайди, Л.Брежневдан тортиб қариндошларию собиқ Москва шаҳри раҳбари В.Гришингача уларни ўмарганликда айбланади. Кейин маълум бўлишича, бу миш-мишлар олтинни амалда ўмарган кимсалардан жамоатчилик эътиборини чалғитиш учун атайлаб тарқатилган экан. Ҳақиқатан ҳам бу бойликни Л.Брежнев тўдаси вакиллари ёки Гришин эмас, айнан «Кремль глаболистлари» ўғирлагани шубҳасиз. Аксинча, Галина Брежнева ичкиликка берилиши оқибатида қашшоқликда жон таслим қилмаган, Гришин арзимаган нафақа пулини қайта ҳисоблаш учун тегишли маҳкамага келган пайтида вафот этмаган бўларди.

Москва Ш.Рашидовни халқ хотирасидан ўчириб ташлашга қанча ҳаракат қилса, халқ унга шунчалик қаттиқ қаршилик кўрсатарди. Ўзбекистонда 1988 йилда «Рашидов ўлмаган, Эрондами, Мисрдами, ҳатто, Тошкент яқинидаги Ангрнда яшаётган эмиш» деган гаплар кенг тарқалади. Бу миш-миш шунчалик кенг тарқаладики, унинг муҳолифлари саросимага тушиб қолади. Марказий ва республика матбуотида кейинги икки йил ичида Рашидовни қоралаш мақсадида шунча кўп мақола чиқса-ю, халқ ҳамон уни меҳр билан эслаётган бўлса?! Собиқ раҳбарни аёвсиз фош қилганлардан бири, бизга маълум адиб Комил Икромов «Искусство кино» журналида (1988 йил сентябрь) ошкора ажабланиш билан шундай ёзганди:

«Рашидовни қандай дафн қилинганини минглаб одамлар телевидение орқали томоша қилган, кейинчалик жасади бу ердан қазиб олиниб, машҳур «Форобий» қабристонига кўмилганини ҳам ҳамма билади, шунга қарамай ҳамон халқ орасида «Рашидов тирик» деган миш-мишлар юрибди».

Умуман, ўзбекистонлик бу ёзувчи М.Горбачёвнинг ошкоралик йилларида либерал кайфиятдаги марказий матбуот нашрларидан барқарор ўрин эгаллайди. Қайта қуришнинг лойқа пўртаналари бундай фош қилувчиларни кўзга яққол ташланадиган жойга чиқариб қўйди, бир пайтлар фақат ижобий инсоний хислатларни васф этадиган бу хушфеъл зиёлилар Горбачёвнинг қайта қуриши йилларида дафъатан ўз аждодларининг хокини ҳақорат қиладиган мурдорларга айланиб қолди (хусусан, Икромовнинг ўзи Рашидовдан ташқари Ўзбекистоннинг яна бир раҳбари – Усмон Юсуповнинг номини қоралашга зўр берди, ҳатто, уни фош қилувчи фильм сценарийсини ёзди).

Холбуки, бу даврга кейинчалик жаноб либераллар «Брежневнинг энг авжга чиққан турғунлик даври» деган қора тамга босади. Лекин ўша кезларда Икромов бу давр ҳақида бошқача фикрда бўлган. Бинобарин, бутун ҳаётининг асосий китоби учун материаллар йиғаётгани, унда ўз ватани меҳнаткашларининг ютуқларини васф этишни мўлжаллаётгани ҳақида ҳаяжонланиб фикр билдиради. Демак, Ўзбекистон пахтазорларида, ноқоратупроқ ўлкаларда меҳнаткашларнинг мардона тер тўкаётганига гувоҳ бўлганми? Ёки виждонига хилоф иш тутганми: «ютуқлар ҳақида яна битта китоб» ёзаман-у, мўмай қалам ҳақи оламан (ўша йилларда бундай китоблар ўн минглаб нусхаларда босилар, жуда яхши қалам ҳақи ҳам тўланарди) деб ўйлаганми?

Орадан атиги ўн йил ўтиб, вафот этганига анча бўлган, бинобарин, ҳеч қандай эътироз билдира олмайдиган собиқ республика раҳбари ҳақида тап ортмай шундай ёзади:

«Рашидов собиқ Ички ишлар вазири Ҳ.Яҳёев ҳамда бутун дунёга машҳур А.Одилов билан бирга одамларни қийноққа солиш, ҳужжатларни сохталаштириш, хунрезлик каби ишларда устаси фаранг бўлган». Ёзувчи Рашидовга шундай айбловларни тўнкаган ҳолда уларни исботлаш учун бирорга ҳам далил келтирмайди. Зотан, ўша даврнинг публицистлари ишонарли далил қидириб жонларини койитмаган, бўҳтон қанчалар даҳшатли бўлса, одамлар унга шунча тез ишонади, деган геббельсча ақидага амал қилиб иш тутганлар.

Ш.Рашидов, Л.Брежнев ҳамда юқори мартабали бошқа совет арбобларини «фош қилиш» илгари ҳеч ким билмайдиган ёзувчилар, кинорежиссёрлар, шоирлар, публицистлар, журналистларни, шунингдек, икки терговчи Гдлян ва Ивановни машҳур қилиб юборгани, шубҳасиз. Бу икки терговчи ОАВларда бўҳтонлар эвазига санокли ойлар мобайнида гўё ҳолис демократлар сафида ярқ этиб кўзга ташланди. Булар аслида демократлар эмас, дуч келганга қора бўёқ чаплайдиган кимсалар экани кейинчалик маълум бўлди. Эсли-хушли миллионлаб одамларни қандай қилиб чув туширишганига сира ишонгинг келмайди: минбарга чиқиб олиб «Брежнев мафияси» ҳақида жар солиб, қўлингда бир даста далил-исботлар борлигига шама қилсанг бас, барча оломон сенга маҳлиё бўлиб, мамлакат Бош прокурори этиб сайлашга ҳам тайёр бўлади-қолади. Бироқ қайта қуришни



бошлаган ҳукмрон доиралар амалда қандай ёвуз кучларни етиштирганини кўп ўтмай англаб қолади ва уларнинг жиловини тортишга киришади. Бироқ кеч бўлганди: эс-хушидан айрилган омма ўз арзандаларини химоя қилиш учун майдонларга ёпирилади, уларнинг ҳомийлари фақат шу билан кифояланиб қолмасдан қайта куришнинг охирларига бориб, айнан кимнинг тарафида эканини ҳам ошкор этади. Шунинг учун Гдлян билан Ивановни ҳибсга олишларига йўл қўймаслик, депутатлик дахлсизлигидан (улар 1989 йилда депутат бўлишган) маҳрум қилмасликлари учун уларни Арманистондан депутат қилиб сайлашади. Боз устига Т.Гдляннинг (ўша кезларда оломоннинг яна бир арзандаси – жанжалкаш журналист Евгений Додолевнинг китобини ҳам) «Қонунсизлик даврининг мафияси» деган кинояли ном билан Арманистон Компартияси МКи 200 минг нусхада нашр қилади. Профессор Сурен Золян китобга сўзбоши ёзади. С.Золян булбулдай сайраб шундай ёзганди:

«Гдлянга қойилмақом ишни ниҳоясига етказиши учун имкон беришмади. У моҳир изкувар, оташин нотик сифатида фош этган кимсалар қасосдан кутулиб қолди. Бироқ у сотилмади ҳам, иродаси ҳам синмади, ҳақиқатни айтишдан ҳам тўхтамади, жуда катта кучларнинг тазйиқига мардона бардош бериб, халқнинг хотирасида ғолиб сифатида қолди».

Бу ҳам учига чиққан маддоҳлик. Буларнинг барчаси, албатта, содда ва осонгина ишонадиган омма учун мўлжалланганди. Муҳими, салгина бўлса ҳам чуқур мулоҳаза қиладиган одамлар Гдляннинг фош қилишлари тагида асли қандай мақсадлар ётганини яхши билишарди. Бинобарин, Гдлян тергов ишларини Ереванда ҳам бемалол давом эттириши мумкин эди. Ўзининг китоби чоп этилган босмаҳона ёнида жойлашган Арманистон Компартияси МКга кириб ўша пайтдаги МКнинг бирорта мансабдори, ҳатто Биринчи котибига нисбатан ҳам жиноий иш очиш имконига эга бўлган. Кейин эса ўша Е.Додолев билан бирга «Қонунсизлик даври мафияси: «арманилар иши» деган китобни ёзган бўларди. Шундай қилганда балки мафия билан курашувчи мард терговчи сифатида ном қозонган бўлармиди? Амалда эса хўжайини кимга қарши гиж-гижласа, ўшанга ташланадиган «салтанатнинг қопоғон ити» сифатида халқ хотирасига муҳрланди.

## ХОТИМА

Вақт – энг олий ҳакам. Ш.Рашидов таваллудининг 75 йиллиги 1992 йил ноябрда мустақил Ўзбекистонда кенг нишонланди. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.Каримов шу муносабат билан ўтказилган тантанали йиғилишда Ш.Рашидовнинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида катта маъруза қилди. Маърузадаги қуйидаги фикрлар алоҳида эътиборга молик:

«Шароф Рашидовдан бизларга ва келажак авлодларга катта мерос қолди. Бу мероснинг қиммати шундаки, Шароф Рашидов камтар, ниҳоятда беғубор ва софдил инсон бўлган. Садоқатли фуқаро ва раҳбар сифатидаги фазилатлари биз учун ибрат ҳисобланади.

Ҳар бир одам ўз дунёқарашини, хулқи ва тарбиясини, тафаккур тарзидан келиб чиқиб яшайди ва фаолият юритади, ҳаётда из қолдиради. Шу нуқтаи назардан Шароф аканинг тафаккур тарзи ва қилган ишлари, уларнинг уйғунлиги ҳамда кўпқиррали самарали фаолияти бизларга ишлашда ва ҳаётда йўлчи юлдуз вазифасини ўтайди. Албатта, Шароф Рашидов фаришта бўлмаган. Дарҳақиқат, фақат Парвардигори олам барча гуноҳлардан холи. Ш.Рашидовнинг фаолиятида ҳам нуқсонлар ва хатолар бўлган. Лекин шахсан менинг ишончим комил: Шароф Рашидов таниқли давлат арбоби сифатида нимаики қилмасин, энг аввало Ўзбекистон, халқнинг манфаатлари ҳақида ўйлаган.

Ўзбек халқининг эзгу номини улуғлаш, унинг ажойиб хислатларини бутун дунёга кўрсатиш учун Рашидов кўлидан келган барча ишларни қилди. Шу боис унинг ишлари, катта режалари одамларнинг кўнглида акс садо берди, у айна шу боис умумхалқ муҳаббатини қозонди. Мазкур тантаналар муносабати билан биз халқимиз, бутун диёримиз учун зарур айрим хулосалар қилишимиз керак.

Биринчидан, Шароф Рашидовнинг номини ёмонотлиқ қилиш кампанияси нафақат уни давлат арбоби сифатида қоралашга, балки бутун мамлакат ва халқни бадном қилишга қаратилганди. Ғанимлар ғаразли мақсадларига қисман эришди – улар бошқа халқларни «ўзбеклар иши», «пахта иши» каби уйдирмаларга қисқа вақтга бўлса ҳам ишонтира олдилар. Бироқ бу бўҳтоннинг ҳам одатдагидек умри қисқа бўлди. Ўзбек халқи қандай фазилатларга эга ва қандай шарафли ишларга қодир эканини бугун бутун дунё кўриб турибди. Бугунги кунда Шароф Рашидов номи-

ни оқлар эканмиз, бунда ўзбек халқининг шаънидаги доғларни тозалаш бўйича камтарона, лекин оқилона катта ишнинг бир бўлагини кўришимиз зарур.

Иккинчидан, халқ шаънини булғашда бизнинг ғанимларимиз жуда маккорона йўл тутди. Бу кампанияни ўзбек халқи ичидан етишиб чиққан юқори мартабали кишиларнинг, шунингдек, бошқа одамларнинг қўллари билан амалга оширишди. Бу жирканч иш халқимиз ўртасига рахна солиш учун қилинганди. Яхшиямки, биз буни ўз пайтида пайқаб қолдик. Натижада миллатимиз вакиллари яхши-ёмонга ажратмадик. Лекин ҳақиқий айбдорларни фош қилдик. Уларни Худога солдик.

Яқин ўтмишдан олинадиган учинчи сабоқ шундан иборатки, биз кўр-кўрона, сўзсиз итоат қилиш иллатидан имкон борича тез халос бўлишимиз керак.

Тўртинчидан, республикамиз узра мустақиллик шабадалари кезиб юрган бугунги кунда ўз Ватанимизни ўзгалар ихтиёрига бериб қўймаймиз. Ўз одамларимизнинг тақдири учун ўзимиз жавобгар эканимизни яна ҳам теран англаб олишимиз зарур.

Бешинчидан, 80-йиллардаги қатағонлар чоғида туҳматчиларнинг олдида бош эгмаган ҳамда ўзининг ва халқнинг ор-номусини мардона ҳимоя қилган одамларга ўзимизнинг самимий миннатдорчилигимизни билдирамиз. Ўз халқининг, ўз Ватанининг тоза шаъни учун курашган жасоратли одамларга бугун мана шу юксак минбардан раҳматлар айтаман. Ўйлайманки, тарихчиларимиз, адабиётчиларимиз, матбуотимиз мазкур мард одамларнинг исм-шарифи ва тимсолларини келажак авлодлар учун абадийлаштиришлари керак.

Олтинчидан, ҳаётда сўз ва иш бирлиги, тарихий адолат борлигига, келинлар, ёшларни ишонтирайлик.

Ниҳоят, Шароф Рашидовга нисбатан қилинган ноҳақликни тўғрилайлик, тарих олдида, келажак авлодлар учун бу инсонга муносиб иззат-ҳурматни тиклайлик. Айни пайтда ўз яқинларига туҳмат қилган, ўз халқини сотган, мамлакатининг шаънига қора чаплаган кимсалар ҳам муносиб баҳосини олсин ва тарихдаги ўз ўрнига қўйилсин. Агар шундай қилсак, ўзбек халқига хос хислатни яна бир бор намоёиш қилган бўламиз. Аждодларимизнинг барҳаёт руҳи, қолаверса, келажак авлодлар олдида бошқача йўл тутишга ҳаққимиз йўқ. Бу – ўзбек халқининг иродаси!..»

## МУНДАРИЖА

«Ўзбек иши»га адолатли ёндошилган илк хорижий асар. Акмал САИДОВ.....	3
Китобнинг ўзбекча нашрига сўзбоши.....	13
Кириш .....	18

### I ҚИСМ ЎҚИТУВЧИЛИКДАН РАҲБАРЛИККАЧА

1-боб. Жўшқин Осиё.....	20
2-боб. Оддий деҳқон фарзанди... ..	27
3-боб. Амир Темур дастпанжаси .....	37
4-боб. Иккинчи жаҳон уруши .....	41
5-боб. Журналист ва адиб.....	50
6-боб. Президент .....	64
7-боб. Ўзбекистонда юксалиш.....	77
8-боб. Найранглар исканжасида .....	93

### II ҚИСМ АРОСАТ ДАВР

9-боб. Уч кун ва икки кеча .....	107
10-боб. Пойга ёки «Америкага етиб олайлик ва ўзиб кетайлик».....	130
11-боб. Икки ўт орасида .....	140
12-боб. «Кариб денгизи инқирози».....	157
13-боб. Муаммолар гирдобида .....	164
14-боб. Хрушчёв билан зиддият .....	174
15-боб. Хрушчёвга қарши фитна.....	193
16-боб. Рашидовга зарба .....	202
17-боб. Хуфиёна миллионерларга қарши кураш.....	223
18-боб. Рашидовга навбатдаги зарба.....	228
19-боб. Тошкент – дўстлик шаҳри.....	241
20-боб. Ўзбекистоннинг икки олтини.....	261

21-боб. Қилич тиғи устида .....	273
22-боб. Озарбайжон полигони .....	290
23-боб. Муסיқадан киногача .....	303
24-боб. Тошкент гангстерлари .....	314
25-боб. Грузия полигони .....	319
26-боб. Висоцкий. Яхудийлар, «Пахтакор» ва хиндулар .....	331
27-боб. Номенклатура учун супурги .....	339
28-боб. Шарқ юлдузи .....	347
29-боб. Кремль фитналари .....	359
30-боб. «Инқироз» кўланкаси остида .....	390
31-боб. «Пахтакор» ҳалокати .....	395
32-боб. Афғон қопқони .....	415
33-боб. Фожиа арафасида .....	420

### III ҚИСМ СИР САҚЛАНГАН ҲАҚИҚАТ

34-боб. Кремль глаболистлари .....	438
35-боб. Андропов десанти .....	452
36-боб. Бошқарилган бошбошдоқлик .....	474
37-боб. Занжирбанд итлар .....	501
Хотима .....	516

**РАЗЗОҚОВ, Фёдор**

**Р 18** Шароф Рашидов: ҳаёт ва мамот (Матн) / Ф. Раззоков. – Тошкент: «O‘zbekiston» НМИУ, 2020. – 520 б.

ISBN 978-9943-25-984-3

**УЎК 328.185(575.1)**

**КБК 66.3(5Ў)3**

*Ижтимоий-сиёсий нашр*

**Фёдор РАЗЗОҚОВ**

Рус тилидан Абдуҳамид ПАРДАЕВ таржимаси

**ШАРОФ РАШИДОВ:**

**ҳаёт ва мамот**

*Муҳаррир И. Аҳмедов*

*Рассом Б. Зуфаров*

*Техник муҳаррир Т. Харитонов*

*Кичик муҳаррир М. Салимова*

*Мусахҳихлар: М. Ишонхонова, С. Салоҳутдинова*

*Компьютерда саҳифаловчи Н. Аҳмедова*

Нашриёт лицензияси АИ №158, 14.08.2009.

Босишга 2020 йил 12 майда рухсат этилди. Офсет қоғози. Бичими 70×90<sup>1/16</sup>.

«Times» гарнитурасида офсет усулида босилди. Шартли босма табоғи 38,03.

Нашр табоғи 27,63. Адади 3000 нусха. Буюртма № 18-601.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги  
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг «O‘zbekiston» нашриёт-матбаа  
ижодий уйи. 100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30


Телефон: 71-244-87-55, 71-244-87-20

Факс: 71-244-37-81, 71-244-38-10.

e-mail: [uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz](mailto:uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz)

[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)





**Фёдор Раззоқов** 1962 йилда Москва шаҳрида туғилган. Пойтахтдаги 325-мактабда таҳсил олган. Армия сафида хизматдан кейин Н.Крупская номидаги Москва вилоят педагогика институтининг тарих факультети кечки бўлимида ўқиб, турли ташкилотларда фаолият юритган. 1994 йил биринчи китоби нашр этилди. Муаллифнинг ҳозиргача Россиядаги турли давр воқеаларига бағишланган 125 дан ортиқ китоблари чоп этилган. Фёдор Раззоқов ижоди мамлакатимиз билан чамбарчас боғлиқдир. Халқимизнинг ардоқли фарзанди атоқли давлат ва жамоат арбоби, адиб

Шароф Рашидович Рашидовнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ХХІ асрнинг дастлабки ўн йиллигида россиялик ёзувчиларидан биринчи бўлиб батафсил асар яратган. Китоб 2009 йилда Москвада «Коррупция в Политбюро. Дело красного узбека» номи билан нашр этилди. Ушбу китоб 2012 йилда «Дело, взорвавшее СССР» деб номланиб қайта нашрдан чиқарилди. Чоп этилган ушбу китоб юқоридаги нашрларнинг тўлдирилган вариантыдир. 2019 йилда Москвада «Спаси Рашидова» номи билан янги китоб нашр этилди. Бу улуғ ватандошимизга бағишланган биринчи бадий асардир.

Фёдор Раззоқов 2017 йил ноябрь ойида Жиззахда ўтказилган Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллиги тантаналарида Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг расмий меҳмони сифатида иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий конференциясида нутқ сўзлади. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бир қатор ҳамкасблари билан учрашди.

«O‘ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-25-984-3



9 789943 259843